


**X. Xасанов**

*География фанлари доктори, профессор,  
ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби*

**САЙЁХ  
ОЛИМЛАР**



ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН»  
1981

Қўлингиздаги китобда ўртаосиёлик ва хурросонлик сайдарлар ва географ олимларнинг жаҳон фани ва маданияти хазинасига қимматли ҳисса қўшганлиги, уларнинг ҳаёти, ижодий фаолиятлари ва саёҳатлари оммабол тилда, очерк тарзида баён қилинган.

Китоб Урта Осиё ва қўшнимиз Афғонистон география фани тарихи, сайдар олимларнинг ҳаёти ҳамда асарлари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига, ўқитувчилар ва студентларга мўлжалланган.

Рецензент  
филология фанлари кандидати  
*A. Ирисов*

X  $\frac{20801-51}{M351(04)81}$  81—0505040000

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1981 й.

## МУҚАДДИМА

Ўрта Осиё ер юзининг энг қадимий сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан биридир. Ўртаосиёликлар дунё тарихига, кишилий маданиятига улуғ ҳисса қўшган, сўнмас ёдгорликлар яратган халқлардандир.

Бу меросимизнинг бир қисми табииёт фанлари, хусусан география соҳасида бўлиб, тилга олиш, ўрганиш, тарғиб қилиш ва фахрланишга арзиди. Аммо илмий меросимизни текширишда айrim қийинчиликлар учрайди. Дастлаб, қўллэзмаларнинг бутун эмаслиги — талай қисмининг йўқолиб кетганлиги, борларининг ҳам жуда тарқоқ ҳолда, дунёнинг турли мамлакатларида, турли кутубхоналарида сақланётганлиги ва булар тўғрисидаги маълумотлар етарли эмаслиги ҳар бир тадқиқотчининг ишини оғирлаштиради.

Маълумки, Абу Райҳон Беруний 150 тача асар ёзган. Ҳозир шулардан 30 тачасигина «омон» қолган, Заҳириддин Бобирнинг шоҳ асари «Бобирнома»нинг ярмидан кўпроғи қўллэзма ҳолидаёқ йўқ бўлиб кетган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, ўртаосиёлик олимларни талай вақтгача «араб олими», «эрон олими» деб чалкаштириб келганлар; бу бир томондан, умуман фан ва маданият тарихига буржуача қараш бўлса, иккинчи томондан, ўртаосиёликларнинг ва хуросонликларнинг меросини камситиш бўлади.

Хайрият, атоқли совет олимлари С. П. Толстов, Т. Н. Қори ниёзий, М. Е. Массон, И. И. Умняков, Ю. Е. Боршчевский, Яҳё Гуломов, Б. Фофуров, И. М. Мўминов, Б. А. Розенфельд, П. Г. Булгаков, О. И. Исломов, У. Қаримов, Б. Аҳмедов, А. Үринбоев, А. Ирисов, И. Абдуллаев, И. Низомиддинов ва бошқаларнинг асарлари китобхонларни ўртаосиёлик кўпгина олимлар билан таништиришга ёрдам берди.

Улуғбек, Беруний, Бобир, Ибн Сино, Форобийнинг юбилейлари шарофати билан, XIX аср иккинчи ярмидаги илғор маърифатпарварларнинг фаолиятини ёритиш борасида фан ва маданиятимиз тарихининг янги саҳифалари очилди, улуғ ва доношишиларимиз аниқланди, уларнинг хизматлари тақдирлана бошлади. Ниҳоят, Ўзбек Совет Энциклопедиясининг нашр этилиши кўп йиллик ижодий тадқиқотларга якун ясади. Атоқли

рус шарқшунослари В. В. Бартольд ва И. Ю. Крачковскийнинг кўп йилларда чуқур тадқиқотлари ҳам талай муаммоларни ойдинлаштириди.

Сўнгги йилларда чет эл шарқшунослари орасидан ўртаосиёлик олимларга алоҳида эътибор бериб, мақола ёзаётганлари чиқиб қолди. Афсуски, Эронда ва Араб мамлакатларида нашр этилаётган янги асарларда ўрта асрларда яшаган олимларимизнинг деярли ҳаммаси «форс олими», «араб олими» деб ҳамон даъво қилинмоқда.

Биз, араб, форс маданиятининг ўртаосиёлик ва хурросонлик олимлар ижодига таъсирини инкор этмоқчи эмасмиз. Қўпчилик китобларнинг араб-форс тилида ёзилганлиги ўша таъсирининг яққол далилидир. Ўртаосиёлик олимларни «араб» ёки «форс» олими дейиш учун шунинг ўзигина асос бўла олмайди, ахир. Масалан, Абу Райхон Беруний Хоразмда туғилиб, вояга етган, демак, қадимий хоразмликлар тилида сўзлашган. Хоразмда ўша даврда қорақалпоқ, ўзбек, туркман ва тоҷикларнинг аждодлари яшаганлар. Олим Эрон ва Ҳиндистонда яшаган, умри нинг охирини Афғонистонда ўтказган. Асарларини араб тилида, қисман тоҷик-форс тилида ёзган, бир қанча ўзбекча (туркий) сўзларни ҳам ишлатган. Нега энди у араб олими бўлсин?

Бошқалар тўғрисида ҳам шундай эътироzlар билдириш мумкин. Маълумки, араб фанининг фақат тили арабча эди, араб тили эса бамисоли Шарқнинг латини бўлган; ҳақиқатда «араб фани»ни арабларнинг ўзи билан бир қаторда, Эрон, Закавказье, Кичик Осиё, Ўрта Осиё, кейинчалик Испания олимлари яратган.

Шу билан бирга, Ўрта Осиёдаги кўпгина олимларни суриштирмай-нетмай, ёппасига «ўзбек олимлари» деб аташ ҳам мақбул эмас, чунки улар орасида тоҷик, туркман, қозоқ, қирғиз, ўйғур халқларининг узоқ ўтмишдаги фарзандлари ҳам бор. Демак, ўртаосиёлик ҳар бир халқ бу олимлар билан фахрлана олади.

Беруний ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ халқларининг, ҳам тоҷик, ҳам афғонларнинг фарзанди. Одиллик ва объективлик яна шуни тақозо этадики, Беруний эронийларнинг ҳам, ҳиндларнинг ҳам фарзанди. Ибн Синони тоҷиклар ҳам, ўзбеклар ҳам, эронийлар ҳам ўзиники деса бўлади. Маҳмуд Кошғарий ўйғур, қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, турк ва татар халқларининг аждодидир. Хивалик Абулғози Баҳодирхон ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқларининг фарзанди ҳисобланади. Ҳуллас, уларнинг ҳаммаси ўртаосиёлик олимлардир. Бу олимларни «Шарқ олимлари» дейиш маъқулроқдир; баъзан қўлланиладиган «мусулмон олимлари», «араб тилида ёзган олимлар», «туркий олимлар», «форсий олимлар» каби иборалар бир ёқламадир; ўрта асрлар фани тарихини ёзганда, биз «Ўрта Осиё ва Хурросон олимлари» («ўртаосиёлик ва хурросонлик олимлар») иборасини ишлатиши маъқул кўрдик.

Ўрта Осиё деганда, унинг маъмурий маъносида, тўртта Совет Социалистик республикаси—Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон ва Туркманистон тушунилади. Хуросон эса ўрта асрларда Амударё чап соҳилининг жануб томонида жойлашган вилоятлар—Балх, Ҳирот, Машҳад ва Қаспий бўйигача чўзилган ерлардир. Ҳозир Хуросон уч мустақил давлат доирасига кирган: Ғарбий Хуросон—Эрон давлатида, Жанубий Хуросон—Афғонистон заминида, Шимолий Хуросон—СССРда, унинг Туркманистон қисмидадир.

Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларининг халқлари XVII асрчагача сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан яқиндан алоқа боғлаб турганлар. Бухоро, Самарқанд, Ҳоразм ва Фарғона ўз вақтида йирик маданият марказлари бўлганидек, Ҳирот, Балх ва Ғазни ҳам шундай йирик марказлар бўлгандар. Айни вақтда Ўрта Осиё ва Хуросон билан Ҳиндистон ўртасида ҳам иқтисодий ва маданий алоқалар давом этган.

Совет шарқшуноси Б. Н. Заходер халифалар даврининг географик меросини ўрганиш тўғрисидаги мақолосида «Ўрта Осиё—Хуросон географик мактаби бўлганлигини ва бу гуруҳ «классик араб географиясидан материалнинг тақсимланиши ва ҳажмига кўра» фарқ қилишини исботлаб берди.

И. Ю. Крачковский: «Х асрдаги географик асарларнинг асоси Ўрта Осиёда, балхлик олим қўли билан яратилган. Шарқдаги бу маданият вилоятининг маркази Ҳоразмдир, кенгроқ маънода, бутун Ўрта Осиёдир» деб ёзган. Хуросоннинг шарқида (Ўрта Осиёда) яратилган география билан Ўрта дengизга яқин районларда ёзилган географик асарлар орасида фарқ борлигини В. Минорский ҳам эслатиб ўтган.

Бу китобни ёзишдан мақсадимиз — Ўрта Осиё ва Хуросонда туғилиб ўсан, шу ерларда хизмат қилган ёки турли сабаблар билан узоқ ўлкаларга кетиб қолиб, у ерларда ҳам обрў қозонтан, умуман, Шарқ оламида донишмандликлари билан донг чиқарган, дунё фанида ёрқин из қолдирган муҳтарам ватандошларимизнинг илмий фаoliyatini ўрганиш ва қисқача бўлсада баён этишга интилишдир, токи шу чоққача тўла тушунарли бўлмаган нарсаларни тушуниб олиш мумкин бўлсин.

Буюк рус танқидчиси В. В. Стасов Ўрта Осиё маданиятини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида бундай деган эди: «Қаерни қазисанг ҳам, ҳамма ерда ажойиб осори атиқалар топилади..»

Скифларни ўрганиш қадимий тарихимиз учун қанчалик муҳим бўлса, Ҳоразм ва Сўғд халқлари тарихини ўрганиш ҳам шунчалик муҳимдир. Ўрта Осиё маданиятини ўзимизда бўлган материаллардан ўрганмай, хорижийлар Ўрта Осиёдан Париж, Лондон ёки Берлинга олиб кетган материаллар асосида ўргансак, уят бўлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В. В. Стасов об искусстве Средней Азии. «Советская этнография», № 4, 1951, 137-бет.

Биз юзлаб буюк олимлар орасидан фақат табиатшунос, географ, картограф ва сайёхларни танлаб олдик. Уларнинг асарларини, саёҳатлари тўғрисидаги, табиий география, картография, терминология, топонимика, иқлим соҳасидаги меросини таҳлил қўлмоқчи бўлдик ва ўртаосиёлик табиатшунос ва географларни ҳақиқий араб ва форс география фанига ҳам асос солган отахонлар қаторига дадил қўшиш тўғри бўлар эди, деган хulosага келдик. Олимларимизнинг асарлари араб тили орқали Европага ҳам бориб етган, латин тилига таржима қилинган ва Европа фанининг ривожланишига ҳам таъсир этган.

Шу муносабат билан «Правда» газетасининг 1937 йил 10 сентябрь сонидаги «Географияни аъло даражада ўрганийлик» сарлавҳали бош мақоласини эслаб ўтиш ўринидир. Бу мақолада география фанини ўқитишининг бир қанча масалалари билан бир қаторда, бу фанин ва саёҳатлар тарихини ўрганишга доир муҳим йўл-йўриқлар берилган эди. Мақоланинг темамизга тегишли сатрларини көлтирамиз: «География шу қадар зефиркарли қилиб ўқитилади, унинг Ватанимиз ҳаёти ва тарихидан ажратиб қўйилганлиги қўйидаги мисолдан ҳам яққол кўриниб турибди. Уқувчиларимизнинг турли саёҳатлар билан ҳамда машҳур табиатшуносларнинг ҳаёти билан ниҳоятда қизиқишли ҳаммага маълум. Аммо улар рус сайёҳлари тўғрисида ҳеч нарса ўқимаётирлар. География ўқитувчилари уларга ўз ватандош сайёҳлари тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмайдилар. Натижада ўқувчиларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашнинг жуда қимматли воситаси фойдаланилмаётир. Ахир, ўқувчиларимиз Миклухо-Маклай, Пржевальский, Козлов ва бошқа машҳур рус географлари ҳамда сайёҳларининг фамилияларини эшитганда ҳайратда қоладилар.

География фанини, машҳур рус сайёҳларининг кашфиётлари ва фаолиятини география ўқитувчиларигина эмас, ҳатто ёзувчиларимиз ҳамда нашриётларимиз ҳам унугиб қўйганлар.

Рус география фани тарихига, буюк рус сайёҳлари ва географларининг ҳаёти ва ижодига эътиборсизлик билан қараш—ёш авлодни тарбиялашда география фанининг аҳамиятини тушунмасликдан келиб чиққандир».

«Правда»нинг бу кўрсатмалари аллақачон амалга оширилди. Ҳозир мактаб программалари ва дарсликларида рус сайёҳларининг (Афанасий Никитин, С. И. Дежнев, М. В. Ломоносов, В. Беринг, И. Ф. Круzenштерн, Ю. Ф. Лисянский, Ф. Ф. Беллинсгаузен, М. П. Лазарев, П. П. Семёнов-Тяншанский, А. П. Федченко, Н. М. Пржевальский, Н. Н. Миклухо-Маклай, Г. Я. Седов, В. А. Обручев ва бошқалар) фаолиятига етарли эътибор берилмоқда. Айни вақтда «Правда»нинг ўша муҳим танбиҳи ва кўрсатмалари Ўрта Осиё географияси тарихига ҳам тааллуқлидир.

Аммо дунё географиясининг умумий тарихига доир йирик монографияларда ўртаосиёлик олимларга тегишли ўрин берил-

маган. Чукончи, Дж. Бейкернинг географик кашфиётлар ва текширишлар тарихи ёзилган китобида «Албируни» тўғрисидаги маълумот ярим бетдан ошмайди. И. П. Магидовичнинг «Географик кашфиётлар тарихидан очерклар» асарида Хоразмий тўғрисида 2 сатр, Беруний тўғрисида 9 сатр ёзилган, холос. Университет студентлари учун мўлжалланган география тарихи программаси ва қўлланмасида «Араблар ва уларнинг географик билимлари», «Араб географлари ва сайёхлари» сарлавҳалари билан 8 саҳифа материал берилган, шу саҳифаларда атиги 26 сатр Беруний билан Ёкутга бағишланган, бошқа ватандошлиримиз тилга ҳам олинмаган. Рихард Хенингнинг «Номаълум ерлар» асарида ўртаосиёлик олим ва сайёхлардан баъзилари қисқа, баъзан хатолар билан бўлса ҳам, ҳар ҳолда тилга олинган. «Қисқача географик энциклопедия»да ҳам Хоразмий ва Беруний тўғрисида жуда қисқа маълумот берилган. С. Умурзоқов Қирғизистон территориясини текшириш тарихини ёзганида маҳаллий географларнинг асарларидан фойдалана билган.

Уртаосиёлик олимларимиз, сайёхларимиз тўғрисида маълумотлар камлигидан студент ва ўқувчиларимиз, кенг китобхонлар оммаси уларнинг географик мероси ва саёҳатларидан кўп йилларгача деярли бехабар эдилар. Ҳолбуки, Ўрта Осиё ва Хурросонда атоқли географ олим ва сайёхлар озмунча бўлмаган, улар ажойиб асарлар ёзганлар.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Хурросонда география фанининг тараққиётида олти давр ажralиб туради.

Биринчи давр IX—X асрларда Ўрта Осиё ва Хурросонда география фанининг туғилиш даврини, Муҳаммад Мусо Хоразмий—Балхий география мактаби, Жайҳоний ва Наршахий меросини ўз ичига олади. «Худуд ал-олам» номли қўллэzmани (автори номаълум) шу даврнинг энг охири маҳсули деб ҳисоблаш мумкин.

Иккинчи давр асосан XI асрга тўғри келади, у қисман XII—XIII асргача давом этган; бу, Беруний география мактабидир. Бу даврда Беруний таъсирида Ибн Сино, Носир Хисрав, Маҳмуд Кошғарийлар ижод қилганлар.

Учинчи давр бутун XV асрнинг давомини ўз ичига олади. Бу, Самарқанд—Ҳирот географлари: Ҳофизу Абру, Фиёсiddин Наққош, Улуғбек, Али Кушчи, Абдураззоқ Самарқандийлар мактабидир.

Тўртинчи давр XVI асрнинг боши ва ўртасига тўғри келади; бунда Заҳириддин Бобир, Муҳаммад Ҳайдар мирза ва уларнинг замондошлари талай қимматбаҳо асарлар ёзганлар.

Бешинчи давр XVI—XVII аср Ўрта Осиё ва Хурросон географияси (Балх географлари мактаби, Фижdevonий, Утамиш ҳожи) давридан иборат.

Олтинчи давр XVIII аср охири ва XIX аср давомида ўз берган саёҳатлар, ёзилган саёҳатномалар даврини ўз ичига:

олади; бу давр икки босқичга ажратилади. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярми (хоразмлик Мунис, Баёний ва Оғаҳий, фаргоналийк Ҳакимхонтўра, Мирзо Сирожиддин ва бошқаларнинг фаолияти) ва XIX асрнинг 70-йилларидан то охирига—XX аср бошлари (Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинишидан кейин туғилган янгича географик оқим даври).

Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги давр — ҳам мазмуни, ҳам шакли, ҳам мақсади жиҳатидан янгича бўлган алоҳида географик фаолият давридир. Бу даврни ҳам бир неча тараққиёт босқичига бўлиш мумкин. Бу даврларнинг ҳаммаси бирмунча шартлидир. Бундан кейин ҳам илмий тадқиқотлар натижасида янги «давр»лар аниқланса ажаб эмас. Шу даврлар орасида ҳам географик фаолият сўниб қолмаган. Бу «давр»лар бир-бирига уланиб кетганилигидан, уларни бир-бирига қўшиб, сонини камайтириш мумкин.

Талқин қилинаётган география тарихи саёҳатлар, илмий тадқиқотлар, географик ўлчашлар ва картографик ёдгорликлар тарихигина бўлиб қолмай, айни вақтда географик асарлар обзори, умуман, географик маданиятимизнинг йилномаси ҳамдирки, китобимизда бир қанча авторларнинг географик асарларидан парчалар келтирилди.

Араб алифбесида ёзилган қўлёзмалардан кўринишича, Ўрта Осиё ва Хурросон география фани қарийб бир минг бир юз йиллик тарихга эга.

Олимларимизнинг географик мероси айни вақтда ўша замондаги ўртача табақа китобхонларнинг географик савияси қандай бўлганлигини кўрсатувчи, қадимий маданиятимиз дарражасини акс эттирувчи кўзгулардан биридир дея оламиз. Биз шу узоқ географик тарихнинг фақат айrim саҳифаларини, атоқли намояндаларини, уларнинг энг йирик асарларини тилга олишгагина қодирмиз, холос.

Иттифоқимизда Ўрта Осиё географиясининг тарихи билан шарқшунос олимларимиздан фақат 5—6 киши шуғулланади. Айrim брошюралар, мақолалар ёки айrim шахсларга бағишланган хусусий тадқиқотларни ҳисобга олмаганда ўртаосиёлик олимларнинг географик меросини жам қилган монографик асарнинг ўзи йўқ. Ҳолбуки ўлкашунослар, географлар, табиатшунослар, студентлар, умуман Ватанимиз фани тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар бундай асарларга жуда муҳтождир.

Бу асарни ёзар экаймиз, ўрта асрлар ва асосан Беруний—Бобир географик мактаблари ҳамиша кўз ўнгимизда бўлди. Берунийгача ўтган ва Бобирдан сўнгги даврлар тўғрисидаги маълумотларни баён этишдан мақсадимиз — китобхонларнинг мазкур даврлар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилишига имкон туғдиришдир. Демак, бизнинг китобимиз Ўрта Осиё ва Хурросон олимларининг географик меросидан бир шингил, холос.

Ўрта Осиё ва Хурросон география фани тарихига қўйилган

бу пойқадамимиз камчиликлардан холи эмас, албатта. Бирон олимнинг географик меросини ўрганиш учун унинг ҳаётини қай меёйрда ёзиш кераклиги бизга етарлича аниқ бўлмаганилигидан китобда бир олимнинг ҳаёти қисқароқ, бошқасиники кенгроқ ёзилди. Бундан ташқари, қўлләзмалардан кўчириб олинган географик саҳифалар фан учун муҳим аҳамиятга эга ва жуда қизиқарли бўлса-да, китобда уларнинг бир қисмигина берилди.

Ўртаосиёлик ва хурсонлик олимларнинг географик мероси баён этилган ушбу китобни тайёрлашда, биз, асосий материални ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг (ЎзФАШИ) қўлләзмалар фондидаги асарлардан, Ленинград, Душанба шаҳарларида кутубхоналарда ва қисман чет эл кутубхоналарида сақланётган ҳамда эски ўзбек тилида, тоҷикфорс, араб тилларида ёзилган асарларнинг микрофильмларидан олдик.

Эски ўзбек тилидаги қўлләзмалар орасида оригинал географик асарлар, араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар, ўртаосиёлик авторларнинг форс-тоҷик тилларидаги қўлләзмалари орасида эса оригинал асарлар билан бирга, араб тилидан таржима қилинган асарлар ҳам бор эди. Булардан ташқари, атоқли рус шарқшунослари В. В. Бартольд ва И. Ю. Крачковскийнинг тарихий-географик асарларидан, совет даврида рус ва ўзбек тилларида нашр этилган шарқшунослик адабиётидан фойдаландик. Биз бу улуғ тадқиқотчиларнинг географларимиз фаолияти тӯғрисида айтган мулоҳазаларига озгина маълумот қўша олдик, бир гуруҳ олимларимиз фаолиятини эса янгича изоҳлашга тиришдик.

Географиянинг отаси Страбон «Агар биз, ўзимиздан бурун бажарилган ишларга андак бўлса ҳам янгилик қўша олсан, шунинг ўзи биз бошлаган ишни маъқуллашга асос бўла олади» деб жуда ўринли айтган.

Мархум академик шарқшунос-географ Игнатий Юлианович Крачковский (1883—1951) ишимизда бизга ғойибона маслаҳатгўй ва раҳнамо бўлдилар десак муболага бўлмас. Асарни ёзишда биз асосан И. Ю. Крачковский йўлидан боришга интилдик, унинг фикрларига эргашдик, асарларидан керагича фойдаландик. Ўрта Осиё ва Ҳурсон географиясига оид сўзларини баъзан айнан такрорлашга ҳам журъат этдик. Агар ушбу китобимиз «Шарқ географияси тарихи» тўпламига, яъни И. Ю. Крачковский асарларининг тўртинчи томига кичик бир қўшимча бўла олса, ўзимизни баҳтиёр ҳисоблар эдик.

Ушбу китобни ёзишда бизга самимий ёрдам берганликлари учун ЎзССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Берунийномидаги Шарқшунослик институти илмий ходимларига миннатдорчилик билдирамиз.

## **IX—X АСРЛАРДА ГЕОГРАФИЯ**

### **МУҲАММАД ҲОРАЗМИЙ**

Хоразм воҳаси Осиё қитъасининг энг қадимий обод вилоятларидан биридир. Бу вилоятда минг йиллар муқаддам буюк давлатлар, гавжум шаҳарлар, савдо-сотиқ авж олган бозорлар, мустаҳкам қалъалар, экинзорлар, боғ-роғлар, каналлар, илм-фар мұассасалари бўлган. Проф. С. П. Толстов раҳбарлигида 1937 йилдан буён ўтказилаётган археологик текширишлар натижаси шуну исбот қилди. Бу вилоят Урта Осиёга араблар келишидан олдин, араб маданияти ва ислом дини тарқалишидан олдин мавжуд бўлган. Хоразм араблар истилоси даврида ҳам шундай илгор вилоятлардан бўлиб қолган.

Урта Осиё вилоятлари ичida энг аввал Хоразм қадимий Русь, Волгабўйи, Урал давлати билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар бошлаган. XII—XIII асрларда Хоразм воҳасида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган (ҳар кв. км. га 200 киши тўғри келган, бу эса ҳозиргидан ҳам кўп). Бутун шарқ илм-фанининг Хоразмий, Беруний, Замахшарий сингари буюк намояндалари шу вилоятда туғилиб, вояга етганига, сўнгра дунёнинг бошқа вилоятларига бориб, у ерларда ҳам фанни тараққий эттирганига ажабланмаса ҳам бўлади.

«Қадимий Хоразм фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Биз Хоразмнинг исломгача бўлган — антик ва афригий даврини озгина биламиз. Аммо моддий ва маданий ёдгорликларини астойдил таҳлил қилиб айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар — геометрия, тригонометрия, астрономия, топография, химия, минералогия ва табиий фанлар ўша даврдаёқ юксак даражада тараққий этган... Географик билимларнинг тараққиёти ва жамланиши туфайлигини хоразмлик саводгарлар узоқ саёҳатларга бора билганлар (бу тўғрида араб ва хитой манбаларида айтилган). Сўнгги афригий давридаги Хоразм кейинчалик араб халифалиги таркибиға киргач, хоразмлик олимлар дарҳол шуҳрат қозонгандар ва «араб фани» деб аталган фанининг яратувчилари орасида энг илгор ўринни эгаллаганлар» (Толстов, «По следам»).

Шундай машхур олимлар орасидаги тұнғыч ва күзга күринган сиймо Мұҳаммад Хоразмий эканлиги шубҳасиздир. Уни «барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири» деб күкка күтартган эди америкалық атоқли шарқшунос Д. Сартон.

Мұҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (қисқа—Мұҳаммад Хоразмий) Хоразмда туғилған ва Бағдодда вафот этган. Хоразмийнинг туғилған ва вафот этган йиллари ҳам, күпгина ўтасиёлик қадимги олимларники сингари аниқ маълум эмас. Баъзи маълумотларга кўра, Мұҳаммад Хоразмий 780 йилда туғилған ва 847 йилда вафот этган деб таҳмин қилинади. Унинг тарих, математика, астрономия ва география соҳасидаги хизматлари бениҳоя улуғдир. Бу ҳақда жаҳон адабиётіда ҳам, совет адабиётіда ҳам етарлича ёзилған.

Хоразмийнинг хусусан математикага доир асарлари—арифметика ва алгебраси европа тилларига кўп марта таржима қилиніб, математика фанида ва амалда қўлланилған. Хоразмий нисбаси латинча китобларда Алгоритмус, Алгорисмус, Алхорисмус, Алкауресмус, Алхокаритмус ва ҳоказо шаклларда ёзилиб, янги арифметика — алгоритм (алгоризм) номига асос бўлди. Бу номлар аслда «Хоразмий» эканлигини шарқшунос Ж. Рейно 1849 йилда ёк аниқлаб берган эди.

Хоразмий математикаси ҳиндча саноқни ва шунга асосланған арифметик амаллар системасини билдира бошлади. Унинг «Алжабр ва мұқобала» исмли асарининг номидан «алгебра» термини пайдо бўлған. «Хоразм фани суғориш ишлари, саёҳатлар, қурилиш ва савдо-сотиқ соҳасидаги амалий эҳтиёжлар заминида ривожланған. Хоразмий ўз ватанининг ана шундай етук фани билан... арабларни танишириди, сўнгра латинча таржималари туфайли европалик илм аҳли ҳам у билан танишиди.

Халифанинг Хазарияга юборган элчилари орасида ал-Хоразмий ҳам бўлған, у географ сифатида қатнашган, деган маълумотлар бор. VIII—IX асрларда хоразмлик кишининг бундай хизмати жуда ўринли эди. Яна шуни айтиш мумкинки, Шарқий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга айни Хоразмийнинг ўзи асос солган. Қейинчалик бу маълумотлар шарқий географик асарларнинг биридан-бирига ўтиб, энг аниқ ва ўзгармас маълумот бўлиб қолди» (Толстоев, «По следам»).

Хоразмийнинг дастлабки машғулотларидан бири шуки, у ҳиндларнинг «Сиддханта» номли астрономик ва математик асарини таҳрир этган. Ривоятларга кўра, ҳинд олими Пандит Канка «Сиддханта» китобини (уни астроном Брахмагупта 628 йилда ёзган) 772 йилда Бағдодга олиб келган. Бу китоб халифа Мансурни шу қадар қизиқтирганки, у мазкур асарни дарҳол арабчага таржима қилишни буюрган. Шундан сўнг китоб биринчи марта 773 йилда араб тилига «Синдиҳинд» номи билан таржима қилинган. «Уша вақтда бу асар Шарқ олимлари учун қўлланма бўлған. Лекин асарнинг кўп жойларини тушуниш

қийин ва унда анча-мунча хатолар ҳам бор эди... Хоразмий бу асарни ўқиб, қийин ва хато жойларини топган ва уни қайтадан ишлаган, китобга бир неча боб қўшган, тушуниб бўлмайдиган ибораларни ўз тажрибасига асосланаб тузатган, енгиллаштирган ва асарга «Қисқача Синдиҳинд» деб ном берган. Шундай қилиб, янги, ажойиб бир илмий асар вужудга келган. Ўша даврда «Синдиҳинд»ни ўқиган кишилар Хоразмийнинг бу янги асарини зўр қувонч билан қабул қилганлар» («Қирқ олим»).

Биз қўйида Хоразмийнинг география соҳасидаги фаолиятини таърифлаб бермоқчимиз.

Араб халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳри — тарихий Мадинат ас-Салом — VIII аср охири — IX аср бошларида ободонлашган, юксалган, Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун даврида (у 813—833 йилларда ҳокимлик қилган) олимлар академияси — «Байт ал-ҳикма» («Донишманлар уйи») ташкил қилиниб, унга барча мамлакатлардан машҳур олимлар, таржи-монлар жалб этилган. Дастреб бағдодда кутубхоналар очилиб, Фарб ва Шарқ антик дунёсининг маданий мероси ўрганила бошлаган ва ҳинд, юон, суря, паҳлавий, санскрит тилларидаги кўпгина асарлар араб тилига таржима қилинган. Академияга жалб этилган олимлар орасида ўртаосиёликлар, жумладан Мұҳаммад Хоразмий, ал-Фарғоний, Аббос бин Сайд Жавҳарий ва Аҳмад бин Абдулла Марвазийлар ҳам бўлган. Шу даврда Хоразмий Бағдод обсерваториясининг ер юзи айланасидаги градус миқдорини ўлчаш экспедициясида қатнашган.

Халифа Маъмун айни шу вақтда олимларга осмоннинг ва жаҳоннинг батафсил карталарини тузиш тўғрисида топшириқ берган. «Жаҳон карталари» аслида дунё атласи бўлиши керак эди. Атлас тузиш иши билан 70 тача олим шугулланган, уларга Мұҳаммад Хоразмий бошчилик қилган. Бу карталар йигиндиси «Маъмун дунё картаси» номи билан ҳам юритилган, уни тузиш 840 йилларга яқин тугалланган бўлса керак.

Хоразмийнинг мазкур карталар муносабати билан ёзилган «Сурат ал-арз» китоби ўз даврида жуда машҳур бўлган, ундан ҳамма билимдонлар фойдаланишган. «Хоразмий географияси» номи билан машҳур бўлган таълимот олимнинг айни шу асарига асосланган.

Китобнинг тахминий мазмuni қўйидагича: китоб бир неча ўнлаб карталар ва уларга берилган изоҳномалардан иборат бўлган. Шуларнинг ҳаммаси «Китобу сурат ал-арз» деб аталган. «Арз» сўзи — ер, дунё маъносида, «сурат» — умуман қиёфа, кўриниш маъносини англатса ҳам, кўпинча «география» сўзи ўрнида ишлатилган; шунинг учун китобнинг номи «Ернинг сурати» ёки «География» деб таржима қилинган. Китобнинг иккинчи номи: «Китобу расм ар-руб ал-маъмур» («Маъмуранинг расми», «Аҳоли яшайдиган чорак расми»).

Бу асарнинг фақат битта қўлёзмаси топилган, унинг ҳам кўп бетлари йўқолиб кетган экан. Атласдан факат 4 та карта

сақланиб қолган. Құлғасма 1878 йилда Қоқирада топилған, бир неча йилдан сүнг Страсбург шаҳридаги кутубхонага ўтиб қолған (Страсбург — ҳозир Франциянинг шарқидаги йирик шаҳар; 1880 йилдан 1917 йилга қадар у Германия қарамоғида эди). Изоҳномалар бирмунча тұла сақланған. Изоҳлар асосан зиж тарзда, яғни рақамлар жадвали күренишида ёзилған. Ҳар саҳифада иккى қатор жадвал бериліб, унда дунёнинг турли районлари иқлиmlар бўйича жойлаштирилған ва координаталари кўрсатилған. Жами 537 та энг муҳим жойнинг номи, ғарбдан шарққа қараб кетма-кет ёзилған. Аввало шаҳарлар бирмабир айтиб ўтилған, сўнгра тоғлар (203 ном), дengizlар ва оролларнинг номлари, энг охирда дарёлар алоҳида-aloҳида ёзилған.

Намуна тариқасида шу жадвал («зиж») дан парчалар келтирдик (бу ерда ва бошқа саҳифаларда қавс ичига олинган сўзларни биз қўшдик).

#### «Китобу сурат ал-арз»

Алад	Шаҳарлар номи	Тул /меридиан/	Арз /параллель/
	Хатишство (экватор)нинг нариётидаги шаҳар номлари		
11	Рофото шаҳри, дengиз бўйида Биринчи иқлим, унинг параллели $16^{\circ} 27'$	65°00'	8°00'
43	Нубанинг шаҳри Дункула	53°00'	14°30'
45	Загова	60°15'	11°00'
72	Фоно	44°30'	10°45'
76	Силжилмоса шаҳри Иккинчи иқлим, унинг параллели $24^{\circ}00'$	31°00'	21°00'
95	Жарми, Ҳабаш мамлакатининг (марказ) шаҳри Таёс, Қулзум (Қизил) дengиз бўйида	41°40' 58°00'	19°40' 17°00'

#### Экваторнинг нариётидаги тоғлар



Номи	Бошланғич чегара		Охириг чегара		Ранги	Йўналиши
	меридиан	параллель	меридиан	параллель		
Жабали Қамар (Ой тоғлари), Нили Мисрнинг манбай						
	46°30'	11°30'	61°50'	11°30'	Қизил	Жанубий

Биринчи иқлим, унинг параллели  $16^{\circ}$   
Биринчи иқлимдаги тоғлар


Иккинчи иқлим, унинг параллели  $24^{\circ}$   
Иккинчи иқлимдаги тоғлар

Жадвалда, жумладан, мана бундай сарлавҳалар бор: «Фарбий ташқи денгиз» (Атлантика океани), «Қулзум денгизи ва Яшил денгиз» (Қызыл денгиз ва Хинд океани), «Денгиздаги оролларнинг тасвири», «Чашма номлари» ва ҳоказо. Хоразмий картага туширилмаган баъзи жойларнинг номларига ҳам изоҳ берган, демак, картада номлар берилган жойларга қўшни жойлар ҳам тасвиранган.

Хоразмийнинг «Сурат ал-арз» китоби катта бир атласга илова қилинган изоҳнома эканлиги юқоридагилардан кўриниб турибди. Атласдаги карталардан бири — Нил ҳавzasининг сурати; иккинчиси — дengиз қирғоқлари турли шаклларининг схемаси; учинчиси — «Жазират ал-жавҳар» («Жавҳар тошлар оро-



Нил ҳавzasининг Хоразмий тузган картаси



Дунай хавзасы. Хоразмий маълумотлари асосида тузилган:  
Гарбла—Альп тоғлар; шарқда—«Халик», яъни Босфор  
бўғози ва Қора денгиз

ли» ёки «Еқут ороли») картаси; бунда ҳаммаёғи тоғлар билан құршалған бир орол тасвиrlанған; түртінчиси — Азов ва Қора денгиз картаси; бу карта ҳозир ҳам бор. Булар бошқа карталардан фарқ қиласы. Йўналишлар: картанинг юқори томони— шимол, паст томони — жануб тарзидә чизилған, яъни компас йўналишига мос келади.

Хоразмийнинг географик мероси асосан учта атоқли шарқ-шунос географиянг тадқиқотлари ва асарларида баён этилган. Хоразмий түғрисида дастлаб итальян арабшуноси К. Наллино 1895 йилда каттагина мақола ёзған. Сўнгра чех олим Ганс Мжик кўп йиллар давомида шуғулланиб, Хоразмий асарларининг бир парчасини 1916 йилда, тўла текстини (араб тилида), сўз боши ва изоҳлар билан 1926 йилда нашр эттиради. У Хоразмий изоҳларидан фойдаланиб бир қанча карталарни тиклади. Ўртаосиёлик олимнинг буюк қиёфасини, фан тарихидаги хизматлари ва «география»сини янгидан тиклагани учун Мжикдан ғоятда миннатдормиз. Венгриялик шарқшунос К. Цегледи Хоразмий географияси билан шуғулланиб, «Дунайбўйи мамлакатларининг Хоразмийча картаси»ни қайта тузди.

Хоразмий географияси И. Ю. Крачковский асарларида ҳам баён этилган (Крачковский, IV том, 91—105-бетлар). Хоразмийнинг Африкага доир тасвири ва жадваллари рус тилига яқиндагина таржима қилинди.

Муҳаммад Хоразмийнинг географияси бошқа ўртаосиёлик географларнинг илмий меросига қараганда анча мукаммал текширилған ва китобхонларга маълум қилинған. Биз ҳам шу тадқиқотларга асосланаб, Хоразмий географиясига доир баъзи масалаларни муҳокама қилиб кўрайлик.

«Сурат ал-арз» китоби оригинал асарми ёки, баъзи бирорлар кўр-кўронга даъво қиласётганидек, Птолемейдан айнан кўчирилған, юон тилидан таржима қилинған асарми?

Птолемей билан Хоразмий ўртасидаги муносабатлар түғрисидаги масала кўпдан бери шарқшунос ва географ олимлар орасидаги мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Маълумки, Клавдий Птолемей (Шарқда уни Батлимус ал-Қалавдий деб аташган) II асрда (милоднинг 90—168-йиллари) Мисрнинг Александрия (ҳозирги Искандария) шаҳрида яшаган юон олимидир. У аввало астрономия билан шуғулланиб, «Мегале синтаксис» («Буюк асар») номли 13 жилдан иборат асар ёзған (унинг жадваллари ҳам бор). Бу китоблар кейинчалик араб тилига таржима қилиниб, «Алмажистий» («Алмижистий») номи билан машҳур бўлди. Унинг, Ер қимирламай, бир жойда туради, Қўёш ва юлдузлар унинг теварагида айланади, деган геоцентрик фарзи айни шу китобда баён этилган. Бу асрда географияга доир маълумотлар ҳам бор (иқлиmlарнинг чегаралари ва параллеллар энг узун кунга ва сояга қараб аниқланған).

Абу Наср Форобий ва Абул Вафо Бузжоний каби олимларимизнинг «Алмажистий» асарини янгидан таҳrir қилғанлиги,

унга изоҳотлар, қўшимчалар ёзганликлари ҳам маълум. Шамсииддин Муҳаммад бин Ашраф Самарқандий ҳам (XII аср охири), XV асрда Самарқандда яшаган Қозизода Румий ҳам «Алмажистий»га шарх ёзганлар. Кейинчалик 1175 йилда кремоналик Герардо бу асарни арабчадан яна латин тилига таржима қилган ва «Альмагест» деб атаган.

Птолемейнинг иккинчи асари — «Карталар чизиш қўлланмаси» (ёки «Географияядан қўлланма»), қисқача «География»дир. 8 жилдан иборат бу асар ўз замонасида кўпларга маълум бўлмаган, сўнгра тамомила унтилган. Кейинчалик ўрта аср Фарбий Европасининг географ ва картографлари бу асарни «кашф этгач», у латин тилига таржима қилинган ва европаликларга маълум бўлган. Мазкур асар XVI асрда 20 марта нашр этилган, 1754 йилга келиб, унинг 50-нашри босилиб чиқкан.

Птолемей «География»сига бир қанча карта (27 та мамлакатнинг, 64 та кичик вилоятнинг карталари) ҳам илова қилинган. Бу карталарни Птолемейнинг ўзи чизганлиги аниқ. Аммо биттасини — энг катта дунё картасини — Птолемейдан кейин яшаган, александриялик Агафодемоннинг китобдаги тасвиirlар асосида чизганлиги маълум бўлди. Птолемейнинг бу асарини Шарқ географлари XV асргacha сақлаб келишган. VII асрда арман географи Анания Ширақий (Ширақаци) ўзининг «География» номли асарида Птолемей географиясидан фойдаланган. Птолемей «География»си хусусан Муҳаммад Хоразмийнинг хизмати туфайли фан тарихида сақланиб қолган. Европаликлар Птолемей «География»си борлигини Хоразмий китобидан билиб олганлар ҳамда унинг эскирган ва кўп саҳифалари йўқолган қўллэзмаларини (картографиянинг асосий принциплари баён этилган I-жилд ва турли жойларда куннинг узунлиги таққосланган ҳамда 94 районнинг жадвали берилган 8-жилдан бошқаларини) кутубхоналардан қидириб топиб, латинчага таржима қилгандар.

Айтгандай, Птолемейнинг «География» китобини эронлик адаб ва географ Убайдулла иби Хурдодбек (820—912) араб тилига таржима қилган. Олим ал-Киндий топшириги билан (IX асрда) унинг арабчага яна таржима қилинганлиги ҳам маълум. Асарнинг ироқлик астроном Собит ибн Қурра (834—901) томонидан қилинган таржимаси энг яхши чиққан, деб ёзилган китобларда. Аммо бу таржималар кенг тарқалмай, йўқолиб кетган. Булардан кейин ҳам Птолемей асарларининг арабча вариантлари яратилган.

Энди, Птолемей географиясини Хоразмий географияси билан такқослаб кўрайлик.

1) Птолемейнинг китоби асосан текстдан иборат; Хоразмийнинг китоби эса зиж—жадвал тарзида тузилган;

2) Птолемей ер юзини — «одамлар яшайдиган чорак»ни 94 «епархия» ва 21 зонага бўлиб тасвиirlаган; Хоразмий эса Ерни

етти иқлимга бўлиб, ҳар иқлимни алоҳида изоҳлаган. 94 «епархия» тилга ҳам олинмаган;

3) Птолемей ҳар бир зонада шаҳарлар, тоғлар, дарёларни кетма-кет тасвирлаган; Хоразмий эса аввало ҳар бир иқлимий миңтақадаги шаҳарларни, сўнгра тоғларни (ва ҳоказо) алоҳида-алоҳида изоҳлаган;

4) жойларнинг географик координаталари иккала авторнинг асарларида мутлақо икки хилдир;

5) карталар ҳам тузилиши ва мазмуни жиҳатдан иккала асарда бир-биридан фарқ қиласди.

Птолемей ва Хоразмий асарларидаги Ўрта Осиёга тегишли рақамлардан фойдаланиб Қаспий денгизининг контури чизиб кўрилди (О. Бўриев, «Фан ва турмуш», 1976, № 5). Маълум бўлишича, Птолемей Қаспийни гарбдан шарққа чўзилиб кетган деб тасаввур қилган, бу нотўғри, албатта. Хоразмий эса уни шимолдан жанубга чўзилган ҳолатда тасвирлаган; бу — бир мунча тўғри тасаввур;

6) Хоразмийнинг «Етти иқлим» тўғрисидаги таълимоти ҳам оригинал янгиликдир (бу тўғрида кейинроқ, «Етти иқлим» бобида гапирамиз).

Яна бир фарқ шундан иборатки, Птолемей асарида фақат «Германия» ҳақида ёзилган бўлса, Хоразмий китобида Германия ёнига «Билод ас-Сақолиба» (Славянлар мамлакати) қўшилган, Сарматия иккига ажратилган: Дунайдаги булфорлар ва Қавказдаги олонлар; иккала Скифия бирлаштирилиб, «Билод ат-Турк» (Турклар мамлакати) дейилган (Минорский, «Мусулмон», 20- бет).

Птолемейнинг, умуман юнонларнинг ҳисобича, Ўрта денгиз гарбдан шарққа томон  $62^{\circ}$  гача чўзилган. Хоразмий китобида эса бу денгиз  $52^{\circ}$  дан нарига ўтмайди (аслида  $40^{\circ}$  га яқин).

Хоразмийнинг асарларида Ернинг катталиги тўғрисида ҳам мулоҳазалар бўлғанлигини Ибн Фақиҳ, Ёқут, Димашқий, Қазвиний каби Шарқ географлари эслатиб ўтишган. Масалан, Ибн ал-Фақиҳнинг айтишича, Хоразмий Ер яssi, юзасининг майдони 9 минг фарсахга тенг, шунинг 12 дан бир қисмидагина одамзод яшайди, деб ҳисоблаган (Юсуф Камол).

«Сурат ал-арз» Хоразмийнинг улкан географик меросидан фақат бир парча ва унинг астрономия ҳамда географияга доир асарларининг бизгача сақланиб қолган бир қисмидир, холос. Лекин «Сурат ал-арз» Птолемей географиясининг таржимаси эмас. Хоразмий Птолемей асарлари билан бевосита юон тилидаги қўлёзмалар орқали танишган ёки бу ҳақда суряликлардан билиб олган ва Птолемей маълумотларини тубдан ўзgartирган, тузатган, бошқатдан ишлаган, унга хусусан Шарқ мамлакатлари географиясидан янги маълумотлар қўшганки, натижада мутлақо янги географик асар юзага келган.

Хоразмий ўзига хос ва улуғвор хислатлари бўлгани ҳолда, ўзидан олдин ўтган олимлардан ўрганган, уларнинг асарлари-

ни ҳурмат билан таҳсил этиб, танқидий равиша кўздан кечирган, албатта.

Аммо Хоразмий ижодига асосан юонон фани таъсир этган, дейиш тўғри эмас. Шунингдек, ҳинд-эрон фани жиддий таъсир кўрсатган деб ҳам бўлмайди. Баъзи олимлар «араблардан илгари юонон ва ҳинд маданияти туфайли юксалган суря-эрон анъанаси Хоразмийга таъсир этган» деб тахмин қилмоқдалар. Лекин Хоразмий ижодининг асл манбаларини даставвал унинг ватанидан—Хоразмдан излаш ўринли бўларди, чунки бу ерда қадимдан миллий илмий анъаналар бўлганлиги шубҳасизdir,—Хоразмдаги тарихий-археологик текширишлардан шундай хуласага келинмоқда. Хоразмий Шарқ ҳалқларининг илмий меросини шундай юқори поғонага кўтара олдики, IX аср бошлирида араб тилида Шарқнинг янги география фанини яратди.

1894 йилда Италия Фанлар академиясининг маҳсус комиссияси Хоразмийнинг «Сурат ал-арз» асарини ҳар томонлама текшириб, у ўз даврининг жуда қимматли қўлланмаси бўлганлигини ва, умуман, географиянинг тараққиётига ижобий таъсир этганини тасдиқлади.

«Тарихчиларнинг хабар беришича, Хоразмий халифа Восиқнинг (842—877) буйруғига биноан бир афсонани аниқлаш учун Кичик Осиёга юборилган... Афсонада айтилишича, Кичик Осиёнинг Эфес шаҳрида анча киши уйқуга кетиб, кўп йиллар уйғонмасдан ухлаган, сўнгра уйғониб, горга қочгандар, у ерда яна уйқуга чўмиб, абадий қолиб кетганлар эмиш.

Халифа Византия ҳокимига хат ёзиб, ёрдам беришни сўрабди. Ҳоким Эфес шаҳридаги бу горга бориц учун Хоразмийга одам қўшиб берган. Одамлар Хоразмийга: «У ерга борган киши омон қайтмайди, балога гирифтор бўлади» деган ваҳимали гапларни айтишган. Византиялик мутаассиблардан баъзилари бундай «муқаддас» жойни оёқ ости қилмоқчи деб, Хоразмийни таҳқиrlаганлар. Лекин Хоразмий бу гапларга парво қилмай, горга дадил киради ва у ерда суюклардан бошқа ҳеч нарса топмайди...» («Қирқ олим»).

Хоразмийнинг фалсафий қарашларига келганда шуни айтиш мумкин: Урта Осиёда ислом дини кенг тарқалиб, мустаҳкамлангандан кейин ҳам илгор фан ўз ютуқларини ҳимоя қилиб, динга қарши курашган; бу норозилик Хоразмий асарларида янада тараққий эттирилган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Хоразмий Урта Осиёнинг буюк географ олимигина эмас, балки Шарқ географиясининг асосчиси, узоқ Испаниядан то Қашқаргача барча табиатшунос, географ ва сайёҳ олимларга илҳом берган, намуна бўлган йўл бошчи ҳамдир. Хоразмий географияси бир неча юз йиллар мобайнida қайта-қайта кўчирилиб, тўлдирилиб, қисман ўзгартирилиб, янгича таҳрир қилиниб, турлича сарлавҳалар ва имзолар билан маълум қилиб турилди. Чунончи, X асрнинг биринчи ярмида Ироқда яшаган Сухроб (Ибн Серапион) «Сурат ал-

арз»ни ўзича таҳрир қилиб, «Етти иқлим китоби» номи билан чоп эттирган. Аслида у мазкур асарга фақат сўзбоши қўшган (эҳтимол, бу ҳам Хоразмийнинг ўзидан олингандир), материал-нинг жойланиш тартибини бир оз ўзгартирган, холос. XI асрда Испанияда аз-Зарқалий тузган «Толедо жадваллари»нинг ҳам катта қисми Хоразмий асаридан олинган.

Улуғ Беруний ҳам Хоразмийни эҳтиром билан тилга олган; унинг ўзи кўп жиҳатдан Хоразмийга ўхшайди, аммо Хоразмийдан икки аср кейинроқ яшагани учун ундан анча ўзига кетган. Итальян шарқшуноси К. Наллино Хоразмийга юксак баҳо берган: «Европадаги ҳеч бир ҳалқ Хоразмий эришган ютуқقا эришишга ва бундай асар яратишга қобил эмас эди».

### АҲМАД ФАРГОНИЙ

Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний Бағдод обсерваториясининг ходимларидан бири, Муҳаммад Хоразмийнинг замондоши бўлган; Аҳмад асли фарғоналиқдир. У IX аср бошларида турилиб, 860—870 йиллар оралиғида вафот этган бўлса керак.

Фарғоний геодезияга доир китоблар ёзган; «Ал-Комил филустурлоб» («Устурлоб тўғрисида мукаммал маълумот»), «Фисаноат ал-Устурлоб» («Устурлоб санъати тўғрисида»), «Етти иқлим» ҳамда астрономияга доир «Жавоми илм ан-нужум вал ҳаракат ас-самовий» шулар жумласидандир. Астрономияга оид китобда осмон ва юлдузлар, юлдузларнинг ҳаракати ва юлдузлар туркumlари тўғрисида умумий маълумотлар берилган.

Кремоналиқ Герардо XII асрдаёқ бу асарни латин тилига таржима қилиб, бутун Европага ёйган, XIII асрда эса у Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинган. Бу асардан қарийб XV асргача асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланилган. Голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус 1669 йилда Амстердамда мазкур китобни араб ва латин тилида нашр қилиди ал-Фарғоний (европача Альфраганус) номини бутун дунёга ёйди. Ҳатто итальян адаби Дантенинг «Илоҳий комедия»сида ҳам улуғ Альфраганус тилга олинган. 1464 йилда Падуя шаҳрида Фарғоний тўғрисида докладлар ўқилган. Умуман, Альгоритми (ал-Хоразмий) билан Альфраганус (ал-Фарғоний) Шарқ мамлакатларидан кўра Фарбда — Европа мамлакатларида кўпроқ шуҳрат қозонган, деган фикрлар ҳам бор.

Фарғонийнинг астрономияга оид асарида географияга катта ўрин берилган бўлиб, уларда иқлиmlар ва мамлакатларнинг жойланиши тасвиrlанган. Агар олимнинг геодезия, картография ва ер юзи географияси соҳасидаги асарларини жамласак, яхлит бир географик оқим келиб чиқади. Шунинг учун ҳам, академик И. Ю. Крачковский Фарғонийни «ўртаосиёлик астроном ва географ» деб атаган.

Фарғоний Птолемейнинг астрономик асари «Алмажистий»-га изоҳлар ва иловалар ёзган, ўз асарларида ислом календарининг тузилишини таърифлаган, қуёш соатини ясаш усулини

баён этган. Шунингдек, юқорида тилга олиб ўтилган «Маъмун зижи» тўғрисида ҳам (бу асар сақланмаган) Фарғонийнинг астрономик асаридан билиб олинган. Шу маълумотлар туфайли «Маъмун зижи»нинг мазмуни Европага маълум бўлган.

Фарғонийнинг хизматларидан яна биро шуки, 861 йилда у ал-Мутаваккилнинг буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган асбобни тузатиш ва ўрнатиш учун Фустот (ҳозирги Қоҳира) шаҳрига борган.

Фарғонийнинг астрономияга оид китоби охирида турли жойларнинг жадвали ҳам берилган. Шуниси қизиқки, Фарғоний тузган жадвал Хоразмийнинг жадвалидан («Йқлим»ларнинг чегаралари, бошланғич меридиан кабилар) фарқ қиласди. Ҳолбуки бу жадвалларнинг иқкаласи ҳам бир вақтда бир шаҳарда тузилган. Фарғоний жадвалида аввало шарқ томонидаги вилоятлар кўрсатилиб, ғарбга томон бирин-кетин баён этилган: «Аммо биринчи иқлим Машриқдан, Син мамлакатининг чеккасидан бошланади... Сўнгра Қулзум денгизини кесиб ўтиб, Ҳабаша мамлакати ва Нили Мисрдан ўтади... Кейин бу иқлим Мағриб өрлари томон ёйилиб, Барбар мамлакатининг жанубидан ўтади ва Мағриб денгизига етади».

Демак, дунё вилоятларининг рўйхатини тузишида ҳинд-эрон географиясининг таъсири кучлироқ бўлган. Афсуски, Фарғонийнинг ҳамشاҳарлари бўлган астроном ал-Туркий, унинг ўғли Абу Ҳасан (IX—X асрлар) тўғрисида аниқроқ маълумотлар топа олмадик.

\* \* \*

IX асрда яшаган Ҳаким Термизий (тўла исми Абу Абдулла Муҳаммад ибн Али Термизий) тарих, фалсафа, қонуншуносликка оид бир қанча асарлари билан шуҳрат қозонган ўртаосиёлик олимдир. Термизий Термизда дағн этилган.

Ҳаким Термизийнинг қадими географияга доир «Солнома ва наврӯзнома» номли асарида қадими туркий календарь — мучал йили таҳлил қилинган, дэҳқончилик ишлари, об-ҳаво шароитлари ва табиий оғатлар тўғрисида ўз замонасига кўра изоҳлар берилган.

Абу Маъшар Балхий (886 йилда вафот этган) — Бағдодда яшаганида астрономия билан шуғулланган, зиж тузган ва юлдузлар илмига оид асар ёзган.

Ўрта Осиё фани тарихида Марв шаҳри ўзининг олимлари билан бирга алоҳида бир «илмий марказ» ташкил этган. IX асрда марвлик Аҳмад ибн Абдулла Марвазий (такаллуси Ҳабаш ал-Ҳасиб) ва унинг ўғли Абу Жаъфар ибн Ҳабаш, шунингдек Ҳамид бин Абдумалик Марвазий астрономия ва математик географияга доир асарлар ёзганлар. Бағдод ва Дамашқда яратилган астрономик зижларни айни шу олимлар тузган.

IX аср охирида яшаган Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ат-Тайийибу ал-Сарахсий Туркманистоннинг Сарахс шаҳрида туғилиб,

вояга етган. Бағдод халифаларининг хизматида юрган. Бу шахсни И. Ю. Крачковский «юнонлар таъсиридан математик-географлардан ва айни вақтда тасвирий география тарафдорларидан биридир» деб таърифлайди. Сарахсийнинг географик асарларидан бизга маълум бўлганлари «Денгизлар, сувлар ва тоғларнинг фойдаси» номли китоб билан «Йўллар, вилоятлар, дengizlар, шаҳарлар тўғрисидаги китоб»дир.

Х аср астроном ва географларидан яна бири — **Аҳмад ибн Мұҳаммад Сағоний Устурлобийдир**. Унинг ватани Сағаниён (ёки Чагониён, Сурхондарёнинг Денов қисми)дир; у дастлаб Бухоро ва Самарқандда таълим олган, астрономия билан шуғулланган, 998 йилларда Бағдодга келиб, Абу Саҳл Кўҳий раҳбарлигига обсерватория учун осмонни кузатадиган бир қанча аниқ асбоблар, жумладан янгича астролябия (устурлаб) ясаган. Уни шунинг учун Устурлобий деб аташган («Қирқ олим»).

### ЖАЙҲОНИЙ

Х асрда Бухоро сомонийлар давлатининг пойтахти эди. 914 йили ҳоким Аҳмад ибн Исмоилнинг вафотидан сўнг унинг гўдак ўғли — шаҳзода Наср ибн Аҳмад таҳтга ўтириди, аммо давлатни бошқаришга ёшлик қилганлигидан бутун ишни улуғ вазир, айни вақтда буюк географ Абу Абдулла Мұҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Жайҳоний бажарди.

Жайҳоний IX аср охирида (870 йилларда), туғилган 914 йилдан умрининг охиригача вазирлик қилган. У 942 йилда ер қимирлаши вақтида ҳалок бўлган. Фанимиз тарихида чуқур из қолдирган бу ажойиб сиймо ўзининг юксак лавозими ва баланд қўлидан илм-фан манфаатлари учун фойдалана билган, хусусан, географик машғулотларга ва саёҳатларга ҳомийлик қилган: машҳур Абу Зайд Балхийни қўллаб-қўлтиқлаган, Арабистондан Бухорога келиб қолган ва шу ерда хизмат қилган географ ва шоир Абу Дулафни Хитой, Тибет, Ҳиндистонга саёҳатга йўллаган, сайёҳ ибн Фадлонни 921 йили сентябрда Бухорода меҳмон қилган (ибн Фадлон X аср араб сайёҳи бўлиб, Бағдоддан Эрон — Бухоро — Хоразм — Урал орқали Волгагача этиб борган).

Жайҳоний фанининг бир неча соҳасига оид асарлар яратган, жумладан, дунё географиясидан тахминан 907—922 йиллар оралиғида катта ҳажмли асар ёзган. Араб географи Муқаддасий (947—1000) кутубхонада Жайҳонийнинг етти жилдлик география китобини кўрганлигини эътироф этган. Бу китобнинг «Китоб ал-масолик вал-мамолик» («Масофалар ва мамлакатлар китоби») деб аталганлиги Абу Райҳон Берунийнинг «Осори боқия» асарида айтиб кетилган. Унинг «Китоб ал-масолик фи маърифат ал-мамолик» («Мамлакатларни билишда масофалар китоби») деб аталганлиги ҳам бизга маълум. Афсуски, Жайҳонийнинг бу ажойиб китоби шу ҷоққача топилгани йўқ. «Китоб ал-масолик вал-мамолик» X—XII асрларда жуда

машхур бўлган, эски географик адабиётда ҳурмат билан тилга олиниб турган. Бу китобдан Беруний, «Худуд ал-олам» асари номаълум автори, иби Руста, ал-Бакрий, Гардезий, Авфий, Ҳарақий, Идрисий ва бошқалар ҳам фойдаланганлар. В. В. Бартольд бир мақоласида: «Бу китоб дому-дараксиз йўқолиб кетганга ўхшайди» деган; кейинчалик: «Бир кун эмас бир кун Ўрта Осиёда ёки Ҳиндистонда Жайҳонийнинг асарлари топилиб қолар деб умид қилиш мумкин» деб ёзган.

Гарчи Жайҳоний асарининг асл нусхаси топилмаётган бўлса ҳам, кўчирилиб, турли олимларнинг асарларида берилган парчаларга асосланниб Жайҳоний географиясининг мазмунини тасаввур эта оламиз. Масалан, Муқаддасий бундай деган: «Абу Абдулла ал-Жайҳоний Хуросон амирининг вазири эди. У фалсафа, илми нужум ва ҳайъат фанларидан хабардор эди. У дунёни етти иқлимга бўлиб, ҳар бир иқлимга биттадан сайдерни тайинлаган эди. У гоҳо юлдузлар ва ҳандаса тўғрисида муҳокама юритар, гоҳо Ҳинд санамларини, гоҳо Синд мўъжизаларини тасвирларди, айни вақтда солиқ ва даромадларни тақсимлайди. Унинг номаълум мансиллар ва унтилган довонлар тўғрисида ёзганларини ўзим ўқидим.»

У, шарққа ва гарбга, шимолга ва жанубга борадиган йўллар тўғрисида гапириб, у томонлардаги даштлар, тоғлар, водийлар, қирлар, ўрмонлар, дарёларни тасвирлайди. Шундан унинг китоби қалинлашиб кетди.

...ал-Жайҳонийнинг китобига (диққат билан) қарасанг, унинг иби Хурдодбек асарини ўзига қўшиб олгани аён бўлади...»

Маъсудий дейди: «Жайҳонийнинг асарида дунёнинг тасвири, ундаги ажойиботлар, шаҳарлар, пойтахтлар, денгизлар, дарёлар, халқлар ва уларнинг маконлари тўғрисида ва бошқа турли қизиқ-қизиқ ҳикоялар бор».

Ривоят қилинишича, Жайҳоний одамлар билан ё газлама қўлқоп, ё қоғоз қўлқоп кийиб кўришар экан.

Берунийнинг «Осори боқия», «Минералогия», «Геодезия» ва «Сайдана» китобларида ҳам Жайҳоний бир неча марта тилга олинган. Масалан, «Осори боқия»да: «Ал-Жайҳоний ривоят қиласидирки, Ҳинд денгизи соҳилида бир дарахт бор, дарахтнинг япроқлари қалинлашгач узилиб тушади ва ургочи ариларга айланиб учиб кетади»... «Бухоро билан Деҳинав орасидаги бир қишлоқда бир тепалик бор, хазина қидирувчилар уни кавлашганида сув (отилиб) чиқсан, сувни тўхтата олмаганлар, сув ҳозирга қадар тинмасдан отилиб чиқиб турибди...», «Шуниси ажойибки, Жайҳонийнинг «Ал-Масолик вал-мамолик» китобида ҳикоя қилинишича, Қайрувондаги жоми мачитда икки устун бўлиб, уларнинг нимадан ясалгани номаълум. Ҳар жума куни Күёш чиқишидан олдин бу устунлардан сув сизиб чиқар экан, Ажиг ҳол, бу ҳодиса жума кунига тўғри келаркан...»

Беруний айрим жойлардаги ҳавони таърифлар экан, бундай мисол келтиради: «Жайҳоний айтадики, хитойлар қадим замон-



Жайхоний хорижий давлат элчилари билан сұхбатлашмоқда ларда Хўтандан ҳоқон пойтахти томонга борадиган йўлда бир төғ тепасидан иккинчи төғ тепасига кўпrik қурган эмишлар. Қимки кўпrikдан ўтса, шундай жойи борки, одамнинг нафаси сиқилади ва тили шишиб кетади, шу кўпrikдан ўтганларнинг аксари қазо қилади, кўплари қутулиб қолади ҳам. Тибет аҳли бу (жойни) «Заҳар төғ» деб атайди» («Осори боқия»). Бу ерда тап баланд тоғлардаги ҳавонинг сийраклиги ва төғ касаллиги тўғрисида бораётган бўлса керак.

Яна шу «Осори боқия»ни варақлайлек:

«Жайхоний «ал-Масолик вал-мамолик» китобида ҳикоя қиладирким, Табария шаҳрининг шарқ томонида Балинас шаҳри бор эмиш. Урдун (Иордан) дарёси ўша ердан бошланар экан. Урдун дарёсидаги тегирмонлар шанба кунлари тўхтаб қолар ва ун торта олмас эмиш, чунки дарё суви шанба кунининг охиригача камайиб турад эмиш». Беруний бу воқеа тўғрисида «Табиий фанларда бу ҳодисага асос топа олмайман» деган. Беруний шанба ва якшанба кунлари тарихи муносабати билан Қудуси Шариф мачитидаги алангани ҳикоя қилган, сўнгра Мисрдаги бир қишлоқ бутхонасининг ертўласидаги мақбара чирори ни тасвирлаган, ертўладаги «мўъжизалар»ни ҳикоя қилган.

Берунийнинг «Минералогия» китобида Рим шаҳридаги Стефано бутхонасида сақланаётган қимматбаҳо тож-тахт тўғрисида сўз боргандা, Жайхонийдан нақл келтирилган. «Геодезия» китобида шимолда яшаган ису ва югра қабилалари тўғрисида берилган маълумотлар ҳам Жайхонийнинг китобидан олинган бўлиши эҳтимол. Беруний ҳатто машҳур глобусини ясашда ҳам Жайхонийга асосланган.

Жайхоний географиясининг яна бир хусусияти шундаки, у ёзма манбалардан, жумладан Ибн Хурдодбек асаридан фойдаланиш билан бирга, талай географик маълумотларни бевосита

турли мамлакатлардан келган одамлар билан сұхбатлашиб йиғар экан. Муқаддасийнинг айтишича, Жайхоний чет эллик сайёхлар, меҳмонлар билан сұхбатлашганида улардан мамлакатлари, бу мамлакатларга борадиган йўллар, савдо-сотиқдан олинадиган фойда ҳақида суриштирган, юлдузларнинг баландлиги, буюмлардан соя тушиши, фалакнинг айланиши тўғрисида улар билан фикр олишган. Ҳатто Русь, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларга мактублар йўллаб, мактубда у ерлардаги аҳвол, урф-одатлар, сарой ва девон тартиб-қоидалари тўғрисида суриштирган. Жумладан, Тункат билан Хитойнинг пойтахти оралигидаги масофа 140 кунлик йўлга тенг эканлигини элчилардан суриштириб билган (Тункат шаҳри Оҳангарон во-дийисида бўлган).

Жайхоний асарида Шарқ мамлакатларига катта ўрин берилган. Унда Марказий Осиё ва Ўрта Осиё, Ҳинд водийси, турк қабилалари, Узоқ Шарқ тўғрисида янги маълумотлар бор. «Жайхоний асари Фарб мамлакатлари тўғрисида асарлар ёзган Шарқ муаллифлари учун асосий манба бўлиши билан бирга, уларга Шарқ тўғрисида ҳам бой материал берган» дейди И. Ю. Крачковский. Демак, Шарқ олимлари Жайхоний асаридан Фарб ўлкалари тўғрисидаги маълумотларнига эмас, балки Шарқ ўлкалари тўғрисидаги маълумотларни ҳам билиб олишган, жумладан машҳур Идрисий (1100—1161) Хуросон ва Ҳиндистон тўғрисида Жайхоний асаридан ўқиб билган.

Жайхоний ўзидан кейинги географик адабиётга жуда катта таъсир кўрсатган. Бу таъсир йўллари И. Маркварт тузган схемада кўрсатилган. Схемадан кўринишича, Жайхоний асаридан Ибн Руста ва Бакрий парчалар олганлар, Авфий «Худуд ал-олам»дан фойдаланган, Гардезий эса Жайхонийга бевосита боғлиқ бўлган номаълум авторлардан материал олган (З а х о д е р, «Каспий»). Шунинг учун тарихий география фани билан шугулланувчи олимлар Жайхоний асарининг тўла мазмунини тиклашга уринмоқдалар. Жайхонийнинг Шарқий Европа ва Каспий вилоятлари тўғрисида ёзганлари кейинчалик бутун Ўрта Осиё — Хуросон олимларининг шу ерлар тўғрисидаги тасаввурiga асос бўлди, улар ўз асарларида Жайхоний маълумотларини сал кенгайтириб ёзганлар.

### АБУ ЗАЙД БАЛХИЙ

Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий Ўрта Осиёнинг жанубида, Хуросонда яшаган атоқли географлардан биридир. У Балх ёнидаги Шамистиён қишлоғида туғилган (бу қишлоқ Балхга сув берадиган 12 ариқнинг бири — Ғурбанди суви бўйида бўлган), муаллифлик қилган. Балхий Бағдодда 8 йил турган (Ёкутнинг айтишича, у Бағдодга пиёда, карвонга эргашиб борган); бу ерда ал-Қиндийга (философ ва энциклопедист олим) шогирд тушган, қўшни мамлакатларни кезган, Маккага ҳам борган, сўнгра ўз юртига қайтиб кетган. У ўз ватанида донолиги



Балхий тузган дунё картаси (асли)

ва олимлиги билан шуҳрат қозонган, фалсафа, астрономия ва география фанлари билан шуғулланган. Бухоролик Жайҳоний уни ўз даргоҳига ишга ҷақирганида «Амударёдан нарига ўта олмайман» деган баҳона билан у ерга бормаган. 919 йилда, вақтинча, Балх вазирининг саркотиби бўлиб, 500 дарҳам ойлик олиб ишлаган. Шунга қарамай, Балхий Жайҳоний билан дўстона муносабатда бўлган, Жайҳоний унга ҳатто совгалар ҳам юбориб турган. Лекин «ғайридиний» асар ёзади, деб уни қариган чоғида мутаассиблар кўп таъқиб қилганлар.

Балхий 60 га яқин асар ёзган. Аммо «Осмон ва олам китоби», «Ер суратининг тасвири» номли ва яна бир қаинч асарларигина бизгача сақланиб қолган. Бу асарлар орасида биз учун энг муҳими—«Сувор ал-ақолим» («Иқлиmlар сурати») асари дир. Бу китоб турли манбаларда турлича ном билан аталган: «Ашкол ал-ақолим» («Иқлиmlарниң шакллари»), «Тақвим ал-



Балхий туэган дунё картасининг ўзбекча таржимаси

булдан» («Шаҳарларнинг тақсимланиши»). У, эҳтимол, карталар тўпламига ёзилган изоҳотдан иборат бўлгандир. Балхий «Сувор ал-ақолим» асарини 920 йилда ёзган. Бу вақтда у 70 ёшга бориб қолган эди.

Географ Муқаддасий Балхий ҳақида бундай деган: «Абу Зайд Балхий ўз китобида карталар ва ернинг тасвирини бермоқни мақсад қилган эди. Ерни йигирма қисмга тақсимлаган, ҳар бир тасвири қисқа-қисқа тушунтирган». Муқаддасий Балхий асаридаги карталарнинг бирини Бухородаги сомонийлар ҳокими кутубхонасида, яна бирини — Нишопурда, бошқаларини араб денгизчиларининг қўлида кўрган; унинг айтишича, Балхий дунёни қушга ўхшатиб, унинг тумшуғи Қулзумда (Қизил денгиз), бўйни Ироқда ва думи Ҳабашистон билан Хитой орасида деб тасаввур қилган. Муқаддасий айтган қуш шаклидаги карталарнинг нусхалари кўп, лекин буларнинг қайси бири Балхий чизган асл нусха эканлиги номаълум. Яқинда Афғонистонда, Кобулда форс тилидаги дунё картаси топилди; бу карта гарчи Истаҳрий асарида берилган бўлса ҳам, Балхийнинг тасаввурига жуда ўхшайди; унинг Балхий қўллэзмаларига тегишли бўли-

ши ҳам эҳтимол. Мазкур картага назар солинса, Муқаддасийнинг айтгандари тасдиқланади. Картани В. Ф. Минорский топиб, таҳлил қилди (Минорский, «Мусулмон»). Дарҳақиқат картада қушнинг тасвири кўзга ташланади. Картадан кўп марта нусха кўчирилганлигидан унга янги афсонавий шакллар ҳам қўшиб қўйилган, аммо Балхийнинг асосий идеяси сақланган. Жануб картанинг юқорисида, шимол эса пастки томонида. Доиранинг сиртидаги қалин қора айлана — «Қўҳе Қоф ва дарёе Мұхит» (яъни ерни ўраб олган дунё океани билан афсонавий Қоф тоғлари). Доира ичидаги қушнинг боши: шимол тарафда — Сақолаба, Рус ва Рум, жануб тарафдан — Армания ва Озарбайжон, яъни Қаспий-Қора дengиз; шарқдаги оқ доирача ичиди — Орол дengизи; унга тортилган Жайхун билан Сайхун дарёлари ҳам кўрсатилган. Қушнинг дум томонида — Африка даги Жабали Қамар (Ой тоғлари) ва Нил дарёсининг манбалари. Картанинг ғарб томонидаги шакл — Ўрта дengиз, шарқ томонидаги, ичига тўртта оқ орол жойлашган шакл — Ҳинд океанидир. Хуллас, картада географик жойланишлар хато бўлса ҳам, унинг умумий қиёфаси ва идеяси қизиқарлидир.

«Сувор ал-ақолим»нинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Аммо эронлик географ Истахрий Балхий ҳаёт чоғида бу асарни таҳрир қилиб, ўз юрти, яъни Форс вилоятига, Хузистон ва Шимолий Ҳиндистонга доир янги маълумотлар билан тўлдирган; ироқлик сайёҳ ибн Ҳавқал эса Ўрта дengиз мамлакатларига доир маълумотларни ҳам қўшиб, асарнинг янги вариантини тайёрлаган. Ана шу кейинги икки асар бизгача етиб келган.

Истахрий Эрондан Самарқандга ўтган вақтида йўл-йўлакай Балхда тўхтаб, Балхий билан сұхбатлашган ва унинг асарини олиб кетган бўлиши мумкин. Истахрий 952 йилда ибн Ҳавқал билан учрашган, жиддий мунозарадан кейин ўзининг географияга доир китобига янги маълумотлар қўшишини ва китобни кенгайтиришни ибн Ҳавқалга топширган. Шу тўғрида ибн Ҳавқал бундай деган: «Мени шундай китоб ёзишга undagan асосий сабаб шу бўлдики, мен ёшлигимда турли мамлакатлар ҳақида-ги ҳикоятларга қизиқар эдим, ҳатто турли шаҳарларнинг ҳаёти билан танишгим келар, шунинг учун сайёҳлардан, савдогарлардан, ўқимишли кишилардан бу ҳақда ҳа деб сўрайверар эдим... Ибн Хурдодбеҳ ва ал-Жайҳонийнинг китобларини ёнимда олиб юрар эдим.

Мен Абу Исҳоқ ал-Форисий (Истахрий) билан учрашдим. У менга Ҳиндистоннинг картасини чизиб кўрсатди, лекин хато қилди. Эрон картасини боплаб чизди. Мен Озарбайжон (картаси)ни чизиб кўрсатдим, унга маъқул тушди. Жазирани ҳам яхши деди. Унинг Миср тасвири аслига ўхшамади. Магрибни ҳам нотўғри чизди. «Сен менинг ушбу китобимни қараб чиқ, хатоси бўлса тузат» деди менга. Мен унинг китобидаги бир неча картани тузатдим, лекин кейинчалик алоҳида китоб ёзишни маъқул топдим».

Шундай қилиб, Истахрий—Ибн Ҳавқал асари ҳам «Қитоб ал-масолик вал-мамолик» деб аталади, уни варақласангиз, бу китоблар заминида Балхийнинг қўли борлиги билиниб туради. Шундай қилиб, Балхий, Истахрий, ибн Ҳавқал Шарқ географиясидаги классик даврнинг ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфирдалиқ билан бирин-кетин ижод қилган намояндалариdir, гўё бир илм занжирининг ўзаро боғланган ҳалқалариdir. Уларнинг асарларига илова қилинган дунё ва айрим вилоятлар карталари фан тарихида «Йслом атласи» номи билан машҳурdir. Бу карталарнинг баъзилари Балхийдан ҳам бурун ўртаосиёлик Мусо ал-Хоразмий, Жайҳоний ва бошқалар қўли билан чизилган, албатта. X асрда Балхий ва унинг муҳлислири бутун Шарқ картографиясининг самараларини жам қилиб, яхлит бир асар шаклига солишган.

Балхий—Истахрий—ибн Ҳавқал асарида ер юзи 20 та «иқлим» та бўлинган. Уларнинг «иқлими» «етти иқлим» тушунчасига мутлақо мос келмайди; бу асарда дунёнинг 20 вилояти шарқдан ғарбга қараб шартли равишда «иқлим» деб аталган ва вилоятларнинг ҳар биридаги шаҳарлар, йўллар, етиштириладиган мевалар, маҳсулотлар ҳамда бошқа ажойиботлар бирма-бир таърифлаб берилган.

Ёкүт ўзининг географик луғатида Балхийнинг Шош (Тошкент) ҳақидаги бир таърифини берган: «Шош ёз фаслида бами-соли жанинат. Кишини иссиқ таъсиридан қалқондек сақлайди. Аммо мен Шош қишининг совуғига чидаётмай жинни бўлиб қоламан». Балхий Бухорони бундай тасвирлаган: «Қўрғондан ташқариси серманзараликда Бухородан чиройлироқ шаҳарни кўрмадим. Чунки қўрғондан ташқари чиқишинг билан кўзинг зангори осмонга тулашиб кетган кўкаламзорга тушади. Осмон гумбази билан кўкаламзорлар оралигида кўринган қасрлар осмондаги ўлдузларга ўхшайди; экинзорлар сатҳи теп-текис. Бухороликларнинг экинзорлари бепоён ва унга тенг келадиган жой Хурсонда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам топилмайди».

## Наршахий

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий X асрнинг биринчи ярмида (899—959) Бухорода яшаган тарихчи олимдир. У 944 йилда Бухоро вилоятининг тарихи тўғрисида араб тилида «Таҳқиқ ал-вилоят» номли ажойиб асар ёзган. Бироқ одамларнинг араб тилидаги китобларни ўқишига рағбати бўлмаганлигидан бу асарни форс тилига таржима қилиш зарурати туғилади. Кейинчалик, 1129 йилда Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад ал-Кубавий уни тожик тилига қисқартириб ва баъзи ўзгартишлар киритиб (масалан, бошқа асарлардан олинган парчаларни қўшиб) таржима қилган. 1179 йилда Муҳаммад бин Зуфар уни яна таҳrir қилиб, қисқартириб кўчирган. Китобнинг икки марта қисқартирилган ана шу кейинги нусхаси сақланиб қолган. Бундан олдинги қўлёзмалар ҳали топилганича йўқ.

«Таҳқиқи ал-вилоят» китобини баъзан «Ахбори Бухоро», «Бухоро тарихи», кўпинча «Наршахий тарихи» деб ҳам атаганлар. «Тарих»да Бухоро тўғрисида турли ривоятлар ва ҳикоятлар, ҳокимларнинг ҳаёти ва урушлари ёэйланган. Аммо биз учун унинг географик томони — Бухоро вилоятининг табииати, шаҳар топографияси, қишлоқлари, бойлиги, саноати ва аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳимdir. Наршахий Мовароуннаҳр тушунчасига изоҳ бериб, бундай дейди: «Мовароуннаҳр — Амударёдан шарқ томондаги шаҳарларнинг энг наригиси». Бухоро шаҳрининг Нумужкат, Мадинат ас-Суфрия («Мис шаҳар»), Мадинат ат-Тужор («Савдогарлар шаҳри»), Фохира деган номлари бўлганини айтиб, «Хуросонда ҳеч бир шаҳарга бунча кўп ном берилмаган» дейди. «Бухорода Жўйи Мулиён каби гўзал истиқоматгоҳдан афзалроқ жой йўқдир, чунки бу ерда саройлар, боғлар, гулшанлар, мевазорлар, дараҳтзорлар бор. Дараҳтзорлар ва гулшанлар томон минг тарафга ўтказилган ариқлар бир-бири билан кесишган. Бу қадар кўп оқар сувни кўрган ҳар кимса унинг қаердан келиб, қаёққа оқишидан ҳайратда қолади. Уларнинг шундай жойлашишини энг моҳир усталилар ва мезъморлар ўйлаб топганлар».

Бухоро ёнидаги Байкенд шаҳрини (қадимий бу шаҳар ҳозирги Яккатут темир йўл станцияси ёнида бўлган; ҳозир унинг вайроналаригина қолган) улуғлаб, бундай мисоллар келтирилган: «Бирор Байкендни қишлоқ деса, Байкенд аҳолиси хафа бўлади. Агар бир киши Байкендан Бағододга борса ва ундан қаердансиз?» деб сўрасалар, «Байкенданман» дейди-ю, аммо «Бухороданман» демайди.

...Байкендинг ҳамма аҳолиси савдогар бўлиб, Хитой мамлакати ва денгиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва жуда бой эдилар.

Байкендан то Фаробгача бўлган 12 тош масофалик жой кум чўлидир.»

Зарафшон дарёси Рудизар ва Ҳарамком деб тилга олинади. «Ҳарамком суви Байкендга оқиб боради. Байкенд (нариғида) тўқайликларга ва катта кўлга туташади. Бу кўлни... Баргин Фарах дейдилар. Қоракўл деб ҳам атайдилар. Йишончли кишиларнинг айтишича, унинг кенглиги 20 тошdir. «Масолик ва мамолик» китобида ёзилишича, уни Сомчан кўли деб атайдилар. Бухоро сувининг ортиқаси ўша жойга йигилади ва унда сув жониворлари яшайди. Хуросоннинг ҳамма жойидан қуш ва балиқ жами (бунга) тенг келмайди».

Автор Шопурком (ҳозирги Шофиркон) номининг тарихини бундай ривоят қиласи. Шопур ов қилишни яхши кўрар экан. Бир куни овга чиқиб, ком томонга қарабди, у ёқда бирон бир қишлоқни ва обод жойни кўрмабди: бу, чакалакзордан иборат ов жойи экан. Бу жой Шопурга ёқиб қолибди. Бухор худот (ҳоким) уни Шопурга берибди. Шопур бу ерда катта анҳор қази-тиб, уни ўз номи билан «Шопурком» деб атаган.

Наршахийнинг шу ахбороти муносабати билан «ком» сўзининг маъносини тушунтириб берайлик. Ўрта Осиё топонимиясида «ком» сўзи «дарё», «канал» маъносида бўлиб, бир қанча топонимлар (географик номлар) таркибига қўшилган. Чунончи: Шопурком, Комимех (ҳозир Конимех), Комидаймун. Амударё тўғрисида: «Амударё лабидан то Фаробгача бир тош; сув тошса, ҳалиги бир тош масофа ярим тош бўлиб қолади. Гоҳо Аму суви тошиб, Фаробгача боради» дейилган.

Наршахий Бухоро вилоятидаги шаҳарларни ҳам қисқача таърифлаган: «Афшина катта бир шаҳар бўлиб, қалъаси бор. Бир неча қишлоқлар унга қарашлидир. Одамлар у жойни табаррук дейдилар. Ҳафтанинг муайян бир кунида у ерда бозор бўлади». «Карминада (муллалар ва шоирлар) кўп бўлган. Қадимда Карминани бадъяни хурдак (кичкина тогора, кичик обдаста) деб атаганлар. Бухородан то Карминагача 12 тошdir».

«Тавовис, бу, вилоят бўлиб, (асл) номи Арукуқдир. Ундаги кишилар бой ва зебу зйнатга берилган одамлар... Ҳар бир киши уйида битта-иккита товус сақлайдиган бўлган. Бундан илгари араблар товусни (кўрмаган) эканлар, бу жойда товусни кўп кўравериб, қишлоқни «зотул ат-тавовис»— «товуслар эгаси» деб атаганлар; унинг асл номи унтилган, ундан кейин «зот» сўзини ташлаб, Тавойис деб қўя қолганлар... Ундан Бухорогача 7 тош... «Зандани қишлоғида карбос — кийимбоп мата тўқилади, уни занданича дейдилар. Ироқ, Форс, Ҳиндистонга соатадилар».

Бу асарда булардан ташқари, Бухородаги катта ёнғин, вилоятдаги ариқлар, экинлар, масофалар тўғрисида ҳам мукаммал маълумотлар бор. Юқорида келтирилган парчалардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Наршахий сомонийлар даврининг тарихчисигина бўлиб қолмай, Бухоро вилоятини ўз кўзи билан кўриб, тасвирлаб ёзган тарихнавис географларимиздандир.

### НОМАЪЛУМ МУАЛЛИФ АСАРИ

Рус шарқшуноси, капитан А. Г. Туманский Мирзо Улуғбекнинг «Улуси арбаъ» («Тўрт улус») номли тарихий асарини тошиш ниятида Бухорога келади; китоб тўғрисида кўп кишилардан узоқ вақтлар суриштиради. Китоб тилини биладиган мирзалар жами китобфурушлар дўконидан, хонадонлар ва мадрасалардан бу китобни қидирадилар, аммо тополмайдилар. Шундан кейин А. Туманский қайтиб кетади. Туманскийнинг Бухорода қолган таржимони — Абдулфозил Гулпойгоний кейинчалик, 1892 йилда бир китобфурушдан қандайдир қалингина қўллэзма топади. Қўллэзма тўрт асардан иборат бўлиб чиқади: Муҳаммад ибн Нажиб Бакронинг «Жаҳоннома» номли асари (27 вараг); Муҳаммад Нишопурийнинг музика ҳақидаги рисоласи (2 вараг); «Китоби худуд ал-олам минал машриқ илал мағриб» («Шарқдан ғарбгача олам чегаралари китоби») сарлавҳали асар (30 вараг) ва Фаҳриддин Муҳаммад ар-Розийнинг «Жами

ал-улум» номли асари (49 варак). Буларнинг ҳаммаси бир муқова ичига тикилган эди.

Тўпламдаги учинчи қўлёзма — «Китоби худуд ал-олам минал машриқ илал мағриб»нинг муаллифи бирон бир саҳифада кўрсатилмаган-у, аммо унинг кўчирилган йили ва хаттотнинг исми ёэйлан.

Гулпойгоний қўлёзма топилганилиги тўғрисида 1892 йили 25 октябрда Петербургга хат ёзиб, шарқшунослар орасида биринчи бўлиб ахборот берган. Гулпойгонийнинг мактубида бундай дейилган: «Мен Бухородалигимда «Улуси арбаъ» китобини ҳар қанча изласам ҳам, қўлимга тушмади; лекин бир нусха кўхна китоб топилди, бисёр хуб, у тўрт рисоладан иборат. Биринчи рисола жуғрофиядан бўлиб, нақш (харита) муқаддимасидан иборатдир; иккинчи рисола ҳам жуғрофиядир... Унда ёзилган шаҳар исмлари ҳозир ҳеч маълум эмасдир...»

А. Г. Туманский 1893 йилнинг баҳорида яна Бухорога келади. Гулпойгоний қўлёzmани унга ҳадя қиласр экан, «Қўлёзма нашр этилсин, токи фан учун сақланиб қолсин» деб шарт қўйган. Қўлёзма Туманскийнинг ихтиёрига ўтгач, у дастлаб 1893 йил 2 майда Самарқанд газетасида, шу қўлёzmадан «Самарқанднинг узоқ ўтмишидидан» сарлавҳаси билан парча келтирган. 1894 йилда шарқшунос барон В. Розен қўлёzmани бошдан охиригача кўчириган. В. А. Жуковский ҳам қўлёzmани ўқиб, керак жойларини кўчириб олган. Туманскийнинг ўзи эса 1896 йил 19 апрелда Петербургда, Россия археология жамиятининг Шарқ бўлимига қўлёзма тўғрисида батафсил ахборот берган, каттагина мақола ёзган, мақолада қўлёzmанинг мундарижаси ва баъзи сатрларининг таржимасини берган. Шу-шу бу асар шарқшунослар орасида «Туманский қўлёzmаси», «Аноним асар», қисқача «Худуд ал-олам» деб атала бошлаган. Туманский 1920 йилда чет элда вафот этди. Шундан кейин мазкур қўлёzmанинг изи яна йўқолди.

Лекин кўп ўтмай, қўлёзма топилди — «қайтадан туғилди». Марҳум Туманскийнинг Истанбулда истиқомат қилаётган рафиқаси ўша вақтда Парижда бўлган шарқшунос Владимир Минорскийга газета орқали мурожаат қилиб, «қўлёзма менинг сандигимда» деган. Минорский қўлёzmани ундан олдириб, ҳақиқий ватани — Россияга қайтариб юборган (Минорский, «Мусулмон»).

Шундай қилиб, Бухорода топилган бу қимматли географик асар қўлёзма ҳолида Петербург — Истанбул — Париж маршрути бўйича «саёҳат» қилиб, яна Ленинградга қайтади. Ҳозир қўлёзма СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими кутубхонасида сақланмоқда.

Атоқли олимимиз академик В. Бартольд революциядан олдин ҳам бу асарга катта аҳамият берган, ўзининг бир қанча мақолаларида ва Туркистонга доир монографияларида ундан

парчалар келтирган. У қўлёзма саҳифаларининг фотосурати-ни (факсимиле) олиб ва рус тилида қисқача муқаддима ёзиб, қўлёзмани босмага тайёрлайди. Бартольднинг бу китоби 1930 йилда нашр этилди. Асардаги кўпгина географик номларнинг ёзилиши ва талаффузи ноаниқ бўлганлигидан олим бу асарни рус тилига тўла таржима қила олмаган. Буни унинг ўзи ҳам эътироф этган.

«Худуд ал-олам» қўлёзмасининг фотосурати саёҳатни давом эттириди. 1935 йилда Эронда Сайд Ҷалолиддин Техроний уни ҳамда Бартольд ёзган муқаддимани форс тилига таржима қилиб, нашр этириди. Кейин В. Минорский уни инглиз тилига таржима қилиб, батафсил изоҳлар билан 1937 йилда Лондонда нашр этириди. Шуни айтиб ўтиш зарурки, асарнинг инглизча таржимаси кўп мashaққатлар билан юзага келди; уни бир неча шарқшунос олим кўриб чиқди, таҳрир қилди, Лондон, Париж ва Брюссель кутубхоналари юзлаб китобларни таржимон иҳтиёрига бериб турди. Оксфорд университетининг шарқшунослар колективи жойларнинг номларини ва цитаталарни аниқлашда ҳамда бошқа маълумотларни ахтариб топишда Минорскийга катта ёрдам бердилар. Минорскийнинг рафиқаси Бартольд ёзган муқаддимани инглиз тилига таржима қилиб, 4500 тача карточка тузди, инглизча таржимани машинкада 4—5 марта босди.

Совет шарқшунослари «Худуд ал-олам» китобидаги маълумотлардан ҳамиша фойдаланмоқдалар. Туркманистон тарихи, Ўзбекистон тарихига бағишлиланган ва яна бир қанча китобларда «Худуд ал-олам»дан баъзи бир маълумотлар берилган. «Худуд ал-олам»нинг Қаспий денгизи ва унинг теварагига оид боблари Б. Н. Заходернинг «Қаспий мажмуаси» китобида нақл қилинган. Аммо бу асарнинг ҳануз русча ёки ўзбекча тўла таржимаси йўқ. Унинг айрим мавзуларигина турли авторларнинг мақолаларида, тарқоқ ҳолда таржима қилинган.

«Худуд ал-олам» асари 983 йилда Амударёнинг чап соҳиlidagi Жузжон вилоятида (Балхдан ғарбда) ёзилган бўлиб, шу вилоятнинг ҳокими амир Абул Хорис Мұҳаммад ибн Аҳмадга бағишлиланган. Форс-тожик тилидаги бу асарни ўз замонасида ҳам, XIX аср охиригача ҳам шу ном билан бирор кимсаннинг эшитгани ёки тилга олгани маълум эмас; у ҳатто бирон рўйхатда ҳам қайд қилинмаган. Бироқ, бизнингча, бу тамомила но-маълум асар бўлмаса керак, чунки, биринчидан, асар ёзилганидан 300 йил кейин, яъни 1258 йилда қайта кўчирилган экан; демак, у XIII асргача қўлдан-қўлга ўтиб юрган. Иккинчидан, китоб, эҳтимол, бошқача ном билан ҳам аталгандир. Аммо у илмий аҳамияти жиҳатидан Шарқ географик адабиётининг дурдона ёдгорликларидан биридир, хусусан Ўрта Осиё ва Афғонистонда географик билимлар тарихи учун қимматли манбадир.

Асар жами 60 боб (мақола)дан иборат бўлиб, муқаддимадан кейин қуруқликларнинг чегаралари, дengiz ва қўлтиқлар, ороллар (жазираҳо), тофлар ва улар бағридаги маъданлар, дарёлар, чўллар ва қумлар, сўнгра жаҳондаги вилоятлар (ноҳиятҳои жаҳон)нинг таърифи берилган. Қўллэзманинг асл нусхасида сарлавҳалар ва машхур жойларнинг номлари қизил сиёҳда ёзилган. Сарлавҳаларнинг ҳаммаси «ҳикоят», «гап», «таъриф», «характеристика» маъносидаги «сўхан» сўзи билан бошланган (ўзбекчага ағдарганда «сўхан» сўзини ишлатмаса ҳам бўлар экан; масалан, «сўхан андар рудҳо»нинг маъноси «дарёлар тўғрисида гап» бўлса-да, уни қисқача «дарёлар» деб ёзиш мумкин; шунингдек, «наҳият» сўзини «вилоят» десак тушунали бўлади).

«Худуд ал-олам» асари жаҳондаги барча мамлакатларнинг таърифи берилган географик, этнографик ва иқтисодий маълумотномадир. Асарнинг форс тилида ёзилганлиги ўша даврда (Х асрда) маҳаллий форс-тожик маданиятининг юксак дараҷадалигидан, арабча китоблар савиясидан сира қолишмаганигидан далолат беради. Асарга илмий жиҳатдан баҳо беришда унинг манбаларини, кимларнинг асарларидан фойдаланиб ёзилганлигини аниқлаш муҳимдир. Бу ҳақда А. Г. Туманский, В. Бартольд, В. Минорский ва И. Ю. Крачковскийлар ўз мулоҳазаларини айтганлар. Чунончи, «Худуд ал-олам»нинг номаълум муаллифи хуросонлик бўлганлигидан, асарда ҳозирги Тоҷикистон, Қирғизистон, Узбекистон, Туркманистон, Афғонистон ерлари, мукаммал тасвиirlанган. Унинг дунё тўғрисидаги таърифлари Шарқнинг бошқа географлари асарларидағига ўхшаш бўлса-да, оригинал ва мустақил мулоҳазалари кўп. Туманский: «вилоятларнинг чегаралари, қўшини мамлакатлар ва халқлар ҳақидаги маълумотлар, менингча, авторнинг энг катта хизматидир» деган.

Шу билан бирга, номаълум муаллиф воқеаларни тасвиirlаганида баъзан даврлар ва ҳодисаларни аралаштириб юборган. Шунингдек, бажанак ва қипчоқлар, мирават ва вананларнинг маконлари тўғрисидаги маълумотларнинг кўписи ғалати. Шуниси қизиқки, муаллиф ўз асарида маҳаллий географлардан Балхий билан Жайхонийнинг китобларидан ҳамда уларга эргашган иби Худодобҳ (Хитой, Хузистон, Рум, Африка тўғрисидаги боблар) ва Истаҳрий (Ўрта дengiz ва Ҳиндистон тўғрисидаги боблар) асарларидан, Батлимус (Птолемей), Арасту (Аристотель) асарларининг арабча таржималари ва шарҳларидан (2а, 4а, Ба-бетлар) ва бошқа китоблардан ҳам фойдаланган. Асарнинг ҳар бир саҳифасида хусусан Жайхонийнинг таъсири сезилиб туради. Китобнинг Узоқ Шарқ, турк қабилалари, қарлуқлар тўғрисида сўз борган жойларида географик номларнинг ёзилиши номаълум муаллиф Жайхоний китобининг аслини кўрганлигидан далолат бериб туриди.

Китобхонларнинг «Худуд ал-олам» мазмунини тўлароқ тасвур қилишларига имкон туғдириш учун асарнинг текстини қисқартириб, эркин таржима қилиб мазмунинигина тушунтиридик, эскирган сўзлар ва қийин жумлаларни таржимада соддлаштиридик. Ўз мулоҳазаларимизни қавс ичидаги бердик, асл қўл-еъзманинг бетларини ҳам кўрсатдик.

Китобнинг кириш сўзи «Бахт ва саодат бўлсин!» ибораси билан бошланиб, унда мазкур асарнинг ҳижрий билан уч юз етмиш иккинчи йилда (983 милод) ёзилганни айтилган; ер юзининг шакли, қуруқлик чегаралари, ободонлик ва вайроналик дараҷаси баён этилган; ер юзидаги вилоятлар ва подшоликлар, шу вилоятлардаги маълум бўлган қавмлар, подшоҳларнинг урф одатлари, расм-руслами, мазкур вилоятлардан четга чиқариладиган нарсалар, жаҳондаги шаҳарлар, улардаги аҳвол, уларнинг катта-кичиклиги, ноз-неъматлари, одамлари, ободонлиги ва вайроналиги, ҳар бир шаҳарнинг тоғ, дарё, денгиз ёки чўлга яқин-узоқлиги, жаҳондаги денгизларнинг ўрни, жойланиши, қўлтиқлари, мурдоб (ёпиқ қўлтиқ)лари таърифланган; шу билан бирга, жаҳондаги ороллар, уларнинг ободонлиги ва вайроналиги, уларда яшайдиган одамлар, уларнинг аҳволи, ишлаб чиқарадиган нарсалари, жаҳондаги тоғлар, улардаги маъдан конлари, тоғларда яшайдиган жониворлар, жаҳондаги йирик дарёлар, уларнинг қаердан бошланиб, қаерга қўйилиши, сувининг ерларни сугоришга сарфланиши, кемачиликка ярайдиган дарёлар тасвирланган, шунингдек, маълум чўллар ва қумликлар баён этилган. Қуйида шу асардан парчалар келтирдик.

**«Ер чегаралари, ободлиги ва вайроналари.** Ер юмалоқdir (тирадаст), уни осмон мұхити ўраб туради. Икки қутби бор, бирини Шимолий қутб дейдилар, бошқасини Жанубий қутб дейдилар» (2а-бет).

«Экватор — бир айланадирки, у Ернинг шарқий чеккасидан бошланиб бутун ўртасидан ўтади ва гарбигача боради, сўнгра яна (гарбий яримшарда) шарққа томон йўналади.

Биз ер шарининг ярмини, одам яшайдиган палласини кўриб турмиз, аммо бошқа палласи яширингандир, у бизнинг остилизмизда (яъни биз турган жойнинг тескари томонида). Одам яшайдиган ерларнинг жанубий чегараси — 17 даражада (жанубий кенглиқ) ва 180 даражада узунликдир.

Бу иккала обод ернинг (шимолий ва жанубий яримшарлардаги одам яшайдиган ерлар) майдони Ер юзининг  $\frac{1}{9}$  га тўғри келади. Жаҳондаги ҳамма шаҳарлар ва турли подшоликлар, денгизлар, тоғлар, дарёлар, жониворлар ҳамда балиқлар мавжуд жойлар Ернинг ана шу қисмидадир.

Аммо шарқий вилоятларнинг энг чеккасида дарёи Сабз (Яшил денгиз) бор. Бу денгизни румияликлар (греклар) Ўқиёнуси Машриций (Шарқий океан) дерлар, араблар (тозиён) баҳр ал-Азҳар дерлар.

Аристотель «Осори Улви» («Метеорология») китобида айтганки, денгизлар Ерни гёё уфқ сингари ўраб туради. Ва кемалар бу денгизларнинг ҳаммасини сузуб ўта олмаган (2а-бет)... Фақат обод ерларга яқин қирғоқлардагина сузуб юра оладилар (2б-бет).

Ернинг ғарбий томонидаги энг чекка шаҳар — Сус ал-Ақси дейилади, у денгиз лабидадир, уни (денгизни) Ўқиёнуси Мағрибий (Фарбий океан) дейдилар. Ва бу денгизнинг сувлари ранги, тами ва ҳиди (жиҳатдан) Шарқий океанга монанд.

Бу океанлар шимолда ҳам, жанубда ҳам бир-бирларига туашган. Шунга кўра қиёс қилиб айтадиларки, ҳар иккала денгиз бир бўлиб, Ерни шарқ ва ғарбдан гирд ўраб туради ва иккала қутбдан ўтади ва шу сабабдан денгизнинг нариёфида нима борлигини ҳеч кимса билмайди.

Экватор чизигининг энг узун жойи дарёи Азим (Буюк денгиз) устидан ўтган. Экватордан шимолда 63 даражада (шимолий кенглик) гача одамлар яшайди, ундан нарида Шимолий қутбдан тарқаладиган қаттиқ совуқ дастидан жониворлар яшай олмайди.

Экватордан жанубда эса, денгиз кенгайган жойларда, ҳаво жуда жазирамадир, занжилар, ҳабашлар ва (шу) сингарилар бор». (2б-бет).

«Худуд»нинг муаллифи асосан шарқий яримшарни тасвирлаган. У Тинч океанинг Ўқиёнуси Машрикий, форсча дарёи Сабз, арабча баҳри ал-Азҳар, яъни Яшил денгиз деган номларини ишлатган. Ҳинд океанини дарёи Азим — Буюк денгиз деган. Аммо ўрта асрга оид бошқа асарларда бу номлар алмашниб туради. Яшил денгиз деб кўпинча Ҳинд океани, Буюк денгиз деб баъзан Тинч океан, кўпинча, умуман океан тушунилган.

«Шимолда қаттиқ совуқ дастидан жонивор яшай олмайди» деган ибора кейинчалик Маҳмуд Кошғарийнинг дунё картасидан ҳам ўрин олган.

**«Тоғлар ва конлар.** Тоғларнинг жойланиши икки хил бўлади; бири — асл тоғлар. Улар бир вилоятдан иккинчи вилоятга чўзилган; баъзи жойи торайган, баъзи жойи кенгайган, бири тўғри йўналган, бири эгри-буғри йўналганки, ўқ тоғлар деб аталади. Бошқаси — шоҳ (бутоқ) тоғларки, ўқ тоғлардан тармоқланиб чиққан. Булар сербутоқ дарахтга ўҳшаганлиги учун шоҳ тоғлар дейилади, тоғларнинг ҳам шоҳча тоғлари бўлиши мумкин. Шаҳарлар ва вилоятларнинг орасидан ўтган бу тоғларнинг шоҳобчалари андак бўлур. Ўқ тоғлар кўпинча бир-бирлари билан пайвастадир.

Шарқдаги биринчи тоғларни «ал-Тоин фи ал-баҳр» деб атадик. Унинг ярми қуруқликда, ярми денгиздадир.

Яна Сарандиб (Цейлон)<sup>1</sup> тоғидир, унинг узуунлиги 100 фар-

<sup>1</sup> Ҳозир Шри Ланка деб аталади.

саҳ, чунон баланд жойлар борки, ҳеч ким чиқолмайди... Бунинг тоғларида ёқут маъдани бор, ҳар хил ранг ва дарё ўзанларида олмос бор ва шундай (яхши) олмосли жой жаҳоннинг бошқа ерида йўқдир.

Унинг заминида қайроқтошлар бор. Денгизда (Цейлонда) ва унинг лабида қимматбаҳо дур топилади. У ерда сунбул ва қоқила (гвоздика), ёнғоқ ва ҳамма хушбӯй мевалар бисёрдир. Жавзи ҳинди (кокос) ёнғоқ дарахти бисёрдир... У ерда оҳу, ҳайвони забод (56-бет) ва карк (каркидан) ўтлаб юради.

У ердаги тошларда кишининг қадам изи бор, айтадиларки, бу Одам алайҳиссалом излари...

(Цейлоннинг) аҳолиси (мардумон) ҳиндлардир ва бу тоғлар биринчи иқлимдандир.

...Ҳиндистоннинг охири билан Чиннинг бошланиши оралиғида бир-бирига пайваст Монисо тоғлари бор. Улар шимолга қараб, то Ҳиндистоннинг охири билан Тибатнинг бошланишигача йўналган. Улар яна шимолга чўзилиб, Тибат ва Чиннинг ўртасидан ўтган, то Ронгранг чегарасигача; бу Тибатдир. Кейин фарб томонга бурилиб, Чин ва Нозвон вилояти орасидан ўтади. Тибатдан шимоли-тарбга йўналиб, Тибатнинг охирги чегарасигача боради, кейин Тусмат орасидан ва Чин орасидан ўтиб, Чинистон охиридаги чўлларга етади. Сўнгра Мовароуннаҳр шаҳарлари ва Туркистон шаҳарларидан ўтиб Тароз ва Шалжига боради ва ўша ерда гойиб бўлади.

Аммо ўша ерда, Ҳиндистон чегарасининг охири ва Тибатнинг бошланишида (ўқ тоғ Монисодан) бир тармоқ ажралади, у шарққа қараб, Чин томонга 50 фарсах чўзилган.

(Сўнгра Мовароуннаҳрдаги кўпгина тоғ тармоқлари беном тасвирланган). Шу тоғ тармоқлари бағрида олтин ва бошқа конлар ... оҳанг (темир), дорилар (тошлар) кўп.

Чинистон вилоятларида 18 та тоғ бор, буларнинг бири кичик, бири катта... Буларнинг 14 тасида олтин конлари бор.

Яна Тўғузғуз турклари чегараларида ҳам тоғлар бор, улар Чин тоғларига пайваста, унинг катталиги (узунлиги) 40 фарсах, уни Тафтон тоғи дерлар. Тафтон яқинида (тизмалар) Тўғузғуз ва Яғмо орасидан ўтади... Сўнг Монисога бориб туташади... Хуландагун дарёси яқинида бу тоғ (тизмаси) Йерочорт деб аталади; бу тоғлардан ҳар бирининг кўп номлари бор, зероки ҳар бир жойда шу тоғнинг номи яқинидаги вилоят ёки шаҳар номи билан аталади.

Бошқаси Тўғузғузнинг бошланиши чеккасидан, Иссиккўл яқинидан ўтиб, Тухсиённинг охири ва Халлух (Қарлуқ)нинг бошланиш чеккасигача давом этади, сўнгра бурилади ва Хирхиз (Қирғиз) вилоятида ундан шохи (тармоқ) айрилади, у тоғни Тўлас (Талос) дерлар. Ва бу тоғда самур ва санжоб (олмажон) ва оҳуйи мушк (мускусли буғу) бисёрдир».

Сўнгра Ҳиндистондаги бир тоғ тасвирланган. Ўрта Осиёнинг жанубидаги Бўлур, Самарқанд, Шикон, Хон, яъни Вахон тоғ-

лари, Буттамон ичкарисидаги ва Мовароуннаҳрга ёйилган Усрушона тоғлари, Хутталон, Чагониён тоғларининг ва тармоқла-ригининг батафсил таърифи берилган. Шунингдек, ҳозирги Қозоғистон ерларидағи тоғлар, Кавказ тоғлари, Кичик Осиё, Арабистон яримороли чегарасидаги тоғлар, Андалус ва Булфордаги тоғлар ва бошқалар тасвирланган.

«Ва яна Рус ерларининг чегараси билан Қимок чегарасининг бошида бир кичик тоғ борки, бўйи беш кунлик йўлдир» (8-бет). Бизнингча, бу Урал тоғлари бўлса керак.

«Биз ёд қилган тоғлар ҳаммаси оламнинг обод қисмининг шимолий палласида эдилар. Аммо жанубий палладаги обод қисмга келганда (айтиш керакки), одамларга маълум бўлгани 9 та тоғдир, шулардан бирин Ҙабали Қамар (Ой тоғлари) дерлар, у ерда олтин ва кумуш конлари бор ва у ердан Нил дарёси оқиб чиқади, унинг узунлиги 500 фарсаҳдир. Қолган 8 та тоғнинг узунлик ва кенгликларини, масофаларини (оралиқларини) ва жойларини ва катталиклари қанчалигини биз суратда (картада) тасвир этдик» (86-бет).

«Худуд ал-олам»нинг дунё географиясига, Ернинг умумий шакли, денгизлар ва хусусан орографияси, яъни тоғлар системасига берган ажойиб таърифи диққатга сазовордир. Кўп тафсилотлар В. В. Бартольд ва В. Минорский чизган карталарда ҳам бор. Бироқ ҳали кўп нарса аниқланмаган.

Юқорида келтирилган тоғлар схемасидан чиқадиган хулоса шуки, «Худуд»нинг муаллифи Осиё тоғларининг жойланишини асосан тўғри ва жуда мукаммал тасаввур қилган. Ахир, ҳозирги рельеф картасига қарасангиз ҳам деярли шундай манзарани кўрасиз. Ҳолбуки Осиё тоғларининг умумий қиёфаси то XIX аср охиirlарига қадар етарлича аниқ бўлмаган, ҳатто «Худуд» муаллифининг тасвирича ҳам маълум эмас эди.

Европалик географ ва геологлар кўп жойларни кезиб ва текшириб, картага чизиб, охири... Осиё ўртасидан, яъни Ҳиндистондан Ўрта денгизгача чўзилган тоғ камарини аниқладилар. «Худуд»нинг муаллифи эса бу нарсани минг йил мукаддам очиқ-ойдин айтиб ўтган. В. Бартольднинг текширишича, «Худуд» муаллифининг Шарқдаги бошқа географлар, хусусан араб географлари маълумотларидан хийла фарқ қиласидиган мустақил ва ўзига хос таълимоти, терминологияси ва тушунчалари ҳам диққатга сазовордир.

«Худуд»да байён этилган олти денгиз (Шарқий океан, Фарбий океан, Ҳинд океани, Ўрта денгиз, Қаспий денгизи, Қора денгиз — «Дарёйи Гурзиён», яъни «Грузинлар денгизи») ҳақидаги тушунчалар фақат шу китобда учрайди. Муаллифнинг обод дунёнинг қитъаларга ва айрим вилоятларга бўлиниши тўғрисидаги маълумотлари ҳам эътиборни ўзига жалб этади.

В. Бартольд «Худуд»нинг яна бир хусусиятига алоҳида эътибор берган. Китобда ороллар, кўллар, чўллар ва бошқаларни тасвирлаганида муаллиф «бори-йўғи шу», «одамларга шулар-

гина маълум», «биз ҳамма маълумотларни ёздиқ» деган иборалар билан бошқа номаълум жойлар ҳам бўлиши мумкинлигига шама қиласи. В. Бартольд мазкур асарда муаллиф маълумотларини тўла беришга интилиши билан бирга, уларнинг миқдорини рақамлар билан кўрсатишга ҳам ҳаракат қилганлигини, дengizlарнинг, шўр кўллар, чучук сувли кўллар, ороллар ва бошқаларнинг, шунингдек ер юзидағи вилоятларнинг сонини аниқ айтишга уринганигини ҳам айтган.

«Худуд»да дарёлар ҳақидаги таъриф жуда муҳим назарий гидрографик изоҳ билан бошланган:

«Дарё икки хил бўлади, бири табиий дарё ва иккинчиси сунъий (синойий). Сунъий дарёлар шуларки, уларнинг ўзанлари қазилган ва суви шаҳарларни обод қилиш учун ёки вилоятнинг қишлоқ хўжалиги учун сарфланади. Сунъий дарёларнинг кўпчилиги кичикдир ва уларда кемалар суза олмайди. Шундай шаҳарлар ҳам борки, улардан 10 тача ё камроқ, ё ортиқроқ сунъий дарё (канал, ариқ) оқиб ўтади.

Табиий дарёлар шуларки, уларнинг суви қорларнинг эришидан (ҳосил) бўлади ва тоғлардаги чашмалардан чиқиб, ер бетидан оқадиган сувлардан (ҳосил бўлади), улар ўзига йўл ясад, оқар жойи гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб (танг), дengизга ёки ботқоқликка егтунча оқадилар» (8б-бет).

Муаллифнинг сўзларидан бундай хулоса чиқариш мумкин: дарёларнинг манбаи икки хил бўлиб, бири — қорликлар, иккинчиси — булоқлар, чашмалар ва қор-ёмғир сувларидир.

«Худуд ал-олам» муаллифи дарёлар манбанинг икки хиллигини X асрдаёқ аниқ айтган. Энди, унинг айтган фикрларини ҳозирги замон фани хулосаларига таққослаб кўрайлик. 1963 йилда нашр этилган «Ўзбекистон ССР» илмий монографиясида бундай дейилган: «Дарёларнинг тўйиниши. Урта Осиёнинг барча дарёлари тоғлардаги қорлар эришидан сув оладиган дарёлар синфига мансубдир. Урта Осиё дарёларининг асосий сув манбаи йилнинг совуқ вақтида тоғларда йиғилиб қоладиган қордир... Ёмғир ёққанда ёки қор эриганда ҳамма сув тоф ёнбагирлари ёки дарё ўзанлари бўйлаб оқавермайди. Сувнинг талай қисми ерга сингади ва йирик кристалли жинслар орасидаги ёриқлардан ёки зич грунтлар бўйлаб, баландроқ жойлардан пастроқ жойларга қараб оқади. Ёости сувларининг бир қисми, ер остида бир қанча масофани босгандан кейин ер юзасига чиқади, қисман буғланади, қисман дарёларга қўшилиб, уларнинг сувини кўпайтиради».

«Худуд» муаллифи услубининг яна бир ажойиб томони шуки, у ҳар бир терминга ва тушунчага изоҳ беришга тиришган. Масалан: «Ҳар бир дengиз билан ўралган (dengiz ўртасидаги) ер ё дengиз ўртасидаги тоф борки, уни жазира (орол) дерлар» (4а-бет). «Ҳар бир қумлик ер ёки шўр ер, аммо тоги йўқ ва обиравони (оқар сув) йўқ ва экинзори йўқ ер — чўл (биёбон) деб аталади» (12а-бет). Бундай изоҳларнинг методик

аҳамияти катта. Шунга кўра «Худуд ал-олам» ўз замонасида географиядан кичик бир қўлланма, эҳтимол, болалар учун дарслик сифатида фойдаланилган бўлиши ҳам мумкин.

Асардаги географик районлаштиришлар ҳам маълум принципга асосланган. Муаллиф ернинг обод қисмини 51 вилоятга бўлган ва унинг 45 таси экватордан шимолда, 1 таси экватор устида, 5 таси экватордан жанубда, деган; унинг айтишича (13а-бет), бу вилоятлар бир-биридан суви, иқлими, тупроғи жиҳатдан, дини, шариати, эътиқоди жиҳатдан ва подшоҳлари жиҳатдан фарқ қиласиз экан, бу вилоятларни, географик районларни бир-биридан тоғлар, дарёлар ва чўллар ажратиб турар экан («миёни ду ноҳият андар»); ҳар бир вилоят, ўз навбатида, амаллар (вилоятчалар)га, булар ҳам, ўз ичида, шаҳарларга бўлинар экан.

«Худуд ал-олам»нинг муаллифи қитъалар тўғрисида ҳам фикр юритган. У юонлар замонидаёт дунё уч қисмга: Осиёи Акбар (Катта Осиё), Либия (Африка) ва Урупо (Европа)га бўлинганини айтиб, ҳар бирининг чегараларини кўрсатиб берган. Жумладан, Осиёнинг чегарасини бундай таърифлаган: «Осиё шуки, унинг шарқида Шарқий океан, (шимолида) Тўғузгуз ва Хирхиз ерлари, жанубида баҳри Аъзам (Буюк денгиз, Хинд океани) то Қулзумгача, гарбida Шом вилояти ва Рум то Қўстонтиния қўлтиғигача ва Сақлаб ерлари ва ободони жаҳон (жаҳоннинг ободон вилоятлари) ёйилгандир ва бу қисмни Осиёи Акбар (Катта Осиё) дерлар ва бу қисм шимолий вилоятлардаги ҳамма ободон ерларнинг учдан иккисини эгаллаган» (13а-бет).


Биз мазкур асарнинг текстига асосланиб карта туздик ва асарда баён қилинган географик районлар — мамлакатларни картада муаллифнинг ўзи ишлатган номлар билан кўрсатдик.

Энди, «Худуд ал-олам»нинг Ўрта Осиё, хусусан Узбекистонга доир маълумотларига ўтайдик. Бундай маълумотлар китобнинг умумий обзор қисмида, яъни тоғлар, кўллар, дарёлар, чўллар тўғрисидаги, Мовароуннаҳр, Фуз, Яғмо, Тухси, Жикил, Халлух (Қарлуқ) тўғрисидаги бобларда, қисман Хуросон, Қифчоқ ҳақидаги бобларда берилган, айрим мисоллар эса бошқа бобларда ҳам учрайди. Бу маълумотларнинг ҳаммасини тўплаб, изоҳлаб, Ўрта Осиё тўғрисида тўла ва яхлит тасаввур ҳосил қилиш — географ олимларнинг келгусидаги иши. Биз эса китобнинг бальзи саҳифаларигагина қисқача тўхтаб ўтамиз.

«Жайхун дарёси (Амударё) Ваҳон худудидан оқиб чиқади ва Бомир (Помир) вилояти ва Шуғони Ваҳон худуди орасидан ўтиб, то Хатлон ва Тўхористон ва Балх ва Ҷагониён ва Хуросон ва Мовароуннаҳр (ерларидан) оқади, то Хоразмгача боради, кейин Хоразм денгизига қўйлади.

Яна бир дарё бор, уни Харноб (Панж) деб атайдилар, у Қасарк тоғининг гарбидан оқиб чиқади ва Бадахшон ва Порғар (Пархор) орасидан ўтиб, Жайхунга қўшилади. Бу Харноб

"ХУДУД АЛ = ОЛАМ" (983 й)  
 Китобида тасвирилган  
 жойлар хозирги  
 картага ёзилди



Жайхундан каттароқ ва ундан үзунроқ дарё бўлгани учун ҳамма буни Жайхун ҳисоблайди.

Яна бир дарё борки, у Буттамоннинг нариги томонида 60 фарсах масофада оқади... Тоғлардан чикқандан кейин то Мунк ва Хулбукка боради. Сўнг Порғарга етиб, Жайхунга қўйилади (Бу Оқсув дарёси бўлса керак).

Яна бир дарёки, уни Вахшоб дейдилар. Вахш тоғларидан чиқади, Вахш (шаҳри) яқинида Жайхунга қўйилади.

Яна бошқа дарёки, Кумижиён (Кумид) ерларидан ва унинг тоғларидан бошланиб, Нурдара орасидан ўтади ва Қабодиён яқинида Жайхунга қўйилади.

Бошқаси Чагонруд (Сурхондарё)ки, Чагониёндан оқади ва Термиз ёнида Жайхунга қўйилади.

Бу тўртта дарё шимол томонидан келиб Жайхунга қўйила-диганлар (Амударёнинг ўнг ирмоқлари).

Яна икки дарё борки, каттарогини Руди Дарғом дерлар. Тўхористон ерларидан оқади ва ҳар иккаласи бирлашиб Валволиж ва Хулм орасидан ўтиб, Жайхунга (жанубдан) қўйи-лади.

Яна бири Узганд сувидирки, Халлух тоги (орқаси) дан бошланиб, Узганд, Боб (Пон), Ахсикат, Хўжанд, Банокат шаҳарлари ёнидан ўтади ва то Чоч ерларигача етади, сўнгра Суткен ва Пороб ва кўпгина шаҳарлардан ўтиб, то Жанд ва Жаворага етади ва Хоразм денгизига қўйилади.

Яна бир дарё Хуршобдирки, Буттамон чеккасидан, шимолий тоғлардан бошланиб, Хуршоб шаҳри яқинида Узгандга қўйи-лади.

Яна бошқаси Ўш сувидирки, ҳалиги тоғлардан бошланади. Ўш ва Урашт орасидан ўтади ва Узгандга қўйилади.

Яна бир дарё Қубодирки, бу ҳам ўша тоғлардан бошланади ва Қубо яқинида Узгандга қўйилади.

Яна бошқа дарё Хатлом (Норин) сувидирки, у Монисо тоғларидан бошланади ва Халлух билан Яғмо орасидаги чегарада Хатлом шаҳридан ўтиб, Боб (Пон) яқинидан оқади ва Узганд сувига қўйилади.

Яна бошқаси Парак (Чирчик) дарёсидирки, Халлух тоғларидан бошланиб, жануб томонга йўналиб, Чоч ерларидан ўта-ди, Банокат ва Қалос девори орасидан оқади, Узгандга қўйи-лади.

Бу дарёлар ҳаммаси қўшилгандан кейин яхлит сув Чоч дарё-си дейилади, араблар (тозиён) бу дарёни Сайхун (Сирдарё) деб атайдилар.

Яна бошқаси Бухоро дарёси. Ўрта Буттамон тоғидан 4 та сой чиқиб (бир кўлга) оқади ва уни Дарёча дейдилар. Бундан бир дарё оқиб чиқади ва Усрушино ва Самарқанд ва Сўғдан ўтади ва сўнг Бухоро ўртасидан ўтади ва қисман Бухоро экин-зорларига сарф бўлади, қисман Мовозаи Байкандга қўйилади (96- бет. Бу маълумот бошқа саҳифада яна қайтарилиган). Бу-

хоро суви шу Дарёчадан оқиб чиқади, кўлга эса ўрта Буттамон тоғларидан сойлар (обҳо) қуйилади (23б- бет). Дарёчанинг майдони тўрт фарсах-у тўрт фарсах» (4а- бет).

**«Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари ҳақида.** Бу вилоят шарқ томонда Тибат билан чегарадош; жанубида Хурросон ва унинг районлари бор, ғарбида ғуз ва халлух (қарлуқ), шимолида ҳам халлух (халқлари яшайди). Мовароуннаҳр кенг, обод ва жуда кўркам ўлкадир. Бу — Туркистоннинг дарвозаси ва савдогарларнинг жойидир. Аҳолиси жанговар... ва (яхши) мергандир... Унинг тоғларида олтин конлари ҳамда турли жавҳар тошлар, дори тошлар кўп, шунингдек мис ва новшадил бор.

Бухоро — азим шаҳар. Мовароуннаҳрнинг энг обод шаҳридир. Бу ерда малики машриқнинг (шарқ ҳокими) қароргоҳи бор. Воҳа суғорилган бўлиб, меваси ва оқар суви кўп. Бу ерда яхши ипак гиламлар тўқилади.

Бухоронинг масофаси 12 фарсах-у 12 фарсах (яъни бўйи ва эни 12 фарсахдан). Шаҳар тамомила якпора девор билан ўралган. Барча работ ва қишлоқлари шу деворнинг ичкарисидадир.

**Фаробр (Фароб)** — Жайхун бўйидаги кичик шаҳарча, мири руд (мироб) шу ерда туради. Шаҳарча чўл чеккасидадир.

Пайкенд — 100 тача работи бўлган кичик шаҳарча. Унинг замини дуруст. Унда Бухородан келтирилган бир гумбази гўрхона бор.

Сўғд — шарқий эллар орасида энг обод жойидир. Оқар сувлари бор, дараҳтлари кўп, иқлими баҳаво, одамлари меҳмондўст ва хушмуомала.

Тавовис — Бухоронинг Сўғд чегарасидаги кичик бир шаҳри. Бу ерда ҳар йили бир кунлик бозор бўлади, кўп одамлар тўпланади.

Кармина, Дабуси, Арбинжон Сўғднинг кичикроқ шаҳарларидандир.

Кушония — Сўғднинг энг обод шаҳарларидандир...

Самарқанд — буюк, обод ва неъмати бисёр шаҳар. Бу ерга дунёning ҳамма мамлакатларидан савдогарлар келади. Самарқанд шаҳристон (қўргон) ва атрофлардан иборатдир. Бозорларнинг тимларида қўроғшин найчалар ичиди сув оқади, тоғдан оқизиб келтирилган. Самарқандда мануҳуларнинг хонақоҳи бор, нағгушон дерлар. Қоғоз ишланади ва бутун дунёга чиқарилади. Қаноп арқон (ҳам) ишланади. Бухоро дарёси (Зарафшон) Самарқанд дарвозалари ёнидан оқиб ўтади. Унда қисматгоҳи об (сув тақсимловчи) тўғон бор.

Кеш—иссиқ минтақанинг шаҳарларидан бири. У ерда ёғингарчилик кўп бўлади. Шаҳар дарвозалари ёнидан оқиб ўтадиган икки дарё сугоришга сарф бўлади. Тоғларида дори тошлар топилган.

**Термиз — Жайхун бўйидаги обод шаҳарлардан.** Бу шаҳар Хатлон ва Чагониённинг савдо марказидир. Бунда яхши совун, кўк бўйра ва еллигичлар ишланади.

Чағониён — қишлоқ хўжалиги учун қулай ва кенг жой, аммо аҳолиси жуда камбағал. Иқлими мулойим, замини дуруст, сувлари (овқатни тез) ҳазм қилдиради. Бу ерда отлар боқилади, юнг газлама, гилам, шолча ишланади. Бу вилоятнинг пойтахти Чагониён шаҳридир, тоғ этагида бино бўлибдир. Оқар сувлари бор. Иқлими яхши, аммо мардуми дарвишдир...

Зомин — Усрушно шаҳарларидан; Хўжанд билан Фарона йўлида. Мустаҳкам қўрғони бор.

Жиззах — кичик бир шаҳар, сув бўйида. Унинг ёнида Марсманда номли бир жой бор. У ерда ҳар йили бир кундан бозор бўллади; айтадиларки, бу бозорда юз минг динорлик савдо қилинади.

Фарғона — улуғ, обод ва жуда кўркам вилоятдир. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари ва шаҳарлари кўп. Бу — Туркистоннинг дарвозасидир. Бу ерга жуда кўп туркий қуллар келтирилган. Тоғларида, жуда кўп ерда мис, симоб, сангига мағнотис ва бошқа тошлар, дори тошлар кўп.

Чадғал (Чотқол) — Фарғонанинг бир қисми, тоғлар орасида, ўр-қир ерда жойлашган, кичик шаҳар ва қишлоқлари кўп. От ва қўй боқилади, конлари ҳам бор.

Аҳсикат — Фарғонанинг пойтахти, амирнинг қароргоҳи. Бу катта шаҳардир. Қасарт (Сир) дарёси лабида.

Сўҳ — тоғлар орасида, Буттамон билан Фарғона чегарасидаги жой, 60 та қишлоғи бор.

Аввал — тоғ этагидаги қишлоқ.

Қубо (Қува) — Фарғонанинг энг обод, катта шаҳри. (Сўнгра Ўш, Қурбош, Ўзганд, Илоқ ва бошқалар тасвирланган.)

Шош — катта ва обод, кўркам жойдир... Одамлари қўрқмас. Бу ерда қимматбаҳо дараҳт ўсади. Ундан камон ва найзалар ишланади. Шошнинг пойтахти — Бинкат...

Нужакат — кичик бир шаҳар, бу ерда Парак (Чирчиқ) ва Қасарт (Сир) дарёларида сузадиган қайиқчилар яшайди.

Банокат (сингари ва бошқа) кичик шаҳарларда камони шоший ясалади.

Исбижоб (Сайрам) — Туркистон чегарасида, кенг ва обод жойдадир. Намат босилади, қўй боқилади. Исбижоб шаҳрига дунёнинг барча вилоятларидан савдогарлар келади. Исбижоб билан (Сир) дарё орасида кенг яйлов бор, бу Исбижоб, Шош, Поробга тегишли. У ерда туркларнинг 1000 та кийиз ўтови кўриниб турипти. (Сўнгра Суткен, Саврон, Сунак, Тароз ва бошқалар тасвирланган.)

Кот — Хоразмнинг пойтахти, Турк ғузларга ўтадиган дарвоза. Бу шаҳар Турқ, Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хазарнинг савдо марказидир. Унинг ҳокими хоразмшоҳ деб аталади. Маъмур шаҳар. Бунда ёстиқ жилди, чопон, карбас, намат (ва бошқа нарсалар) ишланади». Бундан кейин Гурганж, Мадминия, Курдор, Хива, Жанд тасвирланган.

Бу маълумотлар «Худуд ал-олам»нинг муаллифи Урта Осиё,

хусусан Узбекистон ва Тожикистоннинг ҳамда Афғонистоннинг географик қиёфасини Х асрда ётганлигини кўрсатиб туриди. Сирдарё Х асрда Узбекистон тупроғида Ўзганд дарё ва Қасарт номлари билан аталгани ҳам энди бизга маълум, «Қасарт» маҳаллий номлардан бири бўлиб, қадимги юононларнинг китобларида ёзилган Яксарт сўзи ўшандан ўзгартириб олинган. Бухоро дарёси (Зарафшон)нинг бошларидаги «Дарёча», шубҳасиз, Искандаркўйдир.

### АБУ АБДУЛЛА ХОРАЗМИЙ

Абу Абдулла Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий Урта Осиёнинг шимолий қисмида, Хоразмда туғилиб ўсган, кейинчалик жанубий қисмида ва Эронда — сомонийлар даврида яшаган олимлардан ҳисобланган иккинчи Хоразмийдир. У 975—991 йилларда Нишопур шаҳрида яшаган ва ижод қилган, вазир ал-Утбийнинг котиби бўлган.

Абдулла Хоразмий «Мафотиҳ ал-улум» (*«Илмлар қалити»*) асарини ёзган. Бу китоб икки қисмдан иборат бир нав қомус (*энциклопедия*) ёки терминологик луғатdir. Унинг биринчи қисми дин-шариат масалаларига бағишланган; иккинчи қисмида эса турли халқлар (ажамлар, юонлар, суряяликлар, форслар, ҳиндлар)даги илмларнинг, чунончи, философия, мантиқ, медицина, арифметика, геометрия, музика, механика, химия ва астрономиянинг таърифи берилган. Олтинчи бобда астрономия фани кетидан математик ва астрономик географияга доир терминларнинг тўла изоҳоти келади.

Бундай мураккаб луғат тузиш учун Абдулла Хоразмий араб ва форс тилларидан ташқари, юон, суря тилларини ва бошқа тилларни ҳам яхши билган бўлиши керак. Унинг луғатида айниқса Хуросон ва Урта Осиё тўгрисида муҳим изоҳлар бор. Урта Осиёдаги суғориш терминологиясига доир изоҳлар ҳануз қимматини йўқотган эмас. Фан Флотен бу асарнинг 1160 йилда ёзилган энг кўхна қўллэзмасидан нусха кўчиртириб, уни 1895 йилда нашр эттирган. Асарнинг география қисмини эса Видеман немис тилига таржима қилган.

«Мафотиҳ ал-улум»нинг география қисмидан парча келтирамиз.

**«Ернинг тузилиши ва иқлиmlари.** Ердаги экватор чизиги осмон экваторига рўпара туради. Айни шу экваторда осмоннинг жанубий ва шимолий паллалари кўрилади. Экваторда тун ва кун доимо баравардир.

Шаҳарнинг кенглиги (арзи) унинг экватордан узоқлигидир. Шаҳарнинг узунлиги (тули) унинг шарқдан ғарбгача масофасидир. Ҳақиқатда ғарб билан шарқнинг ниҳояси (чеккаси) йўқдир. Чунки астрономиядан маълумки, экватор доирасининг ҳар бир нуқтаси бир жойга нисбатан шарқийдир, иккинчи жойга

нисбатан ғарбийдир. Аммо «шарқ» деб тўппа-тўғри айтилганда маъмуранинг шарқий чеккаси тушунилади, шунингдек «ғарб» деганда ҳам маъмуранинг ғарбий чеккаси тушунилади. Шу иккала нуқта (шарқ билан ғарб) орасида Ернинг ярми узунлик бўйлаб жойлашган. Ернинг маъмура, «обод» қисми (экватордан) шимол томонда. Ер қисмларга тақсим қилинган, бир қисми денгизлар билан қопланган ва бепоёндири, унинг четига етиб бўлмайди, чунки Мұхит денгизлари ерни ўраб туради.

Экватордан шимолда одамлар яшагани учун маъмура деб аталади. Қанкадиз шаҳри энг шарқда бўлиб, Син (Чин) мамлакати ва Воқвоқнинг чеккасидадир.

Сус ал-Ақси — маъмуранинг ғарбий чеккасидаги шаҳар, Андалуснинг нариёфида, Рум денгизининг жанубий томонида. Шу иккала шаҳар орасида, Ернинг ярми узунасига жойлашган.

...Ернинг қуббаси — Ернинг марказидадир.

Хўжанд билан Шопуркон бир (меридиандадир). Бу чизиқ Ернинг шарқий палласини ғарбий палладан ажратиб туради. Бу чизиқдан юқоридаги (шарқдаги) шаҳарлар, масалан, Фаргона ва Кошғар ва Син ҳамда Воқвоққача бўлганлари — шарқий шаҳарлардир. У чизиқдан қўйидаги (ғарбдаги) шаҳарлар, масалан, Шош, Илок, Усрушона, Самарқанд ва Бухоро то Суси Ақсигача — ғарбий шаҳарлардир.

Абдулла Хоразмийнинг китобидаги бу изоҳ, яъни Хўжанд билан Шопуркон (Шибирғон) меридиани икки яримшарнинг чегараси бўлганлиги картография тарихи учун қимматли кашфиётдир. Энди география тарихидаги бошланғич (ноль) меридианлар рўйхатига яна бир номни — Хўжанд меридианини қўшиш керак бўлади.

Шарқшунослар Хоразмийнинг бу китобига юксак баҳо бериб ва уни «ал-Фиҳрист» ва «Ихвон ас-Сафо» асарларига солиштириб, бу «араф тилида ёзилган асарлар ичida энг батартиб ва фикрлар лўнда баён этилган» китоб деб атаганлар.

## XI АСРДА ГЕОГРАФИЯ

### АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

«Ҳар бир кузатувчи (олим) дикқат билан ўлчасин, ҳамиша ўз ишларидан қониқмасин, ўз ишларики қайта-қайта текшириб түрсисин, мумкин қадар камроқ гуурлансин, тобора тиришқоқлик билан ишласин ва меҳнатда ҳеч маҳал зерикмасин».

(«Геодезия»)

Үрта Осиё ва Хурросон география фани тарихини аслда «Берунийнинг географик мактаби» деб аташ маъқул бўлар эди, чунки Беруний Үрта Осиё ва Хурросон фанининг фахри бўлиш билан бирга, жаҳоннинг энг улуг олимларидан биридир. Шу бугунгача Беруний тўғрисида — унинг ҳаёти, ижоди, асарлари ва таълимотига бағишлаб хорижий тилларда мингдан ортиқ мақола ва йирик монографиялар, тадқиқотлар ёзилган. Шарқшунос, тарихчи Б. В. Лунин совет даврида рус ва ўзбек тилларида Абу Райхон Берунийга бағишлаб нашр этилган 300 тача китоб ва мақолаларнинг рўйхатини тузган<sup>1</sup>. Бу китобларга қисқа аннотация ёзилганида ҳам у каттагина бир китоб бўлар эди.

Бу улуг олимнинг асарларини Совет Иттифоқидагина эмас, балки Ҳиндистон, Покистон, Ливан, Миср, Эрон, Англия, Франция, Италия, АҚШ, ГДР, ГФР, Туркиядаги берунийшунослар ҳам ўрганмоқдалар. Беруний ижодининг турли соҳалари бўйича Совет Иттифоқида ҳам, чет элларда ҳам бир қанча диссертациялар ёқланди.

Берунийшуносларнинг бой тажрибалари ва асарларидан хабардор бўлганимиз ҳолда, қуйида Берунийнинг ҳаёти, асарлари ва таълимотини қисқача баён этмоқчимиз.

Абу Райхон Беруний 973 йили 4 сентябрда Хоразмда, Амударёнинг ўнг соҳилидаги Кот шаҳри чеккасида туғилган. X аср охирида Жанубий Хоразм вилоятининг пойтахти ҳисобланган Кот шаҳри Қорақалпоғистон АССРнинг ҳозирги Беруний райони ўрнида бўлган. У бир неча ном билан юритилган: Хоразм, Фир қальяси, Кос, Шоббоз, яъни Шайх Аббос Вали. Шаҳар територияси 4 км<sup>2</sup> ни ташкил этган. Кейинчалик дарё бу шаҳарнинг кўп қисмини ўпириб, ювиб кетган.

<sup>1</sup> Б. В. Лунин. Библиографический указатель советской литературы об Абу Райхоне Берунии и изданий текстов его произведений (1918—1972). Беруни. Сборник статей к 1000-летию со дня рождения, «Фан», Ташкент, 1973.

Берунийнинг исмлари ва келиб чиқишига келганда шуни айтиш мумкин. Беруний оддий оиласдан чиққан бўлиши эҳтимол, чунки унинг аждодлари машҳур кишилар қаторида тилга олинмаган. «Ҳақиқатан ҳам мен ўз насл-насабимни, ҳатто бо-бом ким эканлигини ҳам билмайман. Отамнинг номи менга номаълум бўлгандан кейин бобомнинг номини қаердан ҳам билар эдим» деган у. Самъонийнинг айтишича, ўша даврларда Хоразм шаҳрининг ўзида эмас, ундан ташқарида туғилиб ўсган кимса «беруний» («ташқарилик») деб аталган. Ёкун ҳам: «Хоразм аҳли четда юриб мусофири бўлиб қолганларни шу ном билан атайдилар» деган. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Номай донишварон» китобидаги қўйидаги маълумотларни тахмин деб тушуниш керак. Бу асарда: «Ёзувчилар Берунийнинг аслини Ҳинд вилоятида бўлган Берун шаҳридандир дер эдилар... Берун шаҳри, баъзиларнинг айтишича, унинг туғилган ва яшаган ватани эди, у бу ердан чиқиб Мовароунаҳр шаҳарларидан бўлган Хоразмда турди ва у ерда илмларни текшириш ва маориф ўрганишга киришди. Ва шу мақсадларда Хоразмни мувофиқ топди» дейилган.

Ҳинд олими Надавий бундай дейди: «Табақот ал-Итбо» китобида: Берун Синд (Покистон) даги бир шаҳарнинг номидир ва «беруний» шу шаҳарга нисбатdir» деб ёзилган. Шаҳризўрийнинг (XIII аср боши) «Ахбор ал-Ҳукамо»сида ҳам шундай дейилган. Лекин бу нотўри. Синдда Берун деган шаҳар йўқ, Нирун деган шаҳар бор. Ибн Ҳавқалнинг «Китоб ал-Масолик» асарининг бир эски нусхасида Синдинг эски картаси бор. Ӯшанда Нируннинг қаерда жойлашганлиги баён этилган. Ҳойнаҳой одамлар янгишиб Нирунни Бирун деб ўқигандир (арабча «и» билан «б» ҳарфлари фақат битта нуқта билан фарқ қилади) ва Абу Райҳонни шу ном билан боғлагандир. Берунийнинг санскритни билиши ва «Китоб ал-Ҳинд» асари ҳам шу хатога сабаб бўлган бўлиши мумкин». «Абу Райҳон — унинг асл исми эмас; бу унинг хомийси — хоразмлик Райҳона хонимнинг исмидан олингандир», «У гулларни ва ўсимликларни севиб ўрганганилиги учун «Райҳон» номини олган» деган тахминлар ҳам бор. Шуниси маълумки, шарқ манбаларида Беруний кўпинча «Устод» ёки «Абу Райҳон» деб қўсқагина, аммо зўр эҳтиром билан тилга олинган. Олимнинг Ғазнида турган замондоши тарихчи Абулфазл Байҳақий «Тарихи Масъуд» китобида бирон марта «Беруний» демайди, ҳамиша «Абу Райҳон» деб ёзади. У Ғарбий Європада Алиборон номи билан машҳур бўлган. Шундай қилиб, «Беруний» олимнинг нисбаси ҳисобланади (гоҳ «Байруний», кўпинча эса «Бируний» шаклида битилган).

Берунийшунос Убайдулло Каримов бу масалаларга бундай якун ясади: «Унинг исми Муҳаммад, отасининг исми Аҳмад, Беруний эса унинг нисбаси, яъни келиб чиқиши ва насл-насабини билдирувчи номдир. «Беруний» форсча «Берун» («ташқари») сўзидан олинган бўлиб, «шаҳар ташқарисида туғилган» ёки

«ўша ерда яшовчи» деган маънони билдиради. Абу Райҳон эса унинг куняси, яъни лақаби бўлиб, араб тилида «Райҳон отаси» ёки «райҳонли киши» деган маъноларни англатади. Унинг ўшлил ҷоғларидаёқ ўсимликлар билан қизикқанлиги маълум, шу туфайли Абу Райҳон лақабини олган бўлса керак. Бундан ташқари, райҳон сўзи арабчада «раҳмат» ва «ризқ» маъноларини англатади, шу нуқтаи назардан қаралса, Абу Райҳон «марҳаматли», «раҳмил» деган мазмунни ҳам билдиради.

Абу Райҳоннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида муфассал маълумотлар йўқ. Аммо унинг таржимаи ҳоли тўғрисида айтганлари, замондошлари ва муҳлислари ёзиб қолдирган хотира ва ривоятлар асосидагина унинг таржимаи ҳолини бир қадар тасаввур этиш мумкин. Биз Еқут Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удабо» асаридан ва «Номай донишварон» деган китобдан, П. Г. Булгаковнинг «Беруний ҳаёти ва асрлари» монографиясидан, Ф. Жалолов, У. Каримов, А. Ирисовларнинг Беруний тўғрисида ёзган мақолаларидан, Берунийга бағишланган юбилей тўпламларидан ва бошқа шарқшуносларнинг мақолаларидан унинг тўғрисида талай маълумотлар тўпладик. Шуларнинг ҳаммаси бизга дастак бўлди.

Абу Райҳон ўз шаҳрида ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларида бўлиб, маҳаллий мактаблар ва машҳур устозлардан таълим олган. Унинг биринчи муаллими Абу Наср иби Ироқ эди. У Абу Райҳондан 25 ёш катта ва Кот ҳокими Абу Абдулло Ироқнинг қариндоши бўлган. Абу Наср Мансур иби Али иби Ироқ етим Абу Райҳонни ўшлигидан ўз тарбиясига олиб, унга математика ва астрономиядан таълим бергани ҳам бизга маълум. Ҳозирги замон ҳинд олими М. Низомуддиннинг тахминича, иби Ироқ Абу Райҳон учун қўлланма тариқасида рисолалар ҳам ёзган (бу рисолалар 1948 йилда Ҳайдарбодда нашр этилди).

Абу Райҳон болалигига ёки жуда идрокли, анча талабчан ва билим олишга иштиёқи зўр бўлган. Қуйидаги сатрлар бунинг исботидир: «Ўшанда еримизга бир румлик келиб қолган эди, мен унга донлар, уруғлар, мевалар, ўсимликлар ва бошқа нарсаларни келтириб, унинг тилида буларнинг номлари қандайлигини сўрардим ва (араб тилида) ёзиб олардим». Беруний кузатиш ишлари билан 18 ёшида Хоразм обсерваториясида шуғуллана бошлаган; Бушкотир деган жойда кузатишлар ўтказилганида у 22 ёшда бўлган. У дастлабки, кичик ҳажмли асарларини ўша ерда ёзган. Сайёраларнинг ҳолатига қараб кишиларнинг умрини башорат қилиш мумкин эмаслиги айтилган рисола — «Алдамчилик санъати», яъни «Юлдузлар ҳукмидан огоҳлантириш китоби». шулар жумласидандир. VIII—IX асрларда арабларга қарши ҳаракат тарихига доир «Мубайилар ва қарматлар ҳақида хабарлар» рисоласини ёзган. У Хоразм фанининг тарихи ва ўтмишдаги воқеаларга бағишланган каттагина китобини ёза бошлаган вақтида ўз юртини ташлаб кетиши-

га мажбур бўлган, чунки чап соҳил вилоятининг ҳокими Котга ҳужум қилиб, унинг аҳолисини қира бошлаган.

«Шу кун (995 йил) дан кейин Хоразмнинг икки каттаси (Жанубий Хоразм ҳокими билан Шимолий Хоразм ҳокими) ўртасида ташвишлар бошландики, менга ўз илмий кузатишларимни тўхтатишига, яширинишга, сўнг ватандан кетишига тўғри келди. Ундан кейин то хотиржамлик бўлгунча мен бир неча йил давомида бекарор бўлдим ва замон аҳволидан шундай ҳолга тушдимки, нодонлар мендан кулди, ақлли кишиларнинг менга раҳми келди». Уша вақтда Шимолий ва Жанубий Хоразм мажбуран бирлаширилиб, ягона Хоразм давлатига айлантирилган, пойтахти Урганч (Гурганж, Журジョンия — ҳозирги Кўхна Урганч) бўлган, ҳоким хоразмшоҳ деб аталган.

Шундай қилиб Беруний 955 йилда Котдан Рай шаҳрига жўнаган (Рай ўша даврда Техрондан шимолроқда бўлган; ҳозир эса у шаҳар чеккаси бўлиб қолган). Рай шаҳридаги обсерваторияда у яна бир устоз ва дўст ортирган — ватандоши машҳур астроном Хўжандий билан танишган. Абу Маҳмуд Ҳамид ибн ал-Хидр Хўжандий астрономик асбоблар тайёрлайдиган сарой астрономи эди. Беруний «У ажойиб шахс эди» деб уни зўр ҳурмат билан тилга олган.

Абу Райхон 997 йилда Хоразмга келиб кетганга ўҳшайди: «Биз Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бузжоний билан, у Бағдодда, мен эса Хоразм шаҳрида эканлигимда, Ой тутилиши (ни кузатиш) тўғрисида шартлашган эдиқ; биз бу ҳодисани ҳижрий йили ҳисобида уч юз саксон еттинчи йили биргаликда кузатдик» (ҳижрий билан 387 йил 997 милод йилига тўғри келади).

Шу орада Беруний ҳаётининг бир ноаниқ саҳифаси бор. Коҳирада ишлайдиган француз шарқшуноси Жак Буалонинг айтишича, 997 йилда Беруний Бухорога келган. Тахтдан туширилган Журжон ҳокими Қобус ҳам бу ерда пайдо бўлган ва Бухоро хонидан ёрдам сўраган. Қобус яна Журжон ҳокими қилиб тайинлангач Берунийни ўзи билан олиб кетган. Хуллас, Беруний 998 йилда Журжонга кўчиб келган (бу шаҳар Каспий дengизининг жануби-шарқий бурчагида, дengиздан сал ичкарида бўлиб, алоҳида бир вилоятининг маркази эди. XV асрда Алишер Навоийнинг ҳам шу шаҳарнинг бир қисмида — Астрободда яшагани бизга маълум).

Абу Райхон Журжонда истиқомат қилган вақтида, тахминан 1000 йилда — 27 ёшида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли биринчи йирик асарини ёзиб тамомлаган. Ўз саройидан бошпана бериб, илмий ишлар олиб боришига имкон тутдиргани учун, Абу Райхон бу асарини ҳоким Шамс Маоли Қобус Вашмигирга бағищлаган. Қобуснинг ўзи ҳам шонир ва фан-санъат мухлиси бўлган. «У ҳунарпарвар амир, Абу Райхоннинг ақлига ва ҳикматига таажжуб қилди ва вазирликка чақирди. Абу Райхон илм бойлигини, камол ҳашаматини ҳар

нарсадан юқори билиб, вазирликни қабул қилмади» («Номай донишварон»). Айни вақтда Қобус жоҳил феодал бўлиб, ўзига нохуш шахсларни қирғин қилишдан тоймаган.

Бу орада Хоразмда сиёсий вазият яна ўзгариб, таҳтни янги ҳоким — Абул Аббос Маъмун эгаллаган. «Маъмун — ақыли ва маърифатпарвар одам эди, у ўз мамлакатини мустаҳкам ва мустақил қилишга интилди. Бироқ у жуда эҳтиёткор бўлиб, унчалик дадил иш қилолмади» («Узбекистон халқлари тарихи»). Абу Райхоннинг улуғ зот сифатларини эшигтан Хоразмшоҳ уни дарҳол Хоразмга чақирган (у 1004 йилда ватанига қайтиб келган бўлиши эҳтимол) ва 1010 йилда ўзининг энг яқин маслаҳатчиси этиб тайинлаган.

«Абу Райхон Маъмун Хоразмшоҳ саройида кўп вақт бўлди. Унинг ҳузурида шунча маҳрам бўлдики, ҳамиша унга ҳамдам бўлиб яшади. Шунчалик ишонч орттиридиким, Хоразмшоҳнинг ҳамма ишига маслаҳатчи ва ҳар бир сирита ишончли ошна бўлиб қолди... Шу зайл етти йил (1010—1017 йиллар) бошқа бир жойга кетмади, унда турди» («Номай донишварон»).

У Журжонияда баъзи қузатишларни Дор ал-ишора (Хукумат уйи)да, яъни Хоразмшоҳ саройида ўтказган. Беруний Маъмун тўғрисида мана бундай бир ҳодисани эслайди. Бир куни шоҳ отда бир қанча йўл юрганидан кейин Берунийнинг уйи яқинида тўхтаб, уни чақиришни буюрибди. Беруний уйидан сал кечикиб чиқибди; Маъмун уни кўриши билан олдига от чоптириб келибди ва отдан тушмоқчи бўлганида Беруний ер ўпиб, унинг отдан тушмаслигини ўтиниб илтимос қилибди. Шоҳ бир байт ўқибди, унинг мазмуни бундай: «Илм ҳар нарсадан улуғдир. Ҳамма илмга интилади, аммо илм (ҳеч кимга) ўзи келмайди.»

Илм аҳлиниң қадрига етувчи Маъмун ва илмни бошқарувчи Абу Райхон Беруний шу даврда жами Хоразм олимларини уюштириб, «Фанлар академияси»га ўхшащ бир илмий макон барпо этганлар, буни «Маъмун академияси» деб аташ расм бўлган. Бу олимлар орасида Абу Али ибн Сино, Абу Али Мискабия, Абу Саҳл Масихий, математик Абу Наср Ироқ, табиб Абул Хайр ибн Ҳаммор, адаби ас-Саолибийлар бўлган. Уша даврда Хоразмда буладан ташқари, ўнлаб шоирлар, тарихнавислар ҳам ижод қилган. Беруний ихтиёрида унинг илмий иш олиб бориши учун яхшигина асбоблар, жумладан, диаметри 3 м келадиган, оралиқ минутларга тақсимланган квадрант бўлган. («Геодезия»).

Аммо «Маъмун академияси»нинг умри қисқа бўлган, бунга сабаб Хоразмнинг қўлдан-қўлга ўтиб турганлигидир. Яқиндагина сомонийларга тобе бўлган маъмунийлар сулоласи сомонийлар ҳукмронлиги тугагач бироз мустақил бўлиб турган-у, яна янги жаҳонгир — сulton Маҳмуднинг таҳликаси остига тушган. Бунинг устига, Абу Райхоннинг шахсий ҳаётida бир қанча кўнгилсизликлар рўй берган. «Шундан бир йил ўтмасданоқ бир баҳтсизлик бўлдики, унинг оқибатида узоқ вақт (руҳим бўшаш-

ди), ақлым ишламай қолди. Ундан кейин (яна) бир иш содир бўлдики, натижада аввалги ҳолга қайтиш ва менга ўхшаш кишиларнинг ўз иши билан шуғулланишига имкон қолмади» деб эслаган олимнинг ўзи.

Султон Маҳмуднинг асл ватани Ўрта Осиё — Сирдарё бўйларидир. Унинг отаси Сабуқтегин ёшлигига тошкентлик Наср Чочий исмли савдогарга сотилган. Тошкентдан Нахшаб (Қарши)га, кейин Бухорога келтирилган. Бу ерда Алптегин исмли амалдорнинг хизматига ўтган. Алптегиннинг ўзи ҳам илгари Бухоро ҳокимининг қули (гуломи) бўлган экан, ўзининг жанговарлиги, ишбилармонлиги туфайли озод қилинган ва сипоҳсалор (армия бошлиғи) лавозимига кўтарилилган. Сабуқтегин Хуросонга юриш қилиб, Ғазни шаҳрини босиб олган; амир унвонини олгач бу ерларда каттагина давлат барпо этган, Ғазни шаҳрини унинг пойтахтига айлантирган. Сабуқтегин 20 йил хукмронлик қилган. Унинг вафотидан сўнг ўғли Маҳмуд 997—1030 йиллар орасида жаҳонгирликни давом эттирган, шимолда—Хоразмни, жанубда—Панжобни (Ҳиндистон), ғарбда эса Эроннинг бир қисмини истило қилган. Тарихчи Байҳақийнинг ёзишича, у замонда асирлар карвони Балхдан Лоҳургача бўлган йўлларнинг ҳаммасини банд қилган экан.

Маҳмуд Ҳиндистоннинг ўзигагина 17 марта юриш қилиб, ҳар гал 100—200 филда қимматбаҳо нарсалар келтирган. Бир сафарида 20 миллион дарҳам тилла пул, 57 минг асир ва 350 филда бошқа хил ўлжа олиб келган.

Уша даврда Ғазни дунёнинг энг гўзал, обод ва гавжум шаҳарларидан бири бўлган. Берунийнинг тъбирича, у «Шарқий подшоҳликнинг пойтахти» бўлиб қолган («Геодезия»). Бу шаҳар турли мамлакатлардан талаб келтирилган асирлар, қуроляроғ, олтин ва марварид ҳисобига безатилган, ҳашаматли саройлар, мадрасалар ва бозорлар қурилган. Тарихий манбаларда ёзилишича, мадраса ва мачитларнинг ҳатто дарвоза бандлари ва ҳалқалари ҳам тилла бўлган. Хуллас, Маҳмуд Ғазнида хўкм сурғанилиги учун «Маҳмуд Ғазнавий» номи билан машҳурдир.

Биз 1959 йилда Ғазнида бўлдик. Илгариги улуғвор Ғазнидан асар ҳам қолмабди: қадимий бинолар 5—10 метрлик тупроқ қатлами остида қолиб кетган. Маҳмуд Ғазнавий мақбараси ва яна 5—6 мақбарагини сақланиб қолган. Ҳозир бу шаҳар археологларни ўзига жалб қилмоқда; у ерда археологик қазишлар бошлаб юборилган. Маҳмуд Ғазнавий мақбарами Фердавсий боғида жойлашган, айтилишича, Фердавсий «Шоҳнома»ни шу боғнинг ҳужраларидан бирида ёзган экан.

Маҳмуд Ғазнавий 1017 йили Хоразмни истило қилгач, маҳаллий олимларни ислом жаҳолатини ҳимоя қилишга ва уруш манфаатларини кўзлаб иш юритишга мажбур этган. Аммо олимлар унга бўйсуниши истамаганлар; буюк аллома Ибн Сино шу важдан Ўрта Осиёни бутуnlай ташлаб кетган. Абу Рай-

ҳоннинг устозларидан бири Абдусамад қарматлар (феодалларга қарши тенглик ва адолат талаб қилувчилар) ҳаракатига қўшилганлиқда, шаккоклик қилишда айбланиб, қатл қилинган. Абу Райхонга ҳам шундай айб қўймоқчи бўлишган. Лекин бир сабаб... уни ўлимдан қутқариб қолган; кимдир султонга: «Абу Райхон юлдузшунослик илмида ўз замонининг пешвоси, подшоҳларнинг ундайларга эҳтиёжи зўр бўлади» деган. Шунинг учун Маҳмуд Абу Райхонни ўзи билан бирга олиб кетган» (*Еқут*). Маҳмуддинг иккинчи сафаридагина Беруний бошқа бир гуруҳ олимлар қатори Фазнига олиб кетилган. Ўмрининг охирига қадар шу шаҳарнинг фуқароси бўлиб яшаган. У бот-бот Ҳиндистонга борган, ҳиндларнинг тарихи, фани, тили ва маданиятини ўрганиб, «Ҳиндистон» китобини ёзган.

Шундай қилиб, Абу Райхон шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Каспий соҳили билан Бағдод оралиғида саёҳат қилган, илмий кузатишлар ўтказган. Абу Райхон қўйидаги шаҳарларда бўлган. Хоразмда — Кот ва Урганч (Журжония); ҳозирги Эронда — Журжон ва Рай: Ироқда — Бағдод; ҳозирги Афғонистонда — Жузжон (Гузгон), Балх, Бомиён, Кобул, Фазни; ҳозирги Покистонда — Ганди, Дунпур, Пишавур, Вайханд (Атток), Жайлам, Сиёлқут, Лоҳур, Нандна, Мўлтон, У булардан ташқари, Бухорода, Қорақум чўлида, Қизилқумнинг шимолида, Бадахшонда ҳам бўлган. «У фақат фан санъатини такомиллаш ва янги нарсаларни ҳосил қилиш учун ҳамиша бир шаҳардан бир шаҳарга кўчар эди, гўёки ҳунар ганжини сафар ранжида деб билар эди» (*«Номаи фонишиварон»*).

У Хоразмдан қуруқ келмаган: кўп йиллик кузатишлари натижалари, қўлёзмаларини, астрономик асбобларини ҳам келтирган..

Абу Райхон Фазни шаҳрида ўрнашиб олганидан сўнг ҳам Ҳиндистонда бир неча бор бўлган; 1031 йилда ўз она юрти Хоразмга ҳам бориб келган. Баъзу маълумотларга қараганда, Абу Райхон султон Маҳмуд зулмига бардош бера олмай, Фазнидан Хоразмга кетиб қолган; Маҳмуд ўлгандан кейин, тахтга янги султон — Маъсъуд ўтиргач, яна Фазнига қайтиб келган. Абу Райхон умрининг охиригача Фазнида яшаган; у ерда обсерватория очиб, унда диаметри 4,5 м келадиган квадрант ўнаттган, дарс берган, шогирдлар тайёрлаган, ижод қилган, айни вақтда давлат ишларида ҳам қатнашган. Беруний 1048 йили ҳижрий йил ҳисобида 77 ёшида (ҳозирги йил ҳисобида 75 ёшида) вафот этган.

Абу Райхон ҳаётининг Фазнида ўтган даври ҳар хил кечинмалар билан тўла, айни вақтда унинг ижодий фаолияти жуда самарали бўлган.

Фазни шаҳрига Шарқнинг атоқли олимлари тўплланган; булар орасида асир олинган ҳинд олимлари, форс-тожик олимлари, Қавқаздан келган устоз Абу Сахл Абдалмунис ибн Али ибн Нух Тифлисий, Хоразмдаги Маъмун академиясининг кўп-

гина илмий ходимлари бўлган. Бу олимларнинг кўпчилиги Маҳмуд Ғазнавийни ёқтирганликлари учун қувғин қилингандар, дорга осилганлар. Маҳмуд олимларни ҳеч сўзсиз итоат этишга, фақат ўзига (ҳокимга) ёқадиган ишлар билан шуғулланишга, унга мадҳиялар ёзишга маҷбур қилган.

Султон Маҳмуд золим, мутаассиб, жоҳил бўла туриб, нега ўз атрофига олимларни тўплаган деган савол туғилиши мумкин.

Сабуқтегин, ўлимидан бироз бурун, ўғли Маҳмудга насиҳат ва дастуриламал ёзиб қолдирган экан. Унинг бир моддасида бундай дейилган: «Маънавий улуғворлик бамисоли алана ва шамол — буларнинг ҳаракат ва парвоз хосияти бор. Машат эса қия ердаги қум уюмiga ўхшаш — унинг тубангa сурилиш хосияти бор». Маҳмуд дастуриламални ёдлаб олганиданми, ҳар ҳолда бир қадар ўқимишли, эпчил ва хийла дипломат шахс бўлиб етишган. Бу ерда подшоларнинг юлдузшуносларга эҳтиёжи зўр бўлганини ҳам эслаб ўтишга тўғри келади. Аммо асосий сабаб шуки, Маҳмуд ўзини энг улуғ подшо, олимларнинг ва маърифатнинг хомийиси қилиб кўрсатган, илм соҳасида бошқа подшолардан ўзиб кетишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шуниси ҳам маълумки, Султон Маҳмуд 1019 йилда Шарқ оламида биринчи ўлароқ давлат мадрасаси очиб, унга ноёб қўллэзмаларни тўплаттирган; булар орасида Афғонистон районлари учун юонон астрономи Диоклетиан системасида маҳсус тузилган ва 709—719 йиллар рақами ёзилган каттагина зиж ҳам бўлган («Геодезия»).

Абу Райҳон ростгўй одам бўлган, хушомадгўйлик ва лаганбардорлик қилишдан узоқ турган, сultonга дадил гапираверган, шунинг учун Маҳмуднинг жигига теккан, кўп марта ғазабига учраган. Маҳмуд бир куни сарой аҳллари орасида Берунийга дўқ қилиб: «Абу Райҳоннинг гаплари менинг раъйимга қарши эди. Подшолар ҳузурида уларнинг раъйига қараб сўзлаш керак, шундагина подшолардан баҳра олиш мумкин. Агар менинг ҳузуримда баҳтга ўйлдош бўлмоқни истасанг, ўз илминг асосида гапирма, менинг раъйимга қараб гапир» деган.

Абу Райҳоннинг ўзи Маҳмуд ҳақида бундай деган: «У мендан доимо шикоят қиласар ва аламига чидай олмай, мен билан қўйпол муомала қиласар эди».

Кунлардан бир кун Маҳмуд Хиндистондан келтирган каттагина ёқут тошни кўрсатиб: «Бу жуда қимматбаҳо тош; оғирлигини қаранг-а», деб мақтанган экан, Беруний уни синаб кўрмоқчи бўлган. «Мен уни кафтимга олиб салмоқлаб кўрдим ва унинг (айтганидан) енгилроқ эканини сездим. Амир (Маҳмуд) буни пайқади ва тош оғир эмаслигини (бошқа) кишилар сезиб қолмаслиги учун, уни қўлимдан олишни буюрди» деган. Яна бир кун сulton Маҳмуд Абу Райҳондан имтиҳон олмоқчи бўлиб, унга ғазаб билан савол берган: «Дилимда бир нарсани бекитдим, айтгин, у нимадир? Қасрнинг 12 эшиги бор, мен қайси биридан чиқаман?» Абу Райҳон жавобини бир вараққа ёзиб,

варагни буқлаб қўйган. Султон қасрнинг рўпарадаги деворини бузиб, янги эшик очишни буюрибди ва шу эшикдан чиқиб кетибди. Кейин Абу Райҳоннинг ёзганларини ўқиб қараса, у деворнинг тешилажагини ёзиб қўйган экан. Султон баттар дарғазаб бўлиб, вазирига Абу Райҳонни қаср томидан ташлаб юборишини буюрган. Аммо вазир Хўжа Ҳасан Абу Райҳонни ҳурмат қиласа экан, шунинг учун султонга билдириласдан кўчага тўр тутишни, ерга пахта ёйишни ва Абу Райҳонни тўр устига астагина ташлашни буюрибди. Абу Райҳон зарап кўрмасдан тушибди, факат бир қўлининг жимжилоғи жароҳатланибди. Уни уйига олиб бориб қўйишибди ва ғамхўрлик кўрсатишибди. Бир неча кундан кейин султон Абу Райҳонни ҳалок этганига афсусланиб, надомат чекибди. Шунда Хўжа Ҳасан султондан узр сўраб: «агар омон берсангиз, Абу Райҳон хузурингизга келади», дебди. Абу Райҳон султон олдига келгач, ўзининг ростгўйлиги билан яна султоннинг ғазабини қўзғаб балога қолган. Султон бу гал уни зиндоңга ташлатган. Абу Райҳон зиндоңда олти ой ётган.

Беруний Маҳмуд ҳукмронлик қилган даврдан шикоят қилиб: «Бизнинг замонамиз илм-фанга зарур шароит яратмайди. Бизнинг кунларда илмий билим ва янги кашфиётлар соҳасида ўсиш йўқ. Ҳозирги пайтда илм соҳасида ўтмишдаги фан ютуқларининг қолдиқларигина мавжуд» деган. У айrim шеърларида ва хотираларида ўз замонасидан, иш шароити ва шахсий турмушидан нолиган. Фазнидаги оғир, машаққатли кунларини, жумладан, кун кечириш қишин бўлғанлигини эслаган.

1024 йили Маҳмуднинг саройига Урал мамлакатининг энг узоқ чеккаларидан элчилар келган. Султон бу элчилардан шимол томондаги ўлкаларда баъзан «қўёш ботмаслигини» эшигган, аммо бу гапларга ишонмаган. Ҳатто «бизни лақиллатишяпти» деб, элчилардан хафа бўлган ва Абу Райҳонни чақиртириб, элчиларнинг гаплари тўғри-нотўғрилигини сўраган. Абу Райҳон бу масалани султонга қисқача тушунтириб бергандан кейин у мажбуран қаноат ҳосил қилган.

Беруний билан султон Маҳмуд ўртасидаги муносабат жiddий бўлган; султон Берунийнинг обрўси ва шуҳратидан ҳайиққани, ундан қўрққани учунгина уни «коғир» ҳисоблаб дорга оса олмаган. «Мендан узоқда бўлса менга қарши иш қилиши мумкин» деб гумонсирагани учун олимни у кўпинча ўз ёнида тутган. Беруний султондан асло қўрқмаган, уни ҳатто менсимаган, Маҳмуд даврида ёзган ўnlаб асарларидан биттасини ҳам «султон олампаноҳға» бағищламаган.

Султон Маҳмуд Фазнавий 1030 йил апрелда вафот этган. Маҳмуддан кейин унинг қичик ўғли Муҳаммад ярим йилча подшоҳлик қилган, кейин катта ўғли Масъуд султон бўлган. Масъуд таҳтга чиққанидан кейин илм-фанга кўпроқ эътибор берган. Берунийга алоҳида мояна тайинлаган. Беруний Масъуднинг топшириғига биноан ўзининг шоҳ асари — астрономия ва

география қомуси — «Қонуни Масъудий»ни ёзган. Беруний бу асарни султон Масъудга тортиқ қилгач, султон Берунийнинг уйига бир филга юклаб қоп-қоп кумуш юборган. Лекин олим уни қабул қилмай, султонга қайтариб юборган: «Бу кумуш юк мени ишдан кўяди. Ақл эгалари биладиларки, кумуш кетади, илм қолади. Мен ҳеч вақт абадий маорифни йўқ қилувчи дунё зийнатларига тортмайман» деган Абу Райҳон. У «Пул ва мол кишини ақлдан оздирди, пул йўқолиб кетар, илм абадий қолар» деган шарқ мақолига амал қилган.

Масъуд давлатни унча моҳирлик билан бошқармаса ҳам, илм-фанга яхшигина ҳомийлик қилган. Чунки унинг ўзи ҳам математика ва астрономия китобларини мутолаа қилиб турар экан, мъеморчиликдан ҳам хабари бор экан. Беруний ундан бағоят рози бўлган: «Ҳаётимнинг қолган кунларида фанга хизмат қилишим учун имконият туғдирди; менга ғамхўрлик қилиб мени ўз ланоҳига олди» деган («Қонуни Масъудий»).

Абу Райҳон қариган чоғида ҳам кеча-кундуз ижод қилган. Ёкүт унинг кексаликдаги ҳаётини таърифлаб, унинг бирон вақт ҳам қўли қаламсиз, қўзи назарсиз ва дили фикрсиз бўлмаганлигини, тинчликни машаққатдан ва кундузни кечадан ажратмаганилигини ёзган: «У йилда фақат икки бор: наврӯз (мартдаги янги йил) ва меҳржон (кузги ҳосил йиғиш) кунларигина тирикчилик учун етарли овқат ва бир оз кийим-кечак жамғарив қўярди» деган. Абу Райҳоннинг билимга, фан сирларига иштиёқи нақадар зўр бўлганлигини мана бу мисолдан ҳам кўриш мумкин.

Берунийнинг бир дўсти — қози Исо Валволижий бир маҳаллар олим билан суҳбатлашганида «ал-Жаддот ал-фосида» ҳуқуқига — меросни тақсимлаш илмига доир бир масала устидага гап очган-у, суҳбат қандайдир сабаб билан чала қолиб кетган. Бир неча йилдан сўнг ўша дўсти ўлим ёстиғида ётган Берунийдан ҳол сўрагани келган. Оғир нафас олишига, кўкраги сиқилишига қарамай, Беруний ундан ўша масалани яна сўраб қолган. Дўсти Берунийнинг аҳволи танглигини кўриб «Ҳозир вақти эмас» деса ҳам олим унамаган. «Эй, баҳтли ўртоқ! Бу оламга келган ҳар кишининг у дунёга кўчмоғи зарурийдир. Мен бу дунё билан хайрлашайтибман. Ўша масалани билмай кетганимдан кўра билиб кетганим яхшироқ эмасми?» деб қистаган, сўнгра дўстидан ҳалиги масалани билиб олгач, шу хусусдаги ўз фикрини охирги нафасигача айтиб берган-у, дунёдан кўз юмган. Бўгунги ёшларимиз устод Беруний тўгрисидаги бу мисолдан сабоқ олишлари: умрбод ўқиш, тинмай ўқиш, синчиклаб ўқиш кераклигини тушуниб етишлари лозим.

Беруний ўз она тилини, яъни қадимий хоразм тилини жуда яхши билган, қадимий хоразм алифбосида ёза олган. Маълумки, қадимий хоразм тили эроний тилларнинг шарқий туркумига мансуб бўлиб, сўғд тилига яқинроқ, алифбоси ҳам бошқача бўлган. Ўша алифбода ва тилда ёзилган тарихий, илмий китоб-

лар, достонлар бўлган. Аммо араблар истилоси натижасида Хоразмнинг қадимий ёзма ёдгорликлари яксон қилинган, йўқолиб кетган. Хоразмни босиб олган араб саркардаси Қутайба асл хоразм ёзувини билган, унинг тарихидан хабардор бўлган ва хоразмликлар фанини ўргатадиган киши (олим)ларни қириб ташлаган, натижада Хоразм тарихи номаълум бўлиб қолган, хоразмликларнинг ҳатто ислом дини тарқалгандан кейинги тарихи ҳам аниқ маълум эмас. Кейинчалик араб-форс алифбосидан фойдаланила бошлаган; лекин араб алифбосида ҳам хоразм сўзлари, барибир, ёзилаверган. Хоразм халқи туркий қабилаларга яқин бўлғанлигидан, хоразм тилига кўплаб туркий сўзлар аралашиб кетган; аҳоли икки тилда—қадимий хоразм тили ва ўзбек тилида сўзлашган. Хоразм бир неча асрлар мобайнида аста-секин туркийлашган, оқибат-натижада Урта Осиё туркий тиллари хоразм тилини ўзига сингдириб олган. Бу жараён, афтидан XV асрда тугалланган. Шундай қилиб, Абу Райхон қадимий хоразм тилини, форс-тожик тилини ва ўзбек тили (эски туркий тил)ни билган. У суря тилини ҳам билган. Юнон тилини ўрганиб, Гомернинг «Илиада» достонини ўша тилда ўқиб чиққан, деган ривоят ҳам бор. Абу Райхон ажойиб ва гаройиб Ҳиндистонга ихлос қўйиб, ёши 40 дан ошганда аввало Фазнида ҳинд фуқаролари ёрдамида ҳиндуларнинг қадимги тили—санскритни ўрганган, бу тилни шу қадар тез ва мукаммал эгаллаганки, ҳиндларнинг ҳатто қадимий китобларини ҳам синчиклаб ўқий олган ва текширган, шулар асосида ҳиндларнинг тарихи, фани, урф-одатлари, мамлакати ва тили тўғрисида каттагина асар яратган. Ҳатто баъзи китобларни санскритдан арабчага, Эвклид ва Птолемей китобларини араб тилидан санскритчага таржима қилган, астролябиянинг тузилиши тўғрисида рисола ёзган. «Бундан мақсад,— деган Беруний,— билимларни тарқатмоқ истагим эди». Унинг мутолаа қилган китоблари ва жуда кўп нақллари (цитаталари) унинг бошқа тилларни ҳам билганлигидан далолат беради.

Аммо Абу Райхоннинг кўпчилик асарлари араб тилида ёзилган. Гарчи араб тили унинг она тили бўлмаса ҳам, ўша замонларда кенг ёйилган ислом динининг тили, давлат ва маъмуриятнинг мажбурий тили бўлиб, халқаро тил қаторида юритилган.

«Дунёнинг ҳамма мамлакатларида фанлар араб тилига таржима қилинган... Мен (ҳам) араб ва форс тилларида ёздим, лекин уларнинг ҳар иккови ҳам менинг она тилим эмас» дейди олим «Сайдана» китобининг муқаддимасида. Шунга қарамай, Абу Райхон араб тилинӣ ҳамиша танқид қилиб, унинг камчиликларини мисоллар билан кўрсатган. Масалан: «Араб ёзуви нинг катта бир офати бор: қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар бир-бирларига ўхшаш бўлгани учун, уларни ажратишда нуқта ва эъробларга муҳтоҷ бўлинади. Бу нарсалар тарқ қилинса, мазмун англашилмай қолади» («Сайдана»). У баъзи асарларини атайин оммабоп қилиб ёзган. Жумладан, «Осори боқия»ни

ёзишда илмий маълумотларни осонгина тушунтиришни, китобхонни турли китоблардан илмий маълумотлар ахтариш машақ-қатидан халос қилишни ўзининг вазифаси деб билган.

Абу Райҳон ўз маълумотларини китоблардан олган, олимлар билан сұхбатларда ва оддий халқ оғзидан, сайёҳлар ва элчилардан эшитган. Жумладан, Узоқ Шарқ тўғрисидаги маълумотларни Фазнига келган Хитой элчиларидан билиб олган. Абу Райҳон кўй вақтни кузатиш, текшириш, ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларини ёзиг қўйиши, китоб ахтариш билан ўтказган. «Геодезия» да мана бу сатрлар шундан далолат беради:

«Мен ой тутилишларини бир неча марта кузатдим... Биз (Кот) шаҳрининг узунлиги  $85^{\circ} 5'$  десак, шунда Журжониянинг узунлиги  $85^{\circ} 5' 34''$  бўлиши муқаррар. Бунга сабаб Журжониянинг ундан ғарбдалигидир».. «Мен ҳижрий билан 384—385 йилларда кузатиш олиб боришига аҳд қилиб, каттагина диаметрли доира ва бошқа асбобларни тайёрлаб қўйган эдим. Жайхуннинг ғарбий томони ва Хоразм шаҳрининг жанубидаги (Бушкотир номли) қишлоқда кузатиш имкониятини топдим»... «409 ҳижрийнинг жумодулохир ойининг боши сешанба куни (1019 йил октябрь ойи) Кобул ёнидаги Жайфур деган қишлоқда эдим. Бу ерга мени шу жойларнинг (географик) кенглигини билишга бўлган зўр иштиёқ олиб келган эди».

Еқутнинг «Муъжам ал-удабо» асарида ёзишича, Беруний нафси пок, сұхбати ширин, хушмаишат, ширин сухан, иффатли, номусли, ростгўй ва дангалчи одам бўлган, асло ножўя ишлар қилмаган. Беруний диний жиҳатдан, албатта, ўз замонасиининг фарзанди бўлган, аммо хурофот ва жаҳолатга имкони борича қарши турган, ўрни келганда ёлғон-яшиқларни фош қилган, миш-мишларга ишонмасликка ундаган. У кўпгина табиий ҳодисаларни илмий жиҳатдан асослаб, шахсан тажрибалар ўтказиб, тўғри тушунтиришга ҳаракат қилган. Шахсий ҳаётида ҳам динни маҳкам «ушлаб» олишга уринмаган. Ёшлигига шиа мазҳабига хайриҳо бўлса, Фазнида турганида сунна мазҳабига ўтган. Шу билан бирга, илми нужум (астрология)га, яъни юлдузлар ҳолатига қараб ердаги кишиларнинг тақдирини башорат қилишини тан олмаган.

«Илми нужум фанининг илдизи чириган, шохлари мўртдир. Унинг хуносалари бир-бирига зид, унда ҳақиқат устидан тахмин ҳокимлик қиласи, алхимия эса бойлик орттиришни мақсад қилиб олган сохта фандир», деган олим.

**Беруний портрети.** Абу Райҳон Берунийнинг характеристи, кишилар билан муомаласи, диди ва тириклиги тўғрисида маълумотлар ва хотиралар етарлидир. Аммо унинг қиёфаси — портретига доир маълумотлар жуда кам. Уз замонасидан миниатюра ҳам қолмаган. Шу боисдан бўлса керак, турли мамлакатларда Берунийни турлича, ҳатто бир-бирига сира ўхшамайдиган қиёфада тасвирлаб келмоқдалар. Буни ўша мамлакатларда нашр этилган китоблар ва тарқатилган марказларда ҳам

кўриш мумкин. Рассомларнинг фантазияси дарҳақиқат белоён!

Аммо тарихда бир хотира бор. Олим Шаҳризўрий унинг кўрининши — қадди-қомати, чеҳраси тўғрисида одамлардан эшигтганлари ни ёзган: «У қизилмағиз, оппоқ узун соқолли, паст бўйли, қорни катта одам эди». Абу Райҳон Берунийнинг портретини чизиш учун шу маълумотлар ҳамда XI аср кийим-кечак нусхалари асос бўлиши мумкин эди. Эронда энг кўп тарқалган портрет —«сўнгги тарихий изланишлар асосида эронлик рассом Бозоргўйин чизган» суратдир. СССРда ҳам Беруний портрети ҳануз муқаррар бўлганича йўқ. Москвада нашр этилган китоб ва журнallарда, Душанбада нашр этилган китобларда ва Тошкент нашрларида у 5—6 хил тасвирланган. Ниҳоят, халқ рассоми профессор Малик Набиев маҳорат билан чизган Беруний портрети биринчи ўринга ўтди шекили, сўнгги йилларда кенг тарқалмоқда. Афғонистонда ҳам шу расм қабул қилинган.



Абу Райҳон Беруний

#### ГЕОГРАФИЯГА ДОИР АСАРЛАР

Шарқ манбаларида айтилишича, Абу Райҳон ёзган китоб ва рисолалар қопга солинганида бир туялик юк бўлар экан. Ҳақиқатан ҳам шундай. У илмий фаолиятини деярли 16 ёшида бошлигаран. Ўмр бўйи китоб ёзган, жадваллар тузган, табиат ва осмонни кузатган, бошқа тилдаги асарларни таржима қилган.

XIII аср географи Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, у Марв шаҳридаги Жоме мачитининг воқифномасида Беруний асарларининг 60 саҳифага майда қилиб ёзилган рўйхатини кўрган. Абу Райҳон бу рўйхатни 65 ёшида бир дўстининг илтимосига биноан тузган. Мазкур рўйхат «Фихрист» номи билан машҳурдир. Бошқача қилиб айтганда, бу Абу Бакр Закария ар-Розий асарларининг рўйхатига илова қилинган алоҳида библиографик рўйхатдир. Ўнда Берунийнинг 113 асари кўрсатилган бўлиб, ҳар бир асар ким учун ва не боисдан ёзилгани айтиб ўтилган, 70 асарнинг ҳажми ҳам кўрсатилган.

Беруний тузган рўйхатдан кўринишича, у «Зижга оид» (жадвал ва календарлар тўғрисида) 18 асар, «Шаҳарларнинг бўйи, эни ҳамда бир-бирининг қай тарафда эканлиги ҳақида» 15 та асар, «Ҳисоб фанига оид» 8 та, «Қуёш йўллари ҳақида» 4 та, «Зиж асбоблари ва уларни ишлатиш ҳақида» 5 та, «Замон ва вақтлар ҳақида» 5 та, «Думлик юлдузлар ҳақида» 5 та, «Ой манзилларини текшириш ҳақида» 12 та, «Юлдуз ҳукмлари ҳа-

қида» 7 та асар ёзган. Унинг қўлида нусхаси қолмаган ҳамда умрининг охирги дамларида ёза бошлаб, тамом қила олмаган ва оққа кўчирилмаган китоблари ҳам бўлган. Абу Райхон юқорида айтиб ўтилган рўйхатни тузганидан кейин яна 13 йилча яшаб, 50 га яқин асар ёзган. Шарқшуносларнинг тахминича, Беруний 150 тача асарнинг муаллифидир. Баъзи шарқшунослар, у 180 тача китоб ёзган, деган фикрда. Унинг ҳатто Бомиён санами тўғрисида ҳадиси, Кашмириядан келган 10 саволга жавоби, нужум илмидан Балҳда берилган саволлар ҳақидаги, пушти камар тўғрисидаги рисолалари, ҳазилкашлик санъати, олтин ва кумуш қоплаш усули тўғрисидаги китоблари, шеърлар тўплами ҳам бўлган.

Ёкўт «Муъжам ал-удабо»сида бундай деган: «Беруний катта бир ёзувчи ва тилшунос эди. Бу илмлар юзасидан унинг бир неча асари бор. Уларни мен ўзим кўрганман. Бири Абу Тамомнинг шеърларига ёзган шарҳларидир. Буларнинг ўз қўли билан ёзган нусхасини кўрганман... Унинг бу соҳадаги иккинчи китоби ҳам бор».

Шарқшуносларнинг энг кейинги ҳисобига кўра, Беруний асарлари қуйидагича тақсимланади: астрономияга оид асари—70 та; математикага оиди—20 та; география-геодезияга оиди—12 та; картографияга оиди—4 та; иқлим ва об-ҳавога оиди—3 та; минералогияга оиди—3 та; фалсафага оиди—4 та; физикага оиди—1 та; доришнуносликка оиди—2 та; тарих, этнографияга оиди—15 та; адабиётга оид асари 28 тадир.

П. Г. Булгаковнинг тахминича, Беруний жами 10 минг қўл-ёзма варақ асар ёзган. Агар шуларнинг ҳаммаси босма усулида нашр этилса, ҳар бири 35 босма листдан иборат 40 жилд «Беруний асарлари тўплами» ҳосил бўлар эди («Беруний», 289-бет). Совет матбуотида Беруний асарларининг тўла рўйхати эълон қилинган. Афсуски, шунча китобдан атиги 30 таси сақланиб қолган. Аммо «Хоразм тарихи», «Иклимлар тақсимоти» («Дунё географияси») номли китоблари йўқолиб кетган. Уларни кўрган ва ўқиган одамлар бўлган. Берунийнинг «Ал-Хоразмий астрономик зижидаги камчиликлар ҳақида ўрнак масалалар» деган шарҳлардан иборат китоби биззагача етиб келмаган. Ҳозир бу китобнинг иби Азра қадимий яхудий тилига таржима қилган вариантигина бор.

Беруний асарлари орасида географияга доир маҳсус китоблар анчатина; унинг астрономия ва бошқа соҳаларга бағишлиланган китобларида ҳам географик маълумотлар кўп. Берунийнинг узунликлар ва кенгликлар, Ер юзидаги одамзод яшайдиган мамлакатларнинг чегараларини аниқлаш, суратга (картага) тушириш, ҳавонинг совуши ва исиши сабаблари (циклон ва атмосфера фронтлари?) тўғрисидаги асарлари ҳам бўлган; у Птолемей «География»сига қисқача шарҳ ҳам ёзган экан. «Мен унинг «Китоб тақосим ва ақолим» («Иклимлар бўлиниши китоби») номли ўз қўли билан ёзган асарини кўрдим. У бу китоб-

ни ўша йили (1030 йил) ёзган экан» деб тасдиқлайди Ѓкут. Бунинг дунё табиий географиясига оид китоб эканлиги сарлав-хасидан кўриниб турибди. Булар — Берунийнинг йўқолиб кетган асарларидир. Аммо унинг мавжуд асарлари ҳам катта қимматга эга. Бу китобларнинг география нұқтаи назаридан энг муҳимларига алоҳида тўхтаб ўтмоқчимиз.

«*Осори боқия*» («Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия»— «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») тахминан 1000 йилда, Абу Райхон Журjonда (Қаспий денигизининг жануби-шарқидаги шаҳар) яшаганида ёзисб тамомланган. Бу асар 1879 йилда инглиз тилига, 1943 йилда форс тилига, 1957 йилда рус тилига, 1968 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди<sup>1</sup>. Асарда турли халқларнинг календарь системаси, ой ва муналларни, байрамлари, Ой манзиллари, жуда кўп метеорологик, фенологик ва тарихий маълумотлар, қабилалар ва жойларнинг номлари ёзилган. Шарқ манбаларидан бирида «*Осори боқия*»га юксак баҳо берилиб, бу асарда муаллиф «ўзидан илгари ўтган олимларнинг китобларидан сочилилган дурларга ўхшаш нафис масалаларни териб, таъриф ишига тизган ва шарқ қўлган» дейилган. Европалик шарқшунослар бу асарни қисқача «Хронология» деб атайдилар.

«*Картография*» («Тастиҳ ас-сувар ва табтиҳ ал-қувар») 10 варақдан иборат рисола бўлиб, хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга бағишлиланган. Бу рисолани «*Картография*» деб қисқа ном билан аташни биз таклиф қилдик. Рисоланинг кириш сўзида астрономия, картография ва географиянинг амалий аҳамияти тушунтирилган.

«Осмонни зийнатлаб турган, эътибор билан қаровчилар учун хужжат, чўллар ва денигизларда адашганлар учун аломат ва нишон бўлган юлдузлар орасида (расадхоналарда) кузатиладиган ҳамма ёритқичларнинг сурат—шаклларини танишнинг астрономиянинг иккала қисмида ҳам манфаат ва фойдаси оз эмас.

Шунингдек, йилга тегищли билимларда, яъни фаслларнинг бирин-кетин келуви сабабли йил мавсумларининг ўзгаришини аниқлашда, асрлар бўйи барча йилларда бир-бирига яқин ва ўхшаш тартибда қуруқлик ва денгизда юз берувчи табиий ҳолларни: қурғоқчилик, намгарчилик ва мўътадиллик пайдо бўлишини, буларнинг буғлар сабабли вужудга келиб, мамлакатлар, жойлар ўзгаришлари бўлмаса ўзгармасликларини, масалан: ёғинлар ёғишини, гармселлар, ўт чиқишлар, яшин тушишлар, ҳавонинг дафъетан исиб ёки совиб кетиши, аямажузлар вақтини, урчишиб пайллари, ҳайвонларни қочириш, кўчатлар ўтқазиш, экинлар экишиб лозим бўладиган вақтларни билишда — у ишлар маълум вақтлардан бошқада натижасиз бўлади,— ден-

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». Таъланган асарлар, I том, «Фан», Тошкент, 1968. Қисқача — «*Осори боқия*».

гизлар қўзғалиб, уларда юриб бўлмайдиган вақтларни билишда; ер юзидаги мамлакатларнинг бир-биридан қандай вазиятда эканини, тоғлар, денгизлар ва дарёларнинг вазиятларини, яқин йўллардан юришни, аскарларни юргизиш, карвоиларни жўнатиш учун яқин йўллар топишни билишда; жой ва ва мамлакатлардан қай бири қай бирининг рўбарўсида эканини билишда ҳам манфаат фойдаси оз эмас».

Сўнгра мазкур рисолани ёзишда фойдаланилган манбалар айтиб ўтилган, йўл-йўлакай уларнинг муаллифларини танқид қилиб, илгариги олимларнинг хатолари «осмон сферасидаги ёритқичлар ва суратлар, ер курасидаги шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, дарёлар ва бошқаларни тасвирлашга эришиш қоидаларини қўллашга мени мажбур этди. Шундай тасвирлаш ишини кўзда тутган киши ушбу қоидаларга асослансан ва бошқа нарсага бурилмасин!» деган. Яна устурлаб (астролябия) хиллари, градус тўри, картографик проекциялар, шарни текис коғозга тушириш, осмон глобусини ясаш тўғрисида гапирилган. Географик карта ҳақида бундай деган: «Ёр курасини сатҳга ўтказишида эса шаҳар ва қишлоқларнинг узунлик ва кенгликларини, денгизлар, булоқлар, дарёлар, қумликлар, тоғлар, конлар, тепаликлар, қиялик ва сойликларни баён этадиган «Жуғрофия» китобига эҳтиёж тушади ва бу китобдагига қараб уларнинг (белгилари) ишланади. «Йўллар ва мамлакатлар» ҳақида ёзилган китобларнинг эгалари ернинг иккала сурати — кура ва сатҳ суратида шундай иш юритганлар: денгизлар пистамағиз ранг билан, оқар сувлар қаҳрабо ва осмоний ранг билан, қумлар заъфаронсимон сариқ ранг билан, тоғлар озгина қизил аралашган гунафша ранг билан, шаҳарлар чорбурчак шаклларда қирмизи қизил ранг билан, йўллар кулранг ва тўқ жигар ранг билан кўрсатилган» (13—14- бетлар).

Рисолада проекцияларга доир бир қанча амалий кўрсатмалар ва шакллар бор.

«Геодезия» («Китобу таҳди迪 ниҳоёт ал-амокин ли тасҳиҳ масофат ал-масокин»— «Туар жойларнинг ораларидағи масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш ҳақида китоб»). Бу китобнинг биттагина қўлләзма нусхаси мавжуд. Унда «23 ражаб 426» ёзуви бор; бу — 1025 йил 20 октябрь дегани. Китоб шу йили ёзиб тугатилган. Аслда Беруний уни 1017 йилда Хоразмда ёза бошлаб, Кобулда давом эттирган ва Фазнида ниҳоясига етказган.

Бу якка-ягона қўлләзма ҳозир Истанбулдаги Султон Фотих жомесининг кутубхонасида сақланмоқда (инв. № 3386). Айрим тадқиқотчилар «Бу Берунийнинг ўз қўли билан ёзилган» деса, бошқалар «бу Беруний асарининг кўчирилган нусхаси бўлиши керак» демоқдалар.

Академик В. В. Бартольд 1926 йили Истанбулга борганида мазкур қўлләzmани варақлаб чиқиб, Амударёга тегишли бир неча саҳифасидан нусха кўчирган эди. В. В. Бартольд вафоти-

дан кейин шарқшунос С. Волин шу парчани унинг архивидан олиб, русчага таржима қилди ва 1941 йилда биринчи бўлиб илмий жамоатчиликни унинг мазмуни билан таништириди. Худди ўша иили Берунийнинг Амударё ҳақидаги парчаси «Ислом энциклопедияси»нинг туркча нашрида ҳам босилиб чиқди. 1947 иили Ф. Кренков инглизча таржимасини чоп эттириди. 1950 йилда профессор Яхё Гуломов «Беруний Амударё оқимиининг тарихий гидрографияси ҳақида» мақоласини ёзди. Академик С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедициясининг материаларида бу парча ҳар жиҳатдан таҳлил қилинди. Шундан кейин у бошқа китобларда ҳам нақл қилина бошлади.

Тошкентлик арабшунос П. Г. Булгаков Мисрда ишлаган вақтида «Геодезия» китобининг арабча текстини алоҳида китоб тарзида нашр эттириди, Тошкентга келганидан сўнг рус тилидаги мукаммал таржимасини ҳам босмага тайёрлаб берди.<sup>1</sup> «Геодезия»нинг қўллэзмаси кириш сўзидан бошланган. Беруний кириш сўзида жаҳолатпарастликни ва алдамчиликни қоралаган, фан ва маърифатнинг фойдасини тушунтирган, геометрия, медицина, музика, астрономия, логика, география, тарих каби фанларнинг вужудга келиши ва аҳамиятини баён этган.

Китобнинг географияга тегишли қисмида у X аср денгизчиси Мағаннанинг Хитойга кемаларда борганини хикоя қилган, ўзининг Хоразмда глобус тайёрлаганини эслатиб ўтган. Хоразм воҳасининг ўтмишини ҳам батафсил изоҳлаб берган. Китоб бешта назарий бобдан иборат бўлиб, унга кўп масала ва мисоллар илова қилинган.

Китобнинг иккичи бобида «устурлоб ва бўлак асбоблар ясашда ўз замонасининг энг моҳир устаси» ўртаосиёлик Абу Аҳмуд Ҳамид ибн Ҳизр Ҳўжандий ихтиро қилган ва Рай расадхонасига ўрнатилган Фахри секstantи ҳам батафсил тасвирланган. Маълумки, Ҳўжандий 992 йилдан Рай расадхонасида ишлай бошлаган, 995 йилда ўша ерда Беруний билан учрашган (Ҳўжандий 1000 йилда вафот этган). Берунийнинг ўзи Ҳўжандий билан дўст бўлган, илмда ҳамкорлик қилган. Беруний «Картография» рисоласида ҳам Ҳўжандийни тилга олиб, унинг қибла томонини аниқлашдаги ўлчашларини таҳлил қилган. «Ўрта осиёлик бу икки атоқли олимнинг дўстлиги Берунийнинг ўзи учун ҳам фойдали бўлди, ўртаосиё фанининг тараққиёти учун ҳам самарали бўлди... У, Ҳўжандийни ўрганиб, ишларини тарғиб қилди, Фахри секstantига бағишлаб маҳсус рисола ҳам ёзди» дейди П. Г. Булгаков.

Китобнинг учинчи бобида дунё географияси баён этилган—шаҳарларнинг кенгликларини аниқлаш, иқлиmlарга бўлиш, уларнинг чегаралари, океанлар, денизлар ва оролларнинг тақ-

<sup>1</sup> Абу Райхан Беруни. «Определение границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами». Исследование, перевод и примечания Н. Г. Булгакова, «Фан», Тошкент, 1968 қисқача — «Геодезия».

симланиши баён этилган, шимолда яшайдиган ису ва югра қабилалари тилга олинган.

Китобнинг бешинчи боби жойларнинг географик узунлигини аниқлаш усулларига багишланган. Ўмуман, бу китобда таклиф қилинган ва амалда қўлланилган ўлчаш методлари, асбоблари ўрта асрларда энг илфор усуллар ва энг маъқул асбоблар бўлган. Бешинчи бобнинг охирида кўпгина мисоллар келтирилган; жумладан, Бағдод билан Рай, Рай билан Журжон, Журжон билан Болхон оралиқларидағи меридиан фарқини аниқлаш усули, Балх ва Журжония шаҳарларининг узунлик ҳамда кенгликларида асосланиб Омул (Чоржўй)нинг узунлик ва кенглигини аниқлаш усули, Балх билан Бухоро орасидаги масофани уларнинг кенглик ва узунликларига қараб аниқлаш усуллари ва ҳоказолар берилган. Олим бир қанча жойларнинг кенглик ва узунликларини шу усулларда аниқлаган.

«Ҳиндистон» («Қитоби фи таҳқики молил ҳинд мин мақола Мақбула фил ақл ау марзула»— «Ҳиндларга маҳсус нарсаларни тушунтириш китоби»)ни олим 1020 йилда ёза бошлаб, 1030 йил ёзда тамомлаган; китобни ўз дўсти ва устози Абу Саҳл Тифлисийга багишлаган. Бу китоб «Ҳиндистон тарихи» номи билан машҳурdir. 1888 йили Лондонда мазкур китобнинг арабча тексти билан инглизча таржимаси нашр этилган. 1958 йилда Ҳиндистонда арабча нусхаси иккинчи бор нашр қилинди. Русчага таржимаси 1963 йилда, ўзбекчага таржимаси эса 1965 йилда Тошкентда босилиб чиқди.<sup>1</sup>

География фани учун бу китобнинг аҳамияти катта. Унда умумий географик маълумотлар (Ер тўғрисидаги тасаввурлар, қуруқликларнинг чегаралари, денгиз ва қуруқликлар, сув кўтарилиши ва қайтиши, бошлангич меридиан тарихи) билан бирга, Ҳиндистон табиатининг муфассал таърифи (тоғлари, дарёлари, шаҳарлари, қабилалари, ҳайвоноти ва ҳоказо), том маъноси билан Ҳиндистон табиий географияси бор. Ундаги энто-график маълумотлар, дин, фалсафа, урф-одатлар таърифи муфассал ва ҳақиқийдир.

Беруний бу китобда асосан ўзи кўрган ва аниқлаган нарслар ҳақида ҳикоя қилган. У ўз геодезик кузатишлари тўғрисида бундай дейди: «Лоҳур қалъасининг кенглиги  $34^{\circ} 10'$  эканини ўзим ҳисоблаб топдим. Бундан Кашмир қалъасигача 56 милдир (бир мил 1973,2 метр. Автор). Бу қалъанинг ярми тепалик ва ярми текис даладир.

Кузатишлар натижасида мана бу жойларнинг кенгликлари-ни топдим: Фазни  $33^{\circ} 35'$ ; Кобул  $33^{\circ} 47'$ ; Гандиамир  $33^{\circ} 55'$ ; Дунпур  $34^{\circ} 20'$ ; Ламғон  $34^{\circ} 43'$ ; Пиршавур  $34^{\circ} 44'$ ; Вайҳанд  $34^{\circ} 30'$ ; Жайлам  $33^{\circ} 20'$ ; Нандна қалъаси  $32^{\circ}$ ; бу қалъа билан

<sup>1</sup> А б у Р а й ҳ о н Б е р у н и й . «Ҳиндистон». Таиланган асарлар, II., «Фан», 1965. Қисқача — «Ҳиндистон».



Нандың құргони. Беруний ср шары айланасини шу құрғонда ўлчаган

Мүлтон оралиғи қарийб 200 мил; Сиёлқут  $32^{\circ} 58'$ ; Мандаккапур  $31^{\circ} 50'$ ; Мүлтон  $29^{\circ} 40'$ .

Уларнинг (ҳиндларнинг) ерларида мазкур жойлардан ташқарига чиқмадик».

Олим Ҳиндистонда вақтида Ер айланасининг узунлигини ўллаш билан ҳам шүгүлланды.

Мархұм Жавоқарлал Неру «Ҳиндистоннинг кашфи» китобида Берунийнинг мазкур китоби түғрисида бундай деган: «Беруний юон фалсафасини ўрганди: ҳинд фалсафасини мутолаа қылмоқ учун санскрит тилини ўргана бошлади. Беруний ҳинд ва юон фалсафасини бир-бирига солиштируди, улардаги мавжуд умумийликни күриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби ҳақиқий материалларни қамраб олиш билан бирга, урушлар, босқынчиликлар, оммавий қырғынлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузуб турган пайтларда ҳам Беруний, бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тўғри тушунтиришга ҳаракат қилди».

Рус шарқшуноси академик В. Розен «Ҳиндистон» китобига «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта аср китоблари орасида тенгги йўқ асар» деб баҳо берган.

«Ҳиндларнинг икки китобини («Санъя» ва «Патанжала») араб тилига таржима қилган эдим», «Мен Эвклид ва Батлимуснинг «Алмажистий» китобини ҳиндлар учун таржима қилиб, уларга астролябия санъатини ёзib бераман, ҳиндлар орасида илм тарқатишга ва уларда йўқ илмни бор қилишга қизиқаман» дейди Абу Райҳон «Ҳиндистон» китобида. Ислом дини таъсири кучайиб кетган шароитда мажусий тилини ўрганиш, шу тилдаги китобларни ўқиш ва ҳиндуда маданиятига хизмат қилиш —

Берунийнинг буюк инсонпарвас, иродали, жасур одам эканлигидан далолат беради.

Ҳиндистон тўғрисида китоб ёзиш ниҳоятда қийин бўлганлигини, бу соҳада яқида ўзи ишлаганилигини, аммо кучини, вақтини ва пулини ҳам аямай, санскрит тилидаги китобларни излаганилигини, ҳинду тилини ўргатадиган олимларни ҳар қаердан бўлса ҳам қидириб топганини ва бу ишларнинг ҳаммасини шу мамлакатга бўлган муҳаббати туфайли амалга оширганини Абу Райхоннинг ўзи фахрланцб ёзган.

«Ҳиндистон» китобини таҳлил ва тарғиб қилишда шарқшунослардан А. Расулов, А. Ирисов, философлардан М. Баратов, О. Шаматов, А. Шарипов, адабиётшунослардан А. Пўлатов, С. Йўлдошевларнинг хизматлари катта.

«Ақ-Тафҳим» («ат-Тафҳим ли авоили синоат ат-танжим» — «Нужум санъатининг аввалини тушунтириш», яъни «астрономия илмидан бошланғич маълумотлар») китоби 1030 йилда ёзилган. Унинг ёзилган йили саҳифаларида бир неча бор: «420 ҳижрий қамарий, 398 яздигард ва 1341 искандар йили» деб кўрсатилган.

«Ат-Тафҳим» — Берунийнинг икки тилда: арабча ҳамда форсча ёзган йирик асарларидан биридир. Бу китоб қўлёзмасиниң нусхалари кўп. Тошкентдаги Шарқшунослик институтининг фондидаги 445 ва 3423- номерли қўлёзмалар сақланмоқдаки, булар, эҳтимол, энг мукаммал, энг биринчи нусхалардан биридир.

1934 йилда «ат-Тафҳим» инглиз тилига таржима қилинди. Форс тилидаги нусхаси Эронда нашр қилинди. Тожик тилида 1973 йилда, рус тилида 1975 йилда чоп этилди. «Ат-Тафҳим» мазмунини таҳлил ва тарғиб қилиш ишига астроном Ф. Жалолов, математик Б. А. Розенфельд ва А. Абдураҳмонов, арабшунос А. Аҳмедов салмоқли ҳисса кўшдилар.

Беруний бу китобни тушуниш осон бўлиши учун уни хоразмлик Райхона Ҳасан қизининг илтимосига кўра 530 тача савол ва жавоб тарзида ёзганилигини айтган. Унда ҳисоб, геометрия, астрономия, календарь, география масалалари ёритилган ва жуда кўп шакллар билан изоҳланган, доира шаклдаги дунё картаси илова қилинган.

«Ат-Тафҳим»нинг тўртинчи боби «Маъмура ва обод ерларнинг чегаралари» деган сарлавҳа билан берилган; уни, умуман, «География» дейиш мумкин. Бу бобда 35 саволга жавоб берилган: «Ернинг катталиги қандай?», «Ернинг маъмура (кишилар яшайдиган обод) қисмининг чегаралари қандай?», «Ернинг маъмура қисмida дengizlар қандай жойлашган?», «Экватор қаерда ва унинг хосиятлари нимада?», «Шаҳарнинг кенглиги қандай?», «Иқлиmlар нима?» ва бошқалар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруни. Книга вразумлення начаткам науки о звездах. Вступительная статья, перевод и примечания Б. А. Розенфельда и А. Ахмедова. Избранные произведения, т. IV, «Фан», Тошкент, 1975. Қисқача — «ат-Тафҳим».

*«Қонуни Масъудий»* («ал-Қонун ал-Масъудий фил ҳайъа ван нужум»—«Астрономия фанида Масъуд исмига ёзилган қонун») Берунийнинг энг йирик асари бўлиб, уни муаллиф умри нинг охирги йилларида ёзган. Китоб султон Масъудга аталган лигидан Беруний уни 1030 йилдан кейин ёзабошлаб, 1036—1037 йилларда тамомлатган деса бўлади. Султон Масъуд Берунийга анча ихлос қўйган, илмий масалаларда ундан ҳамиша маслаҳат сўраган. Беруний унга: «Сиз буюк ҳоким бўлганлигиниздан ўз ерларингиздаги аҳволни, кеча ва кундузниңг ўзгаришини, обод ерларни яхши билинингиз лозим» деб, турли қўлланмалар тузиб берган, жумладан, ушбу китобни ёзган.

Асарнинг қўллёзма нусхалари 10 тача бўлса керак. Асар жами 12 мақоладан иборат бўлиб, ҳар мақола бир неча бобга бўлинган (бу ерда «мақола» сўзи ҳозирги маъносига эмас, балки бир бутун китоб маъносига ишлатилган). 1- мақолада оламнинг геоцентрик тузилиши Птолемей фикрича баён этилган, 2- мақолада — йиллар ва календарлар, 3- мақолада — тригонометрия маълумотлари, 4- мақолада сферик астрономия ва жойларнинг кенгликларини белгилаш усуллари, 5- мақолада жойларнинг узунликларини белгилаш усуллари, 6- мақолада — Қуёшнинг ҳаракати, 7—8- мақолаларда — Ойнинг ҳаракати, 9—11- мақолаларда юлдузлар ва планеталар ҳаракати баён этилган, 12- мақолада эса мунажжимларнинг йил ҳисоби таҳлил қилинган.

5- мақоланинг 9—10- боблари география учун жуда муҳимдир. Бу бобларда денгиз ва қуруқликлар чегаралари, етти иқлим тақсимоти ҳамда дунёдаги 603 жойининг географик координаталари берилган. Шуларга асосланиб дунёнинг географик картаси тузилса, Берунийнинг ер юзини қандай тасаввур этганлиги аён бўлар эди. Бироқ узунлик белгилари ва бошланғич меридиан маълум бўлмаганлигидан бундай карта тузиш бирмунча мушкул (бу масалалар «Беруний ва Улугбек» сарлавҳаси остида баён этилади).

Унинчи боб — «Шаҳарларнинг узунлик ва кенгликларини жадвалларда кўрсатиш ҳақида» сарлавҳаси билан берилган бўлиб, унда «шаҳарларнинг бир-бираига нисбатан вазиятларига ва ораларидаги масофалар тақозосига қараб тузатишига уриндим, китоблардан кўчирмадим. Чунки бундай жадваллар китобларда чалкашдир».

Афсуски, Беруний жадвални тузишда кўп меҳнат қилган бўлсада, қўллёzmани кўчирган ҳаттотлар рақамларда ва номларда баъзан хатога йўл қўйганлар. Бунинг устига, «Қонуни Масъудий»ни русча ва ўзбекчага таржима қилганда ҳам қўллёzmаларда йўл қўйилган хатоларга өътибор берилмаган. Пировардида жадвал саҳифаларида талай хатолар ўтиб кетган.

«Қонуни Масъудий» биринчи марта Берунийнинг танланган

асарлари каторида V том қилиб (икки китоб) тўла равишда рус ва ўзбек тилларида нашр этилди<sup>1</sup>.

Москвалик астроном У. Содиков, тошкентлик астроном Ф. Жалолов, картограф М. Тешабоев ва геодезист К. Норхўжаев «Қонуни Масъудий» асосида олиб борган тадқиқотлари натижаларини эълон қилдилар.

«Минералогия» («Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир»— «Жавҳарларни таниш учун жам китоб»)ни муаллиф 1048 йили Газнода ёзган. Совет шарқшуноси А. М. Беленицкий бу китобни рус тилига таржима қилди<sup>2</sup>. Асарнинг баъзи парчалари (ёқут, бадахшон лаъли, олмос, марварид, қаҳрабо, мигнатис, темир бандлари) ўзбек тилига таржима қилиниб, «Бируний» тўпламида берилди.

Тошкентлик геолог проф. А. И. Исломов ўзининг Урта Осиёдаги геологик билимлар тарихига бағищланган асарида «Минералогия» китобини таҳлил қилган. Проф. Г. Г. Лемлейн билан академик О. Акрамхўжаев ҳам «Минералогия» китобини муфассал таҳлил қилиб, мақола ёздилар.

«Минералогия» китобида фойдали қазилмалар конларининг географик тарқалиши баён этилган, қайси тошнинг қайси тоғ, дарё водийси ёки қишлоқдан қазиб чиқарилиши аниқ айтилган, чет элларга қимматбаҳо тошлар чиқарадиган шаҳарлар кўрсатилган, жойларнинг номлари минераллар билан боғлиқлиги изоҳланган, минералларнинг, чунончи, қимматбаҳо тошларнинг баҳоси, марварид йиғувчиларнинг кунлик иш ҳақи каби маълумотлар берилган. Фан учун шуниси муҳимки, Беруний тарихда биринчи бўлиб қимматбаҳо тошларнинг солиши турма оғирлигини аниқлашга киришган. Бунинг учун олтинни андаза («күтб») қилиб олган. Муаллиф бу асарда ўзи тўплаган материалларни ҳамда заргарлар, кончилар, темирчилар ва кимёгарлар билан суҳбатда эшитган маълумотларни бериш билан бирга, қадимги олимларнинг қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги китобларидан ҳам фойдаланган.

Уша даврда Басра (Ироқ), Кашмир, Бадахшон, ва Хурсон чет элга силлиқланган қимматбаҳо тошлар сотадиган марказ бўлиб ҳисобланган. У Бадахшон ҳақида бундай деган: «Бадахшоннинг ўзида тошлар қазиб чиқарилмайди. Бадахшонга бошқа ерлардан келтирилади ва шу ерда тарошланади, силлиқланади. Бадахшон бу тошлар учун дарвозадирки, шу ердан бошқа мамлакатларга тарқалади. Шу сабабдан «Бадахшон тоши» бўлиб кетган. Конларнинг ўзи Варзпанж номли қишлоқ еридадир. Бу

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. «Қонуни Масъудий». Таржимон А. Расулов, маҳсус мұҳаррир А. Аҳмедов. Танланган асарлар, т. V, биринчи китоб, «Фан», Тошкент, 1973. Қисқача — «Қонуни Масъудий».

<sup>2</sup> Ал Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей. («Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир»). Перевод А. М. Беленицкого. изд-во АН СССР, Л., 1963. Қисқача — «Минералогия».

Бадаҳшондан Ваҳон чегараси томонида уч кунлик йўлдир, шоҳаншоҳ ерларидир. Бу ерларнинг пойтахти Шикамиш (Ишкомиш) ушбу конларга яқиндир». Демак, тошларнинг номи уларнинг қазиб чиқарилган жойи билангина боғлиқ бўлмай, балки тошларни силлиқлаб сотадиган жойнинг номидан ҳам келиб чиқиши мумкин экан.

«Минералогия» китобида мана бу сатрларни ҳам ўқиш мумкин: «Ал ҳабаши деган тош мутлақо Ҳабашистондан олинмайди, балки ҳабашларнинг оппоқ ялтироқ тишига ўхшатиб берилган номидир... Рум, Рус, ва славянларнинг қиличлари Шобуркон темиридан ишланади».

«Қалайи деб аталадиган қилич Қала мамлакатидан (Малакка яримороли) келтирилади, шунинг учун бу металл қалайи деб юритилади».

«Е қут — жавҳарлар орасида биринчиси, нафисроғи ва энг қимматлисизdir. Ёқутлар оқ, кўк, сариқ ва қизил бўлади. Қизил ранглисиздан бошқалари нафис ва қимматли эмас.

...Қизил ёқутнинг ранги (ўзи бир неча тур). Энг тозаси румоний (анор дона ранглиси), сўнгра баҳарамоний (зъфарон ранглиси), аргувоний (аргувон гули ранглиси), энг сўнг қизил гул ранглисизdir.

Олмос. Олмоснинг исми ҳинд тилида хиро, рум тилида азмис ва адмантундири. Ёкуб Қиндий: адмантуннинг маъноси — синмайдиган нарса, дейди. Олмос сурёнийчада олмиёс ва кифод олмас бўлиб, гўё маъноси олмос тошидир. Унинг хосияти шуким, ҳеч нарса уни кеса олмайди, синдиrolмайди, аксинча, у ҳар нарсанни синдиради...

Марварид. Сув ҳайвонининг жинси бўлиб, ўсиши билан (бошқа) тошлардан фарқ қиласи (уни денгизга шўнгиф, денгиз тагидан топадилар)».

«Минералогия» китобида Хуттал вилоятида (Жанубий Тожикистон) Махатан тоғи этагидан турли рангдаги тоштuz қазиб олиниши ёзилган. «Хутталнинг олтини сариқ рангда, уни тоғдан ва Жайхундан лой ва қум орасидан оладилар. Айниқса баҳор селларни вақтида қишлоқ аҳолиси олтинни кавлаб оладилар».

«Сайдана» («Китоб ас-сайдана фит-тибб»— «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб»). Бу европа тилларида «Фармакогнозия» деб аталган. Бу — Берунийнинг 1047—1048 йилларда араб тилида ёзган энг охирги йирик асаридир. Асарнинг арабча оригинални фақат бир нусхада бўлиб, ўша нусхаси 1927 йилда Туркия китобхоналарнинг биридан топилди. Фарғоналик табиб Абубакир ибн Али ал-Қосоний мазкур асарни 1211 йилда Ҳиндистонда форс тилига таржима қилган, 1279—1280 йилларда эса ал-Ғаданфар ундан нусха кўчирган. Бу нусха Лондондаги Британия музейи кутубхонасида сақланмоқда. Шундан бери бу асар бошқа тилларга тўла равишда таржима қилинмаган. Унинг фақат муқаддима қисми немис ва турк тилларига таржима қилинган. Мар-

хум шарқшунос С. Мирзаев бу тўғрида мақола ёзган эди («Би-руний» тўплами).

Ўзбек шарқшуноси, химик ва филолог Убайдулло Каримов бу асарни мукаммал равишда рус тилига таржима қилди, ана шу таржима олимнинг таҳлили, изоҳлари ва кўрсаткичлари билан нашр этилди.<sup>1</sup>

«Сайдана» китоби алфавит тартибида ёзилган бўлиб, унда ер юзидағи 1116 хил доривор ўсимликлар, дорилар, мевалар, ҳайвонлар ва уларнинг таъсири тўғрисида қимматли маълумотлар берилган, уларнинг турли тилларда қандай аталиши кўрсатилган. Маълумки, Беруний ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти билан жуда қизиққан, саёҳатлари вақтида учратган ўсимлик ва ҳайвонларнинг баъзиларини уйига олиб келиб текширган.

«Ёшлигимда бир туркман қарияни кўрганман, исми Субай Хирма; у Хоразмга турли гиёҳ дорилар келтирас эди. У айтар эди, китобларда таърифланган дориларни ўзи гиёҳлардан тайёрлар экан. Мен ўзим шоҳид: у келтирган мўмиё дардга даво берарди» деб ёзган Беруний («Сайдана»).

«Сайдана»да 400 дан ортиқ қишлоқ, тог, дарё, шаҳар ва орол номлари тилга олинган. Демак, бу асар ўсимликлар ва ҳайвонот географиясидан қимматли маълумотлар манбандир. Беруний «Сайдана»да ар-Розий асарларидан талай нақллар келтирган. Ар-Розий (865—925)—фанинг турли соҳаларида ижод қилган қомусчи олим. У хусусан химия ва медицинага доир катта асарлар ёзган. Беруний унинг барча асарларини мутолаа қилиб, рўйхати (фиҳраст)ни ҳам тузган. Асардаги ана шундай маълумотлардан мисоллар келтирамиз:

«Воқвоқ оролларининг аҳолиси қоратанликлар, қулоқлари ни тешиб юрадилар (зирак тақадилар)».

«Сурманинг энг яхшиси Исфаҳонникидир, қора қўнғир тусда: (уни сурган қизларнинг) кўзлари ялтираб, шаҳло бўлиб кетади».

«Анжири одам ўсимлигини Қобул тоғларидан келтирадилар, хотинлар еса тўлишади».

«Анжура (қичитқи тикон) ўсимлигини Журжонда кўрдим, йўл ёқаларида, сой бўйларида ўсади. Агар у одам баданига тегса ачиштиради. Ундан овқат тайёрлайдилар деб Журжонда эшитдим».

«Банан—...унинг ватани Уммон... Одам бўйи ўсади».

«Мускус (мушк)— ҳиндча кастури, туркманча йипор, хоразмча оқтибанжол. Туркий мушк, тибат мушки, непал мушки, кашмир мушки, татар мушки, қирғиз мушки, ҳинд мушки».

<sup>1</sup> Абу Райхан Беруни. «Фармакогнозия в медицине» (Китаб ас-садана фит-тибб). Исследование, перевод, примечания и указатели У. И. Каримова, Избранные произведения, т. IV, «Фан», Тошкент, 1973. Қисқача—«Ас-Сайдана».

«Сокотра ороли зинжлар мамлакати ва араблар ерига яқин жойлашган. Унинг аҳолиси христианлар, аждодлари юнонлар бўлган, Искандар ўрнаштирган эди. Сокотра Ших (шаҳридан) бир кунлик (йўл). Сокотра ороли (майдони) қирқ фарсах-у қирқ фарсах».

«Денгиз тошбақасининг пўстидан аёллар билагузук қилиб тақиб юрадилар».

Асарда чой тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Шуниси қизиқки, Беруний асаридан кейин то XVII асргача бирон бир шарқий китобда чой ҳақида ёзилмаган. XVII—XVIII асрлардаги манбаларда эса Берунийнинг чой ҳақидаги маълумотлари тақрорланган (У. Каримов, «Сайдана»га изоҳлар).

«Ёввойи карам Исфижоб (Сайрам), Шош, Фарғона ва Усрушонада (Ўратепа) ўсади».

Хурмо ўсимлиги тўғрисида «Фаластинда, Мисрда, Сижистонда, Ҳижозда, энг кўпি Ироқда, Басра районида қалин ва 30 навдан ортиқроқ» деган. Ҳозирги кунда ҳам шундай. Демак, минг йил мобайнинда хурмо географияси деярли ўзгармапти.

Абу Райхон Беруний тугилганига 1000 йил тўлиши муносабати билан (ҳижрий ҳисобида бу 1943 йилга тўғри келди) Ҳиндистонда катта юбилейга тайёргарлик кўрилиб, «Берунийнинг 1000 йиллиги» деб аталган бу маросим шарафиға шарқшуносларниң халқаро конференцияси, Берунийга тегишли буюмлар кўргазмаси, оммабоп лекциялар ва кечалар, бир қанча нашрлар мўлжаллаб қўйилган эди. Аммо бу режа амалга ошмади. Иккинчи жаҳон уруши чўзилиб кетди, сўнгра Ҳиндистон иккига бўлindi, Қалькуттада аҳвол оғирлашди. Шу сабабдан доклад учун тайёрланган баъзи мақолалар тўплам тарзидағина нашр этилди. Бу тўпламда жаҳон шарқшуносларининг 20 тача мақоласи, жумладан, «Ислом олимларининг геодезияга доир текширишлари» (С. Х. Бороний), «Беруний ва санскрит» («Суннити Кумар), «Беруний алхимия тўғрисида» (Фуллиорат), «Конуни Масъудий»даги тригонометрия ҳақида» (М. А. Козим), олимнинг майда асарлари ҳақидаги мақола (Мухаммад Абдураҳмон), «Географик узунликларни ўлчаш тўғрисида» (И. Крамерс), «Султон Фотиҳдаги қўллэзма» (Ф. Кренков) ва бошқалар бор.

1950 йилда Совет Иттифоқида Беруний вафотининг 900 йиллиги нишонланди, 1951 йилда эса Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Сурия ва бошқа мамлакатларда, санаи қамария ҳисобида, Беруний туғилган куннинг 1000 йиллиги нишонланди.

Гамбурглик немис профессори Ф. Кренков умр бўйи Беруний ижодини ўрганди, хусусан «Минералогия» китобини Ҳайдарободда нашр эттириш унинг катта хизмати бўлди. Ёш ўзбек олими, механик ва философ Омонулла Файзуллаев берунийшунослик соҳасида янги бир қадам қўйиб, Беруний ва Ибн Сино

ўртасидаги савол-жавоблар асосида ажойиб хулосалар чиқарди ва асарлар ёзди.

Ҳиндистонлик берунийшунос доктор Мұҳаммад Низомуддин Москвада бўлиб ўтган XXV ҳалқаро шарқшунослар конгрессида «Беруний ва унинг илмий кашфиётлари» мавзуида салмоқли нутқ сўзлаб, совет олимларининг (В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, С. П. Толстов ва бошқалар) хизматларига ҳамда Иттифоқимизда ўтказилган Беруний юбилейига юксак баҳо берди. Низомуддин Ҳайдаробод университетида Беруний ижодини ўрганиш ва асарларини нашр эттириш ишларига раҳбарлик қилган. Уша вақтда Ўзбекистонда ҳам Абу Райхон Беруний ижодини ўрганиш комиссияси тузилиб, атоқли археолог, профессор марҳум Яхё Гуломов бу шарафли тадбирларнинг мутасаддиси бўлган эди.

Абу Райхон Беруний тугилган куннинг 1000 йиллиги 1973 йили жаҳон миқёсида тантанали равишда нишонланди, Иттифоқимизнинг Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарларида, шунингдек Техрон, Кобул, Деҳли ва Истанбулда шу муносабат билан илмий конференциялар ўтказилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлими «Куръер» журналининг бутун бир сонини Берунийга бағишилади. Унда совет олими академик Бобоҷон Ғафуров, Франция шарқшуноси Жак Буало, афғон филологи М. Салим Ачакзой, техронлик фан тарихи ва фалсафа профессори Сайд Ҳусайн Наср ва филолог Забиҳулло Сафо, покистонлик медик Ҳаким Мұҳаммад Саиднинг ажойиб мақолалари босилди ҳамда Совет Иттифоқида, Эрон, Афғонистон, Покистон, Сурья ва Туркияда чиқарилган юбилей марказларининг сурати берилди.

Биз юқорида Абу Райхон Берунийнинг географияга ва геологияга оид асарлари билан таништириб ўтдик. Буюк олим фанининг ҳамма соҳаларида самарали ижод қилган. Унинг геология фани соҳасидаги кашфиётлари дикқатга сазовордор: у Ерни ўрганиш масаласига илмий ёндоштан, Ер юзасининг ҳар бир қисми ўзининг узоқ тараққиёт тарихига эгалигини ёзган. Унинг Амударё водийсининг геологик ўтмиши ва Орол денгизининг пайдо бўлиши тўғрисидаги хулосалари ўша замоннинг энг муваффақиятли геологик таҳлиллардан бири ҳисобланади. Беруний тоғларнинг пайдо бўлиши ва йўқ бўлиб кетиши табиий омиллар асосида юз беришини талқин этувчи назарияни олға сурган.

Биз Абу Райхон Берунийнинг илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларга китобхонлар дикқатини жалб қилмоқчимиз.

## ЕРНИНГ ГЕОЛОГИК ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА

Берунийнинг геология фанига қўшган ҳиссаси «Минералогия» китобидаги маълумотлар билангина чекланмайди. Унинг

«Геодезия» ва «Ҳиндистон» асарларида ҳам геология ва минералогияга оид қимматли маълумотлар бор.

Биз материкларнинг горизонтал йўналишда силжиши тўғрисида Беруний айтган фикрлар билан немис олимни Альфред Вегенер айтган фикрларни таққослаб кўрмоқчимиз.

Альфред Вегенер (1880—1930) ҳозирги замон география ва геология фанлари тарихида жаҳоннинг энг мұтабар олимларидан бири эди. У айни вақтда геофизик, метеоролог, геолог, назарнётчи, кашфиётчи ва сайдё бўлган; 1912 йилда «Континентларнинг пайдо бўлиши» сарлавҳали мақоласида материкларнинг горизонтал силжиши тўғрисидаги фаразини олға сурган. Унинг фикрича, Ер юзаси аввало яхлит бўлган, кейин қалқиши кучлари таъсирида—шарқдан ғарбга, марказга интилиш кучлари таъсирида эса қутблардан экваторга силжиган. Оқибат-натижада қуруқлик парчаланиб, бўлак-бўлак бўлиб кетган, ораларида дengиз хосил бўлган. Ана шу бўлаклар (Америка, Австралия, Антарктида) ҳамон силжимоқда. Материкларнинг бу тарзда горизонтал йўналишда силжиб туриш фаразияси геология фанида мобилизм дейилади.

Абу Райхон Беруний «Геодезия» ва «Ҳиндистон» китобларида бу тўғрида мана бу фикрларни айтган:

1) Ер шар шаклида. Унинг сиртидаги сувлар (океанлар сатҳи) дўмбоқ ҳолатдадир;

2) ер юзининг турли қисмларида қуруқлик силжиб, «ҳаракатланиб» туради. Қадим замонлардаёқ гоҳо қуруқлик дengиз ўрнига кўчган, гоҳо қуруқликни сув босган. Бу жараёнлар жуда қадим замонларда содир бўлган. Араб чўли, Миср, Ироқ пастликлари, Хоразм чўли (Қорақум) ўринда илгари сув ҳавзазалири бўлган, улардан энди дengиз чиғаноқлари топилиб туради.

Эроннинг ўрта қисмида илгарилари пальма ва сарв дарахтлари ўсиб турган, ҳозир уларнинг ўзлари йўқ-у, фақат илдизлари бор. Бунинг сабаби— ер кўтарилиган, дарё ва ариқлар қуриб қолган, дарахтлар ҳам қуриб кетган;

3) тоглар ўзгариб туради: гоҳ емирилиб пасаяди, гоҳ яна кўтарилиб чиқади. Булар жуда узоқ йиллар мобайнида содир бўлади — муддати аниқланмаган;

4) «Балки сен Ҳинд ерини кузатиб, қазиб борилгунча чукурликда учратиладиган силлиқ тошларни ўз кўзинг билан кўриб, ўйлаб қарасанг: тоғ этакларида ва шарқирама дарёлар ёнида тошлар каттароқ, тоглардан узоқдаги (жойларда) ва дарёлар сусайиши билан тошлар кичикроқ; дарёлар секин оқадиган ва (уларнинг) кўллар—тўқайлар ҳамда дengизга қуйилиш жойига келганда қумлар учрайдики, Ҳинд ери қадимги бир дengиз бўлган-у селлар оқизиб келтирган ётқизиқлар билан тўлган деб тасаввур этсан».

Ажойиб фикр! Лекин буни, яъни Ҳинд-Ганг пасттекислигининг ўтмишини, унинг қадим замонларда баланд тоғ олдидағи чўккан букилма, сўнgra Ҳинд океанининг бўғози бўлганлигини,

тоғлардан тушган тош қумга айланганини, сўнгра ҳозирги ма-  
йин тупроқ ҳолатига келганлигини геологлар ўтган аср охири-  
дагина аниқлаган. Тошлар төф яқинида йирик бўлиб, ундағы  
узоқлашган сари майдалашиши тўғрисидаги фикр ҳам ҳозирги  
геология фанида чўқиндилар ҳосил бўлиш назариясига мос  
келади;

5) ер юзининг турли қисмларида қуруқлик бир жойдан бош-  
ка жойга силжиганида қуруқликнинг оғирлиги ҳам (бошқа  
жойга) кўчади, чеккаларда оғирлик турлича бўлиб қолади.  
Ернинг мувозанати бузилади, шунга яраша Ернинг маркази  
ҳам сурилади. Шу боисдан шаҳарларнинг ҳатто географик  
ўринлари, кенгликлари ҳам ўзгаради;

6) «Хуллас, Ернинг ҳолати ва унинг сиртида айрим қисм-  
ларнинг кўчиб юриши хусусида — унинг сабаби Ер ички қисм-  
ларининг силжишидир, деган эдик. Яна, Ернинг умумий ҳара-  
кати... ундаги турли (районларнинг) умумий марказдан масо-  
фаси ўзгаришига олиб келади, натижада ўша (районларнинг)  
табиати ва иқлими ўзгаради. Бу ўзгаришлар узоқ муддатда  
садир бўлганидан учча сезилмайди, ...аммо (бундай ўзгариш-  
лар) ҳамма тўрт томонга йўналган бўлиши мумкин. Бу сил-  
жишлар оғирликларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши са-  
бабдан ва бирданига зўр ҳаракат натижасида бўлиши ҳам  
мумкин».

Берунийнинг бу фикрларидан — Ернинг ядроси бор, Ер юза-  
сининг рельефига, табиат ва иқлиминг ўзгаришига қуруқлик-  
ларнинг кўчиб юриши сабабчидир, деган илмий асосланған  
хулоса чиқарса бўлади;

7) «Эҳтимол, шарсизмон Ернинг қисмларга бўлиниб, асосий  
қуруқликдан ажралишининг сабаби улар орасида чуқур ботиқ-  
лар пайдо бўлганилиги, бу ботиқларга океан сувлари кириб қол-  
ганлигидир. Қуруқлик юзасининг баланд төф тепаларигина сув-  
дан холи бўлган. Ерни ҳамма тарафдан сув ўраб турипти, төф  
ҳосил бўлган қисмларигина сувдан кўтарилиб туради».

Беруний айтган «Қуруқликнинг асосий қисми» ҳозирги замон  
геологлари, жумладан, Вегенер фараз қилган Пангея; айрим  
қисмлари ҳозир материклар ва қитъалар дейилади, ундан аж-  
ралиши — Америка, Австралия, Антарктиданинг ажралишига  
ўхшайди. «Ботиқлар пайдо бўлиши»— ҳозирги блоклар, пли-  
талар тектоникаси назариясини, «Ботиқларга океан сувлари  
кириб қолгани»— Тетис океани, Атлантика океани, Кызил  
денгиз ва Ўрта денгизнинг ҳосил бўлиши тариҳини эслатади.

Ана шу фикрларга асосланиб, Абу Райҳон Беруний Ернинг  
геологик ўтмишини анча тўғри тасаввур этган, деб дадил айта  
оламиз. Қитъаларнинг горизонтал ва вертикал йўналишда сил-  
жиши тўғрисидаги тахмин мобилизмнинг ўзгинасидир; бу тах-  
минлар Вегенердан 890 йил муқаддам ёзилган экан.

## ЕР ЎЗИНИНГ ҚИЕФАСИ

Агар Беруний маълумотларига асосланиб Ернинг юзасини тасаввур қиласидиган бўлсак, кўз олдимизда жуда қизиқарли ва ёрқин маңзара намоён бўлади. Шу мақсадда Беруний китобларидан айрим парчалар келтирамиз<sup>1</sup>.

Қўйнда баён этиладиган материал европалик олимлар таъбирида «Берунийнинг денгизлар назарияси» сарлавҳаси билан машҳурдир.

**Атлантика ва Шимолий муз океанинг қирғоқлари.** «Одамзод яшайдиган ернинг ғарбида бир денгиз борким, Муҳит дейилур, юоннлар уни Ўқиёнус дейдилар» (AT). «Унинг қирғоғи жанубда энг узоқ чегарадан бошланиб, Судон мамлакатига рўбарў бўлган жойда Узғист, Чекка Сус, Танжа, кейин Андалус, ал-Жалолиқо, Сақлаб (Славян) чегараларини кесиб ўтади» (KM). «Денгизнинг ичкари (орқа) томонларига борилмайди, фақат қирғоқ ёқалабгина юрилади. Мазкур денгиз ушбу мамлакатлардан шимол томонларга чўзилиб, Сақлаб ерларига ёнма-ён боради. Шимолроқда сақлаблар олдида, ушбу денгиздан катта бир қўлтиқ айрилиб, Булғор ерларига яқинлашиб келади. Улар бу қўлтиқни Варанг денгизи (Балтика денгизи) деб биладилар, чунки варанглар шу денгиз бўйларида яшайдиган халқидир.

Сўнгра денгиз бу ерлардан ўтиб шарқ томонга қайрилади. Бу денгиз (Шимолий Муз океани) қирғоқлари билан туркий ерларнинг энг (шимолий) чеккалари ўртасида одам ўта олмайдиган, дашти биёбон, номаълум ер ва тоғлар мавжуддир» (AT).

«У ердан яна қаттиқ совуқ сабабли кишилар яшамаган ерлар ва қадами етмаган тоғлар орқасидан чўзилиб, (денгиз) кунчикинига қараб кўринмай кетади. Уша томонда ободлик туғайди» (KM).

«Муҳит денгизи (Атлантика океани)нинг Танжадан жанубга томон ёйниши қўйидагича: ушбу денгиз Мағриб қора дашт ерларини жануб томондан, Ой тоғларининг орқасидан айланиб ўтган; у ёқда саёҳат қилиш хатарлидир, кемалар ғарқ бўлади. Ой тоғларидан эса Миср дарёси ва Нилнинг булоқлари отилиб туради» (AT).

**Тинч океан ва Ҳинд океани.** «Шарқий денгизнинг узоқлиги ва уни ўрганган бирорта кишидан маълумот олинмагани сабабли у денгиз тўғрисида Фарбий океан ҳақида билганимиздай маълумотга эга эмасмиз. Лекин у, умуман, океангага ўхшаш жа-

<sup>1</sup> Бизнинг изоҳларимиз қавс ичидаги берилди. Парчаларнинг сарлавҳаларини биз қўйдик. «Ат-Тафхим» китобидан олинган ибораларни «АТ» харслари билан, «Конуни Масъудий»дан олинганини—«KM», «Геодезия»дан олинганини—«Г», «Ҳиндистон»дан олинганини—«Ҳ», «Минералогия»ни—«M» ва «Осори боқия»ни «O» билан кўрсатдик (Автор).

нубдан шимолга чўзилиб боради. Бинобарин, уни юқорида зикр қилганимиз совуқ тоғлар орқасида чўзилган (соҳилга) бирлашган деб айтилади» (ҚМ).

«Чин ерларининг энг чеккаларини шарқ томонидан ўраб турувчи денгиз (Гинч океан)дан ҳам ўтиб бўлмайди. У денгиздан бир қўлтиқ ажралганки, каттагина денгиз ҳосил бўлибдир. Унинг номи ҳар ерда ҳар хил; масалан, аввало бу Чин денгизи (деб юритилган). Сўнг (жанубда) Ҳинд дейилади» (АТ). «Улуф денгиз (ҳам дейилади). У Шарқий муҳит денгизи билан бирлашган бўлиб, рўпарасида бўлган қирғоқдаги мамлакатлар номи билан ёки у ерда мавжуд ороллар номи билан аталган. Хитой еридан Ҳиндистон ва Зинж томонга оқади. Шимолий қирғоги қуруқлик ва одам яшайдиган ерdir. Жануб томони маълум эмас, ундан ўтган кишиларнинг бирортаси у ер ҳақида маълумот ололмаган ва оролларида яшайдиган кишилар ҳам у ҳақда ҳеч қандай ҳабар бермаганлар» (Қ. М). «Ундан катта қўлтиқлар ажралган ва ҳар бири дёнгиз деб аталади, чунончи, Форс ва Басра денгизи (Форс қўлтиғи), унинг шарқий қирғогида Тиз ва Макрон (бор), булар рўпарасида гарбий қирғогида эса Уммон бандари бор. (Денгиз) ундан нари ёйилиб, хушбўй мушк келтириладиган Шихра (Жанубий Арабистон) мамлакатигача ва Аданга боради» (АТ). «Гарбидан Ҳабашистон, Барбара бурни жойлашган. Булар катта бўлгани учун, ҳар қайсиси алоҳида денгиз деб юритилади. Улуф денгизнинг гарб томонидан юрувчиларнинг кўпроқ бориб етган жойи Зинжнинг Мисрга рўпара бўлган қуий қисми бўлиб, ундан нарига ўтмайдилар» (ҚМ).

«Қуруқлик денгизга киргани сингари, денгиз ҳам қуруқликка кирган ва бирмунча жойларда уни ёриб, қўлтиқ ва қўлтиқчаларга айлантирган. Масалан, денгиз Араб мамлакатининг гарб томонидан тил шаклида Шомнинг ўртасигача ёйилиб (ёриб) кириб, Қулзум деб машҳур бўлган жойда ингичкалашган. Яна шу денгизнинг ундан кўра каттароқ бир қисми Араб мамлакатини шарқ томондан ёриб кириб, у Форс денгизи деб аталган» (Х).

«Бу ерда денгиздан иккита катта қўлтиқ ажралади. Бири— Қулзум (Қизил денгиз) номи билан машҳур, қайрилиб ўтиб, араблар ерини ўраб турди, шунга кўра, бу денгиз туфайли у (Арабистон) оролга ўхшаб қолган. Денгизнинг Яманга рўпара томонида Ҳабаш турганлигидан, денгизни шу икки мамлакат номи билан (ҳам) атайдилар: Ҳабаш денгизи, шимолий қисми ни Яман денгизи дейдилар.

Ал-Қулзум дейилишига сабаб шуки, денгизнинг Шом (Сурия) ерига қайрилишида торайган жойи (Суэц бўйни) бор, шундаги шаҳар ал-Қулзумдир. Бунда (торайган жойда) сайёхлар (бўйинни) Бужа ери (Нубия) томондан қирғоқ бўйлаб ёқалаб ўтадилар. Унинг (Ҳинд океанининг) бошқа бир қўлтиғи Барбар денгизи номи билан машҳурдир. У Адандан тортиб Сўфала Зинж еригача (Мозамбик) ёйилган. Ундан нарида

(жанубда) кемалар ўта олмайди. Наинки, юқорида зикр этганимиз катта хавф-хатари бор» (АТ).

«Геодезия» китобидаги мана бу иборага эътибор беринг: «Жинжалар гарбida Баросун бурни олдига баҳр ал-Мухит (Атлантика океани) дан чиққан сув етиб келади». Демак, Беруний Африканинг энг жанубий чеккасини — Атлантика билан Ҳинд океани туташган чегарани тасаввур этган. Баросун ҳозирги Игольний ёки Яхи Умид бурни бўлиши керак.

«Денгизда (Ҳинд океанида), унинг шарқий қисмларида Зобаж (Ява) ороллари, яна ад-Дибажат (Мальдив) ва Қумайр (Коморо) ороллари, кейин Занжи ороллари (Занзибар) бор. (Бу орол ёнидаги денгиз) Занжилар денгизидир (Мозамбик қўлтиғи). У иссиқ томонда. Бу ороллардан энг улуғлари: Сарандиб номи билан машҳур бўлгани, ҳиндчаси Сингалдиб (Цейлон); у ерда турли зумрат тош қазиб олинади ва чиқарилади (бошқа мамлакатларга). (Яна бири) Қала (Малакка), ундан қалайи чиқарилади, Сарбуза (Суматра) дан камфара чиқарилади» (АТ).

«...Зобаж (Ява) оролларида олтин кўплигидан Олтин ери деб аталади, ундаги озгина тупроқ чайқалса ўрнида олтин ўтириб қолади» (Х). «Дибажат (Мальдив) ороллари... қумлардан пайдо бўлган тепаликларга ўҳшаб денгиз суви остидан чиқиб, кундан-кунга кўтарилиб, узоқ вақтгача ёйилиб туради, сўнгра бориб-бориб эскириб, бўлинib-бўлинib, ўзини тўхтатиб тура олмасдан, эриб кетадиган нарсалардай сувга тарқалиб йўқ бўлиб кетади. Ундай оролларда яшовчилар унинг йўқ бўлиб кетишини пайқаб қолсалар, ундан кўчиб, янгидан пайдо бўлаётган оролларга борадилар, ҳатто унга ҳинд ёнғоғи (кокос пальмаси) дарахтларини ўтқазиб, обод қиладилар» (Х).

«Худди шу каби қуруқлик гарб томондаги жанубий денгизга кириб боради, у ерда Гарб суданлари яшаганлар. Улар у ердан экваторни кесиб ўтиб, Мисрнинг Нил дарёси бошланадиган Ой тоғларигача етиб боргандар. У ерда тоғлар, паст-бaland даралар орасида денгиз ҳосил бўлган. У ерда сув доимо урилиб, орқага қайтиб туради. Сув тўқнашиб, кемаларни синдиради ва йўловчиларни ўтказмай қўяди. Шу билан бирга бу бўғозлар жанубдан Муҳит денгизига қўшилиб кетишини ман этолмайди. Кўрилмаган бўлса ҳам бир-бирига туташганлик аломатлари топилди. Шу сабабли обод ерларнинг қуруқлиги туташиб, ўраб олингани маълум бўлди» (ҚМ).

**Шимолий вилоятлар.** «(Еттинчи иқлимининг) нариёғидаги (шимолидаги) вилоятларнинг аҳолиси кам нуфусидир ва улар қолоқ ҳолда яшайдилар. Озми-кўпми аҳоли яшайдиган (йигиладиган) энг олис жой Юра шаҳридир. Булғордан унгача бўлган масофа ўттиз икки кундир. У ерга борадиган одамлар ёроҷ ченаларга озиқ-овқат ортиб муз-қор далаларидан тортиб борадилар. Ченаларни ё ўзлари тортади ё уларнинг итлари судрайди. Сўнгакдан ҳам (чанғилар) қиладилар, буларни оёқла-

рига боғлаб, тез юрадилар. Юра халқининг олди-сотиси шундай: улар савдо молларини бир чеккага қўйиб, ўзлари узоқда туришади, (бошқа одамлардан) шунчалик ҳайиқадилар...

Океан (Атлантика)дан шимолга сақлаблар томонига қайриладиган денгиз бўйида ҳам одамлар бор. Бу Варанг денгизи номи билан маълумдир, чунки унинг соҳилларида шу (варанг номли) халқ яшайди. Бу мамлакат қор ва муз билан қопланган вилоятларга ёндошdir. Бу ердагилар орасида ёзда шу денгизга овга чиқадиганлари бор. Овчилар, Шимолий қутбга томон жуда узоқ (сузиб) борадиларки, у ерда Қуёш (ёзи билан бот май) ер устида айланади ва ҳар доим кўриниб туради. Ва овчилар тун бўлмайдиган жойларга етдик деб ўзаро мақтанишади... Еттинчи иқлим шимолида одамни совуқ ҳалок этади. У ерда совуқ қаттиқ ва узоқ вақт давом этиши, ерда қор қатламларининг мутлақо кўтарилимаслиги ёки озгина вақтгина кўтарилиши тирик мавжудот учун зарур бўлган ўсимликлар ўсишига тўсқинлик қиласи, фақат бирор (табиий) енгиллик туғилсан гина ўсимлик ўсиши мумкин. Шимолдаги жойлар совуқ ва қор сабабли ободонликдан узилган» (Г).

Бу ерда қутбий доирадан шимолда содир бўладиган ёруғ тунлар тўғрисида сўз бормоқда. «Қор қатламларининг мутлақо кўтарилимаслиги ёки озгина вақтгина кўтарилиши»— тундра зонаси ҳамда мангу музлаган тупроқлар демакдир. Бу зонада ўсимликларнинг сийраклиги ва ёз пайтидагина бир оз кўпайиши ҳам тўғри.

«Шимолий мамлакатларнинг кишилари (жанубга келиб қолганда) ҳайрон бўладилар, хурмо, зайдун ва бошқа дарахтлар қиши вақтида кўм-кўк ва гуллаб тураверади. Ахир бундай шароитни ўз ерларида кўрмайдилар» (Г).

«Қуёш шимолий яримшарда бўлган муддатда ҳар куни уфққа параллел бўлиб ҳаракат қилгандай айланади. Шимолий кутбда Қуёш доимо уфқ устида кўриниади. Бу муддат (шимол учун) кундуз бўлади. Жанубий кутбда (ўша пайтда) уфқда Қуёш кўринмайди. У ерда кечаси бўлади».

**Қўллар ва денгизлар.** «Бу қуруқликнинг (рубъи маскунинг) ўртасида турли миқдордаги қўллар бор. Улардан баъзилари ҳажмининг катталиги жиҳатдан денгиз номи билан юритилса бўлади» (КМ). «Масалан, сақлаб ва руслар ерида бир денгиз борким, у юнонларга Бўнтус (Понтос) номи билан маълум, биз эса Трабзун деймиз, чунки унинг қирғоғида (шу номли бандар бор) (АТ) ...«Бўнтуси Армани денгизи (шунинг ўзи). Унинг атрофида арманлар, турклар, руслар, сақлабларнинг баъзи қабилалари яшайди. (Ундан) Қўстантиния номи билан машҳур бўлган бир қўлтиқ (Босфор бўғози) ажralиб чиқиб (Истанбул) давлатлари тагидан ўтади. Бу (қўлтиқ) тобора торайиб, Шом денгизига (Ўрта денгиз шарқига) қуйилади. Мазкур (Ўрта денгиз)нинг жанубий қирғоғида Мағрибдан то Искандария ва Мисргача (бўлган ерлар жойлашган), булар-

нинг қаршисида эса, шимолда — Андалусия ва Рум то Аント-  
қия жойлашган, улар орасида (шарқ томонда) Шом (Сурия)  
ва Фаластин мамлакатлариридир».

«Денгиз (Үрта денгиз) Андалусия бўғози ёнида Мұхит ден-  
гизига қўшилади. (Андалусия) бўғози китобларда Геркулес  
йўлаги деб битилган, ҳозирда аз-Зуқоқ деб юритилади. Бун-  
дан Мұхит денгизига сув оқади» (Үрта денгиздаги маълум  
ораллар: Кипр, Самос, Родос, Сицилия ва шу кабилар)  
(AT).

«Кейин Журжон (Каспий) денгизи, бу ҳақиқатда Хазар  
денгизидир. Уларнинг вайрон бўлган мамлакатлари Шимолий  
Этил дарёсининг қуядиган жойига яқиндир. У ерда шимол то-  
монда Ғузия ерига ёпишган. Шарқий томонда Журжон ерида  
Обаскун деган бандар (ҚМ) шаҳри борки, денгиз ҳам (Обас-  
кун) номи билан маълумдир. Сўнгра денгиз Табаристонга, Дай-  
лам ерига, Ширвон, Боб ал-Абвобга туташ» (AT). «Унинг ғар-  
бida у билан Бўнтус денгизи ўртасида алон ва сарир тоифала-  
ри, уларнинг мамлакатлари ва қалъалари жойлашган. У ўзи-  
дан бошқа денгизларга туташмасдан Хазар ерига қайтади»  
(ҚМ). «Кейин Этил (Волга) дарёсининг денгизга қуилиши  
ёнида Хазар вилояти томон ейилган, сўнг Ғузлар вилоятидан  
(Туркманистондан) ўтиб, яна Обаскунга қайтиб келади. Ден-  
гиз қирғоқларидағи вилоятлар номи билан юритилади, аммо  
бизда Хазар (номи) билан маълум, қадимий ҳалқларда Жур-  
жон номи билан маълумдир, наинки Птолемей уни Ирқония  
(Гиркания) денгизи деб атаган. Бу денгиз бошқа денгиз билан  
қўшилмайди.

...Ер юзининг турли жойларида тўпланиб қолган бошқа  
ҳамма сувлар — ботқоқлик ва чуқурчалардир. Баъзан уларни  
кўл деб атасади, масалан: Шом еридаги Афомин кўли, Таба-  
рия кўли, Зуғар кўли (Ўлик денгиз) ёки Хоразм кўли (Орол  
денгизи) ёки Барсхан ёнидаги Иссиқкўл» (AT).

**Нил канали.** «Қадим замонда Қизил денгиздан Нил этаги-  
га ариқ (канал) қазиша бир неча марта уннаб кўрдилар. Си-  
зистрат ва Доро подшолар даврида иш бошладилар. Улар узун  
масофани кавладилар, бу ҳозир ҳам бўлиб, унга Қулзум суви  
(тўлқин пайтида) кириб (тўлқин қайтганда), чиқиб кетади.  
Улар Қулзум сувининг кўтарилиш миқдорини ўлчаб кўриб,  
Қулзумнинг Нилга яқин бўлгани учун Миср дарёсини (Нилни)  
бузуб юбориши хавфидан қўрқиб, ўз мақсадларидан қайтди-  
лар, аммо тамом қилинмади, сабаби шуки, мабодо ариқ қази-  
либ бўлгандан кейин Нил сувлари Қизил денгиз сувига бурилиб  
кетмасин деган ваҳима тушди.

Птолемей III даврида ариқ қазиб бўлинди. Архимед мироб  
эди, бу вазифани бажарди. Нилга зарар етказмади. Кейинчалик  
византиялик ҳокимлардан бирининг (фармони билан) эронликтарнинг  
Миср ерига бостириб киришига тўсқинлик қилмоқ  
учун, ариқ қўмиб ташланган» (Г).

Абу Райҳон географиянинг энг муҳим бир соҳаси — об-ҳаво ва иқлим тӯғрисида ҳам сермазмун фикрлар айтган. У Ўрта Осиё табиатини кузатиши натижасида шундай хуносага келган‘ва қисман ўзидан олдин ўтган олимларнинг меросига асосланган.

**Метеорология ва климатология.** «Ер юзи ҳаво билан ўралган. Сув исигандга буғга айланаб, ҳавога кўтарилади, кейин булутга айланади, унда томчиларга айланаб ёғади. Қуруқлик ва сув биргаликда шар қиёфасида бўлиб, бунинг ҳар томонини ҳаво ўраб туради» (АТ).

Беруний атмосферанинг бепоён эканлигини тушуниб, уни қисмларга ҳам бўлган. Масалан, Ер билан Ой оралиғини тасвирлаб: «Бу оралиқнинг пастки қисмидаги ҳавода булутлар, буғлар ҳосил бўлиб, булардан ёмғир, қор ва дўл ёғади, шудринг ва қировлар пайдо бўлади. Булар ичида чақмоқ, момақалдироқ, Рустам камари (камалак), хирмон ва шу кабилар ҳосил бўлади» деган.

Бу анча содда, лекин жуда тўғри ва илмий таърифdir. Беруний айтган «остки қисм» метеорологлар тили билан айтганда, тропосфера қаватидир. Бу — ҳаво қатламининг энг ўзгарувчан қисмидир; кўпгина табиий ҳодисалар айни шу қатламда юз беради.

Берунийнинг ёғин-сочин турлари ҳақидаги фикри ҳам тўғри: чунки унинг табиатдаги ҳодисалар илоҳий куч сабабли содир бўлади, деб қатъий ишонилган даврда уларни табиий омилларга боғлаб изоҳлаши XI аср Ўрта Осиё фани учун муҳим илмий таҳлилларидир. Ҳозирги замон фани ҳам ёмғир, қор, дўл, шудринг ва қировнинг ҳаммасини ёғин-сочин деб ҳисоблайди, негаки уларнинг ҳаммаси ҳаводаги сув буғларидан ҳосил бўлади. Сув буғларининг, яъни булутлар ҳосил бўлишининг чегараси борлигини Беруний бундай ифодалаган: ердан кўтариладиган «буғларнинг чегараси бор, (буғлар) ўша баландликкача етадилар, аммо ундан (юқорига) ўтмайдилар»... «Айтадиларким, бу кун (румларнинг календирида сентябрь ойининг ўн олтинчи куни) эслан шамоллар асабийдир. Бу кунда булутларга қаралса, одамнинг танасини қурилади ва руҳини туширади. Мен ўйлайманки, бунинг сабаби совуқдан ҳайиқиши ва яхши ҳавонинг кетаётганидан ташвишланишдир... Яна айтадиларким, шу кунга ўтар кечаси денгиз сувлари чучук бўлиб қолади. Аммо бундай бўлиши мумкин эмас»... «Сувларнинг хоссалари фақат унинг ердаги ўрнига боғлиқ... Бу хоссалар сув учун доимийдир. Ўзгарса аста-секин ўзгаради, даврма-давр ўзгаради, унга бир қанча сабаблар бор. Шунга кўра, сувлар бир соат ичида чучук бўлиб қоладилар дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Ахир, сувлар чучук бўлиб қолса, улар бир неча вақт шу ҳолатда (чучук) туриши керак-ку. Турли вақтларда тажриба қилиб кўрилса, ундай даъвонинг ёлғонлиги кўринади» (О).

Берунийнинг «охирги совуқ» назарияси ҳам диққатга сазовор: «Одамлар шунга ҳайрон бўлиб ажабланмасинларки, (қиши)

охиридаги совуқ қаттиқ бўлади, кетиш олдида анча зўрайди. Бу ҳодиса иссиқликка ҳам хосдир...»

Беруний «денгиз остидаги шамол» ҳақида бундай деган: «Айтадиларким, денгиз остига шамол кириб қолади ва уни тўлқинлантиради. Бу ҳолатни алла қандай бир балиқдан биладилар. У балиқнинг денгиз юзасига сакраб чиқиши денгиз остида шамол юраётганидан дарак беради» (O).

Бизнингча, бу, денгиз остидаги сув оқими бўлса керак. Бундай оқимлар ҳақиқатан ҳам бор, айниқса бўғозларда сув юзасидаги оқим ва сув остидаги тескари оқим борлиги исботланган. Беруний иқлим ва об-ҳавога доир сўз ва ибораларни билиб, жуда ўринли ишлатганки, бу унинг мазкур фан тилини мукаммал билганлигидан далолат беради. Масалан, кундалик ҳавога баҳо берганида мана бундай сўзларни ишлатган: қиши ҳавоси, қиши шиддатли ҳавоси, турғун ҳаво, совуқ шимолий шамол, ўзгарувчан шамол, дайди шамол. Ҳозир фанда бу сўзлар ўрнига ўртача ҳаво, Арктика ҳавоси, антициклон (ва ҳоказо) тушунчалари бор. Демак, Беруний ўша замондаёқ ҳаволарнинг хусусиятларини тушуниб, уларни турларга бўлган.

«Экватордан қутблар томон узоқлашиш — иқлимий шароитни белгилайдиган асосий сабабдир». «Жанубий қутбга яқин ерларда совуқ (шимолдагига нисбатан) янада қаттиқроқдир» деган. Демак, Беруний Жанубий (Антарктида?) совуқроқ, деган хulosага келган.

Беруний илмий кузатишларининг ўзига хос томони шуки, у, кўпинча, қиёсий усуслни қўлланган, бошқача қилиб айтганда, бирон жойнинг табиатини гапира туриб, уни ўз ватани — Хоразмга таққослаган, бошқа олимларнинг фикрларини баён қила туриб, ўз кузатишлари итижаларини айтиб берган. Бир неча мисол келтирамиз.

Бу ҳодиса «...Ироқ билан Сурияning об-ҳавосигагина хос бўлса керак. Бошқа жойлар ундан фарқ қиласди... Хоразмда (ноябрдан) олдин ҳам ёмғир ёғади. Ибн Хурдодбех ўзининг «Масолик ва мамолик» китобида Ҳижоз ва Яманда июнь, июль, август, қисман сентябрда ҳам ёмғирлар бўлади деб ёзган. Мен ёз ойларида Журжонда (Каспий жанубида) эдим, сурункасига ўн кун мобайнида осмон очиқ бўлиб, булутлар тарқаб, ёғин тўхтаганини билмайман. Бу (жуда) серёмғир жой... Бу ерда сўналардан тиним йўқ эди. Табаристонга (Каспий жанубига) қанча яқин турилса, у жойда ҳаво шунчалик нам ва серёмғирдир»... «Хукмдорлардан бири Озарбайжонда қирқ кун турипти-ку, бир кун ҳам ёмғир тўхтамапти. Шунда ҳоким: «Мени бу шалтоқ-шалаббо мамлакатдан олиб кетинг, деб буюрган экан...» (O).

Берунийнинг иқлимин талқин этувчи назарияси жуда муҳим ва асосланган назариядир; биз бу назарияга алоҳида тўхтalamиз. Қуйидаги жумладан бу назариянинг бутун мазмунини тушунса бўлади.

Ҳавонинг ҳолати «...мазкур жойнинг табиатига боғлиқ, унинг тоғларда ёки денгиз бўйида турганлигига, шунингдек жойнинг баланд-пастлиги ва қайси кенгликда, шимолроқда ёки жануброқда ўрнашганига боғлиқ» (О). Демак, олим ҳар бир жойнинг иқлими унинг: 1) ер юзаси, тупроғи ва ўсимликларига, 2) тоғларга ва океанга яқинлигига, 3) океан сатҳидан неча метр баландда ёки пастда турганлигига, 4) қайси географик кенгликда (параллелда) ўрнашганлигига боғлиқ эканлигини тушунтирган. Иқлимини ҳозирги замон фани ҳам айни шундай изоҳлайди.

Бирон ерга ёгин тушиш-тушмаслиги тўғрисида аниқ тасаввур олмоқ учун шу жойдаги «тоғларнинг ҳолатини, шамоллар қандай эсишини ва булутлар ҳаракатини ўрганиш керак» (М). «Аниқки, ёғин (бизнинг мамлакатларда) қишида кўпроқ ёғади, ёзда камроқ, тоғлarda кўпроқ, текисликларда камроқ» (О).

Олим ёғиннинг оз-кўплигига сабаб қилиб қуйидагиларни кўрсатгани:

тоғларнинг ҳолати, баланд-пастлиги, кўндаланг ёки бўйлама жойлашганлиги;

«шамоллар қандай эсиши»— қайси томондан эсиши ва кучи; булутлар ҳаракати, уларнинг паст-баландлиги, қалин-сийраклиги, сернамлиги.

Беруний ишлатган «шамоллар» ва «булутлар» каби сўзлар ҳозирги фан тилида «циклон ҳаракати» деган маънога яқин. Шу билан бирга, Беруний, ўзига маълум бўлган шимолий яримшарда гарбий шамоллар кучлироқ эканлигини таъкидлаганида балки гарбий ҳаво оқимлари ҳукмронлигига шама қилғандир. Бундай ҳукмрон ҳаво оқимлари мавжудлиги ҳақиқат.

Берунийнинг фенологияяга сид фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг асарларида ҳайвонотнинг табиат билан алоқаси ҳақида мисоллар келтирилган. Масалан: «Бу кун калхатлар, кузғуналар ва лочинлар (тоғлардан) пастга тушади, чумолилар ўз уясига кириб кетади». «Яна айтадиларки, шу куни дараҳт қирқиласа, унда қуртлар бўлмайди ва унга катта чумолилар тўдаси ёпирилмайди». «Бу кунда қурбақалар вақиллай бошлайди». «Бу кунда ...илонлар кўзини очади. Мен Хоразмда ўз кўзим билан кўрдимки, илонлар ер остида тўпланишиб, бирбирининг теварагига чамбарак бўлади ва кўп жойлари ташқарига чиқиб туради, улар юмалоқ нарсага ўхшаб қолади. Улар вақти келгунча (март ўрталаригача) шу ҳолатда ётади» (О).

Халқда «Аямажуз олти кун, қаҳри келса қаттиқ кун» деган мақол бор. Бундаги «аямажуз» сўзининг луғовий маъноси: «айём ажуз». Одатда қишининг охирги ҳафтаси шундай деб аталади. Беруний ана шу даврни муфассал таърифлаган. Унинг айтишича, «кабиса йилида февралнинг охирги 4 куни билан мартнинг дастлабки 3 куни, бошқа йилларда эса февралнинг охирги 3 куни билан дастлабки 4 куни айёмажуз ҳисобланади» (О).

Беруний табиат «мўъжизалари» тўғрисидаги афсоналарга ишонмаган, уларнинг уйдирма гаплар эканлигини фош қилган.

«...Абу Бакр ар-Розий (Х аср боши): гўё турклар мамлакатида халлухлар билан бажанакларнинг (ерлари) ўртасида бир дара бор, ундан қўшин ёки қўй подаси ўтадиган бўлса, тошлар бир-бирига урилмасин деб, (одамларнинг оёқларини ва) ҳайвонларнинг туёқларини тивитга ўраб қўядилар ва уларни аста-секин юргизадилар. Бўлмаса, қора туман кутарилиб, қаттиқ жала қуяди. Турклар шу тошларни (булар яда тошларидир) авраб, хоҳлаган вақтда ёмғир ёғдирадилар: уларнинг эркакларидан бири сувга тушиб, ўша дарадан олинган тошни оғзига солади ва қўлларини силкитади, ана шу пайтда ёмғир ёға бошлайди» деб ёзди деган Беруний ва бундай мўъжизалардан кулиб, бир воқеани ҳикоя қилган. «Кунлардан бир кун бир турк менга шундай (ёмғир чақирадиган) тошлардан бир нечтасини келтирди, мени ҳайратда қолдирмоқчи бўлди ва бу тошни ҳеч савдолашмасдан (суриштирмасдан) олади деб ўйлади. Аммо мен унга «Ёмғир ёғмаётган вақтда ёки мен хоҳлаган соатда шу тош билан ёмғир чақириб кўрчи, шунда мен тошни сотиб оламан ва сенга муддаонг нима бўлса, ҳатто ундан ҳам ортиқроқ (пул) бераман» дедим; у одам, боя мен ҳикоя қилганимдек, ҳаракат қила бошлади: тошни сувга тиқди, олиб осмонга отди, алланималарни пичирлаб ғулдирап ва қичқирап эди. Лекин унинг бу ҳаракатидан бир томчи ҳам ёмғир тушмади... Шуниси ажабланарлики, бу тош тўғрисидаги ҳикоя (уйдирма)лар олимлар орасида ҳам тарқалган ва унга ҳатто ҳурматли зотлар ҳам ишонишиади.

Ўшандо менинг ёнимда турган кишилардан баъзилари ўша турки оқламоқчи бўлдилар. Улар: «Бу тошлар фақат турклар мамлакатида ёмғир ёғдиради» дер эдилар. Табаристон тоғларининг бирор чўққисида сассиқ саримсоқни эзиб янчган заҳоти ёмғир ёғиши ҳақидаги ҳикояни рўйач қиласар эдилар. Агар у ерларда ҳайвон ёки одамларнинг қони кўп тўклиса, ёмғир ёғар ва қонни ер сиртидан ҳамда ўликларнинг юзидан ювиб кетар эмиш, Мисрда эса ҳар қандай тадбир қилинса ҳам, барибир, ёмғир ёғмас эмиш. Мен уларга: «Бунда ҳамма гап тоғларнинг жойланиши, шамолнинг эсиши ва денгиз томонидан келаётган булутларнинг йўналишидадир» дедим (M).

«Ойни тутилтирувчи Ернинг сояси ва Қуёшли тутилтирувчи Ойдир... Ойнинг тутилишига сабаб унинг сояга кирмаклигидир. Қуёшнинг тутилиши Қуёшнинг Ой билан тўсилишидир. Марварид билан тезакни ажрата олмайдиганлар айтадики, агар тутилиш вақтида бирон табиий офат юз берса, келгуси тутилиш чўзилар эмиш; шамол турса, б ой кейин тутилади, ҳаво тўзон бўлса, 18 ой кейин тутилади, ер қимирласа, 24 ой кейин, дўл ёғса, 36 ой кейин яна тутилади.

Бу сўзларга жавоб ўрнига индамасликни лойикроқ кўраман» (X).

## ШАРҚ ГЕОГРАФИЯСИДА «ЕТТИ ИҚЛИМ» ВА «МАЪМУРА» ТУШУНЧАЛАРИ

Ўзбек тилида «иқлим» сўзи икки маънода ишлатилади. Бирни — ҳар бир жойга хос бўлган об-ҳаво шароитлари йиғиндинин билдирувчи «иссиқ иқлим», «салқин иқлим», «ўртacha иқлим», «қуруқ иқлим», «нам иқлим» маъносида. Бу илмий тушунча бўлиб, асосан, табииёт ва география фанларига кириб кетган. Иккинчи маънодаги «иқлим» сўзи халқимиз орасида жуда қадимдан маълум бўлиб келган, ўрта аср олимларининг асарларида кўп ишлатилган сўздир. Қуйида иккинчи маънодаги «иқлим» тўгрисида фикр юритамиз.

«Иқлим» сўзи аслда юононча «клима» сўзидан олинган бўлиб, «ер юзасининг қуёш нурларига нисбатан қиялиги» деган маънодадир. Шундай қия жойлашганлиги сабабли ер юзининг турли жойлари турлича исиди, натижада табиати ҳам ҳар хил бўлади. Шунга кўра, юон олимларининг асарларида, жумладан, машҳур географ Эратосфенинг китобида дунё 7 қисмга бўлинган ва ҳар бири «климат» деб аталган. Юон олимларининг китоблари араб тилига таржима қилинганида «климат» сўзи ўрнига «иқлим» сўзи ишлатилган.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёнинг етти қисмга бўлиниши қадимги юон фанининг хизмати эмас; бу, Ўрта Осиё ва Хурросондан чиққан тушунчадир. Бунинг қисқача тарихи Абу Райхон Берунийнинг «ат-Тафхим», «Қонуни Масъудий» ва «Геодезия» китобларида қўйидагича баён этилган:

«Ернинг турли тоифадаги кишилар яшайдиган жойларига қараб қисмларга бўлиниши ҳар миллат қошида ҳар хилдир» (КМ).

«Қадим замоннинг афсонавий қаҳрамони Афридун дунёни уч қисмга тақсимлаган: бир ўғлига Шарқ (Хитой ва Турк ерлари)ни, иккинчисига — Рум ва Мағриб (Қичик Осиё билан Африканинг шимоли-ғарби)ни ва учинчисига — ўрта ерлар (Эрон, Турон, Ҳинд)ни ажратиб берган экан.

Юонлар ҳам Ерни учга бўлиб, шарқдаги катта қисмига Осиё, ғарbdаги кичикроқ қисмларига Уруба (Европа) ва Либия (Ливия, Шимолий Африка) деб ном берганлар.

Қадимги эронниклар эса Ерни етти қисмга бўлган эдилар, ҳар бир қисмни кишвар деб атаганлар» (АТ).

«Кишвар» форсча «ҳад» маъносидаги сўздир. Гўё чегара белгилар бир-биридан ажralиб тургандек, бу қисмлар ҳам бир-биридан бўлак-бўлак ҳолда демоқчи бўлганлар. Уларнинг бининчиси — восита, у ҳам бўлса Эроншаҳрdir «Ирок, Форс, Жибол, Хурсон». Лекин улар уни восита бўлсин учун санашда тўртинчи ўринга қўйганлар. Мана уларнинг тасвири ва бир-биридан ажralиб туриши (Г). «Ҳидлар эса Ерни тўққиз бўлакка — кондаларга тақсимлаганлар» (АТ).

Берунийнинг юқоридаги маълумотларидан бундай хуроса чиқариш мумкин: турли ҳалқлар сиёсат, бошқариш, аҳоли ва динига қараб Ерни азалдан «районлаштириб» келганлар. Ерни етти қисмга бўлиш тартиби аввало Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ҳалқларида қўлланилиб, сўнгра Фарбий Осиё ҳалқларига, улардан юнонларга ўтган; ўрта аср бошларидан бу «етти қисм» тушунчаси яна Шарққа қайтиб келиб, «етти иқлим» номи билан аталган. Пировардида бу, табиий — астрономик ва географик тушунчага айланган. Шундай қилиб, Шарқ географиясида ҳам дунёнинг табиати турлича бўлган қисмлари «иқлим» сўзи билан аталган. Ҳозирги фан тили билан айтганда, «иқлим» тушунчаси «табиат зонаси», «ландшафт зонаси» деган маънога бирмунча мос келади.

Дунёнинг етти иқлими гарбдан шарққа қараб, горизонтал равища параллеллар бўйлаб чўзилган турли географик зоналардан иборат. Бу иқлиmlарнинг чегаралари ва уларга қарашли мамлакатлар тўғрисида ўнлаб китоблар ёзилган, турли-туман жадваллар чизилган. Турли олимларнинг «иқлим» ҳақидағи фикрлари баъзан бир-биридан фарқ қиласиди. Аммо иқлиmlар тўғрисида энг маъқул ва оқил маълумотларни Абу Райҳон Беруний китобларидан топишмиз мумкин.

«Геодезия» китобида иқлиmlар бундай таърифланган: «Албатта, бу тақсимлашнинг табиий шароитлар ҳолатига, ҳайъат илми қонунларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу инсонлар суратлари, ахлоқлари, тил ва динлари турлича бўлишига асосан бир-биридан фарқ қиласиди мамлакатлар бўйича ёки (ҳалқларни) бўйсундириш сабабли бўлгандир. Аммо юнонлар ва бошқа шулар каби Мағриб аҳллари уринган ҳамма нарсаларида тўғрироқ ва ҳақиқатга яқинроқ йўлларни қўлланганлари учун улар Машриқ билан Мағриб орасида мувозанат қилиш йўлига тушиб, иттифоқ тоғлар, денгизлар ва шу иккаласига шамолнинг эсадиган ерлари жиҳатидангина ихтилоф борлигини топганлар. Шимолий қутб томонга ва ундан юришда аҳволни мулоҳаза қилганда ҳавонинг иссиқ ва совуқлиги, қуёш ва юлдуз (кавкаб) ларнинг азимут устидан оғиши, қутб ва унинг атрофидаги юлдузларнинг юқорига кўтарилиши ва ўша юришга мувофиқ кечанинг кундузга ўралишида ихтилоф борлигини топганлар. Улар одам яшайдиган ерни аникроқ бўлган ихтилофга мувофиқ, шу (у ҳам бўлса кеча ва кундуз орасидаги) бир-бирига рўбарў бўлган чизиқлар билан етти иқлиmgа бўлганлар. У чизиқлар Машриқда маъмур ерларнинг энг узогидан тортиб, Мағрибнинг охирига боради. Улар биринчи иқлиmнинг ўртасидан бошлаб унинг энг узуни ўн уч соат бўладиган ёз куни, иккинчи иқлиmнинг ўртасини энг узуни ўн уч ярим соат бўладиган ёзнинг кунига илаштирдилар. Шундай қилиб, иқлиmнинг ўртасини ярим соатдан ошириб-ошириб бориб, энг узуни 16 соат бўладиган ёз кунига илаштирдилар» (Г).

Берунийнинг «ат-Тафҳим» китобида иқлиmlар тўғрисида

максус боб бор, «Геодезия» китобида эса етти иқлимининг му-  
каммал схемаси баён этилган.

Беруний ўз асарлари рўйхатида иқлиmlарнинг тақсимлани-  
ши тўғрисида ёзган асарларини ҳам кўрсатган. Бу асарлар  
«Шаҳарларнинг узунлик ва кенглик маълумотлари тўғрисида-  
ги китобларим» деган сарлавҳа остида берилган.

Ёқут Берунийнинг иқлиmlар тақсимланиши тўғрисида 1030  
йилда ёзган асарининг ўз қўли билан кўчирган нусхасини кўр-  
ганилиги ва ўқиганлигини айтган. Афсуски, бу китобларнинг  
қўллэзмалари жаҳоннинг бирон бир кутубхонасида топилгани  
йўқ, йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

«Қонуни Масъудий» Берунийнинг энг катта асари бўлиб,  
унинг бешинчи мақоласи, IX ва X боблари иқлиm-зоналарга  
бағишланган.

Беруний китобида иқлиm-зоналар қўйидагича тақсимлан-  
ган:

Иқлиmlар	Жанубий чегараси	Шимотий чегараси	Энг узун кун
Биринчи иқлиm	12°40'	20°27'	12 с. 45 м.
Иккинчи иқлиm	20°27'	27°30'	13 с. 15 м.
Учинчи иқлиm	27°30'	33°38'	13 с. 45 м.
Тўртинчи иқлиm	33°38'	38°54'	14 с. 15 м.
Бешинчи иқлиm	38°54'	43°22'	14 с. 45 м.
Олтинчи иқлиm	43°22'	47°12'	15 с. 15 м.
Еттиңчи иқлиm	47°12'	50°20'	15 с. 45 м.


«Иқлиmlар баёни муҳим нарса. Бу тўғрида ихтилоф бўлмас-  
лиги керак. Ҳолбук нусхаларини кўчиришда бузилган жадвал-  
лар кўп» деган Беруний. Берунийнинг айтишича, баъзилар  
«иқлиm» деб ноҳия ва рустоқни тушунадилар. «Ҳақиқатан, кенг-  
лик бўйлаб (жанубдан шимолга) юрганда (иқлиmlар) тупро-  
ғи, суви, ноз-неъматлари ва халқи жиҳатидан фарқ қиласди.

Агар иқлиmlар еттига бўлинса, ўртаси тўртинчи иқлиmdир.  
Иқлиmlар ўртасида ярим соатдан фарқ бор. Бир иқлиminг  
ўзи боши билан охири ўртасида чорак соатдан фарқ қиласди»  
(*«Қонуни Масъудий»*).

Берунийнинг ёзишича, экваторнинг ўзида ва атрофида, ун-  
дан жанубда ҳам мамлакатлар бор. Ой тоғлари (Марказий Аф-  
риканинг баланд тоғлари), Нил манбаи, Занжилар мамлакати,  
Сарира (Суматра ороли), Зова (Ява) ороли, Сарандиг каби-  
лар шулар жумласидандир.

Биринчи иқлиmга қўйидаги мамлакатлар киради: Судон,  
Яман, Уммон, Жанубий Ҳиндистон, Ҳиндихитой; иккинчи иқ-  
лиmга Мағриб (Марокаш), Ифрикий (Тунис, Ливия), Миср вг  
Аевон, Ўрта Арабистон, Макрон, Синд, Ўрта Ҳиндистон, Жанубий  
Хитой; учинчи иқлиmга — Африканинг энг шимоли, Искандария  
ва Нил дельтаси, Фаластин, Йордания, Суряя, Ироқ, Форс  
(Жанубий Эрон), Сейистон, Шимолий Ҳиндистон; тўртинчи иқ-

лимга — Зуқоқ (Гибралтар), Андалус (Жанубий Испания), Греция ороллари, Рум (Қичик Осиё), Озарбайжон (Табриз), Дайлам ва Табаристон (Каспий жануби), Хуресон, Балх ва Түхористон (Термиз атрофлари), Бадахшон, Қобул, Кашмир, Тибет, Урта Хитой; бешинчи иқлимга — Галисия (Шимолий Испания), Шимолий Рум, Армания, Дарбанд, Хазар денгизи (Каспий), Хоразм, Бухоро, Сўғд (Самарқанд), Шош (Тошкент), Фаргона, Исфижоб (Чимкент — Сайрам), Қашқар; олтинчи иқлимга — Франк (Урта Европа), Хазарлар (Волга этаги), Турклар мамлакати ва еттинчи иқлимга Варанг (Балтика), сақлоб



Етти иқлим схемаси.

(славян) лар ери, руслар ери, Булгор ва Сувор (Ўрта Волга), бажанак ва гузлар ери киради.

Шарқ олимлари чизган баъзи географик карталарнинг ён томонларида иқлим кўрсаткичлари ҳам бор, параллеллар орасига уларнинг қайси иқлимга қарашли эканлиги ёзилган.

Кадимги Шарқ географлари баён қилган иқлимларнинг чегаралари ҳозирги табиий географик зоналарга тўғри келадими? Тўғри келмайди, албатта. Ҳозирги табиат зоналарининг чегараларини аниқлашда ва табиий географик районлаштиришда ер юзасининг рельефи, иқлими, тупроқ, ўсимликлари ва ҳоказолар эътиборга олинади. Илгариги «иқлим» доиралари эса анча схематик чизилган, чегаралари асосан тўғри чизиқ билан тасвирланган: рельеф, иқлим, тупроқлар, ўсимликлар эътиборга олинмаган. Шунга қарамай, Ерни иқлимларга бўлиш, яъни ер юзасини географик зоналарга ажратишнинг бу дастлабки босқичи ўша замон географиясида маълум бир тартиб ўрнатишига ёрдам берди. Биз мазкур иқлимларга тарихий тушунча дебгина қарашимиз керак. Бу «етти иқлим» ичидаги одамлар яшайдиган обод жойлар «маъмурга» ёки «рубъи маскун» деб аталган. Маъмурга сўзи «Бобирномада» ҳам ишлатилган. Масалан, «Фаргона вилояти бешинчи иқлимдандир. Маъмуранинг канорасида воқиъ бўлибтур». «Рубъи маскун» сўзи ишлатилишининг сабаби шуки, олимлар шарқий яримшарни 4 чорак (рубъ)-га бўлганлар; шунинг учун бир чораги обод, аҳоли жойлашган жой деб ҳисобланган. Бу тушунча ҳозирги географияга тўғри келмаса-да, Шарқ географияси тарихи учун муҳим аҳамияти бор.

## ДУНЁ КАРТАСИ







Берунийнинг «ат-Тафҳим» китобига дунё картаси илова қилинган. Бундай карта китобнинг барча нусхаларида бор, аммо уларнинг ҳар бири ҳар хил. Биз шу картанинг 8 вариантини кўришга мұяссар бўлдик. Шуларнинг таққосий натижаларини айтиб ўтмоқчимиз.

1- в ариант — Берунийнинг Оксфорд шаҳридаги Бодлеян кутубхонасида сақланаётган китобидаги карта. Бунда қуруқлик ва дengizlарнинг шакли китобдаги таърифларга ҳам, картанинг бошқа нусхаларидагига ҳам тўғри келмайди. Картада Қулзум дengизи (Қизил дengиз) умуман йўқ, фақат Қулзум шаҳри белгиланган. Бўнтус (Қора) дengизининг ёзуви бор-у, ўзи ажратиб кўрсатилмаган. Бир қанча ёзувлар ўз ўрнига тушмаган.

Мисрлик Юсуф Камолнинг «Картография ёдгорликлари» асарида «ат-Тафҳим»дан олинган 4 хил карта берилган.

2- в ариант — Британия музейида сақланаётган қўллөзмадаги карта. Унинг ҳам камчиликлари кўп. Денгиз ва қуруқлик-

Беруний тузган дунё картасининг варианtlари



нинг шакли бузиб кўрсатилган. Ҳиндихитой билан Ҳиндистон битта яrimорол бўлиб қолган. Қора дengизнинг бўғозлари йўқ. Ёзувлари ўз ўрнида эмас. Масалан, Xurosон Хитойнинг ёнига тушган. Ҳиндистон Макрондан жуда йироқда. Мағриб қора даштлари, Мағриб шаҳарлари, Ироқ, Жануб томон, Зангшон ороллари мутлақо ёзилмаган. Икки жойга бир хилда: «Жазоир ал-Занж» деб ёзилган, бунинг бири «Жазоир аз-Забаж» бўлиши керак эди.

3-вариант — Берлин давлат кутубхонасида сақланётган кўлёзмага илова қилинган карта. Ўнда маъмуранинг фарбий томони бетайин; Ўрта дengиз мутлақо ўзига ўхшамайди. Бир қанча номлар таваккал ёзилган. Ҳиндистон жуда шарққа сурилган. Қулзум номи материк ичидаги берилган. Қизил дengиз билан Ўрта дengиз ораси Балтика билан Қаспий орасидан узоқ. Бўнус дengизининг номи бор-у, ўзи йўқ. Шу карта Ислом энциклопедиясида ҳам намуна тариқасида кўрсатилган.

4-вариант — Оксфорд шаҳридаги Bodleian кутубхонасида сақланётган карта. Бу карта жуда тахминий; доира ва чизиқларни чизган хаттот уларнинг маъносини тушунмаган, қуруқлик ва дengизларнинг фарқига бормаган. Осиё ҳам, Африка ҳам ўзига ўхшамайди. Бу картада славянлар ва руслар дengизда яшайдигандай кўрсатилган. Туркий қабилалар Испания билан Скандинавия орасига тушиб қолган; хазарлар эса Қаспий дengизининг жанубига «ўтиб кетган».


5-вариант — Берлин давлат кутубхонасида сақланётган карта. У ниҳоят даражада схематик ишланган. Ёзувлар ўз ўринларига тушмаган. Андалус (Испания) Балтика ёнида. Африкага тегишли номлар, жўмладан, Сўфола, Рос Барбар дengизи ўтасига ёзилган. Ҳиндистон билан Ҳиндихитой бирлашиб кетган.

6-вариант — «ат-Таҳфим»нинг Texroидаги нашрига илова қилинган карта. Xumoйнинг ёзишича, картанинг бу нусхаси Texron кутубхоналарида сақланётган «ат-Тафҳим» кўлёзмалари ичидаги карталарнинг энг яхшиси. У ҳақиқатан ҳам китобдаги таърифга бирмунча мос. Шунга қарамай, картада ёзувлар ўз ўрнига тушмаган. Шимолий океан шарқда, Шарқий океан эса — жануби-шарқда. Xurosон Қаспийдан узоқлашиб кетган. «Турк қабилалари» Узоқ Шарққа сурилган, хазарлар эса Балтика бўйларида. Европа, Африка ва Арабистоннинг қирғоқлари тўғри қилиб чизилган, ҳолбуки китобда бу қирғоқларнинг тўғрилиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

7-вариант — Беруний асарининг тоҷикчага таржима қилинган ва Тоҷикистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар бўлимида сақланётган нусхасидаги картадир (инв. № 385). Ўнинг диаметри 9 см; доиралар қизил рангда чизилган, ёзувлари қора рангда битилган. Қирғоқларнинг шакли аслига ўхшамайди. Европа ва Африка қитъаларининг шакли жуда тахминий; Қизил дengиз йўқ. Xurosон Қаспийнинг шимолида, Балтикага яқин.

«Ат-Тафҳим»нинг 1973 йилги тоҷикча нашри № 385 қўллёзмага асосланган бўлса-да, ичидаги карта алмаштирилган, унинг ўрнига Британия музейидаги нусхадан кўчириб олинган карта берилган.

8-вариант — «ат-Тафҳим» китобининг Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўллёзмалар фондида сақланадиган қўллёзмасидаги карта (пнв. № 3423). Бу картанинг диаметри 12,5 см, айланаси ва қирғоқлари қизил сиёҳда қалин қилиб чизилган. Карта 1257 йилда кўчирилган. Хаттот картографиядан хийла саводли эканки, ҳамма номларни ўз жойига ёзган; ёзувлар тўғри ва бошқа карталардагига нисбатан кўпдир. Гибралтар ва Қора денгиз бўғозлари равшан. Шунинг учун биз бу картани Берунийнинг ўзи чизган асл нусхага энг ўхшашидир, деб ҳисоблаймиз. Биз китобимизда картадаги тоҷикча сўзларнинг ўзбекча таржимасини ҳам бердик. Картада шимол пастда, жануб юқорида эди, биз уни ағдариб чиздик, натижада картанинг юқориси шимол, пасти жануб бўлди.



Беруний тузган дунё картаси

Дунё картасининг шу 8 вариантини бир-бирига таққослаганда улар орасида хийла тафовут борлиги кўрилди. Бундай хилма-хиллик сабабини Берунийнинг ўзи айтиб кетган: «Маълумки, китобларда тасвирланган суратлар, гарчи уларнинг шакллари аниқланган, кўринишларига диққат қилинган бўлса ҳам, кетма-кет нусха олиш ва кўп марта кўчирин пайтида улар ўзгариб, бир ҳолатда қолмаган, балки паргар (циркуль) ва чизифчилар билан кўчириса ҳам бузилиб, нобуд бўлган» («Картография»).

Беруний китобининг барча кўлләмаларида карта борлиги шундай дунё картаси ҳақиқатан ҳам бўлганлигининг далолатидир. Шундай картани ўзи кўрганлигини Ҷекут ҳам тасдиқланган. Китобхонга тушунарли бўлиши учун, биз, қуйида картанинг асл нусхасида ишлатилган номларнинг изоҳини бердик. Изоҳда аввало оригиналдаги номнинг транслитерацияси, қавс ичидаги эса ўзбекча транскрипцияси берилди. Ҳаммага мълум бўлган номлар изоҳсиз қолдирилди. Йўл-йўлакай бошқа нусхалардан ҳам мисоллар келтирилди.

*Ноҳияти жануб (жануб томон).*

*Ўқиёнус — Муҳити Мағрибий* (Ўқиёнус — Мағриб муҳити), Атлантика океани Ўқиёнус деб аталган. Уни Фарбий океан ҳам деганлар. «Муҳит» сўзи сувга нисбатан «ўраб турувчи», «чегаралангандир» маъносидадир.

*Дарёи муҳити Шимолий* (Шимолий Муҳит денгизи) — Шимолий Муз океани.

*Дарёи муҳити Машриқий* (Шарқий Муҳит денгизи) — Шарқий океан. Тинч океан.

*Дарёи Варанг* (Варанг денгизи) — Балтика денгизи. «Варанг» русча «варяг» (скандинавлар) сўзига тўғри келади. Руслар ҳам Балтикани ўрта асрларда баъзан «Варяжское море» деб атаганлар. Шарқ географлари Балтикани кўпинча Шимолий океанининг бир денгизи деб тасаввур этганлар. Берунийда ҳам Варанг денгизи Шимолий муҳитининг бир кўлтиғига ўхшатиб чизилган.

*Зўқоқ* — арабча «кўча», «йўлак», «ўткил» деган сўз. Бу ерда Ўрта денгиздан Атлантикага ўтадиган йўл — Гибралтар бўғозидир.

*Дарёи Шом* (Шом денгизи) — Ўрта денгизнинг номларидан бири. Бошқа номлари: Рум денгизи, Искандария денгизи, Мағриб денгизи, Миср денгизи, Фаранж денгизи, Оқ денгиз ва ҳоказо.

*Дарёи Бўнтус* (Бўнтус денгизи) — Қора денгиз. Уни юонича Понтос, Понтида деганлар, Бўнтус номи шундан келиб чиққан. Картанинг 5-вариантида Фунтус деб ёзилган, китобнинг текстидаги эса Трабзунд денгизи дейилган. Бошқа муаллифларнинг асарларида унинг Рус денгизи, Булғор денгизи деган номлари ҳам бор.

*Баҳри Барбара* (Барбара денгизи) — Адан қўлтиғи ва Со-

мали қирғоқлари; картанинг 1-вариантида қўшимча номи бор: «Рос Барбара» (Барбара бурни) — Сомали яриморолининг тумшуғи бўлиши керак.

*Дарёи Форс* (Форс денгизи) — Арабистон денгизи, Форс қўлтиғи ҳам (уни баъзан Басра қўлтиғи дейиллади) шунинг ичида. У «Ҳиндистон» китобида Лор денгизи, бошқа авторларнинг асарларида Уммон денгизи дейилган.

*Жазираҳои Зангшон* (Зангшон ороллари) — дунё картасининг 1, 2, 3-вариантларида Занж ороллари деб ёзилган, Ҳинд океанининг гарбий ороллари, Мадагаскар ҳам шунинг ичида.

*Жазираҳои Дива* (Дива ороллари) — Ҳинд океанидаги Мальдив ва Лаккадив ороллари, дунё картасининг 1, 2, 3, 4-вариантларида Дибажат ороллари деб ёзилган. «Ҳиндистон» китобида ёзилишича, «дип» (Двина) ҳиндлар тилида «орол» демакдир. «Ад-Дибажат» — «кўп ороллар» демакдир.

*Жазираҳои Зова* (Зова ороллари) — Ява ороли, умуман, Ҳинд океанининг шарқий ороллари.

*Дарёи Гургон* (Гургон денгизи) — Каспий денгизи.

*Ҳиндуwon* — ҳиндулар.

*Жинҳои Туркон* — Туркий қабилалар.

*Хазарон* (хазарлар) — Волга бўйи.

*Хуросон* — Эрон ва Афғонистоннинг шимоли ва Туркманистоннинг жанубий қисмлари

*Шаҳарҳои Форс* — Жанубий Эрон шаҳарлари.

*Макрон* — Эрон ва Покистоннинг денгиз соҳили.

*Уммон* — Арабистон яриморолининг шарқий соҳили.

*Замини бодия* (Чўл ер) — Арабистоннинг жанубий чўли.

*Қулзум* — Қизил денгиз шимолидаги ўрта аср порт шаҳри; ҳозирги Суэц (Сувайш) ёнида бўлган.

*Шом* — Сурия.

*Замини Миср* — Миср.

*Шаҳарҳои Магриб* — Шимоли-Ғарбий Африка шаҳарлари.

*Даштҳои Сиёҳони Магриб* (Магриб Қора даштлари). Қартанинг 1-вариантида «Судон даштлари», 2, 5-вариантларида — «Ғарбий Судон даштлари» деб ёзилган — Саҳрои Кабир ва Судон.

*Қўйҳои Қамар* (Ой тоғлари) — аслда афсонавий тоғлар бўлса ҳам тахминан Нил дарёсининг бошларига (Рувензори, Кения тоғларига) қиёс қилиш ўринлидир.


*Суфолат аз-Занж* — Африканинг жануби-шарқий соҳили.

*Андалус* — Испания, унинг жанубий, Андалузия қисми.

*Замини Сақлоб ва Рус* — Европанинг шимоли-шарқий қисми, славянлар ва руслар ери.

## БЕРУНИЙ ГЛОБУСИ

Абу Райҳон Беруний Ернинг шарсизонлигига қатъий ишонганлигини ўз асарларида бир неча бор очиқ, равшан айтган ва Ернинг шарсизонлигини исботловчи далиллар келтирган: «Ке-



Беруний ясаган глобус.

часи қүёш кўринмай қолишининг сабаби унинг Ердан узоқлашиб кетишидан эмас. У Ернинг дўмбоқлиги дастидан бизга кўринмай қолади. Қайси бир халқлар қўёшнинг чиқишини кўрган пайтда бошқа халқлар айни вақтда қўёшни ўз телаларида кўрадилар, бу ҳақиқат, ҳар ернинг вақти (соати) ҳар хил. Бунинг сабаби Ернинг юмалоқ бўлганидандир. Агар Ер юмалоқ бўлмаганда турлича кенгликдаги жойлар билан ўралмаган бўларди, ёзда ва қишида кун ва тун ҳар хил бўлмас эди, улар ҳозиргидай ўзгариб турмас эдилар» («Ҳиндистон»).

«Ер умуман юмалоқдир, бироқ айrim жойлари ғадир-будир, чунки тоғлари дўппайиб чиқиб туради, ботиқлари чуқур кирган; шундай бўлса-да унинг шакли шарга ўхшаш, тоғларнинг баландлиги бутун Ерга нисбатан жуда кичикдир.

Диаметри бир чўзим ёки икки чўзим келадиган юмалоқ нарсани кўрганмисан, унинг сиртида тариқ доналари турган бўлса ва тариқдай-тариқдай ўйиқ излари бўлса? Тоғлар ва ботиқлар ҳам бутун Ерга нисбатан худди шундай арзимас даражададир. Агар Ернинг шундай ғадир-будурликлари бўлмаганда, ҳаммаёқни сув босиб кетган бўлар эди, ҳеч нима кўринмай қолар эди. Ҳолбуки сувнинг ҳам ер сингари оғирлиги бор...» («Қонуни Масъудий»).

Беруний планетамизни аниқ тасаввур этиш билан бирга, унинг тасвирини ҳам яратмоқчи бўлган:

«Мен ўтмишда Птолемейнинг «Жугрофия» китобида (баёи этилган) усуулни Жайҳонийнинг «Йўллар китоби»даги ва бошқа (унга амал қилган олим)ларнинг усууллари билан бирлаштиromoққа кўп тиришдим. Турли асарлардаги маълумотларни тўпладим, ноаниқликларни аниқлаб, билимнинг шу соҳасини

мукаммаллаштиридим. Шунинг учун даставвал сайёҳлардан ҳамда ўзи кўрганлардан эшитганларимга (асосланиб), масофа маълумотлари ва жой ҳамда шаҳарларнинг номларини аниқлашни бошладим. Маълумотларнинг ишончлилигини текширидим. Бир (шахснинг маълумотларини) бошқа (маълумотлар) билан солиштиридим. Шу мақсаддаги эришиш йўлида на кучимни, на пулимни аядим. Жойлар ва шаҳарлар учун диаметри 10 чўзим келадиган ярим кура ишладим. Унда масофаларга қараб узунлик ва кенгликларни белгилаш мумкин эди. Аммо (масофалар) жуда кўплигидан ва (ҳисоблаш) узоқлигидан (математик) ҳисобларга вақтим етмасди» («Геодезия»).

Аммо Беруний бу шаклни нимадан (ёғоч, қоғоз, темир ёки лойдан) ясаганини айтмаган. Ҳар ҳолда унинг глобус ясаганилиги аниқ маълум. Глобуснинг диаметри ниҳоятда катта бўлган; у айтган «10 чўзим» тахминан 5 метр келади. Бу глобус Хоразмда ясалган; унинг ясалган йили тўғрисида икки хил фикр бор; П. Г. Бултаков уни 995 йилда ясалган деса, Жак Буало 1016 йилда ясалган бўлиши керак, дейди. Ҳар ҳолда бу глобус шаҳарлар орасидаги масофаларни аниқроқ ўлчаш ва шу билан жойларнинг кенгликларини белгилаш учун мўлжалланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу Шарқ оламидаги дастлабки глобус бўлниши билан бирга, энг биринчи бўртма (рельефли) глобус ҳам бўлган. Эҳтимол, картография тарихида математик география принципларига асосан ясалган биринчи глобус ҳамдир.

### БЕРУНИЙ «ФАРБИЙ ҚИТЪА» ТЎҒРИСИДА

Америка қитъасини 1492 йил октябрь ойида дengиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этган дейилади. Аммо Америка қитъасининг Колумб кашф этишидан илгари ҳам маълум бўлганлиги тўғрисида кейинги 40—50 йил ичидаги бир қанча ҳужжатлар топилди. XV аср ўрталарида ёқ португалиялик дengизчилар Американинг марказий оролларига бориб-келиб турганлар, лекин ўз сафарларини сир тутганлар; бу ҳақдаги ёзма ахборотлар, кемаларнинг кундалик дафтарлари Португалия ва унга қарабшли Мадейра ороли ҳокимларининг архивларида колиб кетган. Ҳатто, қадимий америкалик сайёҳларнинг ўзлари Европага келиб-кетиб турганлар, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Скандинавлар ҳам Америкага борганлар ва баъзи буюмларни, ҷунончи, куркан биринчи марта шу ердан олиб келганлар, деган мулоҳазалар ҳам бор.

Хозирги тарихий-географик асарларда Америкага Марказий африкаликларнинг Колумбдан олдин борганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ганалик рассом Р. Свитининг африкаликларнинг маҳаллий америкаликлар билан дўстона учрашувлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Азия и Африка сегодня», 1964, № 1.

манзарасини тасвирлаган сурати ҳам мавжуд. XV асрдан олдин Америкага хитойлар, японлар, финикияликлар, араблар, инглизлар борганлиги ҳам тилга олинмоқда. Янги тарихий маълумотларга кўра, Америкага дастлаб грузинлар ва басклар борганга ўхшайди. Хуллас, Америка қитъасига биринчи бўлиб Колумб борган эмас. Лекин кейинчалик Америка деб аталган «Янги қитъа»нинг кашф этилишида Колумб сафарининг тарихий аҳамияти жуда каттадир.

Колумб саёҳатигача Европа олимлари ер шарини икки паллага, яъни ғарбий ва шарқий яримшарларга ажратиб, ғарбий яримшар асосан сувликдан иборат, қуруқликнинг ҳаммаси фақат шарқий яримшарда, деб ўйлаганлар. Уларнинг фикрича, бутун дунё ана шу кўхна Европа, Африка ва Осиёдан, эҳтимол, Жанубий қуруқликдан иборат бўлган. Антик дунё ва ўрта аср Европа олимларининг Жанубий Номаълум ер («Терра Австралис инкогнито») тўғрисидаги кўпгина фаразлари диққатга со зовордир. Лекин ғарбда, Атлантика океани орқасида яхлит қуруқлик бўлиши мумкинлиги тўғрисида улар бирор асосли фикр айта олмаганлар. Қадимги олимлардан баъзилари фараз қилган Атлантида ва Антиподлар (тескари ерлар) ҳақидаги фикрлар ўрта асрларда ёки унтилиб кетган.

Ҳозирги тарихий-географик китобларнинг чет тилларда бо силганида ҳам, рус тилидагиларида ҳам Америка қитъаси кашф этилиши арафасида Европа олимларининг аллақандай «башоратлари» тилга олинади. Жумладан, италиялик Тосканеллиниг Ернинг шарсимиёнлигига асосланиб, Ҳиндистонга бормоқ учун шарққа юрса ҳам, ғарбга юрса ҳам бўлади, деган фикри Колумбга далда берган, дейилади. Тосканеллининг бундай «йўл кўрсатиши» оқилона фикр; бироқ бу, ғарбда янги қуруқлик бор деган сўз эмас. Унинг чизиб берган картаси бўйича Испаниядан ғарбга томон юриб тўппа-тўғри Чипангу (Япония) дан чиқиши, сўнгра Ҳиндистонга бориб етиш керак эди; унинг картасига қараганда йўлда бошқа ҳеч қандай қуруқлик учрамайди. Демак, Тосканелли Америка қитъаси борлигини хаёлига ҳам келтирмаган.

Мартин Бехайм ишлаган глобусда шарқий яримшардаги ерларгина кўрсатилган. Бу глобусда Ғарбий Европа билан Шарқий Осиё ороллари орасида (яъни Тинч океан билан Атлантика ўртасида) ҳеч қандай қуруқлик йўқ.

Шундай қилиб, Америка қитъаси тасодифан кашф этилган; унинг борлигини бирон бир европалик олим ёки денгиз сайёҳи олдиндан башорат қилолмаган. Колумбнинг «Ғарбга юрсан Осиёга яқинроқ бўлади» деган катта хатоси география тарихида жуда катта кашфиётга сабаб бўлди, яъни ғарбий яримшарда катта қуруқлик борлиги аниқланди.

Афсуски, Ғарбий Европадаги географлар ва уларга тақлид этувчи баъзи тарихчи географларимиз XV—XVI асрдаги буюк кашфиётлар тарихини ёритишда қўйидаги муҳим масалани ё

мутлақо тилга олмайдилар, ёки фақат «гарбчаснга» изоҳлайдилар.

Биз ўртаосиёлик олим Берунийнинг ер шарининг шакти тўғрисидаги ажойиб фикрларини айтиб ўтган эдик. Унинг бу таълимоти буюк географик кашфиётлар даврининг бошланшига замин тайёрлаган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Хиндистон» асарида ер юзасининг тузилиши, дengiz ва қуруқлик тўғрисида гапириб, «...Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани гарб ва шарқ томондан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океан) ўраб турибди. Бу Мухит океани, ернинг обод қисмини дengизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (гарбдан ва шарқдан) ажратиб туради...», «...У томонда ҳаво ноқулай, йўллар нотинч, ҳавф-хатар кўп, борган кишилар қайтиб келмайди — шунинг учун у қуруқликка томон юрилмайди... Бизнинг текширишимизча, ернинг шимолий (икки) чорагидан бири қуруқлик бўлганлигига, унинг ҳамкутр (диаметрал қарама-қаршиидаги) чорак ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қиласиз» деган мулоҳазаларидан унинг гарбий яримшарда ҳам бизнинг ёrimиз сингари катта қуруқлик борлигини тахмин қиласиги англашиб либ турибди. Глобусга қаралса, бу катта қуруқлик Америка қитъаси экани аён бўлади. Гарбда номаълум қитъа борлиги тўғрисида ҳинд берунишувноси Саид Ҳасан Бороний бундай дейди: «Қонуни Масъудий» асарида тўртинчи мақоланинг 9-бобида Беруний маъмурани қисқача тасвирлаб туриб «юонлар Атлантика соҳилини дунёнинг охири деб билганлар. Улар яқин ороллар (Канар, Мадейра ва, эҳтимол, Азор) нигина билганлар. Улар Узоқ Шарқдан нариёкни билмаганлар» деб ёзган. «Ернинг шарқий ва гарбий томонларида аҳоли яшайдиган жойларнинг бўлишига қаттиқ совуқ ҳам, жазира маълум бўлган дунёдан (шарқий яримшардан) ташқарида, сувлар билан ўралган ерларнинг бўлишини тахмин қиласиз» дейилган.

Шундай қилиб, гарбий яримшарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб номланган қитъанинг мавжудлигини Беруний XI аср бошида ёқ, яъни европалик олимлардан 450 йилча олдин тахмин қиласан ва бу ҳақда ўз асарларида бир неча бор ёзган.

Хўш, бунинг Колумбга ва Американинг кашф этилишига бирон алоқаси борми? Ҳа, алоқаси бор. Ўрта асрларда Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимлар Гарбий Европа фанига катта таъсир кўрсатганлар; уларнинг асарларидан ўша замонларда дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланилган. Христофор Колумб ўз саёҳатига кўп йиллар мобайнида тайёргарлик кўрган; шу мақсадда Шарқ сайёҳлари ва олимларининг бир қанча асарларини ўқиб чиққанлиги ҳам маълум. Ўша даврларда энг кўп тарқалган китобларнинг муаллифлари Ибн Сино, Беруний, шунингдек уларнинг шогирдлари ва мух-

лислари эди. Испания XV аср бошигача араблар қўл остида бўлган. Марокаш ва Испания кутубхоналарида Берунийнинг баъзин қўллэзмалари сақланиб қолганлиги ҳам маълум. Берунийдан 200 йил кейин, яъни XIII асрда Испанияда араб тилида ёзилган гиёҳ китобининг муаллифи Зиёддин иби Байтар Берунийнинг «Сайдана» асаридан фойдаланганлигини фаҳр билан тилга олган. Хуллас, Колумб ҳам Ибн Сино асарларидан ва Беруний таълимотидан бевосита ёки билвосита фойдаланган ва илҳом олган бўлиши мумкин.

Колумбининг кутубхонасида «Имаго мунди» китобининг қўллэзмаси сақланиб қолган, унда Колумбнинг ўз қўли билан чизган белгилари бор. Архиепископ Қамбрэ (1330—1420) бу китобини 1410 йилда ёзган; лекин китоб 1480—1487 йилларда гина нашр этилган. Китобда Аверроэс, Авиценна (Ибн Сино) ва Альфраганус (ал-Фарғоний) асарларидан цитаталар олиниб, латинчага таржима қилинган.

Демак, Колумб «Ер қуббаси» ҳақидаги назарияга асосланниб, Ерии ноксимон шаклда деб тасаввур этган. Ер ноксимон шаклда бўлгандан сўнг ғарбий яримшарда «қубба»нинг рӯпарасида бошқа (қуруқлик) маркази бўлиши керак эди.

Шундай қилиб, «Шарқ географиясидаги назария Янги қитъя (Америка)нинг каашф этилишига бир қадар хизмат қилди» деган И. Ю. Крачковский.

Суриялик географ Имомиддин Айюбийнинг (1273—1331) «Тақвим ал-булдои» («Мамлакатлар тақсимоти») китоби ҳам европалик олимларни Шарқдаги географик тасаввурлар билан танишитирди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хоразмлик Абурайҳон Берунийнинг ғарбий яримшарда катта қуруқлик борлиги тўғрисидаги тахмини XV—XVI асрларда ҳақиқатга айланди. Бу—Берунийнинг ер шарининг номаълум қисмларини топиш йўлидаги жуда қимматли назарий хизматидир. Ватандошмизнинг бу хизмати фан тарихида муносаб тақдирланиши лозим.

### АМУДАРЁ ВА ҚОРАҚУМ ТАРИХИ

Беруний бундан 950 йил муқаддам Амударё ва Қорақум географиясини текшириб, шахсан кузатишлар ўтказиб, бу ерларнинг тарихий геологик манзарасини ўзининг «Геодезия» китобида батафсил таърифлаб берган. Ана шу таърифдан парчалар келтирамиз.

«Орасида «балиқ қулоги» учрайдиган тошларни Журжон билан Хоразм ўртасидаги қумлик чўлларда ҳам учратамиз. У (чўл) қадимги вақтда бир кўл ҳолида бўлган (бўлса керак), чунки Жайхун ўзани, яъни Балх дарёси кўл орқали ўтиб, Болхон деган шаҳар орқали. Хазар денгизига қуяр эди. Батлимус (Птолемей) ўзининг «Жуғрофия» деган китобида Жайхуннинг қуядиган жойи Ирқония, яъни Журжон денгизи деб ёзган. Биз

билан Батлимус орасида ҳозир саккиз юз йилга яқин вақт ўтди. Ўша вақтда Жайхун шу ерлардан ўтган; ҳозир бу ерлар чўлга айланниб қолган ва Замм (Карки) билан Омуяя (Чоржўй) ўртасидаги жойдан (қайрилиб) шу ерларда шаҳар ҳам қишлоқларни то Болхонгача сугорган. Кейин Журжон билан Ҳазар ўртасида денгизга қўйилган.

Иттифоқо у (Жайхун) тўсилиб қолди, унинг суви фуз ерларининг чеккаларига бурилиб кетди. Унинг йўлида тоғ учраган, бу тогни ҳозир Фам ал-Асал (Дахани Шер) деб, Хоразм ахолиси эса уни Сакр аш-Шайтон (Шайтон тўғони) деб атайди. У (сув) тўпланиб қолиб, қиргоқларидан тошиб чиққанки, сув тўлқинларининг излари (тоғ)нинг тепасида сақланиб туради. У сувнинг оғирлиги ва босими ҳаддан ошгаč, оралари кавак бўлиб ётган бу тошларни ўпириб кетган ва улар орасида тахминан бир кунлик йўл (масофаси)ни кесиб ўтган. Сўнгра (Жайхун) ҳозирFaҳми номи остида машхур бўлган ўзан бўйлаб ўнгга — Фороб томонга бурилган. Кейин одамлар унинг иккита томонида уч юздан ортиқ шаҳар ва қишлоқлар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозиргача ҳам бор.

Бу ўзан бошлангандан (бир қанча вақт) кейини ҳалиги сув йўлида аввалги ҳодиса юз бериб, ўзан яна тўсилиб қолган. Сув Хоразм билан Журжон орасида жойлашган чўлдаги Маздубаст деб аталадиган дарё ўзанидан ўтиб, чапда бажанаклар ерига бурилган (оқиб борган). Узоқ вақтгача (бу ўзан суви) кўп жойларни обод қилди, бироқ (у жойлар) яна хароб бўлди. У ерда яшовчилар Ҳазар денгизи бўйига кўчиб кетдилар. Улар алон ва ос деган ургулар бўлиб, ҳозир уларнинг тили хоразм ва бажанак тилларининг аралашмасидан иборат.

Ундан кейин сувнинг ҳаммаси Хоразм томонга йўл олган. Илгари у сувнинг оқаваларигина (қолдиқларигина) ўша Хоразм томонга ҳозирда Хоразм (тил тупроқли) текислигининг олдидаги катта тошлар уюлган жой ораларидан сарқирди (тозаланаарди). Кейин сув (коятошларни) ёриб, у ерни сув босди ва ўша ердан бошлаб уни кўлга айлантириди. Сувнинг кўплиги ва оқимнинг зўрлигидан у кўп лойқа оқизди ва сув лойқаланиб қолди. Сув атрофга ёйилиб оққанда (ўзани кенгайган жойда) у келтирган лойқани чўқтириди, қуйилиш жойида ер секин-аста қалинлашиб борди ва қуруқлик юзага кўрина бошлади. Кўл узоққа чўзила бориб, Хоразмнинг ҳаммаси зоҳир бўлди. Сунг кўл (ёйилиб) узоқлашиб бориб, олдида (кўндаланг ётган) тўсиқ тоққа тақалди, ундан ошиб ўта олмай, шимол томонга, ҳозирда туркманлар яшаб турган тарафга бурилиб кетган. Бу кўл билан Маздубаст водийсидаги кўл оралиғи узоқ эмас. У кўл (Сарикамиши) шўрхок ва ботқоқ лойликка айланган. Ундан кечиб ўтиб бўлмайди. Туркйича «Хиз тенгизи», яъни «Қиз денгизи» деб аталади».

Берунийнинг «Амударё тарихи» мақоласида учрайдиган жой номларини ҳозир олимлар бундай изоҳламоқдалар:

*Хоразм билан Журжон орасидаги чўл — Қорақум.*

*Фам ал-Асад* — «Шер оғзи» демакдир. У ҳозир «Донишер» деб юритилмоқда (тожикча «Даҳани шер» дегани). Бу «Дулдул отлагон» дараси ёнидаги харобалар.

*Қиз денгизи* — Сариқамиш кўли.

*Фаҳми* — ҳозирги Оқчадарёнинг қуруқ ўзани.

*Фороб* — Сирдарё ўрта оқимидағи шаҳар; уни Ўтрор, Қораҷук деб ҳам юритганлар.

*Бажанаклар мамлакати* — оролнинг шимоли-гарбий томони.

*Ғузлар ери* — Шимолий Қизилқум ва Сирдарёнинг ўрта водийси.

*Замм билан Омуйя ўртасидаги ўзан* — Жанубий Қорақумдаги «Колиф Ўзбўй», қадимий Амударёнинг Каспийга оққан ўйли.

*Қўндаланг ётган қум дўнгликлари* (тоғлар) — Устюрт жарликлари.

*Сакр аши-Шайтон* — шу даранинг, Донишер қисноғининг халқ оғзидаги номи. «Шайтон кўприги», «Шайтон тўғони» деган сўз.

*Маздубаст* — Амударёдан Сариқамишга оққан дарё—Тунударё.

Қорақум чўлининг геологик тарихи тўғрисидаги мунозара қарийб юз йилдан бўён давом этмоқда. Бу қумликлар қадимда денгиз туви бўлганми, ёки уларни бу ерга шамол учирив келтирганми, ёхуд улар дарё оқизиқларими? деган саволга ҳозирги фанимиз бундай жавоб беради: бу бепоён чўлдаги қумларни дарёлар, дастлаб Амударё тоғлардан келтирган; ҳозирги Қорақумга Амударё, Мурғоб, Тажан қаби тоғ дарёларининг қадимий дельтаси деб қарап керак.

«Юқори учламчи даврда ҳозирги Қорақум ўрида денгизлар бўлган, улар аста-секин камайиб, гарбга томон чекиндилар. Плиоценнинг охирида Қорақум денгизлардан холи бўлди. Қўйи тўртламчи даврда Амударёнинг бир қисми Копетдоғ билан Орқаунгуз ўртасида, шарқдан гарбга томон оққан... Қадимий Амударёнинг ётқизиқлари пастилик Қорақумни қоплаган. Демак, Қорақумнинг бутун майдони учламчи ва тўртламчи даврда сув келтирган чўкиндилардан ташкил топган» (БСЭ, т. 20, 129- бет).

Хуллас, ҳозирги геология ва география фанининг хулосалири XI асрда Беруний айтган мулоҳазаларга жуда монандидир. Беруний Қорақумнинг Арабистон чўли ва Миср сингари илгари денгиз бўлганлигини, кейин қуриганлигини, Амударё илгари (Жанубий Туркманистандан) Каспийга томон оққанлигини, аста-секин лойқаланиб («оқизиқлар ётқизиб») шимолга бурилганлигини ёзган. Беруний Амударёнинг ўзгариб туришини ҳам, асосан, тўғри изоҳлаган. Совет олимларининг кейинги 30 йил мобайнида Қорақумда ва Аму этакларида ўтказган географик,

геологик ва археологик текширишлари натижалари Абу Райхон Берунийнинг таҳминини тасдиқлади.

Атоқли олимимиз С. П. Толстов баён этган тарих ва А. С. Кесь тузган палеогеографик карталар Амударёнинг ривожлашиш тарихини яққол тасаввур этишга имкон берадики, Берунийнинг тасаввури бундан фарқ қиласиди.

Шунинг учун биз Берунийни Амударё ва Қорақумнинг қадими географиясини биринчи бўлиб текширган, илмий жиҳатдан тўғри изоҳлаб берган олим деб биламиз. Ундан кейин яшаган Ҳофизи Абру, Женкинсон, Абулғозиҳон, Бекович-Черкеский, Оғаҳий, Баёний, Глуховской, Кесь, Яҳё Фуломов, Толстов ва бошқалар Берунийнинг маънавий мухлислари, унинг гояларини давом эттирувчилардир. Бу масала С. П. Толстов ва Я. Фуломовнинг тадқиқотларида муфассал таҳлил қилингандир.

### ЎРТА ОСИЁ ВА ХУРОСОН ШАҲАРЛАРИ ТҮГРИСИДА

Абу Райхон Берунийнинг деярли ҳамма асарларида Ўрта Осиё шаҳарлари тилга олинниб, уларнинг ё тарихи, ё иқлими, ёхуд аҳолиси таърифланган. «Қонуни Масъудий» китобидаги географик жадвалда кўрсатилган 603 жойининг 85 таси Ўрта Осиё ва Хурросонга тегишилди. Китобда шу жойларнинг узунлик ва кенгликлари кўрсатилган ва деярли ҳаммасига қисқача изоҳлар берилган. Шулардан баъзиларига диққатингизни жалб қиласими:

Ҳирот — узунлиги  $88^{\circ} 40'$ , кенглиги  $34^{\circ} 30'$ .

Балх — қадимги исми Боми, узунлиги  $91^{\circ}$ , кенглиги  $36^{\circ} 41'$ .

Обискун — (Каспий) денгиз бўйида, Журжон шаҳрининг порти, Журжон вилоятида. Узунлиги  $79^{\circ} 15'$ , кенглиги  $37^{\circ} 10'$ .

Колиғ — Жайхун дарёси бўйида, Хурросон вилоятида. Узунлиги  $90^{\circ} 15'$ , кенглиги  $37^{\circ}, 30'$ .

Маймана — ҳозир Жаҳудон, Жузжон вилоятида, узунлиги  $89^{\circ} 50'$ , кенглиги  $36^{\circ}$ .

Воҳон — лаъл конлари чегарасида, Хуттал вилоятида.

Болхон — шу ерда Жайхун дарёси қайирилади ва Ирқония денгизига, яъни Журжон денгизига оқади; Фузия вилоятида, дарё ўз йўлидан кетиши сабабли хароб бўлган.

Журжония — Хоразм шаҳарларидан бири, Жайхуннинг гарбиди. Узунлиги  $81^{\circ} 01'$ , кенглиги  $42^{\circ} 17'$ .

Кот — (Хоразмнинг) иккинчи шаҳри, энг қадимийларидан, Жайхуннинг шарқий қирғорида, Хоразм вилоятида. Узунлиги  $85^{\circ}$ , кенглиги  $41^{\circ} 36'$ .

Омуйя — (Хурросондан) Мовароунаҳрга кечиб ўтадиган жой, Хурросон вилоятида. Узунлиги  $87^{\circ} 05'$ , кенглиги  $39^{\circ} 10'$ .

Тавовис — ҳар йили бозор бўладиган жой, Бухоро вилоятида. Узунлиги  $87^{\circ} 50'$ , кенглиги  $39^{\circ} 30'$ .

Барсхон — Иссиқкўл ёнида; бу (суви) иссиқ кўлдир. Туркистон вилоятида. Ўзунлиги  $93^{\circ} 10'$ , кенглиги  $43^{\circ} 30'$  ва ҳоказо.

Мазкур жадвалда бу изоҳлардан ташқари, баъзи бир тарийхий-гографик ва топонимик маълумотлар ҳам бор. Жумладан, Тошкент тўғрисида бундай дейилган: «Бинкат — Шош шаҳарларидан бири, туркийча Тошкент. Бу — юон музаллифлари нинг Бурж ал-Ҳижра қалъасидир».

Бухоро ёнидаги Байканд (уни Пайканд ҳам дейишган, Бу-хородан жануби-гарбда, ҳозирги Яккатут станцияси ёнидаги харобалар) шаҳар Бадзарубайн деб ҳам аталган. Кеш шаҳри (Китоб ва Шаҳрисабз) форсча Маъжамат деб юритилган. Сирдарёning энг қадимги номи Хасарт эканлиги X асрда ёзилган «Худуд ал-олам» китобидан маълум; Беруний асарида бу яна-да тўлароқ изоҳланган: «Суткент — Хасарт дарёси бўйидаги шаҳар. Бу дарё Туркистон вилоятида. Шош водийсида энг маш-ҳур дарёлардандин... Қарият ал-Ҳадиса — Хасарт дарёсининг кўйилиши ёнида, Хоразм кўли ёнида, Фузлар вилоятидадир.»


Маълумки, Сирдарё этакларидағи Янгикент (ҳозирги Ка-залинек шаҳри рўпарасида, дарёнинг чап томонидаги харобалар) номи қизиқ топонимик мисолдир. Турли халқлар бу номниг маъносини таржима қиласанлар: маҳаллий туркийларда Янгикент ва Жаникент деб юритилган номни араблар «Қарият ал-Ҳадиса» (қарият — «қишлоқ», ҳадиса — «янги», яъни Янги қишлоқ) ва «Мадинат ал-Жадида» (мадина — «шаҳар», жадида — «янги», яъни Янги шаҳар), тоҷиклар эса Дехинав (дех — «қишлоқ», нау — «янги», яъни Янги қишлоқ) деб ёзганлар.

Шундай қилиб, миллодан илгари юон тилицаги асарларда тилга олинган Яксарт сўзи Сирдарёning юонича номи эмас, балки асли маҳаллий ном — Хасарт (ёки Қасарт), фақат юонича бузилиб Яксарт шаклини олган.

Энди Беруний тузган жадвалдаги кўрсаткичларнинг карта-да тасвирланишини кўриб чиқайлик.

Бундан 120 йил муқаддам поляк шарқшуноси И. Лелевель Беруний жадвали асосида Ўрта Осиёning реконструкция картасини тузишга мусассар бўлди. Унинг картасига 40 та шаҳар ва дарёning ҳамда 8 та вилоятнинг номи ёзилган. Бундай карта биринчи марта тузишлариги учун унинг ва Лелевель хизмати-ниг тарихий аҳамияти жуда каттадир. Бироқ картадаги баъзи бир камчиликларни айтмасдан бўлмайди. Бу камчиликлар шундан иборатки, унда Ўрта Осиёга тегишли номларнинг атиги ярми ёзилган. Иккинчидан, жадвалда хаттотнинг айби билан иотўғри ёзилган рақамлар тузатилмасдан, картага шу ҳолича кўчирилган. Бир қанча номларнинг транскрипцияси хато. Натижада Лелевель картаси Беруний тасвирига ҳам, Ўрта Осиёниг асл қиёфасига ҳам ўхшамай қолган. Масалан, жадвалдағи Бонқишлоқ (Манқишлоқ) ва Болхон номлари картага туширилмаганлигидан, «Маре Табаристан» (Қаспий денгизи) нинг

Абу Раийон Беруний таърифи асосида тузилган Ўрта Осиё картаси.  
Координаталар «Қонуни Масъудий»дан олинди.



шарқий қирғоги анча шарққа сурилиб, Амударёга яқинлашиб қолган. Фарова шаҳри эса (хозирги Қизил Арвот ўрнида бўлган) дengiz қирғогига етиб қолган. Амударёning йўналишида ортиқча тирсаклар ҳосил бўлган. «Дараан» шаҳри (Дарғон шундай ёзилган) дарёдан анча шарққа суриб юборилган, ҳолбуки у дарёning гарбий қирғогида. Беруний асарида Замм деган жой Жайхун дарёсининг бўйида, деб ёзилган, Лелевель эса уни чўл ичкарисига кўчирган. Кот шаҳри Амударёning гарбий қирғогига ўтиб қолгац, Илоқ — кичик бир шаҳар қилиб кўрсатилган (Беруний таърифича, у вилоят).

Лелевель картасида шундай жиддий камчиликлар бўлганлигидан, Беруний жадвалига асосланиб Ўрта Осиёning реконструкция картасини янгидан тузишга тўғри келди. Бунда Беруний жадвалидаги номларни мумкин қадар кўпроқ қамраб олишга тиришдик. Шу билан бирга, рақамларга ҳам танқидий қарадик. Лекин бу картани ҳозирча етарли даражада мукаммал деб бўлмайди. Беруний китобарида Ўрта Осиёга тегишли маълумотлар ҳали тўла текширилганича йўқ («Қонуни Масъудий»да берилган географик жадвалнинг таҳлили китобимизнинг «Хутубек географияси» бобида берилди).

Беруний асрларида географияга ва табиатнинг бошқа хоссаларига оид қимматли мулоҳазалар ҳам бор. Беруний география фанининг тарғиботчиси сифатида географияни, чунончи, карталар, йўлномалар ва жойларнинг кенглик ва узунликларини билишининг катта амалий аҳамияти борлигини бир неча бор уқдириб ўтган, Ер бағрида ер юзидағи температура ўзгаришлари сезилмайдиган чуқурлик борлигини (бу — Ернинг доимий температура қавати), зилзила натижасида Иордан дарёси тўсилиб қолиб, Улик дengиз ҳосил бўлганлигини айтган (текtonика таълимотига оид бу фикрдан Улик дengиз ер пўстлоғининг ёрилишидан, яъни тектоник ҳодисалар натижасида ҳосил бўлганлиги тушунилади. Зилзила шу ҳодисалар натижасидир), шунингдек, булоқлардан сув отилиб чиқиши сабабларини илмий асослаб берган.

Беруний Непал билан Тибет чегарасида қад кўтариб турган баланд чўққи тўғрисида гапириб, бу чўққидан қараганда Ҳинд дарёси туман ичида қорайиб кўринади, деганида Ҳималайнинг юксак чўққиларидан бири бўлган Жомалунгмага шама қилмаганмикин?

Берунийнинг коризлар қазиш ишларига бошчилик қилганилиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Берунийнинг ҳалқпарварлигидан, интернационалистилигидан ўрнак олса арзиди. Ў араб, ҳинд, юон ва хоразм фанларини, маданияти ва тилини бирдай улуғлаган, турли ҳалқ, турли дин вакилларини қариндош, оға-инидаи кўрган. «Ҳар бир ҳалқ бирон фан ёки амалиётнинг тараққий этганлиги билан машҳурдир»...

«Бошқа халқларни севишини ўрганмоқ истасанг, уларнинг тилини ўрган, ҳаёт тарзини, одатларини, тафаккурларини эҳтиром эт» деган Беруний.

У қадимий ҳинд тилини ўрганган, ҳиндуларнинг илмий ва диний китобларини мутолаа қилган, ҳинд олимларидан таълим олган. Бунинг эвазига ўзи ҳиндулар орасида араб, форс, юнон, яхудий маданияти ва фанини ёйган. У аввало ҳиндуларнинг гўё талабаси, кейинчалик муаллими бўлган. Ҳиндуларнинг уни «бепоён илм уммони» деб атаганликлари бежиз эмас.

Берунийнинг ёзиш услуби, ўз фикрини усталик билан, китобхонга манзур тарзда баён эта билиши, ҳар бир масалага, ҳодисага илмий кўз билан ва танқидий қараганлиги, мустақил хуласа чиқарганлиги, қисқаси, олимнинг ижодий йўли ҳозирги замон олимларини қойил қолдирмоқда. Унинг бутун дунё фанига қўшган бебаҳо ҳиссасини фан аҳллари ҳурмат билан тилга олганлар ва олмоқдалар, уни юксак чўққига, зўр ёритғичга тенглаشتариб: «У Ўрта Осиё илмий тоғликларидаги жуда кўп тепалар орасида бамисоли энг баланд чўққи», «Ўрта Осиё юлдузлар туркумидаги зўр ёритғич», «Араб тилида яратилган асарлар океанидан кўкка мағруона бўй чўзган чўққи». «Ўз даврининг ақл-идрокини мұжассам этибгина қолмай, келажак авлодга ҳам илм-фаннинг янги шуълаларини тарқатган олим» демоқдалар.


Улуғ олим Беруний тўғрисида айтиб ўтганларимиз унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг айрим саҳифалари гинаидир. Абу Райхон Беруний XI асрнинг энг улуғ олими бўлиш билан бирга, фан тарихида чуқур из қолдирган сиймодир ҳам. Унинг ижодиёти битмас-туганмас хазинадир.

## ИБН СИНО

Абу Али ибн Синонинг отаси асли балхлик бўлган; шу ердан Бухоро томонга кўчиб келиб, Хурмайсан қишлоғида турган. Бу қишлоққа қўшини бўлмиш Афшана қишлоғидан уйланган ва шу қишлоқда ўринашиб қолган. Ҳ аср тарихчиси Абу Бакр Наршахий бу қишлоқни таърифлаб: «Афшина катта бир шаҳар бўлиб, қалъаси бор. Бир неча қишлоқлар унга қарашлидир. Одамлар у жойни табаррук дейдилар, ҳафтанинг муайян бир кунида у ерда бозор бўлади» деган. Абу Али 980 йилда шу ерда дунёга келган. Бир неча йилдан сўнг бу оила Бухоро шаҳрига кўчиб кетган.

Абу Али савод чиқариб, турли фанларни ўргана бошлаган. «Кечқурунлари олдимга чироқни қўйиб олиб, то уйқу босгунча ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим», деган Ибн Сино ўз таржи-маи ҳолида. Амир Нуҳ ибн Мансур қаттиқ бетоб бўлиб қолганида уни даволаб, оёққа турғизгани учун Ибн Синога мамлакатнинг энг бой кутубхонаси бўлган сарой кутубхонасига кириб китоб мутолаа қилишга ижозат берган.

«Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари, бир-бирининг устига таҳланган китоб-



Абу Али ибн Сино мақбараси (Ҳамадон шаҳри)

лар бор эди... Ҳар бир хонада фаннинг маълум бир соҳасига онд китоблар тўпланган эди.

Мен у ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳалқ уларнинг номларини ҳатто эшишмаган ҳам эди. Ўзим ҳам уларни бундан олдинлари кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам кўрмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан фойдали фикрларни эгалладим, китобни ёзган ҳар бир кишининг илмий даражасини аниқладим» деган у.

Абу Али, ниҳоят, Бухоронинг энг билимдон олими ва моҳир табиби бўлиб етишган. Унинг ўзи: «ёшим ўн саккизга борганида бор илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим» деган. Хуллас, у билан сұхбатлашиш, ундан маслаҳат олиш, даволаниш ҳар кимнинг орзуси бўлган.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ҳам, бошқа буюк олимларни ки сингари, нотинч ўтган, олим жоҳил подшолар ва мутаассиблар таъқибига учраган.

Шу сабабдан у Бухородан Хоразмга, ундан Хуросонга — Журжон ва Нишопурга кўчган, кейинчалик Эроннинг Исфаҳон шаҳрида бир неча йил яшаб, умрининг охирги йилларини Ҳамадон шаҳрида ўтказган, 1037 йили ўша ерда вафот этган.

Маълумки, ўрта аср олимларининг кўпчилиги қомусчи (энциклопедист) бўлган. Улар фаннинг турли соҳаларида ижод қилинлар. Ибн Сино ҳам, гарчи машҳур табиб — медицина устоди бўлиши билан ном чиқарган бўлса-да, бошқа фанлар билан ҳам шуғулланган. У 300 тача асар ёзган; «Тиб қонунлари» ва «Қитоб аш-шифо» унинг энг йирик асарларидир. Бу асарларда астрономия, геология, физика, адабиёт, философия, биология,

географияга оид, ўз замонасига яраша илғор ва илмий мулоҳазалар бор. Бу мулоҳазаларни уч группага ажратса бўлади: биринчиси — ўзидан илгари ўтган олимларнинг асосан, қадимги юон олимларнинг айрим тўғри фикрларини маъқуллаш ва Шарқ оламига тарқатишга доир мулоҳазалар; иккинчиси — ўзидан бурун ўтган олимларнинг айрим нотўғри фикрларини танқид қилиш ва ўзининг тўғри фикрларини олға суроғга доир мулоҳазалар; учинчиси — ўз кузатишлари натижасида, Ўрта Осиё, Хуросон ва Эронда тўпланган маҳаллий материаллар асосида туғилган янги фикрлар.

Ибн Синонинг география ва геология фанлари соҳасидаги хизматларига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Диққатингизни бир тарихий мисолга жалб қиласиз.

XV аср охириларигача Фарбий европаликлар ер юзининг жуда кичик қисминигина картага туширганлар. Америка, Австралия ва Антарктида қитъалари у ёқда турсин, ҳатто Африканинг марказий ва жанубий қисмларида, Осиёнинг шимоли ва шарқида нималар борлигини ҳам ҳеч ким айтиб бера олмаган. Бу хилват ерлар тўғрисида афсоналаргина тилдан тилга ўтиб юрган. Чунончи, гарбий европаликлар I аср олими Птолемейнинг китобларига асосланиб, экватор атрофи жазирама иссиқ бўлади, у ерларда ҳамма нарса куйиб кетади, шунга кўра бу томонларда ҳаёт йўқ, деб билганлар. XV аср бошида, Португалия қирили Генрих Денгизчи асир олинган мусулмон олимларини сўроқ қила туриб, ғалати бир мулоҳазани эшитган: «Гарчи офтоб нақ тепангизда турса ҳам, экватор энг иссиқ жой эмас, у жойнинг иссиғини кечки шабада анча бўшашибади. У томонда ҳаёт мавжуд, машҳур олимимиз Ибн Сино шундай деб ёзганлар».

Ибн Синонинг бу дадил фикри Птолемей таълимотига тамомила зид бўлса-да, буюк географик қашфиётлар даврига бир қадар далда бергани шубҳасизdir. XV аср ўрталаридан бошлаб жанубий ўлкаларга кетма-кет экспедициялар уюштирилган, аср охирида Ҳиндистонга Африканинг жанубидан ўтиб бориладиган денгиз йўли очилган, гарбий қитъага қадам қўйилган, янгидан янги ороллар, ўлкалар қашф этилган.

Буюк олимнинг латин тилига таржима қилинган китоблари ўрта асрларда Европада табиатшунослик, геология, минералогия ва иқлимшунослик бўйича қимматли қўлланма бўлиб хизмат қиласан. Олим ўшлигидан табиат шинавандаси бўлганки, ўз ўлкасининг табиатини ҳар қадамда кузатган. У китобларида буни тез-тез тилга олган: «Биз болалигимизда бир хил жойларни кўрдикки, у жойларда бош ювишда ишлатиладиган гил бор эди, у жойлар Аму дарёсининг чеккасида эди. Қейин, йигирма уч йилга яқин бир муддатда ўша гилнинг тошга айланганини кўрдик», «Хуросондаги бир тоғдан нон шаклидаги тошни топдим ва бир қанча вақт ўзим билан бирга олиб юрдим», метеорит «тошлардан бирини Хоразмда эритишга жуда уриндим, эримади, ундан кўкимтири тутун чиқаверди».

Ибн Сино ўз даврида кўп шаҳарларни кезган. Она-Ватани Бухородан кейин Хоразмда, Туркманистонда, Эрон шаҳарларида ва Журжон (Қаспий) дengизи бўйларида яшаган. Ўз асарларида бу жойларнинг хусусиятларини мисол тариқасида келтирган. Олимнинг Ҳинд океани, Арабистон, Нил водийси, Узок Шимол, тропик мамлакатларни таққослаганлиги унинг ўша ўлкалар тўғрисида талай китоблар ўқиганлигидан ва сайёхлар билан сұхбатлашганлигидан далолат беради.

Олим Ернинг геологик тарихи тўғрисида бундай нуқтаи назарни айтган: «Ернинг (ҳозир)... инсон яшайдиган қисми ўтмиш замонларда ҳеч ким яшамайдиган ер бўлиб, дengизлар суви билан кўмилиб турган бўлса керак», «...тоғларда тошнинг кўплигига сабаб — олдин дengиз тагида бўлиб, сўнgra кўтарилигач, лой орасида қолиб кетганлигидир»,... «тоғларнинг баъзиси тахлангандай қатлам-қатлам бўлиб кўринади. Бундай кўриниш, у тоғлар лойи бир замонлар шундай қатма-қат тахлангандай вужудга келганидан бўлса керак».. «Текислик ва тоғликдан иборат қуруқлик устини аста-секин дengиз босган, сўнgra текислик лойга айланган (юмшоқ жинс билан қопланган)»... Тоғлардаги оралиқ қатламлар чўкиндига бўлиши ҳам мумкин».

Бундай ҳодисалар ҳозирги геология фанида трансгрессия ва регрессия, бурмаланиш ва чўкиндилар тўпланиши деб аталади ҳамда Ибн Сино фараз қилганидан таърифланади.

...«Ернинг қисмлари турлича — баъзилари юмшоқ ва баъзилари тошдек қаттиқ бўлади. Шунда юмшоқ қисми чуқурлашиб кетади ва тошсимон қаттиқ қисми тепа (дўнг) бўлиб қолади, сўнgra сел ўтаётган жой кунлар оша чуқурлашади ва кёнгаяди, дўнглик эса шу ҳолатда қолаверади... Баланд-паст юзалар (тепаликлар ёки чуқурлик) кўпинча кучли зилзила натижасида ёхуд сойлар сувининг ювиб, қўпориб, айрим жойини олиб кетишидан пайдо бўлади».

Ибн Сино асарларида «кўп муддатлар ичida», «тарих чегаралаб кўрсата олмайдиган муддатлар ичida», «тарих ҳисобига кирмаган муддатлар» каби иборалар учрайдики, бу иборалардан ер тарихи жуда узоқлигини, ер юзи динамик ҳолда ривожланаётганлигини, турли табиий ҳаракатлар содир бўлишини, тоғлар, дengизлар кўп марта ўзгариб, алмашиниб турғанлигини тушуниш керак. Олим Ер юзасидаги баландликлар, чуқурликларни, даралар, ажойиб-гаройиб қояларни, шифобахш «қадам-жойлар»ни бирон-бир илоҳий куч яратмаганлигини, улар шамол, сув, қуёш нури, зилзилалар таъсирида вужудга келганини таъкидлаган. Уша замонларда бу гаплар оламнинг яратилишига боғлиқ диний афсоналарга тамомила зид эди, албатта.

Ибн Синонинг иқлим, атмосфера ва метеорологик элементлар тўғрисидаги изоҳлари ҳам илмий нуқтаи назардан жуда тўғри. Олим, ҳавонинг таркиби мураккаб, у ҳақиқий ҳаво (водород ва кислород), сув буғлари, чанг, дуд ва олов бўлакчалари (углерод) аралашмасидан иборат, деб билган.

«Бизни ўраб турган ҳаво (атмосфера)нинг ерга яқин турган қисми кўпроқ иссийди. Ердан баландроқ қисми эса совуқроқ бўлади. Экваторнинг ўзи энг иссиқ жой эмас. Энг иссиқ жойлар экватордан шимолроқда — шимолий тропикка яқин жойларда ва экватордан жануброқда — жанубий тропик доирасига яқин жойдадир... Кечакундуз ичидаги ҳам энг иссиқ вақт аср номоздан кейинроқ бўлади. Шунингдек, энг иссиқ ой июнь эмас, балки июлга тўғри келади» деган Ибн Сино. Жойнинг иқлими нималарга боғлиқ? деган саволга жавобан: «Бу шаҳарларнинг географик кенглигига, жойларнинг баланд-пастлигига, тоғ ва денгизларга яқинлигига, шамоллар йўлида турганлигига ва тупроққа (яъни ер юзасига) боғлиқ» деган.

Ҳозирги замон фанида ҳам иқлим ҳосил қилувчи омиллар айни шу тахлитда изоҳланади. Демак, бу изоҳ ўша даврдаёқ фан қоидалари қаторига киритилган экан.

1980 йилда Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги бутун дунёда нишонланди. Буюк олимнинг ҳозирги замон фанида геология, география, геоморфология, метеорология ва иқлимини нослиқ соҳаларида қўлланилаётган бир қанча қонуният ва тушунчаларни яратишга кўшган ҳиссаси ана шу юбилейда муносабиравиша тақдирланди.

## ГАРДЕЗИЙ

Абу Сайд Абдулхай аз-Заххак бин Маҳмуд Гардезий Берунийнинг замондошларидан ва шогирдларидан биридир. У асли гардезликдир. Гардез — Афғонистоннинг Фазни шаҳридан жануброқдаги шаҳарча бўлган (ҳозир Пактия вилоятининг маркази). Гардезий ўзининг 1050 йилда ёзган «Зайн ал-ахбор» («Ахборот кўрки») номли тарихий асари билан машҳурдир. Асардаги географик маълумотлар унинг билим даражаси жуда кенг географ, олим бўлганлигидан далолат беради. Олимнинг мазкур китобида узоқ ўтмишда Сибирдаги ва Шарқий Европадаги халқлар ҳандай ҳаёт кечирганликлари, уларнинг урф-одатлари, Хитойга бориладиган карvon йўллари, Тибетдаги ҳаёт қизиқарли тарзда ҳикоя қилинган. Шу асардан парчалар келтирамиз.

«Иртиш — каттагина дарё. Агар бирон киши дарёнинг нариги қирғофида турса, бу қирғоғидан уни таниб бўлмайди. Суви қорамтири. Иртишдан кечиб ўтилса, кимоклар юртига етасиз. Улар ўрмон ичидаги, жарликларда, даштларда яшайди. Сигир ва қўй подалари бор, туялари йўқ. Агар бирор бой чўпон бу ерга туя олиб келса, бир йил ҳам тирик қолмайди: бу ернинг ўтини еб, бўкиб ўлади...»

Бу ўлкада қор қалин бўлади. Айрим йиллари қорнинг қалинлиги найза бўйича бўлади.

...Иссиққўлнинг бўйида 7 кун юрилади. Унга 70 тача жилга қўйилади. Суви шўр».

## НОСИР ХИСРАВ

Абу Мўйин Носир Хисрав ибн Хорис, қисқача Носир Хисрав кўпни кўрган, кўп жойларда бўлган, кўп саргузаштарири бошидан кечирган тожик сайёҳидир. У 1004 йилда Кофирињон суви-нинг Амударёга қуйилиш жойидаги қадимий Қабодиён қишлоғида тугилган (бу қишлоқ ҳозирги Шаҳритуз ёнида бўлган). Шу сабабдан уни баъзан ал-Қабодиёний деб ҳам атаганлар. Амударёдан жанубга — Афғонистонга ўтадиган энг катта кечик (гузар) лардан бири шу ерда бўлган.

Носир Хисрав дастлаб Қабодиёнда таълим олган; кейин ўша даврдаги пойтахт шаҳар Балхда бир неча йил яшаган. У ердан янада Йирикроқ шаҳар — Марвга (ҳозирги Мари шаҳри) жўна-ган ва давлат хизматида бўлган. Шу давр ичida у философия, математика фанларини, қадимги юнон олимларининг асарлари-ни ва Форобий, Ибн Сино каби ўз ватандошларининг меросини ўрганиб, кенг маълумотли ва уқувли одамлардан бири бўлиб етишган. У истеъоддли шоир ҳам бўлган:

«Билим қидиришга урдим бошимни,  
Бекор ўтказмадим умримни бир дам...  
Қайдаки эшитсан илму донишдан,  
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам...  
Бўлади кўпми-оз фойдаланмаган,  
Умримда бирор илм қолмади, десам».

1045 йил кузда Носир Хисрав ўз ватани бўйлаб биринчи бор саёҳат қилган. Марвдан жануб томонга юриб, Мурғоб дарёси-нинг бошларигача етиб борган. 1046 йил баҳорида Носир Хис-рав давлат хизматидан жавоб олиб, укаси Абу Сайд ва ҳинд хизматкори билан бирга Арабистонга сафарга жўнаган. Унинг бу саёҳати XI асрдаги энг узоқ сафарлардан, қизиқ ва самара-ли саёҳатлардан бири ҳисобланади. У Марвдан чиқиб, Эроннинг шинзалий вилоятлари, Арманистон, Туркияning жануби, Ли-ван ва ҳозирги Истроил ерларидан ўтиб Мисрга етиб келган. Мисрдан ҳозирги Тунис вилоятигача борган, сўнгра Арабистон-нинг маркази Макка билан Мадинага ҳам бориб келган. Ниҳо-ят, 1052 йили олим кемада Нил дарёси бўйича саёҳат қилган, сўнгра тута карвони билан қум чўлини кесиб ўтган. Қизил ден-гиз орқали яна Арабистонга қайтиб, Макка орқали Ироққа жўнаган. Носир Хисрав бу сафарида Арабистоннинг энг муд-ҳиш чўлларидан ўтаётганида кўп азоб чеккан, ҳолдан тойган, Ироққа (Басрага) етиб келганида ҳатто оёқ устида туролмай-диган ҳолатда бўлган.

«Биз (Басрага) келганимизда жулдор кийимда ва бедармон эдик, телба одамларга ўхшардик. Уч ойдан бери соч-соқолимиз олинмаган... Менда ва укамда фақат эски луиги қолди, совуқдан елкамизга бир парча чурик шолча ташлаганмиз. ...Ҳаммом ёни-даги болалар бизни жинни деб билишиб шекилли, кетимизга эргашиб, масхара қилиб, бизга тош ота бошладилар».

Носир Хисрав Басрадан Эроннинг Ободон портига яна кемада борган, у ердан тuya карвони билан жўнаб кетган ва бутун Марказий Эрон орқали ўтиб, Балх шаҳрига эсон-омон қайтиб келган.

Шундай қилиб, Носир Хисравнинг бу икки саёҳати роппа-роса 7 йил давом этган. Унинг ёзишича, бу саёҳатлар вақтида у тахминан 2220 фарсах, яъни салкам 15 минг километр йўл босган. Шундан кейин, у, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларини кезган бўлиши керак, чунки «Мен дунёнинг турли иқлимларида, Араб ва Форс, Ҳинд ва Турк мамлакатларида бўлганман» деб ёзган. Носир Хисрав ўзининг «Сафарнома»сида бир ҳодисага қиёс қилиб: «Бу сингарини мени на Лоҳурда, на Мўлтонда кўрганман», «Важҳиддин» китобида эса: Ҳиндистонда, «уларнинг донишмандларидан бу сўзларнинг кўпгинасини эшитганман» дейди; ниҳоят, унинг шеърлар девонида: «Тақдир мени гоҳо Синд томонга, гоҳо Мағриб томонга фироқ этган» деган сатрлар бор. Унинг Ҳиндистонда бўлганлигини юқоридаги сатрлар яна бир бор тасдиқлайди.

Носир Хисрав шарқ томонга саёҳат қилишни орзу этган: «Агар шарққа саёҳат қиласам, у ерларда кўрган нарсаларни тасвирлаб бераман». Лекин орзуси рӯёбга чиқмади. Олимнинг тақдирни бошқача бўлди. Носир Хисравнинг баъзи хатти-ҳаракатлари, мулоҳазалари, таълимоти ўша даврдаги ҳокимларга, дин аҳлларига ёқмаганлигидан уни қаттиқ таъқиб қилганлар. Шу сабабли у узоқ тоғларга — Помир этакларига, Бадахшонга қочиб кетишга мажбур бўлган. Умрининг охирги йилларини Юмғон қишлоғида ўтказган. У 1088 йилда, тахминан 85 ёшида ўша ерда вафот этган. Унинг мақбараси ҳам шу ерда, ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғида. Мақбара 1700 метр баландликдаги тепаликда бўлиб, оқ гумбаз билан қопланган. Мақбара зиёратгоҳга айланган. Маҳаллий аҳоли уни «Мозори шоҳ Хисрав» дейишиди (ҳозирги номи Жарм).

«Бу ерда Носири Хисравнинг мақбарасини кўрсатадилар. Унинг мақбараси устида ҳар хил музика асбоблари: чилдирма, карнай, рубоб, най ва бошқалар созлаб кўйилган. Кимки музика чалишни аҳд қилиб шу ерга келса, асбобларни қўлига олиб қоидаси билан ўйнаса, моҳир машшоқ бўлиб кетади» деган ривоят ҳам бор экан бу мақбара хусусида (Маҳмудиби Вали, «Баҳр ал-Асрор»).

Носир Хисрав ўнлаб китоблар ёзган. Шулардан «Сафарнома» Носири Хисрав номли саёҳат кундалиги, «Рўшнойинома» («Маърифат китоби»), «Зод ал-мусофирин» («Мусофирилар йўл анжоми»), «Жоми ал-ҳикматайин» («Ҳикматлар йигиндиси»), «Важҳиддин», «Саодатнома» («Бахт китоби») ва яна бир қанча фалсафий асарлари ҳамда шеърлар девони бизга маълум. Носир Хисравнинг шеърлар девонида мана бундай ўткир қиёс бор: «Гарчи менинг соглигим ночор бўлса ҳам, ёзган асарларим осмондаги юлдузлардан ҳам кўпроқдир».

Хисрав саёҳат даврида ҳам ижод қилган. Масалан, у «Рӯшнайинома» китобини 1049 йил 9 марта Қоҳирада ёзib тамомлаган. Унинг тожик тилида ёзилган «Сафарнома»си география фани нуқтаи назаридан жуда муҳим китобдир. Бир неча йил муқаддам бу китобнинг рус тилидаги таржимаси нашр этилди.

Носир Хисрав ўз замонасига яраша дунё географиясини пухта билган. У «Сафарнома»да ўзи кўрган мамлакатларнинг мукаммал таърифини берган, ўзи бормаган ўлкалар ва эшигтан ҳодисалар тўғрисида ҳам йўл-йўлакай ёзган. Шу китобда баён қилинган баъзи маълумотларга диққатингизни жалб қилмоқчилиз. Муаллиф Эроннинг шимолидаги Табриз шаҳрини тасвирлаб бўндан деган: «Бу — Озарбайжоннинг пойтахти. Гавжум шаҳар. Шаҳарнинг бўйи ва энини қадам-бақадам ўлчаб чиқдим — ҳар томонга 1400 қадамдан экан... Менга ривоят қилдиларки, бу шаҳарда 1042 йил 5 декабрда зилзила бўлиб, 40 минг киши ҳалок бўлган»... «Мен хисоблаб чиқдим, Балхдан Райгача 350 фарсах масофадир... Рай билан Амул (шаҳри) орасида Дамованд тоғи бор, у гумбазга ўхшаш... Айтадиларки, бу тоғнинг тепасида бир чоҳ борки, ундан дуд чиқади, олtingугурт ҳам бор»... «Айтадиларки, Обискун (Қаспий) денгизига 1400 та дарё келиб қўйилади, денгизнинг бўйи 1200 фарсах ва унинг ўрталарида ороллар кўп».

У Арманистон тоғлигидаги Ахлат шаҳрига бориб, унда араб, форс ва арманлар ҳам яшишини кўргач: «Бу шаҳар турли аҳолилини бўлганлигидан Ахлат деб аталган бўлса керак, деб ўйлайман» деган (бу ерда «ахлат» сўзи «аралаш», «қурама» маъносида ишлатилган).

Ливанинг Маррат ан-Нуъмон номли қишлогини тасвирлаб, дейди: «Бу далаларда нуқул буғдой экадилар, ҳосили ҳам бисёр. Дараҳтлар ҳар хил: зайдун, писта, бодом ва узум. Шаҳарнинг суви ёмғирдан тўпланади ва қудуқдан олинади».

Ўрта дengiz бўйларида «тепалик жой бўлмаса, шаҳар қурмайдилар, токи дengиздан сув қалқиб келиши ва қирғоқча тўлқин урилишидан хавотирдалар». Ўрта дengиз бўйидаги текисликда «дengиз ҳайвонларининг жуда кўп суюкларини кўрдик, улар тупроққа аралашиб кетибди ва тошга ўхшаб қолибди»...

«Овом ҳалқ айтадики, кимки шу водий (Сахира водийси)-нинг охиригача борса, гуноҳкорларнинг дўзахдаги дод-фарёдларини эшигади. Мен бордим, аммо ҳеч садо эшигмадим»....

«Рамла шаҳрининг аҳолиси ёмғир сувини ичади. Ҳар хона-донда сувдон бор, унга ёмғир сувини йифиб қўядилар»...

«Ҳалаб — муҳташам шаҳардир... Чамамда, Балхдан кам эмас»... «Тараблусда яхши қоғоз ишлайдилар, Самарқанд қозозига ўхшаш. Ундан яхшироқдир. Бу ерга Румдан, Фарангистондан, Андалус ва Мағрибдан кемалар келиб туради. Бу ердан Румга, Сицилияга ва Мағрибга кемалар қатнайди»...

«Нил дарёси жануби-гарбдан келиб, Миср ёнидан ўтади ва Рум дengизига қўйилади... Нил суви кўпайганда Термиз ёни-

даги Жайхуннинг сувидан икки баравар ортиқ кўринади... Айтадиларки, Асвон шаҳридан юқорига кемалар юра олмайди, чунки сув тор даралардан бурқираб оқади ва баланд қоялардан учиб тушади». «Адандан ва Ямандан шарқ томонга юрилса — Ҳиндистон ва Хитойга борилади. Адандан жануб томонга борилса, сал ғарбга мойил юрилса, Занжибор ва Ҳабашистонга келасан».

Арабистон «Уч томондан денгиз билан ўралган, шундан яриморолдир. Шарқини — Басра денгизи, ғарбини — Қулзум дентизи, жанубини — Океан ўраб туради. Бу яриморолниң узулиги Қуфадан Адангача (шимолдан жанубга) 500 фарсахча, эни шарқдан ғарбга, Уммондан Жорагача — 400 фарсахча»... «Уммон денгизида ҳар куни икки маҳал сув қалқади, 10 газ кўтарилади ва яна пасаяди. Тик қирғоқнинг ёнида ёки устунга қарабгина 10 газ кўтарилганини билса бўлади, агар қирғоқ ётиқ бўлса ва дўнглари бўлмаса, сув анча кенг ёйилиб кетади. Дажла ва Фрот дарёлари жуда секин оқади, ҳатто баъзи жойларнида сув қайси томонга оқаётганини ҳам англаб бўлмайди. Денгиз суви қалқан пайтда дарё суви 40 фарсахча орқасига сурилиб кетади ва гўё дарё тескари томонга, юқорига қараб оқаётгандай кўринади. Бу ҳодиса денгиз сувининг қалқиши ва қайтиши деб аталади. Бу Ойнинг ҳолатига боғлиқдир». Сўнгра китобда бу ҳодисанинг тафсилоти баён қилинган.

«Сафарнома»да турли мамлакатларнинг қазилма бойликлари, савдо-сотиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, урф-одатлари, улардаги тарихий бинолар тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Хисравнинг бошқа асарларидан ҳам астрономия ва географияга оид маълумотларни топиш мумкин. Масалан, унинг 1061 йилда ёзилган «Зод ал-мусофирин» китоби охирида ҳатто момақалдироқ ва яшиннинг сабаблари тушунтирилган. «Идрок ва маърифат» достони табиий ҳодисалар ва астрономияга доир мулоҳазаларни ўз ичига олган:

«Юпитер, Марс, Ой нурин ким берур,  
Бариси оташ офтобдан келур.  
Денгиз-у, чўл-у, тоғ-у бари замин,  
Ҳавода тургай — йўқдир бўлак замин».

Олим китоб ва илмларни жуда севган, ўз асарларини ниҳоят дараҷада эҳтиёт қилган. Унинг Арабистондан тўппа-тўғри шарққа жўнамай, Мисрга қайтиб борганлигининг боиси ҳам шу, чунки Қоҳирада «китобларим қолган эди» деган. У Айдаб шаҳрида З ой котиб бўлиб ишлаган, бошқа шаҳарда нақдошлиқ қилган, хурмо билан кун кўрган, ёнида сариқ чақаси, ейишга овқати бўлмаганида ҳам китобларини авайлаган: «икки сават китобим бор эди, китобларимни туяга ортиб, ўзим пиёда кетавердим, на йўл бор, на из, чамалаб боравердик» деб ёзган.

Унинг асарларида илм ҳақида мана бундай сатрлар бор:

«Тан тирикдир жон билан, жон тириклиги илм,  
Жонингнинг конидаги гавҳари жондир билим».

«Ўзингни илм бирла безаттил,  
Фақат кимхоб кийган эмасдир гўзал.  
Агар хуррамлик истарсан, сўроқла илм ила ҳикмат,  
Ўшанда илму донишдан олурсан мевайи ҳожат.  
Тўсиқлардан кўрқма, ўрган, бил:  
Билимдон қилас оғирни енгил.  
Совут кийимдир сенга исбот,  
Қалқон бўлғай сенга далил».

«Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир погонаси яна юқорироқ погонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ», «Илм — нарсалар ҳақидаги ҳақиқий тасаввуримиздир» («Зод ал-мусофирин»).

Хисрав фақат илм-маърифат куйчисигина бўлиб қолмай, тинчлик ва халқлар дўстлигининг ҳам тарбиботчиси бўлган: у кишилик жамиятини дараҳтга қиёс қиласи ва турли халқлар шу дараҳтнинг турли шоҳлари эканлигини айтиб, дараҳтнинг шоҳ ва бутоқларини синдириш ақлдан эмаслигини уқдиради:

«Жаҳон халқи бир ниҳолдир, бир дараҳтдир шоҳлаган,  
Ҳеч маҳал, узма ниҳолин, шохини синдирмагил!»

Носир Хисравни Ибн Синога ўҳшатишганича бор; уларнинг шахсий ҳаёти ва ижоди бир-бирига яқин, улар қувғинга учради, шоҳ ва руҳонийлар томонидан таъқиб қилинди. Носир Хисравнинг ҳар соҳада машҳур бўлганлиги ўз замонасида ҳам, кейинчалик ҳам одамларни ҳайратда қолдирган. Ҳатто: «Носир Хисрав икки шахс; бири — сайёҳ ва олим, иккинчиси — шоир ва сунний арбоб», деган афсона ҳам тўқилган.

Хуллас, ўртаосиёлик ва хурсонлик сайёҳ олимлар орасида Носир Хисрав ажойиб бир шахсдир. У бир неча бор ҳаётдан умидини узган, бир неча марта ўлим хавфини бошидан кечирган, йўл юрган, йўл юрса ҳам мўл юрган сайёҳ ва олим.

Носир Хисравнинг «Сафарномаси» ҳақида гапирав эканмиз, асарнинг бир камчилигини айтиб ўтишни лозим кўрдик. Сизнинг лиқватингизга ҳавола қилишадиган «Сафарнома» қўллэзма асарнинг анча қисқартирилган нусхасидир; китобнинг баъзи жойлари ўзгартирилган бўлса керак, хусусан Мисрдаги сайёҳатлари таърифининг анча қисми кейинчалик ўчириб ташланган. Бу ҳол китобда учрайдиган баъзи тўмтоқ жумлалардан ва бир-бирига зид баёнлардан шундайгина билиниб турибди.

«Сафарнома»нинг 1948 йилда қисқартириб русчага таржими қилинган нашрига олимнинг саёҳатлар картаси илова қилинган. Бу олимнинг қайси жойларга қачон борганлиги ва у ердан қачон кетганлиги мазкур картада саналар билан кўрсатилган. Бироқ картанинг баъзи майдада деталлари аниқ эмас, ҳатто ки-

тобнинг текстига ҳам тўғри келмайди. Масалан, картага қарашада Носир Хисрав Қуддусдан Қоҳирага ўтган, кейин Арабистонга — Маккага борган. Аслда эса, унинг Қуддусдан тўппат тўғри Маккага борганлиги, у ердан қайтганидан кейингина Мисрга жўнаганлиги «Сафарнома»да аниқ ёзиб кўйилган. Носирнинг Искандария шаҳрига борганлиги, Африка ғарбиға саёҳат қўилганлиги ва Бағдодда бўлганлиги картада акс эттирилмаган. Ҳолбуки, Носир мазкур асарида Искандариядаги минора ни батафсил тасвирлаб, минора румияликларнинг ҳужум ҳавфига қарши қаратилганлигини айтган ва: «Искандария денгизи Қайрувонгача ёйилган, Қайрувондан Мисргача 150 фарсаҳдир» деган.

Хисрав Искандария денгизи деб Ўрта денгизнинг жанубий кисмини тушунган, Қайрувон эса Тунисдаги қадимиш шаҳардир. Ўнинг Қайрувонда ва Бағдодда бўлганлигини мана бу иборалар кўрсатиб турибди: «Мен Шомдан то Қайрувонга қадар ҳамма шаҳар ва қишлоқларни кезиб чиқдим»... «Мисрда қайиқ ва кемалар шунчалик кўпкӣ, Бағдод билан Басранинг иккалавидаги қайиқ ва кемаларни бирга қўшганда ҳам ўшанча келмайди».

Биз шу қўшимчаларни эътиборга олиб, Носир Хисрав саёҳатининг картасини янгидан туздик. Аммо бу саёҳат йўлларини ҳам мукаммал деб ҳисобламаймиз, чунки «Сафарнома» юқорида айтилганидек, тўлиқ эмас.



Носир Хисравнинг «Сафарнома»сини ўқиб ва унинг дунё тўғрисидаги тасаввурини таққослаганда Абу Райхон Берунийга бир қадар тақлид қиласланлиги сезилади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Носир Хисрав Берунийнинг ватандоши ва замондошигина бўлмай, балки унинг сиртқи шогирди ҳамдир. Афсуски, Носир Хисравнинг «Сафарнома»си ўзбек тилига тўла таржима қилинмаган.

### МАХМУД КОШФАРИЙ

Кашфиёт. 1914 йили Туркияning Диёрбакир шаҳрида бир бева хотин пулга муҳтоҷ бўлганидан китобфуруш дўконига эски қўллэзма олиб келиб: «Марҳум айтган эдиларки, агар қийиалиб қолсанггина шу китобни сотгин, лекин 30 лирадан кам бўлмасин» дебди. Китобфуруш қўллэzmани бунчалик қимматга олгиси келмабди, лекин: «Китоб дўконда туратурсин, харидор чиқса — пулини оларсиз» деб жавоб берибди. Қунлар кетидан қунлар ўтибди. Харидорлар келиб-кетаверибди, биронтаси бу «эски қоззлар»ни 30 лира олтинга олгиси келмабди. Ниҳоят, диёрбакирлик китоб ишқивозларидан Али Амирий афанди дўконга келиб қолибди. Бу кўримсиз қўллэzmани варақлаб чиқиб, оладиган бўлибди, лекин ёнида пули йўқ экан, кўчадан ўтиб кетаётган бир дўстидан қарз олибди.

Али Амирий уйида мазкур қўллэzmани кечаки кундуз ўқиган, ундан кўзини уза олмаган. «Китоб олдим, уйга келдим, емак-ичмакни унудим. Бу китобга ҳақиқий қиймат берилмак лозим бўлса, жаҳоннинг хазиналари кифоя қилмас» деган у. Кейинчалик маълум бўлишича, бу тамомила янги бир асар — Маҳмуд Кошфарийнинг «Девону луготит турк» деган шоҳ асари бўлиб чиқди. Бу қўллэzma «Девону луготит турк»нинг Маҳмуд Кошфарий қўли билан ёзилган асл нусхасидан кўчирилган экан. Бу нусха «Девон» ёзилганидан сўнг салкам 200 йил ўтгач, 1266 йилда кўчирилган. Қўллэzma 319 варақли катта бир жилдан иборат, варақлари таралиб, йиртилиб кетган, на боши ва на охири бор.

Хўш, Маҳмуднинг ўзи ким, қаерлик? Нега «Девон» Осиёнинг узоқ фарбига бориб қолган?

**Маҳмуднинг ватани.** XI асрда Ўрта Осиёда, Бухоро, Самарқанд ва Шош водийсида, шунингдек Иссиккўл бўйларида ва Қашқарда — Қорахонийлар давлатининг пойтахтларида ҳам иирик илм-маърифат марказлари бўлган.

Маълумки, илгарилари хукмрон доиралар ва уларнинг фарзандларигина билим олиш имкониятига эга бўлганлар. Шунга қарамай, Ўрта Осиё шарқидаги бу илмий марказларнинг фан ва маданият тарихидаги хизматлари жуда катта. Қорахонийлар даврининг архитектураси ўзига хос бўлган. Работи Малик, Ўзган мақбараси, Тўқмоқдаги минора шулар жумласидандир.

Баласофуnlик Юсуф хос Ҳожиб 1069 йилда ёзган «Қутадғу билик» («Баҳт келтирувчи биликлар») номли асарини Қашқар

ҳокимиға тақдим қилган. Бу асарда одоб-муомала қоидалари ёзилган, илоҳиёт, фалсафа, география фанларидан, табиий фанлардан ҳамда астрономия, математика каби аниқ фанлардан, медицинадан кўн маълумотлар берилган. Қорахонийларнинг пойттахт мактабларида қуръон, ҳадисдан ва шариат қонунларидан ташқари, араб тили грамматикаси ва синтаксиси, арифметика фанлари ҳам ўқитилган. Маҳмуд Кошғарий ана шундай ўлкаларда ва шундай шароитда дунёга келди.

Маҳмуднинг тўлиқ исми шарифи — Маҳмуд ибн Ҳусайн иби Мұҳаммад. Унинг буваси Мұҳаммад ва отаси Ҳусайн Иссик-кўл бўйидаги Барсғон шаҳридан бўлганлар. Отаси, хизмати юзасидан бўлса керак, Барсғондап Қашқарга кўчган ва шу ерда ўринашиб қолган. Шунинг учун Маҳмуднинг исми Кошғарий бўлиб кетган.

Маҳмуднинг авлод-аждоди ким бўлган? Бу саволга «Девон»га асосланаб жавоб бериш мумкин. Маҳмуд бу асарда ўзи тўғрисида ёзил, туркларнинг «хуш фаҳмларидан, эски қабила-ларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим» деган. Маҳмуд ёшлигида атоқли олимлардан таълим олган. Кейин билим доирасини янада кенгайтириш, саёҳат қилиб дунё кўриши мақсадида аввало Бухорога келган, Самарқанд, Марв, Нишопур шаҳарларида бўлган.

Маълумки, Бухоро XI асрда Шарқнинг энг йирик илмий ва маданий маркази бўлиб ҳисобланган, «Бўхоро мактаби», «Бухоро услуги» барча олимларга, барча кичик илмий марказларга ўрнак ва андаза бўлган. Узоқ Иссик-кўл бўйларида ва Қашқарда яратилган «Қутадғу билик» асарида ҳам Бухоро мактабининг таъсири бор. Бу асарнинг муаллифи медицинага доир маслаҳатларида Ибн Синога эргашган. Кошғарийнинг Бухорода яшаган даври ҳам унинг кейинги ижодига ижобий таъсир кўрсатган бўлиши керак.

Кошғарий Бухородан Бағдод шаҳрига келган, бу ерда бир неча йил яшаган; араб тили ва адабиётининг энг нозик хусусиятларини шу ерда ўрганиб олганлиги шубҳасизdir. У Бағдоддан ўз ватанига қайтиб келган, ўз она тилидан абадий ёдгорлик қолдириш учун бўлса керак, катта луғат тузишга киришган, шу мақсадда бир неча йиллар мобайнида «Румдан Мочингача»— Қора денгиз бўйларидан то Хитойгacha саёҳат қилган: турли қабилалар, ўлкалар, тоғу чўл, шаҳару қишлоқларни кезган. Луғат тайёр бўлгач, яна Бағдодга жўнаган. Ҳозирги замон гарб ва турк шарқшунослари Маҳмуднинг Бағдодга келиб қолиш сабаблари тўғрисида турли фикр ва мулоҳазаларни айтишган. Уларнинг бир қанчаси ўринли ва ишонарли фикрлар, албатта. Биз Маҳмуд Кошғарийнинг Бағдодда истиқомат қилган даври тўғрисида бошқачароқ фикрдамиз. Бундай мулоҳазаларга бориша чет эллик шарқшунослар, хусусан, совет шарқшуносларининг фикрларини эътиборга олдик ва «Девон»даги материаларга асосландик.

Аввало шуни айтиш керакки, Бағдод халифалиги деганда, бу давлатларда фақат арабларгина ҳукмрон бўлган, деган тушунча туғилмасин. Бағдод халифалигидаги амалдорлар, лашкарбошилар орасида араблардан бошқа халқларнинг ҳам вакиллари бўлган. Бағдод шаҳрида бутун бир маҳалла туркий аҳолидангина иборат бўлиб, Бағдод кўчаларида туркий тилларда сўзлашувчи ва ёзувчи кишилар ҳеч кимни ҳайратда қолдирмаган. Халифа хизматидаги туркийлардан бўлган кўпгина амалдорлар давлатнинг ҳамма ишига аралашганлар, халифаларга ўз сўзларини ўтказганлар.

IX—XI асрларда Бағдодга Ўрта Осиёдан ўнлаб атоқли адаб ва файласуфлар келиб, шу ерда ўрнашиб қолганлар. Жумладан, самарқандлик Абу Еқуб Исҳоқ иби Ҳасан иби Кўҳий ал-Хураймий (VIII аср охири—IX аср боши), фарғоналик шоир Ҳалиф ал-Аҳмар, машҳур файласуф Абу Наср Форобий, унинг ҳамشاҳри филолог Исҳоқ ал-Форобий, унинг жияни филолог Абу Наср Исмоил ал-Жавҳарий шулар жумласидандир. Астроном Аҳмад иби Муҳаммад Фарғоний, математик ва географ Муҳаммад иби Мусо ал-Хоразмий, марвлик Аҳмад иби Абдулла Марвазий, балхлик Абу Маъшарлар ҳам Багдодда яшаганилар ва ижод қилганлар. Бағдодда, сўғдийлар маҳалласи бўлганлиги, ҳатто узоқ Уммонга ҳам сўғд вакиллари бориб қолганлиги тўгрисида маълумотлар бор.

Халифа Мұтасимнинг онаси Марида ҳам Сўғдда туғилган. Мұтасим даврида Сўғд, Фарғона, Усрушио ва Шош йигитларидан туркий гвардияга аскарлар олинган, улар халифа таҳтининг таянчи бўлганлар. Мұтасимнинг бир вазири Үтамиш исмли туркий бўлган.

Дамашқ чеккасида Жиллиқ, Шайх Арслон деган туркий қишлоқлар, Ҳалаб ёнида туркийлар яшайдиган Ёруқия қишлоғи бўлганлиги маълум. Ҳатто халифа давлатининг гарбий қисмida — Африканинг шимолида ҳам туркийлар бўлган. Тожик сайёҳи Носир Хисравнинг айни Маҳмуд Кошғарий даврига тўғри келадиган «Сафарнома»сида мана бундай маълумотлар бор: «Қоҳирада сulton ҳузурида турли мамлакатлардан йигилган лашқарлар, жумладан туркистонликлар ҳам бор эди. У ерда турли касб эгалари, масалан, ватъзонлар, адиллар, шоирлар, қонуншунослар кўп эди» («Сафарнома»).

Хуллас, халифа давлатининг пойтахтида турли амалдорларнинг ва олим, адилларнинг мавқеи катта бўлган. Туркийлар араб тилини астойдил ўргангандар, араб амалдорлари ҳам туркий тилларни ўрганишга мажбур бўлганлар, чунки уларда Ўрта Осиё олимлари, кўп ерларга тарқалган туркий қабилалар катта қизиқиш туғдирган. Географ Еқутнинг ёзишича, Аббосий халифа Ибрөҳим иби Маҳмуд туркий тилда бемалол сўзлаша билган. Хуллас, туркий тилларни ўрганиш «зарурлигини ақл тақозо қиласи» деган Маҳмуд. Маҳмуд Кошғарий олим сифатида таниланган вақт ана шундай ҳамкорлик даврига тўғри келди. У ўзидан

илгарироқ ўтган ватандошлари — Форобийлар ва бошқалар сингари иш кўрган туркий йигитдир. Аммо Маҳмуд фанинг бошқа бир соҳасида ўлмас шоҳ асар яратишга даъват этилган эди.

«Девон»нинг қаерда ёзилганлиги тўғрисида кўп хил фикрлар бор. Шарқшуносларнинг кўпчилиги бу шоҳ асар «Бағдодда ёзилган бўлиши эҳтимол», деган фикрда. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. «Девон» шу қадар катта ҳажмли, чуқур мазмунли ва қимматбаҳо асарки, унинг 2—3 йил ичида ёзилган бўлиши эҳтимолдан узоқ. У Бағдод шаҳрида эмас, балки Ўрта Осиёда ёзилган бўлиши керак. Гап шундаки, «Девон» камида 10—15 йиллар мобайнида тайёрланиб, шундан кейингина ёзила бошлиган. Уни ёзиш учун Маҳмуд жуда узоқ лингвистик ва этнографик экспедицияларда бўлган. «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим... Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта, бир асосда тартибга солдим» деб ёзган Кошғарий («Девон»).

Ниҳоят, Маҳмуд узоқ сафардан қайтгач, «Девон»га доир барча материалларни тўплаб, жам қилиб, 1072 йилда асарни ёзишга киришган, бутун вақтини шунга сарфлаган, асарни 1074 йилда ёзib тутагтган, бир неча бор таҳrir қилиб, сўнгра 1077 йилда Халифа Муқтадирга тақдим этган.

Академик В. В. Бартольдни Иттифоқимизда биринчи кошғарийшунос деб аташ мумкин. Шарқшунос С. Волиннинг куйидаги ахбороти шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Унинг айтишича, академик В. В. Бартольд 1919 йилда Петроградда Кошғарий «Лугат»нинг биринчи нусхалари пайдо бўлиши биланоқ ёдгорликдаги тарих учун аҳамиятга эга бўлган барча янги маълумотларни аниқлаб, обзор ёзган. Кейинчалик В. В. Бартольд ўзининг бир қанча асарларида Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотларидан фойдаланган. В. В. Бартольд ўзининг «Қирғизлар» номли асарида Маҳмуд тўғрисида ёзib: «У Ўрта Осиё тўғрисида араб тилида асар ёзган барча муаллифлардан ажralиб туради. Маҳмуд ўз асарини турли китоблардан кўчириб ёзмаган, уни ўз кўзи билан кўриб, билиб олган маълумотларга асосланаб ёзган» деган.

Ўзбек тилишунос олим Солиҳкори Муталлибов «Девон»нинг текстини ва мазмунини кўп йиллар давомида ўрганиб, ўзбек тилига тўлиқ таржима қилди. Бу таржима совет туркологияси соҳасидаги тадқиқотчилар учун катта имкониятлар туғдириб, уларнинг ишини анча осонлаштириди. Ҳозир барча республикаларимиздаги тилишунослар «Девон»ни синчилаб ўрганмоқдалар, ундан жуда мухим янги маълумотлар топмоқдалар.

Қошғарийнинг географик мероси. Маҳмуд Кошғарийнинг умумий туркий тилларни ўрганиш, туркий тил шеваларининг қиёсий грамматикасини тузиш, фольклор ва этнография соҳасидаги хизматлари бениҳоя каттадир; шу билан бирга, у, турли табиий фанлар терминологиясини яратишга ва география фанига ҳам катта ҳисса қўшган.

Кошғарийнинг географик мероси қўйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) «Девон»да берилган табиий географик терминлар ва уларнинг изоҳи;
- 2) «Девону луготит турк» ка илова қилинган дунё картаси;
- 3) «Девон»да учрайдиган жой номлари ва уларнинг изоҳи;
- 4) Ўрта Осиёда айрим қабилаларнинг жойлашиши ҳақида-ги «аҳоли географияси»га доир маълумотлар;
- 5) «Девон»даги астрономик маълумотлар, календарь системаси — мучаллар ва уларнинг тарихи.

Буларнинг айримларини таҳлил қилишга киришувдан олдин «Девону луготит турк»нинг географик аҳамиятини ўрганиш тарихига тўхтаб ўтмоқчимиз.

Ҳозирча Маҳмуд Кошғарийнинг бутун географик меросини қамраб олган яхлит илмий танқидий асар йўқ. Шунингдек, «Девон»даги табииёт ва географияга доир сўзлар-терминларнинг алоҳида-алоҳида таҳлил қилинганлиги ҳам бизга номаълум. Аммо календарь системаси, яъни мучал тўғрисида турк тилида бир мақола ёзилганлиги, рус ва туркман тилларида каттагина мақола — жадвал босилиб чиқсанлиги, Маҳмуднинг дунё картасига бағишлиб немис, турк ва рус тилларида маҳсус мақолалар ёзилганлигини биламиз.

Шарқшунос К. Броккељман «Девон»га немисча кўрсатқич тузган. Б. Аталай тузган индекс (кўрсаткич)лар охирида атоқли отлар рўйхати берилган, лекин уларнинг изоҳлари жуда қисқа, текстдаги изоҳларнинг айнан ўзгинаси шундайгина кўчириб ёзилган. Афсуски, буларнинг биронтасида ҳам дунё картасига ишора қилинмаган.

Атоқли шарқшунос ва географ академик И. Ю. Крачковский ҳам ўз асарида Маҳмуд Кошғарийнинг картасига тўхталиб ўтган. У «Девону луготит турк» қўллэзмасининг топилиши ва босилиб чиқиши туркологияда катта бир воқеа эканлигини, асарнинг лингвистик аҳамияти ниҳоят даражада катталигини таъкидлаб: «У географик жиҳатдан ҳам муҳим; унда туркий фольклорга оид маълумотлар туркийлар ўрнашган ўлкаларнинг тарихий географиясига боғлиқ ҳолда берилган. Қўллэзмада сақланниб қолган доиравий карта дикқатга сазовордир. Гарчи уни Миллер, Герман ва Умняков каби шарқшунослар текширган бўлса-да, картага оид масалаларнинг ҳаммаси ҳал этилган деб бўлмайди» деган (Крачковский, IV, 268—269-бетлар).

Араб тилидаги асарнинг ўзини тўла ўқиб чиқишига И. Ю. Крачковскийнинг балки вақти бўлмагандир, у асосан немисча

мақолалардангина фойдаланган ва «Девон» тұғрисида иккі бет ахборот билан киғояланған, асарнинг география фани нұқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган бошқа томонларини тилга ҳам олмаган, карта тұғрисида унда шубҳа туғилган.

А. Н. Бернштам билан С. Умурзоқов Кошғарий картасининг Қирғизистон қисмими таҳлил қилишган. С. Муталлибов, «Девон»нинг ўзбекча нашрига ёзган сўз бошида луғатнинг географик аҳамияти тұғрисида бундай деган: «Девону луготит турк» да йўл-йўлакай берилган географик маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида шунча катта территорияда ўша даврда бўлган барча шаҳар ва қишлоқлар, денгиз ва кўллар, уларнинг тарихи, жуғрофий мавқеи, уларда яшовчи халқлар, ҳатто мавжуд ҳайвон ва ўсимликлар тұғрисида ҳам анча кенг маълумот берган. Бу жиҳатдан асарнинг қиймати бениҳоя катта». Маҳмуд Кошғарийнинг географик мероси шарқ-шуносларда, географларда жуда катта қизиқиш туғдирғанлиги-дан уни ўрганиш давом эттирилмоқда. Үнинг энг кўп текширилган доиравий картасининг сири ҳали тўла очилганича йўқ.

**Кошғарий асарларидағи география терминлари.** «Девону луготит турк» китобини варақлар экансиз, табиат ва табиий ҳодисаларга, чунончى, ер ва сув, төг ва чўл, иқлим ва осмон, ҳайвон ва ўсимликларга таалуқли мақол, ибораларни, хилмажил, содда ва сермазмун терминларни топасиз. Маҳмуд Кошғарий бу терминларни йиғиш учун кўп йиллар саёҳат қилган, ҳар бир ҳодисага, ҳар бир қабиланинг тилига эътибор берган. Кошғарий ишлатган терминлар ичida жумладан мана бу сўзлар ҳам бор: ариқ, буз (муз), булат, ёз, ёмғир, кечик, кент, куз, кун, кўк, кўл, ой, орт (довон), оқин ва оқинди, сел ва селинди, сув ва сувлоқ, тош, төг, туз (текис), туман, унгур, чақмоқ, яйлоқ, яшин, қайир, қақ, қир, қишиш ва қишлоқ, қор, қўлтиқ, қум ва бошқалар. Бу сўзлар XI асрдан анча илгари пайдо бўлган. Уларнинг баъзилари VII асрга мансуб ўрхун ёзувларида, Култегин ёдгорликларида ҳам учрайди. Ўрта Осиёда XI асрдаётқ бу сўзлар бўлганлиги ва уларнинг ҳозирда ҳам ишлатилиши тилимизнинг асосий лугат составида эканлигидан далолат беради. Баъзи сўзлар ўзбек тилининг актив фондидан тушиб қолгаи, улар айрим топонимлар (жой номлари) таркибидагина сақланган. «Девон»да ер ва тупроққа оид изоҳларда ишлатилган сўзлардан мисоллар келтирамиз:

*Чаланг ер* — қора ер, беёт, шўр ер.

*Сагизлик ер* — соғ тупроқли, яхши ер, *сагиз тупроқ* — тоза тупроқ, соғ тупроқ.

*Тоз ер* — ўсимлиги кам ер, ориқ, ҳосилсиз ер.

*Қайир ер* — юмшоқ тупроқли ер, текис ер, кумлоқ ер (дарё бўйида яшайдиган аҳолига бу сўз жуда таниш. Хоразмликлар *қайир* деб, дарё тошганда вақтинча сув босадиган пастлик ва кумлоқ тупроқли ерларга айтишади. Бу сўз ҳатто рус терминологиясига ҳам кириб кетган: «Кайрные земли»).

*Қазған ер* — ўнқир-чўнқир, ботқоқлик, ёрилиб кетган ер. Ерларнинг ёвузи ўнқир-чўнқир ер.

*Азиз тоғ* — ошиб ўтиб бўлмайдиган баланд тоғ.

*Болдиртоғ* — тоғ бурнига ўҳшаш кўтарилиб чиқсан нарса, тоғ болдири — тоғ бурни (Сурхондарё обlastидаги Болдир номли жой, балки Кўҳитанг тоғларининг бир учи — бурни бўлганигидан шундай аталгандир).

*Орт* — орқа, бўйин, гардон, тоғ тепаси, довон (Ўрта Осиёда орт сўзи билан ишлатиладиган топонимлар анчагина: *Бадалорт* Кўкорт, Музорт, Оқорт, Тўргуорт, Қизилорт ва ҳоказо). «Девон»да ҳатто мақол ҳам келтирилган: «Ялқовга эшик орт бўлур» (ялқовга остона ҳам тоғ тепасидек кўринади, маъносида).

*Унгур* — гор. *Секрик* — тоғдаги жарлик ва даралардан сакраб ўтиладиган жой; *сирт* — кичикроқ тепалар.

*Сўзук сув* — кўм-кўк сув.

*Сувлог* — сув йўли, ҳайвонлар сув ичадиган жой.

*Соф сув* — ширин сув, тоза сув.

*Тамға* — тармоқ, денгиз, кўл ва дарёларга қўйиладиган сувнинг бир тармоғи. Дарё қирғоғида қайиқ тўхтайдиган жой ҳам тамға дейилади. (Иссиққўлнинг жанубида ва Амударё бўйида Тамға номли қишлоқлар бор; эҳтимол, бу ерлар қачонлардир кема тўхтайдиган жой бўлгандир).

*Кўргуғ* — амирларнинг моли боқиладиган кўкатзор; атрофи қуршалган жой («Бобирнома»да ҳам бу сўз бор. Будаговнинг луғатида: кўргуғ — бегоналар учун ман қилинган жой; хон ёзда кўчиб чиқадиган жой).

Бу сўз кейинчалик тожик шеваларига ҳам ўтган: *Кўргуғ мол* — экинлар қўриқчиси; *қўргуқ кардан* — бирон нарсани ўз мулки қилиб босиб олиш. *Кўргуғ* сўзи IX асрда Наршахий тарихида учрайди. Бу сўз кейинчалик дахлсиз, ёпиқ, ман қилинган жой маъносида ишлатила бошлаган; масалан, хон мозори, мулклари, хон ҳарамхонасига нисбатан ишлатилиб турди.

*Кўргунинг ҳозирги маъноси заповедник, заказник.*

Топонимика учун айниқса муҳим бўлган ўкуз сўзига алоҳида тўхтаб ўтмоқчимиз. Урхун ёзувларида *Артич ўкузи* тилга олинган, «Девон»да ҳам бу сўз бир неча марта такрорланган. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»сида (XVI аср боши) Амударё илгари ўкуз деб аталган:

«Айтингиз сувдан ўтормен филҳол,  
Хар қанча бўлса ўкуз моломол  
(Сарой шаҳридан Қундузга ўтишда)  
Сол ила кечти ўкуздан султон.  
Солу маҳ кўрмади андоқ даврон.  
Чунки лашкар бори сувдин ўтти.  
Шоҳ Қундуз йўлини тутди».

Европа шарқшуносларидан Г. Вамбери бу сўзга тахминий изоҳ бериб: «*Оксус*, эҳтимол, ёѓюсь — дарё сўзидан олингацдир»

деган. С. П. Толстов ҳам ўқузнинг қадимда сув, дарё маъносида ишлатилганлигини, туркӣ тилларда унинг ўғуз шаклида ёзилиб, икки хил турдош маънони («дарё» ва «хўқиз») англатганини, юонларда ўқув сўзи Окс деб. Геродотда Акс деб ёзилганлигини, Ўрта Осиё аҳолиси Амударёни XVII асрга қадар Ўқуз деб атаганлигини, бунинг массагетча сўз эканлигини, массагетлар эса Ўрта Осиё туркӣ халқларининг этногезига қўшилганлигини айтган. Бундай мисоллар жуда кўп.

Маҳмуд Кошфарийнинг «Девони»дан биз қўйидагиларни аниқладик: Ўқуз—Жайхун, Фрот каби дарёларга берилган ном. Ўғузлар бу сўзни ўзларининг шаҳарлари жойлашган Банокат водийиси (дарёси) маъносида қўлланганлар. Туркӣ мамлакатлардаги бир қанча бошқа дарёлар ҳам шу ном билан юритилган. Ҳар бир оқар сой шу ном билан аталган. *Товушқон ўқуз*—Уч шаҳридан оқиб ўтадиган бир сойнинг номи. *Балиқлик ўқуз*—балиғи кўп сой. Арғулар ботқоқ ерларни ҳам ўқуз дейишган. «Ул ўқузни тарилмади — у, дарёни кечди, бир оролдан иккинчи оролга ҳатлаб ўтди».

**Метеорология терминлари.** Маҳмуд Кошфарий атмосферада, табиатда содир бўладиган ҳодисаларни диққат билан кузатган, уларнинг сабабларини тушунган, турли халқларнинг об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билиш ва маълум аломатларга қараб об-ҳавони айтиб бериш тажрибасини ўрганган, ўзининг бу тўғридаги мулоҳазаларини айтган, изоҳлар берган. Унинг изоҳларидан мисоллар келтирамиз.

«Шамол қўзгалмагунча ҳаво очилмайди». «Қора булат ел очар». «Тоғдари кунгай томонда ўт-ўлан кўп, қор эса оз бўлади».

*Булат сўйилди* — булат тарқалди, очилди.

*Булат кўрланди* — осмонни ёғинсиз ўтиб кетадиган юпқа булат қоплади, осмон кўзига юпқа парда тутди, деган маънода (фан тилида бундай булатлар юқори қатлам ва баланд қатлам булатлар деб юритилади).

*Эркин ёмғур* — бир неча кун тўхтамай ёғадиган ёмғир. Бундай ёмғир одатда кузда ва қишида бўлади.

*Ёмғирчил ер* — серёғин жой (бу сўзда термин ясаш қондасига асосланилганлиги кўриниб турибди: *ёмғур-чил*).

*Қироғу* — қиров, совуқда осмондан тушади (қиров ҳам ёғиннинг бир туридир).

Маҳмуд қировни *сарқим* деб ҳам атаган.

*Талғор* — ҳар тарафдан эсган қаттиқ изғирин шамолким, кишини бехуш қиласи, ҳатто ўлдиради.

«Девон»да об-ҳавонинг айнишидан дарак берувчи аломатлардан бири тўғрисида мана бундай шеър бор:

«Ой кўруб авлануб,  
Оқ булат ўрлануб,  
Бир-бир ўза ўклануб,  
Сочилуб суви энграшур»

Бу, халқларнинг табиатда бўладиган ҳодисаларни кўп йиллар мобайнида кузатиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билишга уриниш натижасидир. Ой атрофидаги доира эса атмосферадаги оптик ҳодисалардан биридир.

*Күй* — водийнинг қўйиси, туби, текис жойи (Тошкент чеккасидаги Қўйлиқнинг, яъни Чирчиқ водийси пастлигининг номи ҳам шундан олинган бўлиши мумкин).


**Дунё картаси.** «Девону луготит турк» текстида ва картасида юзлаб жойларнинг — мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, дengiz, кўл, дарё ва бошқаларнинг номлари ёзилган, кўпчилигининг географик ўрни ва тарихи кўрсатилган ҳолида тасвирланган.

Картадаги номларни уч группага ажратса бўлади: а) «Девон» текстидагина берилган, лекин дунё картасига киритилмаган номлар; б) асар текстида ҳам, картада ҳам берилган номлар; в) фақат картада ёзилган номлар. Бу номларни алоҳида-алоҳида ўрганиш мақбул эмас (баъзи тадқиқотчиларнинг хатоси ҳам ана шунда), уларни бир-бирига солиштириб таҳлил қилишга тўғри келади, чунки текстнинг ҳам, картанинг ҳам муаллифи бир кишининг ўзи; картага ёзилган номларнинг аксарига текстда изоҳ берилган. Шунинг учун аввало карта ҳақида, сўнгра ундаги номлар тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

Китобга илова қилинган карта битта доирадан иборат бўлиб, ҳозирги шарқий яримшарга асосан тўғри келади. Картанинг арабча босма нусхасининг диаметри 24 см, ўзбекча нусхасиники 18 см (Истанбул кутубхонасида сақланётган нусха булардан катта ёки кичиклигини биз ҳозирча аниқлай олмайдик. Бироқ буни билишининг аҳамияти бор).

Кошғарий тузлган дунё картасига дастлаб немис. шарқшуноси Иосиф Маркварт эътибор берган. У мазкур картага ўз дўсти — картограф тарихчи Конрад Миллернинг диққатини жалб этади. К. Миллер билан араб тили мутахассиси Г. Генслер картадаги анча қийин сўзларнинг маъноларини аниқлайдилар, биргаликда «Кошғарийнинг туркча дунё картаси» сарлавҳали мақола ёзадилар. Лекин Миллер «Девон»нинг текстига, унданги изоҳларга қарамаган экан, шу сабабли мақолада кўптина чала мулоҳазалар айтилган. Доктор Карл Менч картадаги географик номларни «Девон» текстига солиштириб кўриб, бир қанча номларнинг ёзилишини аниқлади.

Ниҳоят, 1935 йилда шарқшунос Альберт Герман Кошғарий картасини астойдил текшириб ва асарнинг текстига солиштириб «Қадимги туркча дунё картаси» сарлавҳали мақола ёзди. А. Германнинг мақоласида Кошғарий картаси тўғрисида жуда кўп маълумот берилган. Совет шарқшунослари И. И. Умняков билан А. Н. Бернштам, шунингдек туркиялик авторлар ҳам картадан фойдаланишган, картадаги янги хусусиятлар, номаълум белгилар, номлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтишган. Бироқ Германнинг мулоҳазалари изчил эмас.



## Маҳмуд Кошғарий түзгөн дүнё картасы

М. Шокир Улкутоширнинг китобида «Девону луготдаги жуғрофий белгилар» (бир бет) ва «Девону луготдаги ҳарита» (икки бет) сарлавҳали иккى мақола берилган. Булар турк авторларининг карта тўғрисида айтган фикрларига ҳам асосланган бўлиб, Кошғарий географиясидан бир оз тасаввур беради, аммо мақолалар, эҳтимол, жуда қисқа бўлгани учундир (атиги 2 бет) аралаш-қуралаш, системасиз, баъзан тўмтоқ мулоҳазалар ҳам учрайди.

И. И. Умняков Кошгари тузган дунё картасини муфассал ўрганиб, шу тўғрида илмий асар ёзи. У ўз асарида В. В. Бар-

тольднинг сўнгги асарларидан, Броккельман, Миллер ва Герман мақолаларидан фойдаланиб бу қадимий картага мутлақо янгича ёндошган.

Шарқшунос С. Волин И. И. Умняковнинг асарига ёзган рецензиясида: «бу — «Лугат»ни ўрганиш борасида олга қўйилган бир қадамдир; асардаги жуда бой тарихий-географик материал совет китобхонларига манзур бўлди» деган; шу билан бирга, асарнинг баъзи камчиликларини, чунончи, Маҳмуд Кошгарий «Девон»идаги тарихий-географик материалга берилган обзорнинг тўла эмаслигини, Умняков «Девон»идаги карта Махмуднинг картасига ўхшамайди, буни бошқа одам тузган бўлса керак, дейиши билан хатога йўл қўйганлигини, у XI аср муаллифига анча ўринисиз, ортиқча талаблар қўйганлигини, унинг картадаги Қораочуқ тоғларини Муғожар тоғлари деб даъво қилиши асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтган.

Маҳмуд картасининг 1930 йилдан бўён кенг тарқалганилиги, турли мақолаларда фото нусхаси ёки чизилган нусхалари пайдо бўлганлиги, немис, рус тилларига ва бошқа тилларга (эҳтимол) таржима қилинганлиги ва шу йўл билан унинг география жамоатчилигига маълум бўлганлиги қувончли воқеадир; бироқ унинг қўлда чизилган нусхаларида, таржималарида баъзи хатоларга йўл қўйланганлиги ачинарли ҳолдир. «Ислом энциклопедияси»нинг «Жуғрофия» сарлавҳали мақоласида берилган картада айрим сўзлар, номлар хато ёзилган, баъзи номлар ўртасига тири қўйилган (Арзи Хуро — сон, Арзи — ал-Ироқайи, Арзи — ал-Ҳижоз ва ҳоказо). Картанинг арабча босма нусхалари ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Масалан, баъзи нусхаларида Каспийнинг шимоли-шарқидаги тоғлар деңгиздан бир оз нарида, баъзи нусхаларида — деңгизга туташиб кетган. Шимол билан шарқ ўртасидаги Жофу ва Улвия шаҳарлари баъзи нусхаларда уч томондан тоғлар билан қуршалган, баъзи нусхаларда (ўзбекча нусхасида ҳам) шарқ томондаги тоғлар чизилмаган.

«Девон»нинг ўзбекча таржимасига (1,64—65- бетлар) илова қилинган картада «Шош» номининг ёнига кимдир «буқоро» деб ёзил қўйибди. Бундай ном асарнинг на арабча нашрида, на «Ислом энциклопедияси»да бор. Яна шу нусхада кўк бўёқлар билан қизил бўёқлар сурилиб кетган, натижада баъзи жойларда дарёлар тоғларни кесиб ўтгандай қўринади, баъзи жойларда эса дарёлар тоғлардан ажралиб қолган. Шимол томондаги тоғлар билан қўмлар орасидаги икки дарё тармоғи сира кўрсатилмаган.

И. И. Умняковнинг мақоласида<sup>1</sup> картадаги сўзлар бундай таржима қилинган: *маскуни қифчоқ — обиталище кифчаков, маскуни қой ва маскуни жумул эса тўппа-тўғри кай, джумул*

<sup>1</sup> И. И. Умняков. Самая старая турецкая карта мира. «Труды Самаркандского ГПИ им. А. М. Горького», вып. 1, Самарқанд, 1940, стр. 103—132. Бу мақолага рецензия ёзилган: С. Волин. «Известия Всесоюзного географического общества», т. 73, вып. 3, 1941, стр. 483—487.

деб ёзилаверган. *Арзи ал-Ироқайн* — страна двух Ираков; билод аз-Занж — страна Зинджей, яъни арз ҳам, билод ҳам «Страна» деб таржима қилинган. *Арзикалим* номи *Арз калим* тарзида ёзилган. Билод сўзи гоҳ страна, гоҳ область деб олинган (билиди Уйғур — область Уйгуротов), баъзан тушириб қолдирилган (билиди аз-Зутт — Аз Зутт, билоди Синд — Синд, билоди Ҳабаша — ал-Хабаша). Умуман, билод, арз сўзларини ишлатишда бир принципга амал қилинмаган. *Икки ўқуз* номи *Иккى югюз шаклида*, *Қўчингорбоши* номи *Конджукар* — баси шаклида ёзилган ва ҳоказо.

Карта рангдор қилиб ишланган, шартли бўёқлар қўйидаги-ча олинган:

**Арабча босма  
нусхада**

**Ўзбекча нусхада**

Денгиз ва кўллар	Тўқ яшил	Қора ранг
Дарёлар	Хира зангори яшил	Хира оч кул ранг
Тоғлар (жибол)	Қалин қизил чизиқ	Қалин қизил чизиқ
Кум чўллар (римол)	Сарғиш яшил, холдор, узун тасма шаклида чизилган	Тўқ сариқ, холдор, узун тасма шаклида чизилган
Шаҳарлар ва баъзи вилоятлар	Сариқ доиначалар	Сариқ доиначалар
Мамлакат чегарала-ри	Қизил рангдаги ингичка чизиқлар	Қизил рангдаги ингичка чизиқлар
Карталарининг тўрт бурчагига «шартли белгилар» ёзилган.	«шартли бўёқлар» ёзилган.	«шартли белгилар» ўрнига

Шуниси қизиқки, баланд тоғлар ёки йирик дарёлар қалин чизиқлар билан, кичикроқлари ингичка чизиқлар билан кўрсатилган. Доиравий картанинг айланасига тўқ яшил ранг (ўзбекчида — қора ранг) доира чизилганки, ер юзини ҳамма тарафдан океанлар ўраб олган, деган тасаввур ҳосил бўлади.

Хуллас, Маҳмуд Кошғарийнинг дунё картаси, шартли белгилари ва умумий манзараси жиҳатдан бошқа шарқий карталарга салгина ўхшашлиги эътиборга олинмаса, улардан жуда фарқ қиласи; шунга асосланиб, биз, уни ўзига хос ягона карта деб ҳисоблаймиз.

А. Герман картанинг шартли белгилари тўғрисида бундай деган: «Белгилари на хитойча, на арабча; айниқса территорияларни тасвирилаши жуда фалати... Картанинг мазмуни ҳам ўзига хос... Бу карта хитой картографиясига ҳам, араб ва ҳинд картографиясига ҳам ётдир».

Совет шарқшуноси С. Волин: бу картада «араб картографиясининг таъсири деярли сезилмайди» деб дадил айтди. Буни мисоллар билан исботлаймиз. Маҳмуд Кошғарий картасининг ўзига хос хусусияти шуки, доиранинг, яъни Ернинг (дунёнинг) маркази Урта Осиёга тўғриланган, аниқроғи, у ўз юрти Иссиқ-кўл билан Баласогун оралигини дунёнинг маркази қилиб кўрсатган. Маҳмуд Кошғарий ер юзидағи бошқа мамлакатларни

ана шу марказдан ҳамма тарафга, бамисоли концентрик радија шуда, ёйилиб кетган деб тасаввур қилган. Ҳолбуки Истаҳрий картасида дунёнинг маркази қилиб Макка кўрсатилган. Ибн Ҳавқал картасида ҳам Ернинг маркази — диёри Араб, яъни Макка ва Мадинадир. Карталарнинг кўлчилигида шундай.

Тарихдан шу нарса ҳам маълумки, қадимги бобил, юони, яхудий, эрон халқлари ўз мамлакатининг сиёсий, иқтисодий, мағкуравий пойтахти ҳисобланган шаҳарни «бутун оламнинг маркази» деб тасаввур этгандар (масалан, Инжилда Ернинг «киндиги» қилиб Иерусалим — Қуддуси Шариф олинган). Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат ўзини Ернинг ўртасида жойлашган деб билган.

Маҳмуд картасининг қоғозда жойланиши ҳам қизиқ. Юқоридаги схемада кўрсатилганидек, қоғознинг юқори томони — шарқ, пасти томони — фарб, ўнг томони — жануб, чап томони — шимол қилиб белгиланган. Умуман география ва картография тарихида шарқ юқори томонда қилиб чизилган карталар бўлган, албатта. Биз, Маҳмуд Кошғарий бу масалада бошқа бир-икки картадан нусха кўчирган ёки тасодифан шундай бўлган, демоқчи эмасмиз. Аксинча, Маҳмуд картасида шарқнинг юқори томонда ва фарбнинг пастида бўлишига сабаб — унинг бир географик системада, Ўрта Осиё халқларининг дунё тўғрисидаги азалдан мавжуд астрономик тушунчалари асосида қилинганлигидир.

Ахир, VIII асрга мансуб қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, кун чиқиши илгари томон, олд томон бўлиб ҳисобланган; дунёнинг бошқа томонлари шу асосий томонга нисбатан аталган: «биргару»— ўнг (жануб) томон, «қуриғару кун ботсиқи»— орқа, кун ботиш (фарб) томон ва «жирғару»— сўйл, шимол томон. Бу томонлар «тўрт булунг»— тўрт бурчак деб аталган. Хуллас, қадимий туркий тилда «юқори» сўзи шарқ томонни, «кўйи» сўзи эса гарбни билдирган.

Демак, «Девон»даги «Баласофуннинг юқори ёни» иборасини «Баласофуннинг шарқий ёни» деб, «Барсғон қуйисидаги Қаёс» шаҳарчаси иборасини «Барсғоннинг ғарб томонидаги Қаёс» шаҳарчаси деб тушуниш лозим. Кошғарий дунё картасининг юқори томони нега «шарқ» қилиб белгилаганини ана шу мисоллардан тушуниб олган бўлсангиз керак. Биз, дунё томонларини аниқлашда Маҳмуд бошқа арабча карталарга эргашмаган, деган фикрдамиз.

Кошғарий картасининг яна бир хусусияти шуки, ундаги ўзаро географик боғланиш яққол кўриниб турибди: дарёлар тоғлардан бир неча шоҳобча бўлиб бошланади ва кўлларга ёки денгизларга қўйилади. Шаҳарлар аксари ҳолда ё төр сралигига, ё дарё бўйида, шаҳарлар бир-биридан кўпинча бир хил масофада ипга тизилган мунҷоқлардек қатор жойлаштирилган. Масалан, Тароз ва унинг қаторида 5 та шаҳар, Барсғон ва унинг ёнида 5 та шаҳар, Шош ва унинг атрофида 5 та шаҳар, Руснинг

теварагида ҳам 5 та шаҳар, Табаристонда ҳам, Гузия мамлакатида ҳам Жанд билан бирга жами 5 та шаҳар, Шончу қаторида ва Кашмир рўпарасида ҳам 5 тадан шаҳар бор.

Энди, картадаги географик номларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқайлик. Немис шарқшуноси А. Герман «Девон» асарига илова қилинган картадаги жой номларининг рўйхатини тоғлардан бошлаган, кейин дарё ва кўлларни, сўнгра мамлакатлар ва шаҳарларни ёзган. И. Умняков эса рўйхатни Садди Зулқарнайн, Мосин, Сарандиб, Баласоғун ва ҳоказо деб бошлаган; унинг қандай принципга амал қилганлигини билолмадик. Бу номларнинг бири — жануби-шарқдаги девор, иккинчиси — шарқдаги мамлакат, учинчиси — жанубдаги орол, тўртинчиси — марказдаги шаҳар, хуллас, рўйхат бир системага солинмаган, тасодифан тузилганга ўхшайди.

Жой номларини бошқа усулларда, масалан, алфавит тартибида текшириш ҳам мумкин. Лекин бунинг қийин томони ҳам бор: номлар араб тилида ёзилган, уларни ўзбекчага ёки русчага таржима қилганда сўзнинг бош ҳарфи ўзгариб кетиши мумкин (масалан, водий Ила — Ила дарёси — река Ила, жабали Қораҷуқ — Қораҷуқ тоги — гора Каракчук ва ҳоказо). Ўша тилларнинг алфавитига мослаб уч хил рўйхат тузиш тадқиқотчиларнинг ишини қийинлаштирган бўлур эди. Биз номларни регионал тартибда таҳлил қилишни маъқул кўрдик. Бу тартибда ҳар бир ўлка алоҳида-алоҳида ўрганилади. Картада ёзилган 50 тача ном ҳеч қандай баҳс туғдирмайди ва изоҳ ҳам талаб қилимайди; биз улардан бошқаларига изоҳлар бердик ва таҳлилни марказдан — Ўрта Осиёдан бошладик.

**Ўрта Осиё.** Маҳмуднинг тасвирича, Ўрта Осиё ер юзаси жиҳатдан тоғлик ва текислик қисмлардан иборат; унинг теселиқ қисми ҳозирги Қозогистон, Ўзбекистон ўлкаларига тўғри келади. Шимоли-гарбда фақат битта тоғ — Жабали Қораҷуқ ёзилган, бошқаларининг ёзуви йўқ. Ер юзининг маркази қилиб қорахонийлар давлатининг пойтакти, сиёсий, илм-маданият маркази Баласоғун шаҳри олинган. X—XI асрларда ҳақиқатан ҳам Баласоғун йирик шаҳар бўлган. Бу шаҳарни ҳозирги географик карталардан тополмаймиз, ҳатто археологик карталарда ҳам унинг ўрни аниқ эмас. Кўпчилик олимларнинг фикрича, у Тўқмоқ шаҳри ёнида бўлган. Баласоғун, баъзи олимлар айтганидек, X асрдагина бунёдга келган эмас. У ундан илгари ҳам бўлган, эҳтимол, у вақтда бошқача аталганadir. XII асрда бу ерга Хоразмшоҳ бостириб келган, 1218 йилда уни Чингизхон истило қилган; XIV аср охирида бу шаҳар вайронага айлантирилган.

Баласоғун шаҳрининг энг қадимги номи Биклиг, мўгулча номи Губолиғ (Гўзал шаҳар), маҳаллий (чиғил ва аргуч) номлари Кузулиш, Қузурду. Бу шаҳар ёнида, тоғлар орасидаги кўл бўйида Барсгон шаҳри жойлашган. Аниқланишича, Барсгон ёки Барсхон шаҳри ҳозирги Иссиқкўл бўйида — унинг жануби-шарқий бурчагида, Қўйсара яқинида бўлган.

Кошгарий картасида Барсғон ёнидаги кўлнинг номи ёзилмаган, аммо «Девон» текстида у Иссиқкўл деб аталган. Асарда Иссиқкўл тўғрисида жуда аниқ маълумотлар берилган: «Иссиқкўл — Барсғонда бир кўл, узунлиги 30 фарсах, эни 10 фарсах» (III, 149- бет). Агар фарсах километрга айлантирилса, Иссиқкўлнинг узунлиги 180 километр, эни 60 километр бўлади. Бу унинг XI асрдаги катталигидир. Ҳозирчи? Кўп йиллик текширишлар натижасида аниқланишича, ҳозир кўлнинг узунлиги 182 километр, эни — 58 километр.


Маҳмуд Кошгарий картасида Урта Осиё қўйидагича тасвирланган. Сирдарё, гарчи номи ёзилмаган бўлса ҳам, жуда аниқ чизилган. У икки тоғдан сув олади, бир ирмоғи — «Ябақу суви» Кошғар тоғларидан чиқиб, Фарғона билан Узганд орасидан оқади, бу — ҳозирги Қорадарё (картада 11 рақами билан кўрсатилди); иккинчи ирмоғи шимолдаги Кўчинкорбоши ёнидаги тоғлардан бошланиб, Косон ёнидан ўтади (Норин суви, картада 10); сўнгра улар бирлашиб, Фарғона водийсининг Марғилон, Хўжанд шаҳарлари оралигидан оқиб ўтиб, шимолга бурилади. Тошкент шарқ томонда қолади, қуи оқимида Жанд шаҳри ёнидан ўтади.

Амударё ҳам йирик ирмоқлардан ҳосил бўлган; улардан бири (14) Кошғар чегарасидаги тоғлардан (Сурхоб—Вахш), иккинчиси (15) Кашмир чегарасидаги тоғлардан (Ваҳондарё—Панж) бошланиб, Афғонистон чегарасида қўшилиб, шимоли-арбга оқади ва Хоразм ёнидан ўтади. Бу иккала дарё ўртасидаги узун тоф (5) — Олай, Туркистон, Зарафшон тизмалари, Жайхун ғарбидаги қумлар (8) — Қорақум; у ўз ўрнига тушган.

Маҳмуд Кошгарий картасида йўл қўйилган хато — мазкур дарёларнинг Обискун (Қаспий) денгизига қўйилишидир. Лекин бу кечиравли хатодир, чунки XV—XVI асрларда ҳам бу дарёларнинг Қаспийга қўйилиши ҳақида ривоятлар бўлган.

Шош (Тошкент) билан Косон орасидаги номи ёзилмаган шаҳарлар (картада 1, 2, 3, 4 билан белгиладик) Чиночкат (1), Банокат (2), Тункат, яъни Илоқ (3), Ахсикат (4) эмасмикин? 6 билан кўрсатилгани Уш ва 7 билан кўрсатилгани Бухоро бўлиши керак. Схемада Амударё бошларида 9 рақами билан кўрсатилган жой ҳозирги Тожикистон деган фикрдамиз; қадимги Хатлон, Чагониён ва Тўхористон унинг йирик шаҳарларидир. 12 — Фарғона тизмаси, 13 — Чотқол тоғлари, 16 — Талос тоғлари бўлиши керак. Испижобдан шимол томонга юрilsa, «жабали Қораҷуқ» номини, унинг тагида қисқа қалиб чизилган тонни кўрамиз. Бунинг Қозогистондаги (Чимкент билан Туркистон орасидаги) Қоратов эканини Миллер ва Герман ҳам айтган. Қораҷуқ номли қишлоқ ҳозирда ҳам бор — Туркистон шаҳри чеккасида.

**Марказий Осиё.** Картанинг энг марказий секторида Осиё қитъасининг шарқий мамлакатлари тасвирланган. «Уйғур вилоятида бешта шаҳар бўлиб,... булар Сулми, Қўжу, Жанбалик,



Махмуд Коштарий Урта Осиёни шундай тасаввур қылған. Конгартар картасыда үрни күрсатилиб, номи ёзил-маган жойларни биз ракамдар билан белгилдейк; уларнинг таҳминий номлари куйилдишар:

I. Чимкент. 2. Астана. 3. Түнкөт. 4. Ахсанат. 5. Олай. 6. Бұхоро. 7. Қарағаш. 8. Қоракум. 9. Токиңстен. 10. Норин. 11. Корадаре. 12. Фарғона газаси. 13. Җарғолар. 14. Суркоб-Бағш. 15. Пайж. 16. Тағас тоғлар. 17. Саброн.

Бешбалиқ, Янгибалиқ шаҳарлари дидир... Уйгурларнинг энг катта шаҳри Бешбалиқдир». «Балиқ» суви жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида «шаҳар» маъносига ишлатилганлигидан, Бешбалиқ — «Беш шаҳар», Янгибалиқ — «Янги шаҳар» деб тушунилиши керак.

Ундан жануби-шарқдаги ёзув — «фиёфи ва римол яғур алмой фийҳо» (дашт ва қумликлар, буларда сув сингади) Лобнор қўли районига тўғри келади. Бу пастлиқда қум, балчиқ ва ботқоқ кўллар бор. Ёғин жуда кам ёғади. Баландлиги 100 м келадиган кум тепалари мавжуд. Уларгача чўзилиб борган узун чизик — Тарим дарёсидир. «Тарим — кўл ва қумликларга қўйила-диган сувларнинг қирғоцлари; Тарим — Уйғур чегарасида Кучо яқинидаги бир жой номидирки, уни Усми Тарим дейдилар. У ерда оқадиган сув ҳам шу сўз билан аталади. Усми Тарим — ислом шаҳарларидан уйғурларгача оқадиган катта бир сув. У ерларда (Уйғурларга етгач) қумга сингиб кетади». («Девон»).

Демак, Усми Тарим номли жой бўлган; бу ҳозирги Тарим қишлоғи (Оқсув шаҳрига яқин) бўлса керак. Оқсув дарёси эса Усми Тарим дарёси дейилган. Бу дарё қумларга сингиб кетар экан. У даврларда умуман кўл ва қумликларга қўйиладиган сувларга «тарим сув» дейилган.

Кошғарийнинг бу ажойиб изоҳи табиий география учун жуда қимматлидир, чунки маҳаллий халқ Марказий Осиё дарёларининг «кўрлик» хусусиятини, қумларга сингиб фойиб бўлишини яхши билган ва бунинг учун махсус ифода — «тарим сув» сўзини яратган. Шу билан бирга, бизга Тарим дарёсининг этиологияси ҳам маълум бўлди. Бу дарёнинг номи тарма, тариф, тарим (дехқончилик) сўзларидан олинмаган, балки бевосита «қумликка сингадиган дарё» бўлгани учун шундай аталган.

**Жобарқо — Япония.** Картанинг энг шарқий чеккасига Жобарқо деб ёзиб қўйилган; бу жой номи чуқур таҳлил қилиниши лозим. Бунинг Япония эканлигини В. В. Бартольд аллақачон айтган эди. Кейинчалик Герман ва Умняков ҳам бу тахминни тақрорладилар. И. Ю. Крачковский: «Картадаги бир номни Японияга ўхшатиш — ишонарли эмас» деди (268- бет). Бироқ «Жобарқо» сўзи ҳақиқатан ҳам Японияни билдиришини тадқиқотчилардан биронтаси ҳам ҳали асослаб ва исботлаб берган эмас. Биз бу сўзининг Японияни англатишини исботлашга уриниб кўрамиз. Бу тўғридаги дастлабки мулоҳазаларимизни 1960—1961 йилларда айтган эдик. Энди, сизни шу масала билан боғлиқ янги маълумотлар билан таништириб, бир қанча масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Биринчи масала. «Жобарқо» сўзининг «Япон» сўзига дахли борми? Ҳа, бор. Японлар ўз мамлакатини Ниппон деб атайди. Бу сўзининг белгиси, яъни иероглифини хитойлар Жибенъ деб талаффуз этади. «Жибенъ» сўзининг маъноси — «Қуёш чиқиши» демакдир. Шундай қилиб, хитойлар ўзларидан шарқдарақ жойлашган оролларни — Японияни Жибенъ деб атаганилар.

Баъзан бу сўзга го (мамлакат) суффикси қўшилиб, Жибенъого деб ҳам талафуз этилган.

XIII аср охирида Хитойда хизмат қилган итальян сайёхи Марко Поло «Жибенъого» сўзини «Чипангу» деб бузиб ёзган. Тарихчи Рашидиддин эса (XIII аср) уни Чимангу деб ёзган. Қўриниб турибдики, Жибенъого — Чипангу — Чимангу — Жобарқо бир номнинг турли шакллариdir. Шуни ҳам айтиш керакки, Жобарқо номи Маҳмуддан илгари ҳам Шарқ географиясида жануб томондаги афсонавий бир ернинг номи бўлиб юритилган. Аммо Маҳмуд бу номни афсоналийдан «чиқариб», конкрет бир жойни шу ном билан атаган.

Иккинчи масалада. Туркий халқлар, жумладан, М. Коштарий Жобарқо — Япония сўзини қаерда эшитган ва кимдан билб олгац?

Марко Поло Чипангу — Япония тўғрисида Хитой ҳоқони Хубилайхоннинг саройида эшитган. Саройда Марко Полодан анча илгари борган уйғурлар ва ўртаосиёликлар бўлган. Умуман, мусулмонлар маданияти Марко Полога катта таъсир кўрсатган. У уйғурлар ва мусулмонлар билан муносабатда бўлган, географик номларни ҳам мусулмонча талафуз этган.

Демак, туркий халқлар Чипангу — Японияни Марко Полодан олдин билганлар. Тибетликларнинг достонларида ҳам Жомбона мамлакати тилга олинган. Қултегин ва Тўнуқуқ ёдгорликларида (VIII аср) «Шарқда Шантунг текислигигача лашкар тортдим, дентизга сал етмадим», «Шантунг текислигига Яшил Угуз дарёси оқади», «Шантунг шаҳарларига ва денгиз дарёсигача лашкар тортдим» дейилган.

Тарихдан шу нарса маълумки, X асрдан олдин японлар Хитойга бориб-келиб турганлар. Бироқ араблар Японияни билмаган бўлишлари мумкин. «Япония тўғрисида арабларга миш-мишларгина етиб келар эди... Халифа Восиқ (842—847 йилларда ҳоким бўлган) бир куни тушида Яъжуҷ ва Маъжуж қабилаларига қарши тўсик қилинган Искандар Зулқарнайн деворини (Садди Искандарни) кўрган экан. Унинг қандай эканлиги (бор-йўқлиги) ни текшириб келишни Саллом таржимонга топширган» (Бартольд).

Учинчи масалада. Маҳмуд картасида Иссиқўлдан Жобарқогача бўлган масофа Иссиқўлдан Ҳабашагача бўлган масофага тенг. Ҳозирги карталарда ўлчаб кўрилганда ҳам бу масофалар худди шундай. Бу ҳам бир далил.

Тўргинчи масалада. Маҳмуддан, яъни XI асрдан кейин Урта Осиёда ёзилган китобларда Жобарқо номи учрайдими? Ҳа, учрайди. XVII асрда ёзилган бир географик асада «Жобар» сўзи тилга олинган қўйидаги сатрларни ўқидим: «Жобар ороли океандадир, у оролгача 80 кунлик йўл, унинг аҳлиниң ичадиган суви ёмғур сувидир». Бу қўллэзманинг бошқа нусхаларида ҳам (Ўз ФАШИ. инв. № 409, саҳифа 207- б, № 2797, саҳифа 217- а) бу сўз бор, лекин изоҳи қисқароқдир. Қизиғи шун-

даки, бу оролнинг таърифи туркӣ ерлар орасида «Хоразм» номидан кейин берилган. Шундай қилиб, М. Қошғарийнинг «Девон»идаги изоҳ: «Жобарқоликларнинг узоқда туришлари, Мочин билан уларни катта дengиз айириб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди» дейилганлиги ҳамда бу жойнинг карта даги аниқ тасвири, XVI асрда ижод қилган муаллиф Абулқосимнинг Жобар ороллари серёмғирлиги тўғрисидаги ахбороти ва бизнинг юқорида баён этган тарихий далилларимиз — буларнинг ҳаммаси Маҳмуд картасидаги Жобарқо ҳақиқатан ҳам Япония бўлиши керак, деган фикрни қувватлайди.

**Жанубий Осиё.** Тибет сўзи картада ёзилмаган, аммо текстда Тибетнинг таърифи берилган: «Тубут—Шарқ томони Чин, гарб томони Қашмир, шимол томони Уйғур эллари, жануб томони эса Ҳинд дengизидир»; «Тубутларнинг тиллари алоҳидадир».

Картанинг жануби-шарқий чеккасидаги ярим доира — Садди Зулқарнайн (Искандар Зулқарнайн девори) ичига «Арзи Яъжуҷ ва Маъжуҷ» деб ёзилган. Бу — афсонавий ер. Қадимий афсоналарда айтилишича, узоқ-узоқларда яъжуҷ ва маъжуҷ деб аталадиган ёввойи ва очкӯз қабилалар яшармиш; буюк Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) уларни енгган ва ўз ерини темир дарвозали баланд девор билан тўсиб қўйган эмиш. Деворнинг икки учи дengизга тақалган эмиш... Бу деворни араб-эрон халқлари — Садди Искандар, туркӣ халқлар эса Бурқурға деганлар. Европа халқларида ҳам «Земли Гога и Магога» деган тушунча бор. Кўпгина шарқий карталарда «Яъжуҷ-Маъжуҷ ери» Осиёнинг шимолида, ҳатто Ўрта Осиёнинг қўшниси қилиб тасвирланган. Маҳмуд эса яъжуҷ-маъжуҷларни, умуман, Осиё қитъасидан «ҳайдаб чиқариб», дунёнинг жануби-шарқий чеккасига (Океания ва Австралия томонга) шартли равишда ёзib қўйган. Картанинг гарбий ярмида — Эрон, Ирок, Арабистон, Марказий Африка (Барбар, Зутт, Ҳабаша, Занж), Шимолий Африка (Қайрувон ва бошқалар, Миср, Искандария, Мағриб) ва Испания (Андалус) тасвирланган. Энг чекка гарбда, океан бўйлаб «Ҳарорат ғалаба қилганидан у ерда одамзод яшамайди» дейилган, бу — Саҳрои Кабир ерлари ва экваторнинг дим жойларидир.

Европа ва Шимолий Осиё. Қаспий дengизи унинг жануби-шарқий бурчагида бўлган Обаскун ороли ва бандари номи билан Баҳри Обискун дейилган. Денгизнинг ғарб ва шимол томонида Рус (Русь), Сақолаба (славянлар, Шарқий Европа) ва Варанг (Балтика дengизи, Скандинавия) кўрсатилган. Энг чеккадаги доирачада *الملحق* сўзи ёзилган. Буни ўқишимиз анча ҳийин бўлди. Герман уни Abamdz (?) шаклида ёзган; И. Умняков эса уни «Маджус» бўлса керак, дейди. Бизнингчча, буларнинг иккалови ҳам тўғри келмайди; у кўпроқ «алмажар» сўзига ўҳшайди, славян ва бажанак (печенег) ларнинг ғарбий қўшниси — венгерлар ўзларини можор (мадъяр) лар деб атаган.

Қаспийнинг шимолидаги кичикроқ тоглар ва сертармоқ дарё-

ларни Шарқий Европа текислиги деб тушунмоқ керак. Волга (Этил) дарёси ҳам шу ердаги тепаликлардан (Урта Россия қирларидан) сув олувчи бир неча ирмоқнинг бирлашувидан ҳосил бўлган. Каспийнинг шимоли-шарқидаги (Булғор ёнидаги) катта тоғ Урал тоғлари бўлса керак. Булғорнинг ўзи X—XI асрларда машхур бўлган пойтахт шаҳардир. Унинг вайроналии Волганинг чап қирғоидан 6 километр нарида, Татаристон АССРнинг Қуйбишев районидаги Булғор қишлоғидадир.

Картанинг энг шимолидаги «Совуқ ғалаба қилганидан одамзод яшамайди» деб ёзилган жой Европанинг шимоли ва Арктика қисмидир. Маҳмуддинг картасида Шимолий Осиё (Фарбий ва Шарқий Сибирь) 15 та ёзув билан тасвирланган. Бу ерда «водий Эртиш» — Иртиш дарёси ва бир қанча даштлар бор. Иртиш дарёси баланд тоғ бағридан, яъни Олтой тизмалари орасидан бошланган.

Картада бир жой жуда қизиқ ном билан: «балдаи Нисо», яъни «Хотинлар мамлакати» деб аталган. Бу номга кенгроқ изоҳ беришни лозим кўрдик. Шарқ мамлакатларида ҳам, Фарб мамлакатларида ҳам «Хотинлар мамлакати» тўғрисида афсоналар тўқилган («Страна амазонок», «Магдебург», Чеховда «Девин»). Геродот, Страбон, Ариан ва бошқаларнинг асарларида Кичик Осиёдаги аллақандай «чавандоз аёллар», «эрёқмас хотинлар» гуруҳи борлиги ҳикоя қилинган. Бу жойнинг «географик ўрни» гарбдан шарққа сурилавериб, пировардида йўқ бўлиб кетган. Аммо ўрта асрларда шундай жой борлигига ишонгандар. Масалан, ал-Бакри «Русларнинг фарб томонида хотинлар жойлашган» деб ёзган. «Минг бир кечак»нинг 588—590-кеча ҳикояларида ҳам бир ёш йигитнинг ана шундай «Қизлар ороли»га бориб қолгани ҳикоя қилинган. Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома»сида Барда мамлакатидаги (Кура водийси) хотин подшолиги тасвирланган. Монголларда ҳам «Қиз халқлар» афсонаси бор. Қорақалпоқларнинг «Қирққиз» достонида ҳам шундай «Қизлар ороли» таърифланган. Тарихдан маълум бўлишича, хотинлар мамлакати тўё Африкада бўлган. Жамолиддин Абуфий «Жами ал-ҳикоят» асарида (XIII аср) бундай ёзган: «Ривоят қиурларки, Мағриб чўлида фақат хотинлардан иборат халқ бордир». Ҳамдаллоҳ Қазвиний «Нузҳат ал-қуруб» асарида (XIV аср) Африкадаги «Хотинлар мамлакати»ни тасвирлаган: «Бу мамлакатда деҳқончилик, косиблик каби эркак ишларини ҳам хотинларнинг ўзи бажаради. Бу хотинларнинг катта-кичиги баббаравар, даромад ва буромад устида жанжал қилишмайди, уларнинг дини мол орттиришга ижозат бермайди». Португал ва испанлар Американи босиб олганларида у томонда ҳам «Хотинлар мамлакати» тўғрисида эшитгандар. Қолумб ҳам бир оролнинг нуқул хотинлардан иборатлигини ёзган. Шундай ривоятлар, афсоналар таъсирида бўлса керак, Маҳмуд ҳам Узоқ Осиё чеккасига «Хотинлар мамлакати» деб ёзиб қўйган.

Картада бирон масштабга амал қилинганми? Сиртдан қараганда карта жуда схематик тузилган. Тоғ, дарё ва давлат чегаралари тўғри чизиқлар билан кўрсатилган. Шундай бўлсада, картада масофалар ўлчовида бирон қонуният бўлса керак, деб тахмин қиласиз. Қани, Кошғарий картаси билан бугунги карталарни солишириб кўрайлик-чи.

Каспий денгизининг шимолий қисми кенгроқ, жанубий қисми торроқdir. У ҳақиқатан ҳам шундай. Каспий денгизининг шимолдан жанубгача бўйи — Самарқанд билан Хўтан шаҳарлари орасидаги (тўғри) масофага тенг. Ҳозирги карталарда ҳам шундай. Кошғарий картасида, Иссиккўл бўйидан қараганда, Япония шарқ томонда, Ҳабаша эса жануби-гарбда. Ҳозирги карталарда ҳам шундай. Иссиккўлдан Япониягача бўлган масофа Иссиккўлдан Ҳабашистонгача бўлган масофага баравар. Бу, ҳақиқатан ҳам шундай.

Масштабга оид яна бир қонуниятга диққатингизни жалб қиласиз. Иссиккўл атрофларида масштаб каттароқ, яъни масофалар унча кичрайтилмаган, лекин Иссиккўлдан узоқлашган сари кўпроқ кичрайтирилган. Демак, картанинг икки-уч хил масштаби бўлган бўлса ажаб эмас. Ахир, ҳозирги дунё карталарида ҳам масштаб бир хил эмас. Дунё карталарида экватор устидаги масштаб «асосий масштаб» ҳисобланади, экватордан узоқлашган сари ҳар икки томонда масштаб ўзгаради; СССР картасидаги асосий масштаб— $50^{\circ}$  шимолий паралелга тўғри келади, бошқа томонларнинг ўлчови бошқачароқdir. Шунинг учун Маҳмуд картасида масштаб турлича олинганилгига ажабланмаса ҳам бўлади. Картани ким тузган ва ким чизган? Бу тўғрида илгари ҳам турли мулоҳазалар айтилган. Баъзи олимларнинг фикрича, карта Маҳмудники эмас, у асарга кейин қўшиб қўйилган. Бошқа олимлар, уни Маҳмуднинг ўзи тузган, лекин кўчирувчи хаттот унга баъзи ўзгаришларни киритгандир, дейишган. «Доира»ни ўзи тузганлигини Маҳмуд асарнинг икки жойида очиқ-ойдин айтиб кетган: «бу доирада кўрсатдим», «Румдан Мочингача бўлган... шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини Ер шаклидаги доирада кўрсатдим».

«Картани хаттот кўчирган» дейишга қисман асос бор. Лекин биз бошқачароқ тахминга мойилмиз. Майдумки, «Девон»нинг ушбу нусхасини кўчирган хаттот: «Кошғарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхадан кўчирдим» деган. Биз ўйлаймизки, хаттот асарнинг текстини тўла кўчирган-у, аммо ундаги доиравий картани кўчириб ўтирган, балки узиб олиб, янги нусхага илова қилиб қўя қолган.

Маҳмуд Кошғарийнинг бу картани қандай чизганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин биз Маҳмуднинг ижодий услубини қўйидагича тасаввур қилиб кўрайлик: Кошғарий даставвал бир доира ясад, унинг теварагини океан билан ўраган, доиранинг марказига Иссиккўл, Барсфон, Баласогун ва Кошғар шаҳарларини ёзив қўйган, сўнгра доиранинг сиртига

дунё томонларини белгилаб чиққан, кейин тоғларни чизган. Садди Зулқарнайн ёнидаги қумликни билдирувчи чизиқ ҳам икки тоғ орасидан эгрироқ қилиб ўтказилган, чунки бу чизиқ тоғлардан кейин чизилган. Сўнгра кўл ва денгизлар туширилган, улардан кейин шаҳар ва мамлакатлар доирачалар (78 та) билан белгиланган, гарбдаги давлатлар, уларнинг чегаралари кўрсатилган. Энг кейин дарёлар чизилган. Шундай қилиб, дунё картаси тайёр бўлган. Аммо картанинг ҳамма қисмлари ҳафса-ла билан чизилган деб бўлмайди. Марказий, шарқий ва шимо-лий қисмларда ёзувлар кўпроқ, тоғ ва дарёлар зичроқдир. Бу нинг сабабини Кошғарийнинг ўзидан топамиз. Туркий қабилалар «Румдан Чингача» — ўртача иқлимда, 35—55° шимолий кенгликлар орасида истиқомат қилганлар, шунинг учун картада уларнинг жойлашган ўрни кўрсатилиши керак эди, бу кўрсатилмаган.

Картада бўш жойлар, номи ёзилмаган доирачалар анчагина. Шуларга қараб, карта тугалланмаган — чала, муаллиф не сабабдандир ишини ниҳоясига етказа олмаган, дейиш мумкин. Бу факт ҳам картани Маҳмуднинг ўзи тузганилигини исботлайди. Картани бошқа одам тузгандаги номларни доирачалар бўлмасди.

**Беруний ва Маҳмуд Кошғарий** — Ўрта Осиё фарзандлари бўлган бу икки буюк олим асрдош ҳамдир. Уларнинг ёши бир-бириницидан тахминан 40—50 йил фарқ қиласди. Уларнинг бири — асосан астроном, математик, географ, иккинчиси — филолог, этнограф ва географдир. Улар бир-бириларни кўрмаганлар.

Маҳмуд Кошғарий ўзидан анча илгари яшаган Берунийнинг асарларидан хабардор бўлганми, улардан фойдаланганми? Буни билиш учун уларнинг асарларида географик номларни ва маълумотларни таққослаб кўриш кифоя қиласди.

Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарида «Банхишлоғ тоғи Фузиядаги бандар» деб изоҳланган. Кошғарий «Девон»ида: «Монқишлиғ — ўғуз мамлакатидаги бир ер номи» дейилган.

Берунийда: «Ўрдукент, бу Кошғардир», Кошғарийда: «Кошғар — Ўрдукент, хон турадиган шаҳар».

Берунийда: «Бинкат, Шош шаҳарларидан, туркийча Тошкент, юнончи Бурж ал-Хижора (Тошқўргон)». Кошғарийда эса: «Шош асли Тошкент бўлиб, тоидан қурилган шаҳар демакдир».

Берунийда: «Самарқанд туркийча Самизканд», Кошғарийда: «Самарқандни катталиги учун Семизкенд — семиз шаҳар дейдилар. Буни форсилар Самарқанд тарзида қўллайдилар».

Берунийда: «Барсхон Иссиқкўл бўйида, бу илиқ кўллар... Иссиқкўл Барсхон яқинидадир», Кошғарийда эса: «Иссиқкўл — Барсғонда бир кўл».

Бу мисоллар Маҳмуд Кошғарий мазкур географик номларни Абу Райхондан олганлигининг исботидир. Умумат, Беруний асарида ишлатилган 70 та жой номи Кошғарийнинг «Девон»и ва картасида ҳам учрайди. Номлар рўйхатидаги бу ўхшашликнинг муҳим аҳамияти бор. Берунийда Европа, Африка, Хиндистонга ва турли оролларга оид номлар жуда кўп. Кошғарийда

камроқдир. У: «Китобда кўрсатилган тоғ, кўл, дарё, денгиз отлари фақат мусулмон шаҳарларидаги номлардир. Бу номлар ҳар вақт қўлланилганни ва машҳур бўлгани учун ёздим. Машҳур бўлмаганларининг кўпларини тушириб қолдирдим. Мусулмон бўлмаган шаҳарлардан баъзиларининг номларини ҳам ёздим, баъзиларини қолдирдим», деган.

Маҳмуд Кошғарийда Тошкентдан Фарбий Хитойгача бўлган масофада жуда кўп катта-кичик довонлар, қўллар, қишлоқ, дарёларнинг номлари берилган, улар Берунийда тилга олинмаган. Шу билан бирга, Беруний ҳамда Кошғарий асарларида учраган номлар бошқа шарқ географларининг асарларида, карталарида ҳам ёзилганлиги маълум. Бироқ номларнинг бу қадар яқинлилиги, кетма-кет келиши, бир мазмунда баён этилиши бу икки олимдагина яққол кўриниб турибди. Маҳмуд Кошғарий Беруний асаридаги баъзи маълумотларни қисқартириб олган, баъзан эса Беруний маълумотларига ўз маълумотларини қўшган ҳоллар ҳам бўлган. Шундай географик номлар ҳам борки, улар Беруний ва Кошғарий асарларидан бошқа бирон бир шарқ географларининг асарларида учрамайди.

Бу иккала олимнинг ўзларидан бурун ўтган «акаси» ҳам бўлган. Бу «Худуд ал-олам» номли ажойиб асарнинг номаълум муаллифиdir. Беруний асарида ҳам, Кошғарий асарида ҳам «Худуд ал-олам»дан олинган маълумотлар топилади. Хуллас, бу уч олим ижод қилишда бир-бирига эргашган, шу билан бирга, уларнинг ҳар бири янги маълумотлар қўшган. Бу олимларнинг учаласини биргаликда X—XI аср ўрта Осиё ва Хуросон географик мактабининг йирик намояндадарий деб аташ керак.

Академик И. Ю. Крачковский «Беруний мактаби»га Кошғарийни қўшгани бежиз эмас. С. Волин ҳам Кошғарийнинг Беруний географиясидан таъсирланганини айтган эди. Ш. Улкутошир ҳам бу ҳақда ўз фикрини айтган. Буларга бизнинг мисолларимиз қўшилса, Маҳмуд Кошғарий география соҳасида улуг Берунийнинг муҳлиси, шогирди бўлганлигига шубҳа қолмайди. «Худуд ал-олам» муаллифи — Беруний — Кошғарий орасидаги муносабатлар янада чуқурроқ ўрганилиши, текширилиши зарур.

### ТОҲИР МАРВАЗИЙ

XI асрнинг иккинчи ярмида яшаган табиб Шараф аз-Замон Тоҳир Марвазий табиатшуносликка доир «Табои ал-ҳайвон» («Ҳайвонлар табиати») номли ажойиб асар ёзиб қолдирган. У мазкур асарни ёзишда, жумладан, бухоролик Жайҳоний асаридан фойдаланган. Қейинги даврларда Авфий, ибн Муханно ва бошқа олимлар Марвазийдан нақл қилганлар. Марвазий асари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмнинг I—VI боблари тарихга бағишланган, VII—XV бобларда айrim вилоятларнинг географияси, XVI—XXI бобларда эса одамзод ирқлари (антропология) таърифланган. Иккинчи қисм зоология ва зоогеография ҳақидадир.

## XII—XIV АСРЛАРДА ГЕОГРАФИЯ

### ҲАРАҚИЙ ВА ЗАМАХШАРИЙ

Ал-Ҳарақий Түркманистоннинг Марв (Мари) вилоятида туғилиб ўсган (XI аср охири), кейинчалик Ҳивага кўчиб келган, Хоразмшоҳ саройида мунажжим бўлиб ишлаган. Олим 1138 йилларда вафот этган.

Ҳарақийнинг энг йирик асари «Мунтахо ал-идрок фи тақосим ал-афлок» («Фалакларнинг тақсими ҳақида идроқнинг ниҳояси») номи билан машҳур. Қўлёзма ҳолидаги бу асарнинг айрим парчаларигина нашр этилган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми коинотнинг тузилиши ва ҳаракати ҳақида, иккинчи қисми — Ернинг шакли, унинг обод ва нообод қисмларга бўлиниши, жойларнинг географик координаталари тўғрисидар; бу қисмнинг иккинчи бобида ер шаридаги денгизлар тасвирланган; асарнинг учинчи қисмida календарлар баён этилган.

Ҳарақий асарни ёзишда кўпроқ Жайҳоний асаридан фойдаланганини айтган. У Птолемейга эргашиб, маъмурани экваторга параллел равишда 39 зоначага бўлган. I иқлим 5 та зоначани, II—VI иқлимларнинг ҳар бири иккита зоначани, VII иқлим бир йўла 18 зоначани ўз ичига олган. Олим VII иқлимдан шимолдаги, яъни 66 градус кенгликдан шимолдаги 7 зоначани «одамлар яшайдиган» зоналар ҳисоблаган. Экватордан бошлаб чизилган бу зоначалар куннинг узун-қисқалигига қараб, бир-бираидан аввало чорак соатдан, кейин ярим соатдан, шимолроқдагилари бир соатдан тафовут қилган. Ҳарақий энг шимолдаги зоначаларни бир ой ёруғ тун бўладиган ерлар, икки ой ёруғ бўладиган ерлар, уч ой, тўрт, беш ой ва, ниҳоят, олти ой кечачу кундузи ёруғ бўлиб турадиган ерлар деб, Шимолий қутбгacha белгилаб чиққан (Юсуф Камол, III, 793-бет).

Ҳарақийнинг «ат-Табсира фи илм ал-ҳайъа» («Ҳайъат илмига назар») номли иккинчи асари биринчи китобининг қисқартирилган, яъни географияси тушириб қолдирилган нусхасидан иборат.

Абдулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1074—1144) Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ Туркма-

нистон ССРнинг Тошховуз шаҳридан жануброқда, Тахта районидаги Ленин қишлоғи ёнида бўлган; уни Змуқшир, Измухшира деб ҳам ёзишган. Араб шоирларидан бири: «дунёдаги барча қишлоқлар Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзиди, чунки бу қишлоқ машҳур Замахшарийдек йирик олимни етказди» деб ёзган эди.

Замахшарий дастлаб отаси қўлида савод чиқарган, кейин Кўҳна Урганч (Журжония) мадрасасида таълим олган. Бухоро, Хурросон илм даргоҳларида ўзининг билим даражасини янада оширган. Олим Шом (Сурия), Бағдод, Арабистонга кўп марта саёҳат қилган. Умрининг охирида яна ватанига қайтган. Замахшарий Кўҳна Урганч (Журжония) да дағн этилган. XIV аср араб саёҳи Ибн Баттута унинг гумбаз томли мақбарасини ўз кўзи билан кўрган.

Замахшарий сермаҳсул олим бўлиб, фарзининг турли соҳаларига мансуб 50 тача асар ёзган, шулардан 25 таси бизгача сақланиб қолган. Тилшуносликка оид «Асос ал-балога» («Сўзга усталик асослари», «Чечанлик пойдевори»), «Самим ал-арабия» («Араб тили магизи»), «Фоиқ ал-луғот» («Энг яхши лутатлар»), «Ал-муфассал» (бу асарнинг ўзига 25 та шарҳ ёзилган), «Муқаддимат ал-адаб» («Нафис адабиётга муқаддима») шулар жумласидандир. «Муқаддимат ал-адаб» асари хоразмшоҳ Аловуддин Абул Музаффар Отсизнинг (1128—1156) фармонига биноан ёзилган. Унинг тожикча ва ўзбекча таржималари ҳам бор. Бу китобнинг XIV асрда кўчирилган арабча-тожикча-ўзбекча нусхаси Тошкентда — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сакланмоқда (инв. № 2699). Унинг «Раби ал-аброр» («Сахий ёз») китобидан тарих фанига оид ҳикоялар, сұхбатлар ўрин олган. Олим узоқ йиллар давомида араб мақолларини йиғади, араб адабиётини ўрганади; араб адабиётига оид «Мақомат» номли асари ана шу меҳнатлари самарасидир. Замахшарийнинг китоблари сермазмунлиги билан араб олимларини ҳайратда қолдирган. Замахшарийни Шарқда «Фахри Хоразм» («Хоразмнинг фахри»), «Устод ал-араб ва ажам» деб атаганлар. Сурия ҳокими Музаффариiddин Замахшарийнинг «Ал-муфассал» асарини ёд билган кишига ҳатто беш минг кумуш танга ва сарпо ваъда қилган.

Замахшарийнинг «Асмоу ал-адвия вал жибол» («Водий ва тоғ исмлари») номли араб тилидаги машҳур географик асари 1855 йили Лейденда нашр этилган. Китобнинг кириш сўзи латин тилида ёзилган. Бу асарнинг иккинчи номи «Китоб ал-жибол ва амкина вал мийёҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақидаги китоб»). Мазкур асар Арабистон яриморолидаги шаҳарлар, қишлоқлар, мақбаралар, мачитлар, зиёратгоҳлар, тоғлар, водийлар, сувлар изоҳи берилган бамисоли топонимик энциклопедиядир. Унда географик номлар алифбо тартибида берилган, уларнинг маъноси, жойларга нега шундай номлар қўйилганлиги ва шунга боғлиқ ривооятлар баён этилган, Фаластин, Сурия, Ироқ ва Миср

каби номлар ҳам тилга олинган. Бироқ асарда Испания ва Ҳиндистондаги географик номлар учрамайди. Ўрта Осиёдаги номларнинг изоҳи ҳам йўқ. Шунга кўра шарқшунос Иейнболл бу китобни ёзиб тутатилмаган ёки чала таҳrir қилинган, деб ҳисоблаган.

## САМЬОНИЙ

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ал-Марвазий (1112—1167 йиллар) Марв шаҳрида туғилган; аждодлари арабларнинг самъон қабиласига мансуб бўлган. Олимнинг қабри ҳам Марв шаҳридадир. У тарих, этнография ва географияга оид элликтача илмий асар ёзган кенг савияли олимлардан бўлган.

Абу Саъд жуда ёшлигидан саёҳат қила бошлаган; у дунёнинг кўпгина илмий марказларида — Бухоро, Нишопур, Исфахон, Бағдод, Ҳалаб, Дамашқ ва Қуддуси Шарифда бўлган. Ривоятларга кўра, у етти мингга яқин олим билан учрашган, суҳбатлашган, уларнинг китобларини ўқиган, у ўз асарларида бир неча минг олимнинг номини ва сўзларини тилга олган.

Унинг 1156 йили Самарқандда ёзган «Қитоб ал-ансоб» номли асари («Ансоби Самъоний» деб ҳам юритилган) қимматли географик ва этнографик манбадир. Ёкун ўз лугати «Муъжам ал-булдон»ни тузганида шу асардан фойдаланган. Саккиз жилдан иборат бу асар муаллифнинг Ўрта Осиёдан Арабистонга қилган кўп йиллик саёҳати самарасидир. Луғатда қабила бошлиқлари, тарихий шахслар, вилоят, шаҳар ва бошқа географик жойларнинг номлари алфавит бўйича ёзилиб, уларга тўла изоҳ берилган. Ҳатто географик номларнинг транскрипциясига — тўғри ёзилиши, талаффуз этилиши, ургулари ва маъносига ҳам эътибор берилга.

Самъоний асарининг яна бир диққатга сазовор томони шуки, унда Эрон ва Мовароуннаҳрдаги географик номларга кўп ўрин берилган; шу билан бирга, материаллар ўз даврига кўра жуда янги ва қимматлидир. Бунинг устига, баъзи бир муҳим тарихий географик маълумотлар шу асардагина учрайди.

1219 йилда араб сайёхи ибн ал-Асир «Қитоб ал-ансоб»ни таҳrir қилиб, номини «Қитоб ал-лубоб фи таҳзib ал-ансоб» (қисқача «ал-Лубоб») деб ўзгартирди ва яна нусха олдирили, 1469 йилда эса ас-Суютий уни тағин қайта ишлаб, бир мунча қисқартирди. Шундан кейин бу асар «Луб ал-лубоб фи таҳrir ал-ансоб» номи билан юритила бошлади. Қитобнинг кейинги, ўзтартирилган вариантлари ҳозир унчалик аҳамиятга эга эмас, лекин дастлабки «Қитоб ал-ансоб» Ўрта Осиё ва Ҳурросонга доир тарихий-географик маълумотларни ўз ичига олган фойдали манба сифатида ҳозир ҳам ўз қийматини сақлаб қолган.

Кўп манбалардан маълум бўлишича, Самъонийнинг «Тарихи Марв» номли 20 жайлди асари ҳам бўлган. Ёкун Самъонийнинг

китобларини кўрганлиги ва ўқиганлигини, самъонийлар оиласидан бир қанча атоқли кишилар етишиб чиққанлигини, уларнинг бой шахсий кутубхоналари бўлганлигини айтган. Марв шаҳри Урта Осиё фани ва маданияти тарихида катта бир илмий марказ бўлганлигини биз айтиб ўтган эдик. «Марвазий»лар шу марказнинг меваларирид.

## ЕҚУТ ҲАМАВИЙ

Китобимизнинг кўп саҳифаларида «Еқут» исми тилга олинди, унинг асари нақл қилинди. Урта Осиёни яхши биладиган бу шахснинг ўзи ким, дерсиз. Бу — Шарқ мамлакатлари ва Шарқнинг улуф намояндлари тўғрисидаги иккита шоҳ асарнинг муаллифирид. Унинг «Муъжам ал-булдан» («Мамлакатлар луғати») номли асари 10 жилдан ва «Муъжам ал-удабо» («Адиблар луғати») асари 7 жилдан иборат.

Еқут ҳаётининг ўзи бир достондир. Уни болалигига қул қилиб сотишган. Кичик осиёлик бу қулвачча аввало Бағдодда, сўнгра Марв шаҳрида истиқомат қилган. Ота-онаси кимлиги ва ўзининг исми номаълум бўлганидан уни «иби Абдаллоҳ» (Абдулла ўғли) деб атаганлар; у замонларда қулваччаларга қимматбаҳо тошлар ёки хушбўй нарсаларнинг номини қўйиш расм бўлган, шунинг учун бу болага ҳам Еқут исмини берганлар. Қулдор савдогарнинг исми шарифи Асқар ал-Ҳамавий бўлганидан Еқут ҳам «Ҳамавий» нисбасини олган. Хўжайинининг савдо сафарларида Еқут унга ҳамроҳ бўлган, шу боисдан кўп ерларни кўрган, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланган. Хўжайини вафот этгандан кейингина у қўлликдан озод бўлиб, мустақил кун кўра бошлаган. Қитоб варақлаш, нусха кўчириш, кутубхона қидириш унинг севган машгулоти бўлган.

Еқут Марвдаги кутубхоналар тўғрисида бундай деган: «Мўғуллар босиб келмаганда Марвдан асло кетмаган бўлар эдим. Марвда ҳамма фойдаланадиган 10 та кутубхона бор эди. Масжиди жоменинг Ӯзидагина 2 та кутубхона бўлиб, бирида 12 минг жилд китоб сақланарди... Бу кутубхоналардан тилхатсиз олинган 200 жилдан ошиқ китоб уйимдан аrimас эди. Мен шу китоблар боғидан мевалар териб, энг фойдалиларини ўзимга олар эдим. Завқбахш бу китоблар туфайли ҳамма шаҳарлар ёдимдан чиқиб кетди... Мен «Муъжам ал-булдан» ва бошқа китобларимдаги маълумотларнинг кўпини ўша кутубхоналардан тўплаганман»...

«Марвдаги кутубхоналар, донишмандларнинг асарлари ва илм-фан билан қизиқиб бола-чақа ва ёр-дўстларни унугиб юбордим. Қидириб юрган китобларимни у ердан топишга, улардан фойдаланишга жон-жаҳдим билан берилдим. Марвнинг боғроларидан, хушфеъл одамларидан баҳра олдим. То тупроққа киргунимча ўша ерларда бўлишга ният қилган эдим, Хуросон

воқеаси (мӯғуллар истилоси) бунга халақит берди. Ҳақиқатан ҳам, Марв тоза ҳавоси, чиройли боғ-роғлари, сайроқи қушлари, хушбўй гуллари ва уларни сероб қилиб турадиган ёмғирлари билан жаннатга ўхшайди. У ердаги олимларнинг асарлари бутун дунёга таралади, бинобарин, у ерлик олимларни бутун дунё танийди. Шундай жойлар (Чингизхон ҳужумидан кейин) ҳароб бўлиб, улар ўрнида қарғалар макон қурди.

Ўрта Осиёning чинакам шайдоси, ватанпарвари бўлиб қолган Эқут Марвдан кетишга мажбур бўлган ва 1229 йил 20 августанда Суриянинг Ҳалаб шаҳрида 50 ёшида вафот этган.

Эқутнинг «Муъжам ал-булдан» асари, ҳозирги тил билан айтганда, дунёning географик ва топонимик лугатидан иборат. Лугатда ҳар бир мамлакатга, шаҳар, тоғ, дарё ва қишлоқда берилган изоҳлар билан бир қаторда, аҳолига доир, шу ерда яшатан атоқли шахслар, шу ердаги зиёратгоҳлар, ёдгорликлар, обҳаво шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўп.

### ЧАҒМИНИЙ

Ўрта Осиёning математика ва астрономия фанига катта ҳисса қўшган яна бир машҳур олим Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чагминий ал-Хоразмийдир (1221 йилда вафот этган). Унинг туғилган жойи Хоразмнинг Жағмин қишлоғи бўлса кепрак. Олимнинг ижодий фаолияти Хоразмни мӯғуллар вайрон қилишидан анча олдин бошланган.

Чагминий Бухоро, Самарқанд ва Хоразм мадрасаларида таълим олган, ишлаган, медицинага доир бир қанча асар яратган; унинг астрономия, математика ва географияга оид асари «Ал-мулаҳҳас фи ҳайъат ал-басита» («Астрономиядан танланган қисқача баёнлар») номи билан машҳур. 1412 йилда Улубекнинг илтимоси билан Қозизода Румий мазкур китобга каттагина шарҳ ёзган.

Чагминий ижоди X. Сиддиқовнинг «Хоразм мутафаккирлари» брошюрасида анча муфассал баён этилган; ана шу брошюранинг географияга оид сатрларида ёзилишича, китоб кичик бир муқаддимадан бошланиб, икки мақола (қисм)га бўлинган, ҳар бир мақола бобларга ажратилган. Биринчи мақола юлдузлар, планеталар ва уларнинг ҳаракатига бағишлиланган. Иккинчи мақола географик қисмдан иборат бўлиб, уч бобга бўлинган: 1- боб Ернинг аҳоли яшайдиган обод жойлари ва уларнинг қайси иқлиmlарга қарashi ҳақида; 2- боб ер юзида жойларнинг табиий хусусиятлари ҳақида; 3- боб ер юзида тун ва куннинг турлича бўлиш сабаблари ҳақида.

Чагминий бу китобини ёзишда юонон олимлари асарларидан ҳам, Шарқ олимлари асарларидан ҳам, хусусан Абу Райхон Беруний асарларидан фойдаланган. Китобнинг кириш қисмida бундай дейилган: «Мен осмон жисмлари ва улар орасидаги муносабатлар, ҳаракатлар тўғрисида фикр қилдимки, буларнинг ҳаммасини киши ақли билан фикрлаш, тушуниш осон. Осмон

жисмлари билан шуғулланувчи кишилар кам бўлгани учун мен бу ҳақдаги фикрларимни ўзимдан кейинги авлодга ёдгорлик учун қолдираман. Бу китобимни астрономия илми билан шуғулланувчи, илмли, доно одамларга атаб ёздим».

Чагминий осмон жисмлари ҳақида турли, кўпгина нотўғри фикрлар борлигини уқтириб, Птолемейнинг геоцентрик назариясига қарши чиққан, Ер, Қуёш, Ойнинг айланма ҳаракат қилишини, шакллари думалоқлигини, Птолемейнинг бу масалада ноҳақ эканлигини, Ойнинг Ер атрофида айланнишини, Ой билан Ер орасида ҳаво ва фазо борлигини айтиб: «Ҳаво Ер курасини ўраб олган. Қуёш нури таъсирида... ердаги сувлар (буғланиб) юқори кўтарилади ва натижада буғлар (юқоридаги) ҳавонинг совуқлик даражасига (ҳароратига) қараб гоҳ ёмғир, гоҳ қор бўлиб ерга тушади» деган. Чагминийнинг, афтидан, Берунийдан олган бу изоҳининг мазмуни бундай: Қуёш нурлари ер ва сувни иситади, буғлар кўтарилади, булатлар пайдо бўлади, ҳавонинг юқори қатламларида, температуранинг паст-баландлигига қараб, булатлар қалинлашади, буғлар қуюқлашиб сув томчиларига айланади (конденсация бўлади) ва ёмғир ёки қор шаклида ёради.

«Ернинг Қуёш атрофида айланнишдан фасллар ҳосил бўлади», «Ер юзида иқлимларнинг турлича бўлишига сабаб — Қуёш нурларининг турлича баландлик билан таъсир этишидир» деган олим.

Олимнинг мулоҳазаларида Берунийнинг таъсири сезилиб турибди.

### МУҲАММАД АВФИЙ

Бухорода туғилиб, бутун ёшлиги Ўрта Осиёда (Самарқанд, Хоразмда) ўтган адаб ва сайёҳ Нуриддин Саъдуддин Муҳаммад Авфийнинг ҳаёти Иби Сино ва Берунийлар ҳаёти сингари, саргузаштларга бойдир.

Авфий XIII аср бошларида, Ўрта Осиёни мўғуллар истило қилишидан анча олдин Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга кетган; аввало Панжоб сultonни Насриддин Кабожи саройида, сўнгра (1228 йилдан кейин) Дехлининг янги амири Шамсиддин Элтутмиш (1210—1266) ҳузуррида хизмат қилган.

У 1227 йилда «Жавоме ал-ҳикоёт ва лавоме ал-ривоёт» номли, икки мингдан ортиқ тарихий ҳикоялар, ривоятлар тўпламидаш иборат асар ёзган. Асарнинг тўртинчи қисмидаги денгиз ва қуруқликдаги ажойиб ҳодисалар ҳикоя қилинган.

«Авфий баён этган географик материал озмунча эмас, уларнинг баъзилари жуда қимматли материаллардир. Асарнинг турли қисмларида хилма-хил тафсилотлар учрайди; бундан ташқари, тўртинчи қисмнинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи боблари кеңт маънодаги географияга багишланган. Авфий бу бобларда ўзидан илгари ўтган географларнинг таълимотига асосланиб, дунё-

нинг умумий тасвирини ва турли «иқлим»ларда яшайдиган халқалар тўғрисида маълумотлар берган. Ўн олтинчى боб табиий географик очеркдан бошланиб, охирида Ернинг етти «иқлимга» бўлиниши тушунтирилган... Урта Осиё ва Шимоли-Шарқий Европадаги туркий халқлар тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳимдир.

Ўн еттинчи бобда Рум — Византиянинг тарихий географияси ва Кичик Осиёдаги юон фани таърифланган (сўнгра «Зикри Араб», «Зикри Ҳинд», «Зикри Ҳабаш» — Арабистон, Ҳиндистон ва Ҳабашистоннинг таърифи берилган). Бу боб Қаспий денизидаги ороллар, денгиз яқинидаги булгорлар ва бошқа қабилалар, хотинлар мамлакати ва кўчма қумлар ҳақидаги тафсилот билан тамомланган» (Крачковский).

Унинг асарида шимолдаги юра халқлари, шарқдаги уйғурлар, қадимги Руснинг христиан динига ўтиши ва князь Владимир тилга олинган. В. В. Бартольднинг аниқлашича, бу мусулмон авторларнинг асарларида учраган бирдан-бир маълумотдир.

Ҳинд шарқшуноси проф. Муҳаммад Низомуддин Авфийнинг бу асарини илмий жиҳатдан анча мукаммал шарҳлаб, каттагина обзор мақола (сўз боши) ёзган, Авфийнинг жуда кўп манбалардан фойдаланганини, хусусан Беруний тезълимотига эргашганини айтган.

Авфийнинг асари бир неча марта туркий тилларга таржима қилинган; жумладан, XV асрда уни ибн Арабшоҳ таржима қилинган.

### «ЖАҲОННОМА»

1209 йилда хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ибн Тасашиб (у 1200—1220 йилларда ҳокимлик қилинган) дунё картасини тақдим қилишган. Картага «Жаҳоннома» сарлавҳали изоҳот илова қилинган экан. Мазкур карта ва изоҳотнинг муаллифи Муҳаммад Нажиб Бакрон эди.

Бакроннинг асл ватани Хуросондир. Изоҳотдан кўринишича, у ўз замонасининг ўткир, билимдон кишиси, географ, астроном олими, тарихчиси, карта тузиш маҳоратини эгаллаган мутахасис бўлган.

«Жаҳоннома»ни ва картани тузишда Нажиб Бакрон, асосан, ёзма манбалардан, чунончи: Хурдодбек, Истахрий, Насириддин Тусий китобларидан, хусусан Абу Райхон Берунийнинг «Осор ал-Муқаддимин» («Осори боқия») ва Носир Хисравнинг «Сафарнома»сидан, қадимий зижлар (географик жадваллар)дан ва қисман ўз саёҳатлари вақтида эшитган билганиларидан фойдаланган. У Берунийнинг бошқа китобларидан ҳам фойдаланган бўлиши керак. Нажиб Бакрон ўз изоҳотномасида Берунийнинг «Қонуни Масъудий» ва «Таҳдид ниҳоят ал-амокин ли тасхих масофат ал-масокин», «Китоб ат-тафҳим» асарларининг географик бобларидан ҳам фойдаланган деб айтишга асос бор.

Хоразмлик буюк олимнинг айни шу асарларидаги маълумотлар Нажиб Бакроннинг дунё картаси ва изоҳотининг негизини ташкил этган. У Беруний асарларидан талай фактларни ва дунёнинг тузилиши ҳақидаги назарий таълимотни топган ва уларни ўз ишига асос қилиб олган. Бакрон дengizlarning ер юзида тақсимланиш схемасини ҳам Берунийдан кўчирив олган, унинг «Китоб ат-тафҳим» асаридаги дengizlarning доира шаклидаги картасидан фойдаланган дейишга ҳам асос бор. Бакрон, эҳтимол, Берунийнинг бошқа асарларидаги кенглик ва узунлик, шаҳарларнинг иқлиmlар бўйича жойланиши тўғрисидаги маълумотлардан ҳам фойдалангандир («Жаҳоннома»нинг 13, 14, 18-бетларига қарабсан).<sup>1</sup>

Бу манбалар қаторига Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ини ҳам қўшсакмикин, деймиз, чунки Бакрон асаридаги баъзи ибораларнинг айни ўзи «Девон»да бор (Кошғарий ҳам, Бакрон ҳам бу ибораларни бошқа муаллифнинг асаридан олган бўлиши мумкин, албаттa). Масалан, Бакрон «жайхун» сўзини ҳамиша «дарё» ўрнида ишлатади ва «авом ҳалқ ҳар бир катта дарёни жайхун деб атайди, аммо арабча луғатларда Термиз шаҳри ёнидан оқиб ўтадиган катта дарё Жайхун номи билан аталади» деб изоҳлаган.

Бакроннинг картаси катта газламага чизилган. Картадаги шартли белгилар тўғрисида у бундай деб ёзган:

«Учинчи фасл. Оlam шакlidagi чизиқ va рангларнинг тасвири шундайки, оlam шаклига чизилган кичик доиралар шаҳарларнинг ўрнидир. Bu доирачалар чеккасига ўша шаҳарнинг номи ёзилган... Баъзи шаҳарлар устидан ўтказилган қора чизиқлар вилоятлар ва ноҳиятларни бир-биридан ажратиб турувчи чизиқлардир, ҳар вилоятнинг номи қизил ранг билан ёзилган. Денгизлар яшил рангда тасвирланган, ўша денгизнинг номи қизил ранг билан ёзилган. Оч қизил чизиқлар дарё ва сойлар, уларнинг номи қизил (рангда) ёзилган. Тўқ қизил (ранг) — тоғлар... сариқ (ранг)лар — чўллар, баъзилари қумлик, баъзилари тошлоқ-қумлик. Оқ ранг — шимолдаги қор ўлкаси, у ерда қор сира аrimайди» (3 а-бет).

Картография тарихи учун шуниси муҳимки, картада меридиан ва параллеллар ҳам чизилган экан. Бундай градус тўри Шарқ карталарида деярли биринчи учрашидир. Бакроннинг ўзи картадаги градус тўрини бундай изоҳлаган:

«Кўпгина (ингичка) қизил чизиқлар ҳам борки, уларнинг бир қисми шарқдан ғарбга, бир қисми — шимолдан жанубга ўтказилган; булар узунлик ва кенглик чизиқларидир; бу чизиқларнинг фойдаси катта, чунки улар узунлик ва кенглик ёрдами билан ҳар бир шаҳарнинг ўрнини аниқлаш учун ўтказилганлар, бу эса картага қараганда ҳамма нарсани аён қилиб туради».

<sup>1</sup> Наджиб Бакран. «Джакханаме» («Книга о мире»). Издание текста, введение и указатели Ю. Е. Борщевского, М., 1960.

Афсуски, шундай ноёб карта йўқолиб кетган; ҳозир унинг «Жаҳоннома» номли шарҳи — изоҳатигина мавжуддир.

Бакрон картасининг шакли ва унинг Беруний ҳамда Ҳофизи Абру карталарига ўхшаш-ўхшамаслиги тўғрисида кейинроқ, Ҳофизи Абру ҳақидаги бобда тўхталиб ўтамиш.

«Жаҳоннома»нинг иккита қўллэзмаси бор; шулардан бири — Парижда, иккинчиси — Ленинградда. Ленинграддаги қўллэзма 27 варақ (52 саҳифа)дан иборат бўлиб, у 20 бобга бўлинган. Мундарижаси қўйидагича: аввало муқаддима берилган, ундан сўнг биринчи боб келади. Бунда китобнинг ёзиши тарихи баён этилган. Иккинчи боб — маъмуранинг тасвири ва унинг чеккалари. Учинчи боб — олам шакли, яъни картадаги чизиқлар ва рангларнинг шарҳи. Тўртинчи боб — олам шаклининг фойдаси (ундан фойдаланиш йўллари). Бешинчи боб — жойлар орасидаги масофалар. Олтинчи боб — денгизлар баёни. Еттинчи боб — қўллар баёни. Саккизинчи боб — ороллар баёни. Тўққизинчи боб — дарёлар баёни. Ўнинчи боб — тоғлар баёни. Ўн биринчи боб — чўллар баёни. Ўн иккинчи боб — баъзи шаҳарларнинг номи. Ўн учинчи боб — хуш ҳаво жойлар баёни. Ўн тўртинчи боб — қавмларнинг (барбар, фуз, манқишлоғ, язир, халлухларнинг) ўз жойларидан янги жойларга кўчишлари баёни. Ўн бешинчи боб — баъзи жойларнинг хусусиятлари (ҳайвоноти, кенг тарқалган касалликлар, аҳолисининг урф-одатлари, жисмоний қиёфаси). Ўн олтинчи боб — баъзи ажойиботлар баёни. Ўн еттинчи боб — маъданлар, жавоҳирлар ва бошқалар. Ўн саккизинчи боб — ҳар жойдан нималар чиқарилади (мамлакатлардан четга чиқариладиган моллар). Ўн тўққизинчи боб — араблар ерининг таърифи. Йигирманчи боб — турли ҳикоялар (жумладан, Фарғонанинг таърифи). Бунда Фарғонанинг номи ажойиб равища таърифланган.

«Жаҳоннома» текстида 600 тача жойнинг номи тилга олинган, лекин картасининг ўзида бундан ҳам кўпроқ бўлса керак. Шу номларнинг рўйхатига қараб ва текстга асосланиб айтиш мумкинки, карта ҳақиқатан ҳам дунёнинг, яъни ўша замонда маълум бўлган рубъи маскуннинг обзор картаси бўлган. Картада Ўрта Осиё ва Хуросонга кўпроқ эътибор берилганлиги турган гап. Шу билан бирга, шимолий ўлкаларга, яъни Европа ва Сибирга доир номлар ҳам кўп.

Текстда ҳозирги Совет Иттилоғи жойлашган территориядаги баъзи жойларнинг номлари тилга олинган; масалан: Абискун (Каспий кўли), Баҳри Хазар, Атил шаҳри, Атил дарёси (Волга), Ахсикат, Озарбодгон, Армания, Фарғона дарёси (Сирдарё), Усрушно (Ўратепа), Олон (Шимолий Қавказ), Ому, Ўзганд, Искул (Иссиккўл), Илоқ дарёси (Оҳангарон), Дарбанд, Бороб (Фороб), Бокуя (Боку), Буттам (Шимолий Тожикистон тоғлари), Хоразм кўли (Орол денгизи), Бухоро, Бадахшон, Барсфон, Балософун, Балхон, Булғор, Биёбони Хуросон (Жанубий Қорақум), Биёбони Хоразм (Шимолий Қорақум), Туркистон, Термиз, Тиф-

лис, Жайхун, Чоч шаҳри, Чоч дарёси, Шош, Хўжанд, Хуросон, Хирхиз ери, Хазар ери, Рус ери, Сақлоб ери, Қимок ери, Сарахс, Самарқанд, Сиёҳ кӯҳ (Монқишилоқ), Ширвон, Ганжа, Қабодиён, Қуба, Кот (Хоразм), Колиф (Калиф), Мовароуннаҳр, Марв шаҳри, Марв дарёси, Муқон (Муғон), Нахшоб, Насаф, Воҳон, Ваҳш дарёси.

Яна бир неча мисол:

«Фаргона — Мовароуннаҳр ҳудудидаги вилоят, унинг шаҳри (пойтахти) Ахсикат деб аталади. Ниҳоятда хуш ҳаво жой. Самирқанддан Фарғонагача 53 фарсангdir... Бу ернинг яхшилиги ни билиб, ҳар жойдан турли қавмлар кўчиб келганлар, иморатлар қуриб ва экинзорлар қилиб, турғун бўлиб қолганлар. Хона-донлари ҳар жой-ҳар жойда, тиллари ҳам ҳар хил бўлган. Уларни «ҳар хона» деганлар. Бу сўзлар истеъмолда «Фарғона» бўлиб кетган». «Баҳираи Искўл — Барсғон яқинида, Туркистон чега-расидадир. Унинг ҳамма суви иссиқдир. Ташқарисига ҳеч оқмайди».

Иссиққўлнинг таърифи Беруний ва Маҳмуд Кошфарий асарларидан олинганилиги, Иссиққўл сувининг ташқарига сқиб чиқмаслиги ўша вақтда маълум бўлганлиги шу иборадан яққол кўриниб турибди. Бу маълумотларни кейинчалик Муҳаммад Ҳайдар мирза ҳам эслатиб ўтган.


## ФАХРИДДИН БАНОКАТИЙ

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, дарёга Оҳангарон сувай қўйила-диган жойда Банокат шаҳри бўлган. Бу шаҳарнинг номи турли асарлarda турлича: Бинокаш, Бинокит, Фанокат, Финокат деб ёзилган. Шаҳарнинг уч томонини дарё суви ўраб олган, бир томонида сув билан тўла чуқур — хандақ бўлган. Чингизхон бу қалъани харобага айлантирган. Кейинчалик Темур уни қайта-дан тиклаган ва ўғли Шоҳруҳ шараfigа Шоҳрухия деб атаган.

XIV аср бошидаги ижодий меҳнати билан донг таратган шоир, тарихчи ва географ олим Фахриддин Абу Сулаймон Банокатий (тўла ими шарифи — Фахриддин Абу Сулаймон ибн Довуд Банокатий) шу шаҳарда туғилган. Банокатий 1317 йилда умумий тарих ва географиядан асар ёзиб, уни султон Абу Саидга багишлаган. Бу асар тарихчи Рашидиддин асарининг таҳрир қилиб қисқартирилган варианти эканлигини муаллифнинг ўзи бир неча бор қайд қилган. Матъумки, Рашидиддин (1318 йилда вафот этган) Ўрта Осиё, Эрон ва қўшни мамлакатлар тарихи ҳамда этнографияси ҳақида «Жами ат-таворих» китобини ёзгани. Бу китоб жуда қимматли ва обўюли манба бўлганлигидан кўпгина тарихчilar ва географлар уни шарҳлаган, таҳрир қилиб қисқартирган; шунга кўра унинг бир неча номи бор. Юқорида айтиб ўтилганидек, Банокатийнинг асари ҳам ана шундай қисқартирилган вариантлардан биридир. Шуниси муҳимки, бу вариант Рашидиддин ҳаёт вақтида тайёрланган. Банокатий

асарининг тўла номи «Равзат улил ал-боб фи таворих ал-акобир ва ансаб» («Улуг кишиларнинг тарихи ва насаби бобида донишмандлар боғи»), аммо кўпинча «Тарихи Банокатий» номи билан юритилади. Шу китобнинг географияга тааллукли еттиччи бобида Ҳиндистон, Армания, Эрон, Рум, Хитой, Мўгул, Араб ва Яхудий ерларининг таърифи берилган.

Биз «Тарихи Банокатий»нинг қўлда ёзилган бир неча нусхасини кўрдик; шулардан Тошкент Давлат университети Асосий кутубхонаси фонидаги қўллэзма (инв. № 09—56) энг мукаммал



Банокатий тузган иқлиmlар схемаси

ва яхши кўчирилган нусхадир. Унда иқлиmlар схемаси берилган. Қўллэзмани варақласангиз, 1-бетнинг четига қаламда ўзбекча ёзилган мана бу сатрларга кўзингиз тушади: «Ҳасанов Абу Сулаймон 731 да вафот этмиш. Банокат — Шоҳрухиянинг ҳаробалари Тўйтепанинг замирида Оҳангарон сувининг Сирдарёга кўйила турган ерига яқин ерда, аввал Банокат, сўнгра Амир Темурнинг бек ўғли Шоҳрух мирза исминда Шоҳрухия аталган».

Биз қўллэзманинг икки хусусиятига аҳамият бердик. Бири—асарда Берунийга катта ўрин берилган: иккинчиси—асарда дунёнинг схематик сурати илова қилинган.

Қуйидаги сатрлар муаллифнинг Беруний асарларидан фойдаланганлигининг яна бир исботидир:

18- бет: «Устод Абу Райҳон сulton Маҳмуд Фазнавийнинг хизматида вақтда кўп муддат Ҳиндистонда бўлди ва ҳиндлар тўғрисида китоб ёзди...»

184 б-бетда яна Абу Райҳон тилга олинган. 185 а, 186 а—187 а-бетларда Ернинг умумий ҳолатини ва 188 б-бетда Ҳиндистон географиясини таърифлашда Абу Райҳон Берунийнинг китобига асосланилган, шу бетнинг ўзида устод Абу Райҳон Беруний Ҳиндистон заминининг майдонини 200 фарсанг-у 200 фарсанг, деган ибора ҳам бор. Абу Райҳон Беруний 198а ва бошқа саҳифаларда ҳам тилга олинган.

Юқорида «Тарихи Банокатий»га илова қилинган дунё схемаси янги алфавитда келтирилди.

## XV АСРДА ГЕОГРАФИЯ

XV асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиё ва Хурросон тарихида уйғониш даври, экономика ва маданият, савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатлар, қурилиш ва фан юксалган давр бўлиб ҳисобланади. Хурросон (пойтахти Ҳирот) Амир Темур давлатининг бир (жанубий) қисми бўлиб, унда Темурнинг ўғли Шоҳруҳ ҳокимлик қилган. Давлатнинг иккинчи (шимолий) қисми — Мовароунинаҳр (пойтахти Самарқанд) Темурнинг набираси, Шоҳруҳнинг ўғли Улуғбек (Муҳаммад Тарагай) тасарруфидга бўлган.

Бу давр муҳим, фахрланишга арзийдиган воқеалар билан бойдир. Масалан, айни шу даврда Ҳофизи Абру йирик тарихий географик асар ёзган; Фиёсиддин Наққош Хитойга саёҳат қилган; Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистонга элчи бўлиб борган; Улуғбек расадхонасида зиж тузилган; Али Қушчи географик билимлар тарғиботчиси, астроном ва картограф сифатида шуҳрат қозонган. Испания элчиси Рюи Хонзалес де Клавихонинг Самарқандда бир неча ой меҳмон бўлиб тургани ҳам шу даврга тўғри келади. География фани тарихида бу ҳам муҳим воқеа ҳисобланади.

Шуниси муҳимки, ана шу даврда яшаган олимларнинг асарлари XV аср охири ва XVI аср бошида яшаган Ҳондамир, Мирхонд каби олимларнинг ижодий фаолиятига катта таъсир кўрсатган. Ҳуллас, XV аср географияси бутун Ўрта Осиё ва Хурросон география фани тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

### ҲОФИЗИ АБРУНИНГ ГЕОГРАФИК АСАРЛАРИ

Ҳофизи Абрунинг асл исми шарифи — Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ал-Ҳавофий (1362—1431). У ўзининг хизмат фаолиятини Амир Темурнинг саёҳатларидан бирида мунший (секретарь) вазифасидан бошлаган ва умрининг охиригача темурийларнинг сарой тарихчиси бўлган. У кўп марта саёҳатга чиқкан, кўп жойларни кўрган. «Иироқ сафарлар асносида шимоли-ғарбий томондан Мовароунинаҳр, Туркистон, Дашиб Қипчоқ, Хурросон, (Араб ва Ажам) Ироқлар, Форс, Озарбайжон, Эрон, Муғон, Гуржистон, Катта ва Қичик Арманистон диёр-

лари, Рус ва Шом ерларининг барчасини, Фрот дарёси соҳилларини,... Хазар соҳилларини... шарқий томондан эса Зобул ва Кобулларни..., Мұлтон, Ўч ва Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳри Дехлини (күрдим), Ганг дарёси қирғоқларигача бир неча бор бордим» деб ёзган Ҳофизи Абру (ЎзФАШИ, № 5361, 4 а-бет, А. Уринбоев таржимаси).

1414 йилда Ҳирот ҳоқими Шоҳрухга арабча ёзилган жуғрофия китобини тақдим қилишган. Бу «Қитоб ал-массолик ва ал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар китоби») эди. Уни «Ашкол ал-ақолим» («Йқлиmlар сурати») деб ҳам атashган.

Шоҳрух Ҳофизи Абруга бу китобни форс тилига таржима қилишни буюрган. Ҳофизи Абру китобни таржима қилас экан, уига ўзининг кўрган-билганиларини ва бошқа китоблардан ўқиганларини ҳам қўшган, шу тарзда янги бир асар яратган ва унга «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар қаймоги») деб ном кўйган. Бу асарда Ҳиротдан Хитойга юборилган элчилар сафида борган Фиёсиддин Наққошнинг сафар хотиралари, Амир Темурнинг қаттиққўллиги, 1383 йилда Ҳиротни вайрон этганлиги ҳам баён этилган.

«Бу кечмишда Ҳиротдаги харобалик шу даражага бориб етдики, бутун шаҳарда битта дўкон ҳам (бутун) қолмади. Бозорлар ва кўчаларда мурдалар бир-бири устига уюлиб чириб ётди; уларни кафандаб кўмишга ҳеч кимда мажол йўқ эди... Аксар халойиқ (шаҳардан) қочиб, хотин-болаларидан жудо бўлди...»

Иттифоқимизда Ҳофизи Абру тарихий-географик асарининг икки нусхаси бор; бир нусхаси Ленинградда — Салтиков-Шедрин номидаги кутубхона фондидаги иккичи нусхаси Тошкентда сақланмоқда. В. В. Бартольд асарнинг Ленинграддаги нусхасини ўқиб, Ҳофизи Абруни фан учун «кашф» этган, у балки иккичи нусхасини ҳам кўргандир. И. П. Петрушевский асарнинг Тошкентдаги нусхасидан кўпдан бери фойдаланмоқда. А. Уринбоев ҳам Абдураззоқ Самарқандий ижодини ўрганини муносабати билан бу асарни ўқиган.

Ҳофизи Абрунинг географик мероси асосан икки соҳада ёрқин кўринади: географик тасвир (текст) ва «суратлар» — карталар чизишда. Аввало текстдан намуналар келтирамиз.

Асарнинг мундарижаси қуйидагича: дастлаб оламниг умумий баёни берилган, етти иқлимининг қисмлари таърифланган. Унинг кетидан океанлар, денгизлар, кўллар ва тоғлар, сўнгра айrim вилоятлар (Араб диёри, Мағриб, Рум, Арман, Ироқ, Хулистон, Хурросон ва бошқалар)нинг «масофалари», яъни ер майдони ва табиий шароитлари баён этилган. Энг охирида йирик шаҳарлар (Ҳирот, Марв, Балх, Машҳад ва бошқалар) таърифланган.

Бу қўллэзмада география қисми Ленинграддаги нусхасидан ҳам яхшироқ ёзилган. Масалан, Жайхун дарёсининг таърифи анча мукаммал. Биз Мовароуннаҳрга доир маълумотлар ёзил-

ган баъзи саҳифаларни (ҳаммаси бўлиб 5 бет) Оксфордда сақланаётган нусхадан олдик. Бу учала манба бирга қўшилганида Ҳофизи Абру географиясининг тўла мазмуни аён бўларди. Ҳофизи Абру асарида ер юзининг умумий обзоридан кейин айрим мамлакатларнинг тавсифи берилган. Бу тавсифлар дунё карта-сига берилган изоҳга ўҳшайди.

Оксфорддаги қўллэзмада Мовароуннаҳр баёни: «Ернинг маъмурасидаги Мовароуннаҳр аксари етти иқлимининг бешинчисидадир. Бу мамлакат гарб томонда Холидот оролларидан (ҳисоблагандан) 95 даражадан бошланади — бу Хоразмнинг узунлигидир ва то Кошғар ва Хўтангача — уларнинг узунлиги 107 даражага, яъни 12 даражага ёйилган. Баъзи нусха (қўллэзма)ларда, шаҳарларнинг узунлиги Африканинг гарбий соҳилидан ҳисобланганки, 10 даражага камроқ ёйилган, яъни 85 даражадан 97 даражагача.

Кенглиги тўртинчи иқлимининг охири ва бешинчи иқлимининг бошидаги Омия (шаҳри) ва Жайхундан то бешинчи иқлим охиридаги Чоч ва Фарғонагача ва олтинчи иқлим бошланишидаги Кошғар ва Олмолигчча бўлиб, 39 даражадан то 44 даражага (шимолий кенглик)гача, яъни 5 даражага ёйилган. Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараси — шимолга мойил тарафда — Кошғар ва Хўтан мамлакатлари то Мўгулистон чегарасига қадар ва ундан сўнг Уйгур еридир. Аммо гарбий тарафда, шимолга тулашиб туришида Даشتி Қипчоқ ва Ўзбек диёри ва Туркистондир. Аммо Мовароуннаҳрнинг шимолий тарафи олтинчи иқлимига ўтади, (у ерда) Олмолиг ва Баласоғун (бор), булар жами Туркистон вилоятидир».

Асарда Самарқанднинг қисқача тарихидан сўнг, шаҳарнинг ва шаҳар атрофларининг, шаҳардаги қалъалар, саройлар, мачитлар, боғлар (боғи Бўдди, боғи Амирзодаи Шоҳруҳ, боғи Загон, боғи Баланд, боғи Амирзодаи Улуғбек, боғи Майдон, боғи Шамол, боғи Дилкушо, боғи Чинор, боғи Беҳишт), ариқлар (жуйбори Бозор, жуйбори Маздохин, жуйбори Қаранд, жуйбори Обираҳмат), қишлоқлар таърифи берилган.

Самарқанд туманлари тўғрисида бундай дейилган: «Шовдор — Самарқанднинг жанубида, дуруст ҳавоси бор, аҳолиси бақувват ва соғлом. У ноҳиятнинг бўйи (дарози) 10 фарсанг. Одамлари шутурдор (от-улови кўп)...»

Ёркат — бу туманнинг суви аксари чашмадан чиқади. Ғаллачилик билан машғул. Мовароуннаҳрнинг (бошқа) мавзеларига нисбатан бу туманда яйлов (чарохўр) камроқ...»

Қўҳак (Зарафшон) дарёсининг суви, қўйи оқимда, сув кўпайгандан Амударёгача оқиб боришини ҳам айтади («Массаби он гоҳи ки бақувват бошад, то ба Жайхун расад»).

«Бухоро ва унинг атрофлари. Бухоронинг меваси ҳамма мевалардан яхши ва шириндир, хусусан Бухоро олхўриси бутун ер юзига чиқарилади. Бухорода қайнатилган қиёмни асалдан фарқ қилиб бўлмайди. Тамоми даштда мол бисёр. Бухорода ўтинни

аксар боғлардан йиғишади. Ташқаридан ҳам келтиришади. Бухора яқинида бир тоғ борки, у Самарқанд билан Қеш орасидаги тоғга туташдир ва Усрушино ноҳиятига қадар чўзилган, то Фарғона чегарасигача ва унинг атрофиға пайванддир. Ва яна Бухоронинг хосиятларидан дейдиларки, одамларидек ғарибдўст кишилар ҳеч мавзеда йўқдир...

Дабусия — кичик шаҳар. Бухоро билан Самарқанд орасида, ҳозир Самарқандга тегишли, қальъаси бор, айтадиларки, уни султон Жалолиддин қургандир. Дабусиядан Кушонгача 5 фарсанг...

Кеш — уни Шаҳрисабз ҳам дейдилар,... эни уч фарсанг ва бўйи уч фарсанг... Яқинида тоғ бор, у тоғда харсангтуз бор, тиниқ ва баъзан рангдор, ундан ҳар хил буюмлар тарошланади... сувлари фаровондир... Қарши суви Қеш сувининг қолдифидир (охиридир). Ҳар хил мевалар кўп. Кўпгина мевалар унинг чегарасидан чиқарилади. Кеш — Мовароуннаҳрнинг иссиқ жойидир, гоҳ-гоҳ бу шаҳарда қурғоқчил ва вабо бўлади, хусусан ғариблар (мусофирилар зарарланади). Шаҳарнинг қадимий деворлари бор эди, аммо ҳароб этилди, 780 (1378—1379) йилларда амир Соҳибқирон шаҳар деворларини яна бунёд қилди... Шаҳарда ва унинг атрофида мадрасалар, хонақоҳлар, работлар ва ҳовузлар қурдилар...

Нахшаб — Кеш атрофига. Уни Насаф ҳам дейдилар. Ҳозир Қарши номи билан машҳур. Бу қадимий шаҳар бўлиб, текис ерда жойлашган. Ундан тоғгача икки кунлик йўл... Нахшаб вилоятида (Кеш сувидан) бошқа дарё йўқ ва у ёзда гоҳо қуриб қолади ва суви бўлмайди. Баъзан боғлар, қудуқлардан сув олади. Тегирмонларни чорпо мол қўшиб айлантирадилар... Подшоҳнинг қасрини туркий тилда Қарши дейдилар. Кебек подшоҳ у ерда күшк (сарой) бунёд этган ва шундан (Қарши) номи машҳурдир...

Термиз — Жайхун канори бўйидаги шаҳар, Кўҳандиз (арқ) ва шаҳристони бор... Экинзорлари Чагониён (Сурхон) дан сув ичади...

Бурдоғуй — Жайхун канорида, Термиз мавзеларига туташган. Бурдоғуй юонча сўз бўлиб, Искандар замонида аталган; меҳмонхона деган маънени англатади. Қадимда калон каштибонлари (кемачилар) турган. Жайхундан кечувни бошқаргандар. Шу Бурдоғуйда султонларнинг сувдан ўтадиган — кечик жойи (гузоргоҳ) бўлган... Бурдоғуй атрофларида чакалакзорлар кўп ва буларда шер бор.

Колиф ёнида бошқа гузаргоҳ ҳам борки, унинг номи ҳам Колиф...»

Тошкентда сақланаётган қўлёзмадан олинган текст: «Балх дарёсики, уни Жайхун дейдилар. Бу дарёни араб тилида Жайхун айтадилар ва Хурсонда Оби Омуйя дейдилар (чунки Омуйя қишлоғида бу дарё орқали Хурсондан Бухорога ўтиладиган

кечик бор). Бу сувнинг манбаи Бадаҳшон томонда, узунлиги 95 даражага ва кенглиги 37 даражага бўлган мавзедадир. Ҳутлон ва Вахш чегарасида бешта катта дарё унга қўшиладики, шу мавзени Панжоб деб айтадилар. Сўнгра бу дарё гарб томонга оқиб, Балх чегарасидаги узунлиги 91 даражага ва кенглиги 36 даражага-ю 40 минутдаги жойга етади, ундан кейин Термизга боради ва у ердан жануби-гарбга оқиб, узунлиги 89 даражага ва кенглиги 34 даражали жойга боради, у ердан шимоли-гарб томонга йўл олиб, то Омуйяга — узунлиги 84,5 даражага ва кенглиги 36 даражададир—бу ердан ҳам шимоли-гарбга юриб, узунлиги 84 даражага-ю 45 минут ва кенглиги 40 даражали жойдан ўтади... Қадимий тўплам китобларда ёзилганки, бу дарё шу ердан, яъни Хоразмдан Хоразм кўлига оқади. Аммо у кўл ҳозир йўқ бўлиб қолган. Сув Ҳазар дengизига қараб йўл солган ва Гурлади дейилган жойда уни Арича (Ўғурча) ҳам дейилади, Ҳазар дengизига қуйилади. Хоразмдан то Ҳазар дengизига қуйилганга қадар дарё аксари чўл устидан оқади...

Хўжанд дарёсики, уни Сайхун дейдилар ва Шош дарёси ҳам дейдилар. Сайхун дарёси Жайхундан кичикроқ, унинг манбаи Туркистон тоғларидаидир, дарё Турк вилоятидан оқиб ўтади ва Ахсикатга қадар боради. Бунинг узунлиги 91 даражага ва кенглиги 42 даражадир. Сўнгра дарё жануби-гарб томонга юриб (оқиб), то Хўжандгача боради. Бунинг узунлиги 90,5 даражага ва кенглиги 41 даражадир. Ундан кейин Форобга оқади, бунинг узунлиги 86,5 даражага ва кенглиги 44 даражадир. Ундан шимоли-гарбга қараб оқади... Ундан (сўнг ҳам) оқавериб, Хоразм чўлида Жайхунга қўшилади ҳамда Ҳазар дengизига қуйилади».

Асарнинг 34 б-бетида Мурғоб дарёси Жайхун ва Сайхун сингари, бошидан охиригача таърифланган.

Хофизи Абру асарида маҳсус зиж (координаталар жадвали) бўлмаса ҳам текст орасида жуда кўп жойнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган ва масофалар ҳамда майдонларни изоҳловчи (фарсанг, ойлик йўл, кунлик йўл) анчагина сатрлар бор. Мана шулардан баъзилари (486- бет):

«Замини Араб — бўйи 500 фарсанг, эни 500 фарсанг.

Туркистон вилояти — бўйи бир ойлик йўл.

Сақалоб вилояти — шимолдаги одам турадиган томондан (ҳисоблаганда) бўйи икки ойлик йўл ва эни икки ойлик йўл.

Рус, Булғор ва Черкас вилоятлари — бўйи бир ойлик йўл, эни бир ойлик йўл.

Дашти Қипчоқ — бўйи бир ойлик йўл, эни бир ойлик йўл.

Мовароуннаҳр — бўйи бир ойлик йўл, эни бир ойлик йўл.

Кашмир мамлакати — бўйи юз фарсанг, эни юз фарсанг».

Хофизи Абронинг бу асари илмий географик асар бўлиб, тили анча содда ва аниқдир. Унинг ажойиб картографик меросининг ҳам илмий жиҳатдан катта аҳамияти бор. Асарда ҳар бир географик теманинг охирига сурат илова қилинган («сурат» сўзи қадимги лугатларда чизма, карта, схема, тасвир деб тушун-

тирилган). Биздаги қўлёзмада ҳам, бошқа нусхалардаги сингари, суратлар учун жой ажратилган-у, лекин уларнинг баъзилиари чизилмаган; масалан, «Дунё картаси» (2б—За-бетлар), «Сурати баҳри Рум», яъни Ўрта дengиз (79б- бет), «Сурати диёри Жазира» (82а- бет) берилган, «Сурати баҳри Қулзум ва Форс» (49а- бет), «Сурати диёри Мағриб» (52а- бет), «Сурати диёри Ироқ» (87а- бет), «Сурати Хузистон» (98а- бет), «Зикри масофати билоди Хузистон» (100а- бет), «Сурати диёри Форс» (102б- бет), «Сурати шаҳри Кирмон» (172а—172б- бетлар) — буларнинг ўрни бўш қолдирилган; 58- бетда «Сурати Миср» ўрнига Нил дарёси ва дельтасининг схемаси чизиб қўйилган. 65а- бетда «Сурати Шом» ўрнига дунё томонлари ёзиб қўйилган. 222а- бетда «Сурати Хурросон» ўрнига Ҳирот шаҳрининг умумий плани чизилган. Бошқа бир неча саҳифада ҳам бўш жойлар бор, уларнинг қандай суратлар учун мўлжалланганигини айтиш қийин.

Рум дengизининг суратида (ўлчами 18×33 см) Силқия (Сицилия), Қибрис (Кипр), Сардония (Сардиния), Рӯдус, Самос, Малта ва бошқа ороллар кўрсатилган. Ғарбий томонда бўғоз (Гибралтар) катта дengизга қўшилган.

Жазиралар суратида (ўлчами 23×36 см) Ҳинд океанидаги қўлтиқлар ва ороллар: Қулзум (Қизил дengиз), Ҳабаша дengизи (Сомали дengизи ва Адан қўлтиғи), Занж дengизи (Мозамбик бўғози), Сўқутра, Хорак, Қус, Лофаш ороллари кўрсатилган. Ҳирот шаҳрининг планида Фирузобод, Ироқ, Марв ва Малик дарвозалари, марказда — Чорсу, чеккада — Алоқўргон ва Сурх Колтар миноралари чизилган. Шаҳар чеккасидаги Ҳўжай Абу Сайд, Душак тоғи, Отакбар тоғи, Душак ўланги кўрсатилган.

Суратлар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, дунё картасидир. Биздаги қўлёзмага илова қилинган картанинг ўлчами 34—45 см; китобларга илова қилинган карталар ичida бунчалик катта шарқ картаси камдан-кам учрайди (Беруний дунё картасининг диаметри 12,5 см, Маҳмуд Қошғарий картасиники — 18 см).

Дунё картасининг муҳим томонларидан бири — градус тўри чизилганинигидир. Ўрта аср шарқ карталарининг фақат учтасида, чунончи: Нажиб Бакрон картасида (1209 йил), Ҳамдаллоҳ Қазвиний картасида (1340 йил) ва Ҳофизи Абру картасида (1420 йил) градус тўри бўлган. Бундан, XII асрдан сўнгги даврда шарқ картографияси тушкунликка учраб, карталарда географик кенглиқ ва узунлик ўз аҳамиятини йўқотган, деган хулоса чиқариш ярамайди.

Ҳофизи Абру асаридаги суратларни ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, унинг баъзи қўлёзмалари дагина карталар бор. Британия музейида сақланаётган қўлёзманинг карталари Миллер тузган «Араб карталари» тўпламида берилган, дунё картасини эса И. Ю. Крачковский ўз китобига ҳам илова қилиган (Крачковский, IV, 517- бет). Ҳонбобо Баённий Техрондаги Салтанати Турон кутубхонасидаги қўлёзмада ҳам бир

сурат («Як доираи нақши ақолим») борлигини ёзган; аммо биз уни кўрмадик. Ҳофизи Абру асарининг Британия музейидаги ва Тошкентдаги нусхаларига илова қилинган дунё карталарини таққослаб кўриб қуийдагиларни аниқладик.

*Британия музейидаги  
нусхада (№ 1577)*

46 та ном ёзилган.

Осиё қитъасидаги ёзувлар асосан экватор чизиги билан  $45^{\circ}$  шимолий кенглик орасида.

Градус тўрлари доиранинг ичидан ўтказилмаган. Фақат доира чеккасидаги рамкага ҳар  $5-10^{\circ}$  дан чизилган.

Осиёнинг жанубида 12 та яриморол кўрсатилган, қайси яримороллар эканлигини англаб бўлмайди.

Шу яриморолларнинг 4 таси жанубий яримшарга ҳам ўтиб кетган.

Африканинг  $1/5$  қисмигина экватордан жануб томонга жойлаштирилган.

Маъмуранинг жанубий чегараси  
Биринчи иқлимининг нариёғидаги ерлар

Биринчи иқлим

Иккинчи иқлим

Учинчи иқлим

Тўртинчи иқлим

Бешинчи иқлим

Олтинчи иқлим

Еттинчи иқлим

Еттинчак иқлим нариёғидаги ерлар  
Маъмуранинг шимолий чегараси

Европанинг шимолий чегараси

Европанинг жанубий чегараси

Европанинг гарбий чегараси

Африканинг шимолий чегараси

Африканинг жанубий чегараси

Африканинг гарбий чегараси  
Осиё қуруқлигининг жанубий чегараси

*Тошкентдаги нусхада  
(№ 5361)*

62 та ном ёзилган (46 та ном + Искандария, Домиёта, Сина, Мўлтон, Яман, Расло ва бошқалар).

Осиё қитъасидаги ёзувлар  $5^{\circ}$  жанубий кенглик билан  $55^{\circ}$  шимолий кенглик орасида

Градус тўрлари доиранинг ичидан ҳам, чеккасидан ҳам ўтказилган. Ҳар  $5^{\circ}$  дан меридиан ва параллеллар чизилган.

Осиё жанубида 4 та йирик яриморол (Арабистон, Ҳиндистон, Ҳиндихитой ва Жанубий Хитой) аниқ кўрсатилган.

Осиёнинг қуруқлик қисми экваторга етказилмаган.

Африканинг ярми экватордан жанубда.

Кўрсатилмаган  $30-35^{\circ}$  ж. к.

$0-30^{\circ}$  ш. к.  $0-15^{\circ}$  ш. к.

$30-40^{\circ}$  ш. к.  $15-22^{\circ}$  ш. к.

$40-50^{\circ}$  ш. к.  $22-28^{\circ}$  ш. к.

$50-60^{\circ}$  ш. к.  $28-35^{\circ}$  ш. к.

$60-65^{\circ}$  ш. к.  $35-42^{\circ}$  ш. к.

$65-70^{\circ}$  ш. к.  $42-48^{\circ}$  ш. к.

$70-75^{\circ}$  ш. к.  $48-55^{\circ}$  ш. к.

$75-80^{\circ}$  ш. к.  $55-62^{\circ}$  ш. к.

$80-90^{\circ}$  ш. к.  $62-70^{\circ}$  ш. к.

Кўрсатилмаган  $70^{\circ}$  ва ундан шимолроқда

$70^{\circ}$  ш. к.  $70^{\circ}$  ш. к.

$55^{\circ}$  ш. к.  $27^{\circ}$  ш. к.


$33^{\circ}$  иш. у.  $33^{\circ}$  иш. у.

$50^{\circ}$  ш. к.  $33^{\circ}$  ш. к.

$15^{\circ}$  ш. к.  $33^{\circ}$  ж. к.

0  $15^{\circ}$  иш. у.

$5^{\circ}$  ш. к.  $8^{\circ}$  ш. к.



Иқлим қисмлари жадвали, яъни иқлиmlарнинг чегаралари ва умуман градус тўри иккала картада ҳар хилдир (жадвалга қарапсан). Карталар орасида талай тафовут борлиги кўриниб турибди. Британия музейидаги карта чала чизилган, шакли учча ўхшамайди, градус тўри картанинг ўзи билан боғланмаган. Тошкентдаги карта эса ҳар жиҳатдан муқаммал, китоб текстига, яъни оригиналга мос, иқлиmlарнинг чегаралари ўрта аср фани талабларига анча тўғри келади. Биз бу нусха ҳақиқатан ҳам ягона ва афзал, эҳтимол, картанинг асл нусхасидир, деган фикрдамиз.

Бу дунё картаси — Ҳофизи Абронинг шоҳ асари, деб дадил айтиш мумкин. Бу карта билан бутун Шарқ картографияси фахрланса арзийди.

Ю. Е. Боршчевскийнинг айтишича, Ҳофизи Абронинг картаси, ҳеч сўзсиз, Нажиб Бакроннинг картографик принципларига мувофиқ равишда тузилган; Ҳофизи Абру географик асарининг муқаддимаси «Жаҳоннома» муқаддимасининг сал ўзгартириб ёзилганидир. Бироқ Ҳофизи Абру картасида градус тўрини чишида ва иқлиmlарнинг тақсимланишида Нажиб Бакроннинг асарига бевосита эргашилган бўлса-да, картадаги денгизлар ва қуруқликларнинг шакли (контури) Нажиб Бакроннинг тасвирига мос эмас. Афтидан, Ҳофизи Абру «Жаҳоннома» текстини ўқиган-у, Бакрон картасини кўрмаган. Бизнингча, Ю. Е. Боршчевский Ҳофизи Абру картасининг Британия музейидаги чала ишланган нусхасинигина кўрган, шунга асосланиб, у, Бакрон картасига ўхшамайди, деган. Картанинг Тошкентдаги нусхасини кўрганида у тўғрироқ хулоса чиқарган бўлар эди. Ҳофизи Абру картаси денгизлар ва қуруқликнинг шакли ҳамда бошқа жиҳатлардан Беруний картасига ўхшайди; демак, Беруний асаридан фойдаланган Нажиб Бакроннинг картасига ҳам анча яқин. И. Ю. Крачковский ҳам: «Ҳофизи Абру картасидаги градус тўри мутлақо сунъий равишда чизилган, унинг Ҳофизи Абруга дахли йўқ» деганида картанинг Британия музейидаги нусхасига асосланган, лекин Тошкент нусхасида градус тўри картадаги шаклларга узвий боғланган ва Ҳофизи Абронинг тасвирига мос келади.

Шундай қилиб, Беруний — Нажиб Бакрон — Ҳофизи Абру ўртасида чинакам илмий алоқа бўлган.

\* \* \*

Шарқшунослик институти фондида «Ажойиб ал-булдон» («Мамлакатларнинг ажойиботлари») номли қўлёзма бир асар бор. Бу асар 1495 йилда ёзилган. Муаллифи номаълум. Асарнинг бошида олам, Ер ва ерда ҳаёт пайдо бўлиши баён этилган, кейин турли ажойиботлар ҳикоя қилинган, денгиз, дарё, булоқ, тоғ, орол ва чўллар, етти иқлим ва машҳур шаҳарларнинг таърифи берилган, Шоҳруҳ даврида Хитойга юборилган элчиларнинг сафари ёзилган, энг охирда Ҳирот тарихи ҳикоя қилинган.

Муаллифнинг асарни ёзишда асосан Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандийнинг асарларидан фойдаланганлиги кўришиб турибди. Бу асар жиддий ўрганилиши лозим. Ҳар ҳолда унинг муаллифи Ҳиротда Алишер Навоий теварагига уюшган маданият аҳлларидан бўлса керак, деган фикр бор (СВР, V, 302).

### ФИЁСИДДИН НАҚҚОШ

Хуросон ҳокимлари темурий Шоҳрух билан Бойсунғур 1419 йил кузда Хитойга элчилар юборган. Элчиларнинг босилиги қилиб Амир Шодихўжа тайинланган. Элчиларнинг сони, хизматкорлари ва отлиқ навқарларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 500 кишидан зиёд бўлган. Элчилар сафарининг география фани учун аҳамияти шундаки, элчилар орасида Ҳожи Фиёсиддин наққош ҳам бўлган. Бойсунғур наққошга маҳсус топширик берган, яъни сафарнинг биринчи куниданоқ хотира дафтар тутишини, унга ўз кўзи билан кўрган шаҳар ва вилоятларни, уларда саёҳат қилиш имкониятларини, шаҳар ва вилоятлардаги иморатларнинг таърифини, йирик шаҳар подшоларининг улуғликларини, мамлакатни қандай идора қилишларини ва сиёсатларини, бу мамлакат ва шаҳарлардаги ажойиботларни ёзиб боришни буюрган.

Элчилар 1419 йил декабрда йўлга чиқиб, бир йил деганда Хонбалиқ (Пекин)га етиб келганлар. Бу ерда 5 ой туриб, кейин ўз юртларига қайтиб кетганлар ва 1422 йил сентябрда Ҳиротга етиб келганлар; шундай қилиб, уларнинг сафари уч йил давом этган. Ана шундай узоқ муддатли саёҳат вақтида Фиёсиддин кўп нарсаларни кўрган ва кузатган... «У мамлакат тўғрисида ҳам, унинг халқи тўғрисида ҳам кўпгина қимматли маълумотлар берган, уларнинг урф-одатлари ва ҳоқон саройининг тузилиши хусусида қизиқ тафсилотлар ёзган».

Фиёсиддин топширикни бажо келтириб, хотира дафтари Шоҳрухга топширган. Бу хотира дафтари дастлаб Ҳофизи Абру ўқиб, ўз асарига киритган. Бу асардан эса Абдураззоқ Самарқандий бир оз қисқартириб, Фиёсиддин «ҳикоясининг сараси ва энг яхшиларини» кўчириб ўз асарига илова қилган. Фиёсиддиннинг сафари Абдураззоқ Самарқандий тифайли жаҳонга маълум бўлди. Хотира дафтари Фарбий Европа тилларига ва турк тилига бир неча бор таржима қилинди. Рус тилида Фиёсиддин тўғрисида қисқагина маълумотлар бор.

Тошкентлик шарқшунос А. Үринбоев Фиёсиддиннинг йўл хотираларини ўзбек тилига таржима қилиб, босмага тайёрламоқда. Биз эса ўз асаримизда Фиёсиддиннинг саёҳат йўлини изоҳлаш билан кифояланамиз. Унинг саёҳат маршрутини кўрсатувчи карта ҳам туздик.

Фиёсиддиннинг асарида жуда кўп жойлар тилга олинган, ўша жойлардаги дарёлар, кечиклар, тоғлар, довонлар, чўллар,

шаҳарлар, манзиллар, қалъалар, ёдгорликлар, табиат ҳодисалари, ҳайвонот дунёси ва савдо-сотиқ, одамлар ва урф-одатлар баён қилинган.

Элчилар қайтишда, Қашқардан сўнг, Андижон тоғларида икки карвонга ажралишган: бир карвон Андижон — Самарқанд — Амударё орқали Ҳиротга жўнаган, иккинчи карвон жанубий йўл билан, Бадаҳшон — Ҳисори Шодмон (ҳозирги Душанбага яқин шаҳар) — Балх орқали йўл босган.

Энди Ғиёсиддин нақошнинг касби-кори тўғрисида айтиб ўтмоқчимиз. Мавжуд китобларда Ғиёсиддин «рассом» (художник, живописец) ёки «архитектор» деб аталган. «Нақош» сўзининг рассомлик, архитекторлик, ўймакорлик, безакчи, суратчи касбларига алоқаси бор, албатта. Иккинчи томондан, бу сўз чизма, карта, план маъноларида ҳам ишлатилган. Масалан, тожикчаторсча «нақша қашидан» — чизмоқ, «нақша бардор» — топограф, «нақша бардори» — план олиш, карта чизиш, «нақша кардан» — карта тузиш маъноларини англатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ғиёсиддинга топширилган вазифа, яъни ҳар бир шаҳар ва вилоятни тасвирлаш рассом ва архитектордан кўра кўпроқ топограф ва картографнинг қўлидан келади. Агар XVIII—XIX асрларда Россиядан Ўрта Осиёга келган элчилар ва экспедициялар составида маҳсус топограф ҳамда геодезистлар ҳам бўлганлигини эсласак, Шоҳруҳ элчилари орасида Ғиёсиддин айни шундай вазифани бажарган, деган хуласага келамиз. Хуллас, биз Ғиёсиддин нақошни топограф ва картограф, кенг маънодаги географ деб аташ тарафдоримиз.

## АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ

Қадим замонларда ёртаосиёлик, хурросонлик олим ва элчилар Ҳиндистонга бориб-келиб турган. Беруний, Носир Ҳисрав, Авфий, кейинчалик эса Бобир, Муҳаммад Ҳайдар мирза ва бошқалар Ҳиндистонга қуруқликтан — шимол томондан, Афғонистон орқали борганлар ва Ҳиндистоннинг шимолий, марказий, шарқий қисмларида бўлганлар.

Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистонга бутунлай бошқа йўлдан, гарбдан — Ҳинд океани орқали кемада сузаб борган ва Ҳиндистоннинг айча жанубидаги вилоятда бўлган. Шу жиҳатдан унинг саёҳати алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек шарқшуноси А. Ўринбоев Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси»ни бир неча нусхаларига солишибтириб чиқди ва ўзбек тилига таржима қилди, кирниш сўзини ёзди, мукаммал илмий изоҳларини тайёрлади, бу асар босилиб ҳам чиқди. Биз шу нашрга асосланиб, Самарқандий сабҳатини географик жиҳатдан талқин этиш билан кифояландик.

Абдураззоқ Самарқандийнинг тўла исми Қамолуддин Абдураззоқ, отасининг исми Жамолуддин Исҳоқ Самарқандийдир. Абдураззоқнинг отаси самарқандлик, лекин Шоҳруҳ хизматида

юрганида Ҳиротда турган. Абдураззоқ 1413 йил 8 ноябрда Ҳиротда туғилган, кейинчалик бир қанча вақт Самарқандда яшаган.

Абдураззоқ ўз даврининг ўқимишли ва қалами ўткир кишиларидан бўлгани сабабли Шоҳрух уни ҳурмат қилган ва муҳим вазифаларни унга ишониб топширган, жумладан, уни аввало Ҳиндистонга, сўнгра Фиёнга элчи қилиб юборган. У Мисерга ҳам элчи қилиб тайинланган-у, лекин у ерга бориш насиб бўлмаган, 1482 йили 71 ёшида Ҳиротда вафот этган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг асосий асари «Матла ас-саъдайи ва мажма ал-баҳрайн» («Икки саодатли (юлдуз)нинг болқиши ва икки дengизнинг қўшилиши») номи билан машҳурdir; форс тилида ёзилган икки жилдан иборат бу асар мазмунан тарихий асардир. «Бамисоли Рашидиддин тарихининг давомидир» дейди И. Крачковский. Асарда йўл-йўлакай ҳар хил географик маълумотлар берилган ва икки бобида географик сафарлар баён этилган. Булардан бири — илгари айтиб ўтганимиз Ниёсиддин наққошнинг Хитойга сафари ва иккинчиси — муаллифнинг Ҳиндистонга сафариdir. И. Крачковский айтганидек, «Ҳиндистон сафарномаси»нинг (алоҳида боб тарзида) ёзилиши тасодифий бир ҳол эмас, албатта. Аввало бунинг учун муаллифнинг қўлида ўзи кўрган-билганларидан иборат бой материал бўлган; иккинчидан, унинг замондошлари (Ҳирот, Бухоро ва Самарқанд китобхонлари) узоқ мамлакатлар ҳақиқидаги ажойиб ҳикоялар ва аниқ маълумотлар билан жуда қизиқан.

«Ҳиндистон» бобининг тўла сарлавҳаси «Ҳиндистон сафари достони ва у (ер) ажойиботларининг шарҳи ва ғаройиботларининг баёни»dir. Шу баённинг айrim сатрларини келтирамиз:

«(1441) йили... Ҳўрмуз вилояти ва дengиз соҳилларига қараб сафарга отланди (м). Бу достон(да)... ҳар хил ажойиб-ғаройиблар сўз ипига терилади, уч йил муддат ичida кўрган-кечирган ҳолатим ва қўрқинчли воқеаларим муфассал ҳам қисқа ҳолда қайтадан баён қилинади. Сўнг (фақир) илгари ваъда килганига мувофиқ Xуросон, Мовароунаҳр, Форс, Ироқ ва Озарбайжонларда (бўлиб ўтган) воқеалар баён қилинади. (Фақир) умидворки, (бу достон) жаҳон билимдонларининг назарида ривож топгай ва замона аъёнларининг илтифот офтоби унинг устида нурлангай...

Мен Ҳинд тарафига тайинландим... Кўҳистон йўли билан чиқиб, жўнаб кетди(м). Қирмон биёбонининг ўртасида шаҳарга ўхшаш бир жойга етди (м)... Бу биёбон (Дашти Лут) Макрон ва Сейистон чегарасидан тортиб токи Домғонгача бўлган масофа офат ва хавф туғдирувчидир... (сўнг) Ҳўрмузга қараб йўл олиб, ойнинг ўртасида Уммон (Арабистон дengизи) соҳилига ва Ҳўрмуз бандарига етиб келдим. Бу — Жарун деб (ҳам) аталувчи Ҳўрмуз шаҳри дengиз ўртасида жойлашган бир бандардирки, етти иқлимининг савдогарлари Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб ва Ажам Ироқлари ҳамда Форс, Xуросон, Мовароунаҳр

ва Туркистон мамлакатлари, Даشتি Қипчоқ мамлакати, Қалмоқ тарафларидан, барча Шарқ мамлакатлари, Чину Мочин ва Хонбалиқдан бу шаҳарга юзланадилар. Денгиз соҳилларидағи (мамлакатлар)нинг кишилари Чин, Жова, Бангола, Силондан, Таносири, Зирбод шаҳарлари, Сўқутра, Шаҳри Нав ва Диша Маҳал оролларидан тортиб, ҳатто Балибор диёридан, Ҳабаша ва Зангидордан ҳамда Бижанагар бандарлари, Гулбарга, Гужарот, Канботдан, Арабистон қитъаси соҳиллари, ҳатто Адан, Жидда ва Янбулардан қўёш ва ой (нурлари) ва мўл ёмғир сувлари обитоб бериб дengiz юзига чиқарилишига (лойик) қилиб (етилтирган) қимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарга олиб келадилар».

Хўрмуз портигининг жуда катта халқаро савдо маркази бўлганлиги, шунингдек Абдураззоқнинг география фанини яхши билганлиги мазкур сатрлардан англашиб турибди. Абдураззоқ истеъоддли ёзувчи бўлганлигидан ҳар бир табиий ҳодисани бадиий образлар ва ўҳшатишлар, яққол ифодалар билан ҳаяжонли қилиб тасвирилаган. Самарқандий асар ёзар экан, унинг китобхонларга манзур бўлишини, уларни мафтун этишини ўйлаган. Масалан, у Арабистоннинг иссиқ иқлимини мана бундай таърифлаган:

«Баҳор фасли ва кечакундуз узунлигига баравар бўлган (21 март) бўлса ҳам, офтобнинг ҳарорати шу қадар иссиқ эди-ки, кон ичидаги лаълни ва устихон ичидаги иликни у куйдирар, қин ичидаги шамширни мумдек эритар эди. Қўёш нури ханжар дастасига ишланган гавҳарни лахча чўққа айлантириб юборар эди...

Ховуз ичидаги балиқларнинг тани,  
Оловга тушган ипакдек бўлиб {қовжираб} куяр эди,  
Сувнинг ва ҳавонинг иссиқлигидан,  
Балиқ паноҳ излаб ўзини оловга урар эди.  
Дашти-биёбонда ов қилиш осон бўлиб қолди,  
Чунки қовурилган кийиклар билан биёбон тўлган эди.

...Шу аснода бир куни кечаси шу қадар иссиқ бўлдикни, тонг пайтида худди осмон жаҳонга олов ёғдираялти, дер эдинг; ҳавонинг иссиқлиги осмон авжидаги тез учар қушни ва дengiz қаъридаги балиқни куйдирар эди... Дараҳтларга ин қўйган қумри, зағизғон, чумчук ва бошқа қушлар эрталаб ўлиб, дараҳтлар тагига қулаган эдилар. Бу сўзимда ёлгони йўқ десак ёлгончи бўлмаймиз.

Меваларни етилтирувчи бўлмиш иссиқликнинг оловидан,  
Булбул ва чумчуқларнинг мияси қуриб қолган;  
Иссиқнинг зўридан ҳар бир шоҳ тепасида,  
Қушлар худди юмшоқ ҳалводек (пишиб) қолган».

Самарқандийнинг яна бир тасвирига диққатнингизни жалб қилмоқчимиз.

Кема «бир паррандадирки, қанот-у пар ёрдамисиз учади; бир юрувчи дирки, оёқ ёрдамисиз ўқдек югуради; бир уловдирки, сувда кўкраги билан жавлон уради; бир балиқдирки, тўлқини ёқасида худди илондек қорни билан сайр қиласди; бир ҳилодирки, минглаб йиллар давомида тўлишмайди; у хилма-хил жониворларни ўзига тўплайди-ю, (ўзи бирорвга) юк бўлмайди; бир ҳинд табиатли канизак-у, тили ёқимли; бир неча авлоднинг эгаси-ю аммо ўзи бефарзанд; у ўзи бандда-ю, аммо бошқаларни бало тўғонидан халос қиласди; ўзи занжирда-ю, аммо худди шамол каби денгиз сувига занжир ташлаган; худди дилини йўқотганлардек на ерда эмас ва на осмонда, худди каромат эгалари сингари сув юзида юради; бир баҳайбат булутдирки, худди ёввойи ўрдакдек учиб юради; тик бир камондирки, букилган; худди чарх фалакдек сайёр, ўқи худди Қутб юлдузидек доимо бир қарорда...»

Шамол турган кунлари у шамолдан тез юарар,  
Қанот ёзганида ўқдан ҳам тез учар».

...«Токи кема минглаб силкенишлар билан денгизнинг ўртасига етган эдикни,

Ногоҳ денгиз юзида (қаттиқ) шамол қўзғолди,  
Ҳар тарафдан наъра ва фарёдлар кўтарилиди.  
Кечакема, шамол, денгиз ва гирдоблар,  
(Бари) ёмон ҳодисалар, сабабларини мухайёб қиласдилар.

Ногоҳ худди кемадаги (май) пиёласидан ичувчилардек бекарор шамоллар таъсирида, (кайфиятни) ўзгартирувчи бир шамол у кемага йўл топди... (кеманинг) елкани ошиқининг ёқасицек маъшуқ йўлида чок бўлди, ўқи (мачтаси) эса шамолнинг қаттиқлигидан жонон қошлари камондек эгилди... Тоғдек тўлқинларнинг чайқалишидан кема гоҳ чиририқ гилдирагига сирдош бўлиб айланди, гоҳ қаттиқ шамолнинг турткисидан ғаввослардек сув қаърига шўнғиди...»

Саёҳат бошида об-ҳаво баъзи сайёҳларнинг мижозига тўғри келмаганидан, Абдураззоқ билан саёҳатда ҳамроҳ бўлиб юрган акаси Афиғуддин Абдулваҳоб йўлда (Қалҳотда) бетоб бўлиб, вафот этган. Абдураззоқнинг ўзи ҳам қаттиқ хасталаниб, Ҳиндистонга жўнайдиган бир кемага зўрга чиқиб олган. «Денгиз хавоси бир қадар соз келиб, тузалиб кетниш умидини берди» деган у.

Элчилар 18 кун деганда Қоликут бандарига етганлар. «Қоликут хавфсиз ва обод бир бандардир; кўп мамлакат ва диёрларнинг савдогарлари жам бўлиши ва денгиз соҳилидаги срларнинг, хусусан Ҳабаша, Зирбод ва Зангібор мамлакатларининг молларидан кўплаб нафис нарсалар топилиши билан у Хўрмузга ўхшаб кетади», «Қоликутдан Маккайи Муборакка кемалар қатнаб турари ва кўпинча мурч олиб боради. Қоликут-



ликлар денгизда жуда суръатли бўлади... Бу бандарда ҳамма нарса топилади».

Бу — Ҳиндистоннинг энг жануби-ғарбидаги кўхна портлардан биридир; ҳозирги номи Қожикоде. Абдураззоқдан 56 йил кейин португал сайди Виско да Гама кемалари айни шу портга келиб тўхтаган. Абдураззоқ Самарқандий Қоликутдан яна Бижангарга ўтиб, у ерда кўп муддат меҳмон бўлди, ўз элчилик вазифасини ўтаб, ҳиндларнинг ҳаёти, урф-одатлари, байрамларини ҳамда шу ўлканинг савдо-сотиги, одамлари, ҳайвонлари ва ўсимликларини кузатган; бу ердаги ажойиботларнинг ҳаммаси Абдураззоқнинг сафарномасида таърифланган.

Абдураззоқ Бижангар ҳокимидан Шоҳрухга совфа-салом билан қайтар экан, яна кемада йўлга чиқсан, бу гал ие-не азобуқубатлар тортиб, 75 кун деганда Ҳўрмузга етиб келган, сўнгра илгари босиб ўтган йўлдан, Кирмон орқали Ҳиротга қайтган, бу гал унинг сафари уч йил давом этган.

Унинг тасвиirlаган Ҳиндистон ажойиботларидан бири — филдир. У бундай ёзган: «саройда сақланадиган филларни кичири бериб боқадилар... Фил тутиш усули мана бундай: филлар сув ичгани борадиган йўлда чуқур қилиб доҳ қазийдилар ва устини енгилгина ёлиб қўядилар. Бу жойга фил тушганида унинг яқинига икки-уч кунгача ҳеч ким келмайди. Шундан кейин бир киши келади-да, таёқ билан уни бир марта қаттиқ савалайди. Ноғоҳ бошқа бир киши келиб филни ураётган одамни (унинг кўзи олдида) итариб юбориб, қўлидан таёғини тортиб олиб улоқтириб ташлайди ва филга бир оз ўт ташлаб қайтиб кетади. Биринчи киши уни шу хилда бир неча кун давомида савалайди, иккичиси буни ман қиласди: охири фил иккинчи кишига дўст бўлиб қолади. Сўнгра бу одам оҳиста-оҳиста филнинг ёнига яқинлашиб, унинг олдига филлар яхши кўрадиган мевалардан келтиради; уни силаб-сийпайди, қашилайди. Шу хил

бадан тарбия билан фил унга ром бўлади ва бандга бўйин эгади.

...Баъзан гуноҳкорларни (жиноят қилганларни) филнинг оёғи остига ташлайдилар, фил уларни оёғи билан босиб, хартуми ва тишлари билан парчалаб ўлдиради. Савдогарлар Силондан вилоятларга филлар олиб бориб, газ эътибори билан баҳо қўйиб сотадилар.

Филларнинг шу тарзда сотилишини Бобир ҳам Абдураззоқ Самарқандий каби ҳикоя қилган: «Фил жуссаси катта ва зийрак жонивордир. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улуқлигига ярашадур, қаричлаб (ўлчаб) сотарлар. Ҳар неча улуқроқ — баҳоси кўпроқ. Андоқ ривоят қилдиларким, баъзи жазойирда ўн ҳарни фил бўлур эмиш. Бу орада худ тўртбеш қаридин (3—3,5 метрдан) икизрак (филлар) кўрулмади» («Бобирнома»).


Абдураззоқ Самарқандий тарихий асарида Қорақумнинг жанубий чеккасидаги Бодғис қирларини мана бундай таърифланган: «Кўклам чоғлари Бодғис атрофлари гўзал қизнинг жамолидан ҳам тозароқ, баҳр очувчи ва маъшуқаннинг ваъдасидан ҳам ёқимлироқдир».

Абдураззоқ Самарқандийдан 27 йил (1466—1472 йиллар) кейин Жанубий Ҳиндистонга рус савдогари Афанасий Никитин бориб қолган. Никитин тамомила бошқа мақсадда ва шароитда саёҳат қилган: Абдураззоқ — расмий элчи сифатида, махсус чақириқ билан, тортуқ ва ҳамён билан борган, ёнида бир неча мулоzими бўлган; Никитин эса молу мулкидан ажралган савдогар сифатида, мусофиричилик гурбатини чекиб, тасодифан, гайрирасмий тарзда ёлғиз ўзи борган. Абдураззоқ Жанубий Ҳиндистонда ўз тилида сўзлашадиган мусулмон кишиларни, ҳатто ватандошларини учратган бўлса, Никитинда бундай учрашувлар бўлмаган. Бу эса унинг аҳволини оғирлаштирган. Абдураззоқнинг билим даражаси билан Никитиннинг билим даражаси ўртасида фарқ бўлганлиги шубҳасизdir. Шунга қарамай, Абдураззоқ Самарқандий сафарномаси билан Афанасий Никитиннинг «Уч дengiz osha safar» асари ўртасида талай яқинлик ва ўхшашлик бор. Никитин сафарини шарҳлаган рус олимларининг ҳар қадамда уни Абдураззоқ Самарқандий асарига қиёс қилишлари бежиз эмас. Шу иккала асарининг баъзи томонларини солишитириб кўрайлик.

Абдураззоқнинг ҳаво ҳароратини тасвирлашини юқорида баён этдик. Никитин ҳам Жанубий Осиёнинг иссиғи тўғрисида «Хўрмузда офтоб шу қадар жазирамаки, одамни куйдиргидай» деган.

Ҳиндларнинг бадани қорайиб кетганлиги, лунги бойлаб юришларини иккала сайёҳимиз ҳам деярли бирдай ҳикоя қилган.

Абдураззоқ «Филларни кичири бериб боқадилар» деган бўлса, Афанасий Никитин: «отларга ҳам кичири пиширадилар»



Самарқандий ва Никитиннинг саёҳат йўли.  
Картада Самарқандий боргани жойларнинг таги чизилган

деган; у будда тўғрисида: «Тик турган одам қиёфасидаги» бут ва «Тош ҳайкалларга сифинадилар» («молятся они каменным болванам»)... «Ҳўрмуз — улкан бандар. Жами олам кишилари бу ерда бўлади. Ҳар турли мол ҳам бор. Жаҳонда нимаки яратилса, Ҳўрмузда топилади... Коликут эса бутун Ҳинд денизи-нинг бандаридир. Бирон кема кирмасдан ўтмайди» деб ёзган. Абдураззоқ асарида ҳам шу қабилда ёзилган сатрлар бор.

Хуллас, ҳар иккала сайёҳ ўзлари қадам босган жойларни ва ўз кўзлари билан кўрган нарсаларни жуда ҳаққоний тасвирлаганлар, иккаласи ҳам ўша жойларнинг асосий хусусиятиларини кўра билганлар. Афанасий Никитиннинг асарида Ҳиндистондан бошқа мамлакатларга доир талай маълумот бор. Абдураззоқда бундай маълумотлар жуда кам. Буниинг устига, Никитин асари Ҳиндистон тўғрисида рус тилида ёзилган биринчи ва энг мукаммал асар бўлганидан унинг саёҳати ва китобини қадрлашимиз ўринлидир.

Бир қизиқ факт: Никитин оғир аҳволга тушиб қолганда хурросонлик Хўжа Муҳаммад унга катта ёрдам берганини миннатдорчилек билан хикоя қилган. Ҳатто Никитин ўзини «мусулмон-часига Хўжа Юсуф Хурросоний бўламан» деб танитган.

Биз Абдураззоқ билан ҳам, Никитин билан ҳам баббаравар фахрланамиз. Чунки бу иккала ватандошимиз Ҳиндистонга ғарбий европаликлардан бир неча ўн йил олдин сув йўли орқали борган мустақил саиёҳлардир.

## УЛУГБЕК ГЕОГРАФИЯСИ

Улугбек, бобоси Амир Темурнинг сафарлари даврида, Багдод шаҳрида туғилган. Ешлигига Марога (Техрон ёнида) обсерваториясини кўриб, ҳавас билан «мен ҳам шундайни қураман» деб аҳд қилган экан. Улугбекнинг ёши 26—27 ларга етганда олимлар ҳаёти билан жуда яқинлашган. Унинг атрофида 60—70 тача математик ва астроном олимлар тўплланган.

Улугбек давридаги илм-фан тўғрисида мана бундай маълумотлар бор. Самарқандда 1408—1410 йилларда илм-фан ривожлана бошлаган. Мадрасанинг 4 тарафида 4 та дарсхона бўлиб, ҳар бирида мударрис ишлаган. Шулардан бири Қозизода бўлган, унинг дарсларига Улугбек ҳам келиб турган. Улугбек ўша даврнинг атоқли олими Саид Шариф Журжонийдан ҳам таълим олган, кейинчалик ўзи ҳам математикадан лекциялар ўқиган.

Маълумки, обсерватория 1427—1429 йилларда қурилган. Дастлаб унга Фиёсиддин Жамшид мудир этиб тайинланган. Унинг вафотидан сўнг Қозизода Румий раҳбарлик қилган. Ундан кейин Али Қушчи мудир бўлган. Самарқанд обсерваторияси ва мадрасаларида жиддийгина илмий мунозаралар бўлиб турган. Абу Райхон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари ҳар гал дастак бўлиб, кўпгина чигал масалаларни ҳал этишда асосий

кўлланма ҳисобланган. Бу китоб Улуғбекнинг кутубхонасида бўлган; Улуғбек ундан кўп фойдаланган.

Фиёсиддин Жамшид Коший 1420 йилларда отасига (Эронга) йўллаган мактубида Самарқандда илмий ҳаёт қайнайтгани, мадрасаларда лекцияларнинг юксак савиядалиги, Улуғбекнинг иродаси ва зўр билимдонолиги ҳақида муфассал ёзган. Улуғбек баъзи қоидаларни Абу Райхондан айнан нақл қилмокда, деган. Фиёсиддин Жамшид ўз давридаги подшолар ҳузурида бўлган бир мажлисда Қозизода Румий ҳам иштирок этганини ҳамда «Конуни Масъудий»дан бир масала ҳақида илмий мунозара бўлғанинги ҳикоя қилган.

Алишер Навоий шеърининг мана бу сатрлари Улуғбек обсерваторияси хусусида:

«Расадким боғламиш, зеби-жаҳондур  
Жаҳон ичра яна бир осмондир;  
Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».

«Бобирнома»да бундай дейилган: Улуғбекнинг «Яна бир олий иморати пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидир. Уч ошёналиқдир. Улуғбек мирзо бу расад била, «Зижи Кўрагоний»ни битибтурким, оламда ҳоло (ҳозир) бу зиж мустаъмалдур. Узга зиж била кам амал қилурлар».

Улуғбек раҳбарлигида, Қозизода Румий ва Фиёсиддин Жамшид бошлаган, улардан сўнг Али Қушчи давом эттирган ва ёзиб битказган «Зижи Кўрагоний» китоби (уни «Зижи султони Кўрагоний», «Зижи жадиди Султоний», «Зижи Улуғбек» деб ҳам атайдилар) Улуғбек обсерваториясининг маҳсулидир ва Ўрта Осиё ҳамда бутун жаҳон фани тарихида шоҳона бир илмий асаридир.

Самарқанддаги обсерватория тўғрисида замонавий олимлар ҳам бир қанча илмий ва оммабоп китоблар ёзишган. Буларнинг энг мукаммали проф. Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзийнинг тадқиқотлари маҳсули.— «Улуғбек ва унинг илмий мероси» номли асаридир.

Биз китобимизда «Зижи Кўрагоний»нинг астрономик томонига эмас, балки ундаги географик маълумотларга диққатингизни жалб этмоқчимиз. Маълумки, «Зижи Кўрагоний»да юлдузлар жадвали билан бирга ер юзидағи шаҳарларнинг географик координаталари ҳам кўрсатилган. Айни шу географик жадвал Т. Н. Қориниёзийнинг китобида, С. М. Горленконинг мақоласида ва Ҳ. Ж. Мамедбейлининг асарида<sup>1</sup> бир қадар изоҳланган. Шуни кенгроқ таҳлил қилиб кўрайлик.

Дастлаб Ҳ. Ж. Мамедбейлининг ўринсиз бир даъвосига эътироҳ билдиримоқчимиз. Ҳ. Ж. Мамедбейли бундай дейди: «Нас-

<sup>1</sup> Г. Д. Мамедбейли. Основатель Марагинской обсерватории Муhammad Насиреддин Туси, Баку, 1961.

риддин Тусий тузган «Зижи Элхоний»даги айрим жадваллар, жумладан, шаҳарларнинг географик координаталари жадвали «Зижи Кўрагоний»га тўппа-тўғри кўчириб ёзилган. Синчиклаб текшириш натижасида шу нарса исбот этилдики, 256 шаҳарнинг географик координатаси берилган бу жадвал ҳеч қандай ўзгаришсиз «Зижи Элхоний»дан «Зижи Кўрагоний»га кўчирилган, фақат Самарқанд шаҳрининг координаталаригина бошқатдан аниқланган» (232-бет).

Ҳ. Ж. Мамедбейли сингари, биз ҳам Насриддин Тусийнинг «Зижи Элхоний»даги географик координаталар жадвалини Улуғбек обсерваториясида тузилган «Зижи Кўрагоний»даги географик координаталар жадвалига синчиклаб солишириб чиқдик. Жаҳоннинг турли кутубхоналарида «Зижи Кўрагоний» асарининг бир қанча қўлёзма нусхалари бор; уларда ҳам 250 тача (247—256) жойнинг координаталари берилган. Ғарбий Европа тилларида нашр этилган Улуғбек жадвалларида ҳам худди шундай.

Биз Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган учта қўлёзманинг географик координаталар жадвали билан танишиб қўйидагиларни аниқладик. 457- қўлёзмада (82б—84а-бетлар) 244 та шаҳар номи, 2118- қўлёзмада (113б—114б- бетлар) — 245 та ном кўрсатилган, 2214- қўлёзмада эса (103б—110а- бетлар) 697 жойнинг географик координаталари берилган. 457 ва 2118- қўлёзмалар ҳамма жиҳатдан бир-бираiga ўҳшайди: мамлакат ва шаҳарларнинг кетма-кет ёзилиши, узунлик ва кенглик кўрсаткичлари иккаласида ҳам бир хил; фақат хаттот йўл қўйган баъзи хатоларгина бор. 2118- қўлёзмадаги жадвал охирига, рамканинг четига битта ном қўшиб қўйилган. Шунга кўра, бу қўлёзма 457- қўлёзманинг айнан нусхаси ва ундан кейинроқ қўчирилган бўлса керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Бироқ 2114- қўлёзма жаҳондаги якка-ягона ва энг мукаммал асадирки, унинг географик жадвалида шаҳарлар сони қарийб уч баравар кўп. Бизнинг бундан кейинги баёнимиз ана шу манбага асосланади.<sup>1</sup>

«Зижи Кўрагоний»даги 697 номнинг 120 тадан кўпроги икки мартадан, тўрттаси (Халвон, Нишобур, Тус, Тиз шаҳарлари) уч мартадан такрорланган. Қайтариқлар (128 ном) ўчириб ташланниб, бу номлар бўй мартадан ёзилса, жами  $697 - 128 = 569$  ном қолади. Буни яхлитлаб 570 деб оламиз. Демак, «Зижи Кўрагоний»да қайтариқлардан ташқари, 570 та шаҳарнинг географик координаталари берилган. Ҳолбуки Тусийнинг «Зижи Элхоний»сида фақат 256 та ном бор эди. Улуғбек буларга яна 314 номни қўшган.

Кўриниб турибдики, бу рақамлар Ҳ. Ж. Мамедбейлининг

<sup>1</sup> Улуғбек ибн Шоҳруҳ ибн Темур Кўрагон. «Зижи сultonи Кўрагоний», ЎзФАШИ, № 2214.

даъвосини рад қилади. Аксинча, «Зижи Кўрагоний»даги географик жадвалнинг бир қисмигина (ярмидан камроғи) «Зижи Элхоний»дан олинган, дейиш тўғрироқ бўларди. Афтидан, X. Ж. Мамедбейли Тошкентдаги бу ажойиб қўлёзмани кўрмаган. Тусидан олинган 256 та шаҳар номи унинг жадвалидан «тўппаттўғри» кўчирилмаган. Масалан, Улуғбек жадвалида I дан 258 гача бўлган рақамлар билан белгилаб чиқилган шаҳарлар орасида (шулар Тусидан олинган деб ҳисобланилади) Тусий жадвалидаги 13 шаҳарнинг (55, 58, 59, 63, 76, 89, 90, 97, 167, 226, 246, 256 билан белгиланган шаҳарларнинг) номлари йўқ; шунингдек, айрим шаҳарларнинг кетма-кет ёзилишида ҳам тафовут бор. Буни қўйидаги қиёсий жадвалдан кўриш мумкин:

Т	У	Т	У	Т	У	Т	У
180	172	199	190	201	221	207	227
184	176	214	191	202	222	208	228
187	179	215	192	203	223	209	229
191	183	216	193	204	224	210	230
194	185	217	194	205	225	212	231
195	186	218	195	206	226	213	232

Биринчи қаторда Тусий (Т) — «Зижи Элхоний» жадвалидаги шаҳарлар рўйхати номери кўрсатилади, иккинчи қаторда Улуғбек (У) — «Зижи Кўрагоний» жадвалидаги рўйхат номери келтириллади (бундай номерлар 2214- қўлёзмада бўлмаса ҳам, текширишни осонлаштириш учун ўзимиз рақам қўйиб чиқдик).

Хуллас, X. Ж. Мамедбейлининг «Улуғбек жадвалида координатаси берилган ҳар бир шаҳар Мароға обсерваторияси жадвалларида бор; бинобарин, Улуғбек жадвалидаги шаҳарлар ва уларнинг жойлари Мароға жадвалидан кўчириб олинган» дейиши учун асос йўқ. Улуғбек обсерваториясида тузилган «Зижи Кўрагоний»нинг географик жадваллари Тусийнинг «Зижи Элхоний»сидаги географик жадваллардан анча фарқ қилади.

Энди, **Беруний** ва **Улуғбек** асарларида географик координаталар жадвалларини солиштириб кўрайлик. Бу жадвалларда асосан уч хил тафовут кўзга ташланади; биринчи тафовут—координаталари берилган шаҳарларнинг рўйхати турлича принципларда тузилганлигидир. Беруний жадвалида шаҳарлар ҳамиша «иқлимий» тартибда, экватордан бошлаб, I—II—III ва ҳоказо «иқлиmlар» бўйлаб ёзилган. «Иқлиmlар» ичida улар гарбдан шарққа қараб тартиб қилинган. Улуғбек жадвалида эса шаҳарлар «иқлиmlар» принципида эмас, балки умуман гарбдан шарққа қараб тартиб қилинган. Улуғбек жадвалида гарчи «иқлиmlар» графаси бўлса ҳам, унга мамлакатлар номи ёзилган.

Иккинчи тафовут — шаҳарларга берилган географик таърифлардир. Улуғбек жадвалида шаҳар номлари рўйхат қилинган-у,

уларга қўшимча изоҳлар ё ҳеч берилмаган, ёки жуда қисқа изоҳ берилган. Беруний жадвалида эса аксари шаҳарларга қисқа-қисқа таърифлар берилган. Шуниси муҳимки, ҳар иккала жадвалдаги таърифлар деярли бир-бирига ўхшайди. Демак, муаллифлар бир манбадан фойдаланган ёки бундай таърифлар Шарқ географияси учун умумий ва анъанавий бўлиб қолган.

Кўйида бир неча номни мисол тариқасида келтирамиз.

### Беруний жадвалида

*Қулзум* — Қизил денгизнинг четида (шаҳар), бу денгиз яна Суф денгизи номи билан машҳур.

*Рамла* — Фаластиннинг кичик шаҳри.

*Қибрис* — Шом денгизидаги орол.

*Трабзунда* — Румия порти. Бўнтус денгизи қирғогида.

*Боб ал-Абвоб* — Дарбанди Хазарон номи билан машҳур; денгиз бўйида.

*Бокуяя* — оқ нафт (нефть) чиқадиган жой.

*Кот* (Хоразмнинг) иккинчи шаҳри, Жайхуннинг шарқий бетида.

*Қўстантиния* — Рум ва Бўнтус денгизи орасида, Халиж қирғогида,

*Хазар шаҳри* — Атил дарёси қирғогида ги вайроналар.

### Улуғбек жадвалида

*Қулзум* — денгиз қирғогида.

*Рамла* — Фаластиндан.

*Қибрит.*

*Трабзунд.*

*Боб ал-Абвоб.*

*Бокуяя.*

*Кот.*

*Қўстантиния.*

*Хазар шаҳри.*

Бундан ташқари, Беруний жадвалида дунёнинг кўпроқ жойи қамраб олинган. Жумладан, унда экватордан жанубдаги ороллар ҳам, чекка шимолдаги ерлар ҳам бор. Ўрта Осиё анча тўла берилган (бу Беруний бобида таҳлил қилинган эди). Беруний жадвали мамлакатлар ва шаҳарлар сони жиҳатдан бойроқдир.

Улуғбек жадвалининг афзаллиги шундаки, бу жадвалда бир қанча янги номлар бўлишидан ташқари, Берунийдан кейин пайдо бўлган шаҳарлар ва бирмунча аниқ рақамлар (узунлик ва кенглик кўрсаткичлари) берилган.

Учинчи, энг асосий тафовут — жадвалларда қўлланилган бошланғич меридианларининг турлича эканлигидир.

Беруний жадвалининг сарлавҳасида: «Узунликлар Гарбий океан соҳилидан ҳисобланган» деб, Улуғбек жадвалининг сарлавҳасида эса: «Шаҳарларнинг узунликлари Холидот оролларидан ва кенгликлари экватордан бошлаб ҳисобланган» деб ёзилган. «Зижи Кўрагоний»ни шарҳлаган астроном Биржандий ҳам шуни таъкидлаб ўтган.

Беруний ва Улуғбек жадвалларида бошланғич меридианларнинг икки хиллиги муносабати билан мана бундай саволлар ту-

ғилади: Умуман қандай бошланғич меридианлар бўлган? Беруний ва Улугбек жадвалларида бошланғич меридианлар қайси? Беруний меридианларни қандай ўлчаган? «Зижи Кўраганий» муллифлари жадвални қайси манбаларга асосланиб тузганилар? Холидот ороллари қаерда?

Астрономия, география ва картография тарихидан маълумки, милоддан илгари II асрда (160—125-йиллар) яшаган буюк астроном Гиппарх Родос ороли билан Александрия шаҳридан ўтган узунликни бошланғич меридиан сифатида белгилаган. Ундан сўнг Марин Тирский ва Птолемей «Фортунате инсулае» (руссаи «Острова Блаженных» ёки «Счастливые острова») — «Саодат ороллари»ни бошланғич меридиан сифатида белгилаганлар. Аммо бу ороллар ўша замондаёқ тахминий ва деярли афсонавий ороллар бўлган. «Саодат ороллари» арабчада «Жазоир ас-Саъда» деб аталган.

«Саодат ороллари» европаликлар то XIX асргача картографияда қўлланиб келган Ферро меридианига айнан монанд. Бу меридиан шарқий ва ғарбий яримшарларнинг чегараси — айни вақтда ноль меридиан ҳисобланган. У ҳозирги Гринвич меридианидан  $17^{\circ}40'$  ғарбдаги, Қайар оролларининг энг чеккасидағи оролдир. Бу чекка орол Яшил бурун билан бир узунликда жойлашган бўлиб, Африканинг ғарбий соҳилига тўғри келади. Беруний қўлланган меридиан ҳам шунинг ўзиdir. Бизнинг фикримизча, Птолемейнинг бошланғич меридиани — ўрта асрларнинг «Жазоир ас-Саъда»си — Берунийнинг «Ғарбий океан соҳили» — Ферро меридиани ва Қайар ороллари — ҳаммаси бир чизиқда, бир меридиандадир.

Беруний ўзигача маълум бўлган узунилklарни мумкин қадар қайтадан текшириб, тузатиб ёзишга тиришган: «Мен бу жадвалда кенглик ва узунилklарни бердим, шунга доир бошқа маълумотлар билан таққослашга тиришдим, чунки бундай рақамларнинг ичида ёлғонлари ҳам бор ёки қисман янглиш ўлчанган» («Қонуни Масъудий»).

«Ат-Тафхим» китобида бу фикр янада равшанроқ ифода этилган: «Жойларнинг кенглик ва узунилklари (менгача) маълум эди. Аммо китобларда хотўри маълумотлар ҳам учрайдик, афсус, уларни ҳануз тузатиб бўлмайди. Баъзи маълумотлар тахминий бўлиб қолди, ҳар ҳолда келтирганларимиз бошқа китоблардагидан кўра ҳақиқатга яқинроқдир».

Демак, Беруний жадвалида баъзи хатолар борлигини ўзиёқ писанда қилган. Шундай қилиб, жадвалдаги узунилklарнинг бир қисми Атлантика қирғоғидан ҳисобланган, яна бир қисми шаҳарлар орасидаги масофаларга қараб белгиланган, баъзилари хатолигича қолган, натижада жадвалнинг меридиан кўрсаткичларида изчиллик йўқолган. Буни қўйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Биз Беруний жадвалидан 100 та машҳур номни олиб текширидик:

9 та	жой	Гринвич	меридианидан	28—27°	фарқ	қилади
16	»	»	»	26°	»	»
9	»	»	»	25°	»	»
19	»	»	»	24°	»	»
20	»	»	»	23—22°	»	»
14	»	»	»	21—20°	»	»
4	»	»	»	19°	»	»
7	»	»	»	18—14°	»	»

Қолган 12 та номнинг кўрсаткичлари ноаниқ (эҳтимол хаттотнинг хатосидир).

Гринвич меридианидан 14° дан 28° гача тафовут қилгандан кейин Беруний жадвалида бирон қатъий қонуниятни аниқлаб бўлмайди. Аммо бошқа бир хусусият кўзга ташланади: Испания шаҳарлари 10° ча фарқ қилади, Ўрта денгиз бўйидаги шаҳарлар — 24°, Беруний ўзи ўлчаган ёки ўзига анча таниш бўлган шаҳарларнинг меридиани 25—26° фарқ қилади. Аммо шаҳарларнинг параллеллари (кенгликлари) анча аниқ ва тўғри кўрсатилган. XVI асрдан кейин тузилган «Астролябиядан қўлланма» рисоласида ҳам Беруний маълумотлари қисқача тақрорланган (Уз ФАШИ, № 1207).

Энди Улугбекнинг «Зижи Кўрагоний» жадвалига асос қилинган бош меридианин кўриб чиқайлик. Проф Т. Н. Қориниёзий «Зижи Кўрагоний»даги асосий меридианнинг ўрнини белгилаш мақсадида бир қиёсий жадвал келтириб, Улугбек жадвалидаги асосий меридианларнинг ўрнини бир қадар аниқ белгилашнинг имконияти йўқлигини айтган.

Улугбекнинг асосий меридиани форс-тоҷик тилида ижод қилган кўпчилик астрономларнинг асарларида қўлланилган. Жумладан, XVIII аср бошида Ҳиндистонда тузилган «Муҳаммад шоҳнинг янги астрономик жадваллари»да Улугбек кўрсаткичлари деярли айнан тақрорланган (Уз ФАШИ, № 440). Грузин олимни Вахтанг IV «Зижи Улугбек»ни грузин тилига таржима қилиб, ўзидан ҳам баъзи изоҳлар қўшган, Улугбек маълумотлари асосида бир қанча координаталарни аниқлаган.

Кўпчилик Шарқ муаллифларининг асарларида маъмуранинг энг гарбидаги, Атлантика океанидаги майдада ороллар тўдаси Холидот ороллари («Жазоири Холидот») деб аталган. «Холидот» сўзи арабча «абадий», «умрбод» деган маънода ишлатилган бўлса керак (И. Ю. Крачковский уни русчага «Вечные острова» деб таржима қилган).

Оролларнинг географик ўрни тўғрисида ўрта асрларда ҳам аниқ бир фикр айтилмаган, ҳозир ҳам тайинли бир фикр йўқ. «Холидот ороллари» тушунчаси кўпинча «ас-Саъда ороллари» билан аралаштириб юборилган. Шунинг учун ҳам «Холидот ороллари»ни ҳозирги Қанар ороллари деб аташ расм бўлган. Бу тўғрида шарқшуносларнинг жуда кўп мақолалари босилиб чиқкан, «Ислом энциклопедияси»да ҳам Қанар ороллари де-


йилган. Биз шу тўғридаги энг янги мулоҳазаларга тўхтаб ўтмоқчимиз.

Озарбайжон астрономи X. Ж. Мамедбейли Мароға обсерваториясининг илмий меросини ўрганиш натижасида мана бундай мулоҳазаларни илгари сурди: Насриддин Тусийнинг географик жадвалида бошланғич меридиан Холидот оролларидан олинган. У меридиан ҳозирги Гринвичдан  $34 - 35^{\circ}$  гарбда, яъни Жанубий Американинг шарқий қисмига тўғри келади. Демак, Насриддин Тусий Американинг мавжудлигини 1271 йилдаёқ — Колумбдан анча илгари билган. Ҳатто Колумбнинг ўзи ҳам янги қитъага бо-ришидан (1492 йил 12 октябрдан) олдин ўша ерлар ҳақида баъзи хабарларни эшитган, эҳтимол маҳфий равишда бориб келган бўлиши ҳам мумкин. Мароға обсерваториясига келиб-кетиб турган Фарбий Европа, Хитой, Африка олимлари обсерватория жадваллари билан танишиб, Атлантика океанида олис қуруқлик борлигини билиб олган бўлишлари мумкин.

Ибн Сайднинг дунё картасида Холидот ороллари Африка соҳилидан анча нарига, ҳатто яримшарнинг четига ёзиб қўйилган; араб сайёхи Харроний «Фарбий ер»ни тасвиirlab, океанда бир қанча ороллар борлиги ва улардан иккитаси «Холидот» деб аталишини айтган. Колумб ҳам Марказий Америкада ороллар кўплигини айнан Харроний сингари тасвиirlаган. Бу икки орол — Ганти ва Кубадир.

Мамедбейлининг чиқарган хулосасига кўра, Холидот ороллари меридиани ҳозирги Антиль ороллари билан Бразилиянинг шарқий соҳилидан ўтади. Биз Мамедбейлининг Колумб саёҳати ҳамда Шарқ олимларининг Европа фанига таъсири тўғрисидаги фикрига қўшиламиз. Жазоири Холидотнинг Атлантика океанидаги ороллар бўлиши кераклиги тўғрисидаги мулоҳазасини ҳам тўғри деб топамиз. Аммо Холидот ороллари Куба ёки Бразилия бўлиши шарт эмас. Беруний Холидот оролларининг соҳилдан  $10^{\circ}$  ёки  $200$  фарсах (таксминан  $1200\text{ км}$ ) гарбда жойлашганлигини таъкидлаган («Геодезия»). Градус тўри чизилган дунё картасининг муаллифи географ ва тарихчи Ҳофизи Абу Мовароуннаҳрнинг гарбий чеккасини тасвиirlab бундай деган: «Мовароуннаҳр гарбий чегараси Холидот оролларидан ҳисобланса  $95^{\circ}$  ли жойдир. Баъзи қўлёзмаларда шаҳарларнинг узунлиги (Африка) соҳилидан белгиланадики, рақамлар  $10^{\circ}$  кам бўлади» (яъни  $85^{\circ}$ ).

Али Кушчининг «Фалакиёт» китобида ёзилишича, «Фарбий океандаги Холидот оролларини Ернинг обод қисмининг бошланниши деб билганилар, илгари унда одамлар яшаган; баъзилар дунёнинг обод қисмини (Африка) соҳилидан деб айтганлар. Булар орасида  $10^{\circ}$  фарқ бор». Биржандий ҳам: «Холидот ва Съода ороллари иккаласи бир эмас. Холидот — Атлантика океани (ичкарисидаги) ороллар соҳилдан  $10^{\circ}$  гарбда; Съода ороллари эса 24 та майда ороллар жумласидан бўлиб, Холидот билан



Бош меридианлар схемаси

(Африка) соҳили ўртасидадир. Холидот оролларини ҳозир сув босган» дейди.

Демак, Холидот асло Канар ороллари эмаслиги ўрта асрлардаёқ айтиб ўтилган. Ахир, Канар ороллари, айтиб ўтганимиздек, Африка соҳили билан бир меридианда туринти. Африканинг энг чекка гарбий нуқтасидан эмас, балки Марокаш соҳилларидан ўлчаганда ҳам Канар ороллари (жумладан, Гранд—Канария ва Тенериф) соҳилдан бор-йўғи  $3^{\circ}$ , яъни 300 км ча гарбдадир. Бизнингча, Холидот ороллари Канар ороллари («Саодат ороллари»)дан анча гарбдаги ё Яшил Бурун ороллари, ёки Азор

оролларидир. Бу ороллар соҳилдан  $7-8^{\circ}$ , яъни  $800$  км ча нарида (Беруний ва Биржандий айтганидек,  $10^{\circ}$  ва  $200$  фарсахга бирмунча тӯғри келади); ерининг юзаси пасттекислиkdir («денигиз босган»). Холидотнинг ўзи ҳақиқатан ҳам сув остида қолган бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам у, барибир, Азор ёки Яшил Бурун оролларининг ёнида бўлган.

Али Қушчининг «Астрономияга оид рисола»сидаги мана бу сатрлар ҳам фикримизнинг бир қадар исботи бўла олади: «ободонликнинг бошланиш жойи Магриб томондан... бир вақтлар обод бўлиб, энди ҳароб бўлган ороллардир. Уларни Жазоири Холидот («доимий ороллар») дейдилар. Қай бир астрономлар ободонлик бошланиш жойини «Жазонри Холидот»дан, баъзилари эса Магриб денгизи Ўқиён соҳилидан олганлар». Бу хусусда бошқа мулоҳаза ҳам бор. Масалан, тошкентлик астроном профессор В. П. Шчеглов Холидот оролларининг табиатда мавжуд бўлмасдан, фақат символик бир чизиқ сифатида юритилган бўлиши эҳтимоллигини айтиб, «Маълумки, Улугбекнинг географик жадвалидаги жойларнинг узунликлари қайси меридиандан ҳисобланганлиги шу ҷоққача муаммо бўлиб келмоқда... Афтидан, Улугбекнинг географик жадвалини тузишда қабул қилинган бошланғич меридиан тўппа-тӯғри шартли бир чизиқ бўлгандир ва ўша замонда маълум бўлган бирон аниқ жойга бояланмагандир» дейди.

Шарқ адабиётида Холидот ва Саъда оролларининг ҷалқаштириб юборилганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Европа олимлари ҳам «Блаженные острова» («Саодат ороллари») деб баъзан Азор оролларини, баъзан Канар оролларини аташган.

Ҳатто XIX асрда ҳам бошланғич меридианини аниқ айтиша олмаганлар: испанларда бошланғич меридиан — Ферро, инглизларда — Гринвич, француздарда — Париж, Россияда — Пулково бўлган. Афтидан, ўрта асрларда ҳам аҳвол шундай бўлган: гоҳо Холидотни, гоҳо Саъданни бошланғич меридиан деб билишган ва баъзан иккаласини бир-бирига ўхшатишган. Евролаликлар Холидот ва Саъданни адаштириб бир неча хил атаганлар: Вечные острова, Райские острова, острова Блаженных, Счастливые острова ва ҳоказо.

Улугбек жадвалига қайтайлик. Унинг жадвалида координаталар Холидот оролларидан ҳисобланган ва ҳозирги Гринвичдан  $23-34^{\circ}$  фарқ қиласди. Қани, Канар оролларини Холидот ороллари деб ҳисболовчилар ўлчаб кўрсинг-чи, бу ороллар Улугбек жадвалидаги бирон меридиангага тӯғри келармикан? Масалан, Улугбек Самарқанднинг узунлигини  $99^{\circ}$  деган. Канар оролларидан ўлчаб кўрилганда бу узунлик фақат  $85^{\circ}$  бўлади, яъни  $14^{\circ}$  фарқ қиласди. Бу ерда гап ўлчовнинг хатолигида эмас (бундай хатолар бўлган, албатта), балки Холидот Канар оролларидан анча гарбда бўлганлигидадир.

Холидот ороллари муаммосини тўла ҳал қилиш ва шарқшунослардаги «Холидот — Канардир» деган фикрга барҳам берини

учун ҳали талай текстологик ишлар қилиниши ва картографик тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Юқоридаги мунозаралардан қатъи назар, қадимги ноль меридианларнинг ҳозир ҳам тарихий аҳамияти бор. Реконструкция карталари тузиш, фан тарихи босқичларини ўрганиш ва астрономик ўлчашларни таққослаш учун бизга ўша бошланғич меридианлар керак бўлади.

### ҲУСАЙН КУБРАВИЙ

Ҳусайн ибн Ҳусайн Хоразмий—Кубравий тўғрисида маълумотлар жуда кам, унинг туғилган ва вафот этган йиллари, би-нобарин, қайси даврда яшаганлиги ҳам номаълум. Баъзилар уни «XV—XVI асрларда яшаган» дейдилар («Қирқ олим»). Бироқ Кубравийнинг «Нузҳат ал-маллок фи ҳайъат ал-афлок» («Фалак тузилиши ҳақида севинч эгаси») асари шаҳзода Муинзиддин Абул Мунокиб Абдулазиз Кўрагонга бағишлиянганини эътиборга олсак, бу асар 1440—1450 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб чиқади, чунки Абдулазиз Кўрагон — Улугбекнинг иккинчи ўғли 1450 йилда ўлдирилган. Агар шундай бўлса, у ҳолда Ҳусайн Кубравий асари XV аср Урта Осиё географиясининг ёдгорликлари қаторига қўшилиши керак.

«Нузҳат ал-маллок» асарининг бир нусхаси Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтидага сақланмоқда (№ 1207/III). Асарнинг сўз бошида кўрсатилишича, асар икки қисм (мақола)дан иборат бўлган. Биринчи қисмидаги Қуёш ва юлдузлар, осмондаги тўққиз доира, юлдузлар ва Ер шарининг ҳаракати, иккинчи қисмидаги эса етти иқлим, уларнинг чегаралари, Ойнинг ҳаракати баён этилган ва қиблани аниқлаш йўллари ёритилган. Афсуски, биз учун жуда муҳим бўлган иккинчи қисм Тошкентдаги қўллётмада сақланмаган, ҳатто биринчи қисми ҳам тўла эмас (СВР, I. 232). Асарда кўпгина шакллар берилган.

### АЛИ ҚУШЧИ

Али Қушчининг «XV аср Батлимуси» (Птолемей) деб аталиши бежиз эмас. У астрономия, математика ва географияга, ҳатто араб тили грамматикасига доир қимматбаҳо асарларнинг муаллифидир. У ҳам дипломат, ҳам муаллим бўлган. Али Қушчи Самарқанд обсерваториясининг илмий меросини сақлаб қолган ва жаҳонга маълум қилган ватандошимиздир.

Аловуддин Али ибн Ҷӯҳаммад Самарқандий, тахаллуси Али Қушчи 1402 йилда туғилган, унинг отаси темурийлар авлодидан бўлган, ёшлиги ва етуклик йиллари Самарқандда ўтган. Улугбек саройида қарчиғайлар боққани учун «Қушчи» дейишган.

Али Қушчи Улугбекдан ёшроқ бўлса-да, у билан дўст бўлиб, ҳамжиҳатликда ижод қилган. Улугбек уни кўпинча «ўғлим» деб

атаган. У Улугбек обсерваториясидаги астрономик ва географик ишлар билан шуғулланган, «Зижи Кўрагоний»ни тузишда қатнашган. Зижнинг Тошкентда сақланаётган нусхаси (инв. № 2214) Улугбек замонида кўчирилган; уни Али Қушчи таҳрир қўлганлиги тўғрисида китобнинг ўзида ёзилган. Улугбекнинг фожиона ўлимидан сўнг Али Қушчи обсерваторияда илмий ишларни бир неча йил давом эттира олган.

Рұҳонийлар бошлиғи Хўжа Аҳорнинг Али Қушчига бўлган муносабати тўғрисида бир-бирига қарама-қарши ривоятлар бор. Масалан, бир манбада айтилишича, бир йигит бир бойнинг қошига иш сўраб келганида унинг ёнида ўтирган Хўжа Аҳор иккиланиб турган бойга: «бу йигитни албатта хизматнингизга олинг, у Али Қушчининг шогирди эди», деган эмиш. Бошқа манба («Рашохати айн ал-ҳаёт») да бунинг аксича мисол келтирилган. Бир куни Али Қушчи ўзининг 9 та шогирди билан Хўжа Аҳор ёнидан ўтиб кетаётганида Хўжа Аҳор ёнидаги кишиларга: «Ана, 9 та лайчасини эргаштириб ит келяпти» деган эмиш.

Маълумки, 1451 йилда темурийлардан кейин Самарқанд таҳтини сulton Абу Сайд эгаллади. У Улугбек тарбиясини кўрган киши эди, шунинг учун бўлса керақ, Улугбекнинг тирик қолган яқин кишиларига, шу жумладан Али Қушчига ҳам ҳомийлик қўлган. Али Қушчи 20 йил давомида ўз илмий ишларини давом эттирган. Абу Сайднинг вафотидан (1469 йил) сўнг мамлакатда реакция ва хурофот янада авжига чиқсан. Шу сабабли Али Қушчи ўзга мамлакатга кетишга мажбур бўлган.

Хуллас, Али Қушчи қариган чоғида, ҳажга бориш баҳонаси билан Самарқанддан чиқиб кетган. Бу воқеа қачон бўлганлиги аниқ маълум эмас. Самарқандлик математик Хатидовнинг айтилишича, Али Қушчи 1453 йилда Эронга кетган, 1462 йилга қадар шу ерда хизмат қўлган ва 1465 йилда элчи қилиб тайинланган.

Шарқшунос Асомиддин Үринбоев яқинда қизиқ бир мактуб топди, бу мактуб матбуотда эълон қилинди. Мактубдан маълум бўлишича, Али Қушчи Ҳиротга етганида таҳминан 69 ёшида бўлган, ўшанда Абдураҳмон Жомий билан илмий мавзуларда суҳбатлашган. 1471 йили Ҳиротдан Эронга ўтган. Эронда уни самимий кутиб олишган. Бу ерда ҳукмдор Узун Ҳасанинг илтимоси билан бир оз дипломатик хизматда бўлган (Узун Ҳасан оққўюнли ўғузлар сулоласининг давлат бошлиғи, пойтахти Табриз шаҳри). Бир куни ҳукмдор уни Туркия султони ҳузуринга Эрон номидан элчи қилиб юборган.

...Истанбул. Султон саройидаги кечаги маросим тўғрисида бутун пойтахтда дув-дув гап: «Султон Мухаммад кеча Эрон давлатининг элчиларини қабул қилиптилар. Элчи сарой дарвозасига етиб келиши биланоқ султон аъло ҳазратлари унга пешвоз чиқиптилар-а!

Жами мусулмонларнинг халифаси деган обрў қани энди? Бу

Узун Ҳасан Эронни ҳурмат қилганларими ё ундан қўрқанларими? Яна Султон Фотиҳ эмиш!»

Миш-миш гаплар кўп-у, аммо кўриниш (қабул) маросими аслида бундай бўлган.

Дарвоза долонида, пастаккина соябон аравада қалин болишга суюниб, жилмайиб турган султонга кўзи тушган элчи Али Қушчи дарҳол отдан тушди-ю, узоқдан бир таъзим қилиб, аммо бошини эгмай, султон томон гоз юриб келаверди. Султоннинг ўзи секингина аравадан тушиб, икки қўлини чўзган ҳолда элчига яқинлашди. Саломлашишди, қучоқлашишди. Бирон элчини султон бу тариқа қарши олмаган эди.

Биринчи дақиқаданоқ султоннинг фикр-зикри ўзга мавзуга ўтди: «Темурийлар сулоласининг гавҳар кўзи Улугбек мирзо эдилар. Қадамларингизга ҳасанот, фарзанди Улугбек — мавлоно Зайниддин Али Қушчи!»— хитоб қилди султон.

Эрон ҳукмдори Узун Ҳасан тарафидан Туркия султони ҳузурига элчи бўлиб келган ўзбек олими Али Қушчи бу бафоят са-мимий муомаладан хийла ҳижолатда қолди. Хусусан элчига ҳамроҳ қилиб юборилган эроний маслаҳатчилар орасида иккунчалик ҳолатга тушди. Кўриниш маросимидағи зиёфатда ҳам султон билан Али Қушчи Эрон-Туркия муносабатларини бебаҳс ижобий ҳал этдилар-у, яна нималар тўғрисидадир узоқ суҳбатлашдилар. Кейинчалик тарихдан маълум бўлишича, Али Қушчи ўз оиласи ва ақраболари, хизматкорлари билан жами 200 киши бўлиб Истанбул шаҳрига кўчиб келди. Бу ишининг бошқа замани ҳам бор эди. Али Қушчи ўз устози, атоқли олим Қозизода Румий билан қуда эдилар. Қизи билан куёви Истанбулда истиқомат қиласи эдилар (улардан Қутбиддин Маҳмуд туғилган, унинг фарзанди кейинчалик олим бўлиб етишган; у Мирим Чалабий исми билан машҳурdir).

Али Қушчи 2 йил чамаси Ая София жомесининг мудири ла-возимида ишлаб, бутун мадраса программаларини тартибга солди, математика ва астрономиядан дарс берди. У рисоланавислиги билан Рум зпёлиларини ҳайратда қолдирди. Унинг қўлидан деярли ҳар ойда битта асар чиқар эди. Бамисоли белоён билим денгизини ҳамлаб олган баҳодирки, билимни фонтандек отиб турипти!


Хаттотлар у ёзган рисолаларни кўчириб, талабалар эса ўқиб улгуролмасди; математикага оид рисола, астрономияга оид асар, тарих китоби, саёҳатнома, фалсафа масалалари, тиљшунослик, луғатлар...

Шунинг орасида у Истанбул шаҳрининг кенглиқ ва узунлик даражаларини янгидан ўлчаб чиқди, каттагина қуёш соати ясад берди. Баъзилар: «Ажабо! Шу қадар самарадор олим ҳам бўлар экан-да» деб унга таҳсии ўқисалар, бошқалар шубҳада юришар: «Али Қушчи икки шахс бўлса керак — бири Али Қушчи Самарқандий, иккинчиси — Али ибн Муҳаммад Али Қушчи...» дерди.

Али Қушчи Шарқ оламида шу қадар машҳур бўлганки, уни шарафлаган ном, лақаб ва унвонлар бир-биридан улуг: «баҳри улм ва манбай ирфон Али Қушчи» (Илм денгизи ва ирфон булғи бўлмиш Али Қушчи); «Ал-Вали ул-уламо Али Қушчи»; «Ал-Вали Уломонддин Али Қушчи»; «Ал-уламо Мавлоно Али Қушчи»; «Зубдат ал-Уламо ал-Тоҳирин Аловуддин ал-Қушчи», «Зайниддин ал-Қушчи» (Дин кўрки Али Қушчи) ва бошқалар.

Али Қушчининг табиий фанларга доир катта-кичик оригинал асарлари жуда кўп бўлган. Шулар орасида унинг илгари Самарқандда форс-тожик тилида ёзган асарларини янгилашиб ва тўлдириб, кейин араб тилида кўчирган китоблари ҳам бор. Масалан, 1473 йилда сultonга тақдим этилган «Фатхия» гасри ўша «Рисолаи фил ҳайъа»нинг арабча вариантидир, «Мухаммадия» рисоласи эса «Рисолаи фил ҳисоб»нинг арабча ёзилган нусхасидир. Али Қушчи бошқа олимларнинг бир қанча муҳим асарларига ҳам шарҳ ёзган.

«Рисола дар илми Ҳайъат» Али Қушчининг энг машҳур астрономик асариdir. У мазкур асарини Самарқанддалигида, 1437—1438 йилларда Улугбек расадхонасининг илмий кузатишлари ва хулосаларига асосланиб ёзган. Бу китобнинг кейинчалик, 1457 йилда ёзилган нусхалари ҳам бор: улар, афтидан, тузиатилган ва тўлдирилган «иккинчи нашри» бўлса керак. Бу асар яқинда ўзбек тилига таржима қилинди.



Али Қушчи тузган дунё картаси.

Али Күшчининг астрономия соҳасидаги хизматлари бир қанча китобларда баён этилган.

Олимнинг географик меросидан айримларини кўриб чиқамиз.

Али Күшчининг астрономик асарларида Ер шари, иқлиmlар, координаталар ва мамлакатлар тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Масалан, «Астрономияга оид рисола» даги иккинчи мақоланинг бир қисми Ернинг шакли, Ернинг иқлиmlарга бўлинишига барашланган:

«Ер кура (шар) шаклида бўлиб, сатҳининг аксарини сув қоплаган. Ер сатҳининг ободонлик қисмини «рубъи маскун»— одамлар яшайдиган чорак дейдилар. Ер тўртта чоракка — иккита шимолий ва иккита жанубий (чорак)га бўлинади. Субҳ-кун чиқиш томонда офтоб чиқишидан пайдо бўладиган ёруғлик. Шафақ — кун ботиш томонда офтоб ботгандан кейин қоладиган ёруғликдир».

«Астрономияга оид рисола»нинг иқлиmlар баёнида дунё картаси чизилган. Карталарнинг энг мукаммали асарнинг 1457 йилги нусхасидан топилди («Рисолаи фил ҳайъа», Истанбулдаги Ая София кутубхонаси, фонд № 2670, 114-саҳифа).

Картада асосан шимолий яримшар чегаралари кўрсатилган, кўндаланг чизиқлар — иқлиmlар чегарасидир. Экваторнинг шарқий яримшардаги узунлиги «3332 фарсанг» — тахминан 20 минг километрга тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Карта бир мунча схематик тузилган, албатта. Унинг мос келмайдиган жойлари ҳам бор. Шунга қарамай, у Ўрта Осиё картографиясининг бир намунаси бўлиб ҳисобланади.

Самарқанд обсерваториясининг бир токкасида глобус турганигини, унда иқлиmlарнинг чегаралари, тоғлар, чўллар денигизлар ва дарёлар белгилаб кўйилганинги XV аср олимлари ўз кўзлари билан кўрганлар. Демак, Самарқанд астрономлари Ернинг шар шаклидаги тасвирини ясаганлар. Эҳтимол, улар географик жадвалларга асосланиб, дунёning географик картасини ҳам тузгандир, картага градус тўрини ҳам чизгандир. Чунки географик жадвал тўплашдан мақсад карта тузиш бўлган. Градус тўрини дастлаб Ҳирот — Самарқанд олимлари қўллана бошлаганлар. Ҳофизи Абронинг картаси бунинг далилидир.

## XVI АСРДА ГЕОГРАФИЯ

### ЗАҲИРИДДИН БОБИР

Баъзилар Бобирни фақат шоир деб биладилар, чунки унинг газаллари машҳур, жуда ўткир, ёқимли ва ҳар кимга манзурдир. Аммо Бобир шоир бўлиш билан бирга, тарихчи, овчи, подшоҳ, машшоқ, лашкарбоши, боғбон, сайёҳ ва бинокор ҳам бўлган. «...фаргоналик Заҳириддин Бобир — Шарқдаги Ўйғониш даврининг энг атоқли сиёсий ва маданий арбобларидан биридир» (С. П. Толстов). Шу билан бирга, Бобирнинг зиддиятли бир шахс, ўз даврининг фарзанди, эксплуататор синфлар намояндаси, феодал ва таҳтипараст шаҳзода бўлганини ҳам ҳеч ким инкор этмайди.

Бобир кўпгина асарлар ёзган. Унинг асарлари шу қадар қизиқарли, сермазмун, тили ва услуби ёқимлики, ўқиб, ҳеч зерикмайсиз, ҳар ўқиганингизда янгилик топаверасиз. Бобир асарлари бамисоли таги йўқ хазина. Унинг асарларини кўздан кечирсангиз уларнинг география ва табииётга доир маълумотларга жуда бой эканини кўрасиз, муаллифнинг ажойиб ўлкашунос, табиатшунос олим, жасур сайёҳ бўлганлигини пайқаб оласиз.

Биз Бобирнинг умуман табиий фанлар соҳасидаги, хусусан Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон географиясига доир меросини мумкин қадар яхшироқ ўрганиш мақсадида Бобир изидан — Фарғонадан бошлаб Афғонистон орқали то Ҳиндистоннинг жанубига қадар саёҳат қилдик, Бобирга алоқадор жойларнинг фоторасмини олдик, картасини туздик, баъзи қўшимча расмларни ҳам топдик. Сиз, азиз китобхонларни ана шу материаллар билан қисқача таништирмоқчимиз.

**Бобир изидан.** Заҳириддин Муҳаммад 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг панисвараси, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Заҳириддиннинг онаси Қутлуг Нигор хоним Тошкент хонларининг авлодидандир. Тошкентлик Юнусхон Заҳириддиннинг она тарафдан буваси, «Улуг отаси» бўлган.

Жасурлиги, диловорлиги, довюраклиги туфайли Заҳириддинни ёшлигидан Мирзо Бобир (йўлбарс) деб аташ расм бўлган,

бинобарин, Бобир — Заҳириддин Муҳаммаднинг лақабидир. Заҳириддин 25 ёшга тўлганида (1508 йилда; унинг тўнғич ўғли Ҳумоюн ўша иили туғилган) Кобул шаҳрида «Энди мени Бобир подшоҳ деб атанглар» деб буюрган экан.

Умаршайх Мирзо 1494 йили вафот этган. 12 яшар Заҳириддин шу кундан бошлаб тахтга чиқди, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлди. Шу кундан бошлаб у тинч, осойишта ҳаёт кечириш ўрнига турли саргузаштларни, жанг, ур-ийқит, қочиш, тахт талашиш, шаҳар олиш каби даҳшатли можароларни бошдан кечира бошлайди. «Ўн бир ёшимдан бери икки рамазон ийдини паёпай бир ерда ўқиғон эмас эдим» деб койинган Бобир. Чунки Бобир жуда оғир бир даврда тахтга ўлтирган: мамлакат иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган, ягона ва бақувват ҳоким йўқ, шимолдан кўчманчи ўзбеклар бостириб келаверган. Бобирнинг ўзи ўша вақтларда кенг халқ оммасига таяна билмаган.

Бобирнинг қизи Гулбадан отасининг нотинч ҳаётини бундай таърифлаган: «Тўлиқ 11 йил давомида Мовароунаҳр ўлкасида чиғатой, темурий ва ўзбек сultonлари билан шундоқ жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг саногини батафсил баён қилишга қалам тили ожиз ва нуқсонлидир. (Ҳамроҳлари ва қариндошлари жами) 250 га яқин киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чориқ, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда, беяроқ, худога тавакkal қилиб, Бадаҳшон ва Кобулга қараб йўл олдилар» («Ҳумоюннома»).

Бобир Афғонистонда ўринашиб, аскар тўплаган, сўнгра 1519 йилда Ҳиндистонга қараб йўл олган ва бир неча йил тинмай жанг қилган. 1526 йил апрелида Дехлининг шимолида, Панипат ёнидаги тарихий жангдан кейин Ҳиндистоннинг шимолий қисмини эгаллаган. Шундай қилиб, фарғоналик шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобир бу ерда йирик давлат — ўз подшолигини тузган ва Жамна (Ямуна) дарёси бўйидаги Агра шаҳрида ўз пойтахтини қурган. Бобир 1530 йил кузда қаттиқ хасталаниб, подшоликни катта ўғли Ҳумоюнга топширган ва 26 декабрда вафот эттаи. Уни Агра шаҳрида, муваққат қурилган мақбарага кўмганлар.

1959 йил февраль ойида Ҳиндистонга дастлаб борганимда Бобирнинг қабрини суриштирдим. У Аграда Боги Хашт Беҳишт, Зарабшон боғи, боғи Нурафшон (Оромбоғ) сингари хушманзара ва обод боғлар яратган экан. Уни дастлаб боғи Нурафшонга дағи этганлар. Бу боғ ҳозир Ромбоб деб аталади ва Агра марказидан 2,5 километр нарида, Жамна дарёсининг чап қирғозидадир. Кейинчалик Бобирнинг хоки Кобулга кўчирилган. Лекин унинг қайси йили кўчирилгандиги аниқ маълум эмас. Баъзи манбаларда 10—12 йилдан сўнг дейилса, Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»сида «2 йил сўнг» дейилган. («Ислом энциклопедияси»да эса «6 ой сўнг Кобулга кўчирилди» деб кўрсатилган. «Ислом Ansiklopediyasi», жуз 13, 1942 йил, 183-бет,

турк тилида). Ҳар ҳолда Бобирнинг охирги кунлариға багишлаб андак тахминлар билан қуидаги очеркни тақдим этамиз.

**Боғи Бобир.** Бир ойдан ошдики, Оромбоғда на ўйин-кулги бор ва на иогора-карнай садоси эшитилади. Одамлар бир-бирига ғамгин назар ташлаб, аста-секин вазмин қадам босарди. Нечун бу боғ сукунат ичра десангиз, Ҳиндистон ҳокими Захиридин Бобир подшоҳ оғир бетоблар.

Малика, шоҳнинг қизлари, ёру биродарлари, ҳамсуҳбати Хондамир, илми ҳикмат устоди Абулбақо, Мавлоно Юсуфий табиб, Боқи Тошкандий, Жалол Тошкандий, адаб Шайх Зайн садр, Абдулвоҳид Форигий, Султон Муҳаммад кўса, Ҳожи Низомиддин куну-тун тўшак ёнида ўтиришарди.

Ўтган кун Бобир ўзига келди, болишга суюниб бир оз бошини кўтарди. Чорбогдаги тошҳовуз, ҳаммом, қатор-қатор дараҳтлар... Узоқда ҳайқириб оқаётган лойқа Жамна баралла кўриниб туради. Бу дараҳтларни Бобир ўзи ўтқазган, ҳовузни ўзи қаздирган, дарёдан эса неча бор кечиб ўтган.

Бобир хаёлга чўмди. Эсини таниганидан бери бошдан кечирганилари: она муҳаббати, Андижонсоидаги калла ташлаб чўмилганилари, отадан жудолик, жанг-жадаллар, сарсон-саргардонлик, қор-бўронлар, очлик, подшолик, бегуноҳ қурбонларнинг каллатепалари, айш-ишратлар — ҳаммаси кўз олдидан бирмабир ўтди. Ҳинклар унга «қаландар сulton» деб лақаб қўйганлари ҳам бежиз эмас эди.

Андижонда туғилиб ўстган Бобир ҳозир ўз ватанидан қарийб беш минг чақирим йироқда — Ҳинд юртида ўзини беватан сезди, ўлим тўшагида кўзлари жиққа ёшга тўлди. Подшоҳ қўлига зўрга қалам олди:

Толи йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ераб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобир ўтган ойда унга Марғилондан совға қилиб келтирилган мөш ранг чорси билан кўзини арта туриб, яна қофозни тўғрилади:

Ҳижрон ғамидин заиф жоним бўлди.  
Гурбат алами бирла ичим қон тўлди.

Уни ўттал тутди. Чап қўлини кўкрагига босиб, сарой деворларига бир-бир қаради-да, титроқ қўллари билан тез-тез ёзиб қўйди:

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,  
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур...

Маълумки, Бобир ўтган йил ёзда жанубга қилган сафарида энди тўхтаб капа қурган эдики, бирдан қаттиқ шамол турди, бўрон бўлди. Бўрон калани кўтариб ташлади, хонтахта устида-

ги сандиқ ағдарилиб кетиб, барча қоғозлар аллақаёқларга со-  
вурилди. Бўрон кетидан бирам сел қўйдик, ҳаммаёқ кўлоб  
бўлди. Бобир буни шундай ҳикоя қиласди:

«Ушбу оқшом таровихдин сўнгра (ёмғур) булутлари қайнаб,  
бир замоннинг ичидаги андоқ тўфон бўлиб, қаттиқ ел қўптиким,  
йиқилмагон чодир кам қолди. Мен хиргоҳ (чодир) ичидаги кито-  
бат қиласдур, қоғоз ажзорни йиғиштиргунча фурсат бўлмади, хир-  
гоҳни пешхона (тиргович) била ўқ менинг бошимга йиқти. Хир-  
гоҳ тунглуги реза-реза бўлди, (лекин) Тенгри сахлади, осебе  
(шикаст) етмади. Китоб ва ажзо фарқ ўл бўлди. Ташвиш била  
йиғиштурулди. Сақарлот кат зайлучасига чирмаб, кат остиға  
қўюб, устига гилемларни ёптук... Машаққат била ўт ёндуруб,  
тонг отгуича уюхламай, авроқ ва ажзорнинг қурутмогига машғул  
эдук».

Бу қоғозлар Бобирнинг ўттиз йилдан буён ўз она тилида  
ёзиб юрган дафтарлари, эсадалик ва ғазаллари — «воқеалар»  
эди.

Аттанг, не-не хотиралар ёзилган эди у қоғозларда!

Бобир қолган-қутган қоғозларни тўплаб, эртасигаёқ Аграга  
жўнаб кетди. Бундай хотира дафтарлари Аградаги саройда ҳам,  
сал наридаги Сигири қалъасида ҳам қолган экан. Бобир қоғоз-  
ларнинг ҳаммасини тўплаб, бир дўстига топшириб деди:

Бу оламаро ажаб аламлар кўрдум.  
Оlam элидан турфа ситамлар кўрдум.  
Ҳар ким бу Вақоийъни ўқур, билгайким,  
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

Рўпарасида тиз чўкиб, паришон турган Мирзахонга (у Бай-  
рамалининг ўғли эди) буюрдики, «тарих китобимни туркийдан  
форсийга келтургилким, туркий билмогон ҳалойиққа осон бўл-  
гай».

Болишга сунгган Бобирнинг кўзи яна ўшга тўлди. Агар эрта-  
индин вафот этсан, деб ўйлади Бобир, Фаргонага элтиб кўмса-  
лар армоним қолмас эди. Бироқ, энди Фарона йироқ!

Кобул-чи? Қандай ажойиб шаҳар, хушҳаво, мевалар бисёр.  
Кўп чорбоғлар очган эдим унда: Шаҳараро, Жаҳонаро, Ўрта-  
бог... Обиравон ариқлар, ҳовузлар... Тўнгич ўғлим Ҳумоюн ҳам,  
дено қизим Гулбадан ҳам Кобулда туғилган. Иккинчи ўғлим  
ҳам Кобулда туғилган — ўша йили Ҳиндистонга сафар қиласган  
эдим, унга Ҳиндол деб от қўйдим. Аскарларимнинг ярми кобул-  
лик. Кобул менга кўп яхшилик қиласган. Кобул менинг иккинчи  
ватаним бўлди. Кобул арки Болоҳисор менинг доимий хонадо-  
ним-ку:

Сабзау гуллар билан жанинат  
бўлур Кобул баҳор,  
Хосса бу мавсумда борон  
ёзисию Гулбаҳор.

Бобир бир нафас кўз юмиб, икки-уч қатла аста йўталди. Пиёладаги анор сувидан бир ҳўплади-да:

— Мени Қобулга элтиб дағн этинглар. Ўз боғимга, супа ёнига қўйинглар. Мақбара бино қилгунча мозоримни сақлаб туринглар,— деди у ҳазин овоз билан.

Бу — улуғ Бобирнинг охирги васияти эди.

...Агра мотам ичида. Қизил чолон кийган чавандозлар, ҳиндларнинг одатига кўра, фил устига ўтириб, кўчама-кўча, қишлоқма-қишлоқ ҳамма ёққа овоза қилишди:

— Бобир подшоҳ ҳазратлари дарвеш бўлдилар. Давлатни Хумюнга топширдилар.

Бу воқеа 1530 йил 26 декабрь эрталаб юз берди.

Захириддин Бобир Ганг қирғоғидаги Оромбоғнинг ўртасига (у вақтда Боги Нурафшон дейилган) дағн этилди. Қарийб икки ярим йил бу муваққат мозор устида маърака тўхтамади. Сўнгра қабр Афғонистонга кўчирилди. Ясатилган от-аравалар, мотам либосини кийган аскарлар тобутни олиб шимол томон йўл олдилар. Сатлаж, Чиноб, Жалом дарёларидан кечиб ўтдилар. Ҳинд дарёсининг Нилоб гузаридан ўтиб, Пешовурга келдилар. Бу ерда яна таниш-билишлар қўшилди. Ҳайбар довонидан ҳам ўтилди. Кобул суви бўйидаги Одинаурга етганда Бобир яратган Боги Вафо саройида аза тутилди. Ниҳоят, Бодомчашма довонидан ошибб, Кобулга келинди. Бу ерда ҳам мотам маросими бир неча кун давом этди.

Захириддин Мұҳаммад Бобирнинг жасади ўз боғининг, яъни Боги Бобирнинг юқори супасига дағн этилди.

Кобулга келган ҳар кимса Бобир мақбарасини кўрмай кетмайди. Кобулликларнинг ўзи Бобир мақбарасини зиёратгоҳ деб биладилар. Ҳар йили навruz байрамида — 21 март куни аҳоли Боги Бобирга келиб, биринчи кўчатни ўтқазади. Кобулликларнинг кўчат экиши ҳафталиги шу боғдан бошланади. Бобирга шу қадар иззат-эҳтиром қилган кобулликларга балли! Бобир мақбарасини супуриб-тозалаб турган бөгбонларга балли!

Боғи Бобир — Кобул шаҳрининг бир чеккасида, эски шаҳар билан янги шаҳар ўртасида, Шердарвоза номли тепалик ёнбағриладир. Боғнинг майдони бир неча гектар бўлиб, атрофи кунгирадор девор билан қуршалган. Кўча томондан кираверишда катта дарвоза бор. Айтишларича, бу дарвоза ҳамма вақт барчага очиқдир. Унинг ичида хиёбон йўлкалар, гулзорлар, мевазорлар, сайхон жойлар, янги қурилган мактабхона ва чойхона бор. Ҳилол сувли шаршара ёнида икки улкан чинор Бобир замонидан гувоҳлик бериб, атроф-теваракка шоҳ таратиб турилти. Чинорнинг бири шу қадар йўғонки, ўртасидаги кавагига мингтacha гишт тахлаб қўйилган.

Тепаликка кенг зинапоядан чиқилади. Чап томонда катта тош ҳовуз, ўнгда эса Бобирнинг панневараси Шаҳобиддин (Хиндистон подшоси Шоҳ Жаҳон) 1646 йили қурдирган оқ мармар мачит бор. Шаҳобиддин ўша йили Балх ва Бадаҳшонни босиб



Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг Кобулдаги мақбараси (автор фотоси).

олгач, Кобулда ҳам талай вақт туриб, 40 минг рупия харажат билан шу мачитни қурдирган. Айтишларича, Кобулнинг бирдан-бир тош мачити шу бўлган. Ҳовузни Бобирнинг ўзи эни ва бўйини бирдай қилиб қазитдирган. Яқинда уни цементлаб, чўмиладиган жой қилишишти. Сузиш бўйича халқаро спорт мусобақалари ҳам шу ерда ўтказилади.

Зиналардан яна юқори кўтарилиб Бобир мақбараси қурилган супага қадам қўясиз. Мақбара томи тўртта устунга ўрнатилган. Сағананинг бош томонига мармар лавҳа қўйилган. Унга Бобир шарафига мадҳиялар ва унинг фаолиятидан маълумотлар ёзилган. Лавҳаларни Акбаршоҳнинг ўғли Нуриддин Жаҳонгир 1607 йилда ёздирган экан.

Сағана бошига тик ўрнатилган тош лавҳада мана бу сатрларни ўқидик:

«Подшоҳни, унинг таҳтидан нур олло сочишур эди,  
Улар Заҳириддин Муҳаммад Бобиршоҳ эди.  
Улуғвор ва давлатли ва иқболли ва одилдор ва диндер,  
Сипоҳлари тавфиқли ва файзли ва фотиҳ эди.  
Оlam жисмин кўлга олди ва равшан бўлиб равон бўлди».

Лавҳадаги энг охирги сатр бундай: «Гуфтам фердавс доим жон Бобиршоҳ». Бу ажсад ҳисобида ҳижрий 937 га баравар, яъни 1530 йил демакдир — Бобирнинг вафот этган йили.

Мармартошнинг ташқи тарафига бундай ёзилган:

«Ҳаэррат Фердавс макон Заҳириддин Муҳаммад Бобир подшоҳнинг нурафшон мақбарамасига зиёрат вақтида Фозий Абул Музаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳи, ҳазрат ариши ашён Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ Фозийнинг ўғли, ниятини бажариб, Жаҳонгирнинг тахтга чиқинига икки йил бўлгандан ушбу лавҳани ўринатмоққа фармон қилди. 1016 ҳижрйига мувофиқдир».

Мақбара шинига ҳам ёзувлар битилган. Мақбарамининг икки томонида кичикроқ сағаналар бор. Булар Ҳиндол, унинг қизи Руқия Султон бегим, Ҳумоюннинг ўғли Муҳаммад Ҳаким мирзо, Шоҳ Жаҳоннинг қариндоши Гавҳарнисо бегимнинг даҳмалариdir.

Бобирнинг вафотидан сўнг унинг кўпгина асарларини ўғли Ҳумоюн подшоҳ ва невараси Акбаршоҳ китоб тарзида бир неча нусхада кўчиртирганлар; шуларнинг баъзилари бизгача етиб келган. «Бобирнома» ёки «Бобирия» Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг энг йирик асаридир, Бобирнинг Фарғонада ёшлик чоғларидан тортиб то Ҳиндистонда подшоҳ бўлганингча бошдан ўтказгандарининг муфассал таърифидир. «Бобирнома»да Бобирнинг ўзи, қавм-қариндошлари, таниш-билишлари, қилган жанглари, кўрган ва юрган жойлари, уларнинг табнати, бойлиги, одамлари, урф-одатлари, ҳайвонот ва ўсимликлари, хулас, Фарғонадан Ҳиндистонгача бўлган кенг территория бошдан оёқ тасвирланган. Ҳар бир касб эгаси бу китобдан ўзи учун керакли маълумотни топа олади. Шунга кўра «Бобирнома»нинг ўрта аср охирининг шоҳ асари, энциклопедияси деб аталиши жуда ўринлидир. «Бобирнома» эски ўзбек тилида ёзилган; баъзи бир эски сўзлар ва ибораларни ҳисобга олмагандан, уни ҳар бир саводли киши бемалол ўқий олади ва тушунади.

Бироқ шуниси ачинарлики, «Бобирнома»нинг кўп саҳифалари йўқолиб кетиб, ҳозир у чала бир асар бўлиб қолган. Масалан, унда 910 ҳижрй ийл воқеалари, 915 дан 925 йилгача, 927 йилдан 932 йилгача бўлган воқеалар ва 937 йил воқеалари йўқ. Бобир 48 йил умр кўриб, 36 йил давлат арбоби бўлиб турган, «Бобирнома»да шу 36 йил мобайнидаги воқеалар ёзилган бўлиши шубҳасиз; на чора, қўллэзманинг деярли ярми йўқолган.

Яна бир масалага тўхтаб ўтмоқчимиз. Бобир тўғрисидаги кўпгина китобларда «Бобирнома» 1525—1530 йилларда Ҳиндистонда ёзилган, деган фикр такрорланади. Бу унчалик аниқ фикр эмас. «Бобирнома»да деярли 35—36 йиллик воқеалар шунчалик батафсил, тадрижий ва ишонарли қилиб тасвирланганки, бу Бобирнинг хотираси инҳоятда ўткир бўлганидан далолат беради.

Бобир ўз асари учун ёшлигидан материал тўплаган. Унинг ёнида доимо хотира дафтари бўлган; у кўрган, билган, эшитганларини шу дафтарга ёзиб борган, ҳаётни ва жойларни ўрган-

ган; урушлардан тинчиб, қўли сал бўшаганида шу ёзувларини тартибга солган, эсига тушган воқеаларни қўшиб кўйган, янгиликлар киритган, таҳрир қилган ва, ниҳоят, ҳаёт хотиралари тарзида жаму жам қилган.

«Бобирнома»нинг бир жойида бундай дейилган: «Мундин сўнг яна битилгудек нима назарга келса таҳрир қилғумдир; эши-тилгудек нима эшитилса, таҳрир қилғумдир». Яна бир саҳифасида бундай эслатма бор: «Аввалги йил Хинди斯顿 азимати билан черик отлонғонда сайид Юсуфбекни Кобулда қўюб эдим». Бобир Кобулда туриб Хинди斯顿 сафарига отланган вактини «аввалги йил» деб ҳисоблади, бу эса 1525 йилдан илгариги даврdir. Китобда бунга ўхшаш эслатмалар учраб туради. Хуллас, «Бобирнома» 1525—1530 йилларда ёзилган дегандан кўра, 1525—1530 йилларда ёзиб тугатилган, дейиш тўғрироқ бўларди.

Бобир ҳаётининг охиригина йилларида унга ҳамроҳ бўлганлардан бири Хондамир эди. Алишер Навоий уни «салоҳиятли йигитдир, тарих фанида маҳорати бор» деб ҳурмат билан тилга олган. Хондамир 1528 йил охирида Аграга бориб, ижодий ишини Бобир ҳузурида давом эттирган. Бобир билан сафарда юрганида унинг хотира дафтари билан танишган ва ундан талайгина жумлаларни айнан ёки қисқартириб олган ва ўзининг «Ҳабиб асиёр» асарига қўшган.

**Бобир сайёҳ ва табиатшунос.** «Бобирнома»ни ўқиган ва ўрганган кимса уни табииёт ва географияни яхши билган киши ёзган, деган хуросага келади. Бобир жаҳонгашта ва олим, географ ва табиатшунос бўлиш, нодир асарлар яратиш учун ёшлигидан тайёрланган, бунга унинг ажойиб саргузаштлари пухта замин яратган.

Заҳиридин жуда ёшлигидан завод чиқарган, ўз мураббийларидан қунт билан таълим олиб, туркий, форсий ва араб тилларидаги адабиёт билан танишган. У болалик чоғидаёқ Ҳирот, Қундуз ва Балхдан келиб-кетиб турган амакилари, тоғалари билан учрашио турган, уларнинг турли саргузаштларини эшитган. Заҳиридин ўша вақтдаёқ ўлкамиз (Ўзбекистон)нинг географик қиёфасини тасаввур эта билган, унинг тўғрисида янгидан-янги маълумотларни эшитган, шу тарзда унинг географик савияси кундан-кунга кенгая борган.

Заҳиридин саёҳатга чиқишини яхши кўрган, у сафарларда чиниқдан. «Даҳкат — Ўратепанинг кўҳпоя кентларидиндур, улуг тоғнинг тубида тушибтур. Даҳкатда эканда Даҳкатнинг гирд ва навоҳисидаги тоғларни ҳамиша яёқ юриб, сайд қилур эдим. Аксари яланг оёқ юрур эдим. Яланг оёқ кўп юргандин, оёқларим андоқ бўлиб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эди... Андижоннинг шимолидаги бир «қишлоқда эканда ҳар икки-уч кунда овға отланур эдим. Улуг чангалларни ўртаб, бўғу—марал овлар эдук. Ушоқ чангалларига чарга солиб, қирғовулга қуш солиб кезлар эдук» деб ёзган у.

Заҳириддин 15—16 яшарлигига Фарғона, Самарқанд ва Тошкент оралигини бир неча мартаба кезиб чиққан. 19 ёшга тўлган йили Ҳисор тарафидан тоққа кўтарилиб, Фондарё ва Искандаркўл орқали Зарабашон водийсига ўтиб, Самарқандга келган. «Камруд дарёсиға кириб, юқори боқа юрудук. Танги ва учма йўлларда, тунд ва тез кўталларда қалин от ва тева қолди. Учтўрт ора қўнуб, Сира тоғ кўталига еттук. Кўтал ва не нав кўтал, ҳаргиз мундоқ баланд ва танг кўтал кўрулган эмас, хеч вақт мундоқ танги ва учма йўллар била юрулган эмас. Кўп ташвиш ва суубат била, юз ранж ва машаққат била мухлуқ баланд ва танг кўталлардин ошиб, Фон навоҳисига келдук». Бобирнинг бу жасурона сафари бундан 480 йилча илгари бўлган. Ҳозирги кунда ҳам бу тоғларда юриш жуда қийин.

Бобир ўлкани билган кишиларни ҳурмат қилган, уларнинг қадрига етган ва улар билан ҳамиша маслаҳатлашган. Бирон сафарга чиқишдан олдин «Ер-сув билур кишиларни чорлаб», атроф ва томонларни суриштирган.

Хуллас, Бобир 21 ёшигача Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва қишлоқларни кўрган, йўл ва кўприкларни, дашт ва тоғларни айланган, чуқурлардан, даралардан ўтган ва шўх сойларни кечган.

«Йигирма кунким, Ҳирида (Ҳиротда) эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим. Бу йигирма кунда машҳур сайдроҳлардин бир Султон Ҳусайн мирзонинг хоноқоҳидин ўзга ер кўрулмаган шояд қолмади экин», деб ёзган Бобир ва кўрган жойлари орасида шаҳар дарвозалари, ҳовузлар ва мақбараларни кўрсатиб, Алишер Навоийнинг боғчаси, «Алишер-бекнинг ўлтутар уйлариким, Ўнсия дерлар, мақбара ва масжиди жоминиким, Қудсия дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, Халосия ва Ихлосия дерлар, ҳаммом ва доруш шифосиниким, Сафония ва Шифония дерлар, борини андак фурсатда сайр қилдим» деган.

Бобирнинг қаҳратон қишида қалин қор устидан юриб Ҳиндукүш тоғларидан ошгани ҳам мардонавор сафардир. Унинг подшоҳ бўла туриб, ўзи қорни кавлаб ғор ясаганини ва шу ғорда бўрондан сақланиб ётганини айтмайсизми. Асарда бу ҳодиса бундай таърифланган: «Қўлимга курак олиб, қор кураб, ўзимга бир жойнамоз миқдори ер ясадим. Қорни кўксимгача қоздим, ҳануз ерга етмайдир эди. Ҳарна елга паноҳ бўлди. Ӯша ғордаёқ ўлтурдим. Йигитларим: катта ғорга келинг, деб ҳар неча дедиларким, бормадим. Қўнгулга келди: барча кишиларим қорда ва бўронда қолса-ю, мен иссиқ уйда ва истироҳат билан ётаманми, далада барча одамлар ташвиш билан мashaққатда юрсалар-у, мен катта ғор ичида уйқу билан фароғатда тураманми? Буномардлик бўларди, бу ҳамжиҳатликдан йироқ ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш ва мashaққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин. Бир форсси масал бор: «Марг боёрон сураст» («дўстлар билан бирга ўлсанг — тўйдир»). Ӯшандоқ бўрон-

да ўзим қазиб ясаган қор чуқурда ўлтирдим. Намоз хуфтонгача қор анча бўрон билан ёғдиким, энгашиб ўтириб эдим, орқамда ва бошимда ва қулоқларим устида тўрт эллик қор бор эди».

Бобирниг Ҳиндистонда вақтида ҳам 7 яшар дилбар қизчаси Гулбадан ва бошқа оила аъзолари билан биргалашив Агра теварагига, дарё бўйларига узоқ сайдларга чиққани маълум.

У умрининг деярли 36 йилини шу тарзда гоҳо оғир ва қалтис, гоҳо роҳат ва журъатли сафарларда ўтказган ва ўн минглаб километр йўл босган, Фарғонадан Банголагача борган. Шундай қилиб, у чинакам сайёҳ ва олим учун зарур бўлмиш барча фазилатларни эгаллаган.

**Бобирниг саёҳат маршрути.** Бобирниг ҳаётин тўғрисида асар ёзиш учун унинг саёҳат маршрутининг, қаерларда бўлганлигининг катта аҳамияти бор, лекин бу жуда мушкул ишdir.

Шуни айтиш керакки, «Бобирнома»нинг талай қисми (эҳтимол, ҳозиргидан анча каттароқ қисми) кўлёзма ҳолида йўқолиб кетганлигидан Бобирниг борган ва кўрган жойларининг ҳаммасини охиригача била олмасак керак; бусиз Бобирниг географик мероси ҳақидаги хulosаларимиз мукаммал ва аниқ бўла олмайди. Умуман, «Бобирнома»да бир мингтacha географик ном — мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тог, довон, дара, дарё, кўпприк, кечик, кўл, чащма, боф, яйлов, ўтлоқ ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинган. Бундан ташқари, Бобир узоқ-узоқ мамлакатларниг (Арабистон, Ироқ, Эрон, Озарбайжон, Рум, Тибет, Хитой, Кошгар) номларини ҳам келтирганки, бу Бобирниг дунё тўғрисидаги билими анча кенглигидан далолат беради.

Лекин шунча ном ичидан Бобирниг ўз кўзи билан кўрганларини танлаб олиш осон иш эмас. Бунинг устига, XV—XVI аср топонимияси ҳозиргидан анча фарқ қиласди, йўллар ҳам ўзгариб кетган. Шунинг учун Бобирниг саёҳат маршрутини чизишда бир қанча тахминларга йўл қўйамиз.

Бобирниг Фарғонадан Афғонистонга борган йўлни қандай чизса бўлади?

1504 йилниг бошида Бобир Фарғонада эди. 1505 йилниг охирида эса у Ҳисорга бориб қолади. Орадаги деярли бир ярим йиллик воқеалар номаълум. Фарғонадан Ҳисорга қандай қилиб ўтганини билмаймиз. Буни қуйидагича тахмин қилишин мумкин.

Самарқанд — Қарши орқали Ҳисорга юриш мумкин бўлмаган, чунки Шайбонихон йўлни тўсиб қўйган. Самарқанд — Зарафшон водийси орқали юриш ҳам хавфли бўлган — у ерларда Шайбонихон тарафдорлари ҳукмронлик қилган. Бобир Фарғона водийсидан охири марта кетганида баланд тоғлар (Олай ва Қоратегин) дан ошибб, Масчо қишлоғидан ўтиб, Фарм ва Обигарм орқали Ҳисор водийсига тушган бўлиши мумкин.

«Шайбонихон Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда (мен) Сўҳ билан Ҳушёр кўҳпоялариға келиб, бир йилга ёвуқ тақис-

лиқ била ўткариб, Кобул азимати қилдим» деган Бобир. Масчо райони Бобирга илгаридан маълум бўлган. Уининг онаси билак хотини ёзда шу ерда дам олишган. Қирғизистоннинг шу атрофдаги Лайлак районида ҳам Бобул қишлоғи борки, у аслда Бобир қишлоқдир. Ривоятга кўра, Бобирнинг аскарларидан бир тўдаси шу ерда қолган ва қишлоқ тузганлар.

Бобир Масчо ва Оббурдон (Оби бурдон) қишлоқларига келгач, катта тошларга ўйиб хат ёздиргани ва ўз қўлни билан ҳам тошга хат битгани маълум. Бу ҳақда «Бобирнома»да бундай дейилган: «Оббурдон довони била Масчо қўҳистониға оштук. Масчонинг қўйиги кенти Оббурдондур. Бу Оббурдондин қўйироқ бир чашма тушубтур, бу чашма бошида мозоредур. Ушбу чашмадин юқори Масчо доҳилидур. Қўйи Фалғарга тааллуқдир. Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидағи тошида қазиб, бу уч байтини сабт эттим:


Шунидамки, Жамшиди фарруҳ сиришт,  
Ба сарчашмае бар сангे навишт:  
Барин чашма чун мо басе дам заданд,  
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.  
Гирифтем олам ба мардию зўр,  
Ва лекин набурдем бохуд багур.

(Эшитдимки, қутлуғ табиатли Жамшид бир булоғ бошида тошга бундай деб ёзган: бу булоғ тепасида бизлар сингари кўп кишилар келиб ўлтурдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзнимиз билан гўрга элатмадик).

Ул кўҳистонда бу расмдурким, тошқа қазиб абёт ва нималар битирлар.

Аммо бу тошининг қаердалиги кейинги йилларгача номаълум эди. 1927 йилда эроншунос олим М. С. Андреев Тожикистон тогларида экспедицияда юрганида маҳаллий халқдан Бобирнинг тош тахти борлигини эшитган: «Оббурдон довонидан Үратепага кетаверишда Овчи ва Янгиариқ қишлоқлари ўртасида дарада Бобирнинг Даҳкат қишлоғида турганлигини билиб олдик. Маҳаллий аҳоли шу ерда катта тегирмон тошидай келадиган бир ясси тошни «тахти Бобир» деб айтдилар. Ривоятга кўра, Бобир шу срдан ўтиб кетатуриб хушманзара бир жойда ҳордиқ чиқариш ва тамадди қилиш учун тўхтаган. Унинг аскарлари катта бир текис тошни топиб, унинг тагига яна бошқа майда тошларни ёёқ қилиб, ўртаосиёча тахтга ўхшатиб қўйғанлар. Бу ердагилар у тошини ҳали ҳам «тахти Бобирхон» деб аташаркан.. Дарҳақиқат Бобир ўша даврда маҳаллий аҳолига шу ном билан маълум бўлишин керак эди. Унинг номи шу вақтгача бир иборада ишилтилади: «Э, бу нарса Бобирхон замонида бўлган — бамисоли «Доқиёнусдан қолган» дегандек гап».

1941 йилда колхозчилар Шороҳ қудугини (бу қудуқ Оббурдои қишлоғининг чеккасида) қазиётганиларида бир метр чукур-



Бобир таърифи асосида түзилган Осиё картаси

ликдан катта бир тошни чиқарғанлар. Тошнинг бир томонида ҳар хил ёзувлар, жумладан, Бобирнинг ҳам хатлари бор экан. Тожик археологи А. Мухторов 1953 йилда шу ерга махсус бориб тошни текшириди ва Душанбага олиб келди, сўнгра ундаги ёзувларни матбуотда эълон қилди. Тошнинг оғирлити 50 кг, баландлиги 51 см, узунлиги 45 см ва қалинлиги 16 см эди. Бобирнинг хати  $20 \times 30$  см юзага сифдирилган. Ҳарфларнинг бўйи 1—2 см бўлиб, тошга 1 мм чуқурликда ўйиб ёзилган. Учала байт ҳам Саъдийнинг «Бўйстон»идан олинган.

Кейинчалик А. Мухторов экспедицияси Тожикистон төғларидан яна 4 та битик тош топди, уларга ҳам Бобирхон номи ёзилган. Гарм ва Ҳайит районларидағи қадимий қалъаларнинг вайроналари остидан топилган турли-туман сопол идишлар, ҳарбий анжомлар орасида Султон Бобир мирзо номи ёзилган тангалар ҳам бўлган.

Бобирнинг Афғонистондаги бაъзи маршурутлари, Ҳиндистоннинг гарби ва жанубидаги саёҳат маршрутлари ҳам шу йўсинда билвосита чизилди. Бобир Тошкент, Пискент ва Оҳангаронда бир неча марта бўлган. Фарғона водийсида Бобир борган энг шарқий жой — Узган шаҳридир. Ўзбекистоннинг гарби, Бухоро ва Қарши ҳам Бобирга яхши таниш бўлган. Бобир Эрон билан Афғонистон чегарасида, ўша даврнинг энг йирик пойтахтларидан бўлган Ҳиротда бир қанча вақт турган.

Бобир борган энг жанубий шаҳар қайси? Бобир Ҳиндистонда, Ганг дарёсининг водийси бўйлаб анча жанубга, таҳминан Ганг дарёси билан Брахмаптура дарёсининг қўшилган жойларигача, яъни қалин тўқайзор, чангалзорларгача борган бўлиши мумкин. Гарчи у океанинг борлигини бир неча бор таъкидланган бўлса-да, Бангола (Бенгалия) қўлтиғини, океани ўз кўзи билан кўрган-кўрмаганлигини айтольмаймиз.

Бобир Бангола чангалзорларигача етиб келган бўлса ҳам бу ерларда кўп турмаган, тезда Аграга қайтган, чунки унга, биринчидан, Банголанинг нам, иссиқ ва серёғин ҳавоси ёқмаган, иккинчидан, ўша даврда Бобир империясининг марказида сиёсий вазият бирмунча нотинч бўлган.

**География қонуниятлари.** Бобир географиясининг баъзи қонуниятларини айтиб ўтишимиз зарур. Бобир ҳар бир территорияни маълум бир тартибда тасвирилаган. Аввало жойнинг географик ўрнини кўрсатган, сўнгра иқлими ва қиплоқ хўжалиги, ўсимликлари, қазилма бойликлари, ҳайвоноти ва аҳолисини таърифлаган. Кейин районларига обзор берган, энг охирида қисқача якун ясаган. Бу схема жойларнинг хусусиятига қараб баъзан ўзгарган. Лекин ҳар гал ўзига хос шу хусусиятлар уқдириб ўтилган.

Шунингдек, йирик шаҳарларининг топографияси айтилган, шифобаҳиш жойлар тасвириланган, мамлакатдан чет элга чиқариладиган ва келтириладиган моллар бирма-бир санаб берилган. Бунга Андижоннинг таърифи яққол мисол бўла олади:

«Андижон — Фаргона вилоятининг пойтахтидир. Ошлиги во-  
фир, меваси фароғон, қовун ва узуми яхши бўлур... Мовароун-  
наҳрда Самарқанд ва Қеш кўргонидан, сўнгра (Андижонники-  
дай) улуғроқ кўргон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб та-  
рафида воқеъ бўлубтур. Тўққиз тарнов сув кирар... Қалъанинг  
тилдириш мақсадида бир неча мисол келтирамиз.

Бобир асарида қиёсий усул кўп қўлланилган: турли жойлар  
иқлими, паст-баландлиги, аҳолиси ва бошқа хусусиятлари жи-  
ҳатдан таққосланган. Бу эса ҳозирги замон географиясининг энг  
ёқтирган усулидир. Бобирнинг бу маҳорати билан дурустроқ  
танишириш мақсадида бир неча мисол келтирамиз.

Бобир Ўш билан Қосон (ҳозирги Қосонсой) каби икки ба-  
ланд жойни таққослаб: «Нечукким Андижон суйи Ўйдин келур,  
Аҳси суйи Қосондин келур... Сафо ва ҳавода Ўш била Қосон  
элининг ўхшашлиги бор» деб ёзган. Самарқанд шаҳрини Кобул  
билан таққослаган; бизнинг ўлкаларда «...Ғазни ва Хоразм со-  
вуклуқ била машҳурдир, нечукким, Ироқайн ва Озарбайжонда  
Султония билан Табриз совуқлиқ билан шуҳрати бор». Дарҳа-  
қиқат, қишида Хоразм Ўзбекистоннинг энг совуқ райони ҳисобла-  
нади. Ғазни ҳам теварак-атрофи очиқ, яланг ерда жойлашган.  
Султония Эроннинг шимолидаги, тоғ этагидаги шаҳар бўлиб,  
денгиз сатҳидан 1800 м баландда жойлашган; қиши жуда совуқ  
ва ёзи салқиндир. Ўлка ва мамлакатларнинг аҳолиси ҳам тақ-  
қосланиб, улар хусусида ажойиб маълумотлар берилган: «...Ху-  
росон ва Самарқандда туркий ва аймоқлар кўчманчилардир.  
Афғонистонда эса ҳазора ва афғонлар кўчидар».

Бобир маъмурӣ бирликларнинг номларига тўхталиб, катта-  
роқ вилоят пойтахтига бўйсунадиган вилоятчаларни «...Самар-  
қанд ва Бухоро (ва Афғонистон) да туман дерлар ва Андижон  
ва Кошғар ва ул орада ўрчин ва Ҳиндистонда паргана дерлар»  
деган.

Ҳиндистон билан Ўрта Осиё табиатан бир-бирига мутлақо  
ўхшамаслиги қўйидагича баён этилган: Ҳиндистон «Бизнинг ви-  
лоятларға боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангл ва саҳ-  
роси, мавозиъ ва вилояти, ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва  
ёмғири ва ели барча ўзгача воқеъ бўлубтур».

Кўйидаги мисоллар ҳам диққатга сазовор. Бунда Бобир оғ-  
тоб ёғусининг тоғ ёнбағирларига кўрсатадиган таъсири (экспо-  
зиция)га шама қиласи: «Кобул вилоятининг шарқ тарафидаги  
тоғлари икки турлуктур, гарб тарафидаги тоғлари икки турлук-  
тур. Андароб ва Хўст ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ,  
қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва  
пуштасининг ва жулғасининг бирдек бўлур ва хўб бўлур, аксар  
бўтақа ўти бўлур, отға бисёр созовор ўттур. Андижон вилоятида  
бу ўтни бўтқа ўти дерлар... Фарб тарафидаги тоғлар... бир йў-  
сунилиқ тоғлардур. Ўтлоги аксар жулғаларида бўлур, ул тоғлар-

дек тоги ва пуштаси яқдаст ўт бўлмас, андоқ қалин йиғочи ва арчаси ҳам йўқтур, vale ўти отқа ва қўйға созовордордур...»

Бу жумлаларнинг чуқур маъноси бор. Бобир нам ва қуруқ ҳаво оқимларининг таъсири ҳақида гапирмаган, лекин юқорида келтирилган мисралар Бобир географиясининг чўққиларидан ҳисобланиши мумкин. Улар Афғонистонни геоморфологик, иқлимий ва геоботаника жиҳатлардан районлаштиришга шама эмасмикин?

Бобир кам гап одам бўлган. Унинг асарлари сермазмундир. Бобир географияни образли қилиб, айни вақтда халқ тили билан ифодалаган. Масалан, у ўз асарида бир дўсти айтган байти келтирган; бу байт «Кобул ҳандай жой?» деган саволга тўла жавоб бўла олади:

«Бихўр дар эрки Кобул май,  
Бигардон коса пайдар-пай,  
Қи ҳам кўҳасту ҳам дарё,  
Ва ҳам шаҳрасту ҳам саҳро.

(Кобул аркида май ичгин  
Айлансин коса пайдар-пай,  
Кўринар бундан ҳам тоғу, ҳам дарё,  
Ва ҳам шаҳару ва ҳам саҳро)».

Дарҳақиқат, Кобул арки — Болоҳисор шундай баландликдаки, ундан теварак-атроф барадла кўриниб турган.

1505 йили Кобулнинг шимолида бўлган зилзилани Бобир бундай тасвирилаган: «...Андоқ зилзила бўлдиким, қўрғоннинг фасллари ва боғларнинг томлари аксари йиқилиб, шаҳарда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остига қолиб ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди. Етмиш-саксон ўбдан кад худолар том остига қолиб ўлдулар. Памғон била Бектут орасида бир парча ер ким арзи биргина тош отими бўлғай учуб, бир ўқ отими қуий борди. Учқан ернинг ўрунидан чашмалар пайдо бўлди. Истарғичтин Майдонғача, тахминан олти-етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким, баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилган ерга баъзи ерда киши сифар эди. Зилзила бўлғон замон жами тоғларнинг бошидан гардлар кўпти. Нурулло танбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўшал замон ҳар икки созини илигига олди, андоқ беихтиёр бўлдиким, созлар бир-бирига урундилар... Тепадаги уйлар аксар туп-туз бўлди. Ўшал кун ўттуз уч қатла ер тебранди. Бир ойгача ҳар кечакундузда икки ва уч қатла ер тебранур эди».

Бобирнинг бу тасвиридан зилзиланинг кучи 9—10 баллга етганлигини тушуниш қийин эмас. Маълумки, Кобул атрофлари актив сейсмик зонага киради, чунки бу ердаги тоғлар (Хиндукуш системаси) ҳалигача шаклланаётган ёш бурмали тоғлардир.

Бобирнинг жойларга географик изоҳ беришидан яна мисоллар келтирамиз: Косоннинг «Сафолик боғчалари тамом сой ёқасида воқеъ бўлғон учун «пўстини пеш барра» дебтурлар», яъни олдига қоракўл теридан ҳошия тутилган пўстиндай, боғлари дарёнинг икки ёқасидадир.

Бобир услубининг ўзига хослиги яна шундаки, у ўз кўзи билан кўрган жойни, ўзи гувоҳ бўлган воқеани «кўрдим» дейди, кўрмаганини эса тўппа-тўғри «кўрмадим» дейди. Бошқалардан эшитганларини «дерлар», «андоқ ривоят қилурларким», «андоқ дедиларким», «бўлур эмиш» иборалари билан изоҳлайди. Бу реал тасвир Бобир ижодига хуснидир.

Бобир ҳар бир янги нарса — янги ер, янги ҳалқ, тил ва урф одатлар, ғалати бўлиб тюолган турли ҳодисалар билан жуда қизиққан, бирон хосиятли жой ҳақида эшишиб қолса, уни атайнин бориб кўрган, суринтирган, текширган, кейин тасвирлаган. Шу йўл билан баъзан дин аҳларининг «мўъжизалари»ни ҳам фош қилган.

«Дедиларким,— деб ёзган у,— Фазни қишлоқларида бир мозор бордурким, саловот айтгач, қабр қимирлар эмиш... Сўнгра маълум бўлдиким, бу мозорда турувчи мужовирларнинг ҳийласи-экандур. Улар қабрнинг устига бир ҳалқа ясабтурлар, ҳар замон ҳалқага тегадурлар, ҳалқа тебрангач, қабр тебрангандек кўринадур. Неччукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳиҳ ҳаракатлангандай бўлур. Буюрдимким, мужовирлар ҳалқадан йироқ турдилар, бир неча саловот айтдилар, қабрда ҳаракат бўлмади. Буюрдимким, ҳалқани бузуб, қабрнинг устида гумбаз қилдилар. Мужовирларнинг бу ҳаракати таҳдид била ман қилинди».

Бобирнинг хизматкорлари орасида Муҳаммад Шариф номли мунахжим ҳам бўлган. Унинг юлдузларга қараб айтган башоратлари тўғри чиқмаган. Бобир уни ёмон кўриб қолган, у ҳам Бобирдан уялиб, ҳайиқиб юрган. Бобир шу мунахжимни мана бундай таърифлаган: «Муҳаммад Шариф мунахжим шумнафас, агарчи менга айтур иложи йўқ эди, ҳар кимга йўлуқса муболагалар била айтур эдиким, «бу айёмда Мирриҳ ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса мағлуб бўлур». Мундоқ шумнафасдан ҳеч ким сўрамаган эди. (Унинг гапи) бедил элнинг кўнглини кўпроқ синдерди. Анинг бу паришон сўзларига қулоқ солмай, қилур ишларимизни тўхтатмадик, уруш ҳозирлигини қила бердик». Бир неча вақтдан сўнг бу мунахжим яна Бобир ҳузурига келганда Бобир уни ҳайдаб юборган. Бобир, хонаси келганда, соҳта «олим»ларни дангал қоралаган, ҳийла-найрангларини ўша жойнинг ўзидаёқ фош қилиб, уларнинг шармандасини чиқарган.

«Бобирнома»даги яна бир муҳим далилга эътибор беринг. Маълумки, Ўш шаҳрида Тахти Сулаймон тоги бор; дин аҳллари буни «муқаддас тоғ», «қадамжой», «зиёратгоҳ»га айлантирган. Бу тогнинг «муқаддас жой» эмаслиги «Бобирнома»дан тушунилиб турибди. Бобир Ўш шаҳрини яхши билган, севган ва ўз аса-

рида уни мароқ билан тасвирлаган, аммо бирор марта ҳам «Тахти Сулаймон» номини тилга олмаган, бу тоғнинг «муқаддаслиги» ва «зиёратгоҳлиги» түғрисида ҳеч нарса демаган. Аксинча, бу тогнинг Бароқкүҳ деб аталишини ёзган. Тоғ тепасидаги ҳужра — «оқ уй», дин аҳалари даъво қилганидек, Сулаймон ҳазратларининг «қадамжойи» бўлмасдан, Бобир авлодлари қурган биноларнинг қолдиги экан.

Бобир бундай ёзган: «...бу тоғнинг кулласида Султон Маҳмудхон (XV аср охиридаги Тошкент ҳокими) бир ҳужра солиб тур, ул ҳужрадан қўйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўқиз юз иккита мен бир айвонлик ҳужра солдим... тамом шаҳр ва маҳаллот оёқ остидадур».

Ҳатто бошқа бир тарихий шахснинг қабри ҳам ўша тесда бўлган. Академик В. В. Бартольд 1904 йилда Ушда бўлганида Тахти Сулаймон тоғида қорахоний амир Зайниддин Усмон ибн Юсуф Мұхаммад тегин аш Шоший (XII аср) мақбарасини кўрган экан. Демак, Тахти Сулаймон номи ва у билан боғлиқ анъаналар XVI асрдан анча кейин пайдо бўлган уйдирмалардир.

Табиятда баъзан «чўл садоси» (песня пустыни) деб атала-диган ажойиб ҳодиса ҳам рўй беради. Бу шундан иборатки, чўлда, саҳрода тўсатдан қумлар куйлай бошлайди. Бу садо, куйгоҳ зўрайди, гоҳ пасаяди, бамисоли осмондан тушиб, ерга сингиб кетаётгандай сезилади. «Чўл садоси» деб аталувчи ҳодиса Хитой ва Монголияда, Африка ва Арабистонда, Америка ва Урта Осиёда, шунингдек бошқа ерларда ҳам кузатилган. Қумлар баъзи ерларда кечаси, баъзи ерларда эса кундузи куйлайди. Қорақумда қумга оёқ тегиши билан садо эшитила бошлайди. Олимларнинг фикрича, чўлдан садо чиқиши, қумларнинг куйлаши қум зарраларининг электрланиш хусусиятига ҳам, бир-бирига ишқаланишига ҳам боғлиқ.

Захириддин Бобир ҳам шундай бир қизиқ ҳодисани таърифлаган: Қобулнинг шимолидаги Кўхи Доманада «икки даштнинг орасида бир кичикроқ тоғ тушубтур, бу тоғда бир парча кум тушубдур, тоғ бошидин тубигача Хожа Региравон дерлар. Ёзлар дерларким, нақора ва духул уни бу қумдин келур».

Лекин Бобир бу ҳодисани мутлақо илоҳийлаштирумagan, мўъжизаларга боғламаган.

**Иқлим ва сув.** Бобир иқлим ва метеорологик ҳодисалар билан жуда қизиқкан, ўзи борган ҳар бир мамлакатнинг қайси иқлимига мансублигини айтган. Бобир ўқимишли киши бўлганлигидан бу горизонтал зоналикдан хабардор бўлган, албатта. Умуман, ўша даврдаги саводхон ўзбек, тоҷик ва афғонлар ернинг турли иқлиmlарини тасаввур эта билганлар.

«Бобирнома»да тоғ ва довонларни қор босиши ҳақида бир неча марта айтиб ўтилган; бунинг ҳам транспорт учун аҳамияти бор. Бир неча мисол. Аҳсида «Ул аҳшом маҳкам қаттиқ совуқ эди. Андоқким, баъзининг илик-оёғин совуқ олди. Кўп кишининг қулоқлари олмадек-олмадек қабарчуғланиб эди»...

Асарнинг Афғонистон тўғрисидаги бўлимида мана бундай муҳим бир ифода бор: Кобулда «Гармсер ва сардсери ёвуқтур. Кобулдин бир кунда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас. Икки соати нужумийда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қори ўксумас» (яъни Афғонистоннинг иссиқ ва салқин қисмлари бир-бирига яқинди). Кобулдан бир кун юрсангиз, ҳеч қачон қор ёғмайдиган ерга бориб қоласиз. Бошқа томонга икки соат юрсангиз, қор ҳеч эримайдиган ердан чиқасиз). Буни ҳозирги тушунчамизга мослаганда тропик иқлим билан субтропик иқлимининг чегараси Афғонистон жанубидан ўтади, деган хуоса келиб чиқади.

Бобир ўз замонидаёқ Ҳисор тоғларининг жанубий этакларида ёғингарчилик кўп бўлишини билган. Фанинг аниқлашича, Ўрта Осиёнинг энг нам жойи айни шу Ҳисор этаклари, Ғарм ва Обигарм районларидир.

Фарғона водийсининг «Гирдогирди тоғ воқиъ бўлубтур. Ғарби тарафидаким, Самарқанд ва Ҳўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиши ёғи кела олмас». Буни мана бундай тушуниш керак: Фарғона водийси ҳамма томондан тоғлар билан ўралган, унинг фақат ғарб тарафи Ҳўжанд (ва Бекобод) ёнида очиқдир. Қиши фаслида совуқ ҳаво атрофдаги тоғлардан ошиб ўта олмай, фақат ғарб тарафдан — Самарқанд томондан ёпирилиб келади.

Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб фикр. Бобир Фарғона иқлимининг қишики ҳолати нимага боғлиқ эканлигини тўғри айтган. Демак, унга ҳаво оқимларининг ғарбдан шарққа қараб эсиши ҳам маълум бўлган. Ҳозирги замон фани айни буни тасдиқлади.

«Бобирнома»да гидрографияга — дарё ва қўлларга оид маълумотлар ҳам кўп. Дарёларнинг чуқурлиги, музлаши, оқим режими, неча тегирмон сув оқиши, сув манбалари асарда батафсилик таърифланган. Самарқанд атрофидаги «Қорасувким, Обираҳмат ҳам дерлар. Конигилнинг ўртасида оқар, етти-саккиз тегирмон суйи бўлғай... Хон юртида бу Қорасув андоқ юқоридин эврулиб келиб турким, ичиди бир ўрду тушгунча ер бор. Чиқарери хили тор воқиъ бўлубтур».

География тарихи учун шуниси ҳам муҳимки, Бобир XVI. аср бошидаёқ Осиё қитъасидаги асосий сувайиргич сиртини билган. Унинг таъбирича, Ҳиндукуш ва Ҳималай тоғлари шимол ва жануб дарёлари сувини ажратувчи тоғларидир. Чунончи, Кўҳи Бобо ва Бомиён тоғларидан (яъни Ҳиндукушнинг ғарбий қисмидаги баланд қорликдан) «Ҳирманд ва Синд ва Дугоба, Қундуз ва Балхоб суйи чиқар. Дерларким, бир кунда ҳар тўрт дарё суйидин ичса бўлур».

Дарҳақиқат Кўҳи Бободан шимолга томон Қундуз (Сурхоб) ва Балхоб (Банди Амир) дарёлари, жанубга томон — Ҳилманд, ғарбга томон — Ҳерируд ва Мурғоб, шарққа томон эса Ғурбанд билан Кобул сувлари (Ҳинд — Синд ҳавзаси) оқиб чиқади.

«Кобулнинг ғарби-жанубида улуғ қорлик тоғ тушубтур, қори

қорга етар, кам йил бўлгайким, қорға етмағай. Қобулда яхдонлар яхи туганса, бу тоғдин қор келтуруб яхоб қилиб ичарлар. Қобулдан уч шаръи бўлгай».

Асаардаги бошқа гидрогеологик маълумотлар ҳам Бобирнинг чуқур мулоҳазали киши эканлигини исботлайди: «Афғонистон жанубида аскарлар бир сувсиз чўлда қўндилар. Сойни кезиб ўзларига ва молларга сув олдилар... Бу сойдин бир қари-бир ярим қари қазса, сув чиқар эрди. Не ёлғиз бу сойдин мундоқ сув чиқар. Ҳиндистоннинг жами рудларининг бу хосияти бор, бир ярим қари қазса, албатта, сув чиқар. Ажиг қодиредур. Ҳиндистондаким, дарёлардин ўзга оқар сув бўлмас, рудлари мундоқ сувга ёвуқ (яқин) вақиъ бўлубтур»... Оби Истода кўли чуқур эмас. «Туз ер учун ғолибо суйи чуқур эмастур» (бу текис ерда жойлашганидан суви чуқур эмасдир). Бобир дарё ва кўлларни бадиий сўзлар ва образлар ишлатиб, катта маҳорат билан тасвирлаган: «...Оби Истодаға етдук. Фарид улуғ сув назарға келди. Ул юздаги даштлар худ асло кўрунмайдур. Сув осмон била пайваст кўрунадур, ул юздаги тоғлар ва пушталар нетаврким, серобнинг ул юзидағи тоғ ва пушталар муаллақ кўрунур. Бу тоғлар ва пушталар ҳам ер била кўкнинг орасида муаллақ кўраинадур».

**Ўсимлик ва ҳайвонот.** Заҳиридин Бобир ажойиб геоботаник ҳам бўлган, ўсимликларни севган ва яхши билган. У Ўзбекистондаги жуда кўп гиёҳ ва дараҳтларни, уларнинг хосиятлари ва аҳамиятини шундай таърифлаганки, боғбон, миришкор ва асл табиатшуносигина бунинг уддасидан чиқиши мумкин эди. Бобир қаерга борса, ўша ерда янги дараҳтлар ўтқаздирган, боғлар яратган, доривор ўсимликларни топиб малҳам қилган.

«Фарона вилоятининг гирдо-тирди тоғларида яхши яйловлари бор. Тобулғу йиғочи бу тоғларда бор, ўзга ҳеч ерда бўлмас. Тобулғу бир йиғочедур, пўсти қизил, асо қилурлар, қамчи дастаси ҳам қилурлар, күшларға қафас қилурлар, тарош қилиб тиргаз қилурлар, хили яхши йиғочдур. Табарруклик била йироқ ерларга элтурлар»... Кобулнинг шимоли-шарқидаги тоғларда «ножу (қарағай) ва чилғуза (кедр) ва болут (дуб) ва ханжак йиғочлари бисёр бўлур... Ҳиндустон дараҳтларидиндур. Бу Кўҳистон элининг чироғлари тамом чилғуза йиғочидиндур, шамъдек ёнар, хили гаробати бордур».

Бобир бир сира, лола гулларни текширган. «Бу доманада (тоғ этагида) ранго-ранг ҳар нав лола бўлур. Бир қатла санаттим, ўттиз икки-ўттиз уч нав ғайри муқаррар лола чиқди. Бир нав лола бўлурким, андин қизил гул иди келур, лолаи гулбўй дер эдук. Даشت Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас».

У, Кобулга шимолдан олча ниҳоли, Ҳиндистондан қила (банан), шакар қамишини келтириб ўтқаздирган. Шакар қамишини Бадахшон билан Бухорога ҳам юбортирган. Кўп жойларда боғ очдирган, айниқса Ҳиндистонда, Аграда бир неча тўқайзор-

ни тартибга солиб, планли тош ҳовузлар қурдирган. «Бир икки бута ток Ҳашт Беҳишт богида эктуруб эдим, унинг ҳам яхшигина узумлари бўлуб эди».

«Бобирнома»нинг етти бети Ҳиндистон ўсимликларига бағишлиланган, бу бетларда барча дараҳтлар, мевалар, гиёҳ ва гуллар тасвирланган. «Бобирнома»да тилга олинган тропик ўсимликлар номи терминология нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятга эга. Асард банаң дараҳт қила (қайла) деб аталган. Ҳозир дарсларимизда кокос пальмаси деб юритиладиган дараҳт тўғрисида Бобир бундай деган: «Яна норгилдир, араб муарраб қилиб «норжил» дер. Ҳиндустон эли иолир дейдур... Норгилнинг бириси жавзи ҳиндийдурким, қора қошуқларни андин қилурлар. Улуғроғини ғижжакнинг косаси қилурлар». Шунингдек, норгил пўстидан ип-арқон эшилиши, ёнғон ичидаги сув, унинг мазаси ва бошқалар тўғрисида ҳам айтиб ўтган.

Хурмо Ҳиндистондан ва Афғонистондан бошқа вилоятларда ҳам бўлади. Лекин Афғонистондан шимолда йўқ. «Барглари шоҳларининг тубидан учигача икки тарафида бўлур, танаси ноҳамвор ва бадрангдур. Меваси узумнинг хўшаси (боши) дек бўлур, узумнинг хўшасидин хийли улуғроқ бўлур. Дерларким, наботот орасида хурмо дараҳтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар: бир улким, нечукким, ҳайвонот бошини кесарлар — ҳаёти мунқатиъ бўлур. Хурмо дараҳтининг ҳам боши кесилса дараҳти қурур. Яна бир улким, нечукким, ҳайвоноттин бе нар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дараҳтига ҳам нар хурмодан шоҳини келтуруб тегурмасалар, яхши бар бермас. Бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас...»

Бобирнинг қўйидаги жумласини ўқиб, ҳар бир ботаник хаёлга чўмса керак. Бобир Ҳиндистондаги амалбед номли мевани тасвирлаб, давом этади: «игнани унинг ичига солсалар — эриб кетади, турушлигиданми экан, ё хосияти шундайми экан. Турушлиги корунж (апельсин) ва лимучча (лимонча) бўлғай».

Ҳайвонот дунёсига келганда Бобир чинакам зоогеографлардан қолишимайди. У ҳар бир ҳайвон ва қушни батафсил таърифлаган. Шуниси мұҳимки, Бобир ўз асарида (XVI аср бошида) ҳайвонот дунёсини тўрт типга бўлган: қуруқлик ҳайвоилари, паррандалар, сувда ва сув ёқаларида яшайдиган қушлар, сув ҳайвоилари. Биологлар тили билан айтганда, Бобир, ҳайвонот систематикаси билан ҳам шуғулланган.

Мисоллар келтирайлик. Бобир учар тулкини тасвирлаб, Ко-булнинг шимоли-шарқидаги тоғларда «рўбай паррон бўлур. Рўбай паррон бир жониворедур, мушукдин улуғроқ, икки қўли била икки бутининг орасида пардадур, шаппаранинг қанотидек, доим келтурурлар эди. Дерларким, у йиғочдин-йиғочга нишебга бокা бир газ отими учар. Мен (ўзим) учқонини кўрмадим. Йиғочқа қўйдук, чуст ёрмашиб чиқти, андин қувладилар, қанотини ёйнб, учқандек этиб, беозор тушти» деган. Ўша даврда Афғонистон жанубида Дараи Нур атрофида маймунлар бўлган.

Бобир, шу ердан шимолда маймун учрамайди, жанубда — Ҳиндистонда бор, деб ёзган. Афғонистон жанубида иссиқ зона билан ўртача зона чегарасидаги бир довон «эрта ёзлар қушларнинг гузаридур» дейди у. Қушлар фасл ўзгариши билан шу довон орқали жанубдан шимолга учиб ўтадилар. Маҳаллий аҳоли шу довонда ғалати усулларда қуш тутганлар. Асарда овчиликка доир жуда кўп маълумотлар берилган. Балиқ ва парранда овлашнинг ажойиб усуллари баён қилинган.

Андижонга доир бир ривоят китобхонларимизга маълумдир: «Они қуши доги кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугатолмайдур».

Бобирнинг ўзи йўлбарс овида қатнашган, каркидонга наиза санчган, елдай чопоғон қулонни қулатиб, кийик қувиб хўп ов қилган мергандир. Унинг ҳайвонот, овчилик ва ўсимликлар ҳақида билганларини бир катта китобга ҳам жо қилиб бўлмайди.

XVI аср ўрталарида Дехлида «Бознома» номли асар пайдо бўлади. Бу асарда қарчифай билан ов қилиш усуллари, қарчифайнин танлаш ва боқиши тартиби баён этилган. Китобнинг муаллифи Муҳибали Низомиддинали халифаи Форобийдир; у ёшлигида Бобирга ҳамроҳ бўлиб овларга чиққан, унинг маҳсус овчиши ҳисобланган, Ҳиндистонда унинг вазири бўлган, Акбар даврида эса Дехли ҳокими лавозимида ишлаган. Унинг китобида Бобир ва бобирийларнинг овга ишқибозлиги, уларнинг ов санъатини моҳирлик билан эгаллаганларни қайд қилинган (СВР, I, 323-бетлар).

Сўз ва ном. «Бобирнома» муҳим терминологик манбадир. Унда Ўрта Осиё ҳалқлари ишлатган география терминлари кўп. Шу терминлардан баъзиларини диққатингизга ҳавола қиласиз: *гузар* — кечик, дарёдан ўтадиган жой; *жилға* — кичик сой, дарёча; *найшакар* — шакарқамиш; *пушта* — тепа, баландлик, қир; *танги* — дара, тоғ оралигидаги йўл, чуқур дарё водийси; *учма* — чуқур жар ёқаси, тик ёнбағир, овринг; *ўланг* — ўтлоқ ер, кенг майдон; *чоқор* — тошқўрғон; *яйлоқ* — яйлов, кенг дала. «Тоғдаги тоғ ва ковокларни ҳавол дерлар», «ҳили яхши ўлангни қўруқ қилурлар», «туп-туз ер, не тоғ ва не пушта кўрунадур».

Бобир ўз асарида тоҷикча сўзлар — терминларни ҳам ишлатган; *руд* — дарё; *якраҳа* — сўқмоқ, ёлғиз оёқ йўл; *кўҳпоя* — тоғ этаги, адир.

Умуман, Бобир ҳар бир ҳалқнинг тилини ҳурмат қилган, уларнинг тил бойлигидан самарали фойдаланган, форсча, афғонча, ҳиндча терминларни тўғри ишлата билган. Баъзан турли ҳалқлар ишлатадиган терминларни бир-бираига таққослаган, уларга изоҳ ҳам берган.

«Бобирнома»да XVI аср бошидаги жой номлари ўша вақтдаги ҳолатида ва транскрипцияда берилган. Бу номларнинг кўпчилиги баъзи фонетик ўзгаришлар билан ҳозирда ҳам учрайди. Лекин баъзи номлар унутилган, янги ном билан алмаштирилган

ёки бутунлай ишлатилмай қолган. Китобда бир қанча номларнинг этимологияси ҳам тушунтирилган, айримларининг бир неча варианти берилган. Узбекистонда баъзи географик номларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам тоҷикча, ҳам ўзбекча ишлатилиши халқимизнинг илгарилари тоҷик тилида бемалол гаплаша олганинигидан далолат беради.

Фарғона водийсининг жануби-шарқидаги тоғларни (ҳозирги номи Туркистон тизмаси) Бобир Андижон тоғлари деб, шимолдаги тоғлар (Талас)ни эса Еттикент тоғлари деб атаган. Бу тоғларнинг нариёғида ҳақиқатан ҳам еттита машхур қишлоқ ва еттита катта дарё бўлган. «Ҳиндустоний ғайри Ҳиндустонни Хурросон дер. Нечукким араб ғайри Арабни Ажам дер».

«Бобирнома»да Ўрта Осиё. Афғонистон ва Ҳиндистондаги юзлаб географик номлар, жумладан, Конибодом, Ҳодарвеш, Кўхисафид, Назаргоҳ, Тошкент, Самарқанд, Сиволак парбат тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳланган. Юзлаб халқ ва қавмларнинг номлари тилга олинганлиги билан «Бобирнома» қимматлигига этнографик қомус бўлиб ҳам ҳисобланади.


**Ўзбекистон.** Заҳириддин Бобир — гўзал Фарғонанинг куйчили. У узоқ элларда эканида она — Ватанини — Узбекистонни қўмсаган, дилида ардоқлаган, сақлаган.

Бобир ўз ўлкасининг географиясини жуда яхши билганлигидан Фарғона ва Самарқандни моҳирлик билан тасвирлаган. Биз «Бобирнома»га асосланиб Фарғона вилоятининг схематик картасини тузиб кўрдик (бу карта Бобир юбилейи муносабати билан «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1958 йил 19 февраль сонида эълон қилинди). Картада Фарғона вилоятининг гир атрофи тоғлар билан ўралганлиги, ўртасида Сирдарё (Сайхун, Хўжанд сўйи) оқиб ўтиши, вилоятда 7 та йирик шаҳар бўлганлиги кўрсатилди.

**Ҳиндистон.** Бобир ўз асарида Ҳиндистоннинг табнатини тасвирлар экан, унинг катта мамлакат эканлигини, халқи кўплигини, мевалари хилма-хиллигини, бу улуғ вилоятнинг шарқи ва жануби, ҳатто ғарби ҳам океан билан ўралганлигини айтиб: «ғарби-шимолида Кобул, Фазни ва Қандаҳорларнинг пойтахти воқиъ бўлибтири. Жами Ҳиндистон вилоятларининг пойтахти Дехлидир. Бу ғаройиб мамлакатdir. Бизнинг вилоятларга боқа ўзгача оламдир. Синд (Ҳинд) сувини ўтгач, ер ва сув ва ёроч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндистон тарикадир.

Ҳиндистонда уч фасл бўлади. Тўрт ойи ёз, тўрт ойи ёмғурий, тўрт ойи қиши. Ҳинд эли йил фаслларининг тўртар ойи таъян қилибдирилар... Ҳиндистонда ёмғирлар жуда кўп бўлади. Гоҳ куни бўладики, ўн-ўн беш, йигирма қатла ёғади. Ёғинларида бир замонда селлар келади, ҳеч сув йўқ ерларда дарёлар оқади. Ёғар маҳалида ва ёғиб турган маҳалларида ғарийб яхши ҳаволар бўлади. Айби будирким, ҳаво кўп сернам бўлади» деган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг географик меросини ўр-



ганини шунинг учун ҳам зарурки, «Бобирнома» ўзбек тилида ёзилган, дастлабки табиий ва тарихий географик илмий асарларнинг энг йиригидир. Бобир Фарғона ва Самарқанд, Афғонистон ва Хиндистон географиясини ўзбек тилида биринчи бўлиб тасвирлаган олим десак хато бўлмас.

### МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗА

Муҳаммад Ҳайдар мирза Дуғлот 1499 йили Тошкентда туғилган. Унинг онаси Хуб Нигорхоним Бобирнинг онаси Кутлуг Нигорхонимнинг синглисиdir. Хуб Нигорхоним билан Кутлуг Нигорхоним тошкентлик Юнусхонпинг қизларидир. Шундай қилиб, Ҳайдар мирза Бобирга холавачча бўлади. Ҳайдар Мирзоzinинг отаси — Ҳусайн Кўрагон Тошкент ва Үратепа ҳокими бўлган, 1508 йилда Шайбонийхоннинг амри билан Ҳиротда қатл этилган. Шундан кейин ёш Ҳайдарни ҳам ўлдирмоқчи бўлишган экан, дадасининг дўстлари уни Бухородан Кобулга яширинча олиб кетиб, Бобирга топширганлар. Шу-шу Ҳайдар мирза Бобир ёнида бўлган, кейинчалик бошқа қариндошлари билан биргаликда ва мустақил равишда Қашқар, Ёркент, Оқсув, Мўгулистан, Тибет, Хиндистон, Кашмир ерларида турли вазифаларда ишлаган.

Бобир уни бундай таърифлаган: «Ҳусайн Кўрагоннинг ўғли Ҳайдар Мирзо эди. Отасини (шайбонийлар) ўлдиргандан сўнг келиб, менинг мулизиматимда 3—4 йил туриб, сўнгра ижозат тилаб Кошғарга хон қошига борди.

Бу тарихда дейдурларким, тойиб бўлуб яхши тариқа пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайвон ва зиҳгар ҳам нимага илиги часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Менга арзадошли келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас» («Бобирнома»).

Бу таърифдан кўриниб турибдики, Ҳайдар мирза анча ўқимишли, қалами ўтқир, ширин забон ва серғайрат йигит бўлган. Ҳайдар мирза ўзи ҳақида бундай ёзган: «Менинг отим Ҳайдардир. 13 ёшимда султон Саидхон (Қашқардаги қариндошим) хизматига етдим. Оталик шафқати бирла (мен етимни балоғатга) еткурди. 24 йил анинг хизматига таълим ва тарғиб қилмоқ бирла Фузулий китобига машғул бўлиб, айни азимат ва ҳашаматда рўзгор кечирдим. Хат, савдо, шеър, тасвир ва тахсин фанида... моҳир бўлдим. Қолган ҳунарлардан хотам бандлик, хаттотлик, заргарлик, дебонлик, дурадгорлик ва анвои китобки, анинг шарҳи узоққа тортар эрди, мунинг ҳаммасида андоф эрдимки, бу ҳунарлар устозлари бу бандага шогирдлик ва ожиз келур эрдилар».

Ҳайдар мирзанинг фаолияти тўғрисида «Тарихи Рашидий» китобида кўп маълумотлар бор. Бу асарни Ҳайдар мирза Қашқар ва Ёркенд ҳокими Абдурашидхонга бағищлаб ёзган (Абдурашидхон ибн султон Саидхон ибн Юнусхон), шунга кўра «Тарихи Рашидий» деб аталган. Аслида «Ҳайдарнома» дейилса тўғ-

рироқ бўларди. Шунни айтиш керакки, Ҳайдар мирза бу асарни ёзишда Бобирнинг «Воқонъ»идан, яъни «Бобирнома»дан ҳам фойдаланган: «Бобир яна «Вақонъ» бўлиғ туркий тарих китобини тавсиф қилибдурки, (биз ҳам) ул тарихдан баъзи ривоятлар баёнга келгусидир... ҳар чандиқ ул китобнинг иборатини (сўзларини) келтирдик».

«Тарихи Рашидий» асари форс-тожик тилида ёзилган, кешичалик уйғур-ўзбек тилига таржима қилинган<sup>1</sup>. 1541—1547 йилларда ёзиб тамомланган. Асар икки қисмдан иборат («бу тарих боблари фиҳрасти икки дафтарга тартыб берилди», 5-варақ): биринчи қисм — хонлар тарихи (асарнинг бешдан бири), иккинчи қисм — Ҳайдар мирзанинг кўрган-билганлари тафсилоти. «Иккинчи дафтар бандай ҳақиқир (нинг) аҳволни ҳамки кўриб, билиб эрдим ва улар воқеатиким, банда уларга ҳамаср эрдим».

Шарқининг тарихчи ва географлари (Амин Розий, Фиришта, Ҳофиз Таниш Бухорий ва бошқалар)нинг ҳамда ҳозирги замон шарқшуносларининг таъкидлашича, бу китобда ниҳоятда тўғри, аниқ ва қизиқарли маълумотлар ёзилган. Ҳайдар мирзанинг ҳарбий юришлари ва талончилик қилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Ҳайдар мирзанинг географик савииси ҳақиқатан ҳам кенг бўлган. Унинг асаридан географияга доир хилма-хил маълумотлар топасиз. Асарда XVI асрдаги турли географик тушунчаларга изоҳлар берилган, вилоятларнинг чегаралари ва майдони аниқ рақамлар билан кўрсатилган, ернинг юзаси, сувлари, ҳайвонот дунёси, аҳолиси, йўллари, савдо-сотиги баён этилган. Шундай маълумотлардан мисоллар келтирамиз.

Ҳайдар мирза Қирғизистондаги Иссиққўл бўйларини ҳавас билан кезгаи ва жуда усталик билан тасвиrlаган: «Иссиққўл (гирд атрофи) 20 кунлик йўлдир. Аммо Иссиққўлнинг ёғи ҳеч ерга чиқмайдир, чунки тўрт атрофи тоғдир. Шунча сувки, Иссиққўлга кирадир, ҳаммаси ширин ва латифдир. Иссиққўлга кирмоқлик билан ул мартабада аччиқ бўладирки, мутлақо таҳорат олғоли бўлмайдир. Агар қатра сув кўзга ё оғизга тегса (ачиш) пайдо бўлади. Аммо ниҳоятда соғ, покиза сувдир... Атрофи ниҳоят латофатликдир. Даражалар, шукуфалар, гуллар кўпдир. Бағоят ҳушҳаводир, тоғ-даштларида кийик, ранго-ранг қушлар ва жониворлар тўладир».

Иссиққўлга кўпгина дарёлар қуйилгани ҳолда ундан бирорта ҳам дарё оқиб чиқмаслиги, яъни «оёғи ҳеч ерга чиқмаслиги» иккинчи мартаба айтилган хulosадир. Ҳолбуки, Иссиққўлнинг оқар жойини XIX асрда ҳам излаганлар; ҳатто Чув дарёси шу кўлдан чиқмаётганимкин, деган фаразлар ҳам бўлган.

<sup>1</sup> Муҳаммад Ҳайдар мирза. «Тарихи Рашидий». СССР Файлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, Ленинград, № Д-138.

«Кўкча денгиз (Балхаш) бир кўлдирки,... Ул кўлнинг тўғраси ва баъзи ерлари қиёсан 30 фарсах бўлгай. Вақтики зимиштон бўлиб, Кўкча денгиз музлаб қолса, ўзбеклар муз узасидан 2 кечакундуз суръат бирла юриб ўтарлар... Аммо зимиштоннинг охирида хатардир. Чунки гоҳи муз синиб, 100—200 уйлик киши муз остига тушиб кетарлар. Кўкча денгизнинг суви тотлиғидир. Кўп миқдор сувлар Кўкча денгизга қуялади. Ҳеч ерга оёғи чиқмайдир...».

«Тарихи Рашидий»да Қашмирнинг мукаммал таърифи берилган: «Қашмирнинг узунни (бўйи) 100 қурухга яқин борудур, 30 фарсах бўлғой. Тўғроси (энни) баъзи ерда 20 қуруҳ ва озроқ ерларда 10 қуруҳ бўлғой. Бу худуднинг ичидогиси тамом ерлар 4 қисм турур. Бир қисмиси сув билан зироат қиласурғон (суғориладиган) ерdir. Бир қисмисини ёмғир суви билан зироат қиласурғон (лалмикор) бўлғай. Бир қисмиси ҳамвор (текис) майдон ерлардирки, батамом бинафша ранг гуллар кўлнинг ва рудхоналарнинг (дарёлар) атрофида унибдиr.

Аммо Қашмирнинг ҳавоси тобистонда (ёзда) андоғ латофатлидирки, ҳеч вақт елпуғич ҳожат бўлмайдур... Зимиштон фаслидаги ҳавоси ниҳоятда эътидолдир (ўртачадир), ҳар қанча тўла (кўп) ёғса ҳам жуба (кийим) киймоққа ҳожат бўлмайдир. Чунончи, ул вақтнинг борудати (совуғи) ҳароратни жилвага келтурадир... Сувларким, тоғлардин қуйиладир. Латофати оламга ғулғула солибдиr. Хуллас, Қашмирга ўшаган жойни кишики кўрмаган бўлғай.

Мевалардин нашвати, шотут, гилос, олу-олудан тамом ўзга мева бордиr...»

Ҳайдар мирза саёҳатномасиннинг Тибет вилояти тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган боблари ҳам диққатга сазовордир. У Тибет сингари хилват ўлкан обдан кезган.

«Тибат андоғ жойга тушибдирки, аксари халойиқининг қадами ул жойга етмабдиr (яъни одам бормаган, кўрмаган жойлари кўпдиr). Чунки Тибатнинг йўли мушкул ва қаттиқликда ҳадди ниҳояти йўқдиr. Чароки Тибат йўли батамом аксари тоғлар, хатарнок дабонлар, ниҳоят, совуқ суви ва чорва, алафи, ўтини ниҳоят оздиr. Ул жиҳатдан соҳиби тарихлар Тибатга қадами етмай (Ёқут Ҳамавий ёзган) «Мұъжам ал-булдон» ва «Жами-Қотинамо» каби мұтабар китобларда Тибат вилоятини, ўзга вилоятга ўшаш, равшан шарҳ қилмабдирлар. Балки Тибатни бир вилоят гумон қилибдирлар. Неча нимарсани баён қилибдирларки, Тибатга содиқ (тўғри) келмайдир. Тибат мамлакатининг тафсили у китобларда йўқдиr.

Таҳририга келтурадир. Тибат вилоятининг авзои, тоғ биёбонларининг шарҳи баёнида билмоқ керакки, Тибатнинг замини тулонидир (меридианалдир), яъни шимол билан мағрибнинг орасидан жануб билан машриқнинг ораси тарафига кетибдиr (яъни шимоли-тарбдан жануб-шарққа қараб чўзилган) ва у ўз бошидан оёғига 8 ойлик йўлдиr. Эни бир ойликдан зиёд эмас-

дир ва ўн кунлиқдан кам эмас... Тибат ҳамма жойдин баландроқ ердадир ва зероки унинг суви ҳамма ерга борадир...»

Дарҳақиқат, Тибет энг баланд тоғлиқдир, шу сабабдан у ҳамма ерга сув беради, яъни асосий сувайирғичdir. Тибетнинг бу хусусияти ҳозирги замон табиий географиясида алоҳида уқдириб ўтилади.

«...Яна қўтос саҳройи жонивордирки, ниҳоят ҳайбатлик. Одамга етса ҳар нимаики қилса бўлғусидир. Хоҳ урса, хоҳ тепса одам саломат қолмағусидир. Агар бу ишларга фурсат топа олмаса, тили билан одамни ҳавога ташларки, одам 20 газ устун урлаб чиқар, ерга тушса тирик қолмас. Бир қўтоснинг гўшичики отга юқ бўладир. ...Фақир бир вақтда бир қўтосни ўлдирдим. 70 кишига тақсим қилдик. Ҳар бир одамга 4 кунлик озиқ бўлгунча гўшт тегди...»

Ҳайдар миরза баланд тоғларга хос тўтак касаллигини (ҳаво сийраклиги сабаб бўлса керак) бундай тасвирлаган: «Кечаси бир ерга тушдик. Эртаси туриб кўрдикки, лашкар ва от оз қолиб кўринадир. Чун таҳқиқ қилдикки, 200 дан кўпроқ от ўлибдир. Фақирнинг 24 отим бордирки, (ўтлаб) юрур эдилар, 21 таси ўлибдир. Магар онки, уни тўтак (касаллиги) атарлар».

Бу асарда Тибет тўғрисида ёзилган маълумотлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Унда биз ҳали тилга олмаган жуда қизиқ-қизиқ маълумотлар бор.

### ГУЛБАДАНБЕГИМ

Гулбаданбегим ўрта аср Шарқидаги бирдан-бир тарихчи аёлдир. Гулбаданбегим Захириддин Бобирнинг 1522 йили Кобулда туғилган тўнғич қизидир (унинг онаси Солиҳа Султон бегим — сарой аёллари орасида Дилдор бегим исмила юритилган). Катта акаси Хумоюн ва унинг онаси: яъни Бобирнинг энг доно ва билимдон хотини Моҳимбеким тарбиясини олган ва улар билан Агра шаҳрига кўчиб келган. Отаси Бобир вафот этганида Гулбадан 8 ёшда бўлган, ёшлигидан хат-саводни эгаллагани, чечанлиги, билимга серҳаваслиги, серфаҳмлиги, идроклилиги туфайли «она қиз» ҳисобланган.

Бобир вафотидан кейин ўғли Хумоюн кўп йиллар мобайнида гоҳо подшоҳлик қилган, гоҳо саргардон бўлиб юрган. Хумоюн 1556 йилда вафот этган. Ундан кейин ўғли Жалолиддин таҳтга ўтириб, давлат ишларини йўлга қўйган. Жалолиддинни улуғлаб, Акбаршоҳ деб атаганлар. Акбаршоҳ олим ва шоирларга, бобоси Бобирни ва отаси Хумоюнни кўрган-билгандарга улар тўғрисида ва ўз подшолиги ҳақида асар ёзишни топширган. Шу муносабат билан бошқалар қатори Гулбаданбегим ҳам «Хумоюннома» номли тарихий-биографик асар ёзган. Гулбаданбегим ўзбек ва форс тилларида сўзлашган ва ёзган. Аммо сарой тарихчиси Абул Фазл форс тилида китоблар ёзмоқчи бўлганилигидан, Гулбаданбегим ҳам унинг илтимоси билан, ўз хотираларини

форс тилида ёзиб берган<sup>1</sup>. Шундай бўлса-да, унинг асарида «кўпгина ўзбек тили иборалари, айрим ҳолларда эса мукаммал жумлалар ҳам бор. Шу билан бирга, асарда ҳинди ва ўрду тилларидан кирган иборалар ҳам учрайди» (С. Азимжонова, Н. Б. Байкова. «Хумоюннома»). «Хумоюннома» 1585—1587 йилларда ёзилган тарихий-географик асар бўлиб, уни «Бобирнома»нинг давоми деса бўлади.

Гулбаданинг кучли хотираси ва ўткир қаламига қойил коласан киши. XVI аср шароитида ўзбек оиласидан шундай билимдон, доно аёл чиққанлиги, унинг дипломатия, сиёсий ва ҳарбий масалалардан хабардорлиги ва билимдонлиги кишини ҳайратда қолдиради. Гулбаданбегим асарида 140 тача жойнинг номи зикр этилган, Тошкент ва Андижондан то Кошфар ва Ҳинд океани бўйларигача қандай шаҳарлар, дарёлар, вилоятлар, қалъалар борлиги айтилган. Муаллиф унинг аксарисини (хозирги Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон заминини) ўзи кўрган, кезиб чиққан.

Гулбаданбегим 1575—1582 йилларда Маккага зиёрат қилган, шу сафарида кўп мاشаққатлар чеккан; у 1603 йилда, яъни 80 ёшда вафот этган.

\* \* \*

Ўрта Осиёда яратилган китоблар орасида агрометеорологияга оид қимматли асарлар ҳам бўлган. Чунончи, 1515 йилда ёзилган «Иршод аз-зирофи илм ал-хароша» («Дехқончилик илмида экин экин қўлланмаси») шундай ажойиб кўрсатмадирки, уни ҳозирги тилда «Миришкор маслаҳатлари» деса ҳам бўлади. Бу китобда тупроқ, унинг хоссалари, донли экинлар, токчилик, гулчилик, сабзавот, дараҳт ўтқазиш усуслари, асаларичилик, сув тақсимлаш каби масалалар ёритилган. «Фан қашфи зироат» («Дехқончилик фани») китобида ҳам шундай кўрсатмалар ва қўшимча равищда метеорологик маълумотлар берилган (Ўз ФАШИ, № 565 II, № 561/I).

### ҲОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ

Ўрта Осиёда XVI аср охирларида яратилган муҳим тарихий географик асарлардан яна бири «Шарафноман шоҳий»дир. Бу Бухоро хони Абдуллахон II нинг (1533—1589) тарихи бўлганлигидан «Абдулланома» номи билан машҳурdir<sup>2</sup>. Уни бухоролик шоир, тарихчи ва ўлкашунос Мир Муҳаммад Хофиз Таниш 1584—1591 йиллар оралиғида ёзган.

Бу асар география нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир, чунки асарда XVI асрдаги Ўрта Осиёning тарихий географияси, ша-

<sup>1</sup> Гулбаданбегим. «Хумоюннома». С. Азимжонова таржимаси, Масъул муҳаррири Азиз Каюмов. Узбекистон Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1959. Китобнинг кириш сўзида Гулбаданбегимнинг ҳаёти ва асари батафсил таҳлил этилган.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. «Абдулланома» («Шарафноман шоҳий».) I жилд, «Фан», Тошкент, 1966.

ҳар ва қишлоқлари баён этилган, ҳарбий юришлар, жанг майдонлари, турли кўприқ, кечик, қалъалар, манзил ва қудуқлар таърифланган; муаллиф мазкур асарни ёзганида ўртаосиёлик олимларнинг асарларида географик маълумотлардан фойдаланган, Наршахий, Ҳофизи Абру, Муҳаммад Ҳайдар мирзаларнинг асарларига асосланиб мисоллар келтирган.

«Абдулланома»да бошқа асарларда учрамайдиган турли муҳим маълумотлар кўп; шунга кўра шарқшунослар уни юксак баҳолайди. Шу асардан парчалар келтирамиз.

«Самарқанд. Сўғднинг энг пок шаҳарларидан (бўлган) хушбўй шаҳар Африкентdir. Унинг об-ҳавоси ғоят яхши бўлиб, аҳолиси ободонликни дўст тутувчи эди...

Мовароунинаҳрнинг қиёси ва у дилкушо мамлакат вилоятлари ва шаҳарларнинг таърифи баёни. Фазлу заковат эгалари аҳлу фаросат аҳлининг фикр ва хотираларидан махфий қолмасинки, Мовароунинаҳр хос ва авом орасида нозу немъатлари ва кенглиги билан машҳурdir. Унинг аксарий қисми бешинчи иқлимдадир. Баъзилар Мовароунинаҳр мамлакати икки сув (Жайхун ва Сайхун) орасига жойлашган деб айтдилар. Мовароунинаҳрнинг гарбий чегарасида Хоразм жойлашган. Уни баъзилар Мовароунинаҳрга, баъзилар эса Журжонга қарашли деб ҳисоблайдилар. (Мовароунинаҳрнинг) гарбдан шимолга туташган тарафида Даشتி Қипчоқ, Ўзбек мамлакати ва Туркистон (жойлашган). Гарбга мұтасил томони Хоразм, Хурсон ва Ҳазар денгизи ўртасига жойлашган чўлдир. Мовароунинаҳрнинг шимолий чегараси олтичи иқлиmdir. Унда жами турклар мамлакати Олмалиқ ва Баласогун бор. Мовароунинаҳрнинг жануб тарафи Амударё бўлиб, Мовароунинаҳр билан Хурсон ўлкалари ўртасидадир. Мовароунинаҳр аталиши ҳам шундандир».

Баъзилар Мовароунинаҳрни бундай таърифлайдилар: «Унинг тарафлари нозу неъмат хусусида мамлакатларнинг энг ободидир. Очиқлик жиҳатдан энг каттадир. Ундаги ҳоҳ шаҳар бўлсин, ҳоҳ қишлоқ бўлсин, ҳоҳ текислик, ҳоҳ ўтлоқ бўлсин, ободонликда унга тенг (мамлакат) йўқ. Ҳавоси — ҳаволарнинг энг соғломи, суви — сувларнинг энг ширини ва энг енгили; суви — унинг барча тоғ атрофларида баб-баравар шириндир; тупроғи — тупроқларнинг энг хушрўйи. (Катта) шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Ҳўжанд. Ҳалқи илмлиқ, жувонмард ва шиҷоатлидир».

Мовароунинаҳр шаҳарларининг тавсифида шоирларнинг кўп байтлари ва саноқсиз шеърлари бор. Улардан баъзилари мана булар.

Маснавий:

«Мовароунинаҳрнинг кўрки — тўрт томонида жойлашган тўрт шаҳардир,

Уларнинг ҳар бири кўркли жаннатдан ҳам яхшироқдир.

Биринчи — илму фазл манбаи бўлган Бухоро,

Унинг тупроғи Рум ва Чин мамлакатларига фахрлидир.

(Иккинчиси) — салтанат ўрни ҳазрат Самарқанд,

Шон-шарафда бошқа шаҳарларга нисбатан узукдек,  
тојда эса кўздектир.  
Улардан сўнг авлиё ва саҳобалар макони Термиз,  
Жаҳондаги оқар сувлар файр қиласиган дарё лабидадир.  
(Тўртинчиси) ишрат жойи, поклик мавзуи, сўфилар макони  
(Хўжанд),  
Унинг четидан жаҳон бошланади».

Тарихчилар Мовароуннахр ажибларидан қўйидагиларни ҳам ёзганлар: «У ерда бир тоғда гор бор, гордан бир булоқ қайнаб оқиб турди, қишида шу қадар иссиқ бўладики, унга тушган киши ҳароратига бардош беролмайди. Ёзда шу қадар салқин бўладики, музлаб қолади. Туркистон билан Мовароуннахр ўтасидаги тоғда бир хил қора тош бор: кўмирга ўхшаб ёнади. Уни эшакларга ортиб шаҳарларга келтирадилар. Шаҳар халқи уни сотиб олади. Ёндирилганда кули оқ бўлади. Уни кийим ва саллани оқартиришда ишқор ўрнида ишлатадилар».

Малики Жувайний «Тарихи Жаҳонгушай» номли китобида Бухоронинг фазилати ҳақида бундай ёзган: ««Бухоро» сўзи «Бухор» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, оташпастлар тилида «им макони» демакдир. Маъбарни «бухор» деб атайдилар. Бухоро шаҳрининг номи аслида Бумижкат бўлган. Аҳмад ибн Наср дедики, Бухоронинг номлари кўп, лекин «Бухоро» номи уларнинг барчасидан машҳурроқдир ва Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрига шунча кўп ном берилган эмас. Бухоронинг яна бир номи аввалдан «Фоҳира» бўлиб келган.

Бухоро қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, атрофи кенг, нозу неъмати, моллари кўп бўлиши билан зиннатланиб, ҳозиргача уламо тоифасининг тўплланган жойи, фасоҳат, балофат ва ширин сувларининг манбай бўлиб келган. Сомон сулоласининг тарихида унинг атрофи қарийб 144 фарсах боғ, экинзор ва обод қишлоқлари бўлган ва ҳозирда ҳам у вилоят обод ва маъмурдир».

### МАҲМУД ФИЖДЕВОНИЙ

Жони Маҳмуд ибн Шайх Али ибн Имомиддин ал-Фижлевоний XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган ва ижод қилган ажойиб саёҳдир. Фижлевонийнинг иккита устози бўлган; бири — Шайх Қамолиддин Ҳусайн Хоразмий, иккинчиси — Шайх Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушоний. Фижлевоний ёшлигидан устозларининг саёҳатлари уларга ҳамроҳ бўлган; ўзи ҳам Ўрта Осиё ва Эрон оралиғида мустақил равишда саёҳат қилган. У устозларининг саёҳатлари вақтида кўрган-билгандарига, эҳтимол, уларнинг ҳикоялари (эсдаликлари)га, ўз саёҳатлари натижасида тўплаган маълумотларга асосланиб, 1543 йилда «Мифтоҳ атолибин» асарини ёзган.

Фижлевонийнинг форс тилида ёзилган бу асарини адаб Оғаҳий ўзбек тилига таржима қилган. Асарнинг охирида кўрсатилишича, Оғаҳий уни 44 кунда таржима қилиб бўлган. Ҳозир бу

таржима Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Фиждевоний асарида XVI аср бошларида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Хабушон (Кучон), Машҳад, Марв, Ҳирот, Неса (Ашхобод) шаҳарлари, ўша даврдаги тарихий воқеалар, урфодатлар, савдо-сотиқ, айрим шахслар ҳаёти яққол тасвиirlangan. Айниқса табнат ва хўжаликка доир қисқа-қисқа, аммо муҳим маълумотлар берилган.

Биз «Мифтоҳ ат-толибин» асарида уч сайёҳга дуч келамиз; булардан иккитаси кекса сайёҳлар, яъни икки устоз ва учинчиси — Фиждевонийнинг ўзи, яъни шогирд. Асарда ҳодисалар шундай баён қилинганки, баъзан саёҳатларнинг устозларниними ё шогирдникими, ё бўлмаса уларнинг биргаликдаги саёҳатими эканлиги билинмай қолади. Аммо бу саёҳатларнинг кўнчилигига Фиждевоний қатишганлигини эътиборга олиб, шартли равишда бўлса ҳам, уларни Фиждевонийнинг саёҳатлари деб ҳисобласак катта хато бўлмас. Ахир, барча саёҳатларни унинг ўзи таърифлаб берган-ку.

Асарда жумладан мана бундай маълумотлар бор: Хоразмда (ўша даврдаги Кўҳна Урганч баъзан Хоразмшоҳ шаҳри деб ҳам аталган) шундай қаттиқ совуқ бўлганки, кишилар дарёдан муз синдириб олиб, уйда, оташда эритганлар, Жайхун дарёси Хоразм шаҳрининг бағридан оққан. Демак, Жайхун (Амударё)-нинг каттагина бир тармоғи ғарб томонга — Қорақум чўли томон оқиб турган эканки, унинг ўнг қирғоғидан чап қирғоғига қайиқларда сузуб ўтилган.

Фиждевоний ҳикоя қиласидики, бир куни Чоржўй ёнида Амунинг бир бетидан иккинчи бетига ўтаётганда солнинг арқони узилиб кетган. Шайх билан Фиждевонийни дарё қуи томон оқизиб кетган, улар 4 кун деганда Дарғонота ёнида қирғоққа чиқиб олганлар.

Хоразмда 1532 йилда бўлиб ўтган вабо ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳаяжонлиdir.

Фиждевонийнинг устозларидан бири — Камолиддин Хоразмдан Самарқандга кўчиб келган ва шу ерда яшаган «шогирдларидан хабар олиш» мақсадида савдо карвонлари билан тури шаҳарларга бориб турган. Сайёҳлар Хоразмдан ғарб томонга — Вазир шаҳри ва Бақирғон даштига ҳам ўтганлар, у ерларда Ҳакимота, Сайдота ва Хуббихўжаларнинг мозорларини зиёрат қилганлар. Фиждевонийнинг тез-тез қатнаб турадиган жойларидан бири Монқишлоқ бандари бўлган; у Хоразмдан 20 кунлик масофадаги жойларга 5 манзилда тўхтаб сафар қилган, Қорақумнинг сувсиз чўлларидан ҳам, хилват ва хатарли йўлларидан ҳам чўчимаган.

Монқишлоқ Каспий денгизининг шарқидаги энг йирик порт бўлиб, унга Қавказ томондаги давлатлардан, ҳатто Шарқий Европа мамлакатларидан савдогарлар келиб турган. Монқишлоқда катта-катта кемалар тўхтайдиган иншоотлар бўлган.

Фижлевоний Қоракум ичкарисида ташқи салор қабилалари яшаганини ҳикоя қилган.

### УТАМИШ ҲОЖИ

«Ҳар кишики Идил дарёсини Басгунчоқ яқинидан кечиб Ёйнқ дарёсига үртурлар, ул тоғ бир кунликка яқин бир кишининг ёнидан қолмастурур» (яъни Волга дарёсини Басқунчоқ кўли яқинидан кечиб, шарққа томон юриб Урал дарёсига қараб борсангиз, шимол томонингизда бир тоғ келади, бу тоғ куни билан кўриниб туради).

«Идил дарёсининг яқосинга ким келдилар, хабар етдиларки, Хулоқухон азим лашкари билан Қулзум дарёси ёқалаб келотур. Идил дарёсини кечиб Қулзум дарёсини ёқолаб Хулоқухон лашкарига ўтрув юрдилар. Ул йўлда мучоқлар Қулзум дарёсидан шохча-шохча сувлар чиқар — йўл ул сувларнинг бешларин касо китор қумлиғ бийик тўболари бўлур. Фақир ул ерларни кўргантурман. Тийр мучоқ ерлардондир, нору дарёдин шохча сув чиқмойтуур. Үнга бир улуғ тўғойи бордир» (яъни Хулоқухон лашкарининг изидан бориб, Волга дарёсини кечиб ўтганлар, Каспий дengизини ёқалаб юрганлар. Шу йўлда дengизнинг қўлтиқлари шохча-шохча сингари чиқиб турилти. Йўлда бештacha тармоқдан ўтилади. У ерда коса сингари, гумбазсимон баланд кум тепала-ри бор. У ерларни ўзим кўрганман. Бу қўлтиқчалардан нарида бошқа қўлтиқчалар йўқдир. Бу ерда катта бир тўқай бор).

Волга этагини хоразмлик Ўтамиш ҳожи ибн Мавлоно Мұхаммад Дўстий ўзининг «Чингизнома» номли асарида ана шу тарзда ўзбек тилида тасвирлаган. Ўтамиш ҳожи Хоразм ҳокими ўзбек Элборсхоннинг хизматида бўлган. 1550 йилларда ўзбек тилидаги шу асарни ёзган. В. В. Бартольднинг айтишича, «бу XVI асрга доир бирдан-бир Хива адабий ёдгорлиги».

Асарда Сирдарё, Хоразм, Қрим тўғрисидаги таърифлар ҳам бор.

Ўтамиш ҳожига тегишли яна бир маълумотни тарих фанлари доктори Бўри Аҳмедов «Абдулланома»нинг иккинчи жилди қўл-ёзмасидан (ЎзФАШИ, инв. № 2207) топиб бизга таржима қилиб берди. Маълум бўлишича, 1587 йилда Бухоро хони Абдуллахон Москвага элчилар юборган. Улар Хоразмдан ўтаётгандарида қароқчиларга дуч келиб қолмасинлар деган ташвишда, Хоразм хонларини огоҳлантириш мақсадида Ўтамиш ҳожини юборган. Ҳожи топшириқни бажо келтирган. Хоразмга бориб хонларни огоҳлантирган; натижада элчилар ва уларнинг ҳамроҳлари эсон-омон етиб боришган ҳамда туҳфалар (ноёб маталар, неча тия «Дарбанд совути» ва ўи иккита ўргатилган шунқор) эгасига тўла-тўқис етказилган, Демак, Ўтамиш ҳожи XVI аср бошида Шарқий Европанинг жанубий қисми, Қаспий-бўйи пасттекислиги ва Урта Осиёнинг шимолини саёҳат қилган, тасвирлаган сайдҳ ва ёзувчи деб аталиши керак.

Шарқшунослик институтида бу асарнинг битта нусхаси бор. аммо тўла эмас (инв. № 1552/III; СВР, I, 65).

## XVI АСР ОХИРИ ВА XVII АСРДА ГЕОГРАФИЯ

### СУЛТОН БАЛХИЙ

XVI—XVII асрларда Балх шаҳрида география ва коинотга доир бир қанча асар ёзилганлиги маълум. Шулар орасидаги энг йирик ва қимматли З та асар билан танишириб ўтамиз. Бу асарларни Султон Балхий, Маҳмуд ибн Вали ва Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим ёзган.

Султон Муҳаммад ибн Дарвиш Муҳаммад ал-муфти ал-Балхий «Мажмаъ ал-ғаройиб» китобини 1565 йилда ёзган. Үн йилдан кейин Султон Муҳаммаднинг ўғли (исми номаълум) бу асарни таҳрир қилиб, 1576 йилда дадаси номи билан яна кўчиртирган; шундай қилиб китобнинг икки варианти пайдо бўлади, лекин улар бир-биридан жуда кам фарқ қиласди.

Ленинградлик шарқшунос А. Т. Тоҳиржонов бу қўллэзмаларни астойдил таққослаган, текширган; унинг шарҳига кўра китобнинг мазмуни қўйидагича.

Асар асосан география ва астрономияга, қисман тарихга (қадим замонлардан то 1576 йилгача) бағишлиланган. Унда муаллифнинг кузатишлари байён қилинган, Балх, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг таърифлари берилган. Муаллиф китобни ёзганида 60 тача асардан фойдаланган. Китоб 20 бобдан иборат бўлиб, уларда осмон сфералари ва самода рўй берадиган ажойиб ҳодисалар, дунёдаги мамлакатлар ва шаҳарлар, одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, тоф ва булоқлар, чўллар, баъзи денгиз ва дарёларнинг узуонлиги, кенглиги, чуқурлиги, Ернинг юзаси ва шаҳарлар орасидаги масофалар, Макка ва муқаддас жойларнинг таърифи, қимматбаҳо тошлар, баъзи ҳайвон ва паррандаларнинг неча йил яшashi, воқеалар тарихи ҳикоя қилинган.

Султон Муҳаммад ўз асарини ёзиш учун бошқа маибалар билан бир қаторда Биржандийнинг «Ажойиб ал-булдон» («Мамлакатларнинг ажойиблари») номли асаридан ҳам фойдаланганини айтган. Шуига асосланиб икки хил хулюса чиқарилди: биринчидан, Биржандий Улуғбекнинг муҳлиси ва «Зижи Қўраганий»га шарҳлар ёзган олим; Султон Муҳаммад эса Тусий, Улуғбек, Биржандийлар таъсирида бўлган. Иккинчидан, «Ажойиб

ал-булдон» асарининг муаллифи кўп вақтгача номаълум эди. Совет шарқшунослари мазкур қўллэзмаларни таққослаш ва син-чилаб текшириш натижасида бу асарнинг муаллифи ҳақиқатан ҳам Биржандий эканлигини исботлаб бердилар.

«Мажмаъ ал-ғаройиб» («Ғариллар йифиндиши») Ўрта Осиё ва Хурросонда жуда машҳур бўлган географик асарлардан биридир. Совет Иттифоқининг кутубхоналарида унинг 30 дан ортиқ нусхаси топилган (Ленинградда — 16 нусха, Тошкентда — 6 нусха, Душанбада ҳам бир қанча нусхаси бор).

Бу асарнинг бир нусхасини 1851 йилда Мулла Довуд Мирза Тошкандий ўз қўли билан кўчириган ва бошқа бир ўзбекча асар билан қўшиб, бир муқовага солган. Ленинград кутубхоналарида Султон Муҳаммад Балхийнинг фалакиёт ва географияга оид асарларининг ўзбекча таржималари сақланмоқда. Янги Бухоро (Когон)да 1904 йилда унинг тошбосма нашри ҳам бўлган.

### МАҲМУД ИБН ВАЛИ

Маҳмуд ибн Амир Вали XVII асрнинг биринчи ярмида яшаган, самарали ижод қилган балхлик олим, сайёҳ, ўз замонаси нинг билимдон кишилариданdir (унинг отаси Наманганинг Косон қишлоғидан бўлган). Маҳмуд аввало адабиёт билан шуғулланиб, «Муҳаббатнома», «Нужми соқиб»ни, ғазал ва қасидалар девонини ёзган. 1625 йилда Ҳиндистонга саёҳат қилган.

Уша даврда Ҳиндистон бобирийлар қўлида бўлиб, Шоҳжаҳон подшолик қиласиди. Бу, ўзбек ва форси тилларида тарих, география, адабиётга доир қимматли асарлардан, жумладан, «Бобирнома», «Хумоюннома», «Акбарнома»дан ҳамда бир қанча астрономик асарлардан нусхалар кўчирилган, шундай асарлар таржима қилинган, савдо-сотиқ ишлари ривож топган давр эди. Ҳиндистонга келиб қолган Маҳмуд ибн Вали ана шундай шароитда тарих ва географияни астайдил ўрганган. 1628 йилда дарёлар оралиғидаги Бакра қалъасида истиқомат қилиб, бир китоб ҳам ёзган. 7 йиллик саёҳатдан сўнг 1631 йилда Балхга қайтиб келган ва хон кутубхонасида кутубхоначи вазифасида ишлаган. Шу ерда вилоят ҳокими Нодир Муҳаммаднинг (аввали Балх ҳокими, кейинчалик Бухоро ҳокими бўлган) буйруғига биноан жаҳон тарихи ва географияси, осмон ҳодисалари ҳақида катта асар ёза бошлаган. Форс тилида ёзилган бу асарнинг номи «Баҳр ал-асрор фи муноқиб ал-ахёр» («Хайрли кишиларнинг юқори хислатлари тўғрисидаги сирлар дengизи»), иккинчи номи «Баҳр ал-асрор фи маърифат ал-ахёр» («Хайрли кишиларнинг маърифат тўғрисидаги сирлар дengизи»).

Асар 7 жилдан иборат бўлиб, ҳар жилд 4 бўлимга бўлинган. Биринчи жилднинг учинчи бўлимида олов, ер, сувнинг таърифи берилган. Жумладан, сув ҳақидаги қисмida дунёдаги дengiz, булоқ, орол ва бандарларнинг алфавит тартибида ёзилган рўйхати ва баёни бор. Ер ҳақидаги қисмда етти иқлим, ҳар бир

шаҳар, мамлакат ва тоғларнинг тавсифи (булар ҳам алфавит тартибида) берилган.

Тўртинчи бўлим metall ва минераллар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида. Шуниси муҳимки, бунда мазкур нарсаларнинг ҳаётда қўлланилиши, ҳозирги фан тили билан айтганда, «табиий ресурсларнинг хўжалик аҳамияти» уқдириб ўтилган. Масалан, олтин ва кумушнинг таърифида турли пуллар, тангалар борлиги айтилган ва улар бир-бирига таққосланган. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг эса инсон ҳаётидаги аҳамияти баён этилган. Хуллас, бу асарда турли соҳалардан жуда бой ва аниқ маълумотлар бор. Асар умуман, бошқа китоблардан кўчирилган бўлса-да, ҳар ҳолда унда муаллифнинг шахсий кузатишлари ва мулоҳазалари ҳам кўп.

Олтинчи жилднинг энг охирида муаллифнинг 1626 йили Ҳиндистонга қилган саёҳати баён қилинган.

Маҳмуд ибн Вали асарининг бир нусхаси дастлаб шаҳри-сабзлик генерал Жўрабекнинг кутубхонасидан топилди; В. В. Бертольд бу қўлёзма билан танишиб, унинг мазмунини таърифлаб берди. Бухорода «Мужалиди аввал аз китоби Баҳр ал-асрор фи маъруфат ал-ахёр» номли қўлёзма топилди; бу қўлёzmани текшириб кўриш натижасида шу нарса аниқландик, Бертольд илгари кўрган қўлёзма тўлиқ эмас экан, у 7 жилдлик катта асарнинг фақат 6-жилди экан.

Афсуски, Маҳмуд ибн Вали асарининг бу ажойиб тўлиқ қўлёзмаси шу чоққача топилган эмас. Тошкентда унинг 1-ва 6-жилдлари бор, лекин уларнинг ҳам кам-кўсти бор.

«Баҳр ал-асрор»ни ўрта аср географиясига доир сўнгги асарлардан бири деб ҳисоблашимизга сабаб шуки, Маҳмуд ибн Вали бу асарни<sup>1</sup> ёзишда асосан Истаҳрий, Ҳавқал, Ҷоқут, Қазвений, Ҳофизи Абрӯ ва Абдураззоқ Самарқандий асарларида, ўзбек тилидаги «Зубдат ал-асар»дан, шунингдек тошкентлик Мұхаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» номли асаридан фойдаланган, натижада Ўрта Осиё, Қозоғистон, Қашқар, Хуросон, Ҳиндистон тарихи ва географияси билан яхшигина танишиб, Балх шаҳри ва унинг атрофлари Шибирғон, Жузжон, Бомиён тўғрисида анча мукаммал маълумот берган.

Бир неча мисол. «Бадғис — Ҳирот вилоятининг каттагина ери, тевараги юз фарсангдан ортиқроқ; унда қишлоқ ва кентлар кўп. Бу вилоятда пистазор бор, майдони беш-у беш фарсанг. Ҳуросонликлар писта пишганда ва терим вақтида ўша майдонга бориб, ким қанча хоҳласа шунча териб олаверади... У ерда ёқимили шамол эсади, шундан унга бадхайр (ёқимли шамол) деб ном берганлар»...

«Ҳуросон ҳозирги замонда тўрт вилоятга бўлинган: Ҳирот, Нишопур, Балх ва Марв. Бу шаҳарларнинг ҳар бири пойттахт

<sup>1</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Таржимаси, кириш сўзи, изоҳлари, кўрсаткичлари Б. Аҳмедовники. «Фан», Ташкент, 1977.

бўлиб турган. Хурсон — эроний сўз бўлиб, *хур* — офтоб, *сон* — ер деган маънодадир».

Уша даврда айрим табиат бойликлари ва инъомлари муҳофаза қилингандиги ва қўриқхоналар бўлганлиги тўғрисида ҳам асарда қизиқ маълумотлар берилган. Масалан, Ҳулм шаҳри атрофидаги далада буғу ва бошқа ҳайвонлар кўплигидан ўша ер қўриқхона ҳисобланган.

«Баҳр ал-асрор»да географик материал маълум бир тартибта баён этилган: шаҳарлар, тоғлар, сувларнинг таърифи алоҳида-алоҳида берилган ва ҳоказо. Шундай қилиб, бу китобда Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг табиий, иқтисодий географиясига, топонимия, топография ва этнографияга тегишли жуда аниқ маълумотларни толиши мумкин.

### САИД МУҲАММАД ТОҲИР

Сайд Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим жуда билимдон табиатшунос, шу билан бирга сайёҳ ҳам бўлган. У 1645—1650 йилларда «Ажойиб ат-табақот» асарини ёзган. Муаллиф бу асарида ўзининг кўрган жойларини ва кузатган ҳодисаларни маҳорат билан тасвиrlаган. Асар ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиё ва Хурсон географиясининг ажойиб дурданаларидан биридир. Аммо бу асарни кўплар билмайди, ундан шарқшунослар ҳам деярли фойдаланишмаган.

Китобнинг бир неча нусхаси бор (Ленинградда, Душанбада ва Тошкентда); улар мавжуд каталогларда қисқача изоҳланган. Бироқ асар ҳозиргacha мукаммал ўрганилмаган, ҳатто мундарижаси ҳам текширилмаган. Шунга кўра биз бу асарга алоҳида тўхтаб ўтмоқчимиз.

Мазкур асарнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўллэзмалар фондида сақланаётган бе та нусхасидан бизга фақат иккитаси маъқул тушди. Шулардан бири (*№ 4111*) ҳуснihat билан кўчирилган, текис, ранг-баранг чизик ва рамкалар ичига олинган тўла нусхасидир.

«Зар қадрини заргар билар...» деганларидек, бу ажойиб географик асар ажойиб олимнинг қўли билан, маъносига тушуниб, тартиби билан, батафсил фиҳраст (мундарижа-кўрсаткич) тузиб кўчирилган. Иккинчиси (*инв № 2797*) ҳам равон, ҳуснihat билан кўчирилган. Бу бошқа нусхалар орасида энг янгиси бўлса керак (1901 йилда кўчирилган).

Бизнинг бундан кейинги шарҳларимиз асосан 4111-аъло нусхага тегишли бўлиб, унинг география қисминигина таҳлил қилдик.

Китобнинг мундарижаси қўйидагича: 1) Ер ва осмоннинг ҳолати, ҳукуматлар ва рубъи маскуннинг иқлиmlарга бўlinиши, мамлакатлардаги ажойиб ва фаройибларнинг зикри; 2) Ернинг сифати; 3) Бошланғич иқлиml; 4) Иқлиmlарнинг узуunлиги; 5) Жануб томонда иқлиmlардан ташқари маълум бўлган мав-

зелар; 6) Иккинчи иқлим; 7) Учинчи иқлим; 8) Тўртинчи иқлим; 9) Бешинчи иқлим; 10) Олтинчи иқлим; 11) Еттинчи иқлим; 12) Шимол томонда иқлимлардан ташқари маълум бўлган мавзелар; 13) Хурросон; 14) Балх; 15) Хўлм; 16) Бадаҳшон; 17) Юмғон.

Асарда яна бир қанча шаҳар ва вилоятлар (Марви Сараҳс, Бомиён, Ҳирот, Ғазни, Тус, Сейистон, наҳри Ҳирманд, Табаристон, Дамованд, Тажан, Астробод, баҳри Табаристон, жазираи Боку, Ироқи Ажам, Озарбайжон, Макрон, Форс, Сироф ва ҳоказо), дарё ҳамда кўллар тасвирланган. Муаллиф мамлакат ва шаҳарларнинг тасвирини ўз ютидан бошлаган, сўнгра қўши ўлкаларга ўтган.

Муаллиф Фаргона бобида 1621 йилда Аҳси зилзиласини ўзи кўрганлигини, дарё суви тоғ этагигача кўтарилганлигини, кўпгина бинолар қулаганлиги ва кўп киши ўлганлигини ёзган. Китобда мана бундай маълумотлар ҳам бор.

Тошкент чегарасидаги «тоғларда нефть, фируза ва тилла маъданлари кўпdir»... «Парак дарёси Тошкентнинг чеккасидан оқиб туради ва (шаҳарнинг бутун) суви шу дарёданdir». Маълумки, Чирчиқ дарёси Парак номи билан аталган. Унинг устидағи «пули Барбар»—Барбар кўприги тўғрисида ҳам айтиб ўтилган.

Ўзбекистон дарёлари тўғрисида ҳам жуда аниқ маълумотлар бор:

«Қўйҳак (Зарафшон) тоғлардан чиқиб Сўғд ва Самарқанд ва Миёнкол ва Бухоро вилоятидан ўтади ва Қоракўл (ёнида) тамом бўлади. Бу дарёning узунлиги 120 фарсаҳдир»... Жайхун «Балх вилоятининг шимолидан ўтиб, Колифга келади. У ердан Хоразм тарафга оқади ва Журжон денгизига қуйилади. Бу дарёning узунлиги 500 фарсаҳдир ва эни, Колиф ёнида (дарё қаттиқ оққан вақтда) уч минг ком келади». Охирги жумлада қавс ичида берилган изоҳ — «дарё қаттиқ оққан вақтда» («Дар вақти шиддати об») 409- кўллэзмада 2156- бетдан топилди. «500 фарсаҳ» тахминан 3000 километрга яқин — ҳозирги аниқ ўлчовга кўра, 2620 километрдир.

Муаллиф Афғонистон шимолидаги Бомиён тўғрисида гапириб, у ерда Будданинг иккита санами борлигини, ҳар бирининг бўйи 70 газ, эни 10 газ чамасида эканлигини айтган.

Сайд Муҳаммад Тоҳир бу асарни ёзганида X—XII асрларга мансуб географик асарлардан фойдаланганини очиқдан-очиқ айтган. Жумладан, бир неча жойда Берунийни буюк, мўътабар олим сифатида тилга олган («Абу Райҳон гуфта астки...»).

Шундай бўлса-да, бу асарга «бошқа китоблардан териб ёзилган асар» (компиляция) деб баҳо бериш хато бўлади. Чунки муаллиф ҳақиқатан ҳам зўр билимдон киши ва сайёҳ бўлган, Ўрта Осиё ва Хурросон, жумладан, Фаргона ва Балх тўғрисида анча янги маълумотлар баён этган. Шунинг учун «Ажойиб ат-табақот»ни Ўрта Осиё ва Хурросон географиясининг бир яку-

ни, обзори, хуросаси деб ҳисоблаш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, номаълум ғолимларнинг ҳозиргача сақланмаган, умуман, йўқолиб кетган қимматли асарларидан олинган парчалар бу китобда сақланиб қолган.

Тошкентлик *Мұхаммад Олим ас-Сиддиқий ал-Алавий* (Хофизи Кўйкининг набираси) асаридан ҳам XVII аср бошидаги Ўрта Осиё тарихий географиясига доир маълумотларни топиш мумкин.

Мутрабий тахаллусли самарқандлик муаллифнинг (1604—1605 йиллар) «Тазкирати шуаро» номли асарида (ЎзФАШИ, инв. № 2253) иқлиmlар доираси ва дунё картаси берилган. Иқлиmlар доираси илгари тасвирланган Банокатийнинг иқлиmlар доирасига айнан ўхшайди, лекин анча соддалаштирилган; дунё картаси эса рангли қилиб ишланган — дengizlар сариқ, ороллар қора доира ичида берилган; иқлиmlарнинг рақамлари ҳам қўйилган. Картанинг тахминий ва XVII аср бошига мансуб эмаслиги шаклдан кўриниб турибди. Афтидан, Мутрабий географияни ва картографияни яхши билмаган.

## XVIII—XIX АСРЛАРДА ГЕОГРАФИЯ

### МАХТУМҚУЛИ — ТУРКМАН БУЛБУЛИ

Маҳтумқули Фироғий ўтқир, таъсирчан, ҳалққа манзур, туркманларга ҳам, ўзбекларга ҳам ўз она тилидек тушуниладиган шеърлар ёзиши билан бутун Шарққа машҳурдир. Үнинг асарларини Сурияда ва Ироқда, Туркия ва Эронда, Афғонистон ва узоқ Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшилдид. У Маҳтумқули шеърларини маҳорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун ўзини «Маҳтумчи» дер экан.

«Юртим Атрек, элим Гўкланг» деган шоир. Туркманистон гарбидаги Сумбар — Атрек водийси, бамисоли туркман Фарғонаси — Маҳтумқулининг ватанидир. Маҳтумқули шу ерда, Санги тоғ этагида 1733 йилда туғилган ва 1793 йилда шу ернинг ўзида отаси шоир Озодий қабри ёнида дафн этилган.

Маҳтумқули ватанпарвар шоир, философ ва сайёҳ эди. Биз унинг ана шу олижаноб хислатларига эътиборингизни тортмоқчимиз. Маҳтумқули ўз ватанини, ўз ҳалқини, ўз маданиятини ниҳоятда севган.

Фироғий юз тутар Туркман элига,  
Душман қўл урмасин қизил гулига.

(«Энди»)

Ҳар кимнинг ўзига Мисрдир жойи,  
Ёдингиздан чиқмайди байрами, тўйи.  
(«Эл яхши»)

Туркманлар, боғласак бир ерга белни,  
Куритар Қулзумни, дарёи Нилни.  
Така, ёвмут, гўкланг, язир, алили,  
Бир давлатга хизмат этсак бешимиз.

(«Ёшимиз»)

Унинг ватанпарварлик руҳида ёзилган ўтқир асарларидан бири «Туркманинг» сарлавҳали шеъридир. Шоир бу шеърида Туркман элиниң қадрдан табиатини ифтихор билан куйлайди:

Жайхун билан баҳри Хазар ораси,  
Чўл устидан эсар ели Туркманнинг;  
Гул ғунчаси, қора кўзим қораси,  
Қора тоғдан эсар сели Туркманнинг.

Ҳақ сайламиш, бордир унинг сояси,  
Ейилар чўлида нори, мояси,  
Ранг-баранг гул очар яшил яйласи,  
Фарқ бўлмишрайхонга чўли Туркманнинг.

Қишлоқлари гўзал эли Туркманнинг,  
Доим анбар сочар гули Туркманнинг.

Маҳтумқули айниқса Санги тогни (Сўнгтоғ) меҳр билан тилга олған. Ривоятларга кўра; у ҳаётининг сўнгти дамларида шу тоғ теласига кўтарилиб, мана бу энг охирги шеърини айтган экан:

САНГИ ТОҒ

Эй севдигим Санги тоги,  
Баланд-баланд белинг сенинг.  
Душман кўрса девдай бўлар,  
Ёвмут, гўкланг элинг сенинг.

Кескин-кескин йўлинг кечар,  
Кирлар бағри қўнглинг очар.  
Салқин чашма сувинг иchar,  
Турли-туман молинг сенинг.

Турли-туман ўтинг битар,  
Хар даранг бир элга етар.  
Қатор-қатор карвон ўтар,  
Шифобахшdir йўлинг сенинг.

Маҳтумқули табиатни жуда севган, унинг сирларини билган, ҳамиша саёҳатга интилган, толмас, хушчақчақ ва ширин забон йигит бўлган.

Қўнглим истар, кезсам экан оламни,  
Қанотим йўқ; учолмайман, найлайнин.  
(«Найлайн»)

Мажнун каби ҳайрон чиқай чўлларга,  
Бориб маскан тутай сизни тоғлар, ҳей.  
(«Боғлар, ҳей»)

Кўрсам эди Миср, Шому Шариф, Рум, Фарангি,  
Деҳистоннинг байиринда боди сабони кўрсам.



Сайёҳ шоир табиат ҳодисаларига бундай изоҳ берган:

Тоғлар — ериинг михидир;  
Баланд тоғлар, буюклиқда гердайма,  
Хумчада сув бўлган зардек бўларсан.  
Теран дарё, ҳайбатингга кеккайма,  
Вақтинг етса, қуриб ердек бўларсан.  
(«Бўларсан»)

Бағдодда қиши бўлмас, қирғизда томус  
Булғорнинг шаҳрини сояси бўлмас.  
Бағдодда нор пишса, Табризда анжир,  
Ҳиротдек ҳеч ернинг пистаси бўлмас.  
(«Устаси бўлмас»)

Қора тошли, боши туман бу тоғлар,  
Тупроқ бўлар қора тощдан айрилса.  
Сел бўлар ағдарилиб оқар булоқлар,  
Чилла тўлиб, қорлар қишдан айрилса.  
(«Айрилса»)

Махтумқулиниңг саёҳатлари тўғрисида унинг ўз асарлари иш ўқибгини хулоса чиқариш мумкин. Маълум бўлишича, Маҳтумқули ёшлигидан саёҳатларга чиқиб, Каспий бўйидан то Амударёгача борган. Бухорода таълим олган, сўнгра Афғонистонга ўтган. Ҳиндистонда бир йил-у уч ой турган; у ердан қайтиб, Фарғонага (Андижон, Марғилонга) борган; Қозогистоннинг Туркистон шаҳрида бўлган. Хоразмга келиб, Хивадаги Шергози мадрасасида таълим олган; сўнг яна ўз элига — Атрек дарёси водийсига, Деҳистонга қайтган. Кейин Озарбайжон, Эронни, Туркияниң шарқий қисмини ва Ироқни айланниб келган.

Кўзим кўрмуш Ҳиндистон,  
Эйрон билан Афғон,  
Уммон, Хазар, Деҳистон,  
Борсам мизона тушмас.

(«Нуронга тушмас»)

Юқорида Ҳиндистони,  
Орқада Туркистони,  
Авлиёлар Уммони,  
Ул Румистонни кўрсан.

(«Кўрсан»)

Озарбайжон саёҳатидан олган таассуротини у бундай ифодалаган:

Сафар этиб борсак Нуха мулкига,  
Қўнгли истагандек яйлоқлари бор.  
Сайран этсак ғунчасига, гулига,  
Боғчасида булбул ўйноқлари бор.  
Ери гўзал хаста одам соғ бўлур,  
Оғриқ, бежон ғарип кўнгли чоғ бўлур.  
Серчаман дараҳти билан боғ бўлур,  
Ажаб, қуш солмоққа овлоқлари бор.  
(«Яйлоқлари бор»)

Маҳтумқули «Ҳамхона» шеърида ўз саёҳатларидан ва орзуларидан мана буларни эслайди:

Табриз, Ҳирот шаҳрини кўр, дада, сарбасар  
Ширвон, Шамохи иккиси бўлғайму баробар?  
Ул боғи эрам парилар манзили дерлар.  
Андижон, Марғилон то Қашқар Қайсар.  
Ҳинду, Ҳабаш, Чин-Мочин ила Самарқанд, Фарғон,  
Ул шаҳри Бухорои, Ҳирот, Оқча, Шибирғон.  
Кездим юрбон шаҳри Ҳирот яна Дамғон,  
Анҷӯйи билан Балҳи, Бадахшонга келгандир.

Унинг «Гўкланг», «Гурганинг», «Ҳасар тоги», «Ҳазаристон сари» каби шеърларида ҳам жойлар географик жиҳатдан бадиий тасвирланган.

Маҳтумқули Астраханда бўлиб, у ердаги руслар ҳаёти билан танишган. У ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денизи бўйларига — ё Уммон тупроғига (Арабистон яримороли билан Ироқ ўртасида), ё ҳозирги Покистон ерларига борган бўлса керақ, чунки шеърларида шунга шама қилган. Шоир Ўрта Шарқдаги барча туркман қабилалари орасида бўлиб, уларнинг аҳволини, озодлик, мустақиллик ва фаровонлик орзулари-

ни билган, шу билан бирга уларнинг оғзаки адабиётини ўрганган:

Маҳтумқули элдан-элга оралар,  
Ҳижрон тифи бирла бағрин поралар.  
(«Гурганинг»)

Маҳтумқули асарларида қуйидаги географик номлар учрайди: Мағриб, Мағрибистон, Миер, Нил, Кулзум денгизи, Яман, Ҳабаш, Макка, Уммон, Рум, Румистон, Арзи Қарс, Юнон, Фаранг, Шом, Димишқ, Сақлоб, Булғор, Қипчоқ, Қозоқ (Қозогистон), Ироқ, Бағдод, Карбало, Эрон, Мозондарон, Исфаҳон, Кирмон, Форс, Афғон, Ҳирот, Балх, Дамғон, Шибирғон, Ақча, Бадахшон, Қандаҳор, Андхӯй, Ҳазаристон, Озарбайжон, Табриз, Шамоҳи, Нуҳа, Ширвон, Қорабоғ, Дарбанд, Турон, Ҳоразм, Жайхун, Хива, Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Андижон, Фарғон, Сайром, Туркистон, Нурота, Бободарғон, Қашқар, Ҳӯтан, Ҳинд, Чин-Мочин, Қоф тоги. Шунингдек, Туркманистоннинг Деҳистон, Монқишлоқ, Атрек, Гурган, Баҳри Ҳазар ва бошқа жой номлари ҳам бор.

Шоиринг «Бу дунё» сарлавҳали шеъри география фани нуқтаи назаридан жуда қимматлидир. Шоир бу шеърида дунёning катталигини, айрим мамлакатлар орасидаги масофаларни, ҳалқларнинг тилларини ва бошқаларни бадиий образлар билан кўйлаган:

Мағрибдан Машриққа дунёning юзи,  
Айтманг бизга номаълумдир бу дунё.  
Ободи, хароби, дарёси, тузи,  
Юз қирқ олти минг оғоч йўлдир бу дунё.

Бу жаҳон юзида ишлар пайдодир,  
Ранг-бараңгдир, томошадир, ғавғодир.  
Қирқ олти минг — денгиз, дарёдир,  
Етмиш икки турли тилдир бу дунё.

Бир эллик минг узоқ йўллар унда бор,  
Дев-пари маскани, қуллар унда бор.  
Тошлар, тоғлар, оч арслонлар унда бор,  
У ерда одамдан чўлдир бу дунё.

Ўн икки минг оғоч жойи Ҳинди斯顿,  
Олти минг оғоч йўл арзи Румистон.  
Тўрт минг Сақлаб, Санжоб, тўрт минг Деҳистон,  
Гўё кечиб борган селдир бу дунё.

Тўрт минг фарсаҳ Яман, бир минг ҳам Булғор,  
Юнон ери бўлар — ҳамма як ҳазор,

Минг оғоч йўл тоғдир бу мардуми хор,  
Унда оқиб борган солдир бу дунё.

Беш минг оғоч ажут-маъжут, минг сахро,  
Етти минг жазира, етти минг дарё,  
Бу дунё шундайдир, бир тубсиз дарё,  
Эллик минг, бир ботмон молдир бу дунё.  
Икки минг уч юз оғоч аҳли исломдир,  
Ироқ, Озарбайжон, Мисрдир, Шомдир,  
Хурсон, Форс, бадроҳида тамомдир,  
Йўқ бўлгандা қол-мақолдир бу дунё.

Маҳтумқули номинг бўлди Фироғий,  
Фориг бўлиб, торт ўзингни қирғоққа,  
Ҳисоб этдим, дунё бошдан-оёққа,  
Уч юз олтмиш йиллик йўлдир бу дунё.

Шеърда кўрсатилган масофалар — «146 минг оғоч», «12 минг оғоч Ҳиндистон», «7 минг жазира» шартли, символик рақамлардир. Уларни на квадрат километрга ва на километрга айлантириб бўлади. Шундай бўлса-да, бу шеър Маҳтумқулининг географик савияси юксаклигини исботлайди. Бу шеър ҳали чуқур ўрганилиши, синчиклаб текширилиши лозим.

Шундай қилиб, Үрта Осиё маданиятининг фахри, ҳам ўзбек эли, ҳам туркман элининг фарзанди Маҳтумқули Фироғий — XVIII аср ўрталарида яшаб, ижод қилган ажойиб, маърифатпарвар шоир, сайёҳ ва ватанпарвар сиймодир.

## XVII—XIX АСРДАГИ ХОРАЗМ ТАРИХЧИ-ГЕОГРАФЛАРИ

**Абулғозихон** — хоразмлик Абулғозихон Араб Муҳаммадхоннинг ўғли — XVII асрнинг буюк тарихчиси, давлат арбоби, саркарда ва олимдир. Унинг икки тарихий асари: «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи») ва «Шажараи турк ва мўғул» (1663 йилда ёзилган) шарқшуносларга кўпдан маълум; бу асарлар рус тилига ҳам таржима қилинган, улардан каттакатта монографияларда, хусусан Ўзбекистон ва Туркманистон тарихи китобларида фойдаланилган.

Академик А. Н. Кононов «Шажараи тарокима» асарининг русчага таржимасини сўз боши, изоҳлар ва филологик анализ билан нашр эттириди. Унинг кириш сўзи анча мазмундор ёзилган. Мазкур асарлардан Абулғозихоннинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини билиб олиш мумкин. Биз унинг географик мероси билангина қисқача таништириб ўтамиз.

Абулғозихоннинг иккала асари ҳам ўзбек тилида, оммабоп, содда жумлалар билан ёзилган. У тил тўғрисида бундай деган: «Бу китобга «Шажараи тарокима» деб от қўйдуқ. Барча били-

нинг (биссин) ким, биздин бурун туркий тарих айтқонлар араби лугатларни (сўзларни) қўшубтуурлар ва форсини ҳам қўшубтуурлар ва туркийни ҳам сажъ қилибтуурлар — ўзларининг ҳунарларин ва устодлиқларини халққа маълум қилмоқ учун. Биз мунларнинг ҳеч қайсисини қилмодуқ аниг учун ким, бу китобни ўқуғучи ва тинглогучи албатта туркий бўлғуситурур, бас, туркийларга туркона айтмоқ керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғойлар, бизнинг айтғон сўзимизни билмасалар андин не ҳосил. Бас, андоқ айтмоқ керакким, яхши ва ёмон барчалари билиб, кўнгуллариға маъқул бўлғай.

Иккала асар ҳам географик маълумотларга бой. Муаллиф жуда кенг масофани — Хитойдан Мисргача бўлган барча мамлакатларни бирин-кетин таърифлаган. Мўгулистон ва Ўрта Осиё ерларининг географиясини айниқса батафсил изоҳлаган. «Шажараи турк ва мўгул»да 280 тача ва «Шажараи тарокима»да 110 тача географик ном тилга олинган бўлса, шулардан 56 таси ҳар иккала асарда учрайди.

Абулғозихон асарлари терминология ва транскрипция жиҳатдан ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу асарлардан юзлаб географик ном ва терминларнинг XVII асрда ўзбекча қандай ёзилганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, Туркманистоннинг жанубий тоғлик қисми (Хурсондан Астрободгача) — тоз бўйи деб, Хоразм томон, Урганч ва Аму атрофлари эса — дарё бўйи деб юритилган.

«Туркийлар дарёни сой дейди, тожиклар — руд, араблар — водий, мўғуллар — муран дейди».

Туркманистон гарбидаги Болхон тоғлари асарда Улуғ Абулхон тоги ва Қичик Абулхон тоги деб аталган. Ўғурча (Оғурчинский п-ов), Бўрсиқ (Барсуки), Сир бўйи, Қорачиқ тоги (Махмуд Кошғарийда Қорачуқ), Монқишлоқ ва ҳоказо шаклларда ёзилган.

«Шажараи тарокима»да қизиқ бир рақам келтирилган: «Ўн олти орқа (авлод) тўрт юз йилда, ҳарчанд кўп бўлса тўрт юз эллик йилда ўтар... Ҳар минг йилда қирқ орқа (авлод) ўтса кепрак».

Бу иборалардан, 400—450 йилда 16 авлод, 1000 йилда 40 авлод ўтса, бир авлодга 25 йил тўғри келади — XVII асрда ва ундан олдинроқ Ўрта Осиё аҳолисининг ўртача умри 25 йил бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Мунис (Авазбий ўғли Шермуҳаммад мироб; 1778—1829) ва Оғаҳий (Эрниёзбек ўғли Муҳаммад Ризо мироб; 1809—1872) ва Баёний (Бобоҷонбек ўғли Муҳаммад Юсуф; 1859—1923) ларнинг кўпгина асарлари ҳам муҳим географик манбалардир. Бу асарларда Туркманистон, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг чўллари, манзил ва йўллари, канал, тўғон, қалъя ва қудуқлари тўрисида аниқ маълумотлар бор.

Хоразм тарихчиларининг географик меросига шарқшунослар жуда юксак баҳо берганлар; бу ҳақиқатан ҳам шундай.

Масалан, Мунис 1716 йилда А. Бекович-Черкесский раҳбарлик қилган рус экспедицияси ҳақида ва Амударёнинг шохобчалари, каналлар тўғрисида батафсил ёзган. У ўз асарида хонларнинг юришларини тасвирлар экан, шу вақтда хон аскарлари босиб ўтган йўллар, шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, кўллар, чўллар, тоғлар, қирлар, қумликлар ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар берган, Жумладан, Қорақалпоғистондаги Давқара (Тавқара) ҳавзасини бундай таърифлаган (маълумотлар XVI—XVII—XVIII асрларга оид): «...Тавқара улуғ денгиз эди. Даврасининг кенглиги таҳминан 30 фарсанг бўла олғай. Кўкўзакнинг кўпроқ суви анга оқар эрди... Қангли ва қипчоқ улуси анга оқатурғон сувларни боғлаб эрди. Ул тенгизнинг суви (1790—1804 йилларда) туганиб, экин экадиган ер бўлди. Алҳол Оқёзиш аҳлининг аксари зироат ва маҳсулоти андин ҳосил бўлар».

Орол денгизи ҳақида: «Ани баҳираи Хоразм атарлар. «Равзат ас-сафо» хотимасида унинг даврасини 100 фарсанг битибдурлар, алҳол 200 фарсангдан кўпроқ дерлар. Хоразм... бўлмас дан бурун Амуяким, Балх ва Хоразм дарёсиға ва Жайхунга машҳурдир, Урганч қадимнинг остидан ўтиб, Болхон тоғнинг шарқий этагига тегиб, жануб тарафидан ғарбга уюрулиб, Ўғирчадин Мозандарон тенгизига қуяр эрди...

Хўжанд дарёсиким, ани Сайхун ва Сир дерлар, анга қуяр иккни дарё Қуванг сувким, Сайхуннинг шохобчаларидандир... Бу мазкур бўлғон дарёлардан бошқа катта анҳор Дашиби Қипчоқдан келиб анга қўшилади. Аммо (Оролнинг) суви бағоят ўйрдир. Мунча чучук сувлик дарёлар анга оқмоқ била таъмига ҳаргиз тафовут етмас. Ҳатто дарё қўйгон мавзеидан бир қадам илгарироқ сув ичиб бўлмас, голибон бу жиҳатдан ани Аччиқ тенгиз дерлар ва аксари мавзоининг қаъри (чуқурлиги) маълум эрмас...»

Бу географик маълумотни проф. Я. Гуломов таҳлил қилган.

Мунис ва Огаҳийнинг таржимонлик фаолиятлари ҳам географияга алоқадор бўлганлигини унумаслик керак. Мунис, Огаҳий ва Баёний асарлари география терминологияси жиҳатдан маҳсус ўрганилса арзиди. Бу асарларда ҳалқ номига ия суффиксини қўшиб, мамлакат номи ясалган: «Қорақалпоқия», «Туркмания», «Хивак», қисқача, «Хива» деб ёзилган (бу ном ҳозир матбуотда баъзан «Хева» шаклида бузиб ёзилмоқда, унинг русча «Хива», ўзбекча «Хева» деб ёзилишини даъво қилувчилар ҳам учраб туради). Шунингдек, Хўжаэли, Гурлон, Лавдон, Қўҳна Урганч, Куба тоғ, Ойбукур қири, Эрдор йўли, Қуванг дарё сингари номлар ҳам бор; Қорақум чўлининг шимоли-шарқий қисми — Хоразмдан то Марвгача бўлган бўллаги Ҳафтреғ (Етти қум) номи билан аталган.

Такрор айтамизки, Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг географик

мероси жуда муҳим тема бўлиб, мукаммал таҳлилга муҳтождир.

**Мир Абулкарим ибн Мир Исмоил Бухорий** 1804 йилда Бухоро амирининг Россияга юборган элчилари ҳайъатида Петербург, Москва ва Астраханга борган; сўнгра Туркияга юборилган элчиларга котиб бўлиб Истанбулга жўнаган, Истанбулда қолиб кетиб, ўз сафари тўғрисида ҳамда қўшни мамлакатлар тарихий географиясидан асар ёзган. Унинг «Марказий Осиё тарихи» номли асарида, жумладан, Даҳти Қипчоқнинг аҳолиси ва иқлимининг, Фарғона водийси ва ундаги шаҳарларнинг, Миёнкол ва Туркистон, Қашқар, Тибет ва Кашмирнинг таърифи берилган. Бу асар анча вақтдан кейин, яъни 1872 йилдагина Булоқ нашриётида (Қоҳира ёнида) нашр этилган. 1876 йилда асарнинг французча таржимаси ҳам босмадан чиққан. Асарнинг французча нашрига илова қилинган Ўрта Осиё картасида ҳозирги Қизилқумнинг жануби-гарбий қисми, яъни Амударё — Бухоро — Кулжуқтоғ оралиғи Ботоқум деб, шимоли-шарқий қисми — Амударё этакларидан Сирдарё ёқалаб то Тошкентгача — Қизилқум деб аталган. Ботоқум, эҳтимол, ботқоқ қум, майнин қум, бархан қум деган маънода ишлатилгандир. Мўюнқум эса Оқкум деб аталган. Шундай бўлгач, Сирдарёнинг чап томони — Қизилқум, ўнг томони — Оқкум бўлиб чиқади. Верний шаҳри (ҳозирги Олмаота) Олмоли дейилган. Фарғона жанубидаги тоглар Олатоғ деб ёзилган (Бобир ҳам шундай деб атаган).

«Марказий Осиё тарихи» асарида экономикага оид маълумотлар ҳам бор. Масалан, хиваликларнинг Россияга ҳар йили 4 миллион бош қорамол ва қўй-эчки сотиб тургани, XIX аср бошида Бадахшон аҳолиси 30 минг хонадон чамасида бўлгани айтилган.

Афсуски, тадқиқотчилар Бухорийнинг бу қимматли асари билан ҳануз жиддий шугуулланмаяптилар.

Хоразмлик **Худойберди бин Қўшмуҳаммад** «Дил гаройиб» асарининг муаллифидир. Астрономия-географияга оид бу асар 1832 йилда ўзбек тилида ёзилган бўлиб, унинг географияга оид бобларида Ер ҳақида умумий тушунча, турли мамлакатлар, шаҳарлар, денгиз ва дарёларнинг таърифи берилган, жойлар орасидаги масофаларни, чуқурлиги, эни ва бўйини ўлчаш усуллари кўрсатилган, Хоразм батафсил таърифланган. Мазкур асар XIX аср бошида ишлатилган ўзбекча география терминларининг ёзилиши нуқтаи назаридан ҳам диққатни ўзига жалб этади.

\* \* \*

1843 йилда Ҳожи Халфанинг «Жаҳоннумо» номли машҳур географик асарини Абул Қосимхўжа ибн Мулла Мир Бадалхўжайи Бойсуний Бухорий араб тилидан тожик тилига (ЎЗФАШИ,

№ 109), тўғрироғи тожик-ўзбек тилига таржима қилди. Буни географик номларнинг ёзилишидан билса бўлади. Асарнинг таржима қилинган нусхасига 33 та рангдор карта (яримшарлар картаси, Европа, Африка, Америка, Осиё карталари ва ҳоказо)лар ва иқлиmlар тақсимоти схемаси илова қилинган. Карталарда дунё томонлари компасга асосланган. Қуйидаги географик номлар ёзилган: *Филиппус оталари, халижи Қустантин* (Босфор бўғози), *Ҳўрмуз бўғози, Басра кўрфази, Жазоири Чин ва Ҳинд* (Ҳиндихитой, Индонезия), *Арози Фалманкаи Ҷадиди* (Австралия) ва ҳоказо.

Мазкур китобнинг тожикча-ўзбекча таржимаси билац танишганимизда бизда шундай бир фикр тугилди. Гарчи қўлимизда бирон ёзма далил бўлмаса ҳам, имонимиз комилки, Амёрика қитъасининг кашф этилганлиги тўғрисидаги хабар Ўрта Осиёга (ҳукмрон доиралар ва илгор олимларимизга) XVI аср ўрталаридаёт етиб келган. Бундай хабар, бир томондан, Ҳиндистонда ўнашиб қолган бобирийлар орқали етиб келган бўлиши (улар португаллардан эшигтан бўлиши), иккинчи томондан, бу хабар Туркия орқали, яъни турк сайёҳлари ва элчилари оғзидан эшилган бўлиши ҳам мумкин. Бизнинг тахминимизча, у вақтда Шарқда Америка қитъасининг картографик тасвири бўлмаган, Ҳожи Ҳалфанинг «Жаҳоннумо»си 1843 йилда таржима қилингандан кейин бу асарда Американинг картаси берилган.

Эҳтимол, келгусида жiddий тадқиқотлар олиб борилиб, бизнинг тахминимизга балки тузатишлар ёки ўзгартишлар киритилар.

## **XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ**

### **ШАЙХ СУЛАЙМОН БУХОРИИ**

Шайх Сулаймон афанди Бухорий ҳам сайёҳ, ҳам луғатчи олимдир. Унинг «Луғати чигатой ва турки усмоний» китоби география терминологияси ва топонимика жиҳатдан қимматли маинба ҳисобланади. Олим ўз саёҳатларини бундай тасвирлаган:

Бомиён бутларининг ости билан,  
Хиндукуш тоғларининг усти билан.  
Кобул ва Балх ва Ҳиротни кездим,  
Мулки Эрон ва Гилонни кездим.  
Хива ва баҳри Хазарда юрудим,  
Ахал ва Марвда кўп ўлтиридим,  
Туркманинг ҳолини бир-бир билдим,  
Жинис ва миқдорини дафтар қилдим.  
Қадрим элтти Бухороя қадар,  
Юруду ким ер на қадар, дур на қадар.  
Тинч дарёи Амудан ўтарак,  
Кобул ва Ҳинд йўлини тутарак.  
Шўр дарёсина кирдим ноchor.  
Мулки Бағдод ила авдот этдим,  
Кўҳи чанбардан Ҳижоза кетдим.  
Бир замон Ясириб ва Бахтидан юруб,  
Мисрда бир неча кунлар туруб,  
Истанбулга ташриф бўлдум,  
Туна наҳридан ўтуб кеталар,  
Сакдин шаҳрина тойтирлар.  
Мажористонни томоша кўрдим,  
Кулбобо турбасина юз сурдим.  
Хивадин Балх — Бадахшон қанча тош,  
Ёхуд ўзбек қанча, тира қанча бош.  
Масалан, Марв ва Бухоро ораси,  
Неча фарсах қоч оғочдур қораси.

Сулаймоннинг луғатида изоҳланган номлардан бир нечасини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

«Абулхон — (Турон) саҳроларида воқе бўлган бир тоғнинг исмидир».

«Андижон — Фарғона қитъасида машхур бир балда исмидир, номи қадими Одоқдир».

«Қоракўл — Бухоро етти туман, Қоракўл етти ярим туман дерлар. Сиёҳ қўзи териси, ажам қулоҳ йиғнаси у ердадир».

«Хоразм — Журжон ила Даشت Қипчоқ ва баҳри Хазар ила Бухоро иморати орасинда воқе ўлган азимадир. Пойтахти қадимда Кўҳна Урганч бўлиб, айём Хивақдир».

Китобда булардан ташқари, Оқсув, Атил, Амударё, Андхўй, Ўш, Урганч, Иссикўл, Божун (Пекин), Бойсун, Бешариқ, Баглон, Банорас, Тошқўргон, Тошкент, Бешбалиқ, Тажаи, Тибат, Туран замини, Жайхун, Хўтан, Хўжанд, Хито, Хўжаэли, Сайром, Шибиргон, Гиждевон, Фулча, Сайхун, Қундуз, Миёнкол, Қорақош, Қозон, Даشت Қипчоқ, Нахшаб, Қорабўғоз жойларининг ҳам изоҳи берилган ва қўйидаги география терминлари учрайди:

*Арно* — дарё, наҳрдан айрилган бир кўл сув.

*Оғоч* — масофа, фарсаҳ, фарсанг, манзил тош.

*Оёз* — соф, шаффоф, ойлу кечা.

*Секритма* — тор йўл, жар.

*Қуяр* — икки сувнинг қўйилиши.

*Қоқ* — сув тўшлиған жой, селоб ёмғири.

*Чигир* — қор ичида очилган йўл, из.

*Байир* — биёбонда юксак ер.

Шундай қилиб, Шайх Сулаймон ўзидан бурун ўтган Маҳмуд Кошгарий, Замахшарий, Толе Имоний Ҳиротий сингари, филолог-географларниң улуғ намояндаларидан бўлган.

## АҲМАД ДОНИШ

«Биз обод қилини учун, дарё ва дегизларни текшириб ўрганиш учун, ер юзасидаги ҳамма бойликларни очиш ва ундан фойдаланиш учун, дунёнинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун тугилганимиз». Бу ажойиб сатрлар бухоролик маърифатпарвар Аҳмад Носир ўғлиниң (1827—1897) «Нодир воқеалар» номли рисоласидан ўрин олган.

Аҳмад — Ўрта Осиё маданияти тарихида ўзининг олимлиги билан шуҳрат қозонган философ ва шоир, хаттот ва муаллим, давлат арбоби ва дипломат, астроном ва географ эди. Ўзининг ижодий фаолиятини совет тадқиқотчилари ҳар тарафлама ўргандилар. Хусусан тожик тадқиқотчиларининг бу соҳадаги ишлари анча салмоқлидир. Олимниң асарлари рус, тожик ва ўзбек тилларида нашр этилган.

«Дониш» — Аҳмаднинг адабий тахаллусидир. Унинг калласи катта бўлғанидан унга «Аҳмад калла» деб лақаб қўйганилар, астрономия, қурилиш ва миробликда моҳирлиги учун «муҳандис» (инженер) деб ҳам атаганилар. Аҳмад дастлаб онасидан хатсавод ўрганганд, болалигиданоқ китобларга иштиёқманд бўлган, чизмакорликка қизиқиб, лойдан турли шакллар чизиб, буюмлар ясаган. У диний мактабни хуш кўрмаган. «Қуръонии ёдлаш умр-

ни бекор ўтказиши» деган у. Аҳмад шоирлар, ҳикоянавис, асқиябоз ва достончилар даврасида ўзини эркин сезган. Мадрасада ўқиган даврида, асосан хаттотлик билан кун кўрган. Амир саройида ҳам хаттот ва рассом вазифасида ишлаган.

Аҳмад Донишнинг бутун ижодий фаолияти география фанига тааллуқлидир. У 1857 йилда Бухоро амири Насруллонинг элчилари ҳайъатида дастлаб Петербургга борган, у ерда бир йил тургач, яна ватанига қайтган; кейинчалик, 1869 ва 1873—1874 йилларда яна Россияга сафар қилиб, у ердаги ҳаёт ва маданият билан танишган. Унинг «Нодир воқеалар» китобида Петербург ва Москва хотиралари баён этилган.

Аҳмад Дониш астрономияга доир рисолаларини фаннинг XIX асрдаги ютуқларига асосланиб ёзган, дин таъсири жуда кучли бўлган шароитда ҳам тамомила янги (гелиоцентрик назария, Ернинг шарсимонлиги, Ер бағрининг сирлари, зилзила ҳақидаги) маълумотларни бу асарларда баён этган. Унинг саёҳатлар, уларнинг фойдаси, болаларга меҳнат тарбияси бериш ҳамда ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоялари қизиқарлидир.

Аҳмад Дониш—Бухоро шаҳрининг каттагина схема-планни чизган, бу планда шаҳарнинг барча дарвозалари, кўча ва ариқларининг номларини ёзиб қўйган (тарих фанлари доктори А. Муҳаммаджонов бу схема-планни топиб батафсил таҳлил қилди). Унинг Бухоро воҳасини сугориш мақсадида Амударёдан сув келтириш режалари ҳам ирригация тарихи учун муҳимдир.

Юқорида ўртаосиёлик сайёҳ-олимлар ва уларнинг бебаҳо асарлари, умуман, ижодий фаолияти айтиб ўтилди. Лекин Совет Иттифоқининг турли кутубхоналарида, хусусан Тошкент, Душанба, Ленинградда астрономия ва география масалалари ва саёҳатлар баён этилган ўнлаб ажойиб қўллэзмалар бор. Уларнинг кўпчилиги қадимги китоблардан кўчириб олинган парчалардан, қайтариқлардан иборат бўлиб, бир нечасигина оригинал ва фан тарихида тилга олинса арзийдиган қўллэзма асарлардир. Бу асарларнинг баъзилари тўлиқ эмас, муаллифи номаълум, ҳатто асарнинг номи ҳам ноаниқ. Биз шу асарларнинг баъзилари билан танишириб ўтмоқчимиз.

**Абу Тоҳир хўжа Қози Абу Сайд Самарқандийнинг «Самария» номли асари шарқшунослар тарафидан жуда мукаммал ўрганилган.** Бу китоб 1830 йилда тожик тилида ёзилган бўлиб, 1884 йилда ўзбекчага ва 1899 йилда русчага таржима қилингэн. Яна бир ўзбекча таржимаси эълон қилинмай, қўллэзма ҳолида қолиб кетган. Китобда Самарқанд шаҳрининг тарихи ҳамда географияси баён қилинган.

**Домла Муҳаммад Солих хўжанинг «Тарихи жадиди Тошкент»** («Тошкентнинг янги тарихи») номли асарининг (1862—1887 йиллар орасида ёзилган) учинчи бобида Тошкент шаҳри-

нииг тарихий топографияси, иқлими, дәхқончилиги, ҳунар-касби батафсил баён этилган.

Шаҳрисабзлик **Мұхаммад Раҳим мулла** умрининг 27 йилини (1840 йилдан 1867 йилгача) Ҳиндистон ва Афғонистонга саёҳат қилиш билан ўтказган; шу саёҳатлари вақтида у жуда кўп қўл-ёзма китоблар тўплаган. Бу китоблар Шаҳрисабзда «ҳеч кимни қизиқдирмаганлигидан», бутун кутубхонасини Қўқонга элтиб, Худоёрхонга сотган. Мұхаммад Раҳим 1889 йилда вафот этган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида тузилган «Фарсахи байни Бухори Шариф ва Урганч» маълумотномасида (ЎзФАШИ, инв. № 2900/28, варақ 546б—547а) турли шаҳарлар ва манзиллар орасидаги масофалар кўрсатилган, айрим изоҳлар берилган; масалан:

Хива — Ҳазорасп тахминан	8 фарсах
Ҳазорасп — канори дарё тахминан	2 фарсах
АЗ лаби дарё то бозоргон тахминан	3 фарсах
Бозоргон — Машак	2,5 фарсах
Машак — Учучоқ	3,5 фарсах
Учучоқ — Туфроққалъя	2 фарсах
Туфроққалъя — Қамсулот	2,5 фарсах
Қамсулот — Қизилработ	2,5 фарсах
Қизилработ — Қўкардали	3,5 фарсах
Қизилработ — Бухори Шариф	26 фарсах
Қўкардали қаср — Тўрттўғонли	2,25 фарсах
Тўрттўғон — Қийик сулот	6 фарсах
Дояхотун	2,5 фарсах
Қийик султон — Қизилқалъя	2 фарсах
Қизилқалъя — Чиқдали	4,5 фарсах
Чиқдали — Нарқизқалъя	3 фарсах
Нарқизқалъя — Оқработ	3 фарсах
Оқработ — Хўжа канбаси	3,5 фарсах
Хўжа канбаси — Усти	1,25 фарсах
Усти — Қоракўл	7 фарсах
Қоракўл — Бухоро	7 фарсах

Ленинградда, Шарқшунослик институтининг архивида Бадахшон тарихи ва бадахшон қабилалари тўғрисида ўзбек тилида ёзилган қўл-ёзма бор. Асарда «ўтрончи тожиклар», яъни уйғурча ва тожикча гаплашувчилар тўғрисида ҳам маълумот бор.

1885 йили Бухоро хонлигидан Петербургга юборилган элчилардан бири (исми шарифлари аниқ эмас) «Ёдвори сафар» номли йўл хотираларини ёзиб қолдирган.

**Қори Раҳматулла Бухорий (Возих)** 1886—1887 йилларда Туркманистон, Эрон, Кавказ, Истанбул орқали Арабистонга саёҳат қилиб, ватанига Ироқ — Эрон орқали қайтган. Унинг йўл хотиралари ёзилган асари «Ғаройиб ал-хабар фи ажойиб асафар» деб аталади (бошқача номи — «Савоних ал-масолик ва

фаросих ал-мамолик»). Бу асарда жуда кўп шаҳарларнинг, дарё ва каналлар, конлар, экинзорларнинг, ҳатто кўча, бозор ва мақбараларнинг ҳам изоҳоти берилган.

Шу асарлар орасида рисолалар ҳам бор. «Глобус ҳақидаги рисола»да осмон глобусининг тузилиши ва ер глобуси тўғрисида қизиқ маълумотлар берилган (ЎзФАШИ, инв. № 465/I, 466/II).

«Мажмуаи ал-арқом» рисоласида («инв. № 2463/I; СВР, I 219) амалий арифметика билан бирга, аҳоли сонини ҳисобга олиш тўғрисида кўрсатма ҳам бор. Шунингдек, маъмурий терминлар (қария, туман кабилар)нинг изоҳи ҳам берилган.

Шарқ географиясига доир классик асарлардан бири бўлган «Муруж аз-заҳаб ва маодан ал-жавоҳир» («Зар ўтлоқлар ва жавоҳир маъданлар») китобининг муаллифи X асрнинг ажойиб географи, бағдодлик ал-Масъудийdir; бу асар 1905 йилда Хивада ўзбек тилига таржима қилинган (инв. № 839 СВР, I, 16—17- бетлар).

Шу тарзда ёзилган яна бир «хотиралар» дафтари ҳам борки (ЎзФАШИ, инв. № 406/14), унда номаълум муаллиф ўзининг 1875—1876 йилларда Шарқ мамлакатларига қилган саёҳатини, шу саёҳат вақтида кўрган қўйидаги шаҳарларни тасвирлаган: Қарши, Мозори Шариф, Тошкўргон, Қундуз, Толиқон, Бадахшон, Дашиб Помир, Сарикўл, Янги Ҳисор, Қашқар, Ёркенд, Сончу, Тибет, Кашмир, Равалпинди, Лоҳур, Азимобод, Алигарх, Муродобод, Лакхнав, Бомбай ва бошқалар.

Айрим шаҳарлар ҳақидаги рисолаларда афсона ва диний ривоятлардан ташқари, географик маълумотлар ҳам бор. Жумладан, «Сайрам рисоласи»да қўйидагича топонимик изоҳ берилган:

«Сарёминг уч исми бортурур. Бир исми Мадинат ал-Байзо ва бир исми Ибсижоб ва яна бир исми Сарёмтурад.

Мадинат ал-Байзо демак араб тилида, бизча Үрункент демак бўлур. Ҳар ерда икки сувнинг ораси қуруқ ва тошлиқ бўлса, они араб тили бирла Ибсижоб дерлар.

Ҳар ерда икки сувнинг ораси тошлиқ бўлса туркий тили бирла Сарём дерлар».

«Уш рисоласи»да ҳам кўпгина географик номлар берилган.

Тошкент, Душанба ва Ленинградда сақланаётган мазкур асарларда XIX асрнинг иккинчи ярмида бухоролик **Муҳаммад Порсоҳўжа ибн Иноятулла** хўжанинг Туркия ва Ҳиндистонга қилган саёҳати, қўқонлик **Муҳъийнинг** Ҳиндистонга бориб-келиб турганлиги, бухоролик **Мирзо Сирожиддин** (1878—1914) нинг ҳам узоқ саёҳатларга боргани, шарқ мамлакатларини, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Фарбий Европани, Будапешт, Вена, Берлин, Париж ва Лондонни ҳам кезиб чиққани тўғрисида қизиқ маълумотлар бор.

Қозоқ астрономи (эсабчи) **Қозибек Наврузий** қозоқлар орасида янгича бир календарь тарқатиб, йил ва ой ҳисобини ўзгар-

тирган. Уларнинг кўпчилиги шу календарга амал қилганлар (Будагов, II, 294).

Туркманлар орасида йўл билар, жой танир «изчи»лар—дунё томонлари, одам ва турли ҳайвонларнинг изларини билувчиларнинг ажойиб маҳорати ҳам жуда қизиқ тарзда баён қилинган.

Рус шарқшуноси А. Л. Кун 1870 йил апрель — июнь ойларида Зарафшон дарёсининг бошларига ва Искандар кўлга катта экспедиция уюштирган; у билан таржимон ва ёрдамчи сифатида бирга борган самарқандлик мирза **Мулла Абдурахмон Мұҳаммад Латиф Мустажир** ўғли йўл-йўлакай кундалик ёзib борган. Бу кундаликда қишлоқ ва жойларнинг ҳам таърифи бор. 1872 йили Кун билан Москвага келган ва Бутунrossия виставкасининг таърифини берган шахс ҳам шунинг ўзи бўлса керак.

### ҲОЖИ ЮСУФ ҲАЙЪАТИЙ

XI асрда Абу Райҳон Беруний ясаган катта глобус ва XV асрда Мирзо Улуғбек расадхонасида турган глобус тўғрисида айтиб ўтган эдик. Шундан кейин, XIX аср ўрталаригача яна глобус ясалганми-йўқми буниси ҳозиргача аниқланмаган эди. Лекин ўртаосиёлик олимларнинг турли карталар чизганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Самарқанддаги Ўзбекистон ҳалқлари тарихи ва маданияти музейининг XIX аср залида катта бир глобус турипти. Унга «XIX асрнинг 80-йилларида ясалган Ҳўжандлик маърифатчи Ҳўжа Юсуф Мирфаёзов ишлаган глобус» деган ёзув илова қилинган. Глобуснинг бўйи, остидаги тиргак билан бирга 117 см, шарнинг айланаси 160 см. Масштаби 1 см да 250 км га тўғри келади. Шар градус тўрларига бўлинган; меридиан ва параллеллар қора ранг билан, тропик чизиқлари ва қутбий доиралар қизил ранг билан чизилган. Ноль меридиан ҳозиргидек Гринвичдан эмас, балки Африканинг энг гарбидаги Яшил бурун оролларидан бошланган. Муаллиф Канар ороллари таркибидаги Ферро ороли меридианини асос қилиб олган (бу орол 1884 йилгача Европада бошланғич меридиан ҳисобланар эди). Шу билан бирга, бошланғич меридиан ўрта аср олимларнинг, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг асос қилиб олган ноль меридианига тўғри келади. Аммо параллелларни бўлишда хаттистиво (экватор) 90 градус деб олинган, шимолга ва жанубга ҳар 15 градусдан (75, 60, 45, 30, 15) параллеллар ўтказиб, қутбнинг ўзи 0 градусга тўғри келтирилган. Бундай тескари ҳисобнинг сабаблари бўлгандир, албатта.

Глобус бурдаланган ва елимланган қоғоздан ясалиб, сиртига зар қопланган, устидан қуюқ сарик бўёқ берилган. Куруқлик ва оролларнинг чегаралари ўйиб чизилган, йирик ёзувлар ўйиб битилган. Африка қитъаси, Мадагаскар ороли тўқ яшил рангга бўялган. Бошқа қитъалар қизил рангда, номларнинг кўпи қора рангда, баъзиларигина қизил рангда ёзилган.

Глобусдаги ёзувларнинг (улар салкам бир мингга яқин) деярли 90 проценти ўзбек тилида, қолгани тоҷик тилида ёзилган. Ўзбекча «денгиз», «бўғоз», «бурун» терминлари ҳамма ерда ишлатилган; «орол» сўзи «жазира» дейилган. «Янги» сўзи икки хил: *Ёни Зелонд* (Янги Зеландия) ҳамда *Колдуния жадиди* (Янги Каледония) шаклларида ишлатилган. Шунингдек қуийдаги географик номлар ёзилган: *Тасмуниё* (Тасмания), Австралия денгизи (Катта Австралия қўлтифи), *Жугофия бўғози* (Географ бўғози), *Шимол бурни, Жазираи Шимолий, Орофур денгизи, Тимурлун жазираси, Жова денгизи, Жова жазираси* (Ява ороли), *Флорес денгизи, Тўрсун бўғози* (Торрес бўғози), *Қопонторий денгизи* (Карпентария қўлтифи), *Сулаймон жазираси* (Соломон ороллари).

Хинд океани «Баҳри Мұхит Ҳиндистон» дейилган ва унда *Алдабр жазираси, Қумур жазиралари* (Коморо ороллари), *Мұзамбик бўғози, Мұмбоз* (Момбаса шаҳри) ва бошқалар ёзилган.

Глобусга жуда кўп ном ёзилган (Австралия қитъасига доир 70 тача ном, Жанубий Америкага доир 100 дан ортиқ ном. Африканинг экватордан жанубдаги денгиз бўйларига оид 30 тача ном кўрсатилган ва ҳоказо), ҳатто номлар бунчалик зич ёзилган карталар ҳам кам учрайди. Булар мазкур глобуснинг афзаллигидир ва қимматли маълумотнома эканлигининг далилидир.

Бизнинг фикримизча, муаллиф глобусни ясаган вақтида русча глобус ва карталардан фойдаланган, албатта. У бошқа тиллардаги манбалардан ҳам фойдаланган бўлса керак, чунки русча Зонд номи *Сунда бўғози* деб, индонезча ёзилган, Африка жанубидаги *Игольний бурни* эса *Агулияс бурни* деб португалча ёзилган. Умуман, глобусда ишлатилган терминлар ва транскрипция масалалари билан маҳсус шуғулланиш, шу билан бирга, глобуснинг картографик манбаларини аниқлаш талаб қилинади.

Глобусга белбоғ тарзида ўрнатилган 12 бурж доираси жуда ажойибdir. Глобусда нақ экватор атрофидаги 8 қиррали бурж доираси 12 га бўлинган бўлиб, ҳар бири ранг-баранг расмлар (шер, қўй, қисқичбақа, чайён, балиқ, қўчқор, ҳўқиз ва бошқалар) билан безатилган, бурж номлари ҳам (далв, жавзо, сунбула, мизон, акроб) ёзилган. Хуллас, глобус географик жиҳатдан ҳам, картография, астрономия, нақошлик жиҳатлардан ҳам ўрганса ва текширса арзийдиган илмий қўлланмадир.

Энди, глобусни ясаган киши ҳақида баъзи маълумотларни айтиб ўтайдик. Музейдаги глобусга илова қилинган хатда «Хўжа Юсуф» деб ёзилиши хато, буни «Хожи Юсуф» деб ўқиши кепрак. Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли 1842 йилда Хўжанд шаҳрида туғилган. Диний мактабда ўқиган бўлса-да, кўпинча, астрономия, табииёт, география фанларига доир китобларни мустақил рашида мутолаа қилган. 13 ёшида Хўжанддан йўлга циқсан карвалон билан Арабистонга жўнаган, Арабистонда 7 йил яшаб, араб ва юнон тилларини ўрганганди. Миср, Юнонистон ва Сурияда ҳам бўлган.



Унинг иккинчи саёҳати 1875 йилга тўғри келади. Ҳожи Юсуф бу гал Москва — Петербург — Одесса — Туркия — Сурия — Миср — Арабистон маршрути бўйича, сўнгра Миср — Жазоир — Марокаш — Испания — Франция — Италия — Юнонистон — Туркия маршрути бўйича саёҳат қилган. Ватанига Эрон орқали қайтган.

Ҳожи Юсуф шундан кейин ҳам бир неча марта сафарга чиққан. Унинг Фарбий Европа шаҳарларига борганилиги тўғрисида маълумотлар бор. У, асосан, Хўжандда яшаб, тоҷик ва ўзбек маърифатпарварлари, фан аҳллари билан дўстлашган, атоқли адаб Кошифнинг шогирди ва дўсти сифатида Содирхон ҳофиз, Асирий, Ажзий Рожий каби маданият арбоблари билан биргаликда

ижод қилган. Буларнинг ҳаммаси ҳар ҳафта тўпланишиб, бедилхонлик қилганлар. Бу маданият арбоблари Қўқоннинг демократ шоирлари Фурқат ва Муқимий билан дўстона алоқада бўлганлар.

Ҳожи Юсуфнинг илмий қарашлари руҳонийларга ёқмаган, шунга кўра унга «Ғайридин», «Маккадан кофир бўлиб келган» деган айбларни кўйиб, бир куни сунқасд ҳам қилганлар. Шунга қарамай, Ҳожи Юсуф турли суҳбатлар ўтказиб, табиат ҳодисаларининг асл сабабларини тушунтирган; унинг «Ой тутилганда жом чалиш аҳмоқлик», «Ер қимирлашининг сабаби шохи гавда эмас, балки ер остидаги бүглардир», «Рўза тутиш заарарли» деган сўзлари қизи Шарифанисонинг эсида қолган.

Ҳожи Юсуф глобус ясаси билан дастлаб халқ орасида донг чиқарган. У аввало кичик глобуслар ясаган, кейин Самарқанд вилоят виставкасига атаб 1890 йилда катта глобус тайёрлаган. Глобус тайёрлашда заргарлар, наққошлар ҳам қатнашган. Уларга дурадгор Яқуб Фаранг, зиёли Абдулла Файёз ва бошқалар ҳам ёрдам берганлар. Ҳожи Юсуф 1924 йилда Хўжанд шаҳрида вафот этган ва Шайх Муслиҳиддин қабристонига дағн этилган.

Ҳожи Юсуфнинг фаолиятига бағишлаб ёзилган мақолалар учча қўп эмас. Сўнгги йилларда кекса адабиётшунос Сафохон Аминзода унинг тўғрисида кўпгина маълумотлар тўплаб, тарихчи Сайд Марофиев ва географ Ҳамдам Очиловлар билан ҳамкорликда «Ҳожи Юсуф» номли асар ёзди.

Биз Ҳожи Юсуф тўғрисида аниқроқ маълумот тўплаш мақсадида Хўжанд ва Душанбагача бордик. Унинг ёру биродарлари,

барҳаёт қизи Шарифанисо опа, катта набираси Фагфур Ғафуров (республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, орден соҳиби) ва бошқалар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, Ҳожи Юсуф кўп йиллар мироблик қилган, каналлар қазиш ва тўғонлар қуришда қатнашган. Совет даврида Қизил Армия вакилининг илтимосига кўра Хўжанд — Ўратепа тоғларининг йўллар картасини чизиб берган. Оғоликон маҳалласидаги ўз ҳовлисида очилган шўро мактабининг ўқитувчилари билан яқин алоқада бўлиб, уларга ер юзи географияси ва осмон ҳодисаларидан ҳикоя қилган. Шуниси ҳам маълум бўлдики, Ҳожи Юсуф рус врачи Чумаков билан ўртоқ бўлган, ўзи ҳам табиблик қилган, Мирзачўл канали очилиши маросимида нутқ сўзлаган, «большевикларнинг иши юришади» деб ҳамиша таъкидлаган, мачитга бормаган, каттагина шахсий кутубхонаси бўлган, қариган чогида ҳам физкультура билан мунтазам равишда шуғулланган. Афсуски, олимнинг кўп йиллик меҳнати ўлароқ тайёрланган «Фалакиёт» асарининг қўллёзмаси Хўжанд маориф шуъбасига топширилганича йўқ бўлиб кетган.

Ҳожи Юсуф ва Хўжанд маърифатпарварларининг фаолияти тўғрисида проф. З. Ражабов ёзган асарларни ўқиб шундай фикр га келдикки, XIX асрдан то XX аср бошларигача ўртаосиёлик олимларнинг алоҳида бир «Хўжанд мактаби», ҳатто «Хўжанд Факлар академияси» бўлган. Афсуски, шу чоққача бу илмий марказнинг фаолияти тўлиқ ўрганилмаган.

## ХУЛОСА

Ўрта Осиё ва Хурросон география фани тарихидан маълум бўлишича, IX асрдан XX аср бошларигача ўтган минг йил мобайнида Ўрта Осиё ва Хурросонда юзлаб жасур сайдоҳ-олимлар етишиб чиққан; улар узундан-узоқ ижодий йўлни ўтиб, илмий масалаларга доир юзлаб асарлар яратганлар, география фанининг вужудга келиши ва ривожланishiга қимматли ҳисса қўшганлар.

Хоразмий, Жайҳоний, Балхий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Улугбек Ўрта Осиё ва Хурросонда география фанининг тараққиёт йўлини машъалдек ёритган улуғ олимлардир. Географларимиз математик география (зижлар тузиш, карталар чизиш), тасвирий география (саёҳатномалар, айrim мамлакатларнинг таърифи, йўлномалар, тарихий географик асарлар ёзиш), табиий география бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, топонимика, аҳоли ва қабилалар географияси ҳамда лугат тузиш билан шуғулланганлар. Ўрта Осиё ва Хурросоннинг география ва табиатшунослик фани илмий даражаси жиҳатдан дунё фанининг энг илғор тармоқларидан бўлган.

Антик даврнинг буюк астрономи ва географи Клавдий Птолемей асарлари, хусусан «Жуғрофия» асари Шарқ география фанининг тараққиётига таъсир кўрсатганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо бу эътирофимиз Шарқ географиясини камситиш учун, Фарбнинг баъзи буржуа олимлари сингари, Шарқ географияси Птолемейнинг таржимаси ва шарҳидан иборат деган хулоса чиқариш учун асос бўлолмайди. Аслини олганда, Птолемейнинг географияга оид аксари маълумотлари, Беруний айтганидек, «ковозаларга асосланиб тўплангандир» («Геодезия»); қолаверса, Сурия, Бобил, Ўрта Осиё, Хурросон, Ҳиндистон, Хитой ва Эрон, кейинчалик араб география фани ютуқларидан Птолемейнинг ўзи, умуман, қадимги дунё ва ўрта аср Фарб география фани баҳраманд бўлган. Бу табиий ҳолдир, чунки фан — жаҳондаги бутун халқларнинг маҳсулидир. Илм-фан ва маданият меросхўрлик билан ривожланади. Бир халқнинг ютуғини иккин-

чи халқ ўрганади, бир олимнинг меросини иккинчи олим давом эттиради ва ҳоказо. Шу сингари, Ўрта Осиё ва Хурросон география фани ҳам биринчى навбатда ўзининг маҳаллий меросини ўзлаштирган ва қўшни халқлар эришган ютуқлардан ҳам фойдаланган, шу билан бирга, ёрқин алангадек ўз нурини ва ҳароратини теварак-атрофга — арабларга ва европаликларга сочиб турган.

Фарбдаги тадқиқотчилар орасида, Шарқ географиясига Птолемей билан Марко Поло (XIII аср) орасидаги бўшлиқни тўлдириб турган бир ямоқ, деб қаровчилар ҳам бор. «Аммо бу одил баҳо эмас. Ахир, александриялик машҳур олим (Птолемей) асосан узуунлик ва кенгликлар каталогини берди, венециялик машҳур сайёҳ (Марко Поло) эса баъзан миш-миш гапларга берилиб кетиб, ҳақиқий воқеаларга афсоналарни ҳам аралаштириб юборди. Аммо Шарқнинг география фани улардан ўзгача ва анча пишиқ бўлди» (М и н о р с к и й. «Мусулмон»).

Бир араб географининг айтишича, Птолемей ўзидан кейинги авлодга асарини яхшилаб текшириб кўриш, мунозара ва муҳокама қилишни топширган. Ўрта Осиё ва Хурросон олимларининг географик мероси ичидан Птолемейнинг ҳиссаси катта эмас. Бу ҳисса XI асрдан кейин тобора камайиб, XV асрларда ва ундан кейин «сафдан чиқиб», ҳатто унутилиб ҳам кетди. Птолемейнинг тасаввурicha, ер юзида қуруқлик кўпроқ, денгиз камроқ; Ҳинд океани ёпиқ бир ҳавза; Африка қирғоқлари Жанубий но маълум ер (Антарктида ва Австралия) билан қўшилиб, Тинч океанга қадар чўзилган. Беруний эса дунёни тамомила бошқача тасаввур этганки, бу унинг дунё картасидан ва океанлар тасвиридан кўриниб турипти. Птолемей географиясига жуда кўп янги маълумотлар қўшилди, янги фикрлар, назария ва тахминлар айтилди, янги карта ва суратлар чизилди. Буларнинг ҳаммаси ўртаосиёлик ва хурросонлик олимларимизнинг ижодий фаолиятлари, кузатишлари, саёҳатлари натижасидир.

Фан тарихида Арабистон, Ироқ, Туркия, Эрондан ва бошқа мамлакатлардан Хоразм, Марв, Бухоро, Самарқанд, Балх ва Ҳиротга келиб шу ерларда таълим олган ва хизмат қилган, обрў қозонган ҳамда дурустгина асарлар ёзган шахслар ҳам бор. Масалан, Беруний устоzlаридан бири—табиб, астроном ва муаллим **Абу Саҳл Масиҳий** (971—1011) христиан бўлса ҳам, Хоразмда яшаган ва шу вилоятда вафот этган. Табиб ва философ, бағдодлик **Абулхайр** (942—1030) Хоразмда кўп йиллар турган, сўнгра Фазнига кўчиб келиб, Беруний билан бирга ишлаган. Географик лугат тузган **Ёқут Ҳамавий**, Эрондан Самарқандга келиб, обсерваторияда Али Қушчининг шогирди бўлиб ишлаган **Фасиҳиддин Қўҳистоний** (Алишер Навоийга бағишлаб астрономиядан асар ёзган), **Низомиддин Биржандий** ва бошқалар шулар жумласидандир.

Х асрдан XIX аср бошларигача ўтган даврда яратилган тарихий-географик ва астрономик-географик асарларда муаллиф-

ларнинг баъзи маълумотларни бир-биридан кўчириши, баъзан таржима қилиши, қисқача шарҳ ёзиши, улуғларга эҳтиром ва ишонч билан эргашиши каби ҳоллар бўлганлиги кўриниб турибди. Лекин ҳар бир муаллиф асарига ўз замонасидағи янги тарихий, табиий ва иқтисодий маълумотларни, ўлкашунослик материалларини қўшган ва ўз саёҳатларини баён этган.

XIX аср ва XX аср бошларида Ўрта Осиёга саёҳат қилган, унинг табиатини ҳозирги замон фани талабларига мувофиқ ра-вишда тадқиқ қилган атоқли рус географлари А. И. Бутаков, П. П. Семенов-Тяньшаньский, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, Н. А. Северцов, В. А. Обручев, Л. С. Берг, Н. Л. Корженевский-ларни ҳам Ўрта Осиё фанига хизмат қилган олимлар қаторига қўшиш жуда ўринлидир. XIX аср ўрталарида Қозоғистон ва Қашқар вилоятидаги бир қанча экспедицияларга қозоқ олимни Чўкан Валихонов бошчилик қилган. Э. М. Мурзаев, А. И. Соловьев, А. А. Азатьян, З. Н. Донцова, Р. Л. Югай, Р. Очилов ва бошқаларнинг асарларида юқорида айтилган олимларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти батафсил баён этилган. Шунингдек, Ўрта Осиё республикаларида географ-олимларнинг хизматлари М. Қориев, А. Ҳисомов, О. Мўминов, Р. Раҳимбеков, И. Иного-мовларнинг тадқиқотларида ҳам таҳлил қилинган.

Биз революциядан бурунги совет давридаги шарқшуносларнинг география фани соҳасидаги хизматларидан жуда миннатдормиз, чунки Ўрта Осиё ва Ҳурросон география фани тарихининг жуда кўп саҳифалари шу олимларнинг изланишлари ва асарлари туфайли аён бўлди.

Ўрта Осиёда сайёҳ-олимларнинг шарқшунос олимлар билан фан соҳасидаги алоқалари Марказий Осиёдагига нисбатан бир-мунча сустроқ бўлгандек кўринади. Геолог И. В. Мушкетов, географ Н. Северцов ҳамда Л. С. Берггина ўз асарларида шарқшуносларнинг илмий ишларидан керагича фойдалана билганлар. Л. С. Берг билан В. В. Бартольдинг кўп масалаларда ҳамжиҳат бўлганлиги маълум. И. В. Мушкетовнинг Ўрта Осиёни текшириш тарихига оид асари жуда қимматли тарихий-географик материал ҳисобланади. Афсуски, бошқа табиатшунос олимлар ўрта аср маълумотларидан ниҳоят даражада кам фойдаланганлар. Натижада улардан олдинги даврда маҳаллий фан аҳлларининг эришган ютуқлари, хусусан, рельеф, гидрография, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонотга оид маълумотлари керагича таҳлил қилинмай қолган.

Ўртаосиёлик ва ҳурросонлик олимларнинг асарларида географик таърифлар бир китобга жам қилинса, Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг табиий ҳамда иқтисодий географияси, яъни уларнинг географик ўрни, тоғлари ва қумлари, иқлими ва дарё, кўллари, наботовт ва ҳайвонот дунёлари, ҳунармадчилик ва қишлоқ ҳўжалиги, ички ва ташки савдоси, аҳолиси, топонимијаси, шаҳарларининг топографияси, асосий йўллари ва масофалари тўла равишда маълум бўлади. Уларнинг асарларида хусусан табиий

географияга оид маълумотлар жуда мукаммал ва қизиқарли қилиб баён этилганлигига географлар қойил қолмоқда. Шу жиҳатдан қуидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга:

1) ўша замонлардаги илғор олимлар Ерни шар шаклида ва ҳаракатда деб билганлар ва бу назарияни тарғиб қилганлар;

2) Ернинг геологик тарихи XI асрдаёқ илмий асослаб берилган, қуруқликнинг мангу ҳаракати, қитъалар силжиб туриши, тоғларнинг кўтарилиб ёки пасайиб туриши билан исботланган;

3) «Худуд ал-олам»да ва Беруний асарларида баён этилган «тоғлар назарияси»да ўша даврда маълум бўлган ерлардаги тоғларнинг йўналиши — Осиё ва Европа қитъалари ўртасидан ўтиб фарбдан шарққа, Чиндан Андалусгача (Хитойдан Испаниягача) чўзилганлиги аниқ кўрсатилган;

4) дарёларнинг тармоқлари, қор-ёмғирдан ва булоқлардан тўйиниши, тоғлардаги музликлар ва оқим режимига доир маълумотлар анча мукаммал ҳамда қизиқарли баён этилган, шунингдек, сувайирғич тизмалар — Ҳиндукуш, Ҳималай, Помир ҳам аниқ кўрсатилган;

5) Шимолий океан билан Шарқий океаннинг туташганлиги (яъни Беринг бўғози бўлиши мумкинлиги)ни, Африка жанубидаги океандар (Ҳинд ва Атлантика)нинг ўзаро туташганлигини Беруний XI асрдаёқ тахмин қилган, ҳатто ўзи тузган дунё картасида уларни аниқ туташган ҳолда тасвирлаган. Ҳолбуки булар 500 йилдан кейингина кашф этилган эди;

6) Беруний Ернинг жанубий яримшарида, экватордан жанубда қуруқлик бўлиши мумкинлигидан мутлақо шубҳаланмаган;

7) артезиан қудуқларида сув отилиб туришини олимлар физика қонунларига мувофиқ тўғри изоҳлаб берганлар;

8) Иссиқкўлнинг эни, бўйи ва чуқурлиги, шўрлик даражаси, музламаслиги, оқмаслиги, хуш ҳавоси ўрта асрлардаёқ маълум бўлган;

9) сайёҳ-олимларимиз Ўрта Осиё ва Хурросондан ташқари, Ҳиндистон, Тибет ва Қашқар ерларини ҳам ўз кўзлари билан кўриб тасвирлаганлар;

10) Арктика ва Сибирь ерларининг табиий географик хусусиятлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар берилган;

11) Беруний ва Маҳмуд Кошғарийни Ўрта Осиё топоними-касининг отахонлари деб ҳисоблаш керак. Улар жойларнинг номлари ҳосил бўлишининг назарий асосларини, қонуниятларини белгилаб бердилар ва минглаб номларнинг этиологиясини аниқладилар;

12) Абу Зайд Балхий тузган карталар, Беруний глобуси ва дунё картаси, Нажиб Бакрон ва Ҳофизи Абрүнинг фан тарихида биринчи бўлиб градус тўри чизилган дунё карталари, Маҳмуд Кошғарийнинг қабилалар доиравий картаси, Бухоро шаҳрининг Аҳмад Доёниш чизган схемаси ва бошқалар ўртаосиёлик ҳамда хурросонлик сайёҳ-олимларнинг картографик мероси дикқатга

сазовор эканлигининг далилидир; Беруний ва Улугбек тузган географик жадваллар кўп вақтларгача намуна ва қўлланма бўлиб хизмат қилди;

13) Урта Осиё ва Хурросон заминида фойдали қазилмалар мавжудлиги, гиёхлар, тарихий ёдгорликлар, бу ўлкалардаги халқларнинг тиллари ва урф-одатлари, машҳур кишилари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳам катта аҳамияти бор.

Ўтмишдаги олимларимизнинг адабий меросини эътибор билан ва танқидий ўрганиш социалистик маданиятизни қимматли тарихий маълумотлар билан бойитиш имкониятини түгдирмоқда.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли Совет Ватанида фан, маданият ва маориф жадал суръатлар билан ривожланмоқда; Иттифоқимиз республикаларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам Фанлар академияси, илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, обсерватория ва картография муассасалари ташкил этилди, йирик олимлар, жонкуяр тадқиқотчилар етишиб чиқди. Эндиликда фан соҳасида буюк ишлар қилиниб, ер бағри ва океанлар қаърининг, узоқ сайдералар ва чексиз коинотнинг сирлари секин-аста очиб борилмоқда, шунингдек чўллар, тоғлар ўзлаштирилмоқда, ўжар дарёлар жиловланмоқда.

Ушбу китобимиз минг йиллик илмий тарихимизнинг жуда қисқа баёнидир. Тадқиқотчиларнинг кўзи тушмаган ва қўли тегмаган қадимги, тарихий қўллётмалар ва номлари тилга олинмаган устоз аждодларимиз ҳали анча топилади. Келгусида ўртаосиёлик географлар, сайдёхлар, табиатшуносларга ва илмий қўллётмаларга багишлаб жуда кўп асарлар ёзилади деган умиддамиз.

Ушбу китобни ёзганимда улуғ олим Абу Райхон Берунийнинг қўйидаги доно сўзлари менга дастурламал бўлди:

«Мен ўзимдан илгари ўтганларнинг хизматларини мамнуният билан уқиб олдим ва уларнинг нуқсонларини, мабодо шундайлар топилса, тортинмай тузатишга тиришдим. Давримизга кеч қолганлар ва кейинроқ бунёдга келадиганлар учун муҳим ва намуна бўладиган ишларни агадийлаштиришга тиришдим. Ҳар бир шахс ўз соҳасида шундай қилмоғи лозим».

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

- В. В. Бартольд. Сочинения, т. I—IX, М., 1963—1977.
- В. В. Бартольд. «Худуд ал-Алем», М—Л., 1930.
- П. Г. Булгаков. Жизнь и труды Беруни. «Фан», Тошкент, 1972.
- Заҳиридин Муҳаммад Бобир. «Бобирнома», Тошкент, 1960.
- Уз Фан нашриёти.
- Б. Н. Заходер. «Каспийский свод сведений о Восточной Европе», ИВЛ, М., 1962.
- А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов. «Үрта осиёлик қырқ олим», «Фан», 1961.
- И. Ю. Крачковский. Избранные сочинения, т. IV, М-Л., 1957.
- I. Le level. Geographie du Moyen age, Bruxelles, 1850.
- Маҳмуд Кошгари. «Девону луготит турк» («Туркий сўзлар деяни»), I—III томлар. УзФан нашриёти, Тошкент, 1960—1963, «Индекс-лугат»—1967.
- K. Miller, H. Haens. «Türkische weltkarte von al Kaschgari», Mappae Arabica, T. V, 1931, 142—148- бетлар.
- V. Minorsky. Geographes et voyageurs musulmans, Cair, 1949.
- A. Негтапп. «Die älteste türkische weltkarte», Imago mundi, Jahrbuch der alten Kartographie, I. Berlin, 1935, 21—28- бетлар.
- Собрание Восточных рукописей АН УзССР, (СВР) т. I—IV, Тошкент, 1952—1960.
- С. П. Толстов. По следам древне-хорезмийской цивилизации, М-Л., 1948.
- Joussof Kamal. Monumenta cartographica, Leiden, 1932.

## ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК НОМЛАР ИЗОҲОТИ

Ушбу лугатча ўрта аср авторларининг асарларида учрайдиган, шунингдек ҳалқимиз орасида қадимдан маълум бўлган асосий тарихий-географик номлар ва тушунчаларнинг қисқача изоҳотидан иборат. Рус тилида ишлатилган (Ўрта Осиёга оид) географик номларнинг баъзилари ҳам лугатга киритилди. Лугатни тузишда география, тарих, археология, адабиёт, тил ва умуман, шарқшуносликка оид китоблардан фойдаланилди.

### А

*Абу Муслимтепа* — Зарафшон дарёси бўйинда, Қизилтепа станциясидан шимолроқда, қадими қалъя вайроналари.

*Адоқ (Одоқ)*—1) Амударё этакларида, Сариқамиш ботиги ёнида бўлган шаҳар; 2) Андижон шаҳрининг бир номи (Шайх Сулаймон лугатида).

*Авлёёта* — ҳозирги Жамбул шаҳри; унинг илгариги номлари Тароз, Талос, XIII асрдан кейин Янги (Янгикент) деб юритилган.

*Абулхон тоглари* — ҳозирги Туркманистоннинг гарбидаги Болхон тоглари. Икки тепаликдан иборат: Кичик Абулхон ва Улуғ Абулхон.

*Ажам (Ажамистон)*— аслида Эроннинг шимоли-ғарбий қисми, Кўпинча бутун Эрон маъносидаги юритилган. Бу номга Бобирнинг изоҳи: «Араблар Арабистондан ташқаридағи ерларни Ажам деб атайдилар».

*Ажойиб* — Амударёнинг сўл тармоғи, туркманларда Қаспийга қўйилган сои шу ном билан аталаған. Эҳтимол Узбўй ёки қадими Амудир.

*Айротм* — Термиздан 18 км шарқдаги қадими шаҳар ҳаробалари.

*Александрия Эсхата* (Чекка Александрия) — Хўжанд шаҳрининг дастлабки юонча номи. Александрия ам-Танаис (Танаисдаги Александрия, яъни Сирдарё бўйидаги Александрия) деб ҳам аталаған.

*Алон (Олон)* — Шимолий Кавказ, Волга этаклари, қисман Қозогистоннинг Қаспий бўйлари шундай аталаған.

*Амул* — 1) Чоржуй шаҳрининг қадимги номи (Амули Жайхун); 2) Шимолий Эронда, Қаспий денгизидан 20 км жануброқдаги қадими шаҳар (Амули Табаристон).

*Амуйя*—1) Амул (Чоржуй) шаҳри; 2) Оби Амуйя — Амударё.

*Андалус* — Испания, умуман Пиренея яримороли. Испаниянинг жанубий қисми ҳозир ҳам Андалузия деб аталағди.

*Андижон тоглари* — Қашқар билан Фарғона орасидаги тоглар (Ғиёсiddин наққош ва Бобир асарларида).

*Андуzon* — Андижон шаҳри.

*Аноджўй* — Шимолий Афғонистондаги шаҳар. Турлича ёзилади: Андхуд, Аниахуд, Антхуд, Нахўз, Нуҳуз, Нахуд, Анхуз.

*Анов* — Ашҳабоддан 12 км шарқдаги қадими шаҳар вайроналари.

*Антиоҳ дengizi* — Орол дengizi.

*Аранг* — Амударёнинг қадими номларидан бири.

*Арангқир* — Устюртнинг шарқий қирлари, умуман Устюрт.

*Арз ал-Муқаддасия* — Фаластин ери: Қуддус (Иерусалим) шаҳри.

**Арбинжон** — Зирабулоқ ёнидаги қадимий қалъа.

**Арх** — Арис шахри.

**Арқуқ** — Сирдарёнинг чап соҳилида, Туркистон шаҳри рӯпарасида бўлган ўрта аср қалъаси.

**Астробод** — Эронда, Каспий дengизининг жануби-шарқий томонида, дengиздан 40 км берида, Алишер Навоий бир неча йил яшаган шаҳар. Ҳозирги Гургон шахри.

**Астробод дengизи** — Қаспий дengизи.

**Афросиёб** — Самарқанд ўриндаги қадимги шаҳар харобалари.

**Афшина** — Абу Али ибн Сино туғилган шаҳар. Ҳозир Бухоро область Пешви районидаги Янгибозор қишлоқ советига қарашли Исфана қишлоғи.

**Ахсикат** — Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги, ўрта асрларда машҳур бўлган шаҳар. Бобир замонида эса Фарона вилоятининг пойттахти. Ҳозир Наманган област Задарё районидаги Ахси қишлоғи. У ерда қадимий аркнинг харобалари қолган. Баъзан Ахсикент шаклида ёзилган. IX аср тангаларида Ахсикат шаклида тағмаланганнидан асли шундай бўлса керак.

**Ахсисак** — ўрта аср Карки шаҳри. Амударёнинг икки қирғоғида бўлган. Унинг ўнг қирғоқ қисми — Ахсисак, чап қирғоқ қисми Замм дейилган.

**Айнас** — Сирдарёнинг чап соҳилида, Қизилқум тарафда, дарёдан 25 км наридаги ўрта аср шаҳри.

**Аччиқ дengиз** — Орол дengизининг бир номи.

## Б

**Бадахшон** — Помир тоғлари райони, ҳозирги Тожикистоннинг — шарқий, Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисми.

**Бадахшон гузари** — Амунинг юқори оқимида Парҳор ёнидаги кечик, гузар.

**Бадахшон шаҳри** — ўрта аср шаҳри, Шимолий Афғонистонда, Файзобод шаҳри ёнида бўлган.

**Бадзарубайн** — Пайканд шаҳрининг энг қадимий маҳаллий номи (Беруний асарида).

**Байкан** — қаранг: Пайканд.

**Байт ал-Муқаддас** — Куддус шаҳри (Иерусалим).

**Баласогун** (Балосогун) — X—XII асрлари машҳур шаҳар; Қирғизистонда, ҳозирги Тўқмоқ ёнида бўлган. Қораҳонийлар пойттахти. Ғубалиқ («Яҳши шаҳар») деб ҳам аталган.

**Балх** — Шимолий Афғонистондаги қадимий шаҳар, ҳозир вайроналаригина қолган. Унинг ёнида янги шаҳар барпо этилди. Балхни «Уммат ал-Мадина» — «Шаҳарлар онаси» деб аташган.

**Банокат** (Бинокат) — Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Оҳангарон сувининг қўйилиш жойида бўлган ўрта аср шаҳри. Кейинги номи Шоҳрухия.

**Банокат дарёси** — Сирдарё.

**Барак** — қаранг: Парак.

**Барсан Фароҳ** — Қоракўл ёнидаги кўл. Маъноси «Қаттаҳовуз».

**Бароқкўҳ** — Ўшла: Таҳти Сулаймон тогининг асли номи («Бобирнома»да)

**Барсфон** — Иёсиқўл жанубидаги ўрта аср шаҳри. **Барсхон** деб ҳам ёзилади.

**Барчаликент** — Жанд билан Сигноқ ўртасида, Янгиқўргон шаҳрининг рӯпарасида, Сирдарёнинг чап соҳилидаги эски шаҳар. Номлари: **Барчекен**, **Барчинликен**, **Барчин**.

**Баҳтариёнә** — қаранг: **Баҳтриёнә**.

**Бақтр** — Балх шаҳри.

**Бақтринёна** — Амударёнинг ўрта ва юқори оқимидағи қадимий вилоят; ҳозирги Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистондаги ерларда (пойтахти Балх) бўлган.

**Баҳар** (*Виҳара*) — Бухоронинг дастлабки номларидан бири.

**Баҳр ал-Абвоб** — «Дарвоза дengизи», яъни Қаспий дengизи. Дарбанд (Дербенд) шаҳри ёнида жанубдан шимолга ўтадиган ўлак, дарвоза ҳисобланган.

**Баҳри Аҳмар** — Қизил дengиз.

*Баҳри мұхити Қабири* — Үлүр океан, Тинч океан.  
*Баҳри мұхити Атлоси* — Атлантика океани.  
*Баҳри мұхити Хинді* — Ҳинд океани.  
*Баҳри Шимол* — Қора денгиз.  
Баҳри Ҳазар — Қаспий денгизи. Унинг шимолида ҳазар қабилалари яшаганидан Ҳазар денгизі деңгилгап.

*Бағдод дарёси* — Дажла сувиния номи.

*Бетик* (Битик) — Зарафшоннинг этакларида, Амуга яқин бўлган қишлоқ.  
*Бешқалъа* — XVII аср адиблари Ҳанубий Хоразмни шундай атаганлар. Бешқалъа — беш шаҳар, беш истеҳком демактир. Кот, Урганч, Ҳазорасп, Ҳонқа, Кўнғиротни ўз ичига олган, маркази Ҳива бўлган.

*Бинкат* — Тошкент шаҳрининг бир номи.

*Биском* — Писком дарёси.  
*Бишкент* (Бешканд) — Ҳанубий Тожикистонда, Қабодиён қишлоғи ёнидаги кўхна работ.

*Боб ал-Абоб* — Қаспий денгизининг гарбий соҳилидаги йўлак.

*Бободарғон* — Дарғонота қишлоғи, Амударё бўйида.

*Бўвард* (Обивард) — илк ўрта аср шаҳри. Ҳозирги Ашҳободдан 120 км жануби-шарқда; Ашҳобод билан Каахқа (Қаҳқа) ўртасида, тоғ этагидаги бўлган.

*Бодғис* (Бодхиз) — Шарқ географларининг асарларида Ҳирот билан Сарахс оралиғи, кейинчалик Афғонистон билан Туркменистон чегарасидаги Қоракумнинг баландроқ қисми шу ном билан аталадиган бўлди. Бу ерда Бодғис шаҳри ҳам бўлган.

*Ботқоқкум* — Амударё билан Бухоро оралиғидаги чўл, Қизилқумнинг жанубий қисми.

*Боги Зогон* — 1) Ҳирот шимолидаги бир боғ; 2) Самарқандда бўлган боғ.

*Бузголлона* — Бойсун тоғларидаги Темир Дарвозанинг маҳаллий номи, «Еввойи эқилар макони» деган маънода.

*Булукия* — Хоразмнинг гарбидаги бўлган шаҳар.

*Булғор* — X—XV асрларда Волга бўйидаги шаҳар ва давлат. Қозон шаҳридан жануброқда бўлган.

*Бумижкат* — Бухоро шаҳрининг қадимги номи («Шоҳнома»да).

*Бунжикат* — Үратепа ёнидаги қадимий шаҳар; Истрравшан вилоятининг маркази.

*Буттамон* (Бутмон, Буттам, Батмон) — ҳозирги Тожикистон тоғларининг гарбий қисми; Үратепадан Вахш водийсигача бўлган Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари; Буттамон тоғ вилоятининг шимолий қисми Фалғор ва Масчо бўлган.

*Бухария* — эски рус китобларида Ўрта Осиё ерлари *Бухария* деб ёзилган.

*Бухоро дашити* — Қизилқум чўлинининг бир номи.

*Бухоро дарёси* — Зарафшон.

*Бўйнутс* (грекча Πόντος) — Қора денгиз.

## B

*Вазир* — Амударё этакларида, Қўхна Урганчдан 60 км чап томондаги кўхна шаҳар; Устюртнинг жанубий четида, Чинк ёнбағрида бўлган, ҳозирги Левкесканқалъа вайроналари. Европалик автор Женкинсоннинг китобида *Селлизюр* деб ҳам ёзилган.

*Варахша* (Фарахша) — Бухородан 30 км шимоли-гарбдаги қадимий шаҳар ҳаробалари.

*Варволиз* (Валволиж) — Шимолий Афғонистонда, Қундуз шаҳри ёнидаги жуда қадимги шаҳар, Тўхористон пойтахти.

*Варданзи* — Бухоро атрофида, ҳозирги Шофиркон районидаги қадимги шаҳарча.

*Варомжайхун* — Мовароуннаҳр; «Жайхун дарёсининг нариёғи» (шарқи) маъносида.

*Варозруд* — Амунинг шарқ томони; Мовароуннаҳрнинг маҳаллий номи.

*Васиж* — Тошкентдан шимолда, Сирдарё бўйида бўлган қишлоқ. Ўтрор шаҳрининг чеккаси; Абу Наср Форобийнинг ватани.

*Вахш* (*Вахшоб*) — Тожикистандаги дарё; Амунинг ўнг ирмоқларидан бири; Сурхоб.

*Башкірд* — Тожикистанда, Вахш билан Қоғирниҳон орасида, дарё бўйидаги Файзобод район Саримозор қишлоғи ёнида бўлган шаҳар.

*Баганзи* — Бухоро облатида Қизилтепадан 6 км нарида, Зарафшоннинг чап томонидаги вайроналар.

*Вағзи вилоятӣ* (*Вағизия*) — ўрта асрда Фарғона водийсининг шимолий қисми, баъзан бутун Фарғона водийси.

*Ваэжжа* — қадимий форс манбаларида шимолдаги мамлакат — Хоразм шундай аталган.

*Верний* — Олмаста шаҳрининг XIX асрда қўйилган номи.

## Г

*Ганжка* — Озарбайжондаги Кировобод шаҳрининг илгариги номи; Низомий Ганжавий ватани.

*Гарчистон* — қаранг: *Гарчистон*.

*Гиркан денгизи* — Каспий денгизи. У *Веркан*, Ҳиркан ҳам дейилган.

*Гувалёр* — Аградан жануброқдаги тарихий шаҳар, Гвалиор.

*Гужарот* — Ҳиндистоннинг гарбида, Катхиявар яrimороли атрофидағи ерлар; ҳозирги Аҳмадабод, Барода шаҳарлари.

*Гузгон* — қаранг: *Жузжон*.

*Гулзаррион* — Сирдарёнинг энг қадимги номларидан бири.

*Гурганж* (*Гурганжия*) — Кўҳна Урганч шаҳри XIII асрдагача шундай аталган.

*Гуржистон* — Грузия.

*Гургон* (*Гўргон*) — Каспий денгизининг жануби-шарқий бўйидаги вилоят ва шаҳар (Эрон). Бошқа номлари: *Журжон*, *Астробод*.

## Д

*Дабусия* (*қалъаи Дабусий*) — Узбекистонда Зияддин (Зиёвуддин) темир йўл станицяси ёнидаги қадимий қалъа.

*Дайлам* (*Дайламон*) — Каспий денгизининг жанубий ва жануби-шарқий соҳили, тоғ этаги.

*Дайлам денгизи* — Каспий денгизи.

*Дайтъя* — Зарабшоннинг энг қадимги маҳаллий номларидан бири. Бу сўз «кўп сув» маъносида бўлиб, дарёнинг «минг қўлли» (минг тармоқли) эканлигини англатган.

*Дарбанд* — 1) Бош Кавказ тизмасининг этаклари билан Каспий денгизи оралигидаги қадимий девор ва истеҳкомлар. Ҳозирги Догистоннинг Дарбанд шаҳри ёнида; 2) Узбекистоннинг Бойсун районидаги тор дарали жой — Дарбанд. Унинг ёнида «Темир Царвоза» номли дара бор.

*Дарбанд денгизи* — Каспий денгизи.

*Дарваз* — Жанубий Тожикистандаи баланд тоғлик вилоятнинг тарихий номи.

*Дарёча* — асли «кўл» деган маънода. Зарафшон дарёсининг манбаларидағи Искандарқўл баъзи китобларда шу ном билан аталган.

*Дарё бўйи* — хоразмлик ўзбек тарихчилари Қорақумнинг чегараларини учга бўлганлар: 1) тоғ бўйи — Копетдаг, Хуросон томон; 2) қум қисми ва 3) дарё бўйи — Аму бўйлари, Хоразм, Урганч.

*Дашти Барака* — Фарбий Қозогистон далалари.

*Дашти Хазар* — Шимолий Кавказ даштлари.

*Дашти Ҳожи Тархон* — Каспийбўйц пасттекислиги.

*Дашти Қипчоқ* — Волга билан Балхаш оралигидаги дашт, Қозогистоннинг гарбий, марказий ва жанубий қисми, Сирдарёдан Жанубий Россия даштлари гача ёйилган кеңг текисликлар. Араб сайёхи Ибн Battутa Волга билан Крим оралигини ҳам Дашиби Қипчоқ деб атаган. Умуман, Дашиби Қипчоқ икки қисмдан иборат: Шарқий қисми — Қозогистон, гарбий қисми — Волга билан Днепр оралиги. Ҳатто «Тавориҳи гузидат Нурратнома» асарида «Урус, бошқирт, сибир, черкас» ва бошқа ҳалқларининг ерлари ҳам Қипчоқ вилоятига кўшилган (руссча *Половецкая степь*). В. В. Бартольднинг аниқлашича, Дашиби

Қипчоқ номи XI аср ўрталарида пайдо бўлган. Дашиби Қипчоқнинг шарқий қисмига Шайбонихоннинг таърифи: «600 фарсаҳга ёйилган, серўтлоқ ер, унда оқ терак кўп».

**Денгиз** — Орол дengизи маҳаллий аҳоли тилида кўпинча шундай дейилган.

**Деҳистон** — Каспий дengизининг жануби-шарқий қисми; Атрек дарёси водийси; Чиқишилар райони, Каспий билан Қопетдог оралиги (Машҳади Мисрён райони). Ўша ерда Работи Деҳистон — гузлар чегарасидаги қалъа ҳам бўлган.

**Дизак** (*Диззак*) — Жиззах шаҳри.

**Доруломон** — «Омонлик уйи» деган маънода: 1) Ҳўрмуз шаҳрини шундай атаганлар; 2) Афғонистонда, Кобул чеккасидаги сарой.

**Доруссалом** — Бағдод шаҳрининг бир номи.

**Дорулҳалофот** — «Халифалар уйи», Бағдод шаҳри.

## Е

**Еттисув** (*Жетисув, Семиречье*) — Қозоғистоннинг шарқий қисми, Балхашдан Олатогвача, кенг маънода эса Арис дарёсидан Иртишгача, Балхашдан Тяньшанга қадар бўлган кенг ўлка. Еттисув деганда, асосан, Или, Қоратол (Кўксув), Баян (Боён), Оқсув, Лепса, Босқон, Сарканд дарёлари тушунилган.

**Еттишаҳар** — Гарбий Ҳитойдаги Олтишаҳар ва Янги Ҳисор шаҳрининг умумий номи.

**Еттиқум** — Қорақум чўлининг шимоли шундай аталган. Тожикча «Ҳафт реги Хоразм» — Ҳоразмнинг етти қуми.

**Ёйиқ** (*Жойиқ*) — Урал дарёсининг маҳаллий номи, Император Екатерина II пугачёвчи казаклар Жойиқ бўйидаги қўзғолонини бостиргандан кейин махсус фармон чиқариб («Қўзғолонни унтиш мақсадида») «Жойиқ» номини «Урал» деб ўзгартирган; шундан кейин дарё ҳам төғ номи билан аталағидан бўлди.

**Емонқалъа** — Орск шаҳрининг XVIII—XIX асрлардаги қозоқча номи.

## Ж

**Жабалитариқ** — (*Жабал ат-Ториқ*) — Гибралтар бўғози. У ҳалижи *Ru*, *Боб ал-Асвоқ* деб ҳам аталаған. Беруний картасида Зуқоқ деб ёзилган. Баъзан *Сита бўғози ҳам* дейилган.

**Жабали Қамар** — Ой тоглари. Қадимги ва ўрта аср географларининг тасавурчика, Нил дарёси шу тоглардан бошланади. Бу төғ Хоразмий ва Беруний чизган дунё карталарида Африканинг жанубида кўрсатилган.

**Жайхун** — 1) машҳур дарёлар — Аму, Сир, Фрот, Дажла — Жайхун деб аталаған; 2) Жайхуни Чочий — Сирдарё; Жайхуни Хоразм — Аму; 3) Аму дарё кўпинча Жайхун номи билан машҳур; 3) «Жайхун» сўзи аслда «дарё», «кatta сув» деган маънioni англатади.

**Жан** — Тожикистон тогларидаги Искандарқўлнинг илк ўрта асрдаги номи.

**Жанд** — Сирдарёning қўйи оқимида, Қизилўрда рўпарасида, Қизилқум чеккасида бўлган ўрта аср шаҳри; ҳозирги Жанқалъа харобалари.

**Жанд кўли** — Орол дengизи.

**Жаҳудон** — Шимолий Афғонистондаги қадимий шаҳар; Маймана ёнида бўлган.

**Жидғал** (*Жадғол*) — Чотқол дарёси, баъзан Талос дарёси.

**Жил** — Иссиққўл ёнидаги Бўйум дарасининг бир номи. «Қолчиғай», «тор жой» деган маънода.

**Жирт** — Зарафшон дарёсининг X асрдаги номларидан бири.

**Жож** (*Чоҷ, Шоҷи*) — Тошкент шаҳри ва вилояти.

**Жом** (*Жем*) — Эмба дарёси.

**Жон** — Зарафшоннинг бир номи.

**Жузжон** (*Жузжонон*) — Афғонистон шимолидаги вилоят; Мурғоб билан Балх ордени. Шибирғон шаҳри ёнида. Ҳозир Жовузжон дейилади.

**Жўржон** — Гурғон вилоятининг арабча номи.

**Жўржон дengизи** — Каспий дengизи.

**Жўржония** — Гурғанж шаҳри, Кўҳна Ураганч. Ёқут Ҳамавийнинг изоҳи-

ча, маҳаллий тилдаги Гурганч номи арабчалаштирилиб, Журжония шаклида ёзилган.<sup>1</sup>

**Журжония кўли** — Орол денгизи.

### 3

**Забўлистон** — Афғонистонда, Фазни шаҳри ва унинг гарб томонидаги қадимги вилоят.

**Залтикент** — ўрта аср шаҳри; Тошкент областидаги Зангиота яқинида бўлган.

**Замахшар** — ўрта аср шаҳри; Хоразмда, Коракум чегарасида, Тошховузнинг Тахта райони ерида бўлган. Зумхшир, Зумукшир, Измухшир деб ҳам аталган. Машхур тилшунос, файласуф, ёзувчи ва географ Абулқосим Замахшарийнинг ватани.

**Замм** — 1) Қарки ёнидаги қадимий шаҳар; 2) шу ердаги гузар (кечик); 3) баъзан Каркининг ўзи.

**Замм вилояти** — Амударёнинг Каркидан жанубдаги қисми; Андхўй — Балх — Маймана атрофлари.

**Зардак (ҷўли Зардак, дашти Зардак)** — Амударё билан Ҳирот оралигидаги чўл. Қорақумнинг жануби-шарқий қисми, Бодғис қирларининг шимолий тарафи.

**Зариспа** — юон тилидаги манбаларда Балхоб дарёсининг номи (Шимолий Афғонистон).

**Зарнук** — Арис станцияси ёнида, дарёнинг чап томонида бўлган қадимий шаҳар.

**Зафар қалъаси (қалъаи Зафар)** — Афғонистон шимолида, Панж дарёси яқинидаги ўрта аср қалъаси; Бадахшоннинг пойтахти бўлган.

**Зулиифл** — Қалиф шаҳрининг ўнт қирғоқдаги қисми.

### И

**Ибир-Сибир** — Фарбий Сибирь ерларининг XIII асрдаги номи.

**Идил (Атил, Эдил, Этил, Итил)** — 1) Волга дарёсининг номларидан бири. Унинг асосан ўрта ва қўйи оқими шундай аталган; 2) ўрта аср шаҳри; хазарлар пойтахти; ҳозирги Астраханъ шаҳри ёнида бўлган.

**Икки ўқуз** — илк ўрта аср шаҳри; Қозогистон шарқидаги Толдиқўргон шаҳри ўрнида бўлган. Бу ном қадимий туркий ёдгорликларда ва Маҳмуд Кошғарий картасида учрайди.

**Икки сув ораси** — Фарғона водийсининг шарқий қисми, Норин ва Қорадарё оралиғи. Тожикча *Миёни Рудон*.

**Ила (Ило)** — 1) Или дарёси; 2) шу дарё бошларидаги илк ўрта аср шаҳри; Ғулжа ёнида бўлган; 3) Ила шаҳри атрофидаги ўлка.

**Илоқ** — Ўрта Осиёдаги бир неча жойнинг номи: 1) Оҳангарон дарёси ва водийси; Айлоқ ҳам дейилади; 2) Тошкент билан Фарғона оралигидаги тоғлиқ райони; 3) Тожикистонда, Душанбадан шимоли-шарқдаги сой; оби Илоқ (ҳозир Элак деб ёзилади) ва жой (Қалъан Даشت).

**Илоқ тоглари** — Корамозор тоглари.

**Инжил** — Хирот шаҳридаги анҳор. Навоий бу анҳор бўйида ажойиб билолар қурдирган.

**Ироқ** — тарихда аксари ҳозирги Ироқ билан Эроннинг гарбий қисми; баъзан бутун Эрон ери Ироқ деб аталган; Озарбайжон ҳам Ироқ номи таркибида тилга олинган. Гулбаданбеким «Хўмоюниома»да Ироқ номини Хурросон номи билан галма-гал ишлатган, чунки бир маънодаги ерлар деб билган. Ҳатто Ҳирот шаҳри ҳам Ироқ маркази маъносисда ҳам ишлатилган.

**Ироқайн** — Иккى Ироқ: Ироқи Араб ва Ироқи Ажам.

**Ироқи Араб** — Ироқининг ўзи; Месопотамия, кўпинча Бағдесдан жапубдаги қисми, Бобил вилояти.

<sup>1</sup> Журжон ва Журжония — иккى жойнинг номи. Баъзи китобларда, хусусан европалик авторларнинг асрларида бу номлар чалкаштириб юборилган.

*Ироқи Ажам* — Эроннинг шимоли-ғарбий қисми, гоҳо бутун Эрон.

*Ироқ дарвозаси* — Ҳиротнинг ғарбий дарвозаси шундай аталади.

*Испижоб* — Сайрам шаҳри форс-араб манбаларида шундай аталган ва Испижоб, Испижоб шаклларида ёзилган. Бошқа номлари; *Мадинат ал-Байзо*, *Урунгкент*. Испижобнинг асосий вайроналари Сайрамдан 35—40 км жануброқда, Бекларбек қишлоғи ёнида бўлса керак, деган тахминлар ҳам бор.

*Истиравишан* — қадимги Усрушона, Уратепа вилояти.

*Ихтиёруддин* — Ҳирот шаҳрининг қальаси, арки.

*Иғражорт* — Тяньшаш тогларининг маркази, энг баланд қисми («Худуд ал-олам» китобида).

## K

*Қадар (Қадар)* — Сирдарё бўйидаги Фороб вилоятининг бир шаҳри.

*Қайкубод* — Қабодиён ёнидаги қадимги ҳробалар.

*Қандибодом* — Конибодом шаҳрининг асл номи.

*Қанга (Қанқа)* — Сирдарёning бир номи («Шоҳнома»да); дарёи Қанга; 2) қадимий шаҳар, Оҳангароннинг қўйи оқимида, Қорасувнинг қўйилиш жойида бўлган.

*Карбало* — Ироқда, Фрот водийсидаги тарихий шаҳар. Шиа мазҳабининг зиёратгоҳи. Машҳади Ҳусайн деб ҳам аталади.

*Каркіҳ* — Карки шаҳри.

*Кем дарёси* — қадимий турк манбаларида Енисей дарёсининг номи.

*Кеш* — Шаҳрисабз ва Китоб.

*Кешруд* — Қашқадарё.

*Кирополь* — Кир шаҳри, ҳозирги Уратепага яқин қадимий қалъа.

*Комед тоглари* — Ҳисор тоглари, Помир тоглари.

*Конигил* — Самарқанд ёнида бўлган кенг майдон. Темур, Бобир ва бошқа саркардалар шу майдонда ҳарбий кенгашлар ўтказишган.

*Кониоут (Конигут)* — Жанубий Фарғонада, Исфара ёнидаги ғор, қадимий кон.

*Қот (Қат)* — Амударёning ўнг соҳилидаги шаҳар. Хоразмнинг қадимти пойтахти. «Қат» сўзи хоразмликлар тилида «девор» маъносида (Ёқут Ҳамавийда) ишилатилган. Бошқа номлари: *Хоразм*, *Фил*, *Кос*, XIX асрда *Шоббоз* (Шайх Аббос Вали) дейилган. Ҳозир *Беруний* шаҳри.

*Қоғистон* — Афғонистоннинг шарқий, төғлиқ вилояти; ҳозирги номи *Нуристон*.

*Қурдор (Кардор)* — Орол денгизининг жануби-шарқий соҳили, Амударё билан Сирдарё этаклари оралиғи.

*Қўксарой* — Самарқанд шаҳридаги ҳокимлар саройи.

*Қўқча ғенгиз* — Балхаш кўлинининг бир номи. Мұхаммад Ҳайдар мирза шундай деб атаган.

*Қўҳак* — Самарқанд чеккасидаги тепалик; Чўпонота.

*Қўҳак дарёси* — Зарафшон дарёси.

*Қўҳи Коф* — қаранг: Коф тоги.

*Қўҳна Урганч* — Хоразм воҳасида, ҳозирги Ташқовуз обlastидаги қадимий шаҳар. Ўнинг илтариғи номлари: *Журжония*, *Гурганч*, *Хоразм*. XVII асрда Янги Урганч (ҳозирги Урганч) бунёд қилингач, асл Урганч вайроналарни Кўна Урганч деб атала бошлаган.

## L

*Лубонон* — Ливан; Ўрта денгизнинг шарқий соҳили.

## M

*Мадинат ас-Салом* — Бағдоднинг эски қисмий, баъзан бутун Бағдод.

*Мадминия* — ўрта аср шаҳри; Амударё этакларида, чап соҳилида, денгизга анча яқин бўлган.

*Маздаҳқон* — ўрта аср шаҳри; Хоразмда бўлган, ҳаробалари Хўжайлидан 8 км жануби-ғарбда.

*Майла (Мела) гузари* — Амударёning юқори оқимида, Вахшнинг қўйилиш

**жойидаги машхур гузар, кечик.** «Майлар — Термиз ёнидаги Паттакесар гузари» деган фикр ҳам бор.

**Маймурғ** — 1) Самарқанд жанубидаги қадимий вилоят; Сўғднинг бир қисми; 2) яна бири — **Маймарғ** — Жайхун бўйида бўлган.

**Малик дарвозаси** (дарвазаи Малик) — Ҳиротнинг шимолий дарвозаси.

**Монқишилоқ** — Каспий бўйида, ўнг соҳилдаги яриморол ва қадимий порт Монгишилоқ, Монқишилоқ шакларида ҳам ёзилган.

**Манғишлакская степь** — Филипп Ефремов саёҳатномасида Қорақум шундай аталган.

**Марв** — Мари шаҳри (Туркманистон); баъзан «Марви Шоҳижон» деб ҳам ёзилган, «Шоҳижон» сўзи «шоҳи жаҳон» деб ҳам шарҳланади. Бу шаҳарнинг географик ўрни бир неча марта ўзгарган. Қадимий Марв — Газурқалъа ўрнидадир; XI асрда Султонқалъа ўрнида, XV асрда эса Байрамали ўрнида бўлган. Ҳозирги Мари Хива конлари даврида барпо этилган жойда, Иккала **Марв** деганда, Мари Шоҳижон ва Марвруд шаҳарлари тушунилади.

**Марв дашти** — Қорақум чўли.

**Марвруд** — 1) Мурғоб дарёси; 2) унинг юқори оқимидағи шаҳар, Боломурғоб ёнида.

**Марғ** — Туркманистондаги Мари (Марв) шаҳрининг қадимий номларидан бири.

**Марғиёна** — Марв воҳаси, Мурғоб водийси.

**Мароқанд** (**Мароқандо**) — Самарқанд шаҳрининг милоддан бурунги номи.

**Марсмонда** — ҳозирги Жиззах атрофида, төг этагида, сув бўйида бўлган қадимий шаҳар. Темир конлари билан машхур бўлган.

**Машриқ** — асосан Урта Осиёдан шарқдаги ерлар; баъзан Хуросон ва Мавароунахининг ўзи. Ҳоеар, яъни «Шарқ» деб ҳам ёзилган.

**Мазъомат** — Қеш (Шаҳрисабз) шаҳрининг бир номи (Беруний асарида).

**Магриб** — 1) Африканинг шимоли-ғарбий қисми; 2) Тунис, Жазоир, Марокаш; 3) ҳозирги Марокашнинг расмий номи.

**Магриб денгизи** — Атлантика океани, баъзан Урта денгиз.

**Магриб даштлари** — Саҳрои Кабир ва Судон чўллари.

**«Магрибдан Машриққача»** — ўрта асрларда бизга маълум бўлган дунёнинг энг ғарбидан (Африкадан) энг шарқигача (Хитойгача) деган маънода.

**Миёни Рудон** — ўрта асрда Фарғона водийсининг шарқий қисми, Норин ва Корадарё ералигидаги вилоят.

**Миёнкол** (**Миёнқал**) — Бухоро билан Каттақўргон оралиги, Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарё оралиги.

**Миҳрон** (**Меҳрон**) — Ҳинд дарёси ва унинг этаклари арабча шундай аталган.

**Моварооннаҳр** — Каспий билан Аму оралиги, ҳозирги Туркменистонга тўғри келади.

**Моварооннаҳр** — Амударёнинг ўнг томони; Амударё билан Сирдарё оралиги; шимолда — Орол денигизидан жанубда — Помир этакларигача ёйилган кенг территория. Европа тилларидаги таржимаси *Трансоксиана* («Аму орқаси»).

**Моварооннаҳр** тушунчаси баъзан кенгроқ маънода — Хоразм, Шимолий Афғонистон ва Мурғоб воҳасини қўшиб ҳам қўлланилган.

**Можаристон** — Венгрия.

**Мозондарон** — Эроннинг шимолий, Каспийбўйи вилояти. Қўпинча **Табаристон** номи билан бир маънода, баъзан Табаристоннинг жанубий қисми маъносида ҳам ишлатилган.

**Мониса** (**Маниса**) — Фарғона тоглари.

**Мочин** — Хитойнинг шарқий қисми; ҳиндча **Моҳо Чин** — «Катта Хитой» деган маънода.

**Мунқ** — ўрта аср шаҳри; Хутталнинг пойтахти, Жанубий Тожикистонда, Ҳовалинг қишлоғи ёнида бўлган.

**Муру** — Туркманистондаги Марв (Мари) вилоятининг энг қадимий номи.

**Муруч ери** — Ҳиндистон яриморолининг ғарбий соҳили.

**Мусалло** — Афғонистонда, Ҳирот шаҳри чеккасидаги XV аср ёдгорлиги.

**Мусай** (**Муси**) — Синай яримороли; Африка билан Осиё чеккасида.

*Мұхтор тоги* — Хұртдан 8 км шимолдаги тог; яна бир номи — Күхнә Сайид Абдулло.

*Мұғ тоги* — Тожикистанда, Зарафшон дарёсінинг юқори қысмасы, ҳозирги Ҳайдаробод қышлоғы ёндаги тог. Үндән қадимий сұғд ёзувлари топилған.

## H

*Навандак* — Сарисөнә қышлоғы ёндаги бұлған ўрта аср шаҳарчаси.

*Навбекар* — Балх шаҳрининг бир даҳаси. У ерда жуда катта Будда салами ва ибодатхона бўлған. Нав бехар — «Янги ибодатхона» деган маънода.

*Навокат (Невакет)* — ўрта аср шаҳри. Хоразмийнинг кўрсатнишича, 44° ширмолий кенглиқ ва 104° шарқий узунликда жойлашган. Чўй дарёсінинг чап томонида, Баласогун, ҳозирги Орловка қышлоғы ёндаги бўлған.

*Нажокет (Эски Ужокент)* — Чирчиқ дарёси Сирдарёга қуйиладиган жой яқинидаги қадимий шаҳарлардан бири.

*Нарозим* — Амударёнинг ўрта оқимидаги, ўнг қирғоғидаги кўхна район; ҳозирги Бурдолиқ билан Фараб ўртасында бўлған.

*Насаф* — Қарши яқинидаги қадимий шаҳар. Наҳшаб деб ҳам ёзилған.

*Насон вилояти* — ўрта асрда Фарғона водийсінинг жанубий қисми (Ўш, Моди қишлоғи, Новкад, Хуршиб шаҳарлари).

*Насробод* — ўрта аср (Х аср) шаҳри. Шарқий Фарғона ерида бўлған. Фарғона ҳокими Аҳмад ибн Асаднинг ўғли Наср шарафига шундай аталған.

*Наҳри Шош* — Шош дарёси, Сирдарё.

*Наҳри Салом* — Дажла дарёси.

*Наҳшаб* — Қарши ёндаги қадимий шаҳар; ўрта асрларда Насаф деб юритилған.

*Неса* — Ашхобод шарқида, Бағир станцияси ёндаги қадимий шаҳар, Парфиянинг пойтахти. *Шоме Кучек* — «Кичик Шом» деб ҳам аталған.

*Номиқ (Намиқ)* — Зарафшон дарёси.

*Нумижжат* — Бухоро шаҳрининг VI асрдаги сўғдча номи. Аслда Бухорадан 4 фарсах шарқда бўлған; лекин бутун Бухоро вилояти шу ном билан аталған.

*Нур Бухорий* — Самарқанд обlastидаги Нурота, Кўхна Нур шаҳри.

## O

*Обаскун (Обискун, русча Абескун)* — 1) Каспий деңгизининг жанубишиарқий бурчагида, қирғоқ бўйида бўлған орол; 2) ўша ердаги қадимий шаҳар ва илк ўрта асрдаги машҳур порт; ҳозирги Гургон дарёсининг оғзида бўлған. XIV асрларда уни сув босган. Ривоятларга кўра, Мұхаммад Хоразмшоҳ Чингизхондан қочиб шу оролда яширган ва шу ерда вафот этган.

*Обаскун денгизи* — Астробод қўлтиғи; баъзан бутун Каспий деңгизи шундай аталған.

*Обивард* — қаранг: *Бовард*.

*Оби Кўҳак* — Кўҳак суви, Зарафшон дарёси.

*Одарбијон (Озорободгон)* — Озарбайжон.

*Одоқ* — қаранг: *Адоқ*.

*Окс (Оксус)* — қадимги юнонча ва ғарбий европа манбаларда Амударё шундай ёзилған. Бу маҳаллий тилдаги «ўкуз» (дарё) сўзининг бузилиб ёзилгани.

*Олатог* — Фарғона водийсінинг жанубидаги тоғлар, асосан, Олай тоғлари.

*Олмалиқ* — Или дарёси бўйида, ҳозирги Ғулжадан шимоли-гарбда бўлған шаҳар.

*Олмату* — Олмостаннинг дастлабки номи.

*Олтинтоғ* — 1) Олтой тоғлари; 2) Синъязяннинг жанубидаги, Кунлунъ тизмасининг бир тармоғи.

*Олтун ўши* — Олтой тоғлари.

*Олтишаҳар* — Ғарбий Хитойдаги Кўжу, Оқсув, Учтурфон, Қашқар, Ёркенд ва Хўтган шаҳарларининг XIX асрдаги умумий номи.

*Орол* — Амударё этакларида, деңгиз бўйидаги вилоят ва шаҳар.

*Оҳ* — Ҳерируд — Тажан дарёси.

*Оқмачит* — 1) Симферополнинг ва 2) Қозоғистондаги Қизилурда шаҳарларининг илгари номи.

*Оқмұла* — илгари Ақмолинск, ҳозирги Целиноград шаҳри.

*Оқсарой* — Шахрисабзда, Амир Темур замонидан қолган ишоот.

*Оқкум* — Қозоғистондаги Мұжыңқұм; Сирдарёning ўнг томони — *Оқкум*, чап томони Қизилқұм деб юритилған.

## П

*Пайканд* (*Байканд*) — Бухородан жаңыби-ғарбда, Яққатут темир йўл стансаси ёнидаги қадимий шаҳар вайроналари.

*Палғар* — қаранг: *Фалғар*.

*Пакжоб* — Ваҳш сувидан шарқдаги ерлар; ҳозирги Панж водийси XIII асрда шундай аталған.

*Парак* (*оби Парак*) — Чирчиқ дарёсининг ўрта асрлардаги бир номи. *Параки оби Турк* деб ҳам ёзишган, «Шоҳнома»да эса *Тарак* ёзилған.

*Парёб* — қаранг: *Фарёб*.

*Парфия* — Туркманистоннинг жануби билан Эроннинг шимолий қисми қадимий даврда шу ном билан аталған.

*Политимет* — Зарафшон дарёси.

*Пороб* — қаранг: *Фороб*.

*Пўнгус денгизи* (*Бўнгус*) — Қора деңгиз; грекча Понт номидан олинган.

## Р

*Работи Малик* — Зарафшон водийсида, Бухоро билан Навоий (Кармана) орасидаги чўли Маликда, XI асрда қурилған қарвонсаройнинг харобалари.

*Ромидруд* — Коғирниҳои дарёси.

*Рум* (*Румистон, Рум диёри*) — Византия, Кичик Осиё (ҳозирги Туркия) ва қисман Греция.

*Рум денгизи* — Ўрта деңгизнинг шарқий қисми; баъзан бутун Ўрта деңгиз шундай аталған.

*Рўзи Ниссон* — Душанба шаҳрининг қадимги номи.

## С

*Сабза* — Зоминнинг бир номи.

*Садди Зулқарнайн* — афсонавий девор, гўё Яъжуҷ ва Маъжуҷ мамлакатини тўсіб турган. Ҳеч қаерда бундай девор йўқ. Бу афсонага «Буюк Хитой девори» асос бўлған.

*Садди Искандар* — Искандар девори, афсонавий марза. Қаспийнинг жануби-шарқий соҳилида, Гургон шаҳри чеккасида шундай ном билан аталадиган жой бор. Ривоят қилинишича, «Буюк Хитой девори»ни ҳам Искандар курдирган. Миср чегарасида ҳам шундай бир «девор» бўлған эмиш.

*Садди Чин* — «Буюк Хитой девори».

*Сайхун* — Сирдарёning ўрта асрлардаги бир номи.

*Самизкент* — Самарқанд шаҳрининг ўрта асрдаги номларидан бири.

*Сарандиб* — Цейлон ороли; ҳозирги Шри Ланка. *Сайлон*, *Сайлон* деб ҳам ёзилади.

*Сарахс* — Тажан дарёси бўйидаги қадимий шаҳар. Бир қисми — Эски Сарахс — Туркманистонда; бир қисми — Янги Сарахс — Эрон териториясида.

*Сарой* — 1) Сарой Боту — Волганинг этагидаги шаҳар, Олтин Үрданинг пойтахти; Ботухон (1227—1255) Волганинг Оқтўба тармогида қурдирган, уни Эски Сарой дейдилар. Ботухоннинг укаси Беркахон ҳам (1257—1267) ўша шаҳардан сал қўйида, бошқа Сарой шаҳри (Сарой Берка) қурдирган. Бу Янги Сарой деб аталған. 1312—1340 йилларда Ўзбекхоннинг пойтахти ҳам шу бўлған. Уни 1395 йилда Амир Темур буздирган. Вайроналари Волгоград областининг Ленинск послекаси ёнида; 2) Мұхаммад Солихнинг «Шайбонийнома» сида тилга олинган Сарой — Амуларе бўйида, собиқ Сарой Камар. Баъзан Соли Сарой ҳам дейилган.

*Саройжиқ* — «Кичик Сарой» деган маънода. Урал дарёси бўйида. XV—XVI асрдаги муҳим савдо шаҳри; Гурьевдан 58 км шимолда бўлған.

*Сармат* — Волгабўйи даштлари.

*Сагониён* — қаранг: *Чагониён*.

*Сигири (Секри)* — Хиндистонда, Аградан гарбдаги кўл, тепалик ва қишлоқ. Бобир шу ерда сарой қурдирган. Акбаршоҳ эса тепалик устига арк солдирган; бутун қишлоқ Фотихпур Секри деб аталган. Шу шаҳарча қисқа вақт бобирй-ларнинг пойтакти бўлиб турган. Ҳозир — музей.

*Сином (Сиём)* — Ҳисор тизмасининг шимолий тармоқлари, Муқанна яши-үнганд тоғлар.

*Сиёхчўҳ* — 1) Қаспий бўйидаги Монқишлоқ яримороли; 2) Устюрт қирла-рининг жанубий чеккаси, Чинк жарлиги.

*Сижистон* — Ҳилманд дарёсининг қуилиниш жойидаги пастлик вилоят; Эрон билан Афғонистон чегарасида. *Сакистон, Сейистон, Систон* деб ҳам ёзилган.

*Синд* — 1) Ҳинд дарёсининг номи; 2) шу дарё этакларидаги вилоят.

*Синжоп* — Сибирь ва Олтой, Сибирь ўрмонлари.

*Сир денизи* — Орол денизининг бир номи.

*Сигноқ (Сунок)* — ўрта аср шаҳарларидан бири. Сирдарёning ўнг қирғо-ғида, ҳозирги Қизилўрда темир йўл станциясига яқин жойда бўлган.

*Соброн (Соврон)* — ўрта аср шаҳри; Сирдарё бўйида, Туркистон ёнида бўлган.

*Соли Сарой* — қаранг: *Сарой*.

*Сом (Шом)* — Хоразмнинг шимоли-гарбила бўлган шаҳар.

*Сувбурни* — ўрта аср шаҳри; Амударё этакларида, Хоразмнинг гарбий че-гарасида бўлган. Кейинчалик *Шоҳсанам* номи билан аталган.

*Сувбўши* — Хоразмнинг дарёга яқин қисми, Аму суғорган ерлар.

*Суёб* — VI—X асрлардаги шаҳар; Чуй дарё водийсида бўлган.

*Султония* — ўрта аср шаҳри; Эроннинг шимолида, денизга яқин, Қазвии шаҳри ёнида бўлган. XIII аср охирида Хулоқуҳон барпо этган.

*Суткент* — Тошкентдан шимоли-гарбда, Сирдарёning чап қирғоғида, Фо-робдан қўйироқда бўлган шаҳар. Жанубий Қозогистоннинг Қизилқумдаги Сут-кен совҳози территориясида.

*Сўғд* — 1) Сўғдиёна — умуман Зарафшон водийси; 2) Сўғдни икки районга бўлганлар: *Сўғди Бухоро* (Бухоро ва Қашқадарё водийси) ва *Сўғди Самар-қанд* — шарқий қисми; 3) Сўғд дарёси — Зарафшон.

## T

*Табаристон* — Қаспий денизининг жанубий соҳили, Гилон, Мозандарон ви-лоялари ўрни. *Тапурестон* ҳам деб ёзилган. Тапур (талақ) — қадимий қабила номи.

*Табғоч (Тавғоч)* — Шарқ манбаларида дастлаб шимоли-шарқий Хитой шун-дай аталган. Кейинчалик бутун Хитой ҳам Тавғоч дейилган. *Тамғоч* деб ҳам ёзилган.

*Тавғовис* — Бухоро билан Қармана орасида бўлган илк ўрта аср шаҳри.

*Тамир Қонуғ* — қадимий туркий ёдгорликларда Темир Дарвоза шундай аталган.

*Танаис* — аслида Дон дарёси; баъзи қадимги юон авторлари Сирдарёни ҳам шундай деб нотўғри аташган.

*Тангритоғ* — ҳозирги Марказий Тяньшань аслида Тангритоғ деб аталган. Маҳаллий туркий қабилалар Иссиққўл атрофидаги баланд тоғларни муқаддас деб билиб, шундай ном берганилар.

*Тарқас* — Тошкент шаҳрининг қадимий номларидан бири.

*Тароз (Тироз)* — ҳозирги Жамбул (Авланётота) ёнидаги шаҳар.

*Тартар мамлакати (Тартариз)* — «Татар» сўзининг бузуб ёзилгани. Фарбий Европада ўрта Осиё, Сибирь ва Узоқ Шарқ ерлари маъносида қўлланилган.

*Тафкон* — Тяньшань тоғларининг шарқий қисми.

*Тахти Сулаймон* — Ўш шаҳри баъзан шундай аталган. Аслда Тахти Су-лаймон — ундағи бир тепаликнинг иккичи номи. Асл номи Бароқкӯҳ.

*Темир Дарвоза* — дунёнинг бир неча ерида тор даралар шундай аталган: 1) Қаспий бўйидаги Дарбанд — Кавказ Темир дарвозаси; 2) Дунай дарёсидаги энг тор дара — Железные ворота; 3) Ўзбекистоннинг Бойсун тоғларидаги (Дех-қонободдан Дарбандга ўтадиган) Бўзголаҳона, Ўрхун ёзувларида ҳам *Тамир қонуғ* деб тилга олинган; 4) Тошкент шимолида Қалас яқинидаги ўткил ҳам

шундай аталган. «Темир дарвоза — Қалас чўли билан Ибнижон ўртасида, Шош чегарасида, Шошдан Темир дарвозагача 2 мил» (Ё қ у т).

*Тубат* — Тибет. *Тубут*, *Тупут* деб ҳам ёзилган.

*Толикон* — Шимолий Афғонистондаги иккита жой: бири гарбда — Мурғоб дарёсида, иккинчиси шарқда — Бадахшонга яқин.

*Тоткент* — Самарқанд билан Бухоро орасидаги жой, Ғижевонга яқин бўлган.

*Тоғ бўйи* — Туркманистоннинг жанубий қисми, Копетдог этаклари.

*Тоҳиря* — ўрта аср шаҳри; *Хоразмнинг жанубий чегарасида*, Аму бўйида бўлган. Ҳозирги Дояҳотун харобалари.

*Трансоксиана* — Амударёнинг шарқ томонидаги ерлар, «Аму (Окс)нинг орқаси» деган маънода; Шарқ манбаларидаги Мовароунаҳр номига мос келади.

*Тумкат* — ўрта аср шаҳри; Тошкентдан жанубда, Оҳангарон дарёси бўйида бўлган.

*Турк дарёси (оби Турк)* — Чирчиқ сузи.

*Туркистон* — 1) Туркистон шаҳри — Сирдарё бўйида; 2) Туркистон — турклар мамлакати, Қаспий деңгизидан то Қашқар-Жунгориягача ёйилган; туркий қабилалар яшайдиган вилоятларнинг умумий номи; Турон ўринда ҳам қўлла-нилган; 3) Туркистон — Сирдарёдан шарқ томондаги, то Жунгориягача бўлган ерлар; Ўрта Осиё воҳаларидан ташқарида — ҳозирги Козогистон ва Қирғизистон ерлари. Бу баъзан Мўғулистон тушунчаси ўринда ишлатилган; 4) Маъмурӣ жиҳатдан Туркистон учга бўлинган: *Шарқий Туркистон* — Туркистони Чиний; *Гарбий Туркистон* — Совет Ўрта Осиёси ва Афғон Туркистони, яъни Шимолий Афғонистон.

*Туркман чўли* — Қорақум.

*Турон* — кенг маъноди Ўрта Осиё. *Туронзамин* ҳам деганлар. Лекин қадими замонда фақат Эроннинг шимоли-шарқига қўшни бўлган ерлар, Амударёнинг шарқигина тушунилган.

*Тус* — Эроннинг шарқидаги қадими шаҳар. Машҳаддан 25 км шимоли-гарбда вайроналари бор.

*Тўхористон* — Термиз атрофларида ҳамда Амударёнинг ўрта ва юқори оқимидаги иккি соҳил ерлари; кенг маънода Помирдан Эронгача, Бойсунтоғдан Хиндукушгача ёйилган вилоятлари. Тўхор — қадимги қабила номи; бу қабила Аму бўйларидан то Қашқаргача тарқалган эди. Тўхористон бўлиниб кетгач, жанубда Балх, шимолда Ҷағониён ва Термиз, шарқда Хутталон вилоятлари ҳосил бўлган.

## У

*Үйғурция* — Шарқий Туркистон, Үйғуристон маъносида.

*Уммон деңгизи (баҳри Уммон)* — ҳозирги Арабистон деңгизи. Унинг шимоли-ғарбий қисми ҳали ҳам Уммон қўлтиғи деб аталади.

*Ўммат ал-Мадина* — «Шаҳарлар онаси». Шарқда — Балх, Хурсонда — Марв, Ҳижозда — Макка шундай улуғланган.

*Ўмор* — Объ дарёси. *Ямор* ҳам дейилган.

*Урушалим* — Қудус шаҳри, Иерусалим (Фаластин).

*Усрушона* — Тожикистонда, Ўратепа ўринидаги қадими шаҳар. Умуман, Самарқанд билан Ҳўжанд оралиғи ҳам Усрушона дейилган, *Устиравшан* деб ҳам ёзилган.

*Усмон ороли* — Термиз ёнидаги орол; Пайғамбар оролнинг бир номи.

## Ф

*Фалғар (Фарғар)* — ҳозирги Тожикистоннинг шимолий тоғлари, Зарафшоннинг юқори оқимицо райони, Ўратепадан то Зарафшон тоғларигача бўлган ерлар. «Бобириёнома»да *Палғар*, «Худуд ал-олам» асарида *Фарғал* деб ёзилган.

*Фанокат* — қаранг: *Банокат, Шоҳруҳия*.

*Фарова тоғлари* — Копетдог.

*Фаранг (Ифранж, Фарангистон, Фиран)* — Фарбий Европа, Франция, Италия.

*Фаранг денгизи* — Урта дениз, баъзан Қора дениз.  
*Фароб* — Афғонистондаги қадимий шаҳар; ҳозирги Давлатобод ёки Хайробод ўринида бўлган.

*Фарова (Афрова)* — Туркманистонда, ҳозирги Қизил Арвот ёнидаги қадими шаҳар.

*Ферузобод* — Ҳиротнинг бир қисми; Ферузобод дарвозаси ҳам бор.

*Фил* — Хоразмда, Амунинг ўнг соҳилидаги Кот шаҳрининг қалъаси. X асрда уни сув ювиб кетган.

*Фороб* — Тошкентдан шимоли-ғарбда, Арис сувининг Сирдарёга қўйилиш жойида, дарёнинг ўнг соҳилидаги қадимий шаҳар. Унинг бошқа номлари: Ўттор, Бороб, Қорачуқ.

Амударё бўйидаги, Чоржўй рўпарасидаги *Фараб* бутунлай бошқа жой. У қадимги ёзма манбаларда *Фараб* дейилган.

*Форс* — 1) Форс вилояти; Эроннинг жанубий қисми; 2) Форс қўлтиғи (халижи Форс).

## X

*Ховоразм* — Хоразм.

*Хазар денизи* — Каспий денизи.

*Хазар дарёси* — Волга.

*Хазария* — Волга бўйидаги хазарлар давлати; X асрда тарқалиб кетгандан кейин Гарбий Европа, асосан, итальян манбаларида Қрим яримороли то XVI асрчага Ҳазария деб аталган.

*Хазарон* — Итил шаҳрининг шарқий қисми, унинг савдо райони шундай аталган.

*Хивақ* — Хива шаҳри.

*Хайлам шаҳри* — Икки сув орасининг сомонийлар давридаги марказий шаҳри.

*Хайлама дарёси* — Норин дарёси.

*Хайтал томон* — Амударёнинг ўнг томони, Мовароуннаҳр томони.

*Хатлон* — Панж ва Вахш дарёлари оралигидаги вилоят. *Хуттал*, *Хутгалон* деб ҳам ёзилган.

*Хвалисское море* — Каспий денизининг русча номларидан бири. Хоразмномига нисбат қилиб олинган.

*Хивақ* — қара: *Хайвақ*.

*Хиз денизи* (*Қиз денизи*) — Туркманистондаги Сариқамиш ботигининг бир номи (Беруний асарида).

*Холижон* — Амударёнинг Орол денизига қўйилиш жойи яқинидаги боткоқлик ер ўрта асрларда шундай аталган.

*Хонбалиқ* — хон шаҳри, хон турадиган шаҳар: 1) Хитой пойтахти, ҳозирги Пекин; 2) Волга этагидаги Итил шаҳрининг гарбий қисми, хон саройи жойлашган район ҳам шундай аталган.

*Хоразм дашти* — Қоракум чўли, унинг шимоли-шарқий қисми.

*Хоразм денизи* (*дарёи Хоразм*) — Орол денизи.

*Хоразми Мовароуннаҳр* — Хоразмнинг шарқий қисми, Амунинг ўнг томони.

*Хоразми Ҳуресон* — Хоразмнинг гарбий қисми, дарёнинг чап соҳили.

*Хузор* — Фузор шаҳри.

*Хулбуқ* — Жанубий Тожикистонда, Кўлоб ёнидаги қадимий шаҳар. Хатлон вилоятининг пойтахти бўлган.

*Хуресон* — ўрта асрларда анча кенг ерлар шу ном билан аталган. Каспий денизидан Ҳиндистон чегаралари гача бўлган жойлар, жумладан, Урта Осиёнинг жанубий вилоятлари ҳам Ҳуресон деб аталган. Алишер Навоий замонида Ҳуресоннинг маркази Ҳирот бўлган.

*Ҳўжанд* — ҳозирги Ленинобод шаҳрининг илгариги номи.

*Ҳўжанд суйи* — Сирдарё.

## Ч

*Чаҳоржўй* — Чоржўй шаҳри.

*Чагониён* (*Чаганиён, Сагониён*) — Сурхондарё ва Вахш водийси, Амударёнинг ўнг томони. Маркази Денов яқинидаги бўлган.

*Чагонруд* — Сурхон дарёси.

*Чин* — Хитой, Хитойнинг марказий қисми. *Чину Мочин* — Бутун Хитой, Катта Хитой.

*Чиночкет (Жинонжикет)*—Х—XII асрлардаги шаҳар; ҳозирги Чинос ёнида бўлган.

*Чир сўйи* — Чирчиқ дарёси.

*Чигот (работи Чигот)*—Тошкент шаҳридан шимолроқда, Келес (Калас) дарёси водийсида бўлган мудофаа қўргони.

*Чигатой улуси* — XV асрларда Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисми.

*Чоҳ* — Тошкент шаҳрининг илк ўрта асрлардаги номи; асосан тожикчадорсча китобларда учрайди.

*Чоҳи Нахшаб* — Қарши қудуғи. Ривоятларга кўра, Муқанна шу қудуқда мўъжизалар кўрсатган.

### Ш

*Шамай* — Қозогистондаги Семипалатинск шаҳри.

*Шантунг* ёзи — қадимий туркий ёдгорликларда Хитойдаги Хуанхэ дарё водийсининг номи.

*Шарқий мұхит* — Тинч океан.

*Шири Шутур ҷўли* — Қорақумнинг шарқий қисми; Мари билан Аму оралиги шундай атаган.

*Шубуркон* — Шимолий Афронистондаги Шибиргон шаҳри. Унинг бошқа номлари: *Шубрикон*, *Шопуркон*.

*Шовдар тоглари* — Самарқанд жанубидаги тоглар, Ургут райони.

*Шозавон тоглари* — Самарқанд жанубидаги тоглар, қишлоқ ва яйловнинг номи.

*Шом* — Сурья; Ўрта денгизнинг шарқий қисми.

*Шом денгизи* — Ўрта денгизнинг шарқий қисми, умуман Ўрта денгиз.

*Шоши вилояти* — Сирдарё ва Чирчиқ оралигидаги ерлар; Тошкент ўлкаси-минг ўрта асрда арабча маиналардаги номи.

*Шоҳ дарёси* — Сирдарё, бальзан Чирчиқ.

*Шоҳрухия* — Тошкентдан жануброқда, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйилиш жойида бўлган шаҳар. Дастребки номи Банокат (Фанокат). Чинизхон истилоси вақтида вайрон қилинган. Уни Амир Темур тиклаб, ўз ўғли Шоҳрух номи билан Шоҳрухия деб атаган.

*Шоҳқадам* — Красноводск шаҳрининг эски номи.

*Шутуркат* — Бинккат (Тошкент) билан Банокат (Шаҳрухия) ўртасида, ҳозирги Янгиёўл билан Пахта станцияси ёнида бўлган шаҳар.

*Шўр денгиз* — Орол денгизининг бир номи. Ҳакимхон тўра Қора денгизни ҳам шу ном билан атаган.

### Э

*Эрдор йўли* — Хоразмдан Россияга бориладиган карвон йўли; Устюрт ва Гарбий Қозогистон орқали ўтган йўл.

*Эронистон* — Эроннинг марказий ва жанубий қисмлари.

### Ю

*Юнон (Юнонистон)*— қадимги Греция.

### Я

*Яик* — қаранг: *Ейик, Жойик*.

*Яксарт* — юнон авторлари Сирдарёни шундай ёзганлар. Аммо бу юононча ном эмас. Асли маҳаллий тилдаги Қасарт номининг юнончада бузиб ёзилганидир.

*Яман денгизи* — Қизил денгизнинг жанубий қисми.

*Ямор* — Объ дарёси.

*Янги* — Янгиқент; XIII аср бошида Тараз шаҳри Чингизхон томонидан вайрон этилгач, кейинчалик унинг ўрнида барпо этилган Янги шаҳар. Ҳозирги Жамбул шаҳри ёнида бўлган.

*Жанкент (Янгиқент)* — Сирдарё этагидаги қадимги шаҳар; харобалари Ка-

залинск шаҳридан 25 км масофада, Сирдарёнинг чап томонида, Орол деңгизи кўлтиқаси бўйида. Арабча Қарият ал-Ҳадиса, Мадинат ал-Жадида, тожикча Дечинав.

Янги Урганч — XVII асрда барпо этилган шаҳар, ҳозирги Урганч.

Янгиқалъа — Эски Оренбург шаҳрининг иорасмий маҳаллий номи.

Янжу ўгуз (Инжу, Енжу) — қадимий туркий ёдгорликларда тилга олинган Урта Осиё дарёси. уни Сирдарё деб таҳмин қилинади, лекин Зарафшон дарёси бўлиши ҳам мумкин.

Ясси — ҳозирги Туркистон шаҳри ёнидаги қишлоқ; Аҳмад Яссавийнинг туғилган жойи.

Яшил ўгуз — ўрхун ёзувларида Хуаниҳа дарёсининг номи.

Яхудия — Шимолий Афғонистонда, Жузжон вилоятининг катта шаҳарларидан бири бўлган. Ҳозирги Майманага яқин. Унинг бошиقا номлари: Жухудон, Яхудои.

Яъжуж-Маъжуж ери (Яъжуж-Маъжуж) — афсонавий мамлакат; бу, гуёв яъжуж ва маъжуж номли ёввойи қабилаларининг ери эмиш. Шарқ географлари ўз карталарида бу мамлакатни дунё чеккасида деб тасвиrlаганлар. Маҳмуд Кошгари (XI аср) картасида у Хитой билан Ҳиндистон ўрталигида тасвиrlанган. Идрисий (XII аср) уни Сибирь шимолида деган. Бироқ «Яъжуж ва Маъжуж ери» дунёning ҳеч қаерида йўқ.

## K

Қабодиён (Қуводиён) — Тожикистонда, Коғирниҳон дарёси бўйида (Аму-дарёдан 70 км шимолда, Шаҳритуз ёнида)ги қадимий шаҳар.

Қадирқон иши — қадимий туркий манбаларда Катта Хинган тоғи.

Қалаҳ (Қала) — Малакка яримороли ва у ерда бўлган шаҳар. «Қалай» сўзи шу номдан олинган.

Қанғқа — Сирдарё («Шоҳнома»да).

Қанғу Тарбан — қадимий туркий манбаларда Утрор шаҳри шундай аталган.

Қибрит — Қипр ороли; Қибрис деб ҳам ёзилган.

Қомул — Гарбий Хитойдаги Ҳами шаҳри.

Қорамурон — Хуаниҳа дарёси.

Қорасомон — Утрор (Фороб) чеккасида бўлган шаҳарча.

Қоратегин — Тожикистонда, Душанбадан шимоли-шарқ томондаги тоғли район, ҳозирги Farm атрофлари.

Қоратенгиз — Сарқамиш кўли (Хоразм воҳасининг гарбий чеккасида) шундай аталган.

Қорачук — 1) Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрининг бир номи; 2) Жанубий Қозогистондаги Қоратов; 3) Туркистон шаҳри ёнидаги бир қишлоқ.

Қорақурум — Урта аср шаҳри; ҳозирги Монголияда, Ўрхун (Орхон) дарёси бошшариди бўлган.

Қоғ (қўҳи Қоғ) — афсонавий баланд тоғ, гуёв Ер чеккасини ўраб олган. Баъзан Қавказ тоғлари, Помир, Конетдоғ ҳам Қоғ дейилган.

Қубо — Қува шаҳри (Фарғона водийси).

Қулзум — 1) Кизил деңгиз; 2) унинг шимолидаги шаҳар; ҳозирги Сувайш ўрнида бўлган; 3) Каспий деңгизи ҳам баъзан шундай аталган.

Қулон шаҳри — Қирғизистондаги Луговое (Тортти) станцияси.

Қумид — Тожикистонда, Дарвоз тоғларининг бир номи.

Қурдор — Амударё этакларидаги ўрта аср шаҳри, ҳозирги Чимбой шаҳри.

Қурдор деңгизи — Орол деңгизи.

Қушибония — Каттақўрон ёнидаги қадимги шаҳар.

Қурдум — Орол деңгизи ва унинг теварагида бўлган юртлар (фольклорда).

Қўстантин — Константинополь (Византия, Истанбул) шаҳрининг номи.

Қўстантиния деңгизи — Эгэ деңгизи, Мармарса деңгизи ва Ўғозлар.

Қўчқорбоши — Қирғизистон тоғларида, ҳозирги Қўчқор дарёси бўйида бўлган илк ўрта аср шаҳри. уни Қўчинкорбоши деб ҳам ёзганлар.

## F

Ғазна (Ғазнин) — Ғазни шаҳри (Афғонистонда).

Ғарбий муҳит — Атлантика океани.

*Гарбий Туркистон* — Ўрта Осиёे Туркистони.

*Гарҷистон* (*Гарҷ, Гаржистон*) — 1) Шимолий Афғонистонда, Мурғоб дарё-сининг бошларидағи тоғлик вилоят; 2) Гарҷистони Самарқанд — Зарафшон дарёсінин шошидаги тоғлик ўлка; Қоратегин ҳам шунга қўшилган.

Умуман, гарҷ сўзи тоғлик ери, кўҳистонни англатади, яғиоб тилида тоғни гар дейишган. Галча сўзи ҳам гарҷ сўзидан олинган деган тахмин бор.

*Ғилон денгизи* — Каспий денгизи.

*Ғуз чўли* — Қорақум чўли.

*Ғур* — Афғонистонда, Ҳиндукӯш тогларининг гарбий кисмидаги тоғлик вилоят; Ҳерируд дарёсининг жанубий томони; Ҳирот билан Бомиён оралиги.

## Y

*Үгурча (Ағрича)* — Қаспийнинг шарқий соҳилинда, Үзбўйнинг дентизига қуиши жойидаги шаҳар. Ҳозир Үгурчи ороли бор.

*Ўзбек улуси (дигери ўзбек, вилояти ўзбек)* — Урал дарёсининг шарқ томонидаги ўлка XIV аср охирида шундай аталган.

*Ўзбекистон* — ҳозирги маънисидан бошқа маъмолари ҳам бўлган: 1) Балхаш кўлийнинг шимоли «Ўзбекистон» дейилган; 2) Жанубий Тоҷикистон билан Сурхондарё водийи «Ўзбекистон» дейилган.

*Ўзган* — 1) Сирдарёнинг чап соҳилида, ўрта оқимида бўған илк ўрта аср шаҳри; 2) Фарғона водийининг шарқидаги Ўзган шаҳри.

*Ўзган дарёси* — Қорадарёнинг бир номи; баъзан Сирдарё.

*Ўқуз (Ўгуз)* — Амударёнинг энг қадимги маҳаллий номларидан бири. Умуман ўқуз — дарё деган сўз.

*Ўртоқ тоглари* — Қирғиз Олатови тизмаси.

*Ўтрор* — Тошкентдан шимоли-гарбда, Арис сувининг Сирдарёга қўйиниш жойида бўлган қадимий шаҳар. Унинг вайроналари ҳозирги Темур станциясидан 7 км шимоли-шарқда, Шауудар районида. Бошқа номлари: *Фороб, Қорачуқ, Амир Темур* вафот этган жой.

*Ўтуқен, Етикең* — қадимий туркий ёдгорликларда тилга олинган ўрмонли тоглар; Монголиядаги Шарқий Ҳангай райони.

*Ўч* — Гарбий Хитойдаги Учтурфон шаҳрининг эски номи.

*Ўқиёнус* — айнан «океан» деган сўз; кўпинча, Атлантика океани шундай аталган.

## X

*Ҳо Дарвеш чўли* — Қароқчиум чўли (Фарғона водийисида).

*Ҳабаш (Ҳабаша)* — Ҳабашистон, Сомали, баъзан бутун Жануби-Шарқий Африка.

*Ҳабаш дентизи* — Адан кўлтиғи ва Сомали ўриморолининг атрофи. *Барбар* дентизи деб ҳам ёзилган.

*Ҳазора* — 1) Қарманда шаҳридан ғарброқда, Зарафшоннинг чап қирғогидағи кўҳна қалъа; 2) Афғонистон марказидаги тоғли вилоят.

*Ҳери* — Ҳирот шаҳрининг номи.

*Ҳирот* — Афғонистон шимолидаги шаҳар. Осиёнинг энг кўҳна маданий марказларидан бири. Алишер Навоий шу ерда туғилган.

*Ҳирот дарвозалари* — Ҳирот шаҳрининг дарвозалари: дарвозаи Ирок, дарвозаи Малик, дарвозаи Ферузбод, дарвозаи Хуш ва дарвозаи Қипчоқ.

*Ҳирот дарёси* — Ҳерируд, Тажаккинг бошланниши.

*Ҳисор* — Тоҷикистонда, ҳозирги Душанба ёнидаги қадимий қалъа ва вилоят. Ҳисори Шодмон — шу шаҳарнинг бир номи. «Шодмон» сўзи қадимий «шу-мон» номининг ўзгарганидир, деган мулоҳаза бор.

*Ҳовар* — Шарқ мамлакатлари» деган сўз; асосан, Ўрта Осиёдан шарқда бўлган ерлар шундай аталган.

*Ҳожи Тархон* — ҳозирги Астрахан шаҳрининг дастлабки номи. Гарбий Европада Цитракан деб ҳам юритилган. Ибн Баттутанинг ёзишича, XIV аср бошларидан барпо этилган бу шаҳар бир ҳожига тархон (мулк) қилиб берилган.

*Ҳўрмуз* — Форс қўлтиғининг шарқида, дентизига қўшилиш олдидаги бандар (порт).

*Ҳўрмуз дентизи* — Форс қўлтиғи.

## МУНДАРИЖА

### МУҚАДДИМА

3

### XV АСРДА ГЕОГРАФИЯ

#### IX—X АСРЛАРДА ГЕОГРАФИЯ

Муҳаммад Хоразмий . . . . .	10
Аҳмад Фароний . . . . .	20
Жайхоний . . . . .	22
Абу Зайд Балхий . . . . .	25
Наршахий . . . . .	29
Номаълум муаллиф асари . . . . .	31
Абу Абдулла Хоразмий . . . . .	45

#### XI АСРДА ГЕОГРАФИЯ

Абу Райхон Беруний . . . . .	47
Географияга доир асарлар . . . . .	59
Ернинг геологик тарихи тўғрисида . . . . .	72
Ер юзининг қиёфаси . . . . .	75
Шарқ географиясида «етти иқлим» ва «маъмур» тушиунчалари . . . . .	84
Дунё картаси . . . . .	88
Беруний глобуси . . . . .	93
Беруний «Фарбий қитъя» тўғрисида . . . . .	95
Амударё ва Қоракум тарихи . . . . .	98
Урта Осиё ва Хурисон шахларлари тўғрисида . . . . .	101
Ибн Сино . . . . .	105
Гардезий . . . . .	109
Носир Хисрав . . . . .	110
Маҳмуд Кошғарий . . . . .	116
Тоҳир Марвазий . . . . .	138

#### XII—XIV АСРЛАРДА ГЕОГРАФИЯ

Ҳарақий ва Замахшарий . . . . .	139
Самъоний . . . . .	141
Ёқут Ҳамавий . . . . .	142
Чагминий . . . . .	143
Муҳаммад Авғий . . . . .	144
«Жаҳоннома» . . . . .	145
Фаҳриддин Банокатий . . . . .	148

Хоғизи Абрунинг географик асарлари . . . . .	151
Ғиёсиддин Наққош . . . . .	160
Абдураззоқ Самарқандий . . . . .	161
Улугбек географияси . . . . .	168
Хусайн Кубравий . . . . .	178
Али Қушчи . . . . .	178

#### XVI АСРДА ГЕОГРАФИЯ

Заҳриддин Бобир . . . . .	183
Бобир изидан . . . . .	183
Муҳаммад Ҳайдар Мирза . . . . .	206
Гулбаданбегим . . . . .	209
Хоғиз Таниш Бухорий . . . . .	210
Маҳмуд Рижделовоний . . . . .	212
Утамиш Ҳожи . . . . .	214

#### XVI АСР ОХИРИ ВА XVII АСРДА ГЕОГРАФИЯ

Султон Балхий . . . . .	215
Маҳмуд ибн Вали . . . . .	216
Саид Муҳаммад Тоҳир . . . . .	218

#### XVIII—XIX АСРЛАРДА ГЕОГРАФИЯ

Маҳтумқули—туркман булбули . . . . .	221
XVIII—XIX асрдаги Хоразм тарихи-географлари . . . . .	226

#### XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ

Шайх Сулаймон Бухорий . . . . .	231
Аҳмад Ҷониш . . . . .	232
Ҳожи Юсуф Ҳайъатий . . . . .	236
<b>ҲУЛОСА</b> . . . . .	240
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> . . . . .	245
<b>ИЛОВА</b> . . . . .	246

На узбекском языке

*Хамидулла Хасанов*

Доктор географических наук, профессор, заслуженный деятель науки УзССР

**УЧЁНЫЕ-ПУТЕШЕСТВЕННИКИ**

Издательство «Узбекистан» — 1981 — Ташкент, 3-700129, Навои, 30.

ИБ № 1360

Редактор З. Тинчерова

Рассом Ю. Кученков

Балкий редактор А. Соибназаров

Техредактор С. Собирова

Корректорлар: М. Содикова ва Ш. Гофурова

Теришга берилди 28. 02. 1980 й. Босишига рухсат этилди 4. 02. 1981 й. Р-14631.  
Формати 60×90<sup>1/16</sup> № 1 босма қозозига «Литературная» гарнитурада юқори босмада  
босилди. Шартли бос. л. 16,5. Шартли кр.-отт. 16,75. Нацр. л. 17,96. Тиражи 10000.  
Заказ № 210. Баҳоси 70 т.

«Узбекистон» нашриёти, Шартнома 419—79. Тошкент, 3—700129. Навоий қўчаси, 30.

УзССР Министрлар Совети Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг  
2- босмахонаси. Янгийўл ш., 702801, Самарқанд қўчаси, 44.

## X-31 Ҳасанов Ҳ.

Сайёҳ олимлар.— Т.: «Ўзбекистон» 1980.— 264 է.,  
расм., жадвал.— Фойдаланилган адабиётлар: б. 262.

Қўлинигиздаги китобда ўртассиёлик ва хурсонлик сайёҳлар ва  
географ олимларнинг жаҳон фани ва маданияти ҳазинасига қимматзи  
хисса қўнганилиги, уларнинг ҳаёти, ижодий фаолиятлари ва сайдат-  
лари оммабоп тыда, очерк тарзида баён қилинган.

Китоб ўрта Осиё ва қўинимиз Афғонистон география фани тарихи,  
сайёҳ олимларнинг ҳаёти ҳамда асарлари билан қизиқувчи кепт  
китобхонлар оммасига, ўқитувчилар ва студентларга мўлжалланган.

**Ҳасанов Ҳ. Учёные путешественники.**

26.8Г

X  $\frac{20801-51}{M351(04)81}$  81-0505040000

№ 866—81  
Навоийномли ЎзССР  
давлат кутубхонаси.